

82.3/5у1

и-18

Хаср

ЎЗБЕК

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ



АНТОЛОГИЯ

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент—2017

УЎК: 398(575.1)(082.21)

КБК 82.3(5Ў)

Й 18

Тузувчилар:

**Олим ТЎЛАБОЕВ, Маматқул ЖЎРАЕВ, Баҳодир КАРИМОВ,
Хабиб АБДИЕВ, Иброҳим САЙДОВ**

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,
филология фанлари доктори, профессор Маматқул ЖЎРАЕВ

Тақризчилар:

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор
Олим УСМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Й 18

«XX аср ўзбек фольклоршунослиги». Антология [Матн] / Тузувчилар: О. Тўлабоев ва бошк. – Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 592 б.

Халқимиз поэтик тафаккурининг бекиёс даҳоси туфайли яратилган оғзаки бадиий ижод дурдоналарини ёзib олиш, нашр этиш ва ўрганиш борасида самарали иш олиб борган фольклоршуносларнинг ижодий фаолияти ҳакида муҳтасар маълумотларни ўзида жамлаган мазкур антология ўзбек фольклорининг турли масалаларини тадқиқ этишга доир мақолалардан тузилган. Мажмуудан ўрин олган тадқиқотлар XX асрда ўзбек фольклоршунослиги фанининг шаклланиши ва тараққиётини ўзида мужассамлаштирганлиги билан эътиборни тортади.

Антология ўзбек халқ ижодини ўрганувчи фольклоршунослар, филолог олимлар, олий ўкув юрглари талабалари ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

УЎК: 398(575.1)(082.21)
КБК 82.3(5Ў)

Китоб A-1-107 рақамли «XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги» ва «XX аср ўзбек фольклоршунослиги» антологияларни нашрга тайёрлаши» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тайёрланди ва «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг 27 сентябрь мажлис баённомаси қарори асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-07-566-5

© О. Тўлабоев ва бошк., 2017.

© «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти, 2017.

ХХ АСР ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОСХУСИЯТЛАРИ

Халқимиз бадиий салоҳиятининг асрлар давомидаги изчили тараққиёти натижасида хилма-хил жанрлардан иборат оғзаки бадиий ижод дурдоналари яратилган. Бинобарин, ўзбек халқ ижодиёти аждодларимизнинг кўп асрлик бадиий тафаккур дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо миллий қадриятларимиздан биридир. Фольклоршунослик эса асрлар давомида яратилиб, ривожланиб келган халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш, фольклор асарларини архивлаштириш, унинг энг яхши намуналарини нашр этиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан шуғулланади.

Ўзбек фольклори асарларининг тўпланиши ва ёзиб олиниши тарихи ҳақида сўз юритилганда X асрда яшаб ижод қилган машхур муаррих Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида шаҳар ва қишлоқ номлари, тарихий обидалар ҳамда ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги халқ ривоятлари, афсоналари келтирилганлиги; XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарий туркий қавмлар диёрини кезиб, мақол, матал, кўшиқ, ривоят ва афсона сингари фольклор жанрларига оид бой материалларни ёзиб олиб, «Девону луғотит турк» асарига киритганлигини эслаш керак бўлади. Шунингдек, мақол ва маталларни ёзиб олиб, уларнинг хусусиятларини ўргангандан Маҳмуд Замахшарий, қадимги хоразмликларнинг миф, афсона, ривоят ва ҳикоятларини «Қисаси Рабғузий»га жамлаган Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий; ўзбек халқ шеъриятининг жанрлар таркиби хусусида фикр юритган Алишер Навоий; улуғ ўзбек шоири тўғрисидаги халқ ривоятларини нақл қилган тарихнавис Хондамир; мусиқа фольклорининг турли хил жанрий ранг-баранглигига доир материалларни ёзиб қолдирган Дарвеш Али Чангий; ўзбек халқининг урф-одатлари, маросимлари, мақол ва

ҳикматли сўзлари, ривоятлари ҳақида қизикарли фактларни келтирган Захириддин Мухаммад Бобур; ўзи тузган луғатда халқ қўшиқларидан мисоллар келтирган Шайх Сулаймон Бухорий ўзбек фольклори асарларининг илк тўпловчилари эдилар.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда фаолият юргизган шарқшунос, тилшунос, этнограф, фольклоршунос олимлар, шунингдек, ўлкашунос ва сайёҳлар – А. Диваев, А. Эйхгорн, А. Н. Самойлович, Н. П. Остроумов, В. Вяткин, Л. Кунь, Н. Ли-кошин, П. Комаров, А. Хорошхин, К. Г. Зелеман, Ю. Казбеков, Л. Бундзинский, М. Ростиславов ва бошқалар маҳаллий аҳолининг фольклори, ирим-сиримлари, мифологик эътиқодлари, маросим ва удумлари, анъанавий таквими, байрам ва сайилларига оид материалларни ёзib олиб, асосан, рус тилида нашр эттирадилар.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини бевосита жонли ижродан ёзib олиш, тўплаб нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. «Маориф» журналининг 1918 йил 1-сонида халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўпловчилар учун қўлланма чоп эттирилиши билан ўзбек фольклори материалларини илмий асосда ёзib олишга асос солинган. Фольклор асарларини тўплаш ва ўрганиш ишлари 1918–20 йилларда Туркистон Маориф халқ комиссариатининг Туркий секцияси, 1921–24 йилларда эса Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъатининг Тошкент вилояти Бўстонлик туманига (1921), Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига (1922), Фарғона водийсига (1922) уюштирган фольклор экспедициялари, айниқса, самарали бўлган. Бу илмий сафарларда қатнашган Фози Олим Юнусов ва Ғулом Зафарий лапар, ўлан, болалар қўшиқлари, оғзаки драма, эртак ва афсона, маросим фольклорига оид материалларни ёзib олишган. Ўзбек билим ҳайъати томонидан ташкил этилган фольклор-этнографик экспедицияларга бошчилик килган F. O. Юнусов халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплаш ва оммалаштиришнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби халқ баҳшиларини аниқлаган F. O. Юнусов ўзбек эпосшунослиги тарихида биринчи бўлиб 1922 йилнинг ёзида Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул

бахшилардан «Алпомиш» достонидан парчалар ёзиб олган, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида бўлиб, кўплаб қўшиқ, эртак, афсона, макол, топишмоқ ва ривоятларни ёзиб олган, ўзбек маросим фольклорига доир кузатишлар олиб бориш билан бир қаторда бой этнографик материалларни ҳам тўплаган.

1925–28 йилларда фольклористик ишлар Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитетида марказлаштирилган. Бу даврда Фози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Абдулла Алавий каби миллий қадриятларимиз фидойилари халқ бахшиларини, эртакчи ва қўшиқчиларни аниқлаш, уларнинг репертуаридаги асарларни ёзиб олишни ташкил этиб, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Берди бахши, Абдулла шоир ва бошқа кўплаб бахшилардан халқ достонларини ёзиб олишган. Бу шарафли ишга Махмуд Зарифий, Исо Эрназар ўғли, Фотима (хозиргача тўла исми-шарифи аниқланмаган), Товфиқ Мустафоев, Баҳром Иброҳимов, Муқим Ҳамзабеков, Назарқосим Мирзабеков, Ҳусайн Каримий каби ҳаваскор фольклор тўпловчилар ҳам жалб қилинган.

XX асрнинг 20–30-йилларида В. А. Успенский, Н. Н. Миронов, Е. Е. Романовская, Юнус Ражабий ўзбек мусика фольклори асарларини ёзиб олган бўлишса, Ғулом Зафарий, А. К. Боровков, К. К. Юдахин, М. Ф. Гаврилов ўзбек халқ оғзаки театри анъаналарини ўргандилар. Фози Олим Юнусов, Элбек, Е. Д. Поливанов, Л. Потапов, Бекжон Раҳмон, Ҳ. Зарифов, А. К. Боровков, Е. М. Пешчерева, В. Дружинин, В. Г. Андреев, Қ. Рамазонов, А. Алавий, Ш. Ризо, Ш. Рўзи, Ш. Абдуллаева, Б. Каримий, М. Алавия ва бошқалар ўзбек фольклорининг энг нодир асарларини ёзиб олиш мақсадида ташкил этилган дастлабки фольклор экспедицияларида фаол қатнашдилар.

Ўзбек фольклоршунослигининг филологик йўналишдаги фан сифатида шаклланиши Ҳ. Зарифов илмий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш, нашр этиш ва ўрганишга улкан хисса қўшган бу олимнинг ташаббуси билан 1928 йилда ташкил этилган «Этнография фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети» негизи-

да кейинчалик Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлими юзага келган. Ҳ. Т. Зарифов ана шу бўлимнинг раҳбари сифатида бутун умрини ўзбек халқ оғзаки ижодиётини тўплаш ва илмий ўрганишга бағишлаган. Ўзининг фольклоршунос сифатида илм фаолиятини тўпловчиликдан бошлаган Ҳ. Т. Зарифов Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан ва Ислом шоирдек забардаст сўз санъаткорларини аниқлаб, уларнинг ижодий меросини тўплаган. Бу бахшилардан ёзиб олинган «Алпомиши», «Ёдгор», «Жаҳонгир», «Рустам», «Равшан», «Очилов», «Ҳасан батрак», «Юсуф ва Аҳмад», «Авазнинг уйланиши», «Мардикор», «Шайбонийхон» каби достонлар ўзбек эпосининг энг ажойиб намуналари сирасига киради. У 1929 йилда Қашқадарё–Сурхондарё воҳаларида бўлиб, Абдулла Нурали ўғли, Холёр Абдукарим ўғли каби чечан бахшилар ижодиётини ўрганган. 1930 йилги Хоразм фольклор-этнографик экспедицияси чоғида эса Бола бахши, Курбон созчи, Биби шоира, Аҳмад Матназар ўғли, Хўжаёр бахши Воис ўғли каби халқ шоирларидан «Асилхон», «Хирмондали», «Кирқ минг» достонларини ёзиб олган. 1935 йили Фаргона водийси достончилик мактабининг Бўри Содиқ ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Умрзок бахши, Ҳасан Худойберди ўғли, Ҳасанбой Расул ўғли каби ижрочиларни аниқлаган.

Ҳ. Т. Зарифов ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб, XX асрнинг 20-йилларида ёк халқ ижоди асарларини тўплаш ва нашр этиш учун маҳсус транскрипция ишлаб чиқсан. Бу илмий принцип чукур назарий билим ва кенг кўламли матний тайёргарликка асосланганлиги учун ҳам хозирга қадар нафақат ўзбек, балки қардош туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам самарали қўлланилмоқда. Ўтган давр мобайнида шу принцип асосида «Ўзбек халқ ижоди» кўпжилдлигининг қирққа яқин жилди, икки жилдлик «Ўзбек халқ мақоллари», «Рустамхон» ва «Алпомиши» достонларининг академик нашрлари, икки жилдлик «Ўзбек халқ эртаклари», «Ўзбек халқ достонлари» кўпжилдлик силсиласи, достон, эртак, мақол, қўшиқ, топишмоқ, латифа каби жанрларга оид матнларнинг алоҳида нашрлари чоп эттирилди.

Ҳ. Зарифов «Шайбонийхон», «Равшан», «Малика айёр», «Чамбили қамали», «Кунтуғмиш», «Ойсулув», «Ёдгор», «Кундуз билан

«Олдуз», «Очилов», «Хуршидой», «Маматкарим полвон», «Жиззах кўзголони», «Ҳасан батрак», «Алпомиши», «Якка Аҳмад», «Холдорхон» каби достонларни нашрга тайёрлаган. У «Ўзбек фольклоридан намуналар» (1939), «Ўзбек фольклори» (1939), «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» (1947), «Ўзбек халқ шоирларининг ижоди» (1958), «Ўзбек шеърияти антологияси» (1-жилд, 1961) мажмуаларининг ҳам ноширидир. У ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, фольклоршунослик тарихи, халқ шоирларининг ижоди ва ижрочилик маҳорати, репертуари, эпик анъана, достонлар таснифи, достончилик санъати, Кўргон, Булунғур, Шахрисабз, Хоразм, Жума каби достончилик мактабларининг ўзига хос хусусиятлари каби эпосшуносликнинг назарий масалаларига доир асарлар яратган.

Ўзбек фольклоршунослиги мактабининг асосий илмий йўналиши халқ ижодиёти юзасидан фундаментал илмий тадқиқотлар яратишдан иборат бўлиб, Ҳ. Зарифовнинг илк тадқиқотлари билан ўзбек фольклорини илмий ўрганиш ишига асос солинган. Айниқса, унинг йирик эпосшунос В. М. Жирмунский билан ҳамкорликда яратилиб, рус тилида нашр эттирилган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» монографияси, шунингдек, ўзбек халқ достонларининг эпик табиати ва тарихий асосларини текширишга оид қатор мақолалари халқ эпосини фундаментал тадқиқ этишнинг мумтоз намунаси бўлиши билан бирга ўзбек фольклоршунослиги мактабининг илмий-назарий асоси ҳам ҳисобланади.

Ўзбек маросим фольклори жанрларининг тўпланиши ва ўрганилиши фольклоршунос олима Музайяна Алавия номи билан боғлиқдир. У Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ қўшиқлари, афсона, ривоят, эртакларни тўплаган. Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Боймурод Боймат ўғли, Ҳайдар Бойчаев, Абдулла шоир Нурали ўғли, Умр шоир Сафаров, Кўзи ва Тўқли Рўзиев каби халқ бахшиларидан ўнлаб термалар ва достонларни ёзib олган. Олиманинг кўп йиллик изланишлари натижасида «Ўзбек халқ қўшиқлари» (1955), «Янги қўшиқлар» (1959), «Ўзбек фольклоридан намуналар» (1955), «Оқ олма қизил олма» (1979), «Халқ қўшиқлари» (1983)

каби тўпламлар юзага келган. У Фозил Йўлдош ўғлиниң «Интизор» достонини нашрга тайёrlаган. М. Алавия ўзбек халқ маросим қўшиқларининг мавзу қамрови, ғоявий мазмуни, бадиий хусусиятлари, ижтимоий моҳияти, қўшиқчиларнинг ижрочилик санъати, қўшиқларпинг тарихий асосларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар муаллифидир.

Ўз илмий фаолиятини 1932 йилда Тошкентдаги Маданий қурилиш институтида бошлаган Мансур Афзалов ўзбек халқ насли асарларини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганишга катта хисса қўшган. Ўзбек халқ эртаклари, достон ва афсоналарни тўплаб, тадқиқ этган М. Афзалов Ислом шоирнинг «Орзигул» (1940, 1956, 1961), «Гулихиромон» (С. Асқаров билан ҳамкорликда, 1965), Фозил шоирнинг «Ширин билан Шакар» (1955), «Муродхон» (Х. Расул билан ҳамкорликда, 1956), «Балогардон» (Х. Расул билан ҳамкорликда, 1957), «Фарҳод ва Ширин» (1966), «Зулфизар» (1969), Эргаш Жуманбулбул ўғлиниң «Хушкелди» (1962) достонларини нашрга тайёrlаган. У Ислом шоир «Танланган асарлар»и (1953), «Ўзбек фольклоридан ўкув материаллари» (1950), «Ўзбек достонлари» (1956–58), «Ўзбек шеърияти антологияси» (1948), «Ўзбек халқ эртаклари» (1951), «Ўзбек халқ эртаклари» (1960–62), «Ўзбек халқ мақоллари» (1958–60) мажмуаларини ҳам чоп эттирган.

Ўзбек халқ насрининг жанрлар таркиби, халқ баҳшилари нинг ҳаёти ва ижоди, фольклор ва ижтимоий ҳаёт, фольклоршунослик тарихи масалалари билан шуғулланган олимнинг «Ўзбек халқ эртаклари ҳақида» (1964) асари ўзбек эртаклари ҳақидаги биринчи йирик тадқиқотdir. Бу китобда ўзбек халқ эртаклари тасниф қилинган, эртакларнинг ўрганилиш тарихи, образлар тизими, мотивларнинг тарихий асослари, эртакларнинг юзага келиш тарихи ва бадиий хусусиятлари, эртак ижрочилиги тадқиқ этилган.

Ўзбек фольклорини тўплаш, нашр этиш, тадқиқ этишга катта хисса қўшган олима З. Ҳусаинова 1951 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияси сафида Республикализнинг барча вилоятларида, Жанубий Тожикистон ва Ўзда бўлиб, халқ оғзаки ижодиётининг қўшиқ, мақол, топишмоқ,

Әртак, латифа каби жанрларига доир матнларни түплаган. Бекмурод Жўрабой ўғлидан «Малика айёр», «Холбека» (1946), Умр Сафар ўғлидан «Зандигор» (1949), Абдулла Нурали ўғлидан «Алпомиши», Тошмурод бахши Тўрабовдан «Майда савдогар», Ҳамро Эргашевдан «Алпомиши», Ниёз Алимқул ўғлидан «Юсуф ва Аҳмад», Бекназар Раҳматовдан «Қорақум» достонларини ёзил олган. Олима «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам» (1958), «Гулнор пари» (1965), «Гулшанбоғ» (1966), «Авазхон» (1967), «Холбека» (1968), «Алибек ва Болибек» (1973), «Тўлганой» (1974), «Чамбил қамали» (1978), «Авазхоннинг ўлимга хукм этилиши» (1976), «Машриқо» (1988) достонларини нашрга тайёрлаган, шунингдек, профессор Т. Мирзаев билан ҳамкорликда Нурали Нурмат ўғли ва Абдуғафур Шукуров каби эртакчилардан ёзил олинган эртак, нақл, латифалар ҳамда Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» туркум достонларни чоп эттирган.

Халқ театрини ўрганишни анъанавий оғзаки драмаларни ёзил олишдан бошлаган М. Қодиров 1958 йилдан бошлаб Ҳамзаномидаги Санъатшунослик институтининг фольклор экспедицияси таркибида Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Ўш, Хоразм вилоятларида бўлиб, 300 га яқин халқ театри ижрочиларининг ижодий фаолиятини ўрганганд, эллиқдан ошиқ профессионал ва ҳаваскор масҳарабозлар билан ижодий сұхбатлар ўтказган, юзга яқин халқ драмаси, кулги-ҳикоя ва қизиқчилик намуналарини ёзил олган, кўплаб пантомима, халқ рақслари ва томоша санъатига доир материаллар түплаган. М. Қодиров томонидан йиғилган материаллар ўзбек халқ томошаша санъатини ўрганишда янги йўналишларни очиб берди. Чунки илгари «ўзбек халқ театри» деганда фақат Фарғона водийси қизиқчилик санъати назарда тутиларди, холос. М. Қодиров эса республикамида ўзбек халқ театрининг Бухоро, Кўқон ва Хоразм мактаби мавжудлиги ҳамда ҳар бир анъананинг умумий ва ўзига хос томонларини аниқлаган. У ўзбек халқ оғзаки драмасининг фольклор асари сифатидаги ўзига хос бадийи хусусиятлари, образлар тизими, халқ санъаткорларининг ижрочилик маҳоратини чуқур тадқиқ этиб, театр фольклоршунослиги йўналишига асос солган.

Ўзбек халқининг мусиқа меросини тўплаш билан изчил шуғулланган Ю. Ражабий 1955–59 йилларда ўзи тўплаган материаллар асосида мингдан ошиқ халқ қўшиклари ва чолғу куйларини ўз ичига олган «Ўзбек халқ мусиқаси» мажмуасининг беш жилдини нашр эттирган. У Тошкент–Фарғона мақом йўллари, Бухоро «Шашмақом»и ва унинг таркибий қисмларини тўплаб, мукаммаллаштириб нашрга тайёрлаган ҳамда 1966–75 йиллар давомида олти жилдлик китоб ҳолида чоп эттирган.

Фольклоршунос олим Р. Мұхаммадиевнинг ташаббуси ва иштирокида асқия санъати материалларини тўплаш, ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида маҳсус фольклор экспедициялари ўтказилган. 1961 йилда Фарғона водийсида иш олиб борган биринчи экспедицияда асқия жанрининг тарқалиш доираси ва тарихий тараққиётини ўрганишга доир материаллар тўпланган, асқия пайровларини ёзib олинган. 1963 йилда ўтказилган иккинчи экспедиция чогида машҳур асқиябозларнинг репертуари тадқиқ этилган. Устоз сўз санъаткорлари ҳақидаги хотиралар, ривоятлар, латифалар ва ўзбек асқиячиларининг ижодий мероси тўпланган. 1965 йилнинг ёзида эса Фарғона водийсининг шимолий туманларида, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидағи ёш асқиячилар ижодиёти ўрганилган.

Ўзбек халқ достончилигига бадиий маҳорат масалаларини чуқур тадқиқ этган М. Сайдов «Нурали», «Зулфизар», «Гулнор пари», «Авазхон», «Мисқол пари», «Тоҳир ва Зухра», «Суманбар», «Зевархон», «Варқа билан Гулшоҳ», «Вомиқ ва Узро», «Балхувон», «Гулшанбог» достонларини чоп эттирган. Ўзбек фольклорини тўплаш, нашр эттириш ва ўрганишга катта ҳисса қўшган Ж. Қобулниёзов Хоразм халқ достонлари ва қўшиқларини ёзib олиб, халфалар ижодини ўрганганд. Бола баҳши Абдуллаевдан «Бозиргон», «Авазхон», «Ошиқ Маҳмуд», Маҳмуд Юсуповдан «Ошиқ Маҳмуд», «Сайёдхон ва Ҳамро» достонларини ёзib олиб, 1966–70 йилларда чоп эттирган. 1966 йилда эса ўзи тўплаган халқ қўшиқлари асосида «Хоразм халқ қўшиқлари» тўпламини нашр эттирган.

Ўзбек фольклори асарларини тўплаш ва системалаштириш ишига катта ҳисса қўшган М. Муродов 1959 йилдан то 90-йил-

ларнинг охиригача республикамизнинг турли вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, Юсуф Ўтаган ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Ҳусан бахши Ражаб ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Усмон Мадумар ўғли, Эшқобил Кўшок ўғли, Ҳазраткул Худойберди ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Ҳушвакт Мардонакул ўғли каби бахшиларнинг репертуарини ўрганган, юзлаб эртак, ривоят, афсона, мақол ва топишмоқларни ёзиг олган. У «Гўрўғлиниң туғилиши», «Хиламан», «Баҳром ва Гуландом», «Зевархон», «Гулруҳ пари», «Коракўз ойим», «Жорхун мастон», «Нурали» каби достонларни нашрга тайёрлаган. Ўзи ёзиг олган материаллар асосида «Алломалар ибрати» (1983) ривоятлар тўплами ва «Ўзбек халқ фантастикаси» силсиласидаги «Оймома аждаҳо» (1983), «Қора дев» (1984), «Ёнар дарё» (1985), «Илон пари» (1986) «Само тулпори» (1987), «Гулиқаҳқаҳ» (1988), «Олтин олма» (1989) каби эртак мажмуаларини чоп эттирган.

XX асрнинг 40–80-йилларида Ҳ. Зарифов, А. Алавия, М. Афзалов, М. Тошпўлатова, З. Ҳусаинова, Ф. Кароматов, Ҳ. Раззоқов, Т. Фозибоев, Ж. Қобулниёзов, О. Собиров, М. Саидов, М. Қодиров, Ё. Жўраев, Т. Мирзаев, М. Муродов, Т. Очилов, Ф. Жаҳонгиров, Р. Муҳаммадиев, Т. Ашурев, С. Аскаров, Ф. Султонова, А. Қаҳхоров, С. Содиков, К. Имомов, Б. Саримсоқов, Р. Абдуллаев, О. Мадаев, Т. Собитова, М. Қаландарова, С. Рўзимбоев, О. Сафаров, А. Мусақулов, И. Ёрматов, У. Жуманазаров, А. Турсунқулов, И. Бекмуродов, К. Очилов, А. Эргашев, М. Жўраев, Ш. Турдимов ўзбек фольклоршунослари кенг кўламли фольклор тўплаш ишлари билан машгул бўлдилар.

XX асрнинг 60–70-йилларида достончилик мактаблари, бахши-шоирлар эпик репертуари, халқ достонларининг вариантлари ва бадиияти (Ҳ. Зарифов, М. Афзалов, Т. Мирзаев, А. Қаҳхоров, Т. Очилов, М. Саидов, М. Муродов, О. Мадаев, О. Собиров, Т. Ашурев), халқ қўшиклари (М. Алавия), ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти (Ж. Қобулниёзов, О. Собиров, С. Аскаров), асқия, халқ драмаси ва қизиқчилик санъати (Р. Муҳаммадиев, Ҳ. Раззоқов, М. Қодиров), мусиқа фольклори (Ф. Кароматов), ўзбек халқ эртаклари (М. Афзалов, К. Имомов,

Ғ. Жалолов), топишмок (З. Ҳусаинова), болалар фольклори (Ғ. Жаҳонгиров), латифа (Ф. Йўлдошева)га бағишиланган йирик монографик тадқиқотлар яратилган.

1967 йилдан 1981 йилгача ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими томонидан «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясидаги еттита китобнинг тайёрланиб, нашр этилиши ўзбек фольклоршунослигининг назарий уфқларини янада кенгайтирди. Фольклор бўлими ходимлари «Алпомиш» достонининг муҳокамасига бағишилаб ўтказилган регионал кенгаш (1953), Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодий меросини тадқиқ қилиш ва чоп этиш (1972), Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир ва Ислом шоирларнинг 100 йиллиги (1973) ҳамда «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш (1999) муносабати билан салмоқли илмий ва илмий-оммабоп асарларни яратдилар.

Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосининг классик намунаси ҳисобланган «Алпомиш» достонини таникли фольклоршунос Т. Мирзаев тўла ўрганиб, бу эпик асарнинг ўзбек бахшилари репертуарида қайд қилинган барча вариантларини қиёсий тадқиқ этди ҳамда достоннинг ўзбек халқи эпик тафаккури тараққиётида тутган ўрнини белгилаб берди. Олим достон сюжетининг тарихий асослари, шаклланиш босқичлари ва бадиий ривожи, сюжет тизимидағи етакчи мотивлар поэтикасини изчил ўрганиб, «Алпомиш» достони яратилган даврни аниқлаб берди. У ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, фольклор ижодкорлари ва ижрочилари, тарихий-фольклорий жараённинг ҳозирги ҳолати, эртак, мақол, кўшиқ, лапар каби фольклор жанрларининг поэтик табиати, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борган.

Т. Мирзаев Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзбек тилидаги беш жилдли «Булбул тароналари» ва русча уч жилдли «Песни Булбуля» номли китоблари яратилишида масъул муҳаррир ҳамда тузувчи сифатида фаол иштирок этди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида «Ўзбек халқ ижоди» кўпжилдлигининг ўтиз етти китоби босмадан чиқди. У нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир сифатида бу силсилага кирувчи «Алпомиш» (1979),

«Эрали ва Шерали» (1987), «Юсуф ва Аҳмад» (1987), «Малика айёр» (1988), «Ўзбек халқ мақоллари» (1989), «Лукмони ҳаким» (1989), «Нурали» (1989) каби китобларни чоп эттириди. Бундан ташқари, «Жонодил» (1970), «Одилхон» (1971), «Авазхоннинг ўлимга ҳукм қилиниши» (1976), «Нуралининг ёшлиги» (1993), «Гўрўғлиниң туғилиши» (1994), «Райхон араб» (1994) достонларини Т. Мирзаев нашрга тайёрлади. Унинг ташаббуси билан «Ўзбек халқ достонлари» кўпжилдлигига кирувчи ўнлаб асарлар китобхонларнинг севимли асарига айланди. «Ўзбек халқ мақоллари»нинг бир нечта алоҳида мажмуя ҳолидаги нашрлари ҳамда икки жилдлик академик нашри чоп эттирилди. Фольклор асарларини нашр этиш борасида катта ижодий тажриба тўплаган олим «Алпомиши» достонининг бешта бахши варианти ва Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» достонларининг мукаммал нашрини тайёрлади. Т. Мирзаев ўзбек фольклор шунослигига биринчи бўлиб ҳар бир фольклор ижроисининг ижодий меросини тўла нашр этишининг илмий принципларини ишлаб чиқди.

Ўзбек халқ эртакларининг тўпланиши, нашр этилиши ва ўрганиши тарихи, эртаклардаги анъанавий синов мотивининг генезиси ва эпик вазифалари, ўзбек халқ эртакларида комик ва ҳажвий қаҳрамон масаласи, ўзбек сатирик эртакларида конфликт ва ижтимоий мотивлар масалаларини ўрганиш билан шуғулланган фольклоршунос К. Имомов ўзбек халқ оғзаки насрый асарларининг жанрлар таркибини кенг кўламда тадқиқ этган. Олим ўзбек халқ эртакларидағи анъанавий мотивларнинг тарихий-генетик типологиясини тадқиқ этиб, ўзбек эпосидаги ғайритабии туғилиш, синов, шарт, кураш, туш кўриш, қаҳрамоннинг ўлиб-тирилиши, қаҳрамонни оловда куйдириш мотивларининг келиб чиқиши қадимги мифологик тасаввурлар ҳамда эътиқодий қарашларга боғлиқлиги аниқланган. Афсона ва ривоят жанрларининг ўзига хос ҳамда муштарак жиҳатлари, афсоналар таснифи, мифологик, тарихий ва топонимик афсоналарда ҳаётий воқелик ҳақидаги ахборотнинг эпик талқин қилинishi, мифологик афсоналарнинг образлар талқини ва қадимги тасаввурлар билан боғлиқлиги каби масалалар К. Имомов тадқиқотларида кенг ёритилган.

80-йиллардан бошлаб ўзбек маросим фольклори Б. Саримсоқов томонидан ўрганила бошланган. Олим ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби, таснифи, генезиси ва тарихий тараққиёти, ўзбек оиласиб-маиший маросимлар фольклори, мавсумий маросимлар фольклори, сўз магиясига алоқадор бадик, кинна, олқиш ва қарғиш каби жанрларни тадқиқ этган. У халқ эпосининг ўзига хос табиати, таснифи ва халқ достонларининг келиб чиқиши, тарихий-тадрижий тараққиёти, гоявий-бадиий хусусиятлари ўзига хос тарзда таҳлил қилинган.

Ўзбек фольклоршунослиги мактаби вакиллари фольклор асарларини тўплаб, архивлаштириш ва илмий тавсифлаш борасида ўтган асрнинг 20-йилларидан буён изчил иш олиб боришмоқда. Ўзбек фольклорни тўплаш мақсадидаги илмий экспедициялар XX асрнинг ўрталаридан то ҳозирги кунга қадар муңтазам равишда ўtkазилиб келинмоқда. Экспедиция қамрови кенглигини шундан ҳам билса бўладики, турли йилларда Ҳ. За-рифов, М. Афзалов, Б. Каримов, М. Алавия, З. Ҳусайнова, Ф. Жа-хонгиров, С. Қосимов, М. Муродов Т. Мирзаев, К. Имомов, Б. Саримсоқов ва бошқа олимлар бошчилик қилган фольклор экспедициялари мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қоракалпогистон Республикасида, шунингдек, қўшни республикаларнинг ўзбеклар истиқомат қиладиган худудларида илмий сафарларда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид материаллар тўпладилар.

XX асрнинг 70–80-йилларида Қашқадарё (А. Қаҳҳоров, К. Очилов, Ч. Ҳамро, А. Эргашев), Бухоро (О. Сафаров, Й. Нурмуродов, Д. Ўраева), Хоразм (С. Рўзимбоев, Ҳ. Абдуллаев, Н. Сабуров), Наманган (Т. Ғозибоев), Андижон (Ҳ. Раззоқов), Сурхондарё (К. Мамашукоров), Қўқон (Ғ. Акрамов, И. Бекмуродов)да ўз илмий фаолиятларини олиб борган фольклоршунослар ўзбек халқ достонларининг поэтикаси, варианtlари ва локал хусусиятлари, достончилик анъаналарининг сақланиши ва етакчи баҳшиларнинг бадиий маҳорати, достонларда туркумлилик, болалар фольклорининг ўзига хос табиати ва жанрлар таркиби, меҳнат қўшиқларининг бадиияти, мифология ва бошқа мавзуларда йирик тадқиқотларни яратдилар.

Бу даврда уч жилдли «Ўзбек фольклори очерклари»нинг икки жиљиди нашр этилганлиги, эпик репертуарнинг ўзига хослиги, халқ бахшиларининг бадиий маҳорати, халқ достончилигининг ҳудудий-локал табиати (Т. Мирзаев, М. Муродов, М. Қўшмоқов, С. Рўзимбоев, Ҳ. Абдуллаев, О. Мадаев), халқ достончилигига туркумлилик (М. Мирзаева, М. Обидова, Қ. Мамашукоров), достонлар поэтикаси (М. Сайдов, С. Йўлдошева, Т. Зуфаров, Г. Ашурев), мифология ва унинг ўзбек фольклори эпик жанрларида тутган ўрни (Ғ. Ақрамов, Б. Саримсоқов, М. Жўраев), ўзбек маросим фольклорининг жанрлар силсиласи, генетик асослари ва поэтикаси (М. Алавия, Б. Саримсоқов), эртак бадиияти ва эпик сюжетлар типологияси (Ғ. Жалолов, Ҳ. Эгамов, К. Имомов, М. Жўраев), ўзбек болалар фольклори (Ғ. Жаҳонгиров, О. Сафаров), ёзма адабиёт ва фольклор муносабати (О. Собиров, Ғ. Мўминов, Б. Саримсоқов, И. Ёрматов), ўзбек фольклори ва тарихий воқелик (М. Бобоев, У. Жуманазаров, С. Умаров)нинг тадқик этилганлиги, терма (А. Мусақулов, А. Турсунқулов), топишмоқ (З. Ҳусаинова), лирик қўшиклар (Ш. Турдимов), мусиқа фольклори (Ф. Кароматов, Р. Абдуллаев), ўзбек халқ оғзаки драмаси (М. Қодиров, Р. Мұхаммадиев) чуқур ўрганилганлиги ўзбек фольклоршунослигини янги босқичга кўтарди.

XX асрнинг 90-йилларида ўзбек фольклоршунослигига олиб борилаётган илмий тадқиқотлар моҳияттан янги босқичга кўтарилиди. Ўзбек фольклори асарларини барча ҳудудлар бўйича изчил тўплаш ва тизимга солиш борасидаги ишлар жадаллаштириб юборилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин фольклор асарларини нашр этиш борасидаги ишлар ҳам сифат, ҳам миқдор, ҳам қамров жиҳатидан ўсади. Қўпгина достонлар, халқ китоблари илк бор нашр эттирилди. «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан профессор Т. Мирзаев бу достоннинг Берди бахши, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Сайдмурод Паноҳ ўғли вариантларини 1999 йилда алоҳида китоблар ҳолида тўла нашр эттириди. У фольклоршунослик амалиётида биринчи маротаба «Алпомиш» достони Фозил Йўлдош ўғли вариантининг матни рус тилига қилинган илмий-адабий

таржимаси билан биргаликда академик нашрга тайёрлаб, чоп эттириди. Т. Мирзаев ва З. Ҳусайнова халқ бахшиси Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» туркумига кирувчи достонларни тўла нашрга тайёрладилар ва унинг асосий қисми «Гўрўғлининг туғилиши» (1996), «Авазхон» (1997), «Гўрўғли достонлари» (2006) номи билан нашр этилди. 2006 йилда эса Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» достонлари тўла ҳолда нашр этилди. 2007 йилда уч жилдли «Ўзбек халқ эртаклари» маҷмуаси нашрдан чиқди. Афсона ва ривоятлардан тузилган фольклор тўпламлари, Наврӯз байрами билан боғлиқ халқ қўшиқлари, мақол ва топишмоқлар, ўзбек дағи ва таъзия маросимлари фольклори намуналари, тўй-маросим қўшиқлари нашрдан чиқди.

90-йилларда «Алломиш» достонининг шаклланиш тарихи ва поэтикаси (Т. Мирзаев, М. Муродов), ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари (А. Мусақулов), ўзбек халқ достонлари поэтикаси (Ж. Эшонқулов, И. Ёрматов, Ш. Турдимов); фольклор-этнографик жамоалар ижодиёти ва унинг ҳозирги тарихий-фольклорий жараёндаги ўрни (С. Йўлдошева), ўзбек мифологияси (М. Жўраев, Т. Ҳайдаров, Т. Раҳмонов, Ш. Шомусаров), дев, ялмоғиз, пари, илон-аждар, Хизр каби мифологик образлар (Ж. Эшонқулов, Б. Жуманиёзов, О. Қаюмов, Д. Файзиева, Ф. Нурмонов), «Гўрўғли» туркуми достонларининг тарихий илдизлари, типологияси ва бадиияти (Ш. Турдимов, С. Сориев), афсона ва ривоятлар (К. Имомов, М. Жўраев, У. Сатторов, М. Раҳмонова, Р. Сайдова, З. Жумаев), лингвофольклористика (М. Ёқуббекова), болалар фольклори (О. Сафаров, С. Авезов), халқ қўшиқлари (А. Мусақулов, К. Очилов, Н. Қосимов), тарихий вокелик ва фольклор (У. Жуманазаров, Б. Бобоев, С. Умаров) фундаментал тадқиқ этилди. Бу даврда халқимизнинг миллий ўзлигини на-мойиш этувчи урф-одат ва маросимлари фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш тамо-йили кучайди.

XX асрда ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини ёзib олиш ва архивлаштириш, достончилик мактабларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, бахшилар, қўшиқчилар, ас-

киябозлар, лапарчилар, ўланчилар, эртакчилар репертуаридаги асарларни тўплаш, бадиий жиҳатдан энг мукаммал фольклор асарларини нашр этиш ҳамда уларни илмий тадқиқ этиш бора-сида улкан ишлар амалга оширилди. Натижада ўзбек фольклор-шунослиги Марказий Осиёнинг халқ оғзаки ижодини ўрганишга ихтисослашган энг етакчи илмий мактабларидан бири даражасига қўтарилиди.

Муҳтарам ўкувчи! Сиз ўқишига чоғланган мазкур антологияга XX асрда ўзбек халқ ижоди асарларини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқик қилиш билан изчил шуғулланган фидойи фольклоршунос олимлар ҳақидаги мухтасар маълумот ҳамда улар томонидан яратилган тадқиқотлардан намуналар киритилган. Ўйлаймизки, бу мажмуа ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатидаги шаклланиш жараёни ва тадрижий ривожи босқичлари ҳақидаги тасаввурларингизни бойитишга хизмат қиласди.

Маматқул ЖЎРАЕВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
маданият ходими, филология фанлари доктори,
профессор

*Фози
ОЛИМ
(1893–1939)*



Фози Олим Юнусов 1893 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Профессор (1930). Истамбулдаги Туркия университетини тугатган (1923–25). Шундан кейин у савдо жамиятининг раиси, Юстиция халқ комиссарлигидаги илмий котиб, Ўзбекистон Халқ Маориф комиссарлиги қошидаги Тил ва терминология қўмитасида илмий ходим вазифаларида ишилган. Ўзбек давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология, Тошкент педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетларида дарс берган ва Халқ Маориф комиссарлигининг Тилшунослик секциясига мудирилик қилган (1931 йилдан). Тил ва адабиёт илмий-текширии институтида ишилган (1934 йилдан). Фозил Йўлдош ўғли, Эргани Жуманбулбул ўғли каби халқ баҳшиларини аниқлаган. Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул баҳшилардан «Алпомии» достонидан парчалар ёзib олган (1922). «Алпомии» достони» (1923), «Алпомии» (1928) каби мақолалар муаллифи. Ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб «Ўзбек эл адабиётига тегишили материалларни тўпловчиларга қўлланма» услугуби қўлланма ёзган (1926). 1939 йилда Тошкентда вафот этган.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ

Халқ адабиётида достон энг аҳамиятли, балки биринчи ўринни тутадур. Достон қабилавий турмушнинг намунаси бўлганли-

тидан қабилавий ҳаётнинг ҳамма хусусиятларини энг очук кўрсата оладурғон бир ажойиб қуролдир.

Чиндан ҳам, агар биз турк-ўзбек достонларини тушунсак, турк қабилаларининг ўзаро бўлган курашлари билангина эмас, балки ул курашларнинг иқтисодий-сиёсий сабабларини, ул вақтдағи уруш усуслари, қуроллари, қаҳрамонларининг табиатлари, уларнинг қабила турмушидаги ўрни ва аҳамияти, алҳосил, ул даврдағи ижтимоий турмушнинг бутун борлиғи билан яқиндан танишған бўламиз. Миллий достонлар эл оқини ва чечанлари томонидан ишланган услугуб ва таъбирларни, ҳам эски луғатларни сақлайдирки, бу достоннинг асосий хусусиятларидандир.

Турк эли достонга бойдир. Турк уруғларининг кўписининг ўзига хос қабилавий достони бор: қипчоқнинг Кубланди ботир, нўғойнинг Ийдака ботир, кўнғиротнинг Алпомиш ботир, қирғизнинг Манас ботир деган достонлари бор.

Булардан бошқа яна кўп Олтой жойларида, Туркистон қирларида, Идил ва Жойиқ сувлари бўйларидағи турк-ўзбек оқинлари томонидан ўқилмоқда бўлса ҳам, эсизки, матбуот юзига чиқмадандир.

Бизда уйғониш даври бошланиши билан ёшларимизда миллий адабиёт туғиши даври кўзғалғанлигини кўрамиз. Эндиғина туғилиб келган янги адабиётимиз услуб, қолип ва руҳни форсдан олған чигатайчиликдан – бу бизнинг адабий турмушимидағи ёлғон класизмдан («классицизм» демоқчи – О. О.) анчагина қутула бошласа ҳам, ҳали кучли бир миллий асосли қурулғон йўқ. Янги адабиётимизга кучли миллий асос бизнинг ҳалқ адабиёти бўлиши керакки, бу тўғридағи мулоҳазаларимни иккинчи вақтға қолдириб, ҳозир менинг номимдан бўлтур ёз саёҳат қилиб юрганимда Тошканд ва Самарқанд уездларида яшайтурған ўзбекларнинг машҳур оқинлари Ҳамроқул бахши, Фозил жиров Йўлдош ўғлининг оғзидан ёздиғим ва «Билим ўчоги»нинг бу нўмирида босилған «Алпомиш» достони тўғрисида бир-икки сўз айтиб кетмакчиман.¹

¹ Дарҳақиқат, «Билим ўчоги» журналининг ушбу сонида (1923 йил, 2–3-кўшма сон, 39–59-бетлар) «Алпомиш» достонидан Фози Олим тайёрлабган парча босилған (О. Олтинбек).

«Алпомиш» достони бундан бир неча йиллар илгари турк этинүгрофи, мұхтарам профессур Абубакир Диваев томонидан ёзилиб, ўтган йил маориф камиссарётиниң Билим кенгашы олдидағи Қирғиз-қозоқ билім ҳайъати томонидан китобча ҳолида босилған эди. Мен Қозонда босилған яна бир қозокча «Алпомиш» достонини күрган эдим. Керак профессур Диваев томонидан ёзилған ва керак Қозонда босилған «Алпомиш» достони тамом әмасдир. Профессур Диваевниң достоннинг биринчи воқеасигина күрсатиладир. Иккінчи воқеасики, бу достоннинг энг фожеа ва шоирона қисми, күрсатилмайды. Биринчи воқеадан-да күп мұхым воқеалари тушиб қолған. Қозон босмасыда бунга тескари ҳол күрамиз: достоннинг биринчи воқеаси ёзилмасдан иккінчи воқеасигина ёзилған. Фақат унда-да күп гүзал лавҳалар тушиб қолған ва оқиннинг истеъодсизлиғидан достоннинг нафосатига күп зарар келген.

Менинг томонимдан ёзилған «Алпомиш» достонига Алпомиш ботирнинг бошидан ўтган бутун воқеалар кирады. Мен бу достонни ўзбек оқынлари оғзидан ёзганда эшилғанча ёзишға ва воқеаларни-да ҳеч бир лавҳасини, ҳатто айрим таъбирларни колдирмасға тиришдім. Бундан мақсад шул маҳаллалардаги (Самарқанд ва Тошканд уездларидаги) ўзбекларнинг лавҳаларини қайд қылмоқ ва воқеаларни тұлалигіча сақламоқ эди.

Достоннинг күп жойларига эскартиб ва изохлар бериш керак эди. Аммо вақтим бўлмағанликдан бу мұхим ишни ишлай олмадым.¹

¹ Мақола қуйидаги манба асосида босилмокда: Ғози Олим Юнусов. «Алпомиш» достони // Билим ўчоғи. 2–3-сонлар, Тошкент, 1923. Б. 37–39.

ӘЛБЕК

(1898–1939)



Әлбек (Масриқ Юсупов) 1898 йилда Тошкент вилояты Бўстонлиқ тумани Ҳұмсон қишлоғида туғилган. Тошкентнинг Девонбеги маҳалласидаги Ҳокий мактабини (1911), Шайҳонтоҳур маҳалласидаги «Намуна» мактабини (1914), Тошкентдаги саккиз ойлик ўқитувчилар тайёрлаши курсини (1919) туғатган. Тошкент эрлар билим юрти ва Наримонов номидаги педагогика техникумida ўқитувчи бўлиб ишила-ган. Туркистан Маориф халқ комиссарлиги қошидаги илмий даргоҳларда, «Маориф ва ўқитувчи», «Билим ўчоги» каби журналларнинг таҳририятида ишилаган (1921 йилдан). «Лапарлар» номи остида халқ қўшиқларини чоп қилдирган (1922). «Топишмоқ, мақол ва ашула тўп-лами» (1923), «Ашуулалар тўплами» (1935), «Болалар қўшиғи» (1937) каби маъжмуаларни, «Эртаклар. Халқ адабиётидан болалар учун тер-ма эртаклар» (1936) китобини нашр эттирган. 1939 йили Тошкентда вафот этган.

ЛАПАРЛАР

Бу кунгача халқ адабиётини (этнографиясини) йиғишиш тўғри-сида оғзимиз тинмай сўзлаб келсак-да, уни ишга оширишига ҳамон кўчганимиз йўқ.

Адабий қиймати ва ичиға олғон чуқур маънолари билан кўн-гилни ўзига тортадурғон матал, эртак, чўпчак ва лапарларимиз букун ўз-ўзидан йўқолиб борадир.

Буларнинг кундан-кун йўқолиб кетмакда эканини кўриб турған биз ўзбекларнинг жим турмай, уларни тўплашқа ва китобравишида бостириб тарқатишқа ҳаракат этмагимиз тигини.

Бу кунларда шу тилакни илгарига суруб ҳаракат қилгучи Ўзбек билим ҳайъати ва билим кенгаши каби илмий ўрунлар бор эса-да, бир томондан буларни тўплаш ишига қизиқсан кишиларнинг бўлмаслиғи, иккинчидан халқ адабиётининг энг юксалган ўрунларининг тинчсиз бир ҳолда қолиб турғанлиги бу ҳаракатларға тўсик бўлиб турмоқда.

Лекин биз мундин сўнгра илгариги каби аҳамиятсиз қарайтурғон эсак, узоқ бормасдан шундай тарихий аҳамиятга эга бўлған бу адабиётларимизни(нг) ерга кўммагимиз аниқдир.

Мисол учун шул халқ адабиётининг энг муҳимларидан бири бўлған лапарларни олсак, букун лапарларни билгучи кишилар ёлғуз қишлоқлардагина қолғанлиғи ва уларда ҳам илгариги аҳамиятини йўқота борғанлиги кўриниб турадир.

Бурунларда боболаримиз томонидан тўйдан-тўйга кўчурулуб, буюк ҳавас билан айтилиб келинган бу адабиёт букун сўнар ҳолига етмишдир.¹

Халқ адабиётимизнинг орасида лапарни айруча бир маънога эга бўлмағанлиғини кўрсатмак учун букунги ўзбекларнинг қишлоқда яшагучиларининг орасида қиз чиқаришларда айтилиб юрғанларидан аҳамиятига қараб бир қанчасин кўчуруб ўтаман.

Лапарлар ўперага яқинроқ бир руҳда айтилган нарса бўлиб, буни қизларнинг никоҳидан бир-икки кун бурун ўюн кечасида куй билан айтиб ўкуйдирлар. Мунда келин бўлгучи қиз ўзининг яқин ўртоқларини чоқириб базм кечаси ясадидир. Бунинг бу кечасига қизлардан ташқари хотунлар ва куёв томонидан йигитлар ҳам келадир.

Бу кўнгилли кечани бошқариш иши қари хотунларға топширилғанлиқдан, тартиб сақлаб кечани жуда яхши ўтказадирлар.

¹ Кафказия ўзбеклари (кўмиклар) орасида букунги Туркистондаги лапарларнинг айни бўлған лапарларнинг давом этиб келмакда эканлигини сўзлагучилар бор (Муаллиф изоҳи).

Бу ясалғучи базм кечада қызлар ва йигитлар ўзларининг күнглидаги нарсаларин лапар йўли билан бир-бирларига англатадирлар.

Лапарни бошлаш олдидан қызлар билан йигитлар орасида турған хотунлардан бири лапарнинг бошланғичи бўлған ушбу куйидағи лапарни айтиб, уларни лапарга ундейдир.

Бошланғич лапар

*Лапарнинг аввал боши мармар тоши,
Чит рўмолни ҳўл қилган кўзнинг ёши.
Чит рўмолим хоса-ё, қўлида чинни коса-ё,
Қызлар лапар айтганда йигитлар қулоқ солса-ё.*

Бундан сўнг йигитлар тартиб билан ушбу йўлда лапар бошлийдир ҳам бир гал қызлар, бир гал йигитлар айтиб тонг оттирадирлар.

*Лапар айтсанг тўйда айтгил, сулук қызлар қочар-о,
Очилмаган гулгунчани булбул сайраб очар-о,
Эй булбул, мунча сайрайсан тогу тошини ўйдириб,
Иссиқ-совуқ сув ичарсан мой юракни куйдириб.*

*Кўзам олуб сувга чиқсам оҳ уродур бир йигит,
Кўзам қўюб, қулоқ солсам – ёрдан айрилган йигит.
Ёрдан айрилган йигитнинг ёри ман бўлсаммукин?
Кўлига қиргий бериб, кўксида жон берсаммукин?*

*Дарёning нарёгида бир туб гўза,
Ул гўзанинг тагида олтин кўза.
Жон янга жоним янга, арзим сиз(г)а,
Бир кеча қўшиб қўйинг қаро кўз(г)а.*

*Дарёning нарёгига қўй берамиз,
Тўтиқуши боласига тўй берамиз.
Тўтиқуши боласига ипак керак,
Ёр билан ўйнамоқча юрак керак.*

*Қизларжон, қайнар булокқа бошламанг,
Моли күп деб бой боласин хушламанг.
Мол деган құлнинг кири – ювса кетар,
Тирик құлға мол битар, үлган кетар.*

*Субҳидамнинг салқини сүлдурди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга ийглей бевафо ёр дардини?
Бевафо ҳарғыз вафодор бүлмади,
Тол оғоч асти мевадор бүлмади.*

Мана шул юқоридағи айтилған лапарлар ҳар ер – айрим пар-
часи үзига тегишли бир маънони ичига олиб, табиий ҳолда үт-
миш замондағи қызлар билан йиғитларнинг түйларида қилған
адабий сұхбатларини бизга очық күрсатадир.

Энди шундай халқ адабиётарини йўқота бошласақ, бизнинг
учун ўкунарлик иш юз берса керак.¹

¹ Мақола қўйидаги манба асосида босилмоқда: Элбек. Лапарлар // Билим
ўчоги. 1-сон, – Тошкент, 1922. Б. 96–98.

Ғулом
ЗАФАРИЙ
(1899–1938)



Ғулом Зафарий 1899 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Туркистон маориф комиссарлиги илмий кенгаши Ўзбек билим ҳайъатининг Театр-этнографик билим ҳайъатига раис бўлган (1921–24). У 1921–22 йиллар Тошкент ва Фарғона водийсига сафар қилиб, ҳалқ томоша санъатининг анъанавий жанрларини аниқлаган, қўғирчоқбоз, қизиқчи, асқиябоз ва раққослар санъатига оид материаллар тўплаган, ҳалқ мусиқасидан намуналар, бир нечта оғзаки драма ёзib олган. Ғулом Зафарий ўзи ёзib олган «Мақтандоқ киши» ҳамда ҳозиргача ёзib олинган ягона оғзаки назмий пьеса ҳисобланадиган «Эр ва хотин» асарини нашир этирган (1923). Унинг фольклоршунослик масалаларига доир «Ўзбек театри тарихи» («Ўзгаришиб ёшлар», 1923 йил, 2-сон), «Чигатой ўзбек ҳалқ театруси» («Билим ўчоги», 1923 йил, 2–3-сонлар, 62–68-бетлар) каби асарлари чоп этилган. Ғулом Зафарий тўплаган фольклор материаллари ўзбек ҳалқ театри, мусиқа фольклори ва қўшиқчилари санъатини ўрганишида муҳим аҳамиятга эга. «Ҳалима» (1919), «Тургунбой» (1926) каби пьесалар яратиб, ўзбек болалар драматургиясининг шаклланишига катта ҳисса қўшиган. 1944 йилда вафот этган.

ЧИГАТОЙ-ЎЗБЕК ҲАЛҚ ТЕАТРУСИ

Чигатой (ўзбек) театруси илгарилари ҳозиргича «театру» деб аталмай, «томоша» деб аталиб, элнинг қизиқ ўюнчилари томони-

дан сайилларда, түйларда, гапларда ва катта йиғинларда кўпрак эрмак – «танқид» йўли ила баъзан ўрнак бўладирған томошалар ясалиб келинган бўлса ҳам, китоб тарзинда ёзилған бўлмай, ўюнчилар томонидан тузилиб, ёдаки сақланған. Шул томошалар ўзбекларнинг илгариги тараққийсиға кўп ёрдам берган.

Бу ўюнчилар элнинг келишмаган ишларин эрмак ва ўрнак йўли ила тузатишлари баробар беклар, хонларнинг ҳам ўрунсиз ҳаракатларин ўзларига кўрсатиб, ҳар чоқ кўзларин очиб турғанлар. Туркистоннинг энг улуғ хонларидан бўлған Қизбек Арслонхон қизиқ ва ўюнчиларға зўр аҳамият бериб, ўз ўрдасида қизиқ ва ўюнчилар сақлаб, шулар орқали беклар ва ҳокимларни танқид этдириб, ҳар бир келишмаган ишларин тузатмакка чолишғанлиги қулоқдан-кулоққа эшитилиб сақланиб келган хабарлар ила событдир.

Илгарилари қизиқ ва ўюнчиларға эл ва хонлар томонидан яхши қаралиб келинган. Локин сўнг, ҳар бир маданиятга бошловчи ҳаракатларга дин отидан карши турувчи «уламо»лар томонидан монеъликлар бўлиб, хонлар кўзидан тушган бўлса ҳам, эл ўртасида сақланиб келинган.

Кейинги чоқларда ўюнчилар, зўр монеъликлар орқасида эл кўзидан ҳам тушаётган бўлсалар ҳам, элнинг ўюнчиларга зўр рағбати орқасида шул чоқғача «қизиқлар» дебгина сақланиб келди. Шул қизиқларни «эл ўюнчиси» (актиёр), ўюнларин «эл томошаси» (театруси) дейилса бўлур. Негаким, шул чоқдаги қизиқларнинг ўюнлари илгариги эл қизиқ ва ўюнчилари томонидан тузулиб қолдирилган томошалардир. Буларнинг эл томошаси эканлигига таянч қидириб овора бўлмасдан қизиқларнинг ўюнларин бир йўл кўриш кифоя қилур.

Шундоқки, қизиқлар бир ўюн ўйнамоқчи бўлғанда тус ўзгартиб бошқа кийимлар киярлар-да, воқеага жойни (уй, ҳовли, боғ, кўчами) керак бўлса фаразий кўрсатурлар-да, ўйнаб берадирлар. Шунга мисол учун Фарғонанинг атоқли қизиқчилариндан бўлған Пирмат қизиқдан сўзлатиб ёзив олған «Мактантчоқ киши» номли томошани ёзив ўтаман. Бу томоша ўйналғанда кўрсатилган фаразий жойни (айтиб берувчининг сўзича) қуидагидай саҳнада ўйнашға ярагудек қилиб декоратсия тайинлаб, сўзларининг уятликларин чиқарип ташлаб, ўз холича, яъни Пирмат қизиқ қандай айтиб бер-

ГЭЭ БҮЛСА ШУНДАЙ ёзиб күрсатаман. БУНИНГ ТУЗУВЧИСИ, АЙТИБ БЕРУВ-
ЧИНИНГ СҮЗИГА ҚАРАГАНДА, (КҮҚОННИНГ) ЭНГ СҮНГГИ ХОНИ ХУДОЁРХОН-
НИНГ АТОҚЛИ КИЗИҚЛАРИНДАН БҮЛГАН ТОШКАНДЛИ УСМОН ҚИЗИК ЭМИШ.

МАҚТАНЧОҚ КИШИ (Күлгі бүлса керак)

Саҳна катта күча. Түрдә бир самоварчилик дүкөни, ёнида бир баққоллик. Самоварчилиқда 5–6 чойхұр, самоварчи ҳам хизматшы. Чойхұрлар чой ичиб, бир-бiri ила сұзлашиб турурлар. Бири дұттор чалур. Ҳар замон күчадан у ёқ-бу ёққа кишилар, болалар үтиб турурлар. Баққолдан ҳам ҳар замон бир-икки киши келиб парса олиб кетуб турап. Парда күтарилғач, Турди савлат келур. Ҳар үтган кишига бошдан оёқ тикилуб, бошини бироз әгуб, салом талаң қылғансимон күринур. Салом берган киши бүлса тақаббурона алик олур, салом бермаган кишининг кетидан қараб қолур. Құлида тиши кавлагиң, ҳар вақт тишини кавлаб юрап.

Турди: – (баққолга) Ассалому алайкум, ҳа, Холиқбой сұфи, эсан-сөгмисиз?

Холиқ: – Ҳайя, келинг, Турди савлат, жуда кам күринасиз?

Турди: – Эй, сира құяберинг, биз жуда катта киши бүлиб кетгенбиз. Обрұ десанғыз энди «Иш катта, ҳамен латта», дегандек жуда катта. Ұзимиз бүлсақ эшак бозорға оқсоқол бүлғанмиз. Энди шундоқ катта бүлғонмизки, жуда құяберинг! Құрган одам салом үрнига туруб дағво қылатурған бүлди. Обрұ десанғыз, шундоқ обрұмиз борким, савдо қилиб турған икки кишини үртасыга бориб қолсам, шошилиб ақчасин беркитадирған бүлиб қолди. Ҳа, топишишимиз бүлса жуда яхии, бир бойча бор. Еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда, хотиним ҳам шундоқ. Ош қилишіга шундай уста бўлибдирким, ол-ол билан зўрга бир-икки ошам еб, олдимизда ортиб қоладир. Шундоқки, қозоқ айтганидек: «Сен же, мен же, қолғанини томга таша».

Холиқ: – Хо-хо, муборак оқсоқоллик, муборак. Қани, нонга қаранг, чой ичинг.

Турди: – Хүши, ҳозир ош қилдириб еб чиқдим. Чой ичсам бўлади (Чой ичиб, тишини кавлаб турар).

Эргаши: – (ўғли ҳовлиқиб югуруб келуб) Дада, дада, токчадаги мўйлаб ёғингизни мушиук еб қўюбдир.

Турди: – Ҳа, майли, хумчадаги мойдан солиб қўя қол, шуни ҳам сўз деб манга сўзлагани чиқдингми? Ўзинг билуб қила қолмайсанми?!

Эргаши: – Қайси хумчадаги ёғ, дада? Ҳали шу чоқгача уйимизга косачада ҳам ёғ келганини кўрганим йўқ-ку?!?

Турди: – Бор, йўқол кўз олдимдан! (Турмоқчи бўлар).

Эргаши: – Мана, кетвотман-ку! (Халқга қараб) Уйларида ҳеч нима йўқ-ку, яна менга қараб гердаялар (кетади).

Турди: – Аҳмоқ бола, ҳали уйдан чиқшишимда, уйда хумдаги ёғ соп бўлубдир, деса бўлади-ку! Онаси ярамас, онаси ўргатган-де, шундақа десанг, тезрак олиб келадир, деб. Кошки мен бошиқа одамлар сингари: бугунча эблаштириб тура тур, эртага олиб бераман, дейдирган одам бўлсан. Бир марта айтди ҳозир, борди-ю, ўзим йўқ бўлсан югуриб бориб Чорсудаги Булдуруқ қассобга айтса қанча ёғ, гўшит деса берадир. Ҳудога шукур, уйда ёғ соп бўлган бўлса қазноқда қоп-қоп ун, гуруч бор, чангакда гўшит бор. Ундан бошиқа нарсаларни ботмон-ботмонлаб олиб бериб қўюбман. Онаси ўзи нафси ёмон, бўлмасак хотун, ҳозир ош қилиб еган бўлса ҳам, яна ош егиси келибдир. Ҳа, ош бўлмаса бошиқа томоқ-дэ!

Эргаши: – (югуриб келур) Дада, дада! Ошхонанинг қалитини беринг, онам иккимиз чой қайнатиб, қўшинимизницидан тилаб олиб чиққан икки бурда қаттиғ нонини ивитуб еймиз. Жуда қорнимиз очиб кетди. Кечадан бери ҳеч нима еганимиз йўқ.

Турди: – Йўқол, кет, аҳмоқ! Қалит манда нима қилсун, онангда-ку!

Эргаши: – Онамнинг ўзида эмас, ҳатто ҳалони қулублаб, қалитин ўзингиз олиб юрасиз-ку!

Турди: – (урмакчи бўлуб югуриб) Тўхтаб тур, нималар деб ётибсан (қулар, Эргаши қочар, ўтурганлар ҳаммаси эрмак қилуб куларлар). Бу ҳаромига бир гап бўлган, ё онаси ўргатган-дэ, бори мани шарманда қилмоқ учун шу сўзларни айтадир. Ҳолиқ ака, ўзингиз ўйланг, шу сўзлар кўчада сўзланатурген сўзларми?

Холиқ: – Ҳали ёш-дэ, ҳар бир сүзни сўз деб сўзлай берадир.

Турди: – Ахир, ман катта, обрули киши бўлсан, ҳар ким айтган сўзимни ҳозир қўлса, деган нарсам тайёр бўлса, қандоқки чанинг уйимда ҳеч нарса бўлмаса, ҳуёра тўла галла бўла туруб жўртага келуб мани уялтирадир. (Шул чоқда ўғли Эргаши хотуни жуладир-жуладир паранжси ёпунгон, келиб қулоқ солиб турарлар. Турди буларни кўруб четга қараб.) Эй, шарманда бўлдим-ку, бу ҳароми онасин бошлаб келибдир-ку!

Хотуни: – Ҳа, обрули киши, билмаганларнинг олдида нималар деб мақтаниб ётибсан, уйингда ҳеч ниманг йўқ-ку! Уялмасдан сўйлашингни қара!

Турди: – Сан нега мандан сўроқсиз кўчага чиқдинг?

Хотуни: – Ҳа, нима қилардинг, очлик эксонимга тегди, чиқдим. Сан эр бўлиб уйингдан хабар олмасанг, очми-тўқми демасанг. Келасан, мўйлавингга озгина ёғ сурасан-дэ, кўчага чиқиб тишингни кавлаб гердаясан.

Эргаши: – (онасига) Келинг, ойи, отамни бир шарманда қилайлиқ.

Хотуни – Ҳа, кел, уйда нимаси бор, нимаси йўқ бир-бир айтиб бериб, бир уялтирайлук.

Эргаши: – Қани, бошланг.

Хотуни: – Ҳа, худо кўтаргур савлат, (иккиси бирга) тахмоми кўчага ийқилиб ётган бир эски уйинг бор, ундан бошқа ниманг бор, ниманг бор?! Бир олди тушиб кетган, босай деб турган айвонинг бор, ундан бошқа ниманг бор, ниманг бор?! Бир томони босиб ётган эски отхонанг бор, ундан бошқа ниманг бор, ниманг бор?! Ўчиқбошингда ярмисини мушиук гажиган, умрида ун бетини кўрмаган супранг бор. Ундан бошқа ниманг бор ниманг бор?! Бисотингда, нон топиб келсанг ҳар беш-олти кунда бир қайнатадургон, пучуқ қумгонинг бор. Ундан бошқа ниманг бор, ниманг бор?! Олиб келганингдан бери аталадан бошқа нарса пиширмаган лаби учуқ бир қозонинг бор. Ундан бошқа ниманг бор, ниманг бор?! Уйингда ярмиси йўқ, ярмиси ер ёпишиб ётган эски наматинг бор. Ундан бошқа ниманг бор, ниманг бор?!

Эргаши: – Тўхтаниг, ойи, энди ўзини мақтайлиқ. (Иккиси бирга) бизни очдан-оч қўйиб, ош едим деб чираниб, ёғ суруб чиқиб бу-

раб ўлтурган мўйловинг қурсун. Бизни совуқда дийратиб қўюб, онангнинг тўйингда қилиб берган чопони қурсун. Ёлғондакам кўпни кўрганман деб, кийиб юрган қизил тўппингнинг попуги курсун. Бу ёлғон сўзларни валдираб юрган оғзинг қурсун.

Турди: – Индамаган сари нималар дейсанлар?! (Кувлар. Она бола қочар. Саҳнани бир айланиб, човуб кетурлар).

Парда тушиадир.

Мана буни ўқуб кўрган ҳар бир киши ўз-ўзидан биз театруни овруполиклардан кўруб ўргандук, деб караб турмасдан, бизда ҳам эскидан театрумиз бор деб, ўзбекларга театрнуни биз ўргатдик деювчиларнинг оғзиға ура биладир.

Бундан бошқа гап ва тўқмаларда ўйналадирған «Сутхўр акам жон берадир», «Ололмайдир, кал, кал», «Кичкинажон, кичкина», «Ялмоно-ялмон» ўюнлари, «Лўли», «Овчи», «Раис», «Қози», «Оқсоқол» деган тақлид ўюнлари эл орасида томошанинг яхши ўрун тутғанлигин кўрсатадир.

Бори томоша ва ўюнларнинг яхши йўлга қўйилмаганига сабаб, юкорида айтилганча, уламолар бўлған. Ислом динининг бўш ўюн-кулгудан қайтарғанини қурол қилуб, томошаларнинг фойдали эканлигин тушунмай ёки тушунсалар ҳам ўзларига эргаштиրмакка қизиқуб қайтаришлари зўр монеъ бўлған.

Яна томошалардан бошқа ўзбекларда куйлик эрмак (ҳажвий куфлет)лар бор бўлған. Бунга мисол учун Ўлка маориф ходимлари қурултойида театру тўғрисида ўқуған доқладимдағи «Эр ва хотун» куфлитини ёзиб кўрсатаман.

ЭР ВА ХОТУН

*Хотун: – Манинг бир ёрим бор жонидан тўйгон,
Жонидан тўйибон жабронга қўйгон,
Жабронга қўйибон олдизга келгон.*

Қози: – Қани?..

Хотун: – Мана ўзи.

Қози: – Кўйдингми, аҳмоқ?

Әр: – Тақсир, құймас әдим чочлари пахмоқ.

Хотун: – Қатиқ келтирмади, тақсир, ювмадим,

Тароқ келтирмади тараі олмадим.

Әр: – Қатиқ олиб берсам, ялаб құюбдір,

Тароқ олиб берсам, қалаб құюбдір.

Хотун: – Тақсир, тумов әдим ялаб құювдим,

Хүрдам қайнамовди қалаб құювдим.

Әр: – Тақсир, олиб келдим бир bog янтоқни,

Худой олсин мундай чочи пахмоқни.

Хотун: – Ман ҳам чиқмас әдим, соқоли пахмоқ,

Қатиқ келтирмаган үзлари аҳмоқ.

Қози: – Бор кет, сани құйди, эринг олмайдір,

Бу хил әру хотинчилик бўлмайдір.

Бул куфлет ҳам Худоёрхоннинг энг сұнғғи чогидағи түйида Усмон қизик томонидан тузилгани Пирмат қизик ва хўқандлик кўп чоллар томонидан сўйланадир.

Томоша (театру)лар тўғрисида овруполикларнинг, ўзбеклар биздан кўриб билдилар, деган даъволари ўз-ўзидан йўқға чиқса ҳам, кўғурчоқ ўюни Шарқға Овруподан ўн бешинчи асрдан бошлиб ўтди, деган даъвосига жавоб беришга кучим етмайдир. Бул тўғрида билувчи кишилар бўлса матбуотда ёзиб кўрсатмакларин ўгинур әдим.¹

¹ Мақола қуйидаги манба асосида чоп этилмоқда: Ғулом Зафарий. Чигатой халқ театруси // Билим ўчғи. – Тошкент, 1923. Б. 62–68.

Ходи
ЗАРИФ
(1905–1972)



Зарифов Ходи Тиллаевич 1905 ийл 20 марта Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони (1967). Боку ўқитувчилар семинарининг талабаси (1923–26). Ўзбекистон халқ Маориф комиссариати илмий марказида илмий ходим (1926–27), Этнография, фольклор ва археология бўйича илмий-текширии кабинетини ташкил этган ва унга раҳбарлик қилган (1928). Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумидаги музаллим (1928–29), Ўзбекистон Марказий музейида раҳбар (1929–31), Ўзбекистон Маданий қурилиши илмий-техниширии институти этнография секциясида мудир (1931–34), Тошкент давлат педагогика институти ўқитувчи (1934–38), Тошкентдаги Адабиёт музейининг ташкилотчиси ва директори (1940–56), ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ташкилотчиларидан бири ва директор муовини (1943–44), йилларда Ўрта Осиё давлат университетидаги ўқитувчи (1943–45). ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти директори (1944–48), директор муовини (1955–62), Фольклор бўлимининг мудири (1934–1972), «Ўзбек энциклопедияси» бўлимининг бошлиги (1965–1972) вазифаларида ишлаган. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан ва Ислом шоир каби баҳшилардан «Алномиши», «Ёдгор», «Жаҳонгир», «Рустам», «Равшан», «Очилдов», «Ҳасан батрак», «Юсуф ва Аҳмад», «Авазнинг уйланиши», «Мардикор», «Шайбонийхон» каби достонларни ёзib олинган. «Шайбонийхон» (1928), «Равшан» (1940, 1941, 1954, 1963), «Малика айёр» (1941, 1954), «Чамбил қамали» (1944), «Кунтугмиш» (1949, 1955), «Ёдгор» (1956), «Кундуз билан Юлдуз» (1963), «Рустам» (1965), «Алномиши» ва бошқа достон-

тарни ёзib олган. Нашрга тайёрлаб, чоп эттирган. Ўзбек халқ ижоди кўп жисилдигига кирадиган асарларни тайёрлаш принципларини ишилаб чиққан ва шу асосда «Ўзбек халқ ижоди» кўпжисилдигининг 37 жисидини нашр эттирган. «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» (1947, ҳамк.), «Алномии» достонининг асосий мотивлари» (1957), «Ўзбек халқ шоирларининг ижоди» (1958), «Фольклор ва археология материалиларини қиёсий ўрганиши масалаларига доир» (1958), «Ўзбек фольклористикаси тарихидан» (1970), «Кунтузмииш» достони ҳақида (1971) «Равиан» достони ҳақида (1971), «Фозил шоир – машҳур достончи» (1973), «Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишилар» (1976), «Наврӯз – халқ байрами» (1990), «Аршақ – шақ қаҳрамони» (1995) каби асарлар муаллифи. Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати (1973). 1972 йил 13 январда вафот этган.

АРШАҚ – ШАҚ ҚАҲРАМОНИ

Ўрта Осиёда яшаган қадимги шақ ва массагет қабилалари тўғрисида ҳикоя қилувчи тарихий битикларда «*Аршақ*» атамаси учрайди. Биз ушбу мақоламизда ана шу терминнинг келиб чикиши хусусида сўз юритишни кўнглимизга тукканмиз. Бинобарин, сўзни тилшунос Н. Я. Маррнинг «Аршақ» атамаси ҳақидаги мулоҳазаларини таҳлил қилишдан бошламоқчимиз.

Н. Я. Mapp «*Аршақ*» атамаси бевосита Арманистон билан бөглиқ, деб ҳисоблайди ва ўз фикрларини Аршақийлар ҳаракатига дахлдор тарихий маълумотлар билан далиллашга ҳаракат қиласди. Олимнинг эътироф этишича, ўтмиш муаррихлари асарларида қайд қилинган (гарчи атиги бир мартагина бўлса-да), «*Аршақуни*» (*arshaq – uni*) сўзи «*Аршақ*» атамасининг қадимиш шаклларидан биридир.

Н. Я. Mapp бу лисоний шаклнинг қадимийлигини исботлаш мақсадида *Arshat – uni*, *Arshar – uni*, *Rash – uni*, *Sahar – uni*, *Bagrat – uni* каби атамаларни келтиради. «Uni» суффикси арман тилига мансублигига ҳеч бир эътирозимиз йўқ. Аммо муайян лисоний бирлик таркибида суффикс сўз ўзагининг келиб чикиши ҳақида тутал илмий хулоса чиқаришга асос бўлолмайди, албатта. Туб сўзлар тил сўз бойлигининг асосини ташкил этади ва муайян

тилдаги ўзак сўзлар бошқа тилга ўзлашиши ҳамда ўзга маънода, яъни сўз маъносини ўзгартирган ҳолда қўлланилиши ҳам мумкин. Шу боис «аршақуни» сўзи биз таҳлил қилаётган «аршақ» терминининг келиб чиқишини ойдинлаштирувчи асосий далил бўлолмайди, деб ўйлаймиз.

Н. Я. Mapp шундай деб ёзади: «Юқорида қайд қилинган «*upi*» суффикси «аршақ» сўзининг ўзагини арман манбалари асосида яфетологик нуқтаи назардан таҳлил қилишга имкон беради. Агар бу сўз, ҳакиқатан ҳам, тотем атамаси бўлса, аршақийларнинг асл ватани қаерда жойлашганилигидан қатъи назар, бу сўз моҳиятини яфетик боскич заминидан излаш керак бўлади. Бинобарин, қўлимизда «*ap*» ўзагига алокадор *Arshavir*, *Ardat*, *Arsharuni*, *Artanud*, *Arberani* каби этнотопонимик атамалар мавжуд экан, нега энди бу заминни Арманистон ҳудудидан изламаслигимиз керак экан?»¹.

Кўринадики, аввало, Н. Я. Mapp «Аршақ» атамаси «тотем» маъносини англатади, деб ҳисоблайди. Қолаверса, тарихимизнинг ойдинлаштирилмаган лавҳаларини равшанлаштирища муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири – бу атама юзага келган этно-жўғрофий ҳудудни белгилашда ҳам чалкашликларга йўл кўйгаи кўринади.

Маълумки, Н. Я. Mapp муайян сўз ёки тушунча моҳияти ва этимологиясини ёритища машриқу мағриб тилларига хос кўплаб лисоний маълумотларни қиёслаб, фикр юритади. Унингча, «*Arshaq*» атамаси «*Ap+shaq*» қисмларидан иборат бўлиб, «*ap*» сўзининг ўзи «*қўл*» маъносини англатувчи «*ap*» лексемасига ўзакдошdir. Н. Я. Mapp ўз фикрларини умумлаштириб, «тотем вазифасини бажарувчи «*ap + shaq*» атамаси «*ap*» детерминитиви (тотем кейинчалик илоҳа, тангри сифатида ҳам тасаввур қилинган) ва «*shaq*» – «*сак*», яъни «*скиф*» сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган», – деб ҳисоблайди.²

Шундай қилиб Н. Я. Mapp «*ap*» сўзи тотем маъносини билдириган бўлиб, кейинчалик ҳатто «*тангри*» маъносида ҳам

¹ Mapp N. Я. Собрание сочиненение. Т. III. – М.: Государственное социально-экономические издательство, 1936. – С. 354–355.

² Ўша манба. – 357-бет.

Құлланилған деб талқин килади. Унинг таниқли шогирдларидан бири В. В. Абаев эса «шак» сўзи ҳам «кайик» тотемига алоқадор тник атама деб ҳисобладый.¹

Аслида эса «Аршақ» тушунчасининг дараҳт культи ёки құлнинг магик-тотемистик талқинларига алоқадорлыгини тасдиқладыган бирорта тарихий-мифологик даиліл мавжудлиги маълум эмас. Милоддан бурунги даврларга оид тарихий ҳужжатларда эса Аршақ, ҳақиқатан ҳам, хаётда яшаб үтган реал шахс номи сифатида таърифланади. Маълум бўлишича, милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида яшаган Аршақ Ўрта Осиё ҳудудида истиқомат қилған бир неча қабила ва уруғларнинг сардори бўлған экан. У ўз қавмдошлари билан биргаликда юонон-македония босқинчилари ва эроний ҳукмдорларнинг талончилик хуружларига қарши узоқ йиллар мардонавор кураш олиб борган.

Страбон (милоддан бурунги I аср)нинг гувоҳлик беришича, «Аршақ скифлар авлодидан бўлиб, дай қабиласининг сардори эди. Ўзларини парналар деб атайдиган бу қавм Оху (Теджен) дарёси соҳилларида яшар эди».² Ариан (милоддан бурунги II аср) эса дайлар.³ Сирдарё бўйларида ва Бактрия тупроғида ҳам истиқомат қилғанликларини қайд қилади.⁴

Тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда, Аршақ Парфия ҳоқонлигига асос солған ҳалқ қаҳрамонидир. Аршақнинг саргузаштларини қаламга олган муаррихлар унинг Тиридот деган укаси ҳам бўлғанлигини алоҳида қайд қиладилар. У ўз акаси – Ўрта Осиёда яшаган кўчманчи ва ерли қабилаларнинг мустакиллик йўлида олиб борган мардонавор курашига бошлилик қилған бу ёвқур, жасур сардорнинг энг яқин маслаҳаттўйи, содиқ кўмакчиси бўлган. Оғир жангларнинг бирида Аршақ қаҳрамонларча ҳалок бўлгач, унинг ўрнини эгаллаган Тиридот Парфия давлатини мустақил, озод диёрга айлантиради. Аршақийларнинг ҳозирги Арманистон ҳудудида пайдо

¹ Абаев В. В. Осетинский язык и фольклор. Т. I. – М. – Л., 1949. – С. 179.

² Древние авторы о Средней Азии. – Ташкент, 1940. – С. 91.

³ Бу сўз «Авесто»да «даха» тарзида қайд қилинган.

⁴ Древние авторы о Средней Азии. – Ташкент, 1940. – С. 47.

бўлиши эса нисбатан кейинги даврларда рўй берган тарихий ходисалар сирасига киради.¹

Бизнингча, «*Аришақ*» атамасининг келиб чикиши ва моҳиятини бевосита Ўрта Осиё халқларининг тили ҳамда қадимий тарихидан излаш керак. Модомики, ўтмиш битикчиларининг «Аршақ – скифлар авлодидандир» деган таърифига асосланадиган бўлсак, унинг асли шақ қабиласига мансублигига ҳеч бир шубҳа қолмайди. Бизнингча, Страбоннинг ана шу қайдномаси «*Аришақ*» атамасининг моҳиятини ойдинлаштиришда ҳал қилувчи ахамиятга эга бўладиган маълумот деб қаралиши лозим.

Бу атама икки қисмдан, яъни «*ар*» ва «*шақ*» узвларидан ташкил топган. Эътироф этиш керакки, Н. Я. Марр ҳам «*Аришақ*» сўзи таркибидаги «*шақ*» элементини уруғ-қабила атамаси, яъни этник ном дея тўғри талқин қилган эди. Аммо унинг «*Аришақ*» сўзидаги «*ар*» элементи «тотем», «тангри» маъноларини англатади, деган фикрига кўшилиб бўлмайди. Шунингдек, Н. В. Тревернинг «*ар*» сўзи «қуёш», «ёғду» маъноларини билдирувчи «*хвар*» лексемасига алоқадорлиги тўғрисидаги фарази² ҳам ҳақиқатдан йироқдир.

Айрим муаррихлар «скиф» номи билан аталган массагет ва шақ қабилаларининг ўзбек халқи этногенезида муҳим ўрин тутганлигини етарлича асослаб беришган. Шу боис, ўзбек халқ оғзаки ижодида шақ ва массагет эпоси, уларнинг қаҳрамонона жасоратлари мадҳ этилган қўҳна достонларининг қолдиқ ҳолда етиб келганrudimentлари сақланганлиги бежиз эмас. Хусусан, «Ойсулов» ёки «Кунботир» достонида тасвиirlangan воқеалар милоддан бурунги VI асрда рўй берган тарихий ходисаларнинг бадиий инъикосидир. Бу достон сюjetи Геродот «Тарих»ида келтирилган қадимий қиссалардан бири – массагетларнинг подшо Кир бошчилигидаги босқинчиларга қарши курашига бағишланган эпик ҳикояларга³ ўхшаб кетади. Буюк муаррих нақл қилган бу қиссанинг айрим мотивлари ўзбек баҳшилари репер-

¹ История народов Узбекистана. Т. I. – Ташкент, 1950.

² История народов Узбекистана. Т. I. – Ташкент, 1950. – С. 91.

³ Геродот. История. Т. I. – С. 200–214.

түаридаги бошқа достонларда ҳам учрайди.¹ Масалан, ўртаосиённик бахшилар шақ паҳлавони Рустам жасоратлари мадҳ этилган эпик асарларни ҳамон тилдан қўймай куйлаб келмоқдалар.

Ўзбек тилининг луғат бойлигига келиб чиқишига кўра қадимги сўғд, шақ ва скиф² тилларига мансуб бўлган сўзларнинг кўп кўлланилиши ҳам тасодифий эмас.

Масалан, шақ лаҳжасида «ем-хашак» маъносидаги «хваси» сўзи тилимизда «хашак» тарзида ишлатилади. Шунингдек, «чўп», «майда хашак» маъносидаги «хас» сўзи ҳам юкоридаги ўзакка алоқадор. Тилимиздаги «чарви», «жисир» сўзлари шақ тилида «ғғ» маъносида кўлланилган «тсараби» лексемасининг фонетик вариантиларидандир. «Авесто» битикчилари сўғд лаҳжасидағи «тан» сўзини «исинмоқ» маъносида ишлатганлар. Бинобарин, «оловга тобла», «оловнинг тапти» ибораларидаги «тоб//тан» сўзлари ҳам ана шу лисоний бирликка алоқадор бўлиши керак.

Шақ тилидаги «кава», сўғдча «кана» сўзларининг маъноси «балиқ» демакдир.³ Назаримда, жонли сўзлашувда кўп кўлланиладиган «оғзингни каппа-каппа очма», «мунча оғзингни каппа-каппа очсан?» каби иборалардаги «кана» ҳам худди шу кўхна сўзга маънодощай туюлади.⁴ «Авесто»да, сўғд тилида

¹ Милоддан бурунги VIII асрдан бошлаб эрамизнинг V асригача бўлган даврни ўз ичига олган шақ эпосининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзбек эпосининг юзага келишидаги ўрни масаласи Т. Мирзаев ва Б. Саримсоқовлар томонидан кейинчалик чукур ўрганилди. Бу ҳақда қаранг: Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари, тарихий тараккиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. – 28–35-бетлар (Маколани таржима қилиб, нашрга тайёрлаган М. Жўраевнинг изохи).

² Бу ўринда Оврупо ҳудудида истикомат қилган скифлар эмас, балки қадимги Ўрга Осиёда яшаган қавмлар назарда тутилмокда.

³ Муайян сўзнинг у ёки бу қабила ёки уруғ бирлашмаси тилига тааллуқлилиги шартлидир. Биз фойдаланган манбаларда қандай қайд килинган бўлса шундайлигича кўлладик. Ўтмишда яшаб ўтган муаррихлар бирорта скиф сўзини қайд қилишашётганда кўпинча шақ ёки массагет қабилаларини назарда тутганлар. Маълумки, ўша даврда Ўрга Осиёда истикомат қилган кўпгина этник гурухлар ва уруғлар ана шу икки қабила бирлашмаси таркибиға кирган.

⁴ Нос ёки талқонсиғат емишни оғизга солмоқ маъносида кўлланиладиган «каппаламоқ» сўзи, шунингдек, шеваларимизда «бўйиннинг бўғиз қисми» маъносини билдирувчи «капиржак» лексемаси ҳам ана шу қадимий ўзак асо-

«гау» сўзи «сигир» ёки «буқа» маъноларини билдиради. Скиф ва сўғд тилларида «қўл» маъносини англатувчи «чанг» сўзи ўзбекча «чангаль» (бу сўз таркибидаги «ал» элементининг ўзи ҳам «қўл» маъносини билдиради) сўзининг пайдо бўлишига асос бўлган.¹

Скифлар жанговар дружина ёки аскарлар гурухини «бала» дейишган. Зеро, ўзбек халқ эпосининг шавкатли қаҳрамонларидан бирининг номи *Бал Аваз*, *Балә Аваз*, *Аваз балә* деб аталишининг боиси ҳам ана шу кўхна терминга боғланади.² Тахминимча, «аскарбола» («аскар + бола») сўзининг келиб чиқиши ҳам «чанг+ал» типидаги лисоний бирликларнинг шаклланишига ўхшаб кетади. Бу сўзнинг биринчи қисми, яъни «аскар» асли араб тилига мансуб лексема бўлиб, феодализм даврида ўзбек тилига ўзлашган. Унга, аслида, «аскарлар тўпи» маъносида қўлланилган сўғдча «бала» элементи қўшилишидан «аскарбола» сўзи ҳосил бўлган. «Бала» сўзи ўзбек халқ этногенезида муҳим ўрин тутган қадимги қабилалар тилига мансуб бўлиб, ҳозирда унинг асл маъноси унутилиб кетган.

«Авесто»даги «тану» (бадан) сўзини ўзбеклар «тан», «тана» тарзида ишлатадилар. Киши исми «Авесто»да ва скифларда «нама» дейилган. Ўзбеклар эса ҳозир ҳам шахс отини «ном» деб атайдилар.

«Авесто»даги скифлар тилида қўлланилган «нар» ҳамда ўзбек тилидаги «нар» ва «нор» сўzlари «эр киши», «эркак» маъноларини англатади.

Республикамиизда «сақ» ёки «шақ» атамаси билан алоқадор жуда кўп топонимик номлар ҳам қайд қилинган. Бу эса қадимги шақ қабилалари қачонлардир Ўзбекистон худудида яшаганликларидан далолат беради. Хусусан, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Сўқоқ қишлоғи яқинидаги тоглардан бири *Шаққўргон* (Шак + қўрғон) деб аталади. Шаққўргон тоги эта-

сида юзага келган бўлиши керак (Маколани таржима килиб, нашрга тайёрланган М. Жўраевнинг изохи).

¹ «Чанг солмоқ» ибораси ҳамда «чангча» (арик сувидаги шоҳ-шаббаларни олиш учун ишлатиладиган қўлга ўхшаш илгак, мироблар иш қуроли) сўзи ҳам ана шу ўзак асосида шаклланган (нашрга тайёрловчи изохи).

² Мен илгариrok «Бол Аваз» атамасини «Ширин Аваз» («Сладкий Аваз») тарзида нотўғри изоҳлаганман.

тида *Сахсартена* номли тепалик ҳам бор. Остида каттагина төр бўлган бу тепаликнинг қадимийлигини археологик топилдиклар ҳам тасдиқлади.¹

Қашқадарё вилоятидаги Тенграҳарама яйлови яқинида *Қиршак* ёки *Қирсак* деб аталувчи жой бор. Ўша ердаги кичкинагина бир дарё ва дара ҳам ана шу ном билан аталади. Лақай номли ўзбек уруғи таркибида «*шакай*» (шак-ай) шохобчasi борлиги маълум; «-ай» қўшимчаси ўзбек этнонимларида, хусусан, лақай уруғига мансуб қавмлар номи таркибида кўп учрайди. Масалан, *дўсай* каби. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Шу каби сўзларни ўлка ва ҳалқ тарихи билан bogлиқ ҳолда тадқик қилиш учун эса этнолингвистик изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.²

¹ 1946 йилда ер кимирлаш натижасида тепаликнинг устки кисми ўпирилиб кетган ва сочилиб ётган сүяклар орасидан осталон, яъни оссуарий топилган. Сахсартепада археологик казиш ишлари олиб борилиши тарихнавислар учун поёб материаллар тўплашға имкон беради. Бундан ташқари, «Сўқоқ» топонимининг ўзи ҳам мутахассислар эътиборини тортиши лозим. Маҳаллий аҳоли орасида «Сўқоқ» топоними «сув» + «оқ» сўзларидан ясалган деган талқинлар мавжуд. «Сўқоқ» топонимининг ҳақиқий маъноси аллақачонлар унтилган бўлиб, одамлар ўз кишлоқлари номининг келиб чиқишини ўша ердаги чашмалар билан bogлиқ афсоналарга алокадор деб биладилар.

Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асарида, XV аср адиби Кутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони ва бошқа манбаларда «сўқоқ» сўзи учрайди. Бу сўз кийикнинг бир тури атамаси маъносида қўлланилган. Хусусан, Маҳмуд Кошгари бу сўзни «сўқоқли тоғ» иборасида ишлатган. Кутб «сўқоқ» сўзини «кийикнинг йирик тури» маъносида қўллаган бўлса, Маҳмуд Кошгари бу лексемани «оқ кийик» деб изоҳлайди. Эслатиб ўтаман, илмий адабиётларда «жайрон» (*Gasella subgutturusa*) номи билан юритиладиган жайдари чўл кийигини ўзбеклар ҳозир ҳам «оқ кийик» дейдилар.

² Бир канча ўзбек уруғлари номининг этимологиясини фақат ўзбек тили материаллари асосида аниқлаш фойт мушкул. Муайян этнонимнинг келиб чиқишини таҳлил қилишда ўзбек ҳалқининг этногенезида иштирок этган қадимги қавмлар тилига оид материалларни жалб қилиш у ёки бу этноним тарихини ёритишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, «чаркас» (фонетик варианти «черкес») номли ўзбек уруғи номининг пайдо бўлишини, назаримда, сўғд тилидаги «бургут» маъносини билдирувчи «čarkas» сўзи билан boglab изоҳласа бўлади. Бинобарин, ўзбек уруғларининг шажара тизимида «лочин», «баҳрин», «тувадоқ» каби бевосита қуш номи билан bogлиқ этник атамалар мавжудлигини назарда тутсак, бу қиёсий таҳлил нечоғлик асосли

Тилимиздаги эскирган, архаик сўзларнингина эмас, балки ҳозир ҳам муомалада бўлган айрим сўзларнинг асл маънолари ва келиб чикиш тарихи ўлкамизда қачонлардир яшаган аждодларимизнинг ўтмиши, турмуш тарзи ва ёзма ёдгорликларини ўрганиш орқали ойдинлаштирилади.

Маълумки, «*калта*» сўзи «*қисқа*», яъни «*узун*»нинг антоними ҳисобланади. Баъзи бир тилшунослар фикрича, бу сўз туркий ўзакдан ясалган. Аслида эса «*калта*» сўзи ҳам тарихан сўғд тилига хос лексик бирлик экан. Ўрта Осиёда кечган тарихий-этник жараёнлар натижасида сўғдлар ўзбек ва тожик ҳалқлари таркибига сингиб кетганлиги учун «*калта*» сўзини ҳар икки ҳалқ бир маънода тушунади. Бунинг устига, бу сўз қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида мавжуд бўлгани ҳолда, озарбайжон, татар, турк ва бошқа бир қатор туркий ҳалқлар луғатида учрамаслиги ҳам бу сўз туркий ҳалқлар бобокалонлари тилига эмас, балки Ўрта Осиёда яшаб, шу заминда шаклланган ҳалқлар таркибига сингиб кетган қадимги сўғдлар лаҳжасига тааллуқли эканлигидан далолат беради.

Шак//сак, сўғд ва ўзбек тилларидағи лисоний муштаракликларни келтириш орқали, биринчидан, ҳозирги ўзбек тилида Ўрта Осиёда яшаган қадимги уруғ-қабилалар тилидан ўзлаштирилган лексик қатлам мавжудлигини қайд қилиш, иккинчидан, айрим луғатчиларимизнинг у ёки бу сўз этимологияси, тарихи қайси тилга мансублиги хусусидаги баъзи мулоҳазалари бир томонлама эканлигини кўрсатиб бермоқ зарур. Ўзбек тили тарихини ҳалқимиз этногенезисидан ажратиб, факат ёзма манбалар асосида тадқиқ этиш ҳам ана шундай нотўғри илмий хulosаларнинг оммалашишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбек ҳалқи ва ҳозирги ўзбек тили айрим олимлар ўйлаганидек, кейинги беш юз йил давомида шаклланган эмас, балки бир неча минг йиллик тарихий даврлар маҳсулидир. Проф. А. Ю. Якубовский, Я. Ф. Ғуломов ва М. Ваҳобовлар жуда тўғри қайд қилишганидек, ўзбек ҳалқининг этногенезиси милоддан бир неча аср аввалги даврлардан бошланади.¹

эканлиги аён бўлади.

¹ История народов Узбекистана. Т. 1. – Ташкент, 1950. Профессор Я. Ф. Ғуломов ва М. Ваҳобовларнинг фикрлари эса ЎзР ФА конференцияси

‘Эди бевосита «*Аршақ*» атамаси таҳлилига ўтаман. Юкорида қайың қилинганидек, бу атама, шубҳасиз, икки лисоний узвдан ташкыл топган. «*Аршақ*» «*ар*» сўзига Ўрта Осиёда яшаган қадимги қабилалардан бирининг номи – «*шақ*» этноними қўшилишидан исалган. Менимча, «ар» сўзининг маъносини ҳам Ўрта Осиёning қадимги ахолиси тилидан излаган маъқул.

«*Шак*» ва «*сақ*» сўзининг маъноси ҳозирга қадар бизга қоронғу. Балки, бу сўз кийик ёки буғунинг бир тури номининг ифодаси бўлиши ҳам мумкин. «*Шак*» ва «*сақ*» бир сўзнинг икки хил фонетик варианти бўлиб, қадим замонлардан бери гоҳ «ш», гоҳида эса «с» билан талаффуз этиб келингган. Зеро, «с//ш» товушларининг ўзаро ўрин алмашиши ҳозирги ўзбек тилига ҳам хос бўлган фонетик ҳодисадир. Масалан, *шупурғи* – *супурғи*, *шувоқ* – *сувоқ*, *ширач* – *сирач* каби. Қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам бу товуш ўзгариши ҳодисаси кузатилишига асосланиб, ўтмишда айрим қабилалар баъзи сўзларни сиргалувчи «ш» ундоши билан, бошқалари бўлса худди ўша сўзни «с» билан талаффуз қилишган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Назаримда, милоддан аввалги даврларда айрим қабила ёки уруғ бирлашмалари «шак» деб, баъзи бирлари эса «сақ» деб аталганга ўхшайди.

Агарда ана шу илмий далилларга асосланадиган бўлсак, назаримда проф. К. В. Тревернинг юонон тилида сиргалувчи ундошлар бўлмаганлиги учун қадимги муаррихлар «шак» атамасини «с» фонемаси билан «saq», яъни «сақ» тарзида ёзганлар, деган мулоҳазаси¹ баҳсталаб эканлиги маълум бўлади.

Шу ўринда «шак» атамасининг охирги фонемаси хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқ керак. Ўйлашимча, бу сўзнинг сўнгги товуши аслида «к» сифатида эмас, балки чукур тил орқа «к» тарзида талаффуз қилингган. Бу атама, аслида, қандай талаффуз этилишини аниқлашда Ёкут Ҳамавийнинг бир маълумоти, айниқса, муҳим илмий қимматга эга. Ёкут ўзининг «Муъжам-ул булдон» асарида: «Аршақ – бошида «а» (фатҳали), «р» сукунли, нуқтали «ш» фатҳали ва охирида қоф», – деб ёзган.²

(1951 йил) ва ЎзРФА Тарих ва археология институти илмий кенгашида (1952 йил 24 июн) қилган маърузаларида баён қилинган эди.

¹ Каранг: История народов Узбекистана. Т. I. – С. 61.

² Ёкут. Муъжам-ул булдон. 1-жилд. – 192-бет.

Ана шу маълумотнинг ўзи Муғондаги тоғ номи маъносида қўлланилган «Аршак» атамаси ўрга асрларда (ХII аср) «Аришак» тарзида, яъни сўзнинг учинчи фонемаси сиргалувчи «ш» ундоши ва охирги ҳарфи чуқур тил орқа «қ» товуши билан талаффуз этилганлигидан далолат беради. Чунки Ёқут бу ўринда «қ» ҳарфи нукта билан ёзилишини алоҳида қайд қиласди.

Шуниси эътиборга моликки, бу атама ўзбек халқ бахшилари репертуаридаги достонларда ҳам учрайди. Хусусан, «Хиромон» достонидаги мифологик қаҳрамонлардан бирининг номи «Аршак» деб аталади.¹

Ўзбек халқ бахшиларидан ёзиб олинган «Хиромон» достонидаги эпик образ номи – «Аршак» шакли ўрга аср олими Ёқут асарида келтирилган Озарбайжондаги тоғ атамаси ҳамда нисбатан кўхна ёзма обидаларда қайд қилинган «Аршак» терминига уйқашлиги, менимча, тасодифий эмасга ўхшайди. Бунинг устига «шақ» деган уруғ номи милоддан бурунги I минг йилликнинг ўрталарида санскрит тилида яратилган қадимги хинд эпоси «Махабхарата»да «শাকা» тарзида қўлланилган.² Ана шу далилларнинг барчаси ўрганилаётган қабила номини «сак» эмас, «шақ» деб ёзиш ўринли эканлигини кўрсатади.³

Энди «Аришак» атамасининг биринчи қисми, яъни «ар» сўзининг маъноси хусусидаги илмий-назарий фараз ва мулоҳазаларимизни баён қилиб ўтсак.

Менимча, «ар» сўзи ва унинг «эр» шаклида талаффуз қилинган фонетик варианти қадим замонлардан бери «эр», «эркак

¹ «Равшан» достонидаги эпик қаҳрамонлардан бирининг номи – «Эрсақ» атамаси, назаримда, бошка маънога эга. Шу боис, уни «Аршак» атамаси таҳлилига жалб қилмадик.

² Қаранг: Махабхарата. Древнеиндийский эпос. – М. –Л., Изд. АН, 1950. – С. 449, 648, 666.

³ Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида «сак»//«шак» этненимининг этимологияси хусусида бир неча хил талқинлар юзага келди. Хусусан, озарбайжон олими М. Сейидовнинг фикрича, «сак» қадимги туркйлар тилидаги «ёй» маъносини англатувчи «са»//«саг» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ёқут миллатининг номи «саха» атамаси ҳам ана шу лексемага боғланади. Бу ҳақда қаранг: Сеидов М. Гызил дојушчунуң сој-етник талеи нағтында // Улдуз. – Бакы, 1981. – № 8. – 45–46-бетлар (Маколани таржима қилиб, нашрга тайёрлаган М. Жўраевнинг изохи).

киши», «жасур», «баҳодир», «мард», «қаҳрамон» каби маъноларда қўлланилиб келган.

Ўрга Осиёда яратилган ёзма ёдгорликларда «эр» сўзи кўп учрайди. Бу сўз кўпинча шахс отини билдирувчи сўзлардан оддин ёки кейин қўлланилиши кузатилади. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида келтирилган «*Алп эр Тоңа öldimu*» мисраси билан бошланадиган қўшиқда ҳам «Тўнга» исмига «эр» сўзи қўшиб ёзилган.¹

«Артунга» атамаси «ар + тўнга» сўзларидан ташкил топган. Маҳмуд Кошғарийнинг сўзларига қараганда, «тўнгра – йўлбарс жинсидан бўлган бир хил ҳайвон. У фил кушандаси. Бу сўзнинг асосий маъноси шу. Лекин бу сўз туркларда маъноси ўзгарган ҳолда қўлланади. Бу сўз кўпинча одамларга лақаб ўрнида ишлатилади. Чунончи, *Тоңахан*, *Тоңа тэгін* ва шунинг кабилар».²

XI аср шоири Юсуф хос Ҳожибининг «Кутадғу билиғ» асарида ёзилишича, Артўнга ёки Тўга алп эр сак эпосида тилга олинган бир қаҳрамон номи бўлиб, тожиклар уни Афросиёб деб аташаркан.

*Бу турк бэгларинда ати бэлгулуг,
Тўга алп эр эрди қути бэлгулуг,
Тажиклар айур эди Афрасийаб,
Бу Афрасийаб тутти эллар талаб.*

Маҳмуд Кошғарий эса бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Туркларнинг улуғ хони Афросиёбни Тоңа алп эр деб атар эдилар. Йўлбарс каби қучли, баҳодир одам демакдир».³

«Девону луготит турк»да келтирилган қадимги туркий қўшиқлардан бирида «Ўтар» номли шахс оти қайд қилинган:

*Тоқиши ічрә урйиштим,
Улуг бирла қаріштим,*

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – 77-бет.

² Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963. – 379-бет.

³ Ўша манба. – 379-бет.

*Tököshi atïn jarıñitïm,
Aldïm emdi al ýtar.*

Яъни, «Жангда жамоанинг каттаси билан қашка отда урушдим. Унга ўқ отдим ва унга: «Мендан буни ол, эй Ўтар» – дедим».¹

Менимча, Ўтар киши исми, яъни антропоним бўлиб, «ўт + ар» сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган ва «ўтдек жасур баҳодир», «ўтботир», «ўтюрак» маъноларини англатади.² Бу сўз ҳозирги ўзбек тилидаги «ўт йигит» иборасига маънодощидир.

Ўрхун-Енисей ёдномаларида ҳам «ар» сўзи «қаҳрамон» маъносида қўлланилган. Бу жиҳатдан Кемчик-Жирғак дарёси соҳилидан топилган Енисей ёдгорлигидаги «ар атым јок учун», яъни «қаҳрамон деган исмим бўлмаганлиги учун» ибораси диққатга сазовордир. Қадимги туркий тошбитикларидан олинган «Ар атым јарук тэгїн» (менинг қаҳрамонона отим Ярук тегин), «Ар атым ѡла» (менинг қаҳрамонлик исмим Йола), «Ар атым Араён-улуг» (менинг қаҳрамонлик отим Эрен улуғ) каби мисолларни³ келтириб ўтиш фойдадан холи эмас.

«Ар»//«эр» сўзи билаи боғлиқ юқоридаги мисолларнинг бари қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан олинганлигини ҳам назардаи соқит қилмаслик керак. Шақлар эса, олимларнинг тадқиқотларига қараганда, туркий тилда сўзлашмаганлар. Шақ қабила бирлашмаси таркибида туркийзабон уруғлар бўлган ёки бўлмаганлиги ҳам ҳозирча маълум эмас. Шу боис, бизнинг «Аришақ» атамаси таркибидаги «ар» элементи қадимги туркий қавмлар тилидаги «ар»//«эр» сўзига алоқадор бўлиши мумкинлиги хусусидаги фарзий мулоҳазаларимиз ҳар томонлама асосланган, қатъий илмий

¹ Маҳмуд Кошфарий. Девону луготит турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – 349-бет.

² «Ўтар» атамасининг шахс оти эканлигини Маҳмуд Кошфарийнинг ўзи ҳам эътироф этади. У «Ўтар – киши исми», – деб ёзади («Девон», 1, 349-бет.). Ўзбекларда ўғил болаларга «Ўтар» исмининг берилишини XX аср бошида яшаб ижод қилган хоразмлик шоир Аваз Ўтар ўғли исми шарифидан ҳам билса бўлади.

³ Малов М. Е. Енисейская письменность тюрков. – М. –Л., 1925. – С. 38, 56, 73, 74, 78.

хулоса сифатида қабул қилинмаслиги керак. Табийики, бу ўринди келтирилган мисоллар шунчаки тасодифий ўхшашлик аломати ҳам бўлиши мумкин, албатта. Сирасини айтганда, «ар» сўзининг тарихига доир юқорида баён қилинган мулоҳазаларимиз шу мавзуда қалам тебратган олимларнинг талқинлари тўғри ёки тўғри эмаслигини текшириб кўриш, ўрни келганда улар билан баҳслалиши, фикр алмашишга қаратилган эди.

Ўрганилаётган масалани янада чуқурроқ ёритиш мақсадида бавзи бир қадимиј атамаларни, масалан, скиф тилидаги «арвант» сўзи ва унинг турли хил фонетик қўринишларини таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Манбаларда қўрсатилишича, бу сўз «Авесто»да «аур-вант» шаклида ёзилган бўлиб, «қаҳрамон», «шижоаткор», «жасур» маъноларини билдирган. Мен қадим замонларда Ўрта Осиёда яшаган қабилалар тилини ўрганувчи мутахассис, қолаверса, умуман тилшунос эмасман. Шу боис юқорида келтирилган мисоллар ёки шунга ўхшаш лисоний материалларни изчил тадқик этишни тилшунос олимларимизга ҳавола қиласман. Шундай бўлса-да, «қаҳрамон», «жасур» маъноларини англатувчи «арвант» ва «аурвант» сўзларининг асосий компоненти «ар» элементи эканлиги тилшунос бўлмаган кишига ҳам аён бўлиб турибди.

«Авесто» матнларида қайд қилинган «аршан» сўзи ҳам «эркак киши» маъносини билдирадар экан. Қадимшуносларнинг аниқлашларича, «арша» лексемаси «Авесто»да кўлланилган «аршан» сўзининг скифлар тилидаги маънодош фонетик вариантидир.

«Ар»//«эр» сўзлари билан биргаликда кўхна ёзма обидаларда «аран»//«эрән» лексемалари ҳам ишлатилган. Бу сўз Маҳмуд Кошғарий «Девони»даги «эрән била наизаиди»¹ иборасида мавжуддир.

XII асрда яшаб ижод қилган аллома Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарида форсча «мард» сўзининг «эр», «мардон» сўзининг эса «эрән» сингари ўзбекча мукобиллари берилган.²

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963. – 291-бет.

² ЎзР ФА Адабиёт музейи Қўлёзмалар фонди. Инв. № А–11, 6 б варақ.

Буларнинг барчаси «ар» сўзи қадим замонларданоқ «жасур», «шижоатли», «қўрқмас», «ботир», «қаҳрамон», «эркак киши» маъноларида қўлланилган дея хулоса чиқаришимизга асос бўла олади. Бу сўз ҳозир ҳам ўзбек тилининг айрим шеваларида худди шу маънода ишлатилади. Хусусан, «ар» фонетик варианти Хоразм шеваси ва туркман тилида мавжудлиги маълум.

«Ар» сўзининг бошқа шеваларда оммалашган «эр» шакли эса умум ўзбек тили учун муштарак лексема саналади. Эрхубби, Эрбўта, Эртой, Эрторғин, Эрали, Эрўғли, Эрдона каби атоқли отлар таркибида «эр» сўзи қўлланилишининг мантикий асоси ҳам бу қадимий лисоний бирликнинг анъанавий маъноси моҳиятига алоқадордир.

Халқ «эр» сўзига ҳамиша алоҳида аҳамият бериб келган. Ўз юртдининг озодлиги, мустақиллик йўлида мардонавор курашган жасур фарзандларнинг қаҳрамонона жасоратлари эл қалбидаги мухрланиб қолган. Асрлар бўйи номи одамлар тилидан тушмаган, шуҳрати элларга достон бўлган жасур қаҳрамонларни халқнинг ўзи вояга етказган. Ўзининг мардонаворлиги билан жамият ривожига муҳим ҳисса қўшган халқ қаҳрамонларининг бетакор образлари ҳам яратилган. Ижодкор халқимиз ботир қаҳрамон сиймосида ҳамиша ўзининг умумлашма қиёфасини, энг эзгу орзуистакларини амалга ошира оладиган кудратли куч соҳиби образини мужассамлаштирган. Ота-боболаримиз ўз фарзандларини ақлли, эл олқишига сазовор бўладиган, ҳалол ва меҳнатсевар, она юрт ва улус равнақи йўлида фидокорона меҳнат қиладиган киши қилиб тарбиялашни фарз деб билганлар. Эл дардига малҳам бўлиб, олқиши олиш учун эса одам, аввало, эр бўлиши керак.

Эр йигит образининг моҳияти пурмáньо ҳикматларга айланган ўзбек халқ мақолларида ҳам ўз ифодасини топган: «Ё эр бўл, бўлмаса эрнинг хизматида бўл», «Тортшишган – эр, тортшишган – қаро ер», «Эр йигитнинг қадрини огаси эмас, эл билур», «Эр қаноти – от» каби.

Бундай мақолларни кўплаб келтириш мумкин. Эр йигит, элнинг қаҳрамон, ботир фарзандлари хусусидаги айрим мақол ва ҳикматли сўзлар минг йиллар давомида деярли ўзгаришсиз халқ хотирасида сақланиб қолган. Масалан, «Эм билса, эр ўл-

иис», «Эр сўзи бир» каби мақоллар XI асрда ҳам қўлланилган.¹ Маҳмуд Кошғарий томонидан ҳалқ оғзидан ёзиб олинган бу мақоллар XI асрда қандай шаклда қайд қилинган бўлса, шундайлигича бизгача етиб келган экан. Аслида «ар» образи билан алоқадор бу мақоллар «Девон» муаллифи яшаган даврдан анча-мунча аввалроқ яратилмаганмикин, деган ҳақли савол туғилади. Бинобарин, қуйида келтириладиган бир тарихий лавҳа биз кўриб ўтган ҳалқ мақоллари шақ қаҳрамонларининг шонли саргузаштлари асосида яратилганлигидан далолат беради:

Сўғдда олиб борилган қонли жанглардан кейин Александр Македонский ўз қўшинини Сирдарёдан ўтказиб, шақлар ўлкасига ҳужум қилишга ҳозирлик кўра бошлайди. Шунда Александрнинг ҳузурига шақ қабиласи элчилари кириб келишади ва унга қараб: «Нега бизнинг еримизга оёқ босдинг? Сен кимсан, қаердан келдинг? Биз сенга хизмат қилишни, эгилишни хоҳламаймиз. Бизга ҳўқиз, омоч, қилич, ёй ва қозон-товоқ бўлса бас. Биз бу нарсаларни дўстларимиз билан ўзаро баҳам кўрамиз ва биргаликда душманга қарши курашамиз. Ҳўқиз ва омоч билан ер ҳайдаб, ҳосил оламиз. Товоқда дўстлар билан вино ичамиз. Ўйда узоқдаги душманни кирамиз, қиличда эса яқиндагисини. Биз шундай қилиб Сурия, кейин эса Эрон ва Индей шоҳларини снгигб келганимиз.

Сен Лидия, Сурия ва Эронни забт этдинг, бактрияликларни бўйсундирдинг, энди эса бизнинг чорвамизга кўз тикаяпсанми? Аммо Бактрия атрофида айланиб юришинг бефойда. Агар ишонмасанг, Танаис (Сирдарё – X.З.)дан ўтиб кўр, скифлар диёри нечоғлик бепоён эканлигига, сен ҳеч қачон унинг поёнига етол-маслигингга амин бўласан».²

Шақ элчилари ўз сардорларининг Александрга мурожаатини шундай баён қилганлар. Курц Руф томонидан нақл қилинган бу ҳикояда шақ қавмлари эрк, озодлик, юрт мустақиллиги, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, душманга шафқатсизликни барча

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – 38-бет; 2-том. – 266-бет.

² Древние авторы о Средней Азии. – с. 68.

туйгулардан юқори күйганилиги яққол намоён бўлиб турибди. Ана шундай жасур қабила бирлашмасининг сардори Аршақ турли-туман уруғларнинг элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ботир йигитларини ўз атрофига тўплаган. Аршақ ана шу элпарвар, ватанпарвар қабила фарзандларининг йўлбошчиси, чинакам халқ қаҳрамони эди.

Юқорида таҳлил қилинган тарихий, этнографик, фольклористик, лисоний ва топонимик далиллар Н. Я. Маррнинг «Аршақ» тўғрисидаги мулоҳазалари нотўғрилигини кўрсатади ҳамда бу образ Арманистонда яшаган қадимги қавмлар тарихи билан алоқадор деган қарашларни тамомила рад этади. Аршақ ҳеч қандай тотемистик образ ёки тангри номи эмас. У ҳаётда ҳақиқатан ҳам яшаб ўтган реал шахс, мард ва жасур жангчи. Ўз юртининг озодлиги, мустақиллиги йўлида мардонавор курашган халқ қаҳрамонидир. Зеро, тарихий манбаларда ҳам у худди шундай тасвирланган.¹

¹ Ушбу мақола атоқли олим X. Зарифов томонидан 1966 йилда рус тилида ёзилган бўлиб, биринчи марта 1995 йилда М. Жўраев томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида «Аршақ – халқ қаҳрамони» номи билан «Фольклоршунослар меросидан» рукнида (1995 йил, 1-сон, 54–63-бетлар) босилган.

Буюк
КАРИМИЙ
(1906–1945)



Буюк Каримий 1906 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек билим юрти (1926), Самарқанд педагогика техникумидаги аспирантурасида (1933) ўқиган. У 1934 йилдан ЎзРФА Тил, адабиёт ва тарих институти (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти)да илмий ходим сифатида ишлай бошлаган. Олимнинг «Мақоллар ва ҳикматли сўзлар» (1939), «Канал ҳақида қўшиқ» (1940), «Мардлар майдони» (1942) китоблари ва «Фозил баҳши» (1935), «Ўзбек фольклори» (1939), «Ўзбек халқининг оғзаки ижоди» (1939), «Гўрӯғлининг туғилиши» ҳақида» (1939), «Тошкент канали қурилишида тўпланган фольклор материаллари ҳақида» (1969), «Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари» (1995) каби тадқиқотлари чоп этилган. У «Гўрӯғлининг туғилиши» (1941), «Балогардон» (1941), «Тўлак ботир» (1941) «Зулфизар ва Авазхон» (1942), «Гўрӯғли» (1942) сингари халқ достонларини ҳамда Лутфийининг «Девон»и ва Гулханийининг «Зарбулмасал»ини нашрга тайёрланган. Буюк Каримий 1945 йил 10 марта Тошкентда вафот этган.

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ
БАЪЗИ БИР ХУСУСИЯТЛАРИ**

«Эртак» термини узоқ замонларнинг мевасидир. Лекин қайси замонлардан бери «эртак» шаклида ишлатила бошлагани ҳақида

катыйи бир нарса дейишга ҳали қийналамиз. Аммо илгарилаар «эртак» шаклида ишлатилгани бизга маълум. Луғатларга мурожаат этганимизда «эртаки» сўзининг қадимий сўз, афсона, ҳикоят, қисса, ҳатто, достон маъноларини ўз ичига олганини кўрамиз. Демак, «эртаки» сўзи «эрта», «эртанг» сўzlаридан бўлиб, «эртаги, қадимги, аввалги» маъноларини беради.

[...]¹ Эртаклар ҳам ўтмиш кунлар, аввалги воқеалар, қадимги ишлар сифатида баён этиладиларким, шу «эртаки» маъноси билан боғлиқдир. Ҳатто ҳозирги кунларда ҳам, айниқса, чол ва қарияларимиз оғзидан баъзан «эртак» сўзи ўрнида «эртаки» терминини эшитамиз. Бу эса ҳалқ ўртасида ҳар икки шаклнинг ҳам учрашига далилдир. Ҳақиқатан ҳам «эртаки» сўзи тилдаги баъзи товушларнинг йўқолиши қонуниятига кўра қисқарган, кейинги «и» товушининг йўқолғон шаклидир. Айниқса, [...] эртаклар устида сўз очиб, ҳалқ эртакларини кенг омма ўртасида тарқата бошлиганимиздан кейин ва айни замонда экспедицияларимиз таъсири остида бу «эртак» термини ҳамма ерда баробар томир ёйди. Яъни демакчимизким, баъзи ерларда «эртак», бошқа ерларда «чўпчак» ёки «матал» ишлатиб келинган экан, энди бу терминларнинг ҳаммаси деярли ўз ўрнини «эртак» терминига топширди ва «эртак» термини умумлашди. Лекин шундай бўлса-да, «чўпчак» термини устида ҳам тўхташга тўғри келади. Ҳалқ ўртасида «эртак» термини вазифасини кўп ерда ҳали ҳам «чўпчак» адо қилиб келади. Бу «чўпчак» сўзини ҳам «эртак» сўзи каби текшириб кўрсак, тахминий бўлса ҳам шундай хуносага келиш мумкин бўлади:

«Чўпчак» эмас, балки «чўрчэк» сўзининг – афсона, эртак, масал маъноларини тошиб юрганлигини луғатлар орқали топишимиз мумкин.² Шунингдек, Алишер Навоийда ҳам «чўрчак» сўзини шу маъноларда учратамиз:

¹ Буюк Каримий рисоласини мақола сифатида нашрга тайёрлаши чогида қисқартирилган ўринларда [...] белгиси кўйиб борилади (нашрга тайёрловчи М. Жўраев изохи).

² Будагов Л. Справительный словарь турецко-татарских наречий. Т. 2. – СПб. – М., 1869. – стр. 493.

*Ҳабибим ҳусни васфнинг ўйла муҳлиқ онглаким, бўлгай,
Қошида қиссайи Юсуф бир уйқу келтуур ҷўрчак.*

Ҳатто олтой халкларида ҳам шу термин айни маънода ишлатилган экан. Шу «ҷўрчак» сўзининг кейинги кичрайтиш кўшимчаси -чакни олиб ташласак, колғон «ҷўр» сўзи «ингичка – кичик чўпчалар», «хас-хашак» маъносини беради. Демак, «ҷўр» сўзи «ҷўп» сўзидан эса «чўпчумак» шакли ҳам борким, чўпчаларни шигиш, тўплаш маъносини тошийди. «Чўпчинак», «чўпчимак» – «чўпчак териш» бўлиб чиқадиким, бу халқнинг «офтоб чиқди оламга, югуриб бордим холамга, холам чўпчак тер деди. Чўпчак гердим бир қучоқ, нон ёпти ўчок-ўчок» деган мавсум ашуласидаги чўп теришдир. Ҳамон «чўпчак» майда-чуйда чўпчалар бўлса, «эртак» маъносида ишлатилган «чўпчак» сўзи ҳам, шу маънининг муқояса этилган сифатидаги майда новеллачалар демак, эмасмикин? Чунки халқ, жуда кичик парчалар бўлгани учун, ҳам топиш-излаш маъноси бўлгани учун бўлса керак, «топишмок», «чистонлар»ни ҳам «чўпчак»ка боғлаб «топар чўпчак» деб атайди. Бу ҳам юқоридаги фикримизга бир қадар асос бўлади.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, «ҷўр» сўзидан «ҷўрчак» сўзи ясалиб «эртак» маъносини тошиса, тубда бир маъно тошиган «ҷўрчак» билан «чўпчак»нинг лингвистик жиҳатдан, товушларнинг алмашинишлари ва бошқа тил ҳодисалари билан боғлаб, ҳар иккисини бир илдиздан дейиш мумкин эмасмикин?

М. Павет Қасор Тайлнинг¹ «Аллуғотун-Навоия валъптишҳодатул-чиғатоия» деган ва «Абушқа» номи билан машхур «Аллуғатун навоия» номли луғатларнинг маълумотларига кўра, «ҷўп» сўзининг «тўғри, рост, ҳақиқат» маънолари ҳам борким, агар биз шунга биноан «ҷўп» сўзининг охирига кичрайтиш кўшимчаси «чак»ни қўшсак, «ҷўпчак» сўзи ясалади. Демак, бундан маълум бўладики, «ҷўпчак», кичик (оз) бўлса ҳам ростликка, ҳақиқатчаларга эга бўлган нарса дейилган бўлади. Бу, албат-

¹ Бу ўринда М. Павет Де Гасуртеилле назарда тутилмокда (нашрга тайёрловчи М. Жўраев изоҳи).

та, ҳакиқатдир. Шундай бўлгач, бу масалани ё бу томон билан боғлашга тўғри келармикан? Ҳар ҳолда бу масала тор лингвистик хусусиятга эга бўлганлигидан, текширувчиларимизнинг хулосаларини эшитиш иштиёқида қолиб туриб, мавзуумизнинг бўлак қисмига кўчамиз.

Ўзбек эртакларининг бир қадар бўлса-да, ўзига хос хусусиятларини текширмакчи бўлар эканмиз, албатта, эртакларимизнинг классификацияси масаласига йўлукмай иложимиз йўқ. Аммо бу тўғрида ҳали биз ҳеч иш килганимиз йўқ десак бўлади. Шунинг учун биз бу текширишимизда ўзбек эртакларини классификация қилишни устимизга ололмасак ҳам, лекин марҳум фин олими фольклорист Анте Аарненинг «Эртаклар турларининг кўрсатмаси»¹ деган машҳур асарига суюниб, уни рус эртакларига

¹ Эртакшуносликдаги «тарихий-географик метод»нинг асосчиси, фин фольклоршунослик мактабининг йирик намояндаси Антти Аматус Аарне (1867–1925)нинг бу асари, аслида, «Verzeichnis der Marchentypen», яъни «Эртак типларининг кўрсаткичи» деб номланган бўлиб, 1910 йилда нашр этилган. Бу асардаги назарий қарашлар 1913 йилда чиқарилган «Қиёсий эртакшунослик асослари» («Leitfaden der vergleichenden Marchenforschung») номли йирик тадқиқотда янада такомиллаштирилган. А. Аарне дунё ҳалқлари эртакларни «мотивлар силсиласидан ташкил топган сюжет»лар бўйича таснифлаган ва типларга ажратган. Бу асар ҳозирга қадар фольклоршуносликда эпик сюжетлар ва мотивларни системалаштиришнинг илмий-назарий асоси сифатида фойдаланиб келинмоқда.

А. Аарненинг «Кўрсаткичи», асосан, Европа ҳалқлари эртаклари асосида тузилган бўлиб, унда эртаклар қуидаги таснифланган: I. Ҳайвонлар ҳакидаги эртаклар; II. Соф эртаклар: а) сеҳрли эртаклар; б) афсонавий эртаклар; в) новеллистик эртаклар; г) аҳмоқ шайтон (ёки «великан») ҳакидаги эртаклар; III. Латифалар. Бу грухларга мансуб эртаклар мавзутилари бўйича тавсифланган бўлиб, ҳар бир эртак ўзининг алоҳида тартиб ракамига эга. «Ҳайвонлар ҳакидаги эртаклар» 1–299, «Соф эртаклар» 300–1199, «Латифалар» 1200–1999 рақамлари билан белгиланувчи мавзутиларига бўлиб таснифланган.

«Тарихий-географик метод»ни давом эттирган С. Томпсон 1946 йилда Индиана университети (АҚШ) хузурида Фольклор институтини ташкил этди ва фольклоршуносликдаги «антропологик мактаб» вакилларининг баҳс-мунозараларига карамай, А. Аарне «Кўрсаткичи»ни Полинезия ва Микронезия, Европа мамлакатлари ва Америка ҳалқлари эртакларининг материаллари билан бойитиб, 1955 йилда «Мотивлар кўрсаткичи»ни тузди. Бу кўрсаткич «Европа фольклоршунослар жамияти» (EFC) томонидан 1961 йилда Хельсинкида нашр эттирилди, изохлар, тузатишлар ва аниқликлар киритилгандан

үйдириб бир қадар тўлдиришлар киритган Н. П. Андреевнинг «Эртаклар сюжетининг кўрсаткичи»¹ номли асарига кўра, биз ҳам ўзбек эртаклари ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни баён этишимиз мумкин. Н. П. Андреев рус эртакларини шундай асосий гурухларга бўлиб чиқади: 1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар. 2. Фантастик эртаклар. 3. Анекдотлар. Буларнинг ичидаги энг мураккаби иккинчисидир. Н. П. Андреев буни Аарне асосида яна тўртта бўлади: а) сехрли эртаклар; б) афсона-эртаклар (сказки-легенды); в) новелла эртаклар; г) аҳмоқ шайтон ҳақидаги эртаклар. Бу бўлиншида эртакларнинг сюжетлари ҳар гурух ва бўлимлар ичидаги тематик жиҳатдан яна айрим типларга ажратилади. Бирбирига яқин бўлган сюжетлар кетма-кет гурухланиб кела беради. Ҳар қайси гурух ёки типларга ажralган эртакларнинг ўз номерлари билан бирга, жуда қисқа, лекин аниқ мазмунлари кўрсатилади.

Бу классификация асосида жуда кўп ҳалқ эртакларини тасниф қилиб чиқдилар. Ҳақиқатан ҳам бу классификацияни ҳамма ҳалқларнинг ҳам эртаклари учун, асосан, мос келадиган бир классификация дейиш мумкиндир. Албатта, ҳар ҳалқнинг ўз эртаги ўзига хос белгилари билан фарқ қилиши турган гап. Лекин, барибир, шу классификация асосига солиш демак, унинг айрим гурух ёки типларининг ўзгаришига монелик кўрсатмайди. Биз ҳам шу классификацияга асосланиб, ўз эртакларимизни шунга муқояса қилиб кўриш тилагида, Ю. М. Соколовнинг бу ҳақдаги изоҳларига² суюниб туриб, муҳокама юритмоқчимиз.

кейин 1964, 1973 йилларда қайта чоп этилди ва «Аарне-Томпсон кўрсаткичи» номи билан аталди (нашрга тайёрловчи М. Жўраев изоҳи).

¹ Рус олими В. Н. Андреев А. Аарне «Кўрсаткичи»ни рус тилига таржима қилди ва уни 1929 йилгача ёзил олиниб, нашр этилган ҳамда илмий манбаларда таҳлилга тортилган рус ҳалқ эртаклари сюжет тизимиға оид материаллар билан тўлдириб, «Эртак сюжетларининг Аарне системаси бўйича кўрсаткичи» (1929) номи билан нашр эттириди. Шу тариқа рус фольклоршунослигида эртак сюжетларини илмий тавсифлаш ва таснифлашда юқоридаги нашрни асос қилиб олиш ҳамда ҳар бир сюжет типини «АА» белгиси остида гурухлаштириш анъанага айланди (нашрга тайёрловчи М. Жўраев изоҳи).

² Бу ўринда Ю. М. Соколовнинг эпик сюжетлар генезиси ва уларнинг миграцияси, «сайёр сюжетлар» хусусидаги илмий қарашлари назарда тутилмоқда. Қаранг: Соколов Ю. Русский фольклор. – М.: 1941. – С. 63–64 (нашрга тайёрловчи М. Жўраев изоҳи).

I. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар. Бу эртакларда сўз, воқеа, асосан, ҳайвонлар ҳақида боради. Лекин ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар устида тўхтаганда, шуни эслаш керак бўладиким, кишилик жамиятининг биринчи даврларида инсон билан ҳайвонлар ўртасида жуда катта муносабат-боғланиш бор эди. Инсон ижод этиш, яратиш қобилиятига эга бўлганига қадар, ҳайвонлар билан бирга умр кечирган бўлган. Қачонки, инсон ижод этиш хислатларига эга бўлиб, қурол ясар экан, олов ихтиро этар экан, у энди шундан сўнг ҳайвонлардан ажралади [...]. Шундан сўнг унинг табиатга, шунингдек, ҳайвонларга бўлган муносабати ўзгарди. У ўзига фойдали ва унга зарар еткизадирган ҳайвонларга кўра турлича муносабатда бўлди. Инсонда ўз ҳаёти, яшаши учун фойдаси тегадиган ҳайвонларга нисбатан симпатия майдонга келди, унинг меҳнати, кунига яраган ҳайвонларни инсон ўзи билан бирга тутди. Бундан ташқари, инсонларнинг уруғ-уруг бўлиб яшай бошлаган даврларини олсак, бутун бир уруғ қандай бўлмасин кўпроқ бирор ҳайвон, ўсимлик ёки табиатнинг бирор ҳодисаси – қуёш, момақалдироқ ва бошқалар билан зич bogланғон бўлганларким, бунда ҳам биз инсоннинг ҳайвонлар билан бўлган яқин муносабатларини учратамиз. Яъни, демакчи бўламизким, ҳайвонлар қадим кишиларнинг тотемлари – «ота-боболари» эдилар, ҳатто ҳайвонлар маълум давр – қабила бошлиқлари сифатида ҳам ўрин тутар эдилар. Бу ҳоллар эса ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар билан боғлонғон эдиларки, шунинг учун ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, одамни ҳайвонлардан ажратмайди, балки бирга кўради. Ҳатто Н. П. Андреев айтганидай, эртаклар ҳайвонларни ҳам галга тушунадиган, одам каби гапирадиган сифатда тасвири этадилар ҳамда ҳайвонлар улар билан бирга умумий хаётда яшайдилар. Бу тўғрида ўзбек эртакларидан жуда кўп мисол олиш мумкин. Масалан, «Эгри ва Тўғри» эртагидаги Тўғрининг ўрмонда айик, тулки, бўри, куён ва бошқаларнинг гапларини тушуниши ва ёки, аксинча, уларнинг одам тушунадиган тилда гапиришлари; шуниндек, «Дўст бўри» эртагидаги дўст бўрининг пошшовачча билан суҳбатлари ва «Бўри билан тулки» эртагидаги бўри ва тулки билан ер ҳайдаб турган дехқоннинг гаплашиши ва бошқалар юқоридаги фикрларга асос бўла олади. Бунда энг кўп учрайди-

ти ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар: «Бўри билан тулки», «Қарга билан қўзи» ёки «Қарға билан тулки», «Тулки билан хўроз», «Айнқ билан қиз», «Дўст бўри», «Чўлоқ бўри», «Полвон захча» дик «Захча» ва ҳ.к. Шуларнинг қисқача сюжетига кирсак, ҳамма шист тулки ҳийлакор-айёр бўлади, унинг қаршисида бўри унинг ҳийлаларига алданади. Бўри тулки қаршисида содда, тўғри, тенгиз, аҳмок бўлади. Тулки хўrozни дараҳтдан тушириб емакчи бўлади. Кал ёки Етим бола қўлидаги захчаси тилидан гапириб бойни алдайди ва бошқалар...

Іу эртаклар ҳамма ҳалқларда ҳам бордирким, рус эртаклари классификациясида кўрсатилган ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг рус ҳалқига хос хусусиятлари ёки ўзбеклар ҳаёти-турмуши, урф-одати, ҳайвонларнинг тур-жинслари ва умуман, ўзига хос характерларини ҳисобга олмаганди, айни эртаклар дейиш мумкиндири. Масалан, русларнинг «Эчки билан бўри» деган эртаги айнан деярли бизда машҳурдир. Худди рус вариантида учраганидай, бизда ҳам бўри товушини эчкининг товушига ўхшатиб, «Эшикни оч, оғзимда сув келтирдим, маммада сут келтирдим» деб алдаб, эшикни очириб, эчкининг болаларини саб кетади. Улардан бири ўчоқ (рус эртакларида печка) ичига бекиниб қолган бўлади. Лекин шу айни сюжетдаги ҳамма ҳалқда деярли учрайдиган бу эртакнинг айрим хусусиятларига диккат қиласангиз, фарқли ерлари чиқади. Масалан, бизда ҳам бир неча вариантга эга бўлган шу эртакнинг тугаши, биздаги вариантлари шундай: охири эчки воқеадан хабардор бўлгач, бўрига уруш ўълон қиласди. Бўри устага бориб тишини қайратиб келмоқчи бўлади. Уста эса тулки бўлади. Бўрига «Сенинг тишларингни пўлатдан қилиб бераман» деб бўрининг тишларини сугуриб олиб, ўрнига чигитдан тиш қўяди. Эчкининг шохларини эса қайраб қўяди. Эчки ўткир шохлари билан бўрининг қорнини ёриб юборади, эчкининг болалари кутулуб чиқадилар. Мана бунда учраган эчки болаларининг «ўчоқда бўлиши», тишининг «чигитдан» қўйилиши, эчки болаларининг ҳар қайсаларин «олу-булу» каби номлари бўлиши ва ҳ.к. ўзбек вариантларига хос хусусиятлардандир. Бу каби фактларни жуда кўп келтириш мумкиндири.

Умуман олганда, Аарне – Андреевларнинг ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар классификацияси асосида, албатта, баъзи гурухларнинг тушиб қолиши ва ортирилиши билан, бизда ҳам айни ҳолларни, айни гурухларни кўриш мумкин бўлади.

II. Фантастик-сехрли эртаклар. Сехрли эртаклар бизда, худди Ю. М. Соколов айтанидек, турли «сехрлар» билан боғланган бўлади. Бу сехрли эртакларнинг қаҳрамонлари – персонажлари эса сехрли, «сюжет» билан боғланган кишилар бўладилар, ҳам доим «сехрли ишларга», «сехрли жойларга», «сехрли нарсаларга» йўлиқадилар. Катта-катта қўрқинчли ва даҳшатли тилсимларни очадилар. Бундай сехрли эртакларнинг қаҳрамонларига ёрдам кўрсатувчилар эса сехрли нарсалар бўлади. Сехрли эртакларнинг қаҳрамонлари ўз душманлари ёки ўз бошларига тушган кулфатлардан турли ғайритабий йўллар билан қутуладилар.

Бу хилдаги ўзбек эртакларида, кўпинча қаҳрамонларнинг ёрдамчилари – от, бўри, Семурғ қуш, лайлак ва бошқалар бўлади. Қаҳрамоннинг бошига жуда оғир иш тушганда ёки жуда узоқ ма-софали ва қўлга туширилиши қийин бўлган нарсаларни келтириш топширилганда, бирор муносабат топилиб, бўри қаҳрамонга йўлиқтирилади. У бу қийин ишларни осонлик билан ҳал бўлиш йўлини кўрсатади, ҳам унга ёрдам беради.

«Ур тўқмок» эртагида лайлак кал ёки камбагал чолга ёрдам беради. Унга «ур тўқмоқ», «очил дастурхон», «пишти палов» каби асбоблар тақдим этади. «Уч оғайнин» эртагида қаҳрамонга чумолилар ёрдам бериб, сочилган донларни йиғиб берадилар. «Бадал Қорачи» эртагида Бадал Қорачига отлар ёрдам берадилар. Ёки гавҳар тухум қилиб берадиган қушлар ўз тухумлари билан камбағал ўтинчи-чўпонларни бой қиладилар ва ҳ.к. Ёки, шунингдек, қаҳрамоннинг олдida жуда катта-катта вазифалар, узоқ йўллар борким, уни бажариш амримаҳол. Ёки қаҳрамон акалари, ё душмани орқали ер остига – қудуққа ташланган, ер юзига чиқиши йўли йўқ. Шундай пайтларда қаҳрамонга, албатта, Семурғ қушнинг уяси кўринади. Илон келиб унинг болалариға заҳар солмоқчи бўлиб турганда, қаҳрамон илонни ўлдириб, Семурғ болаларини ўлимдан асрайди. Бунинг учун Семурғ қуш

қаҳрамонга дўст бўлади. Уни устига миндириб, бормоқчи бўлган орнга ёки ер юзига чиқарib қўяди.

Шунингдек, бу хилдаги эртакларнинг салбий образлари эса, тимоман бошқача характерга эга бўлган кишилар бўлиб, улардан характерлilари ялмогиз кампир, дев, аждарҳо, илон, жодугар-хокрарлар (гоҳ чол, гоҳ кампир), баъзан парилар ва бошқалар. Сеҳрли эргаклардаги асбоблар, нарсалар ҳам ҳаракат этадилар, эртакнинг бориши – фабуласини ўстиришда катта рол ўйнайтилар. Масалан, «Очил дастурхон», «Ур тўқмоқ», «Ур калтаксур калтак», «Учадиган гилам» ёки пўстак, ойнайи жаҳоннамо, ўзи ичирилса ўликни тирилтирадиган жом, ичса тириладиган обиҳаётлар (ҳаёт сувлари), еса яшартирадиган олмалар. Ҳар кадамда, керак бўлса турли шакл ва нарсаларга айланиб қолувчи узуклар. Ялмоғиз кампирнинг ойнаси – ташласа дарё пайдо бўлади, унинг тароғи – ташласа чангалзор пайдо бўлади, унинг қайроғи – ташласа тоғ пайдо бўлади. Ёки ойнайи жаҳоннамо орқали подшонинг қизини ёки бир парининг ўлганини қўрадилар. Гиламда ёки ўнг қулоғини бураса осмонга чиқадиган, чап қулоғини бураса ерга тушадиган ёғоч отга миниб учадилар, бориб жомдан сув берадилар, тирилади. Шунингдек, «Ур тўқмоқ, қовоқлар» – қаҳрамоннинг душманларини енгишга ёрдам этадилар. «Очил қовоғим» деса, қовоқнинг оғзи очилиб, қовоқарилар чикади, бутун аскарларни чақиб, шишириб қочиради. Ёки «Ур тўқмоғим» деса, бир чеккадан уриб кета беради. Илонлар қизга муҳаббат bogлайдилар, ошиқ бўладилар, қизга ўйланадилар. Масалан, «Илон оға» эртагини олайлик.

Илон чолнинг энг кичик қизига уйланади. Тўй кечаси гўшангага илон – куёв келади. Эшикларни ёптириб, ниқобини олгач, чиройли йигит бўлади. Ниқобига тегмасликни шарт қилиб қўяди. «Агар менинг никобим йўқолса, мендан ажрайсан, менгача бориши амримаҳол, учун темирдан ковуш, чўяндан ҳасса, пўлатдан паранжи қилиб оласан. Ковушинг, паранжинг пиёзнинг пўстидай бўлганда, ҳасссанг едирилиб нинадай бўлганда менга етиб боришинг мумкин», – дейди. Хотинларнинг зўри билан бир кун никоб йўқотилади. Илон оға йўқ бўлади. Қиз ҳалиги тарзда кийиниб топиб боради. Илон оға ялмоғиз кампирнинг ўғли бўла-

ди. Сўнг уни ўлдириб қочиб келадилар». Айни шу сюжетдаги русларнинг машхур «Василиса прекрасная» эртагидаги ялмоғиз кампир (ведьма)нинг ўғли Змей Горинични ҳам биламизким, ўзбек эртагига хос хусусиятларни олиб ташлаганимизда, асосан, бир сюжет ва бир мотивдаги эртаклардир. Шунингдек, илонлар кизни курбон қилишни талаб қиласидилар. «Уч оғайнни» ва бошқа шунга ўхшаш эртакларимиздаги подшо қизини бир қўй билан илонга ем қилиб қўйишлар, сўнг қаҳрамоннинг кутқазиши, «Ёрилтош», «Очил қамиш» каби эртакларда ўз укасининг эчки ёки кийикка айланиши каби одам осонлик билан ҳайвонга ёки тескарича ҳайвон одамга айланга олади. Каптар одамга, одам каптар (пари)га айланади. Хуллас, табиатдаги бутун нарсалар эртакларда иштирок этадилар, улар эртакларда худди одам ҳаётидай ҳаётда яшайдилар. Одамлар билан бирга ҳаракат этиб, бирга юрадилар. Бундан шуни англаш керакким, эртаклар ҳаётда тунашни – ўлимни билмайдилар, ўлимни инкор этадилар. Айниқса, сехрли эртакларда эртак қаҳрамонлари бордию, бирор жодугар томонидан ўлдирилса ёки бошқа бирор сабаб билан ўлиб қолгудек бўлса, турли йўллар билан уни яна тирилтирадилар. Бу каби сехрли эртакларнинг мисолини жуда кўп келтириш мумкин. Масалан, биздаги «Киличкора» ёки «Уч оғайнни» ва бошқа шунга ўхшаш эртакларни олсак, шундай мисол топамиз: ҳар учала ога-ини ҳар қайсилари ўзларига хос бирор хусусиятга эга бўладилар. Масалан, каттаси «Юлдузсанар» номида юради, чунки у кишиларнинг юлдузларини билади – танийди.¹ Ўртанчаси «Дарёбоғлар» номи билан юради, энг кичиги эса «Қиличботир» номи билан юрадирким, унинг жони ёнидаги қиличиди бўлади. Акаларидан тинчиб, уларни подшо қизларига уйлантириб, ўзи бир ёққа кетган Қиличботир бир қанча вақтдан сўнг акаларининг эсига тушади. Юлдузсанар укаси Қиличботирнинг юлдузини кўрай деса, унинг юлдузи ўчган, демак, унга бир ҳодиса бўлган,

¹ Шуни эсга солиб ўтамизким, бизда ҳар бир кишининг юлдузи бўлади, қачон у киши ўлса, унинг юлдузи ҳам кўқдан ўчади, деган эътиқод бор. Шунинг учун кўқда юлдуз учганини қўрсалар, дарров бирор ўлди, дейдилар. Шунга асосланган астрологлар бор эдиларки, бизда уларни «мунажжимлар» деб атардилар. Улар кишиларнииг тақдирини юлдузига қараб белгилар эдилар.

балки ўлган. Ҳар иккала оға-ини Қиличботирни қидириб кетадилар. Йўлларидан катта дарё чикади. Дарёдан ўтиш керак. Шунда Дарёбоғлар дарёнинг сувини боғлайди. Дарёдан ўтиб кетаётганинида Қиличботирнинг икки бўлиниб синиб ётган қиличини кўриб қоладилар. «Э, укамиз ўлган экан», деб қиличини тузатиб, Қиличботирнинг ўлигини бир хужрадан топиб, қиличини бошига кўйишлари билан Қиличботир акса уриб тирилади. Сўнг ҳар учалалари душманларидан ўчларини олиб, мурод-мақсадларига етадилар. Демак, эртаклар ҳеч качон қаҳрамонларининг ўлимларини истамайдилар. Шунинг учун улар ўлмайдилар ва эртак охирда мурод-мақсадларига етадилар. Сехрли эртаклар ҳам оддий ҳаётдан – турмушдан олинган, ундан ташқари яратилган нарсалар эмас. Балки одамни ўраб олган табиат ва турмуш, ҳаёт кечиришидаги бутун ҳодисалар, нарсаларнинг аксиидир. Бу эса дунё тушунишдаги одам тушунчасининг холосасидир.

III. *Маиший-новеллистик эртаклар* эса, ўз хусусиятлари, услуби ва қаҳрамонлари, уларнинг олдиларига қўйган мақсадлари билан сехрли эртаклардан фарқ қиласидилар, ажralадилар. Бу тип эртакларнинг асосида ижтимоий тенгсизликка карши кураш ғояси ётади. Бойлик – камбағаллик масалалари, баҳт – баҳтсизлик, яхшилик – ёмонлик, ақллилик – ақлсизлик, тўғрилик – эгрилик қарама-карши қўйилади. Бу хил эртакларимиз, кўпроқ эртак қаҳрамонининг уйланиш воқеалари, никоҳ масалалари, ақлли ўғил-қизлар, тақдир ҳам баҳт, қароқчи-ўғрилар, тўғрилик, алдамчилик каби турмушда – ҳаётда учраб турган ҳодисаларнинг акси ва бу соҳадаги курашларнинг ифодаси сифатида тасвирланади.

Маиший-новеллистик эртакларнинг қаҳрамонлари сехрли эртакларнинг қаҳрамонларидай катта мушкул ишларни бажармайдилар, тилсимлар очмайдилар. Ёки девлар, ялмоғизлар билан курашмайдилар, балки реал турмушда ва ҳаёт кечиришдаги тенгсизликлар билан кураш олиб борадилар. Ақл ва тадбирлари орқали социал душманлари билаи курашадилар.¹ Гарчи кўп эртаклар ўз манбаларини жамият тарақкийсининг энг қадимги даврларидан олсалар-да, лекин бу билан эртак ўз яратилган дав-

¹ Соколов Ю. М. Русский фольклор. – М., 1930. – С. 339.

рининггина маҳсули, ўз даврининггина аксидан иборат бўлиб қолмайди. Биз биламизки, умуман фольклор, шунингдек, эртаклар ҳам ҳар бир даврнинг унга бағишиланган ҳодисаларини, таъсирларини, жамият ҳаётини ўзида гавдалантиради ва шундай қилиб қатор қатламлар яратади. Синфий жамиятга қадарли эртакларнинг диний-мифологик аҳамияти бор экан, синфий жамиятга ўтгач, у, албатта, ижтимоий-синфий характер касб этади. У ўзини ўраб олган ҳаётни акс эттирас экан, эски мифологик эртаклар ўзига янги ранглар олади, янги мотивлар яратади.

[...] Реалистик эртакларимизда донишманд дехқонлар, чўпонлар, косиблар образи ҳам алоҳида ўринга эга. Улар халқнинг кураши, турмуш тажрибаси асосида ўсган фикр, ақл бойлигини ўзларида гавдалантирадилар. Ўзбек эртакларида кўп учрайдиган, худди рус ва бошқа халқларнинг эртакларидағи «Иванушка дурачок» образи каби «кал», етим, гўл образлари ҳам дикқатни тортади. Булар аҳмоқ, овсар, гўл ҳисоблансалар-да, аслида, улар ўзларини ақлли, доно деб тушунган кишилардан ҳам ақл томонидан юқори турадилар ва ўша «доно»ларни енгид, шармандасини чиқарадилар. Бу тур эртакларда салбий образлар ҳар вақт халқнинг баҳт-саодатини кўра олмовчи, одамларнинг эзгу, энг яхши интилишларига тўсқин бўлувчи кишилардир. Булар хоинлик, бебурдлик, очқузлик, иккюзламалик, қаллоблик сингари энг ярамас сифатлар эгасидир. Эртакларда уларнинг шу сифатлари фош этилади, кулги остига олинади. Халқнинг уларга қарши ўткир нафрати жуда уста иборалар, сўз ўйинлари билан ифодаланади [...].

Халқ эртаклари ўз қаҳрамонларини яратди. Халқ ижодида киши образи, типлар мукаммал, бадий чукур ишланган, кишининг кўзи олдига яққол келиб турадиган жонли образлардир. Эртакларимизда қаҳрамон типларининг қабариб турганлиги, образли гавдаланиши, кишининг кўз олдидан йўқолмас бир суратда чизилганлиги унинг реаллигидандир. Тўлғоной, Маликаи Ҳуснобод, Камбағал қиз, Озодачеҳра ёки Хуршидой образлари орқали дадил, ботир, уддабурон аёлларнинг реал характерлари берилади.

IV. Анекдот эртаклар ҳам шу майший-реалистик эртакларнинг бир тури бўлиб, бундай эртакларда юмор-сатира мухим

ўурин тутади. Бундаги муболағалар, воқеани орттириб қулгига сабаб бўлувчи ҳолларнинг киритилиши бу тур эртакларнинг характерларидир. Лекин бундай эртаклар ҳам ўз мавзуларини, юқорида айтганимиздек, ҳаёт-умр кечириш ҳодисалари билан боғланган воқеалардан оладилар. Эрк, ҳаёт, кураш ҳодисаларини кескин, ўткир юмористик лавҳаларда ечадилар. Масалан, шундай тип эртакларга кирадиган «Қирқ ёлғон» ёки «Қирқ ўтирик», «Уч ёлғон», «Эрксиз полчи» ёки «Авом полчи»ни эсга келтириш мумкинdir. Масалан, «Уч ёлғондан қирқ ёлғон» эртагини таҳлил этсак, шундай мотивни кўрамизким, бунда меҳнаткаш ҳалқнинг ўзи қилган меҳнатларининг самарасини кўрмаганлиги, мулкдорлар томонидан кўрган жабрларини, ниҳоят уларнинг ақлсиз, дунёпараст кишилар эканликларини жуда усталик ва кулги элементлари билан «ёлғон» сарлавҳаси остида ифодалайди. Бу эртакнинг қаҳрамони «кал» подшо қизининг шартини бажариш учун уч ёлғон ичида қирқтадан ёлғон гапириб, муродига етади. Лекин «кал»нинг бу ёлғонлари остида ҳақиқат ётади.

Кал хўрозини йўқотиб, уни ахтарганини айтиб, дейди: «Хўрзимни топиб олдим, бир бойникида дехқончилик қилиб юрган экан, кўришиб, омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрасам, олти ой ишлаган иш ҳақиси битта жуволдиз бўбти». Шу «кал» ўз онаси билан учрашганини ҳам гапиради: «Онам мени йўқотиб, биронникида чўрилик қилиб юрган экан. Уч йилда ишлаган ҳақи уч ойлик ризқи бўбти» дейди. «Кал» яна бир муносабат билан онаси ёнига қайтиб келганини айтади: «Борсам уч ойи битган экан, хўжайинидан ҳақини талаб қилса, хўжайини «Сенга ҳам ҳақми?» – деб, уриб ўлдириб кўйибди» деб ёлғон гапирган бўлиб, ҳақиқат гапларни ўртага ташлайди ва бунга турли муболағалар киритиб, кулги тусини берадиким, бу кейинги хислат, анекдот эртакларнинг хусусиятларига киради. Бу тур эртаклар бошқа ҳалқларда ҳам учрайди. Масалан, русларда ҳам шундай ёлғон сарлавҳали эртаклар кўп бўлиб, уларда ҳам шу эртакнинг қаҳрамони дараҳт орқали осмонга чиқади. Ундан қайиш орқали ерга тушади. Бизда эса ҳалиги «кал» эшакнинг яғирига ёнғоқ куйдириб босганида эшакнинг яғиридан ёнғоқ дараҳти ўсиб кетиб, мева тугади, шун-

да «кал» ёнғоқни кесаклаб қоқади. На ёнғоқ ва на отган кесагидан дарап бўлмагач, ўзи ҳалиги ёнғоқ устига чиқади. Қарайди, кўрсаки, отган кесагидан шудгор пайдо бўлибти. Дарров тарвуз экади ва бошқалар. Мана бу каби ҳақиқатан бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни бирма-бир қаторлаб, кулдириб, буларнинг орасида юқорида келтирганимиз ҳақиқатларни гапириб олади. Албатта, эртакнинг бу тарзда тўқилиши ҳам шу кейинги ҳақиқатни гапириш учундир. Шу тип эртакларга кирувчи «Эрксиз фолчи» ёки «Авом фолчи» эртаклари ҳам характерлидир.

Биз бунгача айтганиларимиздан шундай хулоса чиқаришимиз мумкин. Демак, ўзбек эртакларини ҳам, Анте Аарне ва Н. П. Андреев классификациялари асосида худди ўшандай уч муҳим гурухга: 1) ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар; 2) фантастик эртаклар; 3) анекдотларга бўлиш мумкин. Лекин проф. Н. П. Андреевнинг фантастик эртакларни тўрт қисмга бўлишидай гурухлашида бизда шундай бўлиб чиқади. Фантастик эртаклар: а) сехрли эртаклар; б) майший-новелла эртаклар; в) афсона-тариҳий эртаклар. Бундан ортиқ қисмга бўлиш учун қўлимиздаги материаллар бизни қаноатлантирумади. Бу билан Анте Аарне ва Н. П. Андреев классификацияларини ислоҳ қилган бўлмаймиз, балки аксинча, ундаги хусусиятлар ўзбек эртакларида ҳам борлигини кўрсатиб, факат баъзи ички бўлиннишлардаги аталишларни бошқачароқ номладик. Масалан, юқорида айтганимиздек, тариҳий воқеалар билан боғланган эртакларнинг ҳаммасини ҳам «легенда» дебгина қўяқолмай, ёки аксинча, «легенда-эртаклар»нинг ҳам ҳаммасини «тариҳий эртаклар» дейишдан қочиб, эҳтиётлик билан «афсона-тариҳий эртаклар» деб номлаймиз.¹

¹ Бу ўринда «легенда» (афсона) жанрини эртакнинг бир кўриниши деб баҳолаш, аслида, тўғри эмас. Чунки ушбу мақола ёзилган давр фольклор-шунослигига «афсона»ларни эртак таркибига киритиб юбориш холлари, шунингдек, «тариҳий эртаклар», «афсонавий эртаклар» сингари атамалар фаол қўлланилар эди. Халқ насрини тасниф килиш борасида олиб борилган кейинги тадқиқотлар, жумладан, фольклоршуносларнинг 1964 йилда Будапешт шахрида бўлиб ўтган халқаро конгрессида эртак, афсона, ривоят, оғзаки ҳикоя, нақл жанрларининг ўзига хос хусусиятлари ойдинлаштирилди. Ўзбек фольклоршунослигига ҳам халқ насири жанрларининг мукаммал таснифи яратилган (нашрга тайёрловчи М. Жўраев изоҳи).

Шуни, албатта, эсга солиш керакки, эртакларни бу хилда бўлиш, классификация килиш эртаклар орасига девор қўйиш, уларни бир-биридан чегаралаш эмас. Чунки ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ичida сеҳрли эртакларнинг белгилари ёхуд сеҳрли эртаклар ичida ҳайвонлар образи бўлиши турган гап. Бу иш эртакларни текшириш, уларни варианatlари билан ўрганиш, хулосаларга келишда ёрдам берадиган шартли ўлароқ бир гурухлашдир.

Биз шу муносабат билан гарчи ўзбек эртакларининг ўз ичига олган бутун хусусиятлари, унда ҳал қилиниши керак бўлган бутун проблемаларни ечмаган бўлсак-да, ҳар ҳолда қўлимиздаги эртакларимизга асосланиб туриб ўқувчиларимизни ўзбек эртакларининг баъзи хусусиятлари билан таништириб чиқдик, деб ўйлаймиз.¹

¹ Ушбу макола қуйидаги манба асосида берилмоқда: Буюк Каримий. Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. 1-сон, 59–65-бетлар; 5–6-сонлар, 57–62-бетлар (нашрга тайёрловчи: М. Жўраев).

*Музайяна
АЛАВИЯ
(1909–1988)*



Музайяна Алавия Акмалхон қизи 1909 йил 26 майда Тошкент вилояти Пискент туманида таваллуд топган. Филология фанлари номзоди (1959). Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқиган (1934–38). ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим (1944–57), катта илмий ходим (1957–78) лавозимларида ишлаган. Унинг «Ўзбек халқ маросим қўшиқлари» монографияси (1974), «Янги қўшиқлар» (1951), «Ўзбек фольклоридан на муналар» (1955), «Ўзбек халқ қўшиқлари» (1959) сингари китоблари нашр этилган. Музайяна Алавия ўзбек халқ қўшиқларидан тузилган «Оқ олма қизил олма» (1979), «Халқ қўшиқлари» (1983) тўпламлари ни, шунингдек, Фозил Йўлдош ўғлиниң «Интизор» достонини нашрга тайёрлаган. Унга ўзбек фольклорини тўплаши ва тадқиқ этишидаги са марали хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган (1973). Музайяна Алавия 1988 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ЎЛАН ЖАНРИ

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи дехқон, айникса, кўчманчи, ярим кўчманчи чорвадор хўжаликлар орасида кенг тарқалган қўшиқнинг бир тури ўландир. Ўлан, одатда, қизлар

бир томон, йигитлар бир томон бўлиб диалог шаклида айтилади. Ўланда чорвачилик учун мухим бўлган тоф-тош, кир, сой, яйлов, йилқи, қўй-қўзи, турли ўсимликлар, ов қуши ва сайроки қушларнинг номлари кўп келади. Бу хусусият мазмуннинг бойишига, образнинг ёрқинлигига, қўшиқнинг таъсирчанлигига хизмат қиласди, чунки ҳалқнинг турмуши, тириклик шароити, меҳнати кўз ўнгимизга келиб туради. Шу билан бирга, ҳалқ оммасидаги ишонч, эътиқод, орзу-армон, қайғу ва шодлик ўланга хос бир йўсинда акс эттирилади. Аҳолининг турмушга, одамга, меҳнатга бўлган муносабати ҳар бир бадиий асаддагидай кўриниб туради. Аммо ўланнинг бошқа қўшиқлардан мазмунда фарки шуки, оху фифон, ҳасрат, ҳижрон аламлари, жудолик, шахсий тутқунлик, изтироблар оз бўлиб, нисбатан фикрий эркинлик бор. Қўпчилик олдида кўнгилда борини очик, тўғридан-тўғри ифодалайверади [...].

Ўлан айтишнинг маълум расм-русумлари ва тартиби бўлади. Масалан, Оҳангарон дарёси бўйларида, Қурара тоглари этакларидаги қишлоқларда яшовчи аҳолида бир одат бор. Тўй бошида қизнинг янгаларидан ёшроғи сочига сочпопук, бўйнига маржон, тумор каби турли тақинchoқлар тақиб, бошига желак ёпиниб, юзи очик ҳолда ясатилган отга миниб, орқасига 13–14 ёшлардаги болани мингаштириб «Ўланга!» – деб уйма-уй юриб хабар қиласди. Шунда «Фалон куни, кунбеткайдаги уйга ўланга боринглар!» – деб айтса, орқасидаги бола тўй қилаётган кишининг отини атаб «Қози тўпидан Бозорбой отанинг уйига!» – деб хабарни тўлдирди. Чунки янга қиз томоннинг келини бўлгани учун қайната, қайнана, қайнин-бўйин, ҳатто қайнин юртдаги қўшниларининг отини айтмайди, агар айтса, катта хурматсизлик бўлади. Эрининг номини ҳам айтмайди. «Бойим», «болаларнинг отаси» ёки боласининг исми билаи чақиради. Қайнатани ота, қайнанани эна, бошқаларни қайним, қайнагам деб атайди. Улар эрининг синглиси, ҳатто қайнин юртнинг қизларини болали бўлиб кетган бўлса ҳам қиз деб атайди.

Одатда, қишлоқ, огулларда кимницида тўй, маърака бўлишига кўз-кулоқ бўлиб билиб турадилар. Шунинг учун хабар қилувчиларни тез таниб, қаерда ўлан борлигини билиб, тушуниб

оладилар. Ўланга хабар қилса-қилмаса ёшлар томошага келаверади. Ўлан айтишда ном қозонганлар, албатта, таклиф қилинади.

Маълумки, ҳар ким ўланчи, қўшиқчи бўлавермайди, кўп қишлоқларда чечан ўланчилар бўлади. Масалан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Қорабоғ қишлоғида яшовчи Холжуман Умар ўгли жуда уста ўланчи бўлган. Умтой (Умидой) деган қиз унинг ҳарпдоши (тарафи) бўлиб, уларни Облиқ, Самарчук, Қорабог, Гулбоғ, Очамайли каби ён-атрофдаги қишлоқ тўйларига айтганлар. Улар қатнашган тўйлар жуда қизиган. Шунинг қаби Наманган вилоятининг Поп туманидаги Уйғур қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли Чоркесар қишлоғида яшовчи Тўйчи Юсуфов каби ўланчилар кўп бўлган. Ҳар жойда мана шундай ўланни кўп биладиган чечанлар бўлган.¹

[...] Кўп жойларда ўланни қизлар том(уй)нинг ёки ўтовнинг ичida, йигитлар дала(ташқари)да айтади. Очиқликда, маълум жойда юзлари очик айтсалар ҳам, қизларнинг ўрилган соchlари, юзлари кўриниб турса ҳам, желак ёки рўмollари кулги вақтида оғизларини беркитишга, бошларининг очилиб қолмаслигига ёрдам беради. Очик чеҳралари, лабларидаги табассум кўриниб туради. Ўланчилар томошабинларга нисбатан яна эркинроқ, яна шўхроқ кўринадилар.

Одатда, ўланни эрлар бошлайди. Ўланда ҳам аниқ мисралар бўлади. Бутунлай янги ўлан ҳам айтилади. Баъзи ўланлар борки, Ўзбекистоннинг қайси бурчагига борманг, шу ўланни билишади. Масалан, қуидаги ўланлар бир-биридан узоқ туманлардан бир неча вариантларда ёзиб олинган:

*Қайрагочни кессанда мўлтоқ бўлар,
Бедананинг қуиругу чўлтоқ бўлар,
Киши ёри бировга ёр бўлмайди,
Тўйхонадан кетганча ўртоқ бўлар.²*

¹ Хозир ўлан учун алоҳида тайёргарлик кўрилиб, маҳсус вакт ажратиб, ўланчи чакирилган ўлан тантанаси оз кўринса ҳам, тўйларда қўшиқ, ўйин, қизиқчилик орасида ўлан ҳам айтилади.

² Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиклари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: М. Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 177-бет.

Лекин кейинги байтда баъзан ўзгариш бўлиб туради. Бошқа бир сўз ёки таъбирни қўллаш билан бутунлай янги мазмун касб этади:

*Тенг ўсганлар қолди дема, ҳарпдошим,
Яхши бўлсанг, куёвинг ҳам ўртоқ бўлар.*

Диалог шаклида эрлар бир томон, қизлар бир томон, яъни куёв томон йигитлар (куёв навкарлар) қиз томоннинг аёллари билан айтганда, «ёр-ёр» радифи қўшилса ҳам «ёр-ёр айтдик» демай, «ўлан айтдик» дейишади, шунинг учун биз ҳам бундай намуналарни «ўлан» деб бердик. Сирдарё вилоятининг Зомин туманидаги Қарапчи қишлоқлик Ёрлақаб шоир Бекназар ўғлидан Темур Очилов ёзиб олган ўланлардан намуналар келтирамиз:

Йигит:

*Серкаларнинг бошида шохи бордир, ёр-ёр,
Ҳар бозорнинг ўзининг нархи бордир, ёр-ёр,
Қиз боланинг барисин бирдай дема, ёр-ёр,
Қиз бола билан қиз бола фарқи бордир, ёр-ёр.*

Қиз:

*Саратонда тоғдаги қордай бўлар, ёр-ёр,
Ярашиқли қаторда нордай бўлар, ёр-ёр,
Синчи бўлсанг айтиб бер, охун ога, ёр-ёр,
Яхши, ёмон фарқлари қандай бўлар, ёр-ёр.*

Йигит:

*Тошкентнинг бир бозори ўймоқ бозор, ёр-ёр,
Йигитлик жўмард элга қўй боқтирас, ёр-ёр,
Қиз боланинг яхиси тушиб қолса, ёр-ёр,
Отинг бойлаб олдингда ўйнаб турар, ёр-ёр.*

*Йилқи ичидаги минганим жийрон чубар, ёр-ёр,
Қаёқдаги шумликлар бийдан чиқар, ёр-ёр,
Қиз боланинг яхиси тушиб қолса, ёр-ёр,
Тол чивиқдай буралиб уйдан чиқар, ёр-ёр.¹*

¹ Ўша китоб. – 161-бет.

«Ёр-ёр» билан айтилса, аксарият қўлга дўмбира ёки чилдирма олиб жўр қилиб айтадилар. «Ёр-ёр»сиз айтилса, ўланни чолғусиз айтадилар. Халқ шоирлари ўланни ҳам дўмбира чертиб айтадилар, агар тарафма-тараф айтилса, чолғусиз бўлади. Савол-жавобли юқоридаги каби ўланларда кўпчиликнинг диди, завқи, оила қуришдаги қарашлари, муҳаббат кечинмалари, йигит, қизнинг бир-бирига бўлган майл ва хоҳишлари ифодаланади. Қизиғи шундаки, йигит-қизлар муҳаббатлари, орзу-интилишларини кўпчилик олдида ўлан билан изҳор қилсалар ҳам, ҳеч ким халақит қилмайди. Аммо ўлан одобини бузганларни четлаштирадилар.

Киз:

*Сув бўйида кўкарган толдай бўпман,
Кўланкаси қийма олчин жардай бўпман.
Сиз кўрганда кичкина бола бўлсан,
Охун ака, шу вақтда қандай бўпман?*

Йигит:

*Овулингнинг оқсоқоли Эшиим ориқ,
Тонг отарда ёргуз юлдуз, пешин бориб.
Мен кўрганда кичкина бола эдинг,
Кўши аноринг чиқипти тўшинг ёриб.¹*

Харпдош қиз уялиб, қизариб ўлан айтмай қўяди. Шунда янгалиардан бири чиқиб ўланни бошқа ёққа буриб chalғитади:

*Ориқ қулун деганда, ориқ қулун,
Тевараги молга жой Балиқлининг.
Кўрмаганимга бўпти беш-олти иил,
Эсон-омон юрибсизми, ёруқлигим?*

Ўз ҳаддини билмай, одобдан ташқари чиқиб кетса, ўлан билан тергаб, қарғаб турадилар. Номуносиблик кўп вақт йигитлар томонидан содир бўлади. Бўза, мусаллас ичиб ўланга қўшилиб қолган баъзи бирлари ҳам бўлган:

¹ Ўша китоб. – 161-бет.

Үят ўлан айтганинг оти ўчсин,
Ўткир қайчи тилининг учин кессин.
Бизга ёмон сўз айтган ўнгмай ўлар,
Куруқ ёғочни қучоқлаб умри ўтсин.

Ўлан айтувчи томонлар бир-бирига ҳарпдош бўлади, ҳар икки томон бир-бирига ҳарба қилувчиdir. Улар бир-бирларига ҳарпдошиим! деб мурожаат этадилар. Хитоб, нидо, савол, жавоб билан ўлан айтадилар. Ўлан билан ҳол-ахволларини сўрашиб, изҳор килиб, ўз табиатларидағи кайфиятни ифодалайдилар. Бу хусусият кўпчиликка хос ва кўпларга тегишли бўлади:

Йўнгичқа йўл устида бор экан-да,
Ёрнинг бели ингичка тор экан-да.
Олдингизга келган йигит кетолмайди,
Сизларда бирор ҳикмат бор экан-да.¹

Бу ўланда ёрнинг бели ингичкалиги, ҳусни, лекин унда шундай жозиба борки, келган одам олдидан кетолмайди. Бир қараганда бу содда бир иборадай кўринади. Лекин севаман, ўламан, гўзалсан каби иборалардан кўра таъсирлидир. Ўлан нима учун айтилади, ким айтади, ким енгиб, ким енгилади, айтилган ўлан халққа маъқул бўладими? Мана шундай андишалар билан ўланчилар ўлан сўзини тўртликка қўшиб турадилар:

Қўлимдаги беш бармоқ бирори тоқ,
Охунликдир элнинг кўнглини хушламоқ.
Авваллари тўйда ўлан айтганим йўқ,
Энди айтиб келаман не дейди халқ?

«Айтган ўланим халққа манзур бўладими, йўқми?» – деб ўйлаган ўланчи мақсад эл кўнглини хушламоқ экан, бу нарсани уddyалай олиш-олмаслигидан ҳадиксирайди, ҳарпдошига бундай мулоҳазаларини ўлан билан ифодалайди. Кўшиқка хос параллизм юқоридаги ўланда ҳам борки, кўлдаги бармоқнинг ҳаммаси

¹ Ўша китоб. – 167-бет.

жуфт бўлмай, биттаси тоқ бўлганидай ўлан ҳам, ўланчи ҳам камчиликсиз бўлмайди, деганда ҳарпдошнинг (ўлан айтувчининг) узри англашилади ва авваллари ўлан айтиб, машқини ололмаганини сабаб қилиб кўрсатади. Умуман, «ўлан» сўзи тўртликка киритилаверади:

*Кўкан келди деганда, кўкан келди,
Хўрзларнинг ичидагакан келди.
Қизиқ ўланингдан айт, эй охун қиз,
Тараф бўлиб айтмоқча аканг келди.*

Қиз дархол жавоб қайтаради:

*Булбулларнинг қўнгани гул бўлади,
Оламдаги бор сўзни тил билади.
Тараф бўлиб айтмоқча сиз келибсиз,
Охуңлигинг бу ерда ким билади?*

Одат бўйича тўйлаб, кутлаб келишгани ва ўлан эшитиш учун келганниклари ўланга қўшилади. Бунда ҳам баъзи дастурлар акс эттирилади:

*Тўй-тўй бугун, тўй бугун, тўйлай келдик,
Қўша рўмол қўлга олиб ўйнай келдик.
Тўйингизга келармидик, келмасмидик,
Ширин-ширин ўланлар тинглай келдик.¹*

Тўйга атаб тикилган рўмолчалардан ўлан айтган йигитга берадилар. Ўлан баҳонаси билан йигит-қизларнинг бир-бирларига муносабатлари ва бу муносабатлардаги хурмат, муҳаббатлари изҳор этилади. Қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам бир неча талаблари қўйилади. Қиз томон тез ўлан билан жавоб беравермаса, йигит томон бир қанча ўланни қатор айтади:

*Айт дегандаги ўланни охун айтар,
Айтганда ҳам охун йигит маъқул айтар.*

¹ Ўша китоб. – 182-бет.

*Билайнин охунлигинг, Умидойим,
Үланга бўлсанг охун қарши қайтар.*¹

Одатда, ўлан йигит томондан бошланганда, қизлардан жавоб қайтариш талаб қилинади. Кўп ичидан Умидой чиқиб кўпинча жавоб қайтарар экан:

*Кун исиса, сув бўйида салқинлайман,
Бетим ювсам, ойдай бўлиб ярқиллайман.
Кўмакайдо ўлан деган қўп бўлади,
Мен ўланчи сиз чечанга яқинлайман.*

Шунда Холжуман ўланчи унга мана бундай жавоб берар экан:

*Қангиллаб учади қўлларнинг гози,
Йигитни куйдирап қизларнинг нози.
Болдай томли эшишилар қулоққа,
Умидойнинг ўлан айтган овози.*

Мана шу тариқа ўлан давом этаверади. Йигитлар айтганда, қиз таърифини келтириб, ўзининг яширин сақлаган муҳаббат сирини, умуман, кўнглида борини ифодалайди. «Шундай қиз туккан, ўстирган онага «балли» дейди:

*Мен ўланни айтаман бундай қилиб,
Тегирмондан чиқарган ундан қилиб.
Сенинг түкқан онангга баракалла,
Бетинг ойдай, белингни қилдай қилиб.²*

Ҳар бир ўлан кимга қаратса, қандай талаб билан айтилаётганига қарайди.

*Қарии олдимда ўстирган Камол терак,
Бўйинг мунча ўсади шохсиз терак.*

¹ Ўша китоб. – 178-бет.

² Ўша китоб. – 181-бет.

*Шохсиз терак бўйингни кераги йўқ,
Ипак бўлиб эшилган сўзинг керак.¹*

Бундай талаб қиз томондан ҳам, йигит томондан ҳам қўйилиши мумкин. Тўйда ўйин, кулги, вактичоғлик ҳокимлик қилади. Шу туфайли хушқомат ёшларнинг ўйинга тушишларидан баҳра олиб яратилган ўланлар ҳам бор:

*Ёз бўлса, қовун пишар тўр олишиб,
Палаги палагига ўралашиб.
Келин, қизлар ўйнайди тўй бўлгандা,
Беллари тол чивиқдай буралишиб.²*

Тошкент вилоятининг Пскент туманида ҳар йили ҳайитнинг учинчи кунида бўладиган Курамасайил намозгоҳига йиғилиб, Кураманинг йигит, қизлари ўлан айтишган. 1920 йили Курамасайил умуман қизимаган. Чунки Пскент атроф қишлоқларда Эргаш қўрбошининг галалари кезиб, дехқонлар бошига мусибат, кулфат ёғдириб турган вақт эди. Лекин номозгоҳнинг теракзорлари ичida икки-уч жойда ўлан айтилган. Эвалак қишлоқлик Анорбой ота Кенжаев шундай дейди: «Ёшлик чоғимиз, йигитлик даври эди. [...] Курамасайил куни аташтирилган қизлар ўртоқлари, янгалари билан Пскентга бориб, йигитлар ҳам ўртоқлари билан бирга келиб, қайлигининг миёнчасини бериб ўлан айтишди».

Одатда, сайилларда, наврўз кунлари қиз бирор йигитга унаштирилгандан кейин куёв томон йигитлари билан қизнинг янгалари, ўртоқлари маслаҳатни бир жойга кўйиб, ўртага дастурхон ёзиб, миёнча кўйиб ўлан айтишган, баъзи жойларда лапар ҳам айтишган. Анорбой ота Кенжаев ўша вақтларда айтиб юрган ўланларимдан деб қўйидагиларни айтиб берди:

*Қишининг боши қирғияқ, уч ой тўқсон,
Сувнинг музи сўлқиллар болта сўқсан.*

¹ Ўша китоб. – 182-бет.

² Ўша китоб. – 183-бет.

*Қошу күзинг қийилган бир санамсан,
Сұрасам отанғ бермас, олиб қочсам.*

*Айтасанми ўланни, қайтасанми,
Епінмасдан совуқда қотасанми?
Түйда айтмаган ўлайни уйда айтиб,
Қўзи, улоққа баҳолаб сотасанми?*

*Айт, эй жоним, айт, жоним, ўлан билсанг,
Дунёда не кўрмайсан ўлмай юрсанг.
Бу дунёдан беармон ўтар эдим,
Кулоқлари тўрт эллик тулпор минсам.¹*

Умуман, қиз йигитга унаштирилгандан кейин янгалар куёв-нинг ўртоқлари билан кенгашиб, қаерда ўлан бўлса, қизни олиб бориб ўланга иштирок эттиришга ҳаракат қилган ва кўпинча бунга муваффақ бўлган.

Ўрта Чирчик туманининг Галаботир кишлоғида бефарзанд, ўғил, кизнинг тўйини кўрмай ўтган бир хотин касал бўлганда: «Шу дардимдан тузалсам, элга тўй бериб, куёв-кайликларни чақириб, ўлан айттирайин!» – деб ният қилиб, чақалоқ туғилган чиллалик уйда доялардан фотиҳа олган. Пскент яқинидаги Қоракечув кишлоғида яшаган Қодирбой: «Ўғил кўрсам юртга тўй бериб, мен ҳам келин кўрай, деб ният қилиб куёв-келинларни чақириб, ўртага миёнча қўйиб ўлан айттириб кўнгил хушлиқ қиласман!» – деган. Демак, ўлан айтиш маросими одамнинг орзузи, эзгу тилаги, яхши ниятининг маҳсули сифатида ҳам одатга айланган.

Ўлан айтишдан мақсад кўпнинг кўнглини олиш, тўйни қизитиш, кўнгилдагиларни изхор этиб, дунёнинг иссиқ-совуғи, аччиқ-чучуги билан ёшларни танишириш экан, тўйга келиб ўлан айтмасликнинг яхши эмаслиги айтилиб, ўланга хос турли-туман йўллар билан танқид қилинади. Бир ўланда тўйга келиб, ўлан айтмай ўтирган ҳарпдошга тилинг билан жағингни бойлаб ташлагандай ўтирибсан, келиб нима қилардинг, ёр-

¹ Ўша китоб. – 183-бет.

мангни ичиб уйда ёта қолсанг бўлмас эдими, дейилади. Бу ерда қўшиқقا ёрма ошни қўшиш билан овқат учун келгансан, демокчи ўланчи. Гўё ҳарпдошига қарат айтилган бу ўланда кимдир назарда тутилмоқдаки, ўшани ўйлаб, ўша ҳақида айтаётганини тўйдагилар тушуниб туради. Қўшиқ-ўландан мақсад дил дардини кўпчилик олдида ошкор қилмоқ, шу йўл билан ҳам дардга малҳам топмоқ, оғирни енгиллаштирадиган сўз эшитмоқдир. Яшириниб ётган севгидан барча хабардор бўлиб, кўпчилик буларнинг тақдирига қизиқиб қолади. Ҳар ким ўзининг қисмати тўғрисида ҳам ўйлаб кўради. Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги Очамайли қишлоқлик Абдулла деган йигит билан Қорасайроқ қишлоғилик Олтин деган қиз бир-бирларини севганлар. Абдулла қалин молини топиб беролмагач, отаси Олтинни Жалойир қишлоғига узатиб юборган. Қаерда ўлан бўлса Абдулла билан Олтин бориб ўлан орқали гаплашиб юрган:

*Манов тоғнинг бошида овлар ўтган,
Бу овларни мерган отса қулаб кетган.
Сен эсимга тушганда, ҳарпдошим,
Сени кўриб мен ўзим ииғлаб кетган.¹*

Ўланда кўпинча сўз сирасига риоя қилинмай, олдинма-кетин келаверади. Лекин мазмунга қараб ҳар ким айтилмоқчи бўлган гапни, баёндаги фикрни тушунаверади. Юқоридаги ўланнинг охирги мисрасида мантиқ ҳам, сўз ҳам ўринли эмас. Бу хусусият қўшиқнинг ўлан турида кўп учрайди.

Мана Олтиннинг Абдуллага қарат айтган ўланнида ҳам сўз сирасининг ўринли эмаслигини кўрамиз:

*Қарга дейман,
Қарга уя солади жарга дейман.
Кун ойни кўрмаганга ўзи бўлди,
Сўрайман ўланман, ҳорма! дейман.²*

¹ Ўша китоб. – 166-бет.

² Ўша китоб. – 170-бет.

Бу ҳол, одатда, кейинги байтда ҳам кўринади. «Кун ойни кўрмаганга ўзи бўлди» деса ҳам кўришганимизга анча ой, анча кун бўлди, демоқчи бўлгани англашилади. Аммо аксарият ўланларда сўз ҳам, мантиқ ҳам ўрнида бўлади.

*Далада қўй боқаман, оққина қўй,
Чайқалган қуйруқлари чоққина қўй.
Бизлар билан ўланни айтиб-айтиб,
Эрта бориб янгангга мақтаниб қўй.¹*

Мана бундай ўланларнинг юкоридаги биринчи байти ўзгармай, кейинги мисраларнинг баъзи сўzlари бирор сабаб билан ўзгариши мумкин. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Нишибоши қишлоғида турувчи Қорабош Тўёқовдан ёзиб олинган вариантда қўйидагича ўзгариш кўзга ташланади:

*Далада қўй боқаман, оққина қўй,
Чайқалган қуйруқлари чоққина қўй.
Бизни енгган Ойсулувим энди бориб,
Чечанлигинг энангга мақтаниб қўй.*

Шу туманнинг Қорабоғ қишлоғида яшовчи Холжуман бободан ёзиб олинган ўланнинг кейинги байти эса қўйидагича:

*Бизлар билан ўлан айтиб, Умид ойим,
Олганингга ўзинг бориб мақтаниб қўй.*

Қизлар йигитга «сизлаб», йигитлар эса қизларни «сенлаб» мурожаат қиласиди:

*Ўрик-ўрик,
Ўртнаман, куяман сизни кўриб.
Жийдали мозор тагида жийда териб,
Сиз кетибсиз бировга кўнгил бериб.²*

¹ Ўша китоб. – 170-бет.

² Ўша китоб. – 173-бет.

Йигитлар «сиз» ўрнига «сен» деб кўллайдилар. Бу тўртликда «Жийдали мозор» жой номи бўлиб, одатда, тунда ёлғиз жийдали, ёки ёнғокли жойдан ўтиш яхши эмас, деб тушунтирадилар. Ўланларда яхши хотин қандай бўлиши кераклиги, эрга ва бошқаларга ёқимли кўриниш учун нима қилиши лозимлиги ҳам куйланади:

*Тошканинг бир бозори узук турар,
Ўланни шоир йигит қизиқтирас.
Эр йигитнинг олгани бўлса яхши,
Кошин қоқиб, кўзини сузиб турар.¹*

Бундай тегажаклик, ҳазил кўпроқ эрлар томонидан айтилади-ган ўланлардадир. Қизларни уялтириб, шу йўл билан енгмокчи ҳам бўладилар. Бундай ҳолларда қизлар ҳаё, ибо билан ўзларини ўландан тортадилар.

Ўз ҳаддини билмай, ҳаддидан ошган бундай ўланчини «*айниди*», «*тилидан тойди*», деб бошқа ўланчи тањбех мазмунидаги ўландан айтиб, тартибга чакиради:

*Абулқосим,
Айт, ўланнинг қолити бузилмасин.
Ўланни қутариб айт, охун бўлсанг,
Билган билиб, билмаганлар ҳайрон қолсин.²*

Аммо бу мазмундаги ўланлар ҳеч кимга қаттиқ ботмайди. Ҳатто диалогда қиз «сен» деб хитоб қиласа ҳам йигит оғринмайди. Бундай кулгили, ҳазил ўланлар тўй маросимининг кўтаринки руҳда, тантанали ўтишида муҳим роль ўйнайди.

Ўлан якка ҳолда, йўлда борганда, ёлғиз колганда, кўпчилик илтимоси билан ҳам айтилаверади. Аммо тўйга бориб ўланга катнашганда тарафма-тараф бўлиб айтиш ўланнинг ўзига хос хусусиятидир. Демак, ўлан ҳам қўшиқнинг қадимий тури бўлиб, асосан, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли орасида кенг тарқалган.

¹ Ўша китоб. – 176-бет.

² Ўша китоб. – 170-бет.

Ўланда дехқончилик ва чорвачиликка оид сўзларнинг кўп келиши, ўхшатиш, сифатлаш, табиат манзараси ҳам ўлан ижодчилари ҳаётидан олинганилиги унинг асосий хусусиятларидан биридир. Уларга баъзан «ёр-ёр» радифи қўшилиб, нақарот ўрнида такрорланиб кўйланиши мумкин, лекин биринчи мисра биринки сўздан ташкил топган ўланлар охирига сира ҳам «ёр-ёр» қўшилмайди:

*Ўрик, ўрик,
Ўртнаман, куяман сизни кўриб...*

ёки:

*Ўринбойди,
Шолиси захоб ерди кўринмайди, –*

деб бошланадиган ўланлар қофияси уйқаш бўлмаса ҳам, куйланганда оҳангдош бўлиб кетади.

Ўлан қиз узатар кечада айтилмайди, никоҳдан аввалги кечаларда ташкил қилинади. Чунки ўлантининг табиати осойишта, хотиржам, кўпчиликнинг эътибори ўлан томонда бўлишини талаб килади. Сир сақланган муҳаббат кечинмалари тўйдаги ўлан айтиши маросимида айтилганда ҳамма кизикади.

Кўп жойларда қиз узатарда ўланга деб алоҳида чақириб, маҳсус тайёргарлик билан ўланчилар йиғилиб тарафма-тараф бўлиб айтилмай, «ёр-ёр»га ўхшатиб, лекин «ёр-ёр»ни қўшмай ўлан қилиб, бир киши, баъзан кўпчилик бўлиб ижро этилади. Бу ўланда узатилаётган қиз, унинг яқин қариндош ва ўртоқларининг руҳий кечинмалари, ҳатто тўй жараёнининг баъзи бир томонлари акс эттирилади:

*Ўлан айтиб тўйингда уялмадим,
Йиглаганда қўз ёшим тиёлмадим.
Кетар эдим сен билан, айналайин,
Уйда қолган онамни қиёлмадим.¹*

¹ Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент, 1959. – 292-бет.

Демак, ўлан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи, кўпроқ «желовчи» ўзбеклар орасида тарқалган, аксарияти диалог шаклида айтиладиган, баъзан савол-жавобли қўшикларни «ўлан» деб атаганлар. Ўланда ёмон хислатлар ҳақида фикр юритилар экан, одамларнинг билим даражаси, тажрибада кўрганлари, эшитган, билгандар атрофида ёндашилади ва дунёқарашлари асосида акс эттирилади. Унда ишқ-муҳаббат асосий ўринни эгаллайди.

Ўлан, лапар, «ёр-ёр» қадимда бир бўлган. Кейинги вакътларда турли тўй маросимлари, ҳар жойдаги кишиларнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ равишда улар орасидаги тафовутлар кучайган. Уларнинг ҳар бири тўй маросимининг маълум босқичи билан боғланиб қолган ва мустақил қўшиқ турига айланган.¹

¹ Ушбу мақола М. Алавиянинг «Ўзбек халқ маросим қўшиклари» (Тошкент: Фан, 1974) номли монографиясидаги «ўлан» жанри таҳлилига бағишиланган фасли (161–184-бетлар) асосида тайёрланди.

*Мансур
АФЗАЛОВ
(1910–1973)*



Мансур Афзалов 1910 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Филология фанлари номзоди (1950). Наримонов номли педагогика билим юртида (1924–29), ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида (1934–37) ўқиган. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим (1937–50), катта илмий ходим (1950–1972), бўлим мудири лавозимларида ишилган. Мансур Афзаловнинг «Ўзбек халқ эртаклари ҳақида» (1964) номли монографияси, «Ўзбек фольклоридан намуналар» (1938), «Эргаиш Жуманбулбул ўғли ижоди» (1950) китоблари, «Ислом шоир Назар ўғли» (1939), «Бекмурод жисиров ҳақида» (1844), «Бекмурод шоир» (1946), «Талантли халқ куйчиси» (1951), «Алномиши» достонининг вариантлари ҳақида» (1956), «Мамадрайим бахши» (1960), «Ислом шоир ва унинг «Орзигул» достони ҳақида» (1961), «Ўзбек фольклористикасининг асосчиси» (1966), «Халқ эртаклари таснифи» (1967), «Пўлкан» (1976) каби тадқиқотлари чоп этилган. Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган (1973). Мансур Афзалов 1973 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДАГИ ЭРТАКЛАР

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг юзага келиши узоқ ўтмишга бориб тақалади ва кишилий жамиятининг ибтидоий давридаги ҳаёти ва меҳнати билан боғланади. Бу турдаги эртакларнинг

бир қанчасида ибтидоий инсоннинг ҳаёти, меҳнати, дунёқараши, тушунчаси ифодаланган. Буларда, айниқса, кўзга ташланадиган хусусият табиат ҳодисалари ва турли ҳайвонларга тотемистик ва анимистик карашдир. «Тотемизм одамнинг кўпинча қандайдир бир ҳайвон ёки ўсимлик билан, баъзан жонсиз нарса билан ёки, ҳатто, табиат ҳодисалари билан алоқаси борлиги ҳакидаги ишонч-эътиқоддир».¹

Бу турдаги эртаклар узоқ асрлар давомида юзага келиб, жамият тараққиётининг кейинги босқичларида анча ўзгаришларга учраган [...]. Инсоннинг ижод этиш ва қурол ишлатиш қобилияти, табиатга муносабати, тирикчилиги борган сари ривожланади. Қурол ясаш, оловни ихтиро этиш ва ундан фойдаланиш натижасида инсон ҳайвонлардан тубдан ажралади.

Энг қадимги даврда юзага келган ҳалқ ижоди асрлари, жумладан, эртакларда ҳам ўша даврдаги овчилик, балиқчилик ва бошқа касб билан шуғулланувчи инсонларнинг қарашлари, ишончлари, эътиқодлари ифодаланган. Улар ҳайвонларни инсонлар каби гапирадиган, фикрлайдиган қобилиятга эга деб тушунгандар. Юзага келган эртак ва афсоналар наслдан-наслга, асрдан-асрга ўтиб, бир қисми бизгача етиб келган.

Демак, ўша даврдаги инсоннинг жонли табиатга болаларча содда муносабати унинг эртагида ифодаланди. Бу ҳақда Э. Тайлорнинг «Ибтидоий маданият» асарида кўплаб мисоллар келтирилган. Бу муаллифнинг текширишига кўра, «ибтидоий одам ўз атрофини ўраб олган табиатда яшаган ҳайвон ва қушларнинг товушини инсонларнинг товуши ва хатти-харакатларига ўхшатади; ҳайвон ва қушлар ҳам, ибтидоий инсон тушунчасига кўра, инсон каби сўзлашади, уришади, дўстлашади, бир-бирларини севади, инсонлар каби психологик кечинмаларни ўз бошларидан кечиради. Ҳаёт, ўлим, ирода, фикрлаш қобилияти, туш кўриш каби руҳий ҳолатлар бор деб ўйлаганлар».² Мана шу йўллар билан қадимги инсон тушунчасида турли ҳайвонлар, қушлар ҳақида мифлар, эртаклар, масаллар юзага келган. Орадан кўп

¹ Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент: Фан, 1060. – 159-б.

² Тайлор Э. Первобынай культура. – М., 1939. – с. 285.

асрлар, йиллар ўтиши билан ўтмишда яратилган бу эртаклар ўзгариб, ўша даврдаги инсон тушунчасининг қолдиги сифатида бизгача етиб келган. Бу турдаги эртакларда табиатга тотемистик¹ қарашлар ҳам ифодаланган. Ҳайвонларнинг баъзи бирларини илохийлаштириш, уларга эътиқод қилиш, ўзларининг ота-бо-боларини ўша маълум бир ҳайвондан келиб чиқсан деб талқин этиш каби ҳоллар бошқа ҳалқлар эртакларида бўлгани каби ўзбек ҳалқ эртаклари, айниқса, унинг ҳайвонлар хақидаги турида кўзга яққол ташланади.

Овчилик билан шуғулланувчи кўчманчи қабилалар тушунчасидаги тотемистик қарашлар, кейинги даврларда чорвадорлар, дехқонлар орасида ҳам давом этади. Шунинг натижаси бўлса керак, Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, ўзбеклар орасида ҳам ҳайвонлар, қушлар тўғрисида жуда кўп эртаклар юзага келган. Ўзбек ҳалқи орасида ҳам бошқа туркий ҳалқлардаги каби турмуши ва ижтимоий ҳаётида тотемистик тасаввурлар, эътиқодлар учрайди. Масалан: ўзбеклар ва бошқа туркий ҳалқлар – мўғуллар орасида бўрига бўлган тотем мавжуддир. Тотемлар ўз даврининг диний тушунчаси, инсон ҳали табиат қуллигига яшаган даврда ёвуз кучлардан ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш йўлларини ахтариб, турли урф-одатлар, иримлар, тасаввурлар яратган чоғларида юзага келган. Улар ўзларига бўрини энг яқин ҳайвон, деб эътиқод боғлаганлар. Бир неча уруғ қабилалари ўзларининг келиб чиқишлиарини бўрига боғлаганлар, баъзилари, ҳатто, ўз тарбияловчиларини бўри деб ўйлаганлар. «Чунки бўри образи баъзи бир туркий ҳалқларда, жумладан, ўзбек уруғларининг бир қанчасида ижобий, ҳатто, муқаддас саналганки, бу тушунча уларнинг бир замонлар бўрига эътиқод қилганликлари, уни томем сифатида муқаддас тутганликлари билан боғликдир».²

Бўрига бўлган эътиқодни акс эттирувчи бир неча эртаклар ҳали ҳам ҳалқ орасида яшаб келади. Масалан, «Чўлок бўри»³

¹ Тотем – қадимги замонларда баъзи ҳалқларнинг назарида қабилага асос солувчи деб ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимлик.

² Ҳоди Зариф. Фольклор ва археология материалларини киёсий ўрганиш масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1958. – 1-сон. – 29–30-бетлар.

³ Ўзбек ҳалқ эртаклари. I том. – Тошкент: Ўззадабийнашр, 1960. – 579-бет.

ва «Бўри»¹ номли эртакларни олайлик. «Чўлоқ бўри» эртагида чўлоқ бўри ўз устига шаҳзодани миндириб қушни, қизни, тулпор отни олиб келишга ёрдам беради. «Бўри» эртагида эса бир қанча бўрилар подшонинг қўй ва корамолларини еб, кўп зарар келтиради. Подшо ҳар қандай куч билан ҳам буларни енга олмайди. Бўрилар ҳужум қилиб, подшо аскарларини ҳалок этади. Улар подшо шахрини эгаллаб, уни ўлдириб, ўрнига бир ўтинчи чолни подшо қилиб кўтаради ва ўзларини озиқ-овқат билан таъмин этиб туришни чолнинг олдига шарт қилиб қўяди. Чол қўркқанидан бу шартларни қабул этади ва бўриларни овқат билан таъмин этиб туради. Кейинги даврларда бўри эртакларда салбий образ ҳолида келади. Чунки бўри инсонга кўп зарар келтиради, чорва молларини киради.

Бўрига бўлган эътиқод, иримлар акс этган эртаклардан бошқа яна айик билан боғлиқ бўлган эртаклар ҳам учрайди. Айиққа нисбатан қадимги инсоннинг тушунчаси, эътиқоди «Айик полвон» эртагида ўз ифодасини топган. Бу эртакда баҳт қидириб сафарга чиққан қиз ўрмонга келиб, адашиб қолади. Айик билан бирга ҳаёт кечириб, ярми айик, ярми одам қиёфасида бир ўғил туғади. «Хирсиддин полвон» эртаги ҳам шу типдаги эртаклардандир. «Куёш ерининг паҳлавони» эртагида бой зулмидан тоққа набираси Рустам билан қочиб борган ямоқчи чол айик қўлига тушади. Она айик Рустамни ўз боласи каби тарбиялайди, дўстлашади. Шаҳар ҳокими ва бойлар чолни тутиш учун келганларида айик томшотиб, душманларга катта талафот етказади. Чол билан Рустамнинг мурод-мақсадларига етишишида айик ёрдам беради.

Ўзбек халқ эртаклари орасида илон образи билан боғлиқ бўлган бир қанча эртаклар бор. Булардан бири «Илон оға»² эртагидир. Эртакда чолнинг қизи Илон оғага тегади. Илон – күёв

¹ Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти Фольклор архиви. Инв. № 1345. Бу эртакни Зохир Қўчкоров Шахрисабз туманидан 1957 йилда ёзиб юборган.

² Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти Фольклор архиви. Инв. №741. Айтувчи: София Азимова. Ёзиб олувчи: Буюк Каримов. Кўкон тумани, Урганжи қишлоғи, 1935 йил.

ниқобини олса, инсонга айланади. Қиз илоннинг ниқобини куйдириб юборса, у капитар бўлиб, учиб кетади. Илон оғанинг онаси ва холаси ялмоғиз кампир бўлади. Улар Илон оға билан кизга кўп тўсқинлик қиласидилар. Лекин Илон оға ва қиз ўз тадбирлари орқали ялмоғиз кампирни енгиб, мурод-мақсадларига етадилар.

Яна бир мисол: «Самарқанд подшосининг ўғли Рум подшосининг қизини олгани»¹ ҳақидаги эртакда илон маликага ошиқ бўлади. «Бу қизга бир қорабош оқ илон ошиқ эди. Кеча-кундуз бу қизнинг жамолини томоша қилиб, маст бўлиб ётар эди. Қайси одам бу қизнинг олдига кириб бориши билан заҳар солар эди. Ҳар нима бўлса, у одамни ўлдирмай қўймас эди, оқшом бўлса бу илон қизнинг қўйнига кириб ётар эди».²

Эртакларда тасвирланишича, инсон боласи илонни ўлимдан кутқаради. Шунинг учун илон ҳам инсон боласига сехрли буюмлар бериб, уни мақсадига етказади. Бу турдаги эртакларнинг варианatlари жуда кўп. Ўзбек, тожик халқ эртакларида, афсоналарида айтилишича, агарда инсон илон гўштини еса, ёки шўрвасини ичса, у вақтда илон инсонга яқин дўст, кўмакчи бўлар эмиш. Масалан, «Ибн Сино билан Ибн Хорис» эртагида Ибн Сино гор ичидаги пишиб турган илон шўрвасини ичган ва бемалол ғор ичига, илонлар подшоси Шоҳиморон олдига кираверган эмиш. Шоҳиморон бу бола ўз жинсимиздан деб, зарар етказмабди. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси ўтмишдаги инсоннинг илонга нисбатан қандайдир «сехрли куч»га эга деб қарашининг эртаклардаги қолдигидир.

Илон билан боғлиқ бўлган эртакларнинг қўпчилиги сехрли-фантастик эртакларда учрайди. Бироқ илонлар бундай ўринларда «сехрли кўмакчи» образи сифатида келади.

От образи билан боғлиқ бўлган эртаклар ҳам кенг тарқалган. Олтин қанотли учар отлар, осмонга учувчи самовий отлар ўзбек халқ эртакларида қаҳрамоннинг асосий ёрдамчиси сифатида келади. От ҳақидаги афсоналар ҳам анчагина. Отга бўлган

¹ Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти Фольклор архиви. Инв. № 284.

² Ўша маnба. 15-бет.

эътиқоднинг зўрлигидан, баъзи бир географик жойларнинг номлари ҳам от афсонаси билан боғланади. Масалан: «Ҳазорасп»¹ афсонасини олайлик: «Учар минг отни тутиб олиш учун Сулаймон пайғамбар булоққа беҳуш қиласиган дори солиб қўяди. Шу хийла билан учиб келган отларни тутадилар. Қанотларини кирқадилар, инсон хизматига қаратадилар», – дейилади афсонада. Отнинг инсон ҳаётида, меҳнатида тутган ўрни ниҳоятда юқори бўлгани учун эртакларда унинг ролини бадиий равища бўрттириб ифодалайдилар.

Ўзбек халқ эртаклари орасида ҳайвонлар ҳакида яратилган эртаклар анчагина ўринни ташкил этади, буларда ҳам ҳайвонлар, күшлар, ўсимликлар инсон каби гаплашади, тортишади, дўстлашади, дўстни душмандан, яхшини ёмондан ажратади [...]. Масалан: «Сусамбил» эртагида уй ҳайвонлари, паррандалар бирлашиб, яхши, фаровон, тинч жой ахтариб Сусамбил мамлакатига етиб борадилар. Ҳайвонлар тилидан меҳнаткаш халқнинг турмуши ифодаланади. Сусамбилга кетишда эшак ариларга шундай дейди: «Эй укалар, сизлар ҳам бизга ўхшаб оч қолиб, қийналганга ўхшайсизлар. Бизнинг танамиизда шира қолгани йўқ. Сўрганларинг билан ҳеч нарса чиқмайди. Ширамизни хўжайинларимиз сўриб олган. Агар овқат керак бўлса, биз билан юраверинглар!»² Сусамбилга эга бўлиш учун ваҳший ҳайвонлар (шер, йўлбарс, бўри ва бошқалар) хужум қилганларида, инсонга яқин бўлиб, у билан боғланган уй ҳайвонлари – эшак ҳанграйди, хўқиз сузади, ари чакади, хўроз қичқиради. Хуллас, ҳаммалари бир жон, бир тан бўлиб, ваҳший ҳайвонларни енгадилар ва «ўтнинг қуюғи, сувнинг тинифи, унда жуда эркинлик, азоб-уқубат йўқ» Сусамбилга эга бўладилар.

Бу эртакда ўтмишда меҳнаткаш халқ оммасининг яхши, тинч, фаровон, адолатли ҳаёт кечириш орзуси ифодаланган.

«Овчи, Кўкча ва Доно»³ эртагида турли жинсдан иборат бўлган ҳайвон ва паррандалар (каптар, сичқон, курбака, тошбақа, қарға

¹ Бу афсона 1962 йилда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидан ёзиб олинган.

² Ўзбек халқ эртаклари. I том. – 52-бет.

³ Ўша манба. – 13–16-бетлар.

ва кийик) дўстлик, аҳиллик натижасида ҳар бир ҳайвоннинг бошига оғир кун тушганда, улар кўпчилик бўлишиб, бир-бирларига кўмаклашиб, ўлим хавфидан қутуладилар. Бу эртак меҳнаткаш оммани бирлашиб, кўпчилик бўлиб, бир-бири билан аҳил бўлиб яшашга чақиради. Эртакдан чиқадиган дидактик хулоса, куч бирлиқда, агар кўпчилик бирлашиб, аҳил бўлиб яшаса, ҳар қандай душман ҳам буларни енга олмайди, қийинчилкларни бартараф қилиш мумкин, – дейилади.

Инсон ўзининг меҳнати, иш қуролларига бўлган муносабати, ихтиро этиш қобилиятига кўра ҳайвонлардан фарқ қиласди. Кейинги даврларда одамнинг табиат ва унинг ўзгаришларига, турли ҳайвонларга бўлган муносабати ҳам ўзгаради. Инсон ҳайвонларнинг ўзига фойда келтирадиганларини ижобий, зарар келтирадиганларини салбий образларга ажратади. Эртакларда ҳам бундай қараш акс этади [...]. Шунинг натижасида бўлса кепрак, бошқа халқлардаги каби биздаги эртакларда ҳам кўпинча тулки, бўри, шер, йўлбарс, илон ва бошқалар салбий образлар бўлиб, ит, от, мушук, сичқон, қўй, қўзи, эчки, кийик ва бошқалар ижобий образларни ташкил этади.

Тулки бошқа халқларнинг эртакларидағи каби бизда ҳам айёр, олғир, ёлғончи киши образидир. Шунинг учун ҳам халқ орасида айёр одамга нисбатан «тулки» лақаби берилади. Бўри эса энг очкўз, муғомбир, ахмок, гўл сифатида тасвиранади. Масалан, «Бўри билан тулки»¹ эртагида ҳар иккисининг ички қиёфаси очиб ташланади. Бўри тулкига: – Мени бир жойга олиб бор ва қорнимни туйғизиб, хурсанд қилиб келгин, – дейди, иккинчи кун бўри тулкига: – Ўртоқ, кеча мени жуда хурсанд қилиб юбординг, энди бугун сал хафа қилиб қўйгин, – дейди. Бу илтимосларнинг ҳаммасини тулки бажаради. Тулки узумзор боғда икки ғужум узумни бурнига сукиб, бўрига: – Корним тўйганидан бурнимдан булоқ бўлди, – дейди. Гўл-ахмоқ бўри ҳам тулкининг бу сўзига ишониб, ўлгунча узум ейди ва боғдан чиқиб, қочиб кетолмай, бoggон калтагига дучор бўлиб, еган узумлари бурнидан булоқ бўлади. Бўри яна тулкининг сўзига кириб, карт думба ёғ қўйилган қопқонга илинади ва энг охири отни ейман деб, от тепкисидан ўлади».

¹ Ўзбек халқ эртаклари. I том. – 37–41-бетлар.

Тулкининг лайлак билан дўст бўлиб, унинг болаларини алдаб, еб кетиши эса аввал дўст бўлиб, кейин душман ипини қилувчиларнинг қилмишларига тўғри келади. Тулкига ўхшаш сиртдан «дўст» бўлиб кўриниб, ичдан душман ишини қилувчиларга нисбатан халқ «Ишонмагин дўстингга, сомонтиқар пўстингга» деган мақолни бекорга айтмаган, албатта [...].

Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар бошқа турдаги эртакларга қараганда композиция жиҳатидан оддий, улар кўпинча қисқа ва маълум бир дидактик холосани кўзда тутади. Масалан: «Дуродгор билан маймун» эртагини олайлик. Бунда дурадгорнинг тахтани ишлаб, арралаб турганини кўрган маймун ҳам инсон қилаётган ишни бажармоқчи бўлади-ю, бироқ унинг думи тахта орасига қисилиб қолиб, азоб беради. «Дод!» дейди маймун. Бундан чикадиган дидактик, ахлоқий холоса «Ҳар ким ўзи билган ишни қилиши керак. Билмаган ишнинг уддасидан чиқа олмай, маймунга ўхшаб шарманда бўлиб қолмаслиги керак» демакдир.

ИНСОНЛАР БИЛАН ҲАЙВОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТНИ АКС ЭТИРГАН ЭРТАКЛАРДАН БИРИ «ЭГРИ ВА ТЎҒРИ» ЭРТАГИДИР. БУ ЭРТАҚДА ТЎҒРИВОЙ ТЎҒРИ, СОДДА, ЗИЙРАК БЎЛГАНИ, БИРОВГА ХИЁНАТ ҚИЛМАГАНИ УЧУН МАҚСАДИГА ЕТАДИ. ЭГРИВОЙ ЭСА ДЎСТИГА ХИЁНАТ ҚИЛИБ, НОТЎҒРИ ЙЎЛ БИЛАН БОРГАНИ УЧУН ЖАЗОСИНИ ТОРТАДИ. БУ ЭРТАҚДАН МАҚСАД КИШИЛАРНИ ТЎҒРИ, СОФДИЛ, ДЎСТГА МЕХРИБОН, ХИЁНАТ ҚИЛМАСЛИК КАБИ ИЖОБИЙ АХЛОҚ НОРМАЛАРИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШДИР.

«ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК ЭР КИШИНИНГ ИШИДИР» ЁКИ «ИЛОННИНГ ИШИ ЗАҲАР СОЛМОҚ»¹ ЭРТАКЛАРИДА ИНСОН БИР-БИРИГА ДЎСТ, МЕХРИБОН, БОШИГА ОГИР КУН ТУШГАНДА йўрдамлашувчи образ ҳолида тасвирланади.

Чўпон илонни олов ичидан кутқариб олади. Илон бу яхшилик эвазига инсонни чақаман дейди. Чунки «менинг ишим заҳар солмоқ» дейди. Инсон тулкининг кўрсатган йўли туфайли илон захридан кутулиб, омон қолади. Бу эртак «Калила ва Димна»² ҳам бор. Демак, бу китобдан эртакчи репертуарига ўтган. Баъзи бир ўзгаришлар билан ёзиб олинган бу эртакдан чикадиган холоса шуки,

¹ Ўзбек халқ эртаклари. I том. – 42-бет.

² Калила ва Димна. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб давлат нашриёти, 1961. – 43-бет.

инсон инсонга дўст, бир-бирига ёрдам кўрсатиши лозим. Агар бир киши сенга яхшилик қиласар экан, сен ҳам ундан яхшилигингни аяма, деган фикр англашилади. Ҳайвонлар, қушлар ҳакида яратилган эртак ва масалларда доимо кишилик жамиятида рўй берган воқеалар, курашлар, хатти-ҳаракатлар акс этади. Очкўзлик, айёрлик, золимлик, хиёнат,adolatsizlik, хасислик, зулмат, нодонлик, ёмонлик одатлари фош этилади ва сатира ўти билан куйдирилади. Ҳайвонлар ҳакидаги эртакларнинг кўпчилиги бошқа халқлардаги эртакларнинг сюжет ва образларига ўхшаса-да, бироқ, бу эртаклар ўзбек халқининг ўз турмуши, урф-одатлари, психологияси ва бошқа миллий анъаналари билан боғлиқ ҳолда юзага келган ва тарқалган. Шунинг учун ҳайвонлар ҳакидаги эртакларнинг баъзи бирларини бошқа халқлардаги варианtlари билан қиёсий текширганимизда асосий эътиборни образларнинг талқин этилишига, бадиий хусусиятларига, тилига қаратишимиz лозим.

Ҳайвонлар ҳакидаги эртакларни, асосан, болалар эртагига қўшишимиз мумкин. Чунки уларда болаларнинг маънавий ва эстетик талабларига жавоб берадиган хусусиятлар кўпdir. Буларнинг композицияси унча мураккаб эмас. Буларда ҳаракат тез ва диалог ҳам анчагина учрайди.

«Қарға билан қўзи»¹ эртаги мактабгача ёшдаги болаларнинг энг марокли эртакларидан биридир. Бу эртақда қўзи қарғани сувга, кулолга, тупрокқа, кийикка ва бошқаларга юборади. Бир хил сажли сўзлар, диалоглар қайтарилади:

– «Кўмирчи ака, кўмирчи ака, беринг кўмир, қилсин ўроқ, ўрай ўроқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, қувсин кийик, ташласин шоҳ, қазий тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, семиз, аъло ейман қўзи», дебди қарга. «Чивинбой» эртагида ҳам воқеалар шу тарзда ривожланади. Бу содда, тушунарли иборалар болалар хотирасида яхши сақланади.

Ҳайвонлар ҳакидаги эртакларда диалоглар кўп учрайди. Диалоглар йўли билан улар ўз мақсадларини бир-бирларига англашадилар.

Ўзининг бадиий образлари билан, сюжетининг мўъжазлиги, бадиий ифоданинг ўткирлиги жихатидан бу турдаги эртаклар

¹ Ўзбек халқ эртаклари. I том. – 29–32-бетлар.

халқ латифалари ва масалларига анча яқин туради. Ҳайвонлар тұғрисидаги әртакларда шеърий парчалар ҳам учрайди. Бу шеърий парчаларни профессиоnal әртакчилар күй билан айтадилар (шеърнинг күй билан ўқилиши фольклорнинг ўзига хос хусусиятдир), бу эса тингловчилар хотирасида узоқ вақт сақланишига ва әртакнинг бадиий жиҳатдан мароқли чиқишига ёрдам беради. Масалан: «Бўри билан мерган»¹ әртагида оч бўри ўз бошидан кечирган кунларини ўзига-ўзи шундай деб арз қиласди:

*Кўрдингки қўзи,
Термулади икки қўзи,
Сенга ким қўйибди,
Қўзини тузлаб ейишни, ув, ув.²*

Болалар учун тарбиявий аҳамияти бўлган ва бадиий жиҳатдан пухта ишланган әртаклардан биз «Кумурска», «Чивинбой», «Қарға билан қўзи», «Эчкининг ўч олиши», «Бўри билан тулки», «Овчи, кўкча ва доно» ва бошқа әртакларни кўрсатиб ўтамиз. Буларнинг деярли кўпчилигида ҳайвонлар, қушлар иштирок этади. Бу ҳайвонлар образи орқали жамиятдаги кишилар характеристидаги ёмон ва қолоқ иллатлар очиб ташланади. Бошқа тур әртакларда эса одамлар билаи ҳайвонлар ўртасидаги муносабат ифодаланганда, бу хилдаги әртакларда, албатта, инсон ҳайвонлардан ҳар жиҳатдан ғолиб чиқади. Ҳайвонлар, қушлар ҳақидаги әртакларда сюжет тез ривожлана боради, образлар серҳаракат бўлиб, кулгили моментлар ҳам анчагина учрайди. Бу хусусиятлар болаларнинг сезги-ҳисларини ўстиради [...].

Ҳайвонлар ҳақидаги әртаклардан тингловчилар, ўқувчилар яхшини ёмондан, тўғрини эгридан, соддани айёрдан, ялқовни ишчандан, очкўзни сахийдан, аҳмок, нодонни ақллидан, мардни номарддан ажратишни ўрганадилар.³

¹ Ўзбек халқ әртаклари. I том. – 20–24-бетлар.

² Ўша манба. – 57–61-бетлар.

³ Ушбу мақола таниқли ўзбек фольклоршуноси Мансур Афзаловнинг 1964 йилда «Фан» нашриётида чоп эттирилган «Ўзбек халқ әртаклари ҳақида» номли китобидан олинди.

Расул
МУХАММАДИЕВ
(1911–1971)

Расул Муҳаммадиев 1911 йил Кўқон шаҳрида туғилган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» (1971). Меҳнат фаолиятини «Янги Фарғона» газетасида муҳбирликдан бошлаган (1929). Кейин «Чирчиқ қурилиши» газетасида ходим, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бўлим мудири, масъул котиб (1937–38) бўлиб хизмат қилган. Иккинчи жаҳон уруши жсангоҳларида жангчи-муҳбир сифатида иштирок этган. Сўнг турли матбуот нашрларида муҳаррир, муҳбир бўлиб ишлаган (1946–56). Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида ўқитувчи (1957–59), доцент (1959–71) вазифаларида ишлаган. «Ўзбек халқ ижоди» сериясида «Аския» мајсумасини чоп эттирган (1970). 1971 йил Тошкент шаҳрида вафот этган.

**АСКИЯ ЖАНРИ ВА УНИНГ
ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аския ўзбек халқи оғзаки ижодиётининг энг демократик, серзавқ, ҳаётий ва тургун жанридир.

«Аския» сўзи, аслида, зукколик, донолик, ҳозиржавоблик маъноларини англатади, бироқ у шодон кулги билан сугорилган ўзига хос услубдаги сўз мусобақаси, сўз ўйинларидан иборат зўр бир санъатdir. Аския кўп замонлардан бери кўпчилик орасида кенг

тарқалған бўлиб, ўзбек халқининг миллий анъанаси сифатида асрлар оша янги мазмун ва шаклларда жилоланиб, халқ ижодиётининг бошқа жанрлари билан узвий боғланган ҳолда улгайди.

Халқ ижодининг бошқа жанрлари каби асқия ҳам ўтмишда меҳнаткаш табақаларнинг орзу-тилакларини, озодлик, инсон-парварлик, меҳнатсеварлик ҳис-туйғуларини ифодалаб келди. Меҳнаткаш халқ орасидан чиққан сўз усталари – асқиячилар тил шамширининг ўтқир тиги – сўз ўйинлари, иборали чатишмалар, чандиш, ўхшатиш, муболағалар орқали текинхўр баъзи одамларнинг, фирибгар қози-эшонларнинг, ўғри-қаллобларнинг қора нијатларини омонсиз фош қилиб, улар устидан заҳархандалик билан кулдилар, жамият иллатларини қўпчилик ўртасида қаттиқ танқид қилдилар, оғир кун кечирган меҳнаткашларни кулдириб, уларга маънавий озиқ бердилар.

Асқия ҳозирги фаровон кунларимизгача сакланиб келди. У эндилиқда сўз санъати, сатира-юморнинг серзавқ жанри, танқид куроли, бадиий-эстетик тарбия воситаси сифатида янги мазмун ва шаклларда юксалмоғи керак. Биз ушбу мақолада асқиянинг жанр хусусиятларига, тил жиҳатларигагина тўхтаймиз, қолган талай масалалар эса келгусининг вазифасидир.

Асқиянинг бадиий услубини аниқлайдиган белгилар, хусусиятлар, бизнингча, асосан, қуидагилардан иборат:

Асқия, одатда халқ тўпланган йигинларда, сайилларда, боғ-роғларда, тўй-томуша ва меҳмондорчиликларда айтилади. Икки киши ёки бир неча киши кенг даврада маълум мавзуз устида тарафма-тараф бўлиб баҳслашади. Соф фикрлар курашидан иборат бўлган бу айтишувда бадиий воситалар – сўз ўйинлари, иборали чатишмалар, чандиш, қочириқ, ўхшатиш, муболага ва бошқалар моҳирлик билан ишлатилади. Асқиячи ўз «рақиби»нинг фикрига нисбатан чистон, оригинал, чукур маъноли фикрларни шу ондаёқ баён қилиш билан устун чиқишига уринади, яъни фикрлашда импровизация юз беради. Қаттиқ, лекин беғараз кулгилар билан суғорилган баҳслашув бир тарафнинг ғалабаси билан тугайди.

Ҳозиржавоблик – асқиянинг энг муҳим шарти, чунки бирор тараф ўз вақтида маъноли ва устун жавоб қайтара олмаса (па-

уза бўлса), кулгининг авжи тўхтайди, демак, ракиб фикрининг оқимида кучсизлик аломати сезилиб қолади. Ҳозиржавоблик оғзига келган гапни гапиравериш эмас, албатта, балки бу фикр, зехн, идрок ҳозиржавоблигидир, яъни тема устида яшин тезлигида фикрлаш, зехнини тез ишлатиш, тўсатдан идрок этиш, лутф билан фараз ва тасаввур этишдир.

Гўёлик – бир неча маънони англатувчи, қўчирма маънолар берувчи сўзларни ишлатиб, сўз ўйинлари қилишдир. Сўзлар қанчалик зарбли бўлса, тема мазмуни эшитувчиларга шунчалик тез етади, пайров шунча узоқ давом этади.

Закийлик – асия мазмунига, воқеаларга, фактларга оид бевосита фикрларни дарҳол айтишдир, «ракиби»га ва даврадаги ишқибозлар дидига монанд келадиган қочириқлар, чандишилар, ўҳшатишлиар, тўқималар топа билишдир.

Асиянинг муҳим хусусияти инсонни кулдириш, сўз воситасида кулги чиқаришдир. Асияда кулги чиқариш учун бирмунча элементлардан фойдаланилади. Масалан, асия темасини ечишда ёки англатиша абстракция катта рол ўйнайди, яъни нутқда кўпчилик сўзлар ўзининг асл маъноларида эмас, кўчма маъноларда қўлланади. Материядан холи маънолар ҳам, предметлар ҳам омоним хусусиятларига эгадир. Тилимизнинг бу хусусияти сўз ўйинлари қилиб, кулги чақиришга кенг имкон беради (масалан, «Шагал тўкиб юрибмиз – кулишиб юрибмиз», «Қовун туширибизми? – Бирор ёмон иш қилиб қўйдингизми?» ва ҳ.к.).

Жанрни тўлдирувчи компонентлар хилма-хилдир. Кишиларнинг характерини, қиёфасини очиш учун, яъни уларни сифатлаш учун турли лақаблар берилади. Лақаб, қўпинча, одамдаги жисмоний нуқсонлар, феъл-атвордаги характерли белгиларга мослаб қўйилади ва булар воситасида сўз ўйинлари қилинади (масалан, «Шўр пешона» – «кал» лақабининг кўчма маъноси). Новча одамга қўпинча «лайлак» лақаби берилади ва лайлакдаги белгилар одамга таққослантирилиб, кулги чақирилади. «Аммамнинг бузоғига ўхшайди-я!» деган иборада кишининг лавангилиги тасаввур этилади. «Сичқоннинг ини минг танга» деган ибора муболагани англатади. Жанрни тўлдирувчилардан яна нисбат бериш, фразеологик чатишмалар, халқ иборалари, жаргон сўзлар

(«ишлар беш», «киптини келтирди», «бир чўқишида қочиради» ва бошқалар) кулги воситалари саналади. Гапирганда интонация, урғулар маънони кучайтиради, гапдаги муҳим нукталарни таъкидлайди, кўчирма маънолар келтириб чиқаради. Асқияда асқиячи образга кирмайди. Асқиячилар жиддий киёфали, одобли, доно кишилар бўлиб, фақат сўз дурларинигина тўқадилар. Демак, асқия қизиқчилик ва масхарабозлик жанридан ажралади, у сўз санъатидан иборат мустақил жанрdir.

«Бизда кўп одамлар, асқиячи билан қизиқчи бир хилда вазифани бажарувчи киши, деб тушунадилар, – деб ёзган эди ўз мақоласида Ш. Ризо, – бу – янглиш фикр. Асқия қадим ўзбек томоша санъатининг алоҳида бир формаси бўлиб, бунда, албатта, икки киши ёки бир неча киши қатнашади. Ҳар биридаги маълум бир шахсий камчилик асосида унга лақаб бериб, бир-бирини чандишиш бошланади. Асқия мавзуи борган сари кенгайиб боради, унга воқеликдаги ҳодисалар киради, бунда қайси асқиячининг тушунчаси кенг, билими бой бўлса, ўша енгади. Қизиқчилик эса асқиячилик эмас, у маълум репертуарга эга бўлган ва кулги асосига курилган саҳна санъатининг ўзгинасидир. Қизиқчилар чин маъноси билан артист, фақат ўзларининг маълум бир базалари йўқ, ҳар қайси ролга керак бўлган кийимларни кўтариб, кўчиб юрадиган артистлардир»¹.

Биз юқорида асқиянинг негизи кулги деган эдик. Ҳакиқатан, кулги инсон қалбининг инъикосидир, аммо ҳаётда икки хил кулги бўлади: бири – жамиятнинг ривожланишига қарши бўлган, илғор, сиёсий, ижтимоий, эстетик ғояларга зид, уларни амалга оширишга ҳалақит берадиган барча нарсалар ва шахсларни қаттиқ фош қилиш, уларнинг устидан ғазабли кулишдир, бу – сатира хи-собланади. Иккинчи кулги эса – бегараз, беихтиёр шодон кулгидир – юмористик кулгидир. Бизнингча, ҳозирги кунларимизда асқия юморга хос бўлиб, маҳсус жанр сифатида ривожланмоғи керак.

Асқия жанри ранго-ранг шаклларга (усулларга) бойдир.

Асқиянинг ҳозирча бизга маълум бўлган йигирмадан ортиқ усуслари бордир. «Пайров» асқиянинг энг юксак усулидир,

¹ Шариф Ризо. Ҳалк санъаткорлари // «Гулистан» журнали. – Тошкент, 1940. – №4 – 25-бет.

«Бўласизми?», «Ўхшатдим», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз?», каби шакллари унинг ибтидоий усулларидандир. «Қофия», «Радиф» асқиянинг шеърий усулидир. Шунингдек, асқиянинг «Тутал», «Афсонা», «Сафсата», «Раббия» ва бошқа шакллари ҳам бўлиб, илгари вактларда айтилиб келинарди, ҳозир бу усуллар жуда кам қўлланилади. Биз қуйида асқиянинг асосий шаклларига тавсиф берамиз.

Пайров изчил фикрлар оқими бўлиб, асқиянинг мукаммаллашган усулидир. Пайров усули маълум бир теманинг маъноси ни бошдан-охиригача ечиб беради, асқиячилар танлаб олинган тема доирасидан чиқмайдилар. Ҳар икки томон (асқиячилар) бир-бирларига ҳозиржавоблик қилганларда, фикрлар мазмумни бир-биринидан устун келиши, яъни ривожланиши шарт. Кульминация нуқтаси эса мазкур теманинг энг чуқур мазмунини ифодалашдир, яъни фикр галабасидир. Асқия ишқибозларининг қаттиқ ва узоқ давом этадиган кулгиси фикр ғалабасининг тантанасидир. Демак, пайровда тема ҳар жиҳатдан ечилиши, ча-ла-чулпа бўлиб қолмаслиги шарт. Шу жиҳатдан қараганда пайров сюжетли бир бадиий асар ҳисобланади. Мисол учун 1960 йил 7 ноябрь куни Кўконда бўлган катта бир асқия кечасида ёзиб олинган «Бедана пайрови»ни таҳлил қиласйлик. Қодиржон aka Халилов билан Турсунбува Аминов ўртасида бўлган «Бедана пайрови» икки жиҳатдан характерли: бир жиҳатдан, беданага хос хусусиятлар – бедананинг вавақлиги, қўрқоқлиги, урушқоқлиги ва бошқа хусусиятлари пахта тераётган баъзи дангасаларнинг образини, қиёфасини кўрсатиш учун ишлатилган. Беданаларнинг сайраш оҳангларига мослаб топилган сўзлар эса воқеани англатиш учун фойдаланилган. Иккичи жиҳатдан, умуман бедана ҳақида гапирилса-да, бироқ гап мазмуни бошқача: гап теримдаги нуқсонларни танқид қилиш, нуқсонларни беғараз кулги билан тузатиш, ғалабани нишонлаш устида бораяпти.

Пайровда сюжет, фикр изчиллиги бўлиши билан бирга, воқеликни, предмет ва ҳодисаларни бутун деталларигача очиб, кўрсатиб берилиши ҳам керак. Тўлақонли адабий асарда, масалан, табиат манзаралари, кишиларнинг образи ва уларнинг

ҳаётга муносабатлари – қарашлари, воқеаларнинг ривожланиши ва тугалланиши, ғоя ва ҳаракатни тўлдирувчи «майда-чуйда» деталлар тасвир этилганидай, пайровда ҳам бу талаблар амалга оширилиши шарт, акс ҳолда у «чала», «хом» бўлиб қолади.

Аскияning «Ўхшатдим», «Бўласизми», «Гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз?» шаклларини аскияning кичик шакллар ёки ибтидоий шакллари дейиш мумкин. Ҳар учала шаклида ҳам аскиячи ўз «рақибини» бирор шахсга ёки шахснинг хатти-харакатини бирор воқеа-ҳодисага тенглаштиради, нисбат беради, сифатлайди. Ҳар икки томон юқоридаги иборалар воситаси билан навбатма-навбат савол-жавоб қилишади ва мақсадни очишади. Бу усулларнинг энг муҳим томони шундаки, ҳар икки томоннинг (икки аскиячининг) бир сафарги савол-жавоби билан исталган бошқа темада (сюжет) ечилади, иккинчи сафарги савол-жавобда исталган бошқа темада гаплашавериш мумкин. Аммо бу шаклларнинг пайровга яқинлиги, узвий баглиқлиги ҳам бор. Масалан, дехқончилик, иморат, мева ёки бошқа бирор тема атрофида аския қилинганда, шу темадан бошқа темага қўчмаслик мумкин, ҳамма деталлари очилиши шарт эмас. Шунингдек, воқеа ва унинг ривожланиш жараёнларида прогресс тартибини сақлаш шарт эмас. Масалан, дехқончиликда гап кузги ер ҳайдашдан бошланса, орадаги бирмунча процесслардан кейин ҳосил йигиб олинади. Аскияning кичик усулларида эса шу темага хос ўринлардан гаплашавериш мумкин.

Аскияning «Тутал» усулини кўпроқ Марғилон аскиячилари кўллаганлар. Аскияning бу усули ҳақида фикр баён қилишдан аввал шуни қайд қилиш керакка, умуман, аскияни закийлик, донолик, зеҳн ўткирлиги деб таъриф этар эканмиз, аския вақтларида баъзан ахлоқ доирасидан чиқиб кетиш ҳоллари юз беришини ҳам унутмаслигимиз лозим. Аскияning «Тутал» усулида келтирилган жумла ёки шеърий сатр кишига дафъатан порнографияни англатади, бироқ кейинги айтиладиган жумла ёки сатрда гап бошқа томонга буриб юборилади ва бу сўз ўйинлари ўткир маъноли, гўзал лутфли бўлиб чиқади.

Аскияning «Қоғия» усули шеъриятга яқин туради. Бунда сатрлар бевосита аскиячилар томонидан тузилади.

Асқиянинг «Раббия», «Саъж», «Кабиху малих», «Сафсата» ва бошқа шу каби яна кўпгина шакллари ҳам борки, буларнинг деярли ҳаммаси ё бир-бирига шаклан яқин туради, ё ўхшаб кетади. Асқиянинг бундан бошқа яна кўп шакллари ҳам мавжуд бўлиб, халқ орасида айтилиб келинмоқда.

Асқиянинг жанрлик хусусиятларини белгиловчи омиллардан бири унинг тилидир. Асқия тили жонли тил, оғзаки нутқдир. Асқиянинг демократик характерга эгалиги, унинг кўпчилик олдида ижро этилиши ва шу каби бошқа хусусиятлари асқия тилининг оғзаки нутқ асосига курилганлигини кўрсатади.

Оғзаки нутқда сўзларнинг маъно турлари ва талаффуз хусусиятлари тўла сақланади. Шунингдек, асқиянинг маънони англатиш учун ишлатган айрим товушлари, чатишмали иборалари, диалог вақтидаги ҳис ва ҳаяжонлари, ўзига хос акцент ва шевалари оғзаки нутқда тўла равища акс этади.

Асқияни кўпчиликка, узок масофага етказиш, шунингдек, узок давр сақлаш учун ҳозирги тараққиётимизда ҳамма техника имкониятлари мавжуддир (масалан, магнитофон ленталарига ёзиб олиб, овоз кучайтиргич мосламалар, радио ва телевидение орқали эшиттириш ва кўрсатиш, граммофон, патефон пластинкаларига кўчириш ва х.к.).

Асқиянинг тил хусусиятлари жиҳатидан ҳозирги ўзбек маҳаллий диалектларининг биринчи группасига, яъни «о» ловчи группага киради. Территория жиҳатидан ўзбек диалектлари уч группага бўлиниб, асқия диалекти, асосан, марказий диалект группасига киради (Ўрта Ўзбекистоннинг марказий шаҳарлари – Кўқон, Марғилон, Андижон, Тошкент, Жиззах шевалари). Шунингдек, Фарғона водийсидаги қишлоқларда яшовчи кишилар ҳам шу шевада асқия қилишади. Этник жиҳатдан эса асқия чигатой диалектига киради (ўрта ўзбек диалекти).

Тошкент давлат университетининг илмий экспедицияси Фарғона водийсида ва Тошкент шаҳрида асқиячиларнинг бир неча учрашувларини ўтказиб, кирқдан ошиқ асқия пайровларини магнитофонга ёзиб олди. Автор асқиянинг диалект ва шеваларини шу пайров материаллари асосида ўрганиб чиқди ва юкоридаги хуласаларга келди.

Асқия сүзининг асл маъноси абстракциялашади, бу асқиянинг сўз ўйинлари хусусиятидан келиб чиқади. Асқияда сўзлар кўпинча асл маъноларидан бошка маънога кўчирилган ҳолда ишлатилади, янги-янги маънолар вужудга келтиради.

«Бедана пайрови» асқиясидан парча келтирайлик:

Турсунбува – Пахта териш нормангизни нега бажара олмайсиз десам, эски «вавағ» экансиз-да (вавағ – лапашанг, уқувсиз, иш билмас).

Қодиржон ака – Ўзлари қора тахтани қўнаққа айлантириб олибдилар-у, яна бизга туллаклик киладилар (туллаклик – айёрлик, қийиклик).

Турсунбува – Терганлари паллага келмайди-ю, яна биз билан пашибалашадилар (пашиба беданага хос, аслда эса: гап талашилар, менга осиладилар).

Қодиржон ака – Ўзим ҳам ҳайронман, ваъдасини бажармайдиган қанақа қочиқка учраб қолдим?! (Қочиқ – дангаса, ишёқмас).

Асқияда омонимлардан фойдаланиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Асқиячилар омонимлар воситаси билан сўз ўйинлари қиладилар. Асқияда омонимлар турли урғу, ундовлар воситаси билан ҳам англатилади.

Мисол: «Мева пайрови» асқиясидан:

Мамарозиқ ака – Ғойиб ака, у куни Риштонга бориб, «қандай ўрик» еб келдингиз? («Қандай ўрик» – ўрикнинг номи. Аслида, «қандай ўрик», талаффузда «қандай ўрик»).

Гойиб ака – Қандай ўрик ейман, ахир, сиз боғнинг ўртасида туриб: олма, олма; олма, олма, дейсиз-у! (Олма – мева, олмани олма – буйруқ).

Асқияда синонимлардан омонимларга нисбатан кам фойдаланилади, чунки асқиянинг импровизация хусусияти кенг, чукур тасвирни талаб қилмайди. Аммо асқияда тасвир, образни очиш, муболага элементлари мавжуд бўлгани учун бу компонентлар ишлатилганда синоним сўзлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, асқиянинг лақаб қўшиладиган пайровларида кишилар сифатини, паррандалар харакатини, табиат манзараларини тасвир қилганда синонимлардан фойдаланиш мумкин.

Фразеологик чатишмалар асқияда асосий ўринда туради ва кулги чақириш объектларидан – компонентларидан бири

ҳисобланади. Сўз бирикмалари мураккаб бир тушунчани ифодаловчи тил бирлигидир. Составли терминлардан конкрет, тўғри маъно келиб чиқса, йифма маъноли фразеологик бутунликлардан умумлашган маъно – кўчма маъно англашилади. Демак, фразеологик чатишмадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ эмас, иборанинг маъноси билан таркибидаги сўзларнинг маънолари орасида тенг боғланиш ҳам йўқ. Шунингдек, фразеологик чатишмаларни сўзма-сўз тушуниб бўлмайди ва бошқа тилга таржима қилганда маъноси сира англашилмайди. Аския бунга, айниқса, мисол бўла олади.

Масалан, «Иморат пайрови» асқиясидан:

Эргаш лочин – Саркор, қўшним эгов қилса-килаверсин, бир куни тарвузи қўлтифидан тушар, мен иморатни бошлайвераман, бирорта дурадгор уста топиб берсанг-чи (тарвузи қўлтифидан тушар – қилмишидан пушаймон бўлар).

Олим саркор – уста Иброҳим рўпарамизда девордай бўлиб турибдилар-ку, гаплаша қолинг, бунақа ишларга суюклари йўқ! (Суюклари йўқ – бажонидил қиласидилар, йўқ демайдилар).

Фразеологияда фразеологик чатишмалар, фразеологик қўшилмалар (сўзларни мажозий қўллаш), идиоматик сўзлар (тўғри маънода қўлланилмай, факат кўчма маънодагина ишлатиладиган сўзлар) категориялари борки, буларнинг ҳаммаси асқияда муваффақиятли ишлатилади ва кулги чақириш обьекти бўлиб хизмат қиласиди. Биз кўчма маъноли иборалардан тузилган бир неча асқия диалогларини келтирамиз.

Иброҳимжон – Арпангизни хом ўрдикми, очикроқ гаплашаверинг-да, отдан тушсангиз ҳам, узангидан тушмайсиз-а!

Ғойиб ака – Оғзингизга қараб гапиrint, гапингизнинг тузи қочяпти.

Иброҳимжон – Қани, ошдан олинг, ўтирасизми, аммамнинг бузоғига ўхшаб.

Ғойиб ака – Қани, ўзлари ҳам олсинлар, жуда қаймоқли гапирдилар... ва хоказо.

Асқиячи кулги чақириш мақсадида нутқ товушлари воситаси билан сўзларнинг асл маъносидан кўчма маънолар ясади, бир сўзни иккинчи сўзга айлантириб юборади, «рақиби»га қочирик-

лар қилади. Бу вақтда унга сўз ургуси иш беради. Масалан, Бештерак қишлоқлик «кал» лақабли Обилжон aka Норматов билан шу қишлоқлик Шокир ота Тўйчиев ўртасида бўлган бир асияда сўз ургуси воситаси билан ажойиб сўз ўйинлари қилинди.

Шокир ота – Обилжон, сизга тарокнинг нима кераги бор, сочингиз калта-ку! («к» дан кейинги «а» унлисига ургу берилади).

Шунингдек, жонли тилда баъзи товушлар сирғалиб чиқади. Фонетикада бу ҳол асия нутқида сўз ўйинлари қилиш, кўчма маъно чиқариш учун кулайлик тугдиради.

Асиячилар сўзлари кўчма маънолар излаб хижолашга, пайров мазмуни ва оқимига қараб янги сўзлар тўкишга уринадики, бу асиячининг юксак маҳоратини кўрсатади.

Мисол. С. Абдулланинг «Парранда пайрови» асия текстидан:

Салимов – Сен кенгашда «то вуқ» демасанг, мен билан ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ эди. Менинг ишим колхозда маҳтади, инкубатордаги паррандаларнинг ҳамма «си мурғ»лар, қолганларининг «туси товуқ»قا ўхшайди.

Асиянинг ижодий хусусиятларидан бири асия давомида янги сўзлар ясаш билан луғат фондимизни бойитишга хисса қўшишdir. Маълумки, ўзбек тилида сўзлар морфологик йўл билан (аффиксация) ва синтактик йўл билан (сўз қўшиш, ўзакларни қўшиш) ясалади. Бу йўллар оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам бир хил қоидага бўйсунади. Бироқ асияда кулги чақириш, ўйноқи маънолар вужудга келтириш учун айрим вақтларда товушларни бузуб чиқариш, баъзи сўз ва ҳарфларни ташлаб кетиш ва тилда сирғалиш ҳолларига атайлаб йўл қўйилади.

Мисол. «Кул» сўзидан ясалган сўз ва иборалар:

Уста Акбар – Олимжон акам, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, уй эшигидан мени чақириб: кул, кул, дейдилар.

Олимжон aka – Озиб-ёзиб кулбангизга келганимда кулинг, қани?!

Шокир ота – Уста Акбар, дарров Олимжонни уйга олиб кириб, олдига иккита патир синдирмайсизми, кулчалик қадри йўқми?

Комил қори – Шунақа қилсангиз нимангиз кетарди, уста Акбар, ловуллаб турган чўғ эдингиз, мана кулки бўлдингиз...

Турсунбува – Йўқ, унақа деманглар, икки оғиз гап билан уста Акбарни кул-кул қилиб юборманглар, ўртогингизниги тўғри кириб боравермаган Олимжоннинг ўзи мушкул!

Қодир ака – Айб Олимжон акада, бўлмаса кул-куллаб турган одамнинг олдига бориб: кул парча қилиб юбораман, дейиши тўғрими?

Раҳматиллаев – Мўйсафидларимизга қойил: културний гаплашишади!

Аскияда ундов кўпинча модал маъно (нутқнинг борлиқقا муносабати)ни ифодалаш учун хизмат қиласди. Аскиячи пайров мазмунини ўз ҳис-ҳаяжонлари билан ҳам очишга уринади. Сўзлар, гаплар орасида: ўхӯ, ҳа, хах, эҳе, бе ва бошқа ҳис-ҳаяжон ундовлари фикрни конкретлаштиришга хизмат қиласди.

Мисол. «Гул пайрови»дан:

Раҳматқўл – Ўхӯ, Иброҳимжон, шунақа денг ҳали, майли, Раъногулга ўхшаб, бизни куйдирганингиз қолади.

Иброҳимжон – Оббо, сиз ҳам бизни мунча куйдирдингиз, Гулсарага ўхшаб.

Товушга тақлид, тасвирий сўзлар – мимемалар аскияда кўп учрайди. Масалан, «Бедана пайрови» аскиясида бедананинг турли оҳангдаги сайраши моҳирлик билан тақлид қилинган:

Турсунбува – Мана, Қодиржон ҳам мажбуриятини бажарди, кўрмайсизми, тили чиқиб: «бит-билиқ, бит-билиқ» деб қолади.

Аскияда сўроқ гап ва ундов гап кўпроқ ишлатилади. Воқеани баён қилувчи гап кўп ишлатилса, аскияning суръати сусайиб кетади. Шунингдек, сўроқ гап ва ундов гап ишлатилган пайровларда «ракиб»лар китиқлаб кўйилади.

Кулги чақириш, маънони чуқурроқ англатиш мақсадида аскиячи ўз нутқидаги энг муҳим сўзларни зарб билан айтади. Бу мантикий ургу аскиячи ҳис-ҳаяжон билан гапираётганида, айниқса, унга қўл келади. Агар аския нутқида мантикий ургуга эътибор берилмаса, аския нутқи оддий гап нутқига тушиб қолади, қизиги бўлмайди.

Аския нутқида содда гап кам учрайди. Бунинг сабаби шуки, аскиядаги бир диалог пайров маъносини очиб бериши керак,

содда гап тузилиши баъзан бунга имкон бермайди. Ёйик кўшма гапларда эса фикрни кенг ифодалаш, сўз ўйинлари қилиш имкони бор. Шунингдек, кўп асқиячилар маънони бевосита англатувчи гаплар орасига кириш сўзлари ҳам киритадилар. Масалан: «Тўғри айтасиз», «Омон бўлгур», «Ҳа, шунақа» ва ҳоказолар. Баъзан нутқда кесим олдинда, эга охирида ҳам келаб қолади.

Асқия нутқи халқ мақоллари, маталлари, образли ибораларга бойдир. Моҳир асқиячилар бу ибораларни усталик билан ишлатиб, маънони чукурроқ очишга, кулги чақиришга ҳаракат қиласидилар.

Мисол. «Мақоллар пайровидан»:

Асқиячи – Тоға, олий ўқув юртларини битирган ёшлардан баъзилари тайинланган жойга ишга боришмайди, «Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши эмиш»!

Муширутум – Улар, ҳатто, мутахассисликларидан ҳам воз кечиб, бошқа иш топиб олишади, «Така бўлса ҳам, сути бўлсин» деб.

Биз юқорида асқия тилининг баъзи бир хусусиятларинигина кўрсатиб ўтдик. Асқияни текстга солиш, ёзма шаклини яратиш, уни ўрганиш мухим аҳамиятга эга ва бу фольклоршунослик соҳасидаги келгуси вазифадир.¹

¹ Макола кўйидаги манба асосида тайёрлаб, чоп этилмоқда: Мухаммадиев Р. Асқия жанри ва унинг тил хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1962. – 1-сон. – 15–22-бетлар.

Жуманиёз
ҚОБҰЛНИЁЗОВ
(1919–1974)



Жуманиёз Қобулниёзов 1919 ыйл 21 декабрда Урганч шаҳрида туғилған. У Тошкентдаги икки йиллик педагог кадрлар тайёрлаш курсида (1934–36), Тошкент тиббиёт билим юртида ўқиган (1936–39). Маориф соҳасида хизмат қилған (1945–49). Тошкент давлат педагогика институты (ҳозирги Тошкент давлат педагогика институты) нинг Тил ва адабиёт факультетида (1949–53), Москва давлат университетининг аспирантурасида таҳсил олған (1953–57). ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим, катта илмий ходим бўлиб ишилаган (1957–74). «Ўзбек фольклорининг шаклланиши ва тараққиёт йўллари» мавзууда докторлик диссертациясини ёқлаган (1973). «Хоразм халқ қўшиқлари» (1965) тўпламини нашр эттирган. Бола баҳши Абдулаевдан «Бозиргон», «Авазхон», «Ошиқ Маҳмуд», Маҳмуд Юсуповдан «Ошиқ Маҳмуд», «Сайёдхон ва Ҳамро» достонларини ёзib олиб, 1966–70 йилларда чоп эттирган. «Ўзбек фольклорининг ривожланиши йўллари» (1969) номли монография муаллифи. 1974 ыйл 18 январда Тошкент шаҳрида вафот этган.

«ОШИҚ МАҲМУД» ДОСТОНИ

«Ошиқ Маҳмуд» Хоразм халқ достонлари туркумига мансуб бўлиб, ўзбек, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ халқлари орасида кенг тарзда оммалашган жозибадор асалардандир.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлими архивида достоннинг 1427, 1431-сонли инвентарь бўйича бўйича қайд этилган варианtlари, магнитофон лентасига ёзиб олинган нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, улар биз эътиборингизни қаратган нусхага¹ нисбатан ғоявий-бадиий жиҳатдан анча тарқоқ ва сустдир.

Бундан ташқари, ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондида шу достоннинг 5341-сон инвентарь бўйича сақланаётган китобий нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, унда ҳам достонга давр тақозоси ва ўтмишдаги авлодларнинг дунёқараашларида мавжуд бўлган айrim қарама-қаршиликлар таъсирига кириб қолган диний мотив, чекланган ўринлар тез-тез учраб туради.

Дарҳақиқат, бу нусха ўзининг ҳажм эътибори жиҳатидан юқорида зикр этилган нусхалардан тўлалиги, бадиий тасвир воситаларининг силлиқлиги, диний мотивларнинг бошқа нусхалардагига қараганда анча чекланганлиги, тасвирнинг сода ва халқчиллиги, композицион яхлитлиги билан ажralиб туради. Бу ҳолат достон китобий нусха бўлмай, халқ варианти эканлиги билан изоҳланмоғи мумкин. Зотан, китобий нусхалар асар кўчирилган даврдаги дин аҳиллари ва кўчирувчилар, уларнинг дунёқарааш ва савиялари таъсирида маълум ўзгаришларга учраган бўлишлари табиийдир. Аксинча, халқ варианtlарида эса халкнинг диди, завқи, психологияси учун ёт бўлган ўринларнинг достончилар томонидан тушурилиб қолдирилиши, унга халқ ғояси, фикри, эътиқодини ифодаловчи моментлар кўшилиши, образларнинг пишиб, такомиллашиб бориши, бадиий тасвир воситалари сайқаллашиб, мукаммаллашиб, жилоланмоғи мумкин.

Масалан, «Ошиқ Маҳмуд» достонининг юқорида зикр этилган 1427-сонли инвентарда сақланаётган варианти китобий нусха бўлиб, унда бош қаҳрамон қийинчиликларга учраши билан

¹ «Ошиқ Маҳмуд» достонининг мазкур варианти Хоразм вилояти Янгиарик туманида яшовчи Маҳмуджон Юсуповдан 1966 йилда Ж. Қобулниёзов томонидан ёзиб олинган. Ҳажми 42 машинка қозоғ.

тайритабиий афсонавий кучларни – пайғамбарлар, авлиёлар, пирлар ва шунга ўхшашларни ёд этади, мақсадига етишишни улардан илтижо қилиб сўрайди. Натижада улар ёрдамга келиб, қаҳрамонга қийинчиликларни бартараф этишга қўмаклашишади. Тўғри, пирлар ушбу вариантда ҳам қатнашади, улар айрим ҳолларда қаҳрамоннинг оғирини енгил киласди, унга маслаҳат, йўл-йўриқлар кўрсатади. Қаҳрамон ана шу йўл-йўриқлар асосида фаол ҳаракатга кириб, мушкулини осон қилишга муваффақ бўлади. Аммо ҳеч қаерда қаҳрамон уларга сифиниб, илтижо қилиб ёлбормайди. Уларнинг ўзлари қаҳрамондан хабардор бўлиб юрадилар. Қисқаси, ҳар икки вариантда ҳам диний-фантастик мотивлар мавжуд бўлиб, китобийсида анча кучли ва кенг, ҳалқ вариантида эса анча сўнган ва камайган ҳолда учрайди.

«Ошиқ Маҳмуд» достони ишқий-романтик достонлар туркумiga мансуб бўлиб, ундаги асосий гоявий-бадиий хусусиятлар икки ёшнинг самимий, жўшқин ва эҳтиросли севгиси фонида очила боради.

Достоннинг муқаддимаси кўпчилик ҳалқлар эпоси учун характерли бўлган зурёдсизлик мотиви билан бошланади. Яъни Ганжа Қорабоғ вилоятининг подшоси Ганжабой анча кексайиб қолган бўлишига қарамай, фарзандсизлик ўтида ёна бошлияди, кўзига ёруғ жаҳон қоронғу кўриниб, подшоликдан воз кечади. Бориб бир авлиёницида тунайди. У ерда кўрган тушида унинг ўтил фарзанди бўлишини айтадилар. Ниҳоят, фарзанд туғилади. У барча достонларнинг асосий бош қаҳрамонлариdek тез ва ақлли бўлиб ўсади.

Мехнат аҳли азалдан эркин севги, ёшларнинг бир-бирларини кўриб, билиб, ўрганиб турмуш қуришларини орзу қилиб келгандар. Бинобарин, ота-боболаримиз томонидан ижод этилиб, бизгача етиб келган кўпчилик достонларда ана шу озод севги мотиви асосий сюжет чизигини ташкил қиласди. «Ошиқ Маҳмуд» достонидаги асосий мазмун ва мундарижа ҳам ана шу севги масаласидан иборат.

Асарнинг бош қаҳрамонлари Маҳмуджон билан Нигорхон бир-бирларини тушда кўриб ошиқи бекарор бўладилар. Висолга эришиш учун кўп машаққатлар, жабру жафолар, тўсиқларга

дуч келадилар. Ҳатто орзуга етишиш йўлида ўлимдан ҳам кўркмайдилар. Соф севги ва садоқат учун жонларини қурбон қилишга тайёр эканликларини сўз билан эмас, иш билан, фидокорлик билан кўрсатадилар. Масалан, Нигорхонга гойибона ошиқ бўлиб, чўлу биёбонлар ошиб кетаётган Маҳмуджонга йўлда икки гўзал учраб уни Нигорхондан айнитиб ўзларига мойил этишга уринганларида Маҳмуджон уларга: «Ўткинчи ҳавас бирлан ҳуснингни хароб этма, Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, Бу йўлда хато кетма», – дейди. Сўнг «Нигорхоннинг босиб ўтган изини сизлардек ўн қизга алишимайман», – деб қатъий жавоб қайтаради. Худди шунга ўхшаб Нигорхон ҳам рақиблар томонидан дарёга ташланиб ғарқ бўлаётган ошиги – Маҳмуджонни кутқазиш кўлидан келмагач, «Сенсиз менга бу ёруғ жаҳон нимага керак?!» деб ўзини дарёда оқиб бораётган Маҳмуджон томонга отади. Ана шу соф ва бегубор севги, бу севгига бўлган садоқат, мақсадга интилишдаги ирода ва матонат севишганларнинг мушкулларни осон қилади, қийинчиликлар гирдобидан қутқазиб, мурод ва мақсадларига етказади.

Демак, «Ошиқ Маҳмуд» достонида меҳнат аҳдининг севмак ва севилмак энг олижаноб хислат эканлиги ҳақидаги юксак идеали бадиий умумлашган.

«Ошиқ Маҳмуд» достонида кўзга яққол ташланиб турадиган энг асосий мотивлардан яна бири дўстликдир. Халқ достонларининг кўпчилиги учун характерли бўлган бу хусусият достонда Маҳмуджон билан Қамбаржон орасида туғилган самимий муносабат ҳаракат ва эпизодларда жозибали тасвирланган.

Бу ердаги дўстликнинг характерли хусусияти шундаки, Маҳмуджон подшонинг ўғли, Қамбаржон эса «...бир қашшоқ ўғлон, ҳар кимларнинг тандирига ўт ёқиб, бир нон, икки нон топиб кун кечириб юрган йигит». Шундай бўлишига қарамасдан, бу икки хил ижтимоий табақадан чиққан ёш ниҳоллар бир-бини қаттиқ ҳурмат қилади. Ўзаро кенгашиб, маслаҳатлашиб иш тутадилар. Бирлари фалокатга учраса, иккинчилари уни кутқазиш йўлини ахтаради. Достонда ана шу дўстга содиклик Қамбаржоннинг ҳаракатларида, унинг Маҳмуджонга кўрсатган ёрдамида бадиий умумлаштирилган.

Жумладан, дўстлашишларининг бошланишида «...ҳар балога ўзим қалқон бўлайин», дея ўзаро аҳдлашиб, йўлга равона бўлган бу икки дўстнинг бириси – Маҳмуджон душманлар томонидан калтакланиб, дарёга оқизилишидан хабар топган Қамбаржон фарёд кўтаради, дўстини тинмай қидиради.

Нихоят, дўстини ўлик ҳолда кўргач, ҳуши бошидан учиб, тўрт томонга ўзини уриб: «*Маҳмуджоннинг юзини очиб, икки юзидан павбатма-навбат ўтиб, зор-зор чун абри навбаҳор ийглаб, мени ёлгиз ташлаб, кўзимга дунёни зиндан этиб қайга кетдинг*», – деб нола қиласди.

Кўриниб турибдики, достондаги дўстлик ота-боболаримизнинг шу масала юзасидан асрлар оша қилиб келган орзулари, «Дўстинг учун заҳар ют», «Тирик бўлсак бир ерда, ўлик бўлмак бир гўрда», «Дўстсиз бошим – тузсиз ошим» сингари кўпгина мақол ва ҳикматли сўзларида илгари сурган foя ва орзулари тарзида бадиий умумлаштириб тасвирланган. Бу ерда камбағал табақа билан кибор синф фарзандларининг бир-бирларига ҳамдард, кўмакдош, манфаатдор бўлишлари, айникса, меҳнаткашнинг қашшок фарзанди Қамбаржон Маҳмуджонга нисбатан моддий жиҳатдан teng кела олмаса ҳам, маънавий жиҳатдан ундан анча устун – унга маслаҳат бера оловчи тарзида тасвирланиши достондаги диққатга сазовор ўринлардандир. Чунки меҳнат аҳли ўз фарзандини қодир ва қобиллиги, меҳр ва вафодорлиги, вижданий поклигини шу билан қайд қилмоқчи бўлганлиги яққол сезилиб туради.

Халқимиз ифвогар ва ғийбатчини, ҳасадчи ва мунофиқни азалдан ёмон кўриб келган, ундан жирканган, уни фош этган ва қоралаган. Меҳнат аҳлининг газабига учраган ана шундай салбий персонажларга бу достонда ҳам етарли ўрин берилган. Улар достоннинг конфликт тугунини ҳосил қилишда қатнашиб, соғ севги эгаларининг мақсадга эришувларида тўсқинлик қиласдилар. Подшо хузурида ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун ифво ва бўхтон уюштириб Маҳмуджоннинг ўлимга ҳукм этилишига эришадилар. Лекин на ифво ва на фитна соғ севги оқ кўнгил севишганлар йўлини тўса олмайди. Бинобарин, ифвогарлик фош этилиб, фитначилар қўлга тушиб эл ва юртнинг қахру

ғазабига учраши, вақтингча әгалланган ўз мавкеларидан абадий ажралиб жазога тортилиши муқаррар эди. Достонда ҳам бу қора ниятли гурух намояндалари худди шундай тарзда тасвирларган.

Кўпчилик Хоразм ҳалқ достонларига ўхшаб «Ошиқ Маҳмуд» достонининг ҳам энг яхши фазилатларидан яна бири унинг ўта мусикийлиги, ундаги шеърларнинг ўйноқи ва кучли эҳтирос билан ижод этилганлигидир. Шунинг учун ҳам достон хоразмлик баҳшилар, достончилар орасида куйланиб келаётир. Унинг айрим парчалари Хоразмнинг атоқли санъаткорлари Комилжон Отаниёзов, Султонпошша Раҳимова, Назира Юсуповаларнинг репертуарларида ҳам маълум ўрин әгаллаган.

Хуллас, «Ошиқ Маҳмуд» достони ўзининг юқорида қисқа тарзда характерлаб ўтилган барча фазилатлари билан ўтмиш авлодларимиз руҳи ва идеали, орзу ва истагини ўз даври демократик ғоялари, интилишлари, дунёқарашлари асосида тасвирлаб берган чинакам ҳалқчил асарлардан биридир. Бинобарин, «Ошиқ Маҳмуд» достонининг ёшларимизни соф севги, севгига садоқат, дўстлик, хайрли мақсад йўлида дадиллик ва қатъийлик руҳида тарбиялашда маълум аҳамиятга эгалиги шубҳасизdir.¹

¹ Мазкур мақола фольклоршунос олим Ж. Қобулниёзовнинг 1970 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган «Ошиқ Маҳмуд. Авазхон» китобига ёзган сўзбошиси асосида тайёрланди.

*Ҳошимжон
РАЗЗОҚОВ
(1916–1982)*



Ҳошимжон Рассоқов 1916 йил 20 апрелда Андижон вилояти Андижон тумани Кўнчи қишилогида туғилган. Андижон шаҳридаги ииҷи факуълтетида (1933–36), Фарғона давлат педагогика институти (1936–37) ҳамда Тошкент Давлат педагогика институтида (1937–41) ўқиган. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасидатга таҳсил олган (1949–53). Андижондаги педагогика билим юртида ўқитувчи (1941–43), илмий ишлар бўйича директор мувонини (1948–49), Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)да ўқитувчи, кафедра мудири вазифаларида ишлаган (1952–82). «Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор» мавзууда докторлик диссертациясини ёқлаган (1965). «Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор» (1965) номли монографияси, «Латифалар» (1965), «Гулёр» (Фарғона халқ қўшиқлари, 1967) каби китоблари босилган. «Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди» (1980) дарслигининг муаллифларидан бири. 1982 йили Андижон шаҳрида вафот этган.

**ЭПИК ИЖОДДА САТИРА, ЮМОР ВА
КОМИК ҚАҲРАМОН**

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги эпик турни достон, эртак, ҳажвий ҳикоя, масал, латифа, аския-пайров каби жанрларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Достонлар ўзбек халқи орасида қадим замонлардан бери куйланиб келинаётган, кенг тарқалган энг севимли жанрлардан биридир.

Ўзбек халқ достонларининг деярли ҳаммасида ватанпарварлик, халқпарварлик ғоялари талабларидан келиб чиқадиган мardлик, қаҳрамонлик, дўстлик, чин севги-муҳаббат, вафодорлик каби олижаноб инсоний фазилатлар тараннум этилади. Ўзбек халқ достонларида халқимизнинг тарихий тараққиёти, ички ва ташқи душманларга қарши олиб борган курашлари, баҳтли турмуш ҳақидаги орзу-умидлари акс этгандир. Шунинг учун ҳам уларда зулм, золимлик, хиёнат, хоинлик, мунофиқлик, но-мардлик, қўрқоқлик, хасислик, очкўзлик, мактандоқлик каби инсон шаънига дод туширадиган салбий характер ва ҳодисалар сатира, юмор обьекти қилиб олинган.

XIX асрнинг II ярмида Фарғона вилояти Россияга қўшиб олиниши натижасида бу ерда шаҳар ҳаёти Бухоро, Хива хонликларига нисбатан тез ўси. Достончилик традицияси ўрнини қўшиқ, ашула, рақс, қизиқчилик, масхарабозлик, халқ цирки, аскияпайров, латифагўйлик, эртакчилик каби ўйин-кулги воситалари кўпроқ эгаллай бошлади.

Эртакларда инсоннинг ҳаёт ва ҳодисалар ҳақидаги билим, тушунча ва тасаввuri, кураши, баҳтли турмуш ҳақидаги орзу-умидлари акс этгандир.

Эртакларда халқнинг руҳи акс этади. Халқ жабр-зулм устидан-адолат ва инсоф, зулмат устидан – ёруғлик, жаҳолат ва но-донлик устидан – ақл ва идрок, қуллик устидан – озодликнинг қаҷонлардир ғалаба қилиши ҳақидаги ишончи, орзу-умидларини ўз эртакларида ифодалайди.

Халқ эртакларида кишилар ёвуз кучлар, даҳшатли стихиялар олдида тиз чўкмайди. Эртак қаҳрамонлари халқнинг чексиз мөддий, маънавий куч-қудратини ўзида мужассамлаганликлари учун кўп сонли душманлар, даҳшатли ёвуз кучларга қарши мардоналик билан жанг қиласи, одамхўр ялмоғизлар, девлар, кўп бошли аждарларни янчиб ташлайди. Золим подшоларни жазолайди, унинг ўрнига одил, қўркмас, олижаноб кишиларни қўяди. Улар хасис бой, очкўз савдогарлар, алдамчи, мунофикс руҳонийларни қўлмишига яраша жазолайди.

Эртаклар инсон фантазияси кучининг энг ёрқин, типик кўзгу-сибирки, бу фантазиясиз адабий ижод бўлиши мумкин эмас. Улар орқали ўтмишдаги хаёт, кураш, орзу-умидлар билан яқиндан танишиш мумкин.

Эртаклар жуда узоқ замонларда яратилган бўлиб, улар асрлар давомида тўлдирилиб, ўзғартирилиб, мукаммаллашиб авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Меҳнатга муҳаббат, касб-хунар, илмга ҳурмат, яхши одоб-ахлоқ, адолат-инсофни улуғлаш, умуман, ёмонликка қарши яхшилик идеалини тасдиқлаш сатира, юмор характеридаги эртаклар ғоявий мазмунида ўз ифодасини топган...

Тўпланган эртаклар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари М. Афзалов, Х. Расулов, З. Ҳусаиновалар тузган икки томлик «Ўзбек халқ эртаклари» китобида нашр этилди.

Икки томликка кирган ўзбек халқ эртакларининг турлари, хусусият, ғоявий мазмуни, тематик ранг-баранглиги М. Афзалов томонидан ёзилган сўзбошида тўла таҳлил этиб кўрсатилган. Бу икки томлик аввалги тўпламларда учраган нуқсонлар қисман бартараф қилинган бўлса-да, аммо буларда ҳам афсонавий ва реалистик эртаклар, сатира, юмор характеридаги ҳажвий эртакларни жойлаштиришда изчиллик сақланмаған.

Икки томликка кирган «Носир кал», «Золим подшо», «Кал билан подшо», «Бахтли кал», «Олтмиш оғиз ёлгон гап», «Қирқ ёлғон», «Уч ёлғондан қирқ ёлғон» каби ҳажвий эртакларнинг комик қаҳрамони уддабурон, эпчил, ҳар ишга қодир каллар ва бошқа дурадгор дехқон, косиб, хунарманд, сартарошлар бўлиб, улар донолик билан иш кўрадилар, иш-харакати билан подшо, хон, беклар зулмини масхаралаб, уларни эл-юрт олдида фош этадилар.

«Носир кал» эртагидаги кал ўзининг ажойиб кулгили хунари билан, «Уч ёлғондан қирқ ёлғон» ва бошқа эртаклардаги меҳнаткаш халқ вакиллари бўлган каллар сўзга чечанлиги, турмуш ва унинг ҳодисалари ҳақидаги кенг билими, тушунча, мулоҳазалари, нутқларидаги чуқур мазмун нодонлик, жаҳолат, порахўрлик, хасислик, очкўзлик каби иллатлар, тур-

мушдаги ҳурматсизлик, вафосизлик, оилавий тотувсизлик, бир-бирини кўра олмаслик, фитна-фасод, ахлоқий ва майший бузилиш мазах қилинади.

Оғир меҳнат, очлик, қашшоқлик қийинчиликларга чидай олмай, гиёҳвандликка берилиб кетган иродасиз кишиларни икки томондаги «Уч кўкнор», «Кўкнори хаёл», «Нашанинг хислати» эртакларида кулги остига олинган.

Ҳажвий ҳикоялардаги комик қаҳрамонлар нутқида ўзбек тилининг ранг-баранг лексик бойликлари, таъсирий воситалари, ундаги ҳазил-мутойиба, қочирим каби жозибали сўз ўйинларида намоён бўлиб, ғоявийлик, бадиийлик касб этади.

«Тақсир, мен камбағал, қашшоқ етимман. Отадан битта эдим, ўла-ўла учта қолдик. Учала оға-ини бирор-бировимизни билмас эканмиз. Бир кун топишиб, сўрашиб қолдик. Бундай қарасам, биримизнинг ёқамиз йўқ, биримизнинг енгимиз йўқ, биримизнинг этагимиз йўқ».

Бу мисолда фольклорга хос гўзал содда киноя, муболага бўлиб, оға-иниларнинг таърифидаги сўзларнинг деярли ҳаммаси қочирим йўли билан бирдан ортиқ маъно ифодаламоқда. Ҳажвий эртаклар, масалларда унинг сатира, юмор характерини бошланишидаёт кўрсатиб турадиган доимий эпитет, бадиий премлар ҳам мавжуддир.

*Бор эканда, йўқ экан,
Оч эканда, тўқ экан.
Бўри баковул экан,
Тулки ясовул экан.
Қарга қақимчи экан,
Чумчуқ чақимчи экан.
Ғоз карнайчи экан,
Ўрдак сурнайчи экан.
Лайлак ногорачи экан,
Товуқ тогорачи экан.
Илон танобчи экан,
Тошибақа тарозугар экан,
Курбақадан қарздор экан.*

Бу мисол паррандалардаги баъзи хусусият, феъл-автор турли касб-хунар, мансаб эгаларининг урф-одати, характерининг баъзи хусусиятларига қиёс этилиб, оригинал ўхшатиш, метафоралар билан кулгили ҳолат юзага келтирилмоқда.

Эртакларим эр экан,
Бориб музга минар экан.
– Муз сен нега кучли деса,
Офтоб чиқиб эритар экан.
– Офтоб нега кучли деса,
Булут юзини тўсар экан.
Булут нега кучли деса,
Ёмғир тешиб ўтар экан.
Ёмғир нега кучли деса,
Ерга тушиб парчалар экан.
– Ер сен нега кучли деса,
Майса тешиб чиқар экан.
– Майса нега кучли деса,
Бой қўзиси ер экан.
Қўзи нега кучли деса,
Бўри тортшиб кетар экан.
Бўри нега кучли деса,
Чумоли тишлаб тортар экан.
– Чумоли нега кучли деса,
– Мехнатимнинг кўплигидан каллам катта,
Симоби белбогим ингичка, ўзим кучли, –

деб жавоб берибди.

Ҳажвий эртаклардаги комик қаҳрамон – «кал»лар ва бошқа ижобий образлар портрети, нутқи ва бошқа хусусиятлари кўпинча бир хил тасвиirlанади.

Баъзи салбий образлар портрети шундай чизилганки, «ранг кўр, ҳол сўр» дейилганидек, улар орқали унинг ички дунёси, ёвуз мақсадини билиб олиш мумкин:

«...Лаблари шафтоли қоқидек буришган, юzlари ёғланмаган айбаки тановардек тиришган, эски ковушдай бурни енгчадай ияги

билан уришган, қулоклари супрадай, күзлари ўйилган гўрдай, бўйи минордай, оғзи ғордай, қорни қанордай, тишлари «куракдай, оёклари моховларнинг шотисидай, панжалари бешиликдай, этагини турмушлаган, орқасига бир мушлаган кампир ўтирибди».

Ёки:

«Ўрадек оғзида тиш тугул от боғлайдиган қозик ҳам йўқ, ўт оғиз, ўроқ тишли, бели камалак, юзи сумалак, боши гувалак, бетига бир қоп маккажўхори сепиб юборсанг, бирор донаси ерга тушмайдиган ари уядай чўтири, ғўра қовоқ, бетлари хом ошқовоқ хотинни олиб бердилар».

Юқоридаги мисолларда икки хил аёл портрети чизилган бўлса, бир бой қиёфаси бундай кўрсатилади:

«Худди боқма тўнғиздек хўппа семиз, егани барра кабобу ичгани қимиз. Юришлари ғоздай, ранги хўроздай, қорни қовоқдай, бетлари товоқдай, соқол-мўйлаби бурган супурги, бир сўзи куйдирги, биткўз, хамак бурун бой лапанглаб чиқиб келди».

Бу портретлар салбий характерни индивидуаллаштириш билан бирга, эртақдаги масхарали қулгини кучайтирадиган элементлардан бири бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Ҳажвий эртаклардаги каллар, кичкина одамчалар, камбағал чўпонлар, сўzlари пурҳикмат қариялар, донишманд оқила хотин-қизлар каби изжобий образлар орқали меҳнаткаш омма уларни масхаралаб кулди, улардан ўч олди. Келгуси авлодини уларга қарши нафрат-ғазаб руҳида тарбияламоқчи бўлди.

Сатира, юмор-характеридаги ҳажвий эртакларнинг кичик ҳажмдагилари тобора ишланиб, ихчамланиши натижасида бора-бора латифа жанрига айланиб кетганидек, улардаги эпик комик қаҳрамон каллар ҳам Алдаркўса, Машраб, Насриддин Афанди образларининг такомиллашиб, бадиий тип даражасига кўтарилиши учун ёрдам берди.

Сатира, юмор характеридаги эртакларнинг кичик ҳажмдагиларини шартли равишда ҳажвий ҳикоялар деб юритамиз. Чунки булар Алдаркўса саргузаштларига яқин, латифаларга нисбатан эса ҳажм жихатидан каттароқ, воқеа-ҳодисаларга бойдир.

Алдаркўса саргузаштлари, латифалардан бу эпик жанрнинг фарқи шуки, уларда бир хил стандартлашган эпик қаҳрамон

(Алдаркўса, Машраб, Насридин Афанди каби) йўқ. Ҳажвий ҳикояларни ижро қилувчи қизиқчи, масхарабознинг ўзи кўпинча комик образ сифатида гавдаланиб, унинг мазмуни мазкур қизиқчининг саргузаштига ўхшаш баён қилинади.

Масхарабоз ва қизиқчиликлар театрининг бир актёр томонидан ижро этилувчи бошқа шакллари ҳам бўлган.

Халқ орасида яшаб келаётган бир групга кулгули ҳикоялар борки, улар ўз характери ва қурилиши билан оддий оғзаки драмадан унча фарқ қиласайди. Унда драмага хос бутун қонуниятлар мавжуд бўлиб, диалог, монолог асосий ўрнини эгаллайди. Бундай ҳикояларининг халқ драмасидан фарқи шуки, онда-сонда ҳикоячи аралашиб туради ва кўпинча маҳсус кийимсиз, гrimсиз кўрсатилади. Шуни алоҳида уқтириб ўтиш керакки, бу кулгули ҳикоялар, асосан, қизиқчи ёки масхарабознинг юксак маҳорати туфайли театр даражасига кўтарила олади. Чунки мазкур асарларни ижро этаётганда қизиқчи ёки масхарабоз бир ўзи барча қаҳрамонларнинг ва ҳикоячининг ёрқин сахна образини вужудга келтириб, ўзига хос оригинал спектакл яратади.

Эртаклар ҳар бир хонадон, меҳмонхона, улфатчилик ўлтиришларидағина ижро қилинса, ҳажвий ҳикоялар, асосан, саъил-томушалар, базм, катта тўй-тўқинларда малакали кишилар – қизиқчилар, масхарабозлар томонидан ижро этилади.

Шунинг учун ҳам унда кулги воситалари қучлидир. Бу ҳажвий ҳикояларда ижро чудди драматик актёрнинг чудди ўзи қиёфасига кириб, ҳар бир ҳаракати, нутқини тақлид, импровизация йўли билан ҳикояда иштирок этаётган персонажлар харакети, воқеа, ҳодисалар мазмуннинг ривожланишига мослаштиради.

Ҳикояни ижро қилувчи қизиқчи, масхарабоз гапга уста, чечан бўлиб, нутқида қочирим, сўз ўйинлари, аския-пайров, бაзсан чандиши элементларини қанчалик кўп ишлатса, ҳикоясининг комиклик кучи, кулги чиқариш эфект шунчалик кучли бўлади.

«Ўзбек халқ эртаклари»нинг I-II томларига кирган ҳажвий ҳикоялар тематик жиҳатдан бой ва хилма-хилдир. «Ўпка қишлоқ», «Қози билан камбағал», «Етти аҳмоқ», «Куйган чол» (биздаги нусхада «Қайсар чол билан кампир»), «Қирқ ёлгон», «Икки аҳмоқ», «Икки мулла», «Ботмон», «Андижонлик ҳикояси» (биз-

даги нусхада «Қайсар бола»), «Лопчи», «Уч ёлғондан қирқ ёлғон», «Икки хунарманд» (биздаги нусхада «Үгри ва кисавур») кабиларни, қўлимиздаги «Ақл ва дунё», «Ношуд күёв», «Қўқонга саёҳат», «Қўқнори хаёл», «Банги», «Сеҳргар шогирди», «Касал кўриш», «Ширгуруч», «Эчки сўйган кампир», «Қироат» ҳикояларини авлоддан-авлодга ўтиб келган традицион сюжетлар дейиш мумкин. Қизиқчи масҳарабозлар томонидай сайил-томушалар базм-мехмонхоналарнинг савияси, дид-завқи, руҳий кайфиятига қараб, ўша ўтиришларнинг ўзида ҳам жуда кўп ҳажвий ҳикоялар яратилган.

«Сартарош», «Паровоз», «Зилзила», «Таробех ўқиши», «Чўлдаги намоз», «Дангасалар», «Ичувчи», «Отарчилар», «Ошхона», «Қўқнори хаёл», «Атеист лектор», «Сумалак», «Даллол», «Сурма ичган хўроз», «Чайқовчи», «Паловхўр улфатлар», «Эрка кампир» каби ҳикоялар бизнинг замонимизда яратилган.

Ўтмиш темасидаги ҳажвий ҳикояларда эртаклардагига ўхшаш ҳукмрон эксплуататор синф вакилларининг зулми, руҳонийларнинг мунофиқлиги оиласидай можаролар асосий кути объектидир. Бу жиҳатдан мажозий маънодаги «Ақл ва дунё» ҳикояси характерли бўлгани учун қисқача мазмунини келтирамиз.

«Ақл билан дунё баҳслашиб қолдилар-да:

– Инсон учун энг зарур нарса мен, сенинг ортиқча керагинг йўқ! – деди дунё.

– Мақтанма ғоз, хунаринг оз. Сен одамларни йўлдан оздирив ҳалокат чоҳига етаклайсан. Инсоннинг оғир кунида мен аскотаман, – жавоб берди ақл.

– Пул бўлса, чангальда шўрва, – мағрурланди дунё, менинг кучим билан баланд тўлар паст бўлади, ўткир қиличлар темиртакка айланади, анҳор, сой сувлари тескари оқади. Оқни қора қиласман, қораларни оқ... ночор қолган одамлар тўнғизни тоға дейишга мажбур бўладилар.

– Кел, «мақтанган қиз тўйда ўсал бўлади» мақолига амал қиласлик, сафсата сотишгунча, қадр-қиммат, куч-куватимизни турмушда синаб кўрайлик, – деди ақл.

Бу маслаҳат иккаласига маъқул тушиб, жўнаб кетдилар. Аввал дунё ўз хунарини кўрсатмоқчи бўлиб бир подачи етим калнинг

бошига қўнди. У тез орада бойиб кетди. Дунёнинг мастилиги билан у ҳеч нарсани кўрмас, билмас, эшитмас эди. У подшо қизига уйланди. Келинчакни чимилдиқдан куёв ёнига олиб келганларида, у бир уриб, маликанинг тўртта тишини тўкиб қўйди.

Буни эшитган подшо кални ўлимга буюрди. Тўйхона азага айланниб, кални дор тагига етакладилар...

Шу вактда ақл етиб келиб дунёга қараб бундай деди:

– Бу кал, гарчи чўпон бўлса ҳам, бир парча ҳалол нонини, ташвишсиз топиб еб юрган эди, нима қилиб қўйдинг?!

– Қўлимдан келгани шу бўлди. Агар уни ўлимдан олиб қолсанг, сенга таслим бўламан! – деди дунё.

Шу чоғ калнинг бошида ақл пайдо бўлиб, жаллодларга деди:

– Ўлим олдида қайнотамга икки оғиз арзим бор!..

Уни подшо ҳузурига олиб боришгач, кал сўради:

– Шоҳим, одам ўлдириш осон, аммо бир йигит қирқ йилда дунёга келади. Нима сабабдан мени ўлдирмоқчи бўлганингиз сабабини билсан?

– Аҳмоқ кал, сенинг мол-дунёнгни хурматлаб, қизимни берсанму, уни ўлдирмоқчи бўлдингми, кўрнамак!

– Малика гўзалликда тенги йўқ, бироқ курак тиши сўйлоқ экан. Бу маликанинг ҳуснига доғ эди. Мен уни синдириб, ўрнига тилла, жавоҳиротдан тиш қўйдирмоқчи бўлдим. Агар шу айбим ҳукми кущни талаб қилса, ўлимимга розиман! – деди кал.

Калнинг жавоби подшога маъқул бўлиб, уни озод қилди. Шундан кейин дунё ақлга тамоман бўйсуниб, таслим бўлган экан. Эл орасида «Ақлдан ортиқ бойлик йўқ», «Ақл бозорда сотилмайди», «Ақл – дунёнинг кўзи» деган мақоллар вужудга келган экан».

Бу ҳикояда масхарали кулгига нишон бўлаётган нарса такаббурлик, манманлик, ўзини жамият аъзоларидан юқори тутиш ҳусусиятлари бўлиб, у эксплуататор синф вакилларига хос характеристларидир, шунинг учун ҳам у дунё қиёфасида кўрсатилиб, меҳнаткаш омма маъқуллайдиган ва амал қиласидиган донишманд, камтарин ақлдан паст қўйилган...

Ҳажвий ҳикояларнинг жуда кўпчилиги латифага ҳам айланниб кетган. Ҳозирги кунда қайси бир жанрга тааллуқли эканини ажратиб бўлмайдиган ҳажвий ҳикоялар ҳам кўп учрай-

ди. «Етти аҳмок», «Қайсар чол билан кампир», «Тўрт гаранг», «Икки аҳмоқ», «Лопчи» ана шу категориядаги асарларданdir. Бу хикояларда инсон характеридаги қайсарлик, худбинлик туфайли вужудга келган нуксонлар эрмак қилинади.

Ҳажвий ҳикоялар фақат қизиқчи, масхарабозлар репертуарларидаги жанрларидир. Аммо ҳалқ орасидаги тақлидга уста, сўзга чечан талантли кишилар томонидан ҳам ижро қилина беради.

Сатира, юмор характеридаги эпик тур жанрларидан яна бири ҳайвонлар ва бошқа предметлар ҳақида яратилган масаллардир.

«Эпик поэзияга аналог, масал киради, буларда ҳаёт икир-чикири... шоирона шаклга солинади... Крилов сиймосида ҳалқ масалларнинг ҳақиқий гениал ижодчисига эга бўлди, унинг масалларида практик ақл, туйғунлик, рус ҳалқининг афтидан соддадил, лекин узиб олувчи пичингги тўла равишда ифодаланган». Рус танқидчиси Белинскийнинг бу фикри ўзбек масалларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Масаллар ҳаёт ва унинг ҳодисалари, ижтимоий турмуш муносабатларини эпик тарзда бадиий ижод этиш усулларидан биридир...

Масалларнинг гоявий мазмуни, образлари кинояли, мажозий маъно ифодалаганлиги учун уларда антагонистик зиддият жуда пардали қочирим йўллари билан ифодаланади; меҳнаткаш табақа вакиллари фирибгар ва алдамчилар, ростгўй ва соддадил кишилар ўрнида ҳар хил ҳайвонлар ва бошқа предметлар образи кўлланиб, улар инсонларга хос характерда тасвириланади.

Масаллар эртакларнинг дастлабки, тўнгич турларидан бўлиб, жамиятда антагонистик зиддият эндиғина бошланган даврда, бу ҳолатни ҳали ошкора, реал бадиий образларда кўрсатиш тажрибаси етишмаган ёки унга имкон бўлмаган чоғларда майдонга келган дейиш мумкин. Бу жанрнинг кўпинча ёшлар, болалар адабиётига хос хусусиятлари ҳам шундан далолат беради.

Масаллар ҳалқ орасида кўп тарқалган бўлиб, қадимий жанрлардан биридир. Масалларда реал ҳаёт ва унинг ҳодисалари, меҳнаткаш омманинг аянчли турмуши ифодаланган. Эрамиздан олдин яшаган Эзоп деган машҳур масалчи кул бўлган. Унинг масалчилик фаолияти қуллик мashaқатлари остида шаклланган.

Масаллар дунёдаги ҳамма халқлар фольклори ва ёзма адабиётида мавжуд. У жаҳон масалчилик традициясида асосан одоб, ахлоқ тарғиботининг энг мақбул мажозий киноявий йўлларидан биридир. Баъзан масалларда мантиқий хуносалар одоб, ахлоқ доирасидан чиқиб, улар реал ҳаёт ҳамда унинг ҳодисаларини масхара, мазах этади ва сатира, юмор даражасига кўтарилади.

Масал жанрининг ички тузилишини аниқлайдиган асосий белги шуки, унда кам, онда-сонда учрайдиган айрим воқеа-ходисалар кенг маънода умумлаштирилиб, типиклаштирилиб берилади. Аммо масал жанридаги типиклаштириш реалистик образлардаги принциплардан фарқ килади. Масалларда турмуш ҳодисалари, кишилардаги нуқсон, иллатлар киноя, ишора, мажоз йўли билан кўрсатилиб, ундан муайян ижтимоий муносабатларга хос мантиқий хуносалар чиқарилади.

А. А. Потебня масалнинг туғилиши, яшаш шароити ва ҳаётий бадиий мукаммаллигини «масал ифодалаган образнинг жуда содда ва аниқлигига» деб кўрсатган эди.

Н. Л. Степановнинг фикрича, масал сюжети аниқ гавдалантирилган образда мавжуд; фикр, тушунча, ахлоқ, одоб маъноси – унинг бадиий мукаммаллик шарти. Шу билан бир вақтда, масал образлари ўзининг ҳаётийлигини саклайди, турмуш шароити, ҳодисалар ўзгариши билан унинг мазмуни, талқин этилиши ҳам ўзгаради. Масал хикояси мавхум эмас, конкретлилик тусини олади.

Гегель ҳам ўзининг эстетикага оид лекцияларида масал жанрини таърифлаган ва унинг ғоявий-бадиий қиммати турмуш, воқелик билан алоқадор эканлигини уқтириб ёзган эди:

«...Масаллар ўзида жонли ва жонсиз табиатнинг бирор ҳолати ёки ҳайвонот дунёсидаги тўғри кузатиш натижасида воқеликка мос келадиган, шу билан бирга, инсоннинг яшаш шароити учун панд-насиҳат, ибрат бўладиган ёки, аникроқ айтганда, турмуш тажрибасида қўлланадиган, доно, ақллилик, одоб-ахлоққа тарғиб қиласидиган ҳодисаларни тасвиirlab кўрсатади.

Масалларга бўладиган биринчи талабимиз шундан иборатки, ундаги аниқ ҳодиса ҳаёт ва унинг ҳақиқий шароити, кўриниши ва характеристига тескари уйдирма бўлмай, бизга одоб, ахлоқ, панд-

насиҳат бериши керак. Иккинчи талаб – ундаги ҳикоя умумий тарзда бўлмай бу воқеа шунга ўхшаш ҳамма ҳодисаларнинг ички реалигига ўхшаш ҳолат эканлигини аниқ, батафсил кўрсатиши керак».

Худди ўша «ҳодиса»нинг типиклиги масалнинг ғоявий мазмани, қадр-қимматидир.

Кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти, адабий процессининг ўсиб, ривожланиши билан масаллар алоҳида тарихий-адабий традиция сифатида адабиётдан муносаб ўрин олди ҳамда давом етиб келмоқда.

Масалларнинг ҳаммаси деярли сатира, юмор характеристидадир. Уларда йиরтқич ҳайвонлар, уй ҳайвонлари, қушлар, ҳашаротлар, дарахтдар, уй, дарвоза ва бошқа предметлар турли ижтимоий гурух вакиллари образини ифодалайди.

Масалларда ҳайвонлар, предметлар образи орқали жамиятдаги мураккаб ижтимоий ҳодисалар, муносабатлар ифодаланади. Антагонистик зиддият асосий конфликтни ташкил этган масалларда меҳнаткаш омма манфаати биринчи ўринга қўйилиб, ундаadolat, инсоф, ростгўйлик, ҳалоллик доим зулм-хақсизлик, ёлғончилик, ҳаромхўрлик устидан ғалаба қиласди.

Масалларда от, ит, сигирлар инсоннинг энг яхши дўсти, вафодор, ожизларга ёрдам берувчи нажоткор бўлиб гавдаланади. Шунингдек, кийик, балиқлар ҳам асосан ижобий образлар бўлади.

Шер, арслон, бўри, тулки баъзан ижобий, баъзан эса зулм, зўравонлик тимсоли бўлган салбий образлардир. Тулки – мугомбир, хийлагар бўлса, куён қўркоқлик символи.

Бу ижобий ва салбий образлар тўқнашувидағи зулм, хақсизлик, очкўзлик, хасислик, айёрлик, алдамчилик каби салбий характеристлар устидан ақл-идрок билан қурилган тадбир натижасидаadolat, инсоф, тўғрилик, сахийлик, ростгўйликнинг тантана қилиши сатира, юмор характеристидаги кулгига объект бўлади. Ҳайвонлар иштирок этган фантастик эртаклардан ташқари, ҳозиргача жуда кўп масаллар босилиб чиқди.

Шунингдек, бизнинг қўлёзма фондимизда ҳам юздан ортиқ масал бўлиб, уларнинг кўпчилиги босилиб чиқсан масалларнинг бошқача нусхаси, вариант деса бўлади.

«Шум тулки», «Уч тулки», «Бўри билан тулки», «Думтак тулкилар», «Тулки билан турна», «Пуф, сассиқ», «Бир коса заҳар», «Тулки билан товус» «Хийлагар бедана», «Тулковой», «Тулки билан бўри», «Тулки ва йўлбарс» масалларида мунофиқона хушомадгўйлик, тилёгламалик, иккюзламачилик, хийлагарлик каби салбий хусусиятлар тулки образида мужассамланиб, бу иллат, нуқсонларининг фош этилиши масхарали кулги билан ифодаланади.

«Шум тулки» масалида айик, бўри – хукмдор тулки золим, товуқлар эса жафокаш мазлумлардир. Айик билан бўри тулки зулмини даф қилиш ўрнига порага олган юмшоқ пар ёстиқлар эвазига тулки тарафини олади. Чунки золим ҳукмдорлар учун «Отнинг ўлими, итнинг байрами» эди. Охири товуқлар арзи-додини мўйиноқ – вафодор ит эшитиб, тулкиларнинг таъзирини беради ва чўлга ҳайдаб чиқариб юборади.

«Бўри билан тулки», «Тулки билан бўри» масалларида ҳар иккала образ ҳам салбий бўлиб, унда анқов, лапашант, фаросатсиз, аклсиз, нодон, фақат ўз кучигагина ишонган бўри билан ҳийлагар, тадбирли, муғомбир тулкининг тўқнашуви, бўрининг тулки қарписида масхара бўлиб қолиши асосий кулги воситасидир.

«Оч бўри», «Ботир эчки», «Эчкининг уч олиши» масалларида «Манманга завол бор, олғирга чукур» мақоли мазмунида қонхўр, золим бўрининг шармандаларча жазоланишидан нафрат-ғазаб кулгиси ҳосил бўлади.

Масал-эртакларнинг ҳаммасида мажозий образлар орқали синифий тенгсизлик кораланади, очкўзлик, хасислик, ялқовлик каби ёмон сифатлар масхараланиб, унга қарши: тенглик, сахийлик, олижаноблик, ишчанлик, ростгўйлик, тўғрилик, ботирлик каби яхши ижобий хислатлар тараннум этилади. Шунинг учун масалларнинг таълимий-ахлоқий аҳамияти каттадир.

Жуда кўп масаллар темаси, сюжети халқ орасида тобора ихчамлашуви натижасида латифаларга айланиб кетганки, улардаги ғоявий мазмун, бадиий воситалар образлар, сатира, юмор характеристидаги кулги комик қаҳрамонлар образининг мукаммаллашувида муҳим роль ўйнаган.¹

¹ Мазкур мақола кўйидағи манбадан олиб тайёрланди: Рассоқов X. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Тошкент: Фан, 1965.

Зубайдада
ХУСАИНОВА
(1918–2002)



Зубайдада Хусайнова 1918 иил 9 декабрда Оренбург шаҳрида туғилган. Тошкент кечки педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетини тамомлаган (1950). Тошкент кечки педагогика институтидаги (1937–38), ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтидаги стенографист-кошибиба (1938–40), фольклор бўлимида лаборант (1940–44), катта лаборант (1944–57), кичик илмий ходим (1958–68), катта илмий ходим (1969–2002) сифатида хизмат қилган. «Ўзбек топшишмоқларининг асосий хусусияти ва замини» мавzuида номзодлик диссертациясини ёқлаган (1967). «Малика айёр», «Холбека» (1946), «Зандигор» (1949), «Алномииш», «Майда савдоғар», «Алномииш», «Юсуф ва Аҳмад», «Қоракўм» каби достонларни ёзиб олган. «Ўзбек халқ эртаклари» 2 жилдиги ҳамда «Ўзбек халқ мақоллари»нинг 2 жилдли академик нашрини тайёрлашида иштирок этган. «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам» (1958), «Холбека» (1968), «Алибек ва Болибек» (1973), «Тўлганой» (1974), «Авазхоннинг ўтимга ҳукм этилиши» (1976), «Машриқ» (1988) достонларини, М. Саидов билан ҳамкорликда «Гўлнор пари» (1965), «Гулшанбог» (1966), «Авазхон» (1967), «Чамбил қамали» (1978) достонларини нашрга тайёрлаган. «Кўлса – гул, йигласа – дур» (ҳамк.), «Луқмони ҳаким» (ҳамк.) эртаклар тўпламишини, «Олтин олма», «Сув қизи», «Ойжамол», «Ҳасанхон», «Топшишмоқлар» тўпламларини нашр эттирган. Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган (1973). «Ўзбек топшишмоқлари» (1966) номли монографияси муаллифи. 2002 иил 26 марта Тошкент шаҳрида вафот этган.

ТОПИШМОҚ ТЕРМИНЛАРИ

Ўзбек фольклорида хозиргача бирор жанрнинг термини, шу жумладан, топишмоқ термини ҳакида ҳам тўлароқ бир иш қилинмаган. Текшириш натижасида ўзбекларда топишмоқ термини ниҳоят даражада кўп эканлиги маълум бўлдики, биз ана шу терминларни эслатиб, ўз мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Топишмоқ фольклорнинг энг қадимий ва узоқ яшовчи, хаётий жанрларидан биридир. Топишмоққа табиатдаги жонли-жонсиз мавжудот, бирор ҳодисани бирор нарсага, унинг ҳолатига ўхшатиш, ё ҳодисага таққослаш орқали яшириб гавдалантирилади.

Ҳар бир топишмоқнинг ичида яширган ҳолда *ким? нима?* деган сўроқ ётади. Тингловчидан ёки топишмоқ айтишишда қатнашганлардан жавоб талаб этилади. Топилиши лозим бўлган нарсаларнинг ўхшатма белгиси, бир томондан, жуда эркин танланган бўлгани учун, иккинчидан, кўпинча сингишиб қолган бадиий адабиёт нормаларидан фарқ қилгани учун жавобини топип кишини анча ўйлашга, топишмоқдаги белгиларнинг кўчма маъноларини ахтаришга мажбур этади. Шунинг учун ҳам фольклорнинг бу жанри барча халқларда, унинг специфик хусусиятларига мос терминлар билан номланган. Масалан, руслар ва украинларда загадка, тожик, форс, афғон, урду ва бошқа, шунингдек, эроний тилларда сўзлашувчи қатор халқларда *у нима?* маъносидаги чистон, арабларда эса *яширин, махфий* маъносидаги лугз қўлланилади.¹

Ўзбекларда бу жанрни кўрсатувчи терминлар бошқа туркий ва туркий бўлмаган бир неча халқларга нисбатан кўпроқдир: *топишмоқ, топишмачоқ, топмача, топар чўпчак, топ-топ, топ-топ чўпчак, топ-топ матал, чўпчак, жумбоқ* (жуммоқ, жумоқ), матал, масала, чистон, лугз. Луғз ва чистон ўзбекларда фақат ўтмиш давр ёзма адабиётида ишлатилган бўлиб, ўзбек фольклорида бу икки термин топишмоқ учун ишлатилмайди. Ҳолбуки, арабларда – лугз, тожик, форс ва афғонларда – чистон фольклорнинг шу жанри учун ҳам ишлатилади. Бу жанр учун

¹ Немис, француз ва бошқа тилларда ҳам шу маънони ифодаловчи терминлар қўлланилади: немисча *ratsel*, французча *enigme*, инглизча *riddli* ва х.к.

ўзбекларда ишлатилган терминларнинг бир нечасини, айнан ёки бирор фонетик ўзгариш билан, туркий халқларнинг жуда кўпчилигида учратиш мумкин.

Биз ўзбек фольклоридаги *топшишмоқ* терминлари устида фикр юритамиз. Бошқа туркий ва туркий бўлмаган халқлардаги ўхшаш ва ёки бизнигига яқин терминлардан муқояса учун фойдаланамиз.

Текшириш шуни кўрсатадики, жанрнинг кенгроқ тарқалган термини кўпчилик туркий халқларда ё *топмоқ* сўзидан, ёки *юммоқ* сўзидан олинган.

Туркий тилларнинг кўпчилигида адабий тилда ҳозирги кунда *топишмоқ* термиии кўпроқ кўлланилади. **Топишмоқ** терминини шу жанрнинг матнида ҳам учрайди: «*Топишишмоқнинг ўзи қора, топмаганинг юзи қора*» (қозон).

Топишмоқ, топмача, топар чўпчак, топ-топ сўzlари, озарбайжонликлар ва турклардаги *тапмажса*, туркманлардаги *тапмача*, олтойликлардаги *табишиқоқ*, буряtlардаги *табари*, мўғуллардаги *taabari* сўzlарининг ҳаммаси топмоқ феълидандир.

Топишмоқ сўзи *топ* ўзагига *-ии* + *моқ* мураккаб аффикслари кўшилиб ясалган. *-ии* аффикси билан ясалган *топ* + *ии* сўзи ҳаракатнинг икки ёки бир неча шахс томонидан биргаликда баҗарилишини, бирор нарсани биргаликда излаш, қидириш кераклигини билдиради; бунга *-моқ* инфинитив аффикси кўшилиши билан ўша ҳаракат номи юзага келган, кейинчалик бу сўз – **топишмоқ** фольклорда бир жанр термини сифатида қабул этилиб умумлашган. Шу жиҳатдан **топишмоқ** термини бу жанр хусусиятига мос тушган ва шунинг учун ўзбекларда *топишишмоқ*, қорақалпокларда *табыспак*, қирғизларда *табишимақ*, татар ва бошқирларда *табишимақ*, озарбайжонликларда *тапишишмак*, олтойликларда *табишиқоқ*, уйғурларда *тепишимақ* шаклларида, ҳар қайси халқнинг ўз тил хусусиятига хос равишда, илмий ва адабий термин сифатида оммалашган.

Топ + ма + ча. *Топ* ўзагига от ясовчи *-ма* ҳам кичрайтиш белгиси – *-ча* кўшилиши билан **топмача** термини ҳосил бўлган. «*Топмачамнинг ўза қора, топмаганинг юзи қора*» (қозон). Худди шу термин айни формада туркманларда *тапмача*, озарбайжонликлар ва туркларда *тапмажса* шаклида учрайди [...].

Топиш + ма + чоқ топишишмоқ феълидан **топиш** ўзагига от ясовчи **-ма** суффикси кўшилиши билан **топишишма** ва унга навбатма-навбат биргаликдаги ҳаракатни билдирувчи **-чоқ** суффикси кўшилиб ясалган. Дарҳақиқат, топишишмоқда гоҳ у тараф, гоҳ бу тараф бир-бирига топишишмоқ айтиб, жавоб талаб қиласиди. Худди шу формада қиз тўйидаги **тортишмачоқ** термини бор. **Бекинмоқ** сўзидан болалар ўйинидан бирининг оти **бекинмачоқ** термини ясалган.

Топ-топ. Бу термин кенг тарқалмаган, уни республикамизнинг баъзи туманларида (масалан, Самарқанд обlastининг Булунгур туманидаги Гулбулоқ қишлоғида, Ургут туманининг Терсак қишлоғида) айрим шевалардагина учратиш мумкин.

Кўриниб турибдики, бу термин **топмоқ** феълининг буйруқ шаклини икки марта қайтариш билан **топ-топ** термини вужудга келган. Уни баъзан топишишмоқлар матнида ҳам учратамиз. *Top-top топишишмоқ, оёққа ёпишишмоқ* (лой).

Биринчи қараганда, гўё буйруқ сифатида келаётган **топ-топ**нинг отта айланганини қўйидаги матнда очикроқ кўриш мумкин:

*Top-top – лагалак,
Тобони йўқ лагалак,
Сувдан ўтган лагалак,
Суяги йўқ лагалак (капалак).*

Топ-топ шаклини ўзбеклардан бошқа халқларда ҳозирча учратмадик.

Жумбоқ ўзбекларда, асосан, қипчоқ группасига кирган шеваларнинг кўпчилигига умумий термин сифатида ишлатилган ва ҳозир ҳам ишлатилади. Бу терминни Шайх Сулаймоннинг лугатида ҳам учратамиз. Унинг изоҳига кўра, «жумбоқ – билма жа, муаммо, луғз, чистон маънолари дадир».¹ Жумбоқни бизда илмий термин сифатида оммалаштириш тенденцияси бўлганлиги ҳам сезилади. Масалан, 1916–17 йилларда Кўқонда тошбосмада нашр этилган 156 топишишмоқ тўпламига «Жумбоқ мажмуаси» деб ном қўйилган. XX аср бошларида мактаб дарслклари-

¹ Шайх Сулаймон. Луғати чиғатои ва турки усмоний. – Истамбул, 1295. – 109-бет.

да топишмоқ намунаси берилганда сарлавҳада «Жумбок» сўзи ёзилган. Лекин ҳозирги замон ўзбек адабий тилида жумбоқ ва чистон ўзбек фольклори терминлари сифатида умумлашмади.

Ўзбекларда жумбоқ (вариантлари: жуммоқ, жумоқ) термини топишмоқнинг ўзида ҳам кўп учрайди: «Жумбогим жустиди, товга қараб қутиди»¹ (куюн). Жумбоқ термини туркий халқларнинг ҳам бир қанчасида бор бўлиб, қозоқ ва қирғизларда жумбак, татарларда жомак, жомах, бошқирдларда йомақ, чувашларда сутмали юмах дейилади. Лекин татар адабий тилида жомах термини кўлланилмайди, шевада ҳам кам учрайди. Бу тўғрида татар топишмоқлари тўпламининг сўзбошисида шундай дейилади: «Атама сўз булу яғыннан килгэндэ, «табишмак» сузе белэн бер рэттэн, бездэ «жомак» һэм «жомах» дигэн суздэ учраштыргалый... Татарстанда куп райанларда инде «жомах» сузен белмийлэр».² Татарларда ҳозирги кунда **табишмак** термини кўлланилади.

*Эче куыш, тышиши таш,
Табишимагем орчык баш (печка).*

Бошқирдлар эса бунинг акси, яъни уларда **топишмоқ** термини ишлатилмайди. Бошқирд фольклорининг мутахассиси, филология фанлари номзоди А. Н. Киреевнинг бизнинг илтимосимизга кўра лутфан ёзib юборган мактубидаги маълумотга қараганда, ҳозирги замон бошқирд адабий тилида **йомақ** шаклида ишлатилган бу терминни турли даврларда турлича ёзганлар ва турли-ча талаффуз этганлар: **йомак**, **йоммақ**, **йомбак**.³

*Йомақ, йомақ, йом қара,
Йомақ эсе дем қара (қозон).*

Туркман адабиётшуноси ва фольклористи филология фанлари доктори Баймуҳаммад Қарриевнинг маълумотича, туркманлар-

¹ Айтувчи: Абдуғани Турдимов. Самарқанд вилояти, Нурутта тумани, Кўштамғали кишлоғи, 1958 йил.

² Исәнбет Н. Табишмаклар. – Казан, 1941. – 4–5-бетлар.

³ Менинг топишмоқ термини хақида маълумот сўраб ёзган хатимга А. Н. Киреевнинг жавоб хатидан. 1958 йил 28 ноябрь.

да *топишмоқ* ўрнида *матал* термини ишлатилади. Бу термин топишмоқ текстида ҳам учрайди:

*Маталим гызыл матал,
Дилдан отуп, додага етар (қалампир).
Маталим матти,
Икки гулагы ятды,
Ере гирип гум атди (фил).¹*

Туркманларда ҳам *жумақ*, *юмак* термини бор. Лекин бу термин уларда топишмоқнинг эквиваленти бўлмай, фольклорнинг асияяга ўхшаш жанрини ифодалайди. Б. Қарриевнинг маълумотига кўра, «Бунда икки сўз устаси, одатда, бу тўйларда бўлади – бадиий ўхшатишлар орқали мусобақалашадилар». Кўринадики, бу термин фақат туркманларда фольклорнинг бошқа жанри учун ишлатилади Аммо ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпок, татар, бошқирд, озарбайжонликлар ва чувашларда *жумбок*, *жумоқ* терминларининг, ҳар қайси тилнинг ўз хусусияти доирасида, турли шаклларда топишмоқ жанри учун ишлатилиши ёки баъзиларида илгари ишлатилган бўлиши, унинг туркий халқларда кенг тарқалганидан далолат бериши билан бирга айни ўзакдан ва айни шаклда ясалганини кўрсатиб туради.

Туркий тилларда қўлланилган бу *жумбок* термини *жуммоқ*, *юммоқ* сўзидан бўлиб, яшириши, бекитиши маъносида. Зотан «Жупми – ток» ўйинида ҳам бир ёки бир неча дона нарсани кафт ва панжа орасига олиб, яшириб тоқ ёки жуфт эканлигини топиш талаб қилинади. Шунга ўхшаш, жумбокда ҳар бир нарса иккинчи бир нарса ёки бирор ҳодиса орқали алмаштирилиб, ё таққослаш орқали бекитиб, яшириб айтилади.

А. Н. Киреев бошқирдча *йомақ*, *йомбақ*, *йоммақ* термини *йомақ* (юмук) – беркитилган сўзидан келиб чиққанлигини тахмин қиласиди, бу ҳам фикримизни қувватлайди.

Матал. Бир қанча халқларда топишмоқнинг яна бир термини маталга дуч келамиз. Ўзбек, туркман, озарбайжонликларда *матал* ва курдларда *метел* шаклида. Юқоридаги бир мисолда,

¹ Туркман халқ маталлары. – Ашгабад, 1948. – 49, 132-бетлар.

туркманча топишмоқ матнида учраган бу термин ўзбекча текстларда ҳам тез-тез йўликиб туради:

*Маталим матти,
Кулоги қатти,
Қозонга солсам,
Тикрайиб ётди (чучвара).¹*

*Матал, матал, малики,
Тирноқлари ўн икки.
Хувидай, хувидай,
Овузлари кувидай.
Товдан ошар, моли бор,
Куйругида холи бор (қашқир).²*

Ўзбекларда *матал* термини эртак, мақол, ва русча поговорка ўрнида ҳам қўлланилади. Лекин бу терминнинг этимологияси аниқланмасдан туриб, унинг, аслида, кайси жанрга хос бўлганини ҳозирча айтиб бўлмайди.

Хивада топишмоқнинг эквиваленти *матал* термини билан бир қаторда **масала**³ термини ҳам бор.

*Масала мастики,
Дирноқлари ўн икки,
Ҳали галса гўрарсиз,
Гула-гула ўларсиз (маймун).⁴*

Бу топишмоқнинг биринчи байти юқорида келтирилган топишмоқдаги биринчи байтнинг айни ўзидир, орадаги фарқ фақат «мatal» сўзи ўрнига «масала» ишлатилганлигидадир.

¹ Хоразм вилоятининг Хива шаҳридан ёзib олинган.

² Нурота туманининг Коракиса қишлоғидан ёзib олинган.

³ «Масала» терминини X. T. Зарифовнинг 1930 йилда Хивада ёзib олган материаллари ҳамда Б. Каримовнинг Хоразмда 1938 йил ёзib олган фольклор материалларида очик кўриш мумкин. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти Фольклор архиви. Инв. № 603.

⁴ Хоразм вилоятининг Хива шаҳридан ёзib олинган.

«Masala» арабча **масъала** – ҳал қилиниши лозим бўлган, жавоб талаб қилган сўроқ ёки бир мушкилотдир.

Масал термини ҳам арабча бўлиб, турк луғатшуноси Шамсиддин Сомийнинг изохига кўра: 1) бир умумий қоидага намуна бўлиш учун айтилган сўз; 2) ташқи маъноси назарда тутилмай, зимдан ва киноя билан бошқа бир нарсага далолат этмоқ учун ясалган сўздир.¹

Маъно жиҳатдан **масала** ва **масал** сўзларининг топишмоқ ўрнида ишлатилишига асос бор. Лекин **матал** билан **масал** ўртасида лингвистик бирлик борми, яъни бу иккала сўздаги т билан с товушлари ўртасида фонетик ҳодиса рўй бериб, «с» фонемаси «т»га кўчганми, йўқми, бу ҳақда биз қатъий бир фикр айта олмаймиз. Буни тилшуносляримиз ҳал қилиб берурлар, деган умиддамиз.

Худди шунингдек, **чўпчак** терминининг ҳам этимологиясини аниқлаш керак. Ана шунда халқимиз орасида қўлланиб келаётган **tonar чўпчак**, **ton-ton чўпчак** терминларини кенг тушуниш ва тўғри изохлаш мумкин бўлади.

Топишмоқнинг жавоби учун ҳар жойда ҳар хил сўз ишлатилади: «жавоби», «ечувви», «очувчи». Бошкирдларда **«ачыу, сисеу»**, бальзан **«табыу»**, козокларда эса **«шешши»**² дейилади. Бизнинг адабий тилимизда «жавоби» умумлашган. Озарбайжонликлар ва татарларда ҳам **жавобидир**. Тожиклар ҳам **жавоб** сўзини ишлатадилар.

Ўзбек фольклорида топишмоқ учун ишлатилган терминлар жуда кўп. Бу терминларнинг ҳар бири шеваларда ҳозир ҳам ишлатилади. Аммо тилимизда умумлашгани **топишмоқ** термини бўлиб, бу ўзбек фольклористикасида ҳам илмий термин сифатида қабул этилган. Терминнинг бошқа эквивалентлари эса фақат диалектлар доирасида қаралмоғи керак. Шулардан **жумбок** термини адабий тилимизга кириб, оммалашган бўлса ҳам, адабий тилда фольклорнинг бир жанрини билдиrmайди, балки умуман муаммо маъносини ифодалайди.³

¹ Шамсиддин Сомий. Комуси туркий. – Истамбул, 1289.

² Ғабдуллин М. Қазак халқынын ауыз адебияты. – Алматы, 1958. – 83-бет.

³ Ўзбек халқ топишмоқларининг заҳматкаш тадқиқотчиси Зубайда Хусаинованинг мазкур мақоласи «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналининг 1960 йил 3-сонидан (28–33-бетлар) олиб босилди.

*Охунжон
СОБИРОВ
(1920–1982)*



Охунжон Собиров 1920 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Филология фанлари номзоди (1955). Тошкентдаги Покровский номли ишчилар факультетининг кечки бўлимида (1934–37), Тошкент ўқитувчилар институтининг филология факультетида ўқиган (1937–42). Тошкент шаҳридаги 35-ўрта мактабда ўқитувчи (1938–40), «Фан» нашириётида мусаҳҳиҳ (1948–50), Тошкентдаги 11-, 16-ўрта мактабларда ўқитувчи (1950–52), Қарши давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиётни кафедрасининг мудири (1952–57), ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида катта илмий ходим (1959 йилдан). «Келинай қўшиқлари» мажсумасини нашир эттирган (1981). «Бахтиёр авлодлар» (1951), «Нигорхон ва Кал Замон» (1950), «Алломиши» (1956) достонини ва бир қанча термаларни ёзib олган. «Ҳасан Чопсон», «Нигор ва Замон», «Ёзи билан Зебо», «Зулфизар ва Аваз» достонларини нашрга тайёрланган. «Ислом шоир Назар ўғли» (1967), «Бахшишлар сардори» (1976), «Умр шоир Сафаров» (1982) каби илмий рисолалари нашр қилинган. «Саодат ва садоқат тароналари» (1967), «Яшин ва ҳалқ оғзаки ижоди» (1972), «Сарчашма адаб ижодида» (1975), «Ойбек ижодида фольклор» (1975), «Фольклор анъаналари ва ўзбек адабиётидаги ҳалқчиллик» (1978), «Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор» (1979), «Ҳалқ ижоди ҳазинаси» (1986) каби китоблар муаллифи. 1982 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

«МАХТУМҚУЛИ ВА ЎЗБЕК БАХШИЛАРИ»

Ўз ижодий камолотида ўзбек классик адабиётининг ҳам бой хазинасидан баҳраманд бўлган туркман халқининг улкан шоири Махтумқулининг ижодий фаолияти, адабий мероси қардош халқлар адабиётига, жумладан, ўзбек адабиёти ва фольклорига ижобий таъсир кўрсатди. Унинг халқчил, элга манзур кўшиқлари бир-биридан гўзал, содда, мазмундор. Туркман адабиётининг атоқли намоёндаси Берди Кербобоев айтганидек: «Махтумқулининг шеърлари халқни хаёл отига миндириб, унга қаҳрамонлик қиличини ушлатган шеърлардир. Туркман адабиётининг улуғ классиги Махтумқули туркман халқининг тақдери, унинг зулмдан озод бўлиши ва бирлашуви учун кечакундуз тинмай фикр қилди. Амирлар, шоҳлар, беклар, хонлар, эшонлар ва пирларга қарши заҳарлар сочди. Туркман халқининг дардларига малҳам бўлди»¹.

Махтумқули шеърлари ўзбек халқига ҳам жуда қадрдон эди. Чунки у яхшиликни, одамгарчиликни, гуманистик ғояларни улуғлади, золимларни, адолатсизликни, пасткашликтини, жаҳолатни, номардликни қаттиқ қоралади. Одоб, ахлоқ, иноқлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат, вафо, садоқат, қадр-қиммат, олижаноблик хақида, инсон баҳт-саодати, тақдери, эрки тўғрисида куйиниб ўғит-насиҳат қилди. Шу сабабдан Махтумқули шеърлари қорақалпоқ ва ўзбек халқининг профессионал халқ шоирлари репертуаридан муносиб ўрин олди, севилиб куйланниб келди ва куйланмоқда.

Шу нуқтаи назардан Махтумқули шеърларининг ўзбеклар орасида тарқалишига доир айрим материалларни баён қилмоқчимиз. Хоразмлик Қурбонназар Абдуллаев – Бола баҳши, Амударё туман «Манғит» жамоа хўжалигида яшовчи халқ шоири Худойберган Ўтаганов, Самарқанд вилоят Нурота туманида Бекмурод Жўрабой ўғли, машҳур қорақалпоқ халқ шоири Қурбонбой жиров Тожибоев, Гурлан туман Навоий номли жамоа хўжалигида Жумабой Худойберганов ва бошқалар Махтумқули

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали. – Тошкент, 1940, № 5, 82–83-бетлар.

шеърларини завқ билан айтиб келадилар. Қорақалпоғистон ва Ўзбекистонда жуда кўп санъаткорлар унинг шеърларини ўз миллий кўйларида ижро этадилар. Айниқса, Хоразмда бу улуғ сўз устасининг қўшиқларини эшитмаган, севмаган, билмаган бирон киши йўқ десак, муболага қилмаган бўламиз. Худди шунингдек, бу ерда Махтумқули ижодий мактабидан рухланмаган шоир ҳам йўқ. Умуман, шу нарса диққатга сазоворки, Ўзбекистоннинг Туркманистонга туташ туманларида яшовчи аҳоли орасида тўй-маросимларда, ҳатто одатдаги зиёфат ва йиғинларда Махтумқули асарларини ижро этиш традицияга айланиб қолган. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти¹ фольклор сектори илмий ходимларининг 1960 йил май ойида Бухоро вилояти бўйича уюштирган экспедициясида бу фикрнинг тўғрилиги аниқланди. Қоракўл тумани Қораун жамоа хўжалигига яшовчи Абдусаттор aka ва яна бир неча ёшлар Махтумқулининг кўпгина асарларини қўшиқ қилиб айтадилар. Бундай ижрочилар Коракўл, Томди туманлари қишлоқларида кўпчиликни ташкил қиласиди.

Ўзбек халқи орасида авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга кўчиш орқали бизгача етиб келган Махтумқули шеърлари кўпинча унинг кискарган вариантига ўхшайди. Буни Абдусаттор акадан ёзиб олинган «Бўлар», «Яхши», «Борадир» сарлавҳали шеърлар мисолида кўриш мумкин. Бу шеърлар Махтумқули «Танланган асарлар»ининг 139-, 316-саҳифаларида берилгандир. Бу шеърларни Абдусаттор aka отаси Шомурод баҳшидан ёшлик вақтида ўрганиб олганлигини айтади. Шу нарса характерлики, Абдусаттор Шомуродов юқоридаги шеърларни туркман акценти билан ижро этади.

Тарихий фактлар шуни тасдиқлайдики, машхур халқ шоирлари қардош халқ шоирларини яхши билган, улардан ўрганган, дўст тутинган, улар билан ҳамфикр бўлган. Маслақдошлиқ, тақдирнинг бирлиги, бир хил ижтимоий позиция, дунёкараш уларни яқин, қадрдон қилиб қўйган. Натижада халқлар ўртасидаги адабий-маданий ҳамкорлик ҳар қандай тўсиқ, низо, золимларнинг адовати,

¹ Ҳозирги ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти (масъул муҳаррир изохи).

босқинчиларнинг зулмига қарамай, тобора ривожланиб борган. Бу хусусда Ислом шоир Назар ўғлининг 1917 йил инқилобидан олдин Махтумкули шеърларини эл орасида айтиб юрганлиги характерли бир ҳолдир. «Тахминан, 24 ёшларимда, – деб эслайди Ислом ота, – она кариндошларимнигига – Бухоро вилояти-нинг Қоракўл туманига (Сайёд кишлого) борганимда туркман халқ шоири Отаниёз билан танишдим. У билан биринчи марта Қоракўлда бир тўйда учрашган эдик. Отаниёз шоир Чоржўйнинг Хўжақалъя деган еридан экан. Биз бир-биrimiz билан жуда яқин алоқада бўлдик. Унинг менга дутор билан термалар айтиши жуда ёқкан эди. Отаниёз мени Қоракўлдан Чоржўйга бошлаб борди. Мен у билан қилган бир ойча саёҳатларимда туркман халқининг тирикчилиги билан танишдим. Мен ундан Махтумкулиниг бир неча шеърларини ўрганиб олдим»¹. Махтумкули – Фироғийнинг «Кўринг», «Бўлма», «Ярашмас» сарлавҳали шеърларини Ислом шоирдан 1951 йили ёзиб олдик. Бу шеърларни Махтумкулиниг 1940 йили Туркманистон Давлат нашриёти томонидан нашр этилган «Сайланма асарлар»ига солиштиридик. Халқ шоирлари учун бошқа шоирларнинг асарларини ўз майлларига қараб ўзгартириш характерлидир. Улар шеърни ўzlари яшаган муҳитга, кундалик ҳаётий ҳодисаларга мослаб ўзгартиришлари мумкин. Махтумкулиниг юқоридаги шеърлари Ислом шоир ижросида қисқарган, ўзгарган. Масалан, унинг «Кўринг» шеъри ўн банддан иборат бўлиб, Ислом шоир бунинг фақат олти бандини ўзбек тилида дўмбира билан куйлаган. Махтумкули:

*Бирор билан оина бўлай дессангиз,
Азал иқроринда туришин кўринг, –*

деса, бу сатрларни Ислом шоир:

*Бу мард билан оина бўлай дессангиз,
Аввал ваъдасида туришин кўринг, –*

деб ўзгартирган.

¹ ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти Фольклор архиви. И nv. № 1167.

Ёки шу шеърида Махтумқули:

*Қадрдон, қардошдан узоқ дош бўлиб,
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб,
Махтумқули носозлара дуч бўлиб
Хўжсанинг, сайднинг юришин кўринг, –*

деган бўлса, Ислом шоир бу сатрларнинг қуидагича ўзгартирган:

*Махтумқули ахир ҳолинг на кечар,
Ёмон чақирсанг-ку мажслисадан қочар,
Энди бўлиб номардларга сен дучор,
Хўжсаи сайднинг юришин кўринг.*

Махтумқулининг «Бўлма» сарлавҳали шеъри, аслида, 22 банддан иборат бўлиб, Ислом шоир бунинг 9 бандини ўзлаштириб олган экан. Бу бандларда ҳам айrim ўзгартишлар учрайди.

1956 йил апрель-май ойларида Қашқадарё вилоят Дехконобод туманлик Умир шоир Сафаровдан «Алпомиши» достони билан бирга бир қанча термаларни ёзиб олдик. Мана шу термалар ичida Махтумқулининг «Танланган асаллар»ида берилган «Ой-кунингиз ботмоққа...» шеъридаги икки тўртликка жуда ўхшаган терма ҳам учрайди. Қизиги шундаки, Умир шоир бу термани Махтумқули шеъридан эканлигини билмас ва ўз устозидан ўрганганингизни айтган эди. Умир шоир ижросида Махтумқулининг шеъридаги айrim сатрлари тушиб қолган бўлса ҳам, терма мазмун эътибори билан ўкувчини чукур ўйлантиради, символик характердаги фикр уни тегишли холосалар чиқаришга ундейди ва бу холосаларни ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига татбиқ этишга чақиради. Махтумқулининг бу шеъри етти банддан иборат бўлиб, унинг қуидаги бандлари Умир шоир кулаган термада келтирилади:

*Олтмиши яшаб, етмиши кирган сўфилар,
Оз қолибdir ой-кунингиз ботмоққа.
Чўл ерларда им кўрмаган тулкилар,
Хаёл қилар ётган шерни этмоққа.
...Калтакесак кунин қарғаб қишу ёз,*

*Дам чекади аждахони ютмоққа.
Оқсоқ кийик юз бұрсыққа етқизмас,
Шер боласи минг тулкига тутқизмас,
Үлкін илон минг келпонға ютқизмас,
Ақп қерак бу ишларға етмоққа¹.*

Умир шоир ижросидаги терма қүйидагича:

*Тоққа чиқиб кийик овлаган мерган,
Дам айлайды шер боласин отмоққа.
Якка тулки биёбонда шер бұлар,
У дам айлайды кийикка етмоққа.
Қымда ётған калбозонлар үшқирап,
У ҳам дам айлайды илонни ютмоққа.*

*Күриниб қолса шер боласи юз мерганга отқизмас,
Якка кийик тулкига үзини сира етқизмас,
Калбозонға илон үзини ҳеч вакт ютқизмас,
Фикр қерак бу сүзларнинг маъносини чақмоққа.*

Махтумқули шеърлари факат радиода, телевизорда, концертдегина эмас, балки халқимизнинг түй маросимларида ҳам завқ билан қўшиқ қилиб айтилади. Севимли шоирнинг элимизга манзур бўлган асарларини моҳир санъаткорларимиздан тортиб ҳаваскор ашулачиларимиз ижросида ҳам эшитиш мумкин. Бу ашула ва қўшиқларнинг хилма-хил куйларини, асосан, ўзбек халқи яратган. Бу куйларда чукур лиризм, самимийлик, инсонни улуғловчи оҳанг барқ уриб туради. Ёқимли, жозибадор куйлар Махтумқули қўшиқларига қанот, жон, ҳаёт бағишлигандек туйилади. Халқ шоирлари унинг шеърларини дўмбира ёки дутор билан куйлайдилар. Бунда ижро этиш маҳоратидан ташқари, куйнинг ўзи бир-биридан кескин фарқ қиласди. Айрим ҳолларда Махтумқули шеърлари тўй-маросимларда, йиғинларда мусика асбобисиз маълум оҳангда ижро этилади. Мусиқа асбобисиз халқ поэзияси асарларини ижро этиш традицияси бизда кўпдан

¹ Махтумқули, Танланган асарлар, Тошкент, Ўззадабийнашр, 1960, 74-бет.

бери давом этиб келади. Масалан, «Майдың» қүшиқлари ёки «Ёзи билан Зебо» номли достон шундай айтилади. Худди шунингдек, Қашқадарё вилоят Бешкент туман Қамаши қишлоқлик Авазов Берди (1909 йилда туғилган) Махтумқули шеърларини созсиз баланд овоз билан ижро этарди. 1961 йил 25 апрелда ундан ёзиган Махтумқули шеърларининг («Келар», «Сани», «Бўлар», «Бўлмаса») ижро этиш оҳанги, куйи бирбирига жуда яқин. Бу қўшиқларни Авазов Берди ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери тўйларда, эл орасида куйлаб келганини айтди. Бу қўшиқларнинг баъзиларини Махтумқули шеърларининг ўзбек тилидаги таржималарига солиштирдик. Бунда ҳам, бир томондан, шоир шеърини ўзбекчалаштириш, қисман туркман тили акцентининг сақлаб қолиниши ва қисқартириш ҳолатлари кўзга ташланади.

Масалан, Берди шоир ижросида «Бўлар» радифли Махтумқули шеърини биз қуидагича ёзиган олдик:

*Мұхаммад уммати молсиз бўлмасин,
Молсиз бўлса қавму қардош ёт бўлар.
Ақа-укасида бўлмас хотири,
Ишонган, қувонган дўсти ёт бўлар.*

*Сидқи билан ҳеч ким мураббий этмас,
Бир тилак айласа муюмни битмас,
Маъракага айтган сўзи жой тутмас,
Тингламаслар, айтган гапи мот бўлар.*

*Оёгинда чориқ кандир белбогдир,
Бир даврага борса жойи ошоқдир,
Бедавлат от минса, билинг, эшакдир,
Давлатлилар эшиак минса от бўлар.*

*Кураш бир обруйдир, уруши бир дастур,
Кишини камситган одам нокасдир,
Ҳаволанма, кўнглим, кел энди басдир,
Гийбатчининг иигнагани ўт бўлар.*

*Махтумқули, шукур қылғын худога,
Баробардир ўлим шоҳу гадога,
Бесабрлар тез йўлиқар балога,
Сабри қул тура-тура шод бўлар.*

Бу шеър Махтумқули «Танланган асарлар»нинг 67-бетида беришгандир.

Шуни айтиш керакки, факат Махтумқули шеърлари эмас, балки туркман халқ эпосининг айрим намуналари ўзбек халқ шоирларининг репертуарида бўлганлиги диккатга сазовордир. Буни тасодифий ҳол деб бўлмайди. Эҳтимолки, ўзбек эпосининг айрим асарлари туркман ёки бошқа халқ талантларининг репертуарида бордир. Бу, бизнингча, табиий бир ҳол бўлиб, халқларимиз ўртасидаги қадимий маданий-адабий ҳамкорликнинг, дўстлик, қардошлиқ муносабатларининг бадиий ижоддаги кўринишидир.

Фикрни баён этиш формаси, одоб-ахлоқ ҳақидаги панду насиҳатларнинг образли ифодаланишида Махтумқули шеърлари билан ўзбек халқ шоирлари термалари ва халқ қўшиклари мазмун ва формаси ўртасидаги яқинлик, умумийлик сезилиб туради. Бу ҳолат, бизнингча, Махтумқули асарлари халқ оғзаки ижоди, халқ поэзияси, айниқса, унинг бой тили, услуби, поэтикаси асосида ижод қилинганлигидан гувохлик беради. Шу сабабдан ва Махтумқули асарларида меҳнаткаш халқ оммасининг рухи, психологияси, ижтимоий муносабатлари ёрқин акс этганидан, шоирнинг мазлумларга, камбағалларга бўлган чуқур журмат ва самимият ҳисси фоят таъсирли ифодалангандигидан унинг шеърлари ҳар бир халқнинг ўз ижоди каби тез тарқалди ва шуҳрат топди. Махтумқули ижоди билан ўзбек адабиёти ва фольклорининг ўзаро муносабати масаласи адабиётшунослигимизда ўрганилмаган соҳадир. Шунга қарамай, юқорида келтирилган фактлар жаҳон халқлари, жумладан, туркий халқлар ўртасидаги дўстлик, адабий-маданий ҳамкорлик қадимий, чуқур ҳаётий илдизга эга бўлганлигини кўрсатади. Жаҳон адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири бўлган Махтумқули ижоди юксак баҳоланди, ҳақиқий қийматини топди ва халқнинг бойлиги бўлиб қолди.

*Пожибой
ФОЗИБОЕВ
(1924–1988)*



Пожибой Фозибоев 1924 йил 3 январь куни Наманган вилояти-нинг Чортоқ туманидаги Ойқирон қишлоғида туғилган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» (1974). Тошкентдаги Енгил са-ноат техникумидаги ўқиган (1939–40). Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (1940–44)да таълим олган. Наман-ган давлат педагогика университетида (1944–55) ўқитувчи, доцент (1956 йилдан), кейинчалик ўқув ишлари бўйича проректор, тарих-фи-логия факультетининг декани, «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ўзбек адабиёти» кафедраларининг мудири вазифаларида ишлаган. «Фозил Йўлдош ўғлиниң ижоди» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган (1954). «Фозил Йўлдош ўғли ижоди» (1955), «Фозил Йўлдош ўғли» (1968) каби китоблари, «Ёзи билан Зебо» достонининг Наман-ган вариантлари» (1964), «Алломии» достонининг Наманган вари-антлари» (1967) «Наманган халқ достончилари» (1975) сингари ил-мий асарлари чоп этилган. Тўплаган фольклор материаллари асосида «Гулпари. Наманган эртаклари» мајсмуасини нашр эттирган (1968). Бундан ташқари, «Уч ога-ини» эртагини ўрганиши» (1992, ҳамк.), «Наманган халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари» (1993), «Наманган эртаклари» мајсмуаси (1998 ҳаммуаллиф) каби китоблари босилган. 1988 йили вафот этган.

«ЁЗИ БИЛАН ЗЕБО» ДОСТОНИНГ НАМАНГАН ВАРИАНТЛАРИ

Маълумки, халқимиз орасида кенг таркалган «Ёзи билан Зебо» достони шу пайтга қадар фольклорист олимларимизнинг дикқат-эътиборидан четда қолиб келди. Бу достоннинг вариантларини ёзib олиш ва тўплаш, уларни ўрганиш иши билан деярли ҳеч ким шуғулланмади. Кейинги йилларда қисқа муддатда «Ёзи билан Зебо» достоннинг кўпгина вариантлари ёзib олинди ва тўпланди.

«Ёзи билан Зебо» достони биринчи марта 1926 йил 25 февралда Наманган шаҳарлик шоир ва журналист Рафиқ Мўмин томонидан Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Пойтуқ қишлоғида яшовчи Ёрмат бобо оғзидан «Зевак» («Зебихон») номи билан ёзib олинган. У ҳозир Ўзбекистон Фанлар академия-сининг Тил ва адабиёт институти фольклор сектори архивида сақланади.¹ Ўзбек фольклорист олимлари орасида «Ёзи билан Зебо» достони вариантларини тўплаш ва ёзib олиш иши билан кейинги вақтларда кўпроқ филология фанлари номзоди О. Собиров шуғулдана бошлади. У «Ёзи билан Зебо» достоннинг кўпгина вариантларини Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида юриб ёзib олди ва тўплади. У «Ёзи билан Зебо» достоннинг ўз қўлидаги айрим вариантлари асосида достоннинг йигма матнини 1957 йилда нашрга тайёрлади ва «Шарқ юлдузи» журналида нашр қилдирди.² Ўртоқ Собиров 1962 йилда «Ёзи билан Зебо» достоннинг кейинги даврларда ёзib олинган ва фольклор секторида сақланадиган вариантларини ўрганиб чиқиб, достоннинг йигма матнини нашрга тайёрлади ва бу матнни қисқартирилган ҳолда алоҳида китобча қилиб ҳам чиқарди.³

¹ «Зевак» («Зебихон») достони. Ёзib олувчи Рафиқ Мўмин, 1926 йил, инв. № 725.

² «Ёзи билан Зебо» // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1957. – 4-сон, 1957 йил, 93–120-бетлар. Шу журналда кўрсатилишича, бу матн О. Собиров томонидан достоннинг Ўроқ Расулов, Мамашариф Эшмуродов ва Худойкул шоир Яхшиевлардан ёзib олинган вариантлари асосида нашрга тайёрланган.

³ «Ёзи билан Зебо» (достон). Ёзib олувчи ва ишлаб нашрга тайёрловчи Охунжон Собиров. – Тошкент: «Ёш гвардия» нашриёти, 1962.

Шу сатрлар муаллифи «Ёзи билан Зебо» достонининг, айниқса, Хўжашўркент ва Бекобод, Ёрқўрғон ва Файзиобод ҳамда Ўнҳаят қишлоқлари (Янгиқўрғон тумани)да, шунингдек, Хонобод ва Тошбулоқ қишлоқлари (Наманганд тумани)да кенг тарқалганини аниқлади ва унинг томонидан «Ёзи билан Зебо» достонининг бир неча Наманганд варианatlари ёзил олинди.¹

Янгиқўрғон туманининг Хўжашўркент қишлоғидан етишиб чиққан машхур ўланчи ва достончи шоир Олим Сойиббоев ва Файзиобод қишлоғидан етишиб чиққан моҳир «ёзичи» шоирларнинг айтувича, «Ёзи билан Зебо» достонини кўп достончилар Ёрқўрғон қишлоғилик Маманазар ёзичидан ўргангандар. Олимжон Сойиббоевнинг айтувича, у «Ёзи билан Зебо»ни ўз тоғаси Маҳмудбой Исабой ўғлидан ўргангандар. Маҳмудбой Исабой ўғли эса Маманазар акадан ўргангандар. Маманазар ака «Маманазар ёзичи» номи билан Уйчи ва Янгиқўрғон томонларда шухрат топган. Маманазар ёзичи бу достонни Сайдали акадан ўргангандар. Маманазар ёзичини ҳозир ҳам уйчиликлар энг яхши «ёзичи» бахши сифатида эслайдилар. Ёрқўрғонлик кексаларнинг айтувига қараганда, Маманазар ёзичи қизиқчи, қўшчи дехқон бўлган. Сирдарё лабида қўрғон қилиб, ўша ерда яшаган. Унинг ўғли Тўхтабой ҳам қизиқчилик қилган, «Ёзи билан Зебо»ни айтган. Маманазар ёзичининг ўлганига 40 йил бўлган (1962 йил апрель

¹ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Ҳожиакбар Кўчумов, Бирлашган қишлоқ фуқаролар йигинининг Бекобод қишлоғидан), 1961 йил, март; б) «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Олимбой Сойиббоев, Бирлашган қишлоқ фуқаролар йигинининг Хўжашўркент қишлоғидан), 1961 йил, апрель; в) «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Абдулла кори Худоёров, Ўнҳаят қишлоқ фуқаролар йигинининг Файзиобод қишлоғидан), 1962 йил, апрель; г) «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Ёкуббой ака, Ёрқўрғон қишлоғидан, ёзил олувчи Ёкуббоев Икромжон), 1962 йил; д) «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Адап полвон, Ёрқўрғон қишлоғидан), 1962 йил, апрель; е) «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Холмирза Худойберганов, Ёрқўрғон қишлоғидаги 80-мактаб қоровули), 1962 йил, апрель; ж) «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Шерзода (Дехқонбой Баҳромов), Ўнҳаят қишлоғидан), 1963 йил, май; з) «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Отавали Усмонов, Наманганд туманидаги Хонобод қишлоғидан), 1962–63 йиллар; и) «Ёзибува» (айтувчи Маманазар Исроилов, Наманганд туманидаги Катта Тошбулоқ қишлоғидан, 1963 йил июль) ва бошқалар.

ойида). Бунга қараганда, Маманазар ёзичи 1922–1923-йилларда вафот этган бўлиб чиқади.

Ёркўргонлик ва файзиободлик кекса «ёзичи»ларнинг айтувича, бу қишлоқда Бувамирза, Ортиқ ҳофиз, Эргаш кал Узоқ кал ўғли деган чўпон, Турдибой деган қарол, Отаполвон Бўтабой ўғли, Эргаш ота Сатторов, Исимиддин Гадойбоев, Набижон Гуломов, Норматқўр, Ҳайдар ҳофиз, Ражаббой ака, Қозоқча ака (Сатим полвоннинг устози), Олим ёзичи, Маматали Алиматов, Холмирза Дадабоев, Тургун мерган Узоқов, Мамадали ака, Уста Тусмамат Болтабоев каби моҳир «ёзичи» бахшилар бўлган. Ҳозир ҳам бу икки қишлоқнинг ўзида ўндан ортиқ «ёзичи»лар топилади. Лекин уларнинг кўпчилиги достоннинг кўп қисмини унутиб юборган бўлиб, ундан айрим эпизодлар, шеър-қўшикларни билади, холос. Ҳозирги «ёзичи»лар орасида Абдулла қори Худоёров ва Соли қори «Ёзи билан Зебо» достонини тўла билишлари билан ажralиб турадилар.¹ «Ёзи билан Зебо» достонини хотин-қизлар ҳам яхши билган. Ана шундай аёл бахшилардан бири Шарофатхон Каримова Ўнҳаят қишлоғининг Эчки маҳалласида истиқомат қиласида.

Юқорида қўрсатиб ўтганимиздек, «Ёзи билан Зебо» достони, айниқса, Наманган туманининг Хонобод, Катта Тошбулоқ ва Кичик Тошбулоқ қишлоқларида кенг тарқалган. Хонободликлар орасида, хусусан, Отавали Усмонов достонни тўлароқ билиши билан ажralиб туради. Тошбулоқлик кексаларнинг айтувича, бу қишлоқда ўтмишда «Ёзи билан Зебо»ни биладиган кўп бахшилар бўлган.² Чунончи, Нурматёзи (бундан 40 йилча илгари вафот этган) деган бахши ўтган бўлиб, унинг ўғли Эрмат ҳам «Ёзи билан Зебо»ни куйлаган, шунинг учун уни ҳалқ «Эрмат ёзи» деб атаган.

Шу кичиктошбулоқлик Жўрабой бува ҳам «Ёзи билан Зебо»ни куйлаб юрган, ҳозир эса кексалиги туфайли унутиб юборган

¹ Абдулла қори 1904 йилда туғилган бўлиб, «Ёзи ва Зебо»ни Эргаш ёзичидан ўрганганди. Ўзининг айтувича, у «қуймақулок» бўлгани учун, достонни тезда ёдлаб олган ва ҳозир ҳам тўла билади.

² Тошбулоқликлар Кичик Тошбулоқ билан Катта Тошбулоқ ўртасидаги булоқни (катта йўл бўйида) Ёзи буванинг булоғи, деб атайдилар. Гўёки, Ёзи Тошбулоқка қовун экиб, уни суғориш учун шу ердан ҳозирги булоқни ковлаб сув чиқарган экан.

(хозир у 73 ёшда). Жұрабой буванинг айтувича, Абдухалил сұғи (хозир ҳаёт) ҳам куйлаб юрган. Абдухалил сұғи эса Абдурахмон сұғидан ўрганган. Шу кишлоқлик Ҳожимамат Пирматов эса дистонни ҳаммадан яхши билади, чунки у күймакулоқ. Абдухалил сұғининг айтувича, Кичик Тошбулоқда Йўлдош ёзи деган киши ўтган бўлиб, у «Ёзи билан Зебо»ни жуда кийқириб айтаркан. Каттатошбулоқ ва кичиктошбулоқликлар орасида «Ёзи билан Зебо»ни тўла биладиган бахши топилмади. Улардан Маманазар Исроилов (сувчи бўлиб ишлайди, ҳозир 64 ёшда) дангина дистоннинг қисқача сюжети ва унинг хотирасида қолган ўринлари ёзib олинди.¹

«Ёзи билан Зебо» достонининг қўлимизда мавжуд бўлган Намангандардаги вариантлари орасида, айниқса, янгиқўргонлик Олимбой Сойиббоев, Ҳожиакбар Кўчумов ва Шерзода (Деҳқонбой Баҳромов)лардан ёзив олинган вариантлари тўла ва муқаммаллиги ҳамда характерли хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун достоннинг шу вариантлари устида кўпроқ тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Олимбой Сойиббоев Янгиқўргон туманининг Бирлашган кишлоқ фуқаролар йигинидаги Хўжашўркент кишлоғида 1897 йилда камбағал дехқон оиласида туғилган. Ҳозир у шу кишлоқда яшайди. Олим шоир ўз ҳамқишлоқлари орасида уста «ёзичи» бахши сифатидагина эмас, уста ўланчи шоир сифатида ҳам машҳур. Унинг айтувига қараганда, «Ёзи билан Зебо»ни ўз тоғаси Маҳмудбой Исабой ўғлидан ўрганган. Ўланларни эса ҳамқишлоқ ўланчилардан ва қўшни қирғизистонлик шоирлардан ўрганган.

Ҳожиакбар Кўчумов эса 1899 йилда Янгиқўргон туманининг Бирлашган кишлоқ фуқаролар йигинидаги Бекобод қишлоғида камбағал дехқон оиласида туғилган, жамоа хўжалиги раҳбар ходимларидан бўлиб, ҳосилот, фуқаролар йигинининг раиси ва мироб бўлиб ишлаган, ҳозир эса боғбондир. Ҳожиакбар aka «Ёзи билан Зебо»ни бекободлик Карим оқсоқолдан ўрганган.

¹ Маманазар Исроилов «Ёзи билан Зебо»дан ташқари «Алпомиши»ни ва «Гўрўғли» циклидаги айрим достонларни ҳам билади, аммо уларнинг шеърий кисмини билмайди. Уларни эртакка ўхшатиб айтади, дўмбира чертишни билмайди, бирмунча саводсиз.

Карим оқсоқол Ҳожиакбар аканинг айтувича, «байтнинг (эртакнинг) уяси» ҳам бўлган. Карим оқсоқол эса «Ёзи билан Зебо»ни Мамалатифбойдан ўрганган. Мамалатифбой ҳам бекободлик бўлган. Ҳожиакбар аканинг маълумотига қараганда, Бекободнинг ўзида бир неча авлоддан «ёзичи»лар етишиб чиқкан.

«Ёзи билан Зебо» достонини тўла билувчи ҳалқ шоирларидан яна бири Шерзода (Деҳқонбой Баҳромов) 1903 йилда Янгиқўргон туманининг Ўнҳаят қишлоғида туғилган, саводи бор. У «Ёзи билан Зебо» достонидан ташқари кўпгина ҳалқ эртакларини ва латифаларини ҳам билади.

Шу нарса характерлики, Бекобод ва Хўжашўркентга жуда яқин бўлган қўшни қишлоқларнинг бирортасида ҳам «Ёзи билан Зебо»ни биладиган ҳалқ ижодчиси топилмади. Масалан, шу икки қишлоққа яқин Ғовозон қишлоғида анчагина машҳур достончи Ҳайдар санновчи ва бир неча ўланчи шоирлар яшайди. Ҳайдар санновчи ўндан ортиқ ҳалқ достонларини ва кўпгина ҳалқ эртакларини билади, аммо «Ёзи билан Зебо»ни билмайди. «Ёзи билан Зебо» достонини куйловчи «ёзичи» достончилар эса, Ҳайдар санновчи куйлайдиган «Алномиши», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Юсуф-Аҳмад» каби қаҳрамонлик характеридаги достонларни бутунлай билмайдилар.

Яна бир характерли факт шундан иборатки, «Ёзи билан Зебо»ни куйлайдиган кишилар баланд ва юксак овозга эга бўлишлари, уларнинг овози бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа етиб борадиган даражада бўлиши, ҳалқ ибораси билан айтганда «жуда қийқириб айтадиган» бўлишлари керак. Бундан ташқари, кучли хотирага ҳам эга бўлишлари зарур. Чунки «Ёзи билан Зебо» бошқа ҳалқ достонлари сингари дўмбира ёки бирор мусиқа асбоби жўрлиги остида айтилмайди. Маълумки, мусиқа асбоби ва куй достон куйлашда жуда катта роль ўйнайди, у куйлананаётган достон руҳини, унда олға сурилган гоя ва фикрларни ифодалашда баҳшига катта ёрдам бериш билан бирга, куйлананаётган достоннинг эпизод ва мисраларини изчил равишда хотирага туширишда ҳам баҳшига катта ёрдам беради.

Яна шу нарса характерлики, достонлар ва эртаклар, умуман, ҳалқ ижоди асарлари ишдан кейин, ёзги дала ишлари тугаган

пайтларда, кўпинча киши оқшомларида, тўй-томушаларда, турли йигин-маросимларда ижро этилади. «Ёзи билан Зебо» достони эса Фарғона водийсининг бу достон тарқалган туманларида иш вактида, кўпроқ шоли ўтоғи даврида, кейинчалик эса Катта Фарғона канали ва Шимолий Фарғона канали каби халқ иншоотлари курилишларида ҳам меҳнатни енгиллаштириш мақсадида бевосита меҳнат жараёни давом этаётган даврда ижро этилган.

Филология фанлари номзоди О. Собировнинг кўрсатувича, «Ёзи билан Зебо» достони Қашқадарё ва Сурхондарё томонларида эса, қўш ҳайдаган паллада ёки ғалла ўриш даврида ижро этилган. Бу асарни ижро этувчиларнинг гувоҳлик беришларига қараганда, бир киши отга миниб, бугдой ўраётган ўроқчиларнинг олдига тушиб олади ва баланд овоз билан ҳеч қандай мусиқа асбобисиз маълум бир оҳангда куйлади.¹ «Ёзи билан Зебо» достонининг бундай тарзда ижро этилиши халқ ижоди асарларининг меҳнаткаш халқ ҳаёти билан, унинг ҳатто меҳнат қилиш жараёни билан чамбарчас боғланганини кўрсатади.

Ўзимиз томонимиздан тўпланган ва ёзуб олинган «Ёзи билан Зебо» достонининг вариантлари, шунингдек Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг фольклор сектори архивида сақланаётган «Ёзи билан Зебо» достонининг вариантлари шуни кўрсатадики, «Ёзи билан Зебо» достони маълум бир туманлардагина эмас, балки Ўзбекистоннинг турли жойларида тарқалган. Бу достон кўпроқ Сурхондарё вилоятида, Бухоро ва Андижон вилоятининг айрим туманларида, шунингдек, қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги ўзбеклар яшаб турган ҳудудларда ҳозирга қадар сақланиб қолган [...].

«Ёзи билан Зебо» ўзбек халқининг ишқий достонларидан саналади. Шунинг учун ҳам Ёзи билан Зебонинг бир-бирига чин ва самимий муҳаббати, садоқати ва фидокорликларини ҳикоя қилиш достонда асосий ўринни эгаллади. Достоннинг бизга маълум бўлган ҳамма вариантларида Ёзи камбағал, етим чўпон йигит, тул хотиннинг ўғли сифатида берилади. Ёзининг ёшлиқ ва болалик йиллари мулла Ортиқнинг қўйларини бокиши билан ўтади. Очлик

¹ Собиров О. «Ёзи билан Зебо» достони ҳақида // Ёзи билан Зебо. – Тошкент: «Ёш гвардия» наприёти, 1962. – 5-бет.

ва хору зорлик билан ўсади. Шунга қарамай, Ёзи жуда чиройли, Үнҳаят вариантида кўрсатилганидек, күёшдай гўзал, арслондек кучли йигит бўлиб етишади. Достоннинг ҳамма вариантларида ҳам Ёзининг тиyllа кокил билан туғилган ғоят чиройли йигит эканлиги, аммо онаси кўзикib кетмасин, деб унинг бошига кўй қорнини кийгизиб, Ёзини кал қиёфасига киритиб кўйганлиги айтилади.

Ёзининг Зебога бўлган чинакам меҳр-муҳаббати достонда характерли эпизодлар орқали ажойиб равишда ифодаланган. Ёзи Зебо учун қуриб-қақраб ётган Тошбулоқнинг тошини битталаб териб ташлаб, Сариқ чашма бўйига сув чиқаради ва қовун экади. Қовунни пишириб Зебо ёрига тайёрлаб қўяди ва унинг келишини кутиб турар экан, «Қовун-палагига тушган шудринг сувини икки кун қовун косага қоқиб қўйиб қўйган экан, Зебо ёrim келса, қўлларини ювади деб».¹

Ёзининг Зебога бўлган ҳақиқий ишқ-муҳаббати унинг Зебога айтган қўйидаги юрак сўзлари орқали ҳам моҳирона ифодаланган:

*Дарёning ул юзида кўрдим сизни,
Муҳаббат ишқи билан севдим сизни.
Муҳаббат ишқи билан севмай нетай,
Кичкинамда кўз очиб кўрдим сизни.²*

Ёзи образи орқали кишининг қадру қиммати унинг ҳақиқий инсоний сифатлари ифодаланган. Ёзи чўпон йигит, қашшоқ тул хотиннинг ўғли бўла туриб, бой мулла Ортиқнинг кизи бўлмиш Зебони севгани учун таҳқирланади, унинг бошига йўқчилик туфайли кўп кулфатлар тушади [...].

«Ёзи билан Зебо» достонида Ёзи ҳақиқий ошиқ йигит сифатидагина эмас, балки ақлли ва доно йигит, ажойиб импровизатор шоир-суханбоз йигит сифатида ҳам тасвирланади. Ёзи кўрган-кузатган киши, ҳодиса ва нарсалар ҳақида дарҳол шеър тўқиб юборади: «Ёзи Зебонинг лабидаги анорнинг донасидаи холига караб бир сўз деди:

¹ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Холмирза Худойберганов), 16-бет.

² «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Олим Сойиббоев), 37-бет.

*Кулоч ёздим отгинангнинг ёлига,
Кўзим тушиди лабгинангнинг холига.
Сотар бўлсанг, айтгин холинг баҳосин,
Сотиб олай Бадахишоннинг молига.¹*

Ёки:

*Оқ юзинг, қизил юзингдир беназир,
Икки юзинг мисли олмадай қизил.
Қараб турсам бари ҳуснинг жобажой,
Тишгинанг султону, лабгинанг вазир.²*

Ёзи беозор ва раҳмдил инсон, олиҳиммат киши ва баҳодир йигит сифатида ҳам тасвир этилади: «Олтита йигит... Ёзининг Зебоникига кирганини кўриб: – Энди бу йигит Зебохонни олар экан-да, биз шу ерда туриб қуруқ қолар эканмиз-да, бу йигитни ўлдирмасак, бўлмас экан, деб Ёзининг орқасидан босмачилик қилиб пойлаб келган экан. Улар Ёзи ётган ерга бостириб кириб, Ёзининг устига чиқиб олди. Ёзи ётган ерида: – Йигитлар, бу ҳазилингизми, чинингизми? – деди. Йигитлар айтди: – Сени ўлдириб, Зебохонни олиб кетгани келдик. Ёзи олтита йигитни бир қавзам қилиб босди, ўрнидан турди. Шунда йигитларни бир қўлида босиб туриб, – Ҳеч киши қочиб кутулмайди Ёзининг чангидан (чангалидан), деб уларни қўйиб юборди. Йигитларни отешишга ҳам дармони қолмабди».³

Шундай қилиб, Ёзи образи орқали самимий севги, меҳнатсеварлик, баҳодирлик каби энг яхши инсоний фазилатлар ҳамда дўстлик ғояси олға сурилган. Зебо образи орқали эса аёлларга хос бўлган энг яхши инсоний хислат-фазилатлар куйланади. Зебохон, бошқа достонларимиздаги аёллар сингари, аввало, ғоятда гўзал, тенги йўқ чиройли қиз сифатида тасвир этилади [...]. Зебонинг ҳусни достоннинг бир вариантида: «Ой деса юзи бор, кун деса кўзи бор, тишлари дурдона, қошлиари қалам, кўз-

¹ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Олим Сойиббоев), 35-бет.

² «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Олим Сойиббоев), 32-бет.

³ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Олим Сойиббоев), 49-50-бетлар.

лари эса шамчирокка ўхшайди»¹ деб таърифланади. Достоннинг бошқа бир вариантида эса Зебонинг чиройи муболағавий тарзда: «Зебижонни булбул кўриб, беш минут хушидан кетиб колди: «Одам ҳам шундай чиройли бўладими?»² деб тасвир этилади. Яна бир вариантида эса «Қиз кўп чиройли экан, уни етти қават парда ичида онаси тарбиялар экан»,³ деб таъриф қилинади [...].

Зебо образининг характерли томони шундаки, у садоқатли ва вафодор маъшуқа бўлиш билан бирга, ўз севгиси ва баҳти учун мардона курашувчи жасур қиз образи ҳамдир. У Ёзижоннинг дорга осилиши ҳақидаги шум хабарни эшитар экан, йиглаб-сиктаб, паст толеидан нолиб ўтирмайди. Дарҳол эркак либосини, отасининг чақмоқ телпагини кийиб, саман йўргага миниб, севимли ёрини дордан қутқаргани ўзи жўнайди.⁴ Зебонинг вафодор ва фидокор ёр эканлиги достоннинг Ўнҳаят вариантида яна ҳам кучли ифодаланади. Зебожон отаси таклиф қилган шоҳ Аббосга эрга чиқишига унамагани ва:

*Севганим асли бир ёр, ўзга бир ёр демасман,
Унинг учун бошим қўрбон, яна дилдор демасман.
Ҳар ким топган ўзига, у менга кор демасман,
Ёрим олдимда ҳозир, мен бошқа ёр демасман,*⁵ –

дегани учун уни Ёзи билан бирга чўл-биёбонга ҳайдаб юборадилар. Шунда ҳам Зебо Ёзига бўлган севгисидан воз кечмайди. Ранжу машаққатларни у билан бирга баб-баравар тортишади. Ҳатто шоҳ Аббос бир тул хотин қўли билан Ёзини заҳарлаб ўлдиргач, Зебо ҳам Ёзи ичган заҳар солинган сутни ичиб, ўша куни ўлади ва бу билан ўзининг Ёзига бўлган самимий муҳаббати ҳамда садоқатини намойиш қиласди. Бу жиҳатдан Зебо образи ўзбек халқи яратган Ойбарчин, Интизор, Далли, Холбека каби образларга, шунингдек, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ярат-

¹ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Шерзода), 5-бет.

² «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Холмирза Худойберганов), 5-бет.

³ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Ҳожиакбар Кўчумов), 3-бет

⁴ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Шерзода), 26-28-бетлар.

⁵ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Шерзода), 44-бет.

ган Ширин ва Лайли образларига жуда яқин туради, тұғрироғи, шу ажайиб образлар қаторига киради.

«Ёзи билан Зебо» достони ўз образларининг пухта ва пишик ишланиши билангина эмас, балки бадий содда ва образли тилда ижод этилғанлиги билан ҳам характерлидир. Достоннинг бадий ва образли тилда ижод этилганини, айниқса, унинг назмий қисми мисолида күриш мумкин. Достонда олга сурىлган ғоя ва фикрларни, шунингдек, тасвир этилған ҳаёт ва унинг картиналарини жонли ва образли қилиб тасвир этиб берувчи образлар, уларнинг ички дүнёси ва маънавий қиёфасини, руҳий кечирмаларини, характер ва табиатини конкрет ҳис этадиган даражада ифодаланған. Зебонинг қадди-қомати келишгән гүзәл ва чиройли қиз эканлиги, яъни унинг бадий портрети ҳамда Ёзининг Зебога чексиз ва самимий муҳаббати әпиттөр, үхшатиш ва метафора каби бадий тасвирлаш воситалари орқали образли қилиб шундай моҳирона тасвирлаб берилған:

«Зебожонга Ёзижон мундоқ қараса, Зебожон мунчоқ-мунчоқ терлабдикি, худди қизил гулга шабнам тушгандай бўп турибди. Ёзижон Зебожонга қараб бир сўз деб турибди:

*Қора зулфинг оқ юзингга беназир,
Икки юзинг мисли олмадай қизил.
Қараб турсам бари ҳуснинг жо-бажой,
Тишгинанг – султону, лабгинанг – вазир.⁶*

Достоннинг яна бир бошқа вариантида Зебонинг портрети эртакларга хос традицион бадий тасвирлар воситасида шундай чизилади: Зебонинг «Ой деса юзи бор, кун деса кўзи бор, тишлиари дурдона, қошлари қалам, кўзлари эса шамчироққа үхшайди». Ёзининг бадий портрети орқали унинг гүзәл ва чиройли йигит эканини кўрсатиш билан бирга, ақлли ва доно йигит, мард ва баҳодир йигит эканлиги ҳам ифодалаб берилған: Ёзи «пешонаси кенг, кўллари очик, соchlари қўнгироқ, мисли арслонга үхшайди.⁷ Ёзи билан Зебонинг ажайиб ҳусни-жамоли муболага воситасида

⁶ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Ҳожиакбар Кўчумов), 56-бет.

⁷ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Шерзода), 5-бет.

шундай тасвир этилади: «Бир-бирларига қараб ҳуснларини томоша қилиб ўтиришибди: Уларнинг ҳуснига уй ўн биринчи чирог ёритгандай ёруг бўлиб турибди.¹

Достонда образлар характери ва руҳий ҳолатини кўрсатишида халқ ибораларидан фойдаланиб яратилган бадиий тасвирлаш воситалари ҳам анча топилади. Чунончи, «ўз уйига Абдуллахон келаётганини эшитган мулла Ортиқ тухумлайдиган товуқдай патиллаб жой ҳозирлади.² Онанинг ўғли Ёзига бўлган оташин меҳр-муҳаббати ҳамда у билан фахрланиши ва қувончи қуидаги метафора воситасида жуда яхши ифодаланган: «Онаси Холбуви ўғлининг ҳолини кўриб. – Кўл-қанотим, азиз фарзандим, давлатим ва ҳаётим, яккаю ягонам ўзингсан», – деди.³ Ёзининг Зебони кўролмай ҳижрон азобларини чекиши ҳам метафора орқали жуда яхши чизиб берилган: «Ёзижон... гамгин бўлиб, муҳаббат булоғи жўш уриб, касалланиб қолди».⁴ Достон тилининг образли ва поэтик тил эканлигини кўрсатувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Ёзи билан Зебо» достони ҳам бошқа ўзбек халқ достонлари сингари наср ва назм билан ёзилган бўлиб, унинг, айниқса, назм қисми пухта ва пишиқ ишланган. Достондаги шеърий мисралар ўйноқи ва равонлиги, мусиқийлиги билан ажralиб туради:

Зебожоннинг боги бор, боғбони йўқ,
Зебожоннинг дарди бор, дармони йўқ.
Зебожоннинг богига боғбон бўлай,
Зебожоннинг дардига дармон бўлай.⁵

Ёки:

Бўз кийик қайдо юрап тоз бўлмаса,
Кизил гул қайдо битар боз бўлмаса?
Мард йигит қайдан олур севганини,
Олдида ҳайдайдиган мол бўлмаса.⁶ [...].

¹ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Олим Сойиббоев), 46-бет.

² «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Ҳожиакбар Кўчумов), 40-бет.

³ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Шерзода), 17-бет.

⁴ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Шерзода), 17-бет.

⁵ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Ёкуббой ота), 15-бет.

⁶ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Ёкуббой ота), 19-бет.

Достоннинг шеърий қисми қофияларининг тўқ ва жарангдор бўлиши, мазмундор радифларга бой бўлиши билан ҳам диққатга сазовордирки, буни қуидаги бир-икки банднинг ўзи яқол кўрсатиб беради:

*Бир пари кўрдимки, анвар дейдилар,
Хуснини моҳи мунаввар дейдилар.
Ётиб эдим Тоатиннинг сойида,
Нега ётдинг, ўтди дилбар дейдилар.¹*

Одатда, ўзбек халқ достонларининг назм қисми 7–8 ва 11 ҳижоли бармоқ вазнида тўқилади. «Ёзи билан Зебо» достони назм қисмининг барча мисралари эса 11 ҳижоли бармоқ вазнидагина айтилган бўлиб, 7–8 ҳижоли мисралар эса «Ёзи билан Зебо»нинг Наманган варианatlарида бутунлай учрамайди.²

«Ёзи билан Зебо» достони учун асосий ва етакчи ғоя самимий инсоний севги, севгида садоқат ва фидокорлик, мардлик ва меҳнатсеварликни улуглашdir. Шунинг учун «Ёзи билан Зебо» достони ҳам «Алпомиши», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Кунтуғмиши» ва «Орзигул» достонлари қаторида асрлар давомида халқимиз орасида яшаб келмоқда, унинг кўпгина шеърий бандлари йигит ва қизларимиз томонидан ҳозирги кунларда ҳам халқ қўшиқлари қаторида куйланмоқда. «Ёзи билан Зебо» достони ҳам ижодкор халқимиз томонидан яратилган бой маданий мероснинг бошқа намуналари қаторида ўзининг зўр илмий-маърифий ва тарбиявий қийматини бундан кейин ҳам йўқотмайди, халқимизга маънавий куч бахш этади.³

¹ «Ёзи билан Зебо» (айтувчи Олим Сойиббоев), 30-бет.

² Шерзода оғзидан ёзib олинган Ўнҳаят вариантининг мисралари эса кўпроқ 12 ҳижоли бармоқ вазнида тўқилган.

³ Мақола қуидаги манба асосида чоп этилмоқда: Т. Гозибоев. «Ёзи билан Зебо» достонининг Наманган варианatlари // Наманган давлат педагогика институтининг илмий асарлар тўплами. – Наманган, 1964, 110–121-бетлар.

Fani
ЖАҲОНГИРОВ
(1925–1995)



Фани Аҳрорович Жаҳонгиров 1925 йил 5 февралда Пржевалск шаҳрида туғилган. Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантурасида ўқиган. Ўзбек матбуоти соҳасида хизмат қилган (1946–61). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, Телевидение ва радио эшиитиришлар Давлат қўмитаси раисининг ўринbosари, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи директори-нинг муовини, Ёш томошабнлар театрининг директори, Адабиёт жамгармасининг бошлиги (1961–75), ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг катта илмий ходими (1976–86), Абдулла Қаҳҳор уй-музейининг директори (1986–88). «Ўзбек болалар фольклори» мавзууда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1973). «Болалар эртаклари» (1972), «Ўзбек болалар фольклори» (1975), «Минг бир бола ўйини» (1978) каби китоблари чоп этилган. З жислди «Ўзбек фольклори очерклари» (1988–89) ҳамда ўзбек халқ мақолларининг 2 жислди академик нашрини (1988) тайёрлашда иштирок этган. 1995 йили Тошкентда вафот этган.

БОЛАЛАР ТОПИШМОҚЛАРИ

Топишмоқлар бола тақдирида мухим ўрин тутган, боланинг интеллектуал ўсишида фаол иштирок этадиган, халқ педагоги-

касининг қўшиклар, эртаклар сингари, ўз хусусиятлари билан улардан фарқ қиласидиган поэтик, ақлий машғулотларидан биридир.

Барча хилдаги қомуслар, лугатлар топишмоқларнинг фольклорнинг кенг тарқалган, энг оммавий жанрларидан эканлигини эътироф қиласидилар.

Ўзбек халқи тарихида қадим замонлардан бери топишмоқ бор, бундан 900 йил илгари ёзилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида ҳам топишмоқларнинг маҳаллий қабилалар орасида айтилиб юриши тилга олинади. Девонда топишмоқ «табзуғ» деб аталган¹. Ҳозирда эса топишмоқ сўзининг – тапишмачоқ, топмача, жумбоқ, чўпчак, топар чўпчак, топ-топ чўпчак, чистон, матал, топ-топ матал, муаммо, масала, ушук (шук), лугз² сингари сўзлар билан аталиши, асосан, бир маънода – маълум бир предметнинг, ҳодисанинг белгиси, сифатлари ва хусусиятларини иккинчи бир нарсага ишора, рамз орқали ўхшатилиши ва уни топиш, ечиб бериш маъноларини англатади. Одатда топишмоқ, жумбоқ терминлари – ўзбек халқ оғзаки ижодиётида, чистон, муаммо, мувашшаҳ деб аталиши эса ёзма адабиётда, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётида қўлланиб келинади.

Ўзбек халқининг топишмоқлари шу халқнинг қадимий маданияти, тили, тарихи ва этнографиясини, кишиларнинг ўша даврдаги диди, дунёқарашларини ўзида акс эттирадилар. Топишмоқ айтишнинг қадимдан борлиги, халқнинг севимили машғулотларидан бири эканлиги сон-саноқсиз эртакларда, қизларнинг йигитларга, шоҳларнинг чўпонларга топишмоқ айтиб жавоб кутишларида ҳам кўриниб туради. Халқимизнинг қаҳрамонлик ва ишқий-романтик достонларида ҳам қаҳрамонлар топишмоқларга жавоб топиш билан, жумбоқларни ечиш билан мурод-мақсадларига етишадилар.

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Уч томлик. 1-том. – Тошкент, 1960. 429-бет.

² Ҳусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент, 1966; Ҳотамов Н.Т. Адабиётшуносликдан қискача русча-ўзбекча терминологик лугат. – Тошкент, 1969. Адабиётшунослик терминлари лугати. Н. М. Маллаев таҳрири остида. – Тошкент, 1967.

Топишмоқлар кишилар, ейимлик – овқатлар, кийим-кечаклар, тураржойлар, уй-рўзгор ашёлари, қушлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, Ер, Ой, Күёш ва юлдузлар, ёргулар ва қоронгулик, иссиқлик ва совуқлик, кишиларнинг хунармандчилиги, табиат ҳодисалари ва бошқа турли хил ҳодисалар ҳақида бўлади. Топишмоқларда кишиларни қуршаб турган олам доимо ривожда, ҳаракатида бутун ранг-баранглиги билан намоён бўлади. Болалар топишмоқларни топишда қатнашар экан, ўзини қуршаб турган оламни кузатишга, табиат ҳодисаларини билиб олишга, уларга бўлган ўз муносабатини билдиришга ўрганадилар. Топишмоқни топиш боладан анчагина билим талаб қиласди. У буни қўпчилик билан, топишмоқнинг иккинчи қисмини – давомини ташкил қилган – жавобини топиш жараёнида ҳосил қиласди. Топишмоқлар бола хотирасини мустаҳкамланишида, боланинг дидини ўстиришда, завқлантиришда муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир яратган топишмоқларни шу ҳалқнинг урф-одатларини, у яшаган географик шароитларни, байрам ва маросимларини, иш куроллари ва уларга муносабатларини, тили, эртакларини, поэзияси ва мақолларини билмай туриб тушуниш қийин. Топишмоқлар шакли ихчам, мазмунан теран, поэтик жиҳатдан гўзал бўладилар.

Ўзбек топишмоқчилигини ўрганиш учун қадим шарқ топишмоқчилигини, ақалли Осиё ва Европа топишмоқчилиги мактабларини яхши билмоқ керак. Қарийб юз эллик йиллик тарихий тажрибага эга бўлган рус фольклоршуносларининг илмий хуносалари бизга қимматли методологик ва назарий мактаб ҳисобланади. Рус болалар фольклорини ўрганувчилардан Г. С. Виноградов болалар топишмоқларини ёзиб олишнинг аҳамиятини, айниқса, топишмоқларнинг сўз ўйинларига асосланган жавобларини ҳам ёзиб олиш зарурлигини уқтиради. О. И. Кашица топишмоқлар болаларга катталардан ўтади, деган эди. У топишмоқларга юксак баҳо бериб: «Топишмоқларнинг мазмунни жуда катта кўламдаги ҳам моддий, ҳам маънавий дунёни ўз ичига қамраб олади»¹, дейди.

Ўзбек ҳалқининг топишмоқларини тўплаш ишлари ўтган асрнинг охирларида бошланган. Биринчи ўзбек фольклористлари –

¹ Капица О. П. Детский фольклор. – Л., 1928. с. 170–172.

Ғози Олим, Ҳоди Зарифовлар ўзбек халқ қўшиқлари, маколлари, эртаклари, достонлари қатори халқ топишмоқларини ҳам тўплашда, нашр қилдиришда раҳбарлик қилдилар. Кейинги йилларда бир неча топишмоқлар тўпламлари нашр қилинди. Бу ишда Ҳоди Зариф, Н. Розмуҳамедов, Ӯ. Холматов ва бошқа олимларнинг ишлари дикқатга сазовордир. Топишмоқлар газета ва журналларда тез-тез босилиб турибди.

Фольклорист, филология фанлари номзоди Зубайдада Ҳусаинова ўзининг ўзбек халқ топишмоқларининг асосий хусусиятлари ва манбалари соҳасидаги қимматли илмий ишида ва «Ўзбек топишмоқлари» номли китобида топишмоқларнинг тарихий тақдири, унинг турли баҳрларини чуқур назарий тадқиқотлар асосида очиб беради, топишмоқларни ўрганиш юзасидан қимматли методологик хulosалар чиқаради. Тадқиқотчи топишмоқларнинг асосий хусусиятларини куйидагича белгилайди:

- баъзи бир топишмоқлар бир неча предметларни ўз ичига олади. Масалан, «Узун терак, ичи ковак» дейилганда кишилар қамиш, милтиқ, мўри деб тушунишлари мумкин;
- айрим топишмоқлар бирлашиб бир предметли ёки кўп предметли бир бутун топишмоқ ҳосил қиласди. Бунга соя ҳақидаги топишмоқлар мисол бўла олади;
- баъзан битта топишмоқقا бирлашиб бир неча топишмоқ берилиши мумкин;
- фақат сўроқдан иборат топишмоқлар ҳам бор: «Дунёда тўртта нарса йўқ?» ва ҳоказо;
- баъзан топишмоқдаги сўроқ унинг обьекти тилидан айтилади.
- топишмоқнинг сўроқ-жавобли – диалог шаклида тузилган хили ҳам бор. Одатда, буларнинг жавоблари ҳам шу формада айтилади;
- саноқ сонлар предметларнинг нормалари билан қўшилиб жумбоқланган топишмоқлар ҳам бор: «Бирим – билак, икким – элак...» каби;
- ниҳоят айрим топишмоқлар сонлари ҳисоблаш асосида тузилган бўлади. Бунга – «Бир тўда ғоз...» топишмоғи мисол келтирилади.

Бу қонуниятлар, умуман, ҳамма топишмоқларга хос. Биз бундан болаларнинг савиясига қараб, соддалиқдан аста-секин мурракабликка чиқиш, кичик-кичик, эсда олиб қолиш осон бўлган топишмоқларни, кам элементли топишмоқларни болаларга гақдим қилиш тарафдоримиз. Бунинг устига, топишмоқ бола на-зарида ўйин, бас шундай экан, ўйинга хос барча ритуалларга риоя қилиши, эртак олди, эртак охири сўзларга ўхшаш топишмоқларни ҳам алоҳида темпда, «сирли» қилиб, болаларнинг фикрини бир жойга тўплаб туриб айтиш керак. Бу қоидалар ичida, илгарила-ри тополмаган болаларнинг «шаҳар бериши» одатлари ҳам бор эди. Бу ибора, албатта, болаларга катталардан ўтган эди. Ҳозир унинг аҳамияти йўқолиб бормоқда. Аммо унинг ўрнини боса-диган, топишмоқ топувчини рағбатлантирадиган, тополмаганни «жазолайдиган» критериялар бизнинг вақтимизда турмушга ки-риб келмоқда. Бу кўпинча ўйин бошкарувчининг «ихтироси»га, «топогонлиги»га қараб бўлади.

Иккинчи бир аҳамият берилиши керак бўлган масала, то-пишмоқларнинг мавзуидир. Турган гап, халқларнинг яшаш шароитлари, уларнинг кун кечириш йўсинлари топишмоқлар-нинг тематикасига замин бўлиб келган эди. Рус халқларининг топишмоқларида кўпинча улар яшаб турган жойлардаги дарёлар, рус ўрмонлари, ўрмон ҳайвонлари ўз аксини топган. Ўрта Осиё, жумладан, ўзбек халқининг топишмоқларида эса шу халқларнинг касб-кори билан боғлиқ бўлган машгулотлар, улар етиштирган зироатлар, уларнинг ишлаб чиқариш қуроллари, уй ҳайвонлари, иссиқ юртларга хос паррандалар тез-тез учраб туради. Масалан, ўзбек халқининг асосий касби – пахтачилик билан bogланган ўнлаб топишмоқлар бор. Улар турли даврларда бир мавзу-нинг ўзига бир неча хил қарашлар ифодаланган топишмоқлар бўлиб жумбоқланганлар. Мисол тариқасида пахта ҳақидаги топишмоқлардан атиги иккитасини келтирамиз:

1. Чин қушим, чинни қушим,
Чин дарахтга қўнди қушим.
Оёғига ҳасса қўйиб –
Томошани қилди қушим.

2. Оқ гулим – оппоқ гулим,
Ушлаб қўрсам, юмишоқ гулим.
Терив хирмон қилган эдим,
Бўлиб кетди тог-тоз гулим.

Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори, узоқ замонлардан бери экиб ундириб келаётган техника экини. Пахтанинг толаси – кийим, чигити – ёғ, ғўзапояси ўтин бўлган. Бироқ, пахтачилик илмий асосларда олиб борилганда – поялари ингичка, говлаб кетган, шоҳларида битта-яримта кичик кўсаклар илиниб турган ўсимлик кўз олдига келарди. Биринчи мисолдаги пахта тафсилоти ўша – қашшоқ тушунчани ифодалайди. Иккинчи мисол эса, ўзбеклар диёрида пахтадан рекорд ҳосил етиширилиб, пахтакорларимизнинг номи-шуҳрати дунёга ёйилган замонларда юзага келган. Унда пахта ўсимлигини таърифлашга энг илиқ сўзлар ишлатилиган, унинг ҳосили ҳам тоғлар билан таққосланган. Кўриниб турибдики, замон, муҳит талаби билан топишмоқлар ҳам тез-тез ўзгариб туради, янги давр кишиларининг қарашини, нуқтаи назарини ифодалайди. Айни вақтда ўтган замон топишмоқлари янги замон талабига, дидига жавоб бера олмаган тақдирда шафқатсиз инкор қилинади.

Бу фактни кўз олдига келтириш учун икки тўпламни қўлга олдик. Бири – 1929 йилда нашр қилинган Исмоил Орифий тўплаган «Ўзбек топишмоқлари» тўплами. Уларнинг жавоби мана бундай: маймун, қўл дўқонининг мокиси, чарх дугининг тўлиши, элак, ун, сичқоннинг ини, чиғириқ, чигит, сумалак, тарнов, хум, тандир, кўприқ, курбақа, ток, токнинг барги, чучвара, пичноқ чини, эгар, чилим, қалампир, нонпар, пакки, устара, ловия, ғалвир, ўргамчи, тўқима қўл дўқони (дастгоҳ), маҳси, хўқиз шохи, нўхат, пахтанинг чигит билан чиққани, чодир, соя, сув тегирмони, куви, ерни ҳайдайдиган тиш, кора майиз, кўпкари, сандали, кўкнор, ўра, аzon айтган домла, ангишвона, кишан, нағал мих...

Иккинчи китобнинг тузувчиси Зубайда Ҳусайнова бўлиб, ундаги 42 топишмоқнинг жавоби шундай бўлган: пахта терадиган машина, анор, чумоли, тарвуз, ари, лавлаги, типратикан, эчки, лайлак, қўй, ит, арча, тухум, самовар, қозон-товоқ, игна, ип, элак, кулф, нарвон, ёзув, соат, дутор... Бу китобнинг анчагина долзарб мавзулар асосига қурилганлиги кўриниб турибди.

Ҳар иккала китоб – икки даврнинг кўзгусидек жамиятдаги кишилар турмуши ва онгининг ўсишидаги ўзгаришларни топишмоқ доирасида бўлса ҳам, акс эттирган. Фақат мазмунда эмас, ҳатто форма жиҳатдан ҳам бундай ўзгаришларни кузади.

тиш мумкин, гарчи – элак, пахта, сув, тухум, ғалвир, соя, йўл ҳақидаги топишмоқларнинг тематик ўхшашлиги бўлса ҳам, уларнинг жумбоқланиш формаларида фарқ бор, икки хил замонда бир предметга икки хил таъриф берилган. Масалан, элакни қадимдан: Тап-тап этар, тагидан карвон ўтар, дейилган бўлса, янги китобда: Бир ўзи, бир ўзида минг кўзи, дейилган варианти келтирилади. Бугунги болага кейинги вариантни айтиш педагогик нуқтаи назардан тўғри бўлади.

Фақат бадиий жиҳатдан юксак, фикран теран, савия жиҳатдан ўз кучини сақлаб қолган топишмоқларгина кишилар оғзида айтилаверади: «Қозиқ устида қор турмас», «Зар гилам, зар-зар гилам, кўтарай десам, огир гилам» топишмоқлари ана шундай классик мисоллардир. Бундай топишмоқлар ҳозиргача ўқиши китобларида, турли тўпламлар шаклида, суратлар билан безатилиб босилиб турибди. Аммо атиги ўн йил илгари айтилиб юрган, лекин келиб чиқиши жиҳатидан неча юз йилликларнинг гувоҳи бўлган топишмоқлар энди эскириб қолганини И. Орифийнинг китоби мисолида ҳозиргина тилга олдик. Негаки, у топишмоқларнинг обьекти бўлган турмушдаги кўп предметларнинг ўзлари кишиларнинг уйидан, ҳозирги шаҳар ва қишлоқлардан чиқиб кетдилар. Масалан, чилим, жинчирок, чарх дугиси, тўқима кўл дўкони, сандали, кўкнор, ўра, азон айтган домла, кавш, кишанларнинг нималигини бутунги болалар билмайди. Бунинг устига аввалги топишмоқларнинг жумбоқланиш усули, танланган сўзларнинг архаикилиги, ўхшатиш, истиоралар, мажозий иборалар ҳозирги кишиларнинг, хусусан, болаларнинг дидига тўғри келмайди. Аксинча, улоктириб юборилган предметлар, машғулотлар ўрнини турмушимизни безатиб кириб келаётган фан ва техника янгиликлари – электр лампочка, китоб, радио, телевизор, автомашина, поезд, самолёт, спутниклар эгалламоқда.

Масалан, ҳозирда шаҳар болаларини ҳам, қишлоқ болаларини ҳам қизиқтираётган ишлаб чиқариш қуроллари ҳақида топишмоқлар бор:

*Юрап текис эгатдан,
Бармоқлари пўлатдан.*

*Елкасида қопи бор,
Катта темир саватдан.*

(Пахта терии машинаси)

*Қат-қат қатлама,
Ақлинг бўлса ташлама.*

(Китоб)

*Оқ ер очдим,
Қора бугдой сочдим.*

(Китоб)

Бу каби топишмоқлар факат мавзу жиҳатдан ва поэтик гўзалиқдангина эмас, балки булар ҳақидаги халқнинг кўп узок даврдан бери маълум бўлған анъанавий фалсафаси асосида жумбоқлангани билан ҳам қимматлидир. Қарайлик-а: терим машинаси – отга ўхшатилади. От эса халқ таъбирида қадимдан кишининг яқин ёрдамчиси, дўсти («от – мурод» мақолини ёки афсонавий Гўрўғлиниң Гироти таърифини эслаш кифоя), китоблар эса бир ўринда – қатламага, иккинчи ўринда – буғдойга нисбат берилади. Булар – нон, озуқа, кишиларнинг тириклиги эса нон билан. Демак, китоб маънавий озуқа, халқ таъбирида китоб нон даражасида. Бунинг тарбиявий жиҳатдан аҳамияти жуда буюkdir.

Топишмоқлар ҳам болалар ўйинининг бир тури ҳисобланади.

Бола ҳаётида тарбиясида иштирок этадиган барча машғулотлар, турмуш талаби ва болалар тарбияси учун зарур барча ўйинлар ўзининг ҳамма ранг-баранглиги билан бугунги мактаб дарслкларига киритилиши, бугунги ўқувчига етказилиши, уларни ҳам ақлий, ҳам жисмоний машғул қила олиши керак. Ўзбек болалар ўйинларининг бир тури бўлған топишмоқлар ҳам ана шу талабларнинг ҳаммасига жавоб бера оладиган болалар фольклорининг алоҳида бир қисмидир. Унинг репертуари қанчалик кенгайиб, кўпайиб борса, шунчалик замоннинг акс-садоси сифатида ҳам форма, ҳам мазмун жиҳатидан тобора янгиланиб туради ва бугунги куннинг вазифаларига хизмат қиласи.¹

¹ Ушбу мақола қўйидаги манбадан олинди: Ф. Жаҳонгиров. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975.

*Мемир
Очилов
(1928–1983)*



Мемир Очилов 1928 йил Самарқанд вилояти Булунгур тумани Лойка қишлоғида туғилған. Самарқанд педагогика билим юртида (1947–51), Ўзбек давлат университети (ҳозирги Самарқанд давлат университети)нинг филология факультетидаги (1951–56), ЎзРФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида (1960–63) ўқиган. Самарқанд вилоятининг Булунгур туманидаги 5-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган (1956–58). ЎзРФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим (1958–61), Кўқон давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиши методикаси кафедрасининг доценти (1963–68), Самарқанд давлат педагогика институти доценти (1971–83) вазифаларида ишлаган. «Маматкарим полвон» достонининг тарихий асослари» мавзууда номзодлик диссертациясини ёқлаган (1965). «Фольклор практикасидан методик тавсиялар» (1981 й. ҳамк.) номли қўлланмаси нашр этилган. 1983 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган.

«МАМАТКАРИМ ПОЛВОН» ДОСТОНИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

«Маматкарим полвон» тарихий достон бўлиб, ўзбек халқ достончилигига янги ижодий бир босқичнинг бошланишидир. Тарихий достон намуналари ўзбек фольклорида узоқ асрлар-

дан бери яшаб келмоқда. Улардан «Эдига» ёки «Тулумбий» (XV аср), «Шайбонийхон» (XVI аср), «Тўлғоной», «Назар ва Оқбўтабек», «Музофархон» (XIX аср) каби бир қанча намуналар жонли оғзаки анъанада бизнинг давримизгача етиб келган. XX аср бошларида машҳур Намоз ўғрининг хатти-ҳаракатлари, унинг чор ҳукумати, бой ва амалдорларга қарши исёнкорона ўч олиш кайфиятлари тасвирланган кўшиқларнинг ҳам бир кисми маълум. Аммо «Маматкарим полвон» достони ўзининг темаси билан эмас, балки конкрет тарихий шароитда ижтимоий юксалиш ва озодлик учун курашнинг моҳиятини меҳнаткаш халқ омаси манфаати нуқтаи назаридан куйлаган асар бўлганлиги билан ҳам характерлидир.

Шу сабабли бу асарнинг тарихий асосларини текшириш философлар, тарихчилар, адабиётшунослар ва фольклористлар учун катта аҳамиятга эга. Бу бир томондан, умуман эпос проблемасини атрофлича ҳал қилишга ёрдам берса, иккинчидан, тарихий мазмундаги достонларнинг тарихий илдизларини очишга имкон туғдиради.

Тарихий мазмундаги достонларнинг характерли ҳусусиятларидан бири шундаки, уларнинг темаси образлари, ташиган ғоялари конкрет тарихий шароитдаги курашлар билан боғлиқ. Гарчи бу тур асарларда ҳам бош қаҳрамон образини идеаллаштириш тенденцияси мавжуд бўлса-да, бу ҳол қаҳрамонлик ва ишқий-романик достонларда бўлганидек, идеализация дараҷасига кўтарилимайди, балки ўз даврининг илғор бир курашчиси сифатида барча ижобий ва салбий томонлари билан намоён бўлади. «Маматкарим полвон» достонида ҳам айни ҳол, айни ижодий процесс яққол кўзга ташланади. Бироқ, бу асар ўтмишдаги тарихий достонлардан принципиал фарқ қиласди. Асосий фарқ замонасининг ғоятда муҳим, кишиликни қулликдан, ҳақсизлик ва адолатсизликдан қутқазиш йўлидаги барча кураш ва тажрибалиарининг эиг яхши томонларини янги тарихий шароитда ўсиб келаётган ижтимоий ва сиёсий онг доирасида талқин этишда курашchan туйгуларнинг куртакларини бир даражада сеза билган ҳолда ўз даврининг илғор тенденциясини ташувчи курашчи образини яратишга интилишдадир.

Ҳаётда ҳам, Фозил Йўлдош ўғлиниң «Маматкарим полвон» достонида ҳам Маматкарим халққа карши ёки авлиёлар типидаги мўъжизали бир киши эмас, балки оддий халқнинг манфаатини ҳимоя қиласиган, ўз давридаги олижаноб бир шахсdir.

«Маматкарим полвон» достони 1937 йилда М. Зарифов томонидан ёзib олинди, уни оммалаштириш ва ўрганиш ишлари 1941 йилдан кейингина бошланди. Бунда Ҳ. Т. Зарифовнинг хизматлари каттадир¹.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, текширувчилар ўртасида «Маматкарим полвон» достонининг яратилиш тарихи ҳақида турлича мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, Ҳ. Т. Зарифов «1916 йил қўзғолони Фозилга кучли таъсир этган эди. Меҳнаткаш халқнинг ҳақиқат талаби бўлган бу қўзғолонга Фозил шоир қатнашмай туролмас эди. Меҳнаткаш халқнинг бу қўзғолонини олқишлиб «Маматкарим полвон» ҳам «Жиззах қўзғолони» номи остида муҳим тарихий икки достон яратиб, халқ ўртасида қуйлаб юрди», – деб ёзади². Тожибой Фозибоев эса, «Маматкарим полвон» достони 1914–1915 йилларда ижод этилган дейди ва далил учун 1949 йили Самарқанд вилоят Булунғур туманига бориб, унда Фозил шоирнинг ва айрим қишлоқ кексаларининг айтган сўзларига суюнади³. Фольклорист Жуманиёз Қобулниёзов ўзининг 1959 йилда чиқсан «Шўро даврида ўзбек халқ поэтик ижоди» ва 1969 йилда нашр этилган «Ўзбек фольклорининг ривожланиш йўллари» деган монографияларида достонни янги давр халқ ижоди сифатида қарайди. Бизнингча, «Маматкарим полвон» достони то ёзib олинган вақтга қадар шоир томонидан ишланган ва унинг бўш жойлари ҳаёт материаллари билан тўлдириб борилган, оғзаки ижро ва ижод процессида давр, шароит эътибори билан у ёки бу даражада айрим ўзгаришлар киритила борган. Ҳудди шунингдек, достоннинг энг сўнгги бетларида «ўзгариш бошланиб» Маматкарим полвон

¹ Каранг: «Ўзбек фольклори» (хрестоматия) 2-китоб. Тузувчи Ҳоди Зариф. – Тошкент, 1941. – 35–44-бетлар. Сунгти нашри: Дастагул, кўп томлик. – Тошкент, 1965. – 17–56-бетлар.

² Ўзбек фольклори. 2-китоб. – Тошкент, 1941, 149-бет.

³ Фозибоев Т., Фозил Йўлдош ўғлиниң шўро давридаги ижоди. – Тошкент, 1955, 41-бет.

ҳақидаги ишларнинг «жой-жойида қолиб» кетганилиги шоир томонидан кейинги вақтларда киритилган бўлиши мумкин. «Маматкарим полвон» достони илгари ижод этилган бўлса ҳам, уни автор оғзидан Маҳмуд Зарифов 1937 йилда ёзиб олган.

«Маматкарим полвон» достони Т. Фозибоев ўз ишида тўғри қайд қилганидек, 1914–1915 йилларда, яъни тарихий шахс Муҳаммадкарим полвон ҳақидаги воқеа ва ҳодисалар шоир тасаввурида тўлиқ ҳосил бўлгандан кейингина яратилган. Фозил Йўлдош ўғли ўзининг «Маматкарим полвон» достонини 1914 йилдан илгари яратиши мумкин эмас эди. Чунки асар қаҳрамони Муҳаммадкарим полвон, амакиси Усмон қози Исмоилов ва тоғаси Аҳмад мингбоши Пирмуҳаммедов томонидан 1914 йил кўклам пайти отиб ўлдирилган. Жомбойлик Муҳаммадкарим полвоннинг фожиали ўлимидан кейин Фозил шоир ўзи кўрган, билган воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириб, 1914–1915 йилларда ўзининг «Маматкарим полвон» достонини яратган бўлиши ҳақиқатга анча яқиндир. Чунки достонда шу йилларга қадар халқимиз ҳаётида рўй берган воқеа ва ҳодисалар тасвирланади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Маматкарим полвон сингари маҳаллий меҳнаткаш халқимиз орасидан чиқсан курашчилар, полвонлар учраб турад эди. Фозил шоир ўзининг достонида ана шу курашчи полвонларнинг типик образини жомбойлик Маматкарим полвон сиймосида яратади. Бизнинг аниқлашимизга кўра, Фозил шоирнинг устози ва қайнотаси Йўлдош шоирнинг олтита қизи бўлиб, унинг ўртанча қизи Улжон Жомбой туман, Куюнчи қишлоқлик Дўстмамат деган мол жаллобга турмушга чиқади. Фозил Йўлдош ўғли ёшлигига қайинсинглиси Улжоннинг уйига бир неча марта бориб турган. Маматкарим полвоннинг энг яқин дўсти Суяр кўр ва достонда тасвир этилган қишлоқ бойларидан Эшмаматбой ҳам ана шу Куюнчи қишлоғидан бўлган. Маматкарим полвон Суяр кўр ўртоғи билан Куюнчи қишлоғига келиб, Фозил шоирнинг кўшиқларини ва достонларини мароқ билан тинглаган. Кейин шоирнинг ўзи ҳам Маматкарим полвоннинг чойхона ва бозорларда қилган хатти-ҳаракатларини ва достонга боис

бўлган ҳодисаларни шахсан кузатиб юриши натижасида кўп маълумотлар тўплаган. Натижада янги достон учун типик воқеалар, қаҳрамон ва персонажлар топилади. Замонасиининг муҳим ижтимоий ва сиёсий масалалари Фозил шоир қалбини тўлқинлантиргандан кейингина у ўзининг «Маматкарим полвон» достонини яратган.

Достонда тасвир этилган воқеа ва ҳодисалар ана шу воқеа ва ҳодисалар содир бўлган жуғрофий ҳам ҳақиқий ҳаётда мавжуд бўлиб, асарда иштирок этган асосий персонажлар ҳам шоирнинг ҳаётда кўрган-билган одамлари бўлган. Қишлоқ кексаларининг эсадаликлари буни тўлиқ тасдиқлайди. Шоир ўз асарида Маматкарим полвоннинг саргузаштларини материал қилиб олиш билан бирга асарнинг номини ҳам қаҳрамоннинг номи билан атаган. «Маматкарим полвон уруғи қўнғирот бўлиб, Жомбойда, Бекат қишлоғида туғилган эди»¹, – деб унинг туғилган жойи, ҳатто ўзбекнинг қайси уруғига мансублигини ҳам аниқ кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам, Муҳаммадкарим полвон Абдураҳим ўғли Самарқанд вилоят Жомбой тумани Жомбайтепа (кейинги номи Бекат) қишлоғида меҳнаткаш дехқон оиласида туғилган. 1958 йил Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор экспедицияси даврида Ҳ. Т. Зарифов Жомбой туманинига бориб, Маматкарим полвоннинг қабрини топди ва қабр тошидаги ёзувни ўқиб, уни 1332 (1913–1914) йилда вафот этганлигини аниқлади. Биз Самарқанд вилоят Жомбой туманинига бориб, Муҳаммадкарим полвоннинг қариндошлари ва уни яхши билган қишлоқ кексаларидан шуни аниқладикки, кўklам пайти отиб ўлдирилган. Бу вақтда полвон 38 ёшда бўлган, Ана шу аниқ маълумотларга кўра, полвоннинг отилган йили 1914 йил кўklамида бўлиб, туғилган йили эса 1876 йилга тўти келади. Муҳаммадкарим полвонга хоинона террор уюштирганлар унинг ўз амакиси Усмон қози Исмоилов ва тогаси Аҳмад мингбоши Пирмуҳаммедов бўлган. Ана шу хоин қариндошлари томонидан ёлланган Пирдон қишлоқлик Йўляхши, жомбайтепалик Муҳаммадсадик ва Абдулла тентаклар Жомбой бозоридан кечаси қайтиб келаётганда полвонни ваҳшийларча отиб ўлдири-

¹ Дастагул, 19-бет.

ганлар. Буни полвоннинг ҳамқишлоғи, кекса пенсионер Мирзахўжа Ўринхўжаев¹ ва қишлоқ кексалари тўла тасдиқлайди.

Маматкарим полвоннинг хоинлар қўлида курбон бўлиши достонда ҳам ўзининг реал ифодасини топган. Унда тасвиirlанишича, Маматкарим полвон Жомбойдан уйига қайтиб келаётган вақтида амакиси Усмон қози ва тогаси Аҳмад мингбоши томонидан ёлланган сотқин Абдулла тентак ва яна уч киши томонидан отиб ўлдирилган Маматкарим халойикқа сўз айтди:

*Эл ётар – хуфтонда Жомбойдан қайтди,
Бегам, яёв келаётган йўлида,
Тўрттово ҳам милтигини тиклатди,
Шу замонда милтигини бўшатди.
Яшиндай бўп ўқи Полвонга етди,
Ўқи бу Полвондан туйраб ўтди.
Армон билан энди йўлда йиқитди,
Хеч кимга қўринмай отган кишилар,
Булар ўз мазгилига қараб кетди².*

Қишлоқ кексаларининг айтишига кўра, Муҳаммадкарим полвон чиройли, бети қип-қизил, буғдорранг, қўзлари катта, соқол мўйлови қириқ, чорпанжা, зўр билак, кучли киши бўлган. Полвоннинг кучлилиги Самарқанд қамоқхонасида бўлган воқеалардан ҳам очик-ойдин қўринади. Усмон қозининг маслаҳати билан полвон устидан катта жиноятнома ёзилиб, Самарқанд ҳокимиға жўнатилади. Самарқанд ҳокими буйруғи билан ўн нафар қуролли солдат уни Сиёбда қўлга тушириб, Самарқанд қамоқхонасига қамайдилар. Шу куни гуноҳсиз қамалгандардан бир гурухи қамоқхонани тешиб кочган. Полиция бошликлари бу кишиларни Муҳаммадкарим полвон қочирган, деб унга даъво қиласидилар, топиб беришни талаб этадилар, акс ҳолда, отамиз, деб уни қўрқитмоқчи бўладилар. Бундай тухматлардан газабланган полвон қамоқхонанинг темир панжарасини қўли билан қайириб ташлайди. Жомбой ва Булунғур туманларидағи қўпчилик қишлоқ кексаларининг берган маълумотига қараганда,

¹ Уринхўжаев М., Унутилмас кунлар. – Тошкент, 1961.

² Дастангул, 56-бет.

Мұхаммадкарим полвоннинг қайирған темир панжараси Самарқанд қамоқхонасининг бириңчи корпус, үттиз иккінчи камерасида бұлғанки, у кейинги вақтларгача сақланған.

Уста достончи Фозил Йұлдош үғли ҳам ўзининг «Маматкарим полвон» достонида Маматкарим полвоннинг «Уч кун мингбошининг ҳукми, беш кун приставнинг ҳукми, етти кун ҳокимнинг ҳукми, ҳаммаси йиғилиб, ўн беш кун»¹ Самарқанд қамоқхонасига қамалғанligини айтиш билан бирга, унинг полвонлигини, кучлилигини ҳам тасвиrlар экан: «Тегирмон тошини бир құли билан күтариб турарди»², – дейди. Бу эса традициои халқ достонлари учун характерли бұлған эпик идеализация әмас, балки Мұхаммадкарим ҳаётида бўлиб ўтган реал воқеа ва ҳодисаларнинг достонда тұғри ва ҳаққоний равища акс этишидир. Кексаларнинг айтишига құра, ҳақиқатдан ҳам, Мұхаммадкарим ҳеч бир кишининг ёрдамисиз тегирмон тошини әски Жомбайдан Бекатта ёлғиз ўзи олиб келиб ташлаган. Бу эса халқ ўртасида гап бўлиб юрган. Фозил шоир эса бу ҳаётий детали қайта ишлаб, асар қаҳрамонининг биографиясига киритган.

Ўзбекистон Марказий давлат тарихий архиви материалларининг кўрсатишича, маҳаллий амалдорлар Мұхаммадкарим полвон сургундан ўз муддатини ўтаб қайтиб келгандан кейин ҳам уни хавфли киши сифатида Самарқанд қамоқхонасида сақлаганлар, ҳатто ҳол-аҳвол сўраш учун борган ошна-оғайниларига ҳам кўрсатмаганлар. Шундан кейин унинг онаси Хонбиби Пирмуҳаммедова Самарқанд ўлка судининг прокурорига ариза бериб, ўз ўғлини бўшатиб юборишни, ҳеч бўлмаганда вақтингча бўшатиб беришни талаб қилади³.

Фозил Йұлдош үғли ҳам Мұхаммадкарим полвон ҳаётида бўлиб ўтган аниқ фактларни ўз ижодий лабораториясида қайта ишлаб, достоннинг сюжетига киритган. Унинг тасдиқлашига қўра, Жомбойнинг Куюнчи қишлоғидан бўлған Эшмаматбой Маматкаримни йўлда учратиб, унга «насиҳат» қўлмоқчи бўлади, найранг ва алдаш йўли билан уни қўлга олишга ҳаракат қилади. Шу

¹ Дастагул, 32-бет.

² Дастагул, 19-бет.

³ Карапнг: ЦГИА УзССР, ф. 131, оп. 1, дело 1340, л. 21.

мақсадда Маматкарим полвонга пул, мол-дунё, ҳаттоки, миниб юриш учун битта от ҳам беришга ваъда қилиб, хусусан, ўз манфаати учун хизмат килдирмокчи бўлади.

Фозил Йўлдош ўғлиниң «Маматкарим полвон» достонида тасвирланган маҳаллий амалдорлардан Туятортар мингбошиси Мулла Рўзи Эрназарбоев ҳақида Ўзбекистон Марказий давлат тарихий архивида ҳам айрим материаллар сақланмоқдаки, уларда ҳам Мулла Рўзи Эрназарбоевнинг ўз мансабидан фойдаланиб, меҳнаткаш халқнинг устига оғир солиқлар солганлиги, ўз кўл остидаги маҳаллий меҳнаткаш халқдан турли хил йўллар билан пора олиб, уни ўз фойдасига ишлатиб юборганлиги тасдиқланади¹ [...].

Достонда тасвир этилишича, Аҳмад мингбоши ва унинг йигитлари дам олиш кунларининг бирида бозорга келган бева-бечораларнинг бор нарсасини тортиб олади. Шу вақтда Маматкарим полвон Суяр кўр ўртоғи билан иккита чўбирни миниб, Жомбой бозорига тушади. Маматкарим полвоннинг бозорга келганлигини билган мингбоши ва унинг йигитлари боғловли кишиларга ҳам қарамасдан қочиб кетади. Маматкарим полвон мингбошихона олдида боғлаб қўйилган камбағал дехқонларни кўради. Бу ишлардан хабари бўлмаган Маматкарим полвон мингбоши ва йигитлари томонидан боғлаб қўйилган бева-бечораларга шундай дейди:

*Қандай одам сенга қилди зулмни.
Кенг бозорда ким бойлади қўлингни,
Ҳеч ким сўрамабди сенинг ҳолингни,
Отдан тушиб, мен чечайин қўлингни.
Бой ҳам мингбошилар элни жойлаган,
Камбағални шундай қилиб қийнаган,
Қамчи уриб, сенинг қўлинг бойлаган².*

Мингбоши ва унинг йигитлари томонидан хўрланган бечора камбағал дехқонлар Маматкарим полвоннинг бу сўроғига жавоб берар экан, ўзларининг аянчли аҳволлари ҳақида ва оғабобосидан қолган озгина ерларида эртадан-кечгача тинмай

¹ ЦГИА УзССР, ф. 130, оп. 1, д. 5012, л. 1.

² Дастагул, 24-бет.

мехнат қилиб, олган хосилнинг кўпчилигини турли хил олиқ-солиқларга тўлаганлигини айтади:

*Йилда топганимиз бизлар берамиз,
Сира қарздан қутулмайин борамиз.
Солиқ, ўлпон тўлаб ялангоч бўлдик,
Яна бизлар бундан жасабр кўрамиз¹.*

Фозил Йўлдош ўғли томонидан тасвир этилган ана шу тўртликни диққат билан ўқисангиз, содда ва самимий мисралар замирида хаётий ҳақиқатнинг реал ифодаси ётганлигини дарҳол англаб оласиз. Бу фожия ва ҳаққоний нолишлар Маматкаримнинг ғайратига ғайрат қўшади. Китобхонни ҳаяжонга соладиган ва узок вақтлар эсида қоладиган бу фожиали эпизод ўша замонда барча қишлоқларимизда рўй бериб турган аччиқ ҳақиқатнинг халқ шоири маҳорати билан умумлаштирилган реалистик картинасидан иборатdir [...].

Фозил шоир ҳақиқий ҳаётда прототипи маълум бўлган Туятортар бўлисининг мингбошиси Мулла Рўзи Эрназар ўғли ва Қобул бўлисининг мингбошиси Аҳмад чўроғаси Пирмуҳаммад ўғлининг бадиий образини тасвирлагандан ҳаётда улар қандай ҳаракат қылган бўлса, достонда ҳам ўшандай шаклда айнан ифода этмаган. Ўтмишда уларнинг ҳақиқий ҳаётида рўй берган характерли воқеа ва ҳодисаларни танлаб олиб, уни умумлаштириб, типиклаштириб ўз асарининг сюжет тўқимасига киритгаи. Достоннинг аҳамиятли томони ҳам шундаки, асада тасвир этилган тарихий шахсларнинг ҳакконийлиги ва реаллиги сақланиб қолинган [...].

Бизга маълумки, тарихий достон яратган шоир зиммасига тарихидан кўра кўпроқ вазифа юкланди. Бунда шоир ўтмишнинг тарихий воқеа ва ҳодисаларини тарихчи сингари хронологик тарзда бирма-бир баён қилиб кетавермайди, балки у тарихий шахслар ҳаётида рўй берган воқса ва ҳодисаларни танлаб олиб, ўз даври учун типик бўлган ажойиб образлар ва манзаралар яратади. «Тарих, – деб уқтирган эди В. Г. Белинский, – гарчи ўзининг ҳақиқий кўринишида адабий қонунларни ва мувофиқ зарурият-

¹ Дастагул, 25-бет.

ни күрсатса ҳам, лекин кўринган вақтда унинг фактлари ўз-ўзини англашдан маҳрумдир, шунинг учун ташқи воқеалар шаклига эгадир, яна улар кундалик ҳаётнинг тасодифлари билан ҳамиша чигаллашган, ўралган бўлади. Бадий асар сифатида романнинг вазифаси кундалик ҳаётдан ва тарихий воқеалардан барча тасодифий нарсани олиб ташлаш, уларнинг яширин қалбига, жонли идеясига кириш, ташқи, тарқоқ воқеаларни рух ва ақл маскани қилишдир»¹.

Уста достончи Фозил шоир ҳам ўзининг бу достонида тарихий шахс Мұхаммадкарим полвон фаолиятидан давр учун характерли бўлган фактларни танлаб олиб, унинг ҳаётида юз берган юқоридаги сингари тасодифий ва иккинчи даражали ҳодисаларни тушириб қолдиради.

Тарихий шахс Мұхаммадкарим полвон ҳаётида бўлиб ўтган юқоридаги тарихий фактлар эса достонда ўз-ўзидан типик образни вужудга келтира олмайди. Тарихий шахслар ҳаётида учрайдиган факт билан адабий фактлар ўртасида мухим фарқ бўлади. Адабий факт бу ҳаётий фактнинг ишланган, тўлдирилган ҳолда кўринишидир [...].

Фозил шоир ўз достонида тарихий шахс Мұхаммадкарим полвоннинг ҳақиқий ҳаётда бўлиб ўтган прототипини типик образга бир ўзак қилиб, унга Мұхаммадкарим полвоннинг ўзи мансуб бўлган ўша вақтдаги ҳамма прогрессив дехқонларнинг яхши хусусиятларини ҳам қўшиб тасвирлаган. Бунинг билан шоир ўз достонида тарихий шахс Мұхаммадкарим полвоннинг реал ҳаётда бўлиб ўтган прототипидан кенг, ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеалари билан узвий боғлиқ бўлган тўлақонли типик образини яратиб беришга мұяссар бўлган.

Фозил шоир томонидан жомбойлик Мұхаммадкарим Абдураҳим ўғлини достон қаҳрамонининг прототипи қилиб танлаши катта изланиш ва ўзбек халқ достончилигида замона талабларига жавоб берадиган асар яратиш учун жиддий интилиш натижасидир. Бу интилиш чинакам халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлининг дунёқарашида синфий онгнинг аста-секин ўса борганлиги, мамлакатда юз бериб турган ижтимоий-сиёсий масалаларни англай

¹ В. Г. Белинский, Танланган асарлар, Ташкент, 1955, 176-бет.

бошлагани билан изоҳланиши мумкин. У гарчи саводсиз оддий бир камбагал дехкон бўлса ҳам халқ достончиси сифатида элнинг ичида жуда кўп кезар, юзлаб қишлоқлардан ташқари Самарқанд, Жиззах, Каттакўрғон ва Хўжанд шаҳарларида ҳам кўп бўларди. Халқ билан доимо алоқада бўлиб, ҳаётни яхши ўрганганд эди. Мехнаткаш халқ ичидан чикқан ва эзилувчилар учун қайғурган ана шундай илғор халқ шоири замонасининг илғор тенденцияларидан четда қолмаган, албатта.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг ўзи ҳам талантли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлининг ўз достони устида ишлага-нида тарихий шахсларга, реал ҳаётда юз бериб турган муҳим ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга қанчалик эътибор билан қарагани, уларни пухта ўрганиб, шу фактлар асосида ўз асарини ижод этгани аниқдир. Ҳ. Т. Зарифов айтганидек, Мухаммадкарим полвоннинг қилмишлари, ҳаракатлари ва кечирмишларини тасвир этган бу достон ўша замон фактларининг ойнаси¹ бўлиб қолади ва ўша давр ўзбек фольклорининг муҳим асарларидан бири сифатида хизмат қиласди.

«Маматкарим полвон» достонида тасвир этилган айрим образлар ва бадиий воситалар ўтмишда меҳнаткаш халқимиз ўртасида машҳур бўлган халқ достонларининг илғор традицияларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш натижасида юзага келган. Масалан, Фозил шоир ўзининг бу достонида ўтмишда меҳнаткаш халқимиз ўртасида куйлаб юрган традицион халқ достонларидан ижодий фойдаланиб, халқ қаҳрамони, тарихий шахс Маматкарим полвоннинг мардлик ва тўғри сўзлилик фазилатларини ҳаққоний равишда кўрсатиб бера олган. Маматкарим образи Фозил шоир достонида замонасининг оддий бир исёнкори сифатида кўзга ташланса ҳам, унинг мафхумида катта ижтимоий ва сиёсий масалалар бўртиб туради [...].

«Маматкарим полвон» достонини ўрганар эканмиз, унинг бадиий воситаларида ҳам шоир томонидан традицион халқ достонларидан озиқланганлигини, пишиқ ва ранг-баранг бадиий воситалардан ижодий фойдаланиб, ўз даври учун типик бўлган

¹ Ҳ. Т. Зарифов, 1916 йил миллий-озодлик қўзғолонининг ўзбек фольклорида акс этиши, Тошкент, «Шарқ юлдузи» журнали, 1946, 7–8-сон, 164-бет.

ажойиб бадиий образлар яратганлигини яккол кўрамиз. Шоир ўз достонида ўхшатишлар, халқимизнинг узоқ асрлик ҳаёт тажрибаси асосида синалиб, авлодлар оша бир колипга тушган доимий эпитетлар, ҳаётий муболағалар ва достонга мусиқийлик бахш этувчи чиройли вазнлар, китобхон диккатини ўзига жалб қилувчи риторик сўроқ, хитоб, ундовлар ҳамда турли хил оҳангдош кофия ва радиフルар яратганки, бу бадиий воситалар китобни ўқиган ёки тинглаган ҳар бир кишининг кўз ўнгидага ўзининг юксак бадиийлиги билан намоён бўлади ва унинг онгидага узоқ вақтларгача сақланиб қолади.

«Маматкарим полвон» достонининг бадиий тили ҳақида гапирав эканмиз, бу достоннинг тили ҳам, асосан, шоир мансуб бўлган ўзбек қипчоқ диалекти доирасидадир. Ундаги бадиий тил ўзи куйлаб юрган традицион халқ достонларининг тилидан кам фарқ қиласди. Тил жихатидан асар шоир яшаган адабий тилнинг даражасида эмас, балки шоирнинг тили, асосан, ўзбек халқ эпослари учун характерли бўлган бадиий тил даражасидадир.

Маълумки, традицион халқ достонларида автор тили билан персонажлар тили индивидуаллаштирилмайди. Фозил шоирнинг «Маматкарим полвон» достонининг тилида ҳам, гарчи бу асар XX асрда яратилган бўлса ҳам, индивидуаллик кўринмайди. Бу факат Фозил шоирнинг шу достони ёки бундан кейинги йилларда яратган «Жиззах қўзғолони», «Очилдов» достонлари учунгина характерли бўлмай, балки Пўлкан шоир ва бошқа ўзбек достончиларининг асарлари учун ҳам характерлидир. Бунинг учун эса Пўлкан шоирнинг «Мардикор», «Ҳасан батрак» ва Холёр Абдукарим ўғлининг «Амир қочди» достонларини эслатиш кифоядир. Бу ҳодиса шуни кўрсатадики, достончиларимиз мазкур асарларни яратган вақтларида кундалик муомалада ўз шеваларида сўзлашганлари каби, янги-янги асарлар яратганларида ҳам ўша шевани сақлаганлар. Бироқ халқ достонларига хос традицион оғзаки бадиий тил сифатида шоир мансуб шевадан анча кенг ва юқоридир.

Шоир достон қаҳрамонларининг характерини очишда, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини кўрсатишда халқ мақолларидан ва ҳикматли сўзларидан жуда кўп фойдаланган. У халқ мақолларини ва ҳикматли сўзларини ўз асарининг мазмунига усталик билан

сингдириб юборган. Шоир достонда халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари оркали асарда иштирок этган ҳар бир персонажнинг қайси социал гурухга мансублигини ва уларнинг дунёкарашларини очиб беришга ҳаракат қилади. Достонда тасвир этилишича, Хўжанд мингбошиси унга қараб, қўлига қофози тегмагунча кетиб қолмасликни, агар кетиб қолса сургун қилган бой ва амалдорлар қочиб келган, деб гумон қилишлигини айтганда, «Маматкарим ўз кўнглида айтди, улар мендан қўрқишлигидан бу ишни қилди, мен борганда менинг олдимга келиб, уларнинг қофоз сўрайдиган қуввати борми? «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр», – деб кўнглида кечириб турди», – деб шоир достонда ўша вақтлардаги маҳаллий бой ва амалдорларнинг ҳолатини «туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» деган халқ мақоли воситаси билан очиб беришга ҳаракат қилган. Бу ердаги халқ мақоли илгариги маҳаллий бой ва амалдорларнинг характеристига, уларнинг хатти-ҳаракатларига жуда ҳам мос тушиб, шоир достонда уларнинг қўрқоқлигини ва енгил табиатли кишилар эканлигини Маматкарим полвоннинг гаплари ва унинг ўй-хаёллари орқали тўғри кўрсатиб беришга интилган.

Ўзбек халқ шоирлари томонидан достонларда ишлатилган халқ мақоллари ўз ўрнида воқеаларнинг борувига кўра халқ чечанлиги билан едирилиб, фикрни қувватлаб берадилар ва достонлар тилининг бойлиги, образлилиги, жозибадорлиги ҳамда бадиий томонининг юксак ва равон бўлишини таъминлайдилар.

Асар бошдан охирига қадар реал тарихий фактларга асосланган, тарихий мазмун касб этган янги типдаги достон бўлиб, ўзбек халқ достончилигига янги бир босқичнинг дастлабки намунасиdir.

Фозил Йўлдош ўғлининг тарихий хизматлари ўтмишда халқимиз ўртасида машҳур бўлган традицион халқ достонлари ни бизнинг давримизгача асрар келишдангина иборат эмас, балки ана шу традицион халқ достонлари заминида янги-янги достонлар ижод этувчи импровизатор шоир сифатида ҳам каттадир.¹

¹ Макола куйидаги манба асосида чоп этилмоқда: Т. Очилов. «Маматкарим полвон» достонининг тарихий асослари // Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973, 126–146-бетлар.

*Мұхаммаднодир
САИДОВ
(1929—2001)*



Мұхаммаднодир Собитович Сайдов 1929 йил 20 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилған. Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини битирған (1953). «Ўзбекфильм» киностудиясида катта мухаррир (1954—56), ЎзРФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим (1956—61 йиллар), катта илмий ходим (1961—65), Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг «Ўзбек адабиёти» кафедрасида ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишлаган (1965—86). «Малика Айёр» достони ҳақида мавзуда номзодлик (1960), «Ўзбек халқ достончилигига бадиий маҳорат масалалари» мавзудаги докторлик (1976) диссертациясини ёқлаган. «Нурали», «Зулфизар», «Гулнор пари» (1965), «Авазхон», «Гўрўғлининг туғилиши» (1967), «Мисқол пари», «Тоҳир ва Зухра», «Суманбар», «Зевархон», «Варқа билан Гулишоҳ», «Вомиқ ва Узро», «Балхувон», «Гулшанбоз» каби халқ достонларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган. «Малика Айёр» достони (1964), «Ўзбек халқ достончилигига бадиий маҳорат» (1969), «Халқ севган баҳши» (1972), «Ўрта мактабларда Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳаёти ва ижодини ўрганиши» (1988) каби китоблар муаллифи. 2001 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

«МАЛИКА АЙЁР» ДОСТОНИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқ ижодиёти битмас-туганмас ижод манбаидир. Бу манба бадиий ижодиётнинг ажойиб қайнар булоғидирки, унинг ҳаётбахш сувлари кекса адабиётимиз тарихи намояндаларига ҳам, адабиётимиз тарихи вакилларига ҳам ўз ижодий йўналишларида прогрессив йўлни танлаб олишда, улар ижодининг ри-вожланишида етакчи роль ўйнаган ва ўз халқчиллиги билан улар ижодини сугорган. Шу сабабдан ҳам халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган бадиий асарларнинг ғоявий ва бадиий томонларини текшириш адабиётшуносликнинг зарур масалаларидан биридир.

«Малика Айёр» достони халқ оғзаки адабиётини пухта ишланган намуналаридан бири бўлиши билан, унинг ғоявий ва бадиий йўналишларини текшириш умумий ишнинг бир томонини ташкил қилиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатdir.

Адабиётшунослигимизда жанр масаласи энг қийин масала, достон жанри ҳанузгача муаммоли масала бўлиб келмоқдаки, мана шу ҳол айрим олинган эпик асарни анализ қилиш ишини чигаллаштириб келмоқда.

Достон деганда, одатда, халқ оғзаки адабиётининг бир жанри тушунлади. Достон адабиётнинг бир жанри дейиш – бу умумий бир тушунча. Достон деб Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»ига кирган эпик асарларни ҳам, ҳозирги ёзма адабиётимизда поэма деб аталган асарларни ҳам тушунаверамиз. Ҳолбуки, булар ўртасида фарқ бор. Бу фарқни очиш адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидандир. Бу гарчи бизнинг ишимиз вазифасига кирмаса ҳам «Малика Айёр» достонини текширганда ўзбек халқ оғзаки ижодиётида мавжуд бўлган достон жанрининг хусусиятларини «Малика Айёр» асари материали асосида маълум даражада кўриб ўтишга ҳаракат қилдик.

Бу текшириш ҳам, ҳали умуман халқ достонларининг жанр хусусияти ҳақида чукур назарий маълумот беришни талаб қилмасдан фақат биргина достоннинг хусусиятларини кўрсатиб беришдан иборат.

Аввало, достон ўзи нима¹ деган савол туғилади.

Достон, аввало, мураккаб санъат асаридир. Достонда халқ санъатининг турли томонлари намоён бўлади. Эпик асар достон бўлиши учун, биринчидан, адабий текст – адабий, бадиий манба бўлиши керак. Иккинчидан, достоннинг мусиқаси бўлиши лозим (бу ўринда шуни аниқлаб олиш керакки, хар бир алоҳида олинган достон учун алоҳида йирик мусиқа асари бўлиши шарт эмас). Достон мусиқаси ундаги шеърий парчаларнинг вазн ўлчовига, унинг ритми ва мазмунига мос келадиган қўшиқлардан ташкил топган ва бир бутунликни ташкил этган асар бўлиши талаб қилинади. Учинчидан, достонни бир киши ижро этгандиги, куйловчи соз (дўмбира, қўбиз, дутор ва бошқалар)ни билиши зарур². Тўртинчидан, достонни куйлаётган бахши яхши овозга эга бўлиши ва қўшиқ айтиш маҳоратини эгаллаган бўлиши зарур. Мана шу шартларнинг бари мавжуд бўлган тақдирдагина тингловчилар том маънода достон эшитган бўладилар. Бу шартларнинг бирортаси бўлмаса, бундай достон тингловчига ўзининг эмоционал таъсирини кутилган даражада бера олмайди.

Достонда тугалланган адабий бадиий текст – эпик асар бўлмаса, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, у достон эмас, балки куйланяётган қўшиқ ёки қўшиқлар мажмууси бўлиб қолади. Агар достоннинг мусиқаси бўлмаса, у яна том маънода достон бўломмайди, балки достоннинг эртак ёки афсона шаклида айтилиши бўлиб қолади ва бу ишни халқ ижодига қизиқкан хар бир киши қила олиши мумкин. Бунда профессионал достончининг кераги бўлмай қолади. Мусиқа бўлмагандан кейин мусиқа асбоби: дўмбира, дутор, қўбиз ва ҳоказолар ўз-ўзидан тушиб қолади ва ижро этувчининг овозига бўлган талаб ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Агар адабий манба – текст қисми ва мусиқа бўла туриб, чолғу асбоби бўлмаса, достонни узоқ куйлаш ҳам мумкин эмас; достоннинг

¹ Бу ерда сўз факат халқ достончилари куйлаган йирик ва мураккаб эпик асар устида боради.

² Достонни мусиқа асбобисиз куйлаб айтuvчилар ҳам бор. Бундай ижро-чилар ўзларининг созни билмаганликларини нуксон сифатида эътироф этадилар.

Эмоционал таъсири ҳам юксак даражада бўлолмайди. Тасаввур килайлик, юқорида айтиб ўтилган учта талабнинг барчаси бўлиб, достончининг овози ёқимли бўлмаса ёки у алоҳида қўшикларни моҳирлик билан ижро эта олмаса, шунингдек, ижро этилаётган достоннинг айрим-айрим эпизодларига яраша достончининг хатти-харакати ва мимикаси бўлмаса, бошқача қилиб айтганда, достончи яхши ҳофиз ва яхши актёр бўлмаса, ундан достончининг ижросига талаб кам бўлади, бинобарин, бу асар кенг маънода достон бўлмайди.

Маълумки, достончи баҳши достон куйлаганда тингловчилар аудиториясига катта аҳамият беради. Достон аудитория талабига кўра ўзгариб боради. Бир хил тоифа тингловчилар ўртасида куйланган муайян достон иккинчи хил тингловчилар олдида ҳеч вақт айнан такрорланмайди. Бунда куйлаётган достончининг кайфияти ҳам катта роль ўйнайди. Бу ҳодиса достоннинг бади-иyllигини оширишда муҳим аҳамиятга молик бўлиб, умуман, достон жанри учун жуда характерлидир.

Бизнинг ёзиб олган достонларимиз баҳши репертуаридаги у ёки бу асарнинг маълум бир вақтдаги кўриниши бўлиб, у текст айни достоннинг ҳамма ерда куйланишини бутун тўлалиги билан акс эттира олмайди. Шу сабабли тажрибали фольклористлар (айниқса, X. Т. Зарифов) бирор достонни ёзиб оларкан, ёзиб олиш процесси тугагандан кейин, уни достончига ўқиб берган ва достончининг киритмоқчи бўлган ўзгартишларини алоҳида ёзиб олган ҳамда бу достонни нашрга тайёрлаш вақтида ана шу ўзгартишлардан фойдаланган. Демак, достон бўлиши учун достончининг бўлиши шарт, достонни достончидан айриш мумкин эмас, акс ҳолда, у мураккаб санъат асари бўла олмай қолади. Бизнинг ёзиб олиб, нашр эттираётган достонларимиз, аслида, кенг маънодаги достоннинг бадиий текст қисмидангина иборатdir.

Хозирги достонга қўйилаётган талабни қўшиққа ҳам қўйса бўлади-ку, деган фикр туғилиши мумкин. Бу бир қадар тўғри фикр. Қўшиқ учун ҳам шеър, мусиқа, чолғу асбоби, овоз ва ижро маҳорати керак, лекин қатъий шарт эмас. Қўшиқни чолғу асбоббисиз ҳам ижро этиш мумкин. Халқ қўшиклари меҳнат жараёнида юзага келар экан, меҳнат қилиб қўшиқ яратадиган инсон чолғу

асбоби чалиб ўтириши мумкин эмас. Овоз ва ижро маҳоратига келганда шуни айтиш керакки, қўшиқ яратадиган шахс уни хиргойи қилиб айтар экан унинг овозига профессионал ашулачи-нинг овозига қўйиладиган талаб қўйилмайди. Шунингдек, қўшиқ яратувчининг ижро маҳорати ҳам, профессионал ашулачиники сингари бўлиши шарт эмас. Демак, қўшиқни ижро этиш учун профессионаллик қатъий талаб қилиб қўйилмайди. Чунки унинг яратувчиси ҳам, куйловчиси ҳам бутун халқдир. «Халқ қайғули чоғида ҳам, шоду хуррам пайтларида ҳам қўшиқ ижод этиб, куйга солиб айтади. Ўзбек халқи орасида «Сўйган ҳам қўшиқчи, куйган ҳам қўшиқчи» ёки «Сўйган қўшиқчи бўлар, куйган ўланчи бўлар» деган таъбирлар мақол сифатида юритилади»¹.

Қўшиқни бир киши айтиши шарт эмас. Масалан, мавсуммаросим қўшиқларининг баъзилари кўпинча колектив бўлиб ижро этилади. Шунинг учун ҳам қўшиқ халқ орасида жуда кенг тарқалган жанрдир. Қўшиқ ҳажм жиҳатидан кичик бўлганлиги туфайли унинг кенг халқ оммаси орасида тарқалиши осон.

Қўшиқ жанри мусика билан шеърнинг узвий боғлиқлигига юзага келади ва қўшиқнинг яшаш жараёнида шеър ва куй доимо биргаликда бўлади. Қўшиқда куй ва шеър ажralmas эгизакдир. Қўшиқни нисбий жиҳатдан ҳам достон билан тенглаштириб бўлмайди.

Достоннинг адабий қисми ҳажм жиҳатидан катта, кўп жанрлик хусусиятларига эга бўлиши ва композицион жиҳатдан мурракаб бўлишлиги билан халқ оғзаки ижодиётида мавжуд бўлган бошқа жанрлардан ажралиб туради.

«Малика Айёр» достони бошқа бир қатор достонлар сингари поэзия ва прозадан ташкил топган бўлади.

Достонда, одатда, прозага нисбатан поэзия ҳажм жиҳатидан устун туради. Аммо бундан достонда прозанинг ахамияти кам деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Зотан, ўзбек халқ оғзаки ижодиётида прозаик қисмлари бўлмаган, яъни факат назмда яратилган достон учрамайди. Факат прозадан ташкил топган ва бизга ёзма ҳолда келиб етган халқ достонлари, аслида, шеърий асарлар бўлган.

¹ Музайяна Алавия. Ўзбек халқ қўшиклари. – Ташкент, 1959, 3-бет.

Достоннинг прозаик қисмлари ҳақида муфасса мазъумот бе-
рувчи илмий ишларнинг йўқлиги туфайли достон прозаси ҳақида
умумлаштирилган тугал бир фикр бериш учун кенг текшириш-
лар олиб бориш зарур.

Достон ҳақида умумий гаплар билан чегараланган, ахён-
аҳёнда учровчи ишларда ҳам достон прозаси ҳақида зарурый
фикрлар қониқарли учрамайди. Ўзбек фольклористикасида кўзга
кўринган асар – В. М. Жирмунский ва X. Т. Зарифовнинг «Ўзбек
халқининг қаҳрамонлик эпоси» асарида ҳам бу ҳақида жуда кам
тўхтаб ўтилган.

Достон шакл жиҳатдан, жуда кўп туркий халқлардаги каби
ўзбекларда ҳам боғловчи прозаик парчалар билан алмашинувчи
шешърлардан ташкил топгандир¹. Шунингдек, достоннинг эртак-
дан фарқ қилиши ҳақида: «...достоннинг асосини шеър ташкил
этади, проза эса фақат қисқача боғловчи қўшимчалир»² – де-
йилган.

Фольклористларимизнинг мана шу фикрлари юқорида айт-
ганларимизнинг ёрқин далили бўла олади. Аммо бу деган сўз
ўзбек халқ достонларининг ҳаммасида ҳам проза ғиммичи роль
ўйнайди, деганимиз эмас, албатта. Ўзбек халқ оғзаси никодиёт-
да шундай достонлар ҳам борки, буларда проза жуда катта ўрин
эгаллайди. Мана шундай достонларнинг бири «Малика Айёр»
достонидир.

Бу достонда ҳам прозаик қисм персонажлар ўргасида монолог
ўқилганда, автор ремаркаси ўрнида ишлатилгандан, ҳақиқатан ҳам,
боғловчи ҳалқа ролини ўйнайди, лекин ҳамма вакт ушаканги пас-
сив қатнашчи эмас. «Малика Айёр» достонида прозаник қисмлар
шеърий қисмлар билан бир ўринда туради. В. М. Жирмунский ва
Х. Т. Зарифовнинг юқорида айтилган китобида: «Малика Айёр»
достоннинг поэзия ва прозаси ҳақида: «воқеаларнинг прозаик
тасвири бу ерда катта роль ўйнайди, шеърий парчалар эса кўпин-
ча лирик монологлардан иборат»³ дейилган.

¹ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос.
– М., 1947, стр. 24.

² Ўша жойда.

³ Ўша асар, 445-бет.

асбоби чалиб ўтириши мумкин эмас. Овоз ва ижро маҳоратига келганда шуни айтиш керакки, қўшиқ яратадиган шахс уни хиргойи килиб айтар экан унинг овозига профессионал ашулачининг овозига кўйиладиган талаб кўйилмайди. Шунингдек, қўшиқ яратувчининг ижро маҳорати ҳам, профессионал ашулачиники сингари бўлиши шарт эмас. Демак, қўшиқни ижро этиш учун профессионаллик қатъий талаб қилиб кўйилмайди. Чунки унинг яратувчиси ҳам, куйловчиси ҳам бутун халқдир. «Халқ қайғули чоғида ҳам, шоду хуррам пайтларида ҳам қўшиқ ижод этиб, куйга солиб айтади. Ўзбек халқи орасида «Суйган ҳам қўшиқчи, куйган ҳам қўшиқчи» ёки «Суйган қўшиқчи бўлар, куйган ўланчи бўлар» деган таъбирлар мақол сифатида юритилади»¹.

Қўшиқни бир киши айтиши шарт эмас. Масалан, мавсуммаросим қўшиқларининг баъзилари кўпинча колектив бўлиб ижро этилади. Шунинг учун ҳам қўшиқ халқ орасида жуда кенг тарқалган жанрдир. Қўшиқ ҳажм жиҳатидан кичик бўлганлиги туфайли унинг кенг халқ оммаси орасида тарқалиши осон.

Қўшиқ жанри мусиқа билан шеърнинг узвий боғлиқлигига юзага келади ва қўшиқнинг яшаш жараёнида шеър ва куй доимо биргаликда бўлади. Қўшиқда куй ва шеър ажralmas эгизакдир. Қўшиқни нисбий жиҳатдан ҳам достон билан тенглаштириб бўлмайди.

Достоннинг адабий қисми ҳажм жиҳатидан катта, кўп жанрлик хусусиятларига эга бўлиши ва композицион жиҳатдан мураккаб бўлишилиги билан халқ оғзаки ижодиётида мавжуд бўлган бошқа жанрлардан ажralиб туради.

«Малика Айёр» достони бошқа бир қатор достонлар сингари поэзия ва прозадан ташкил топган бўлади.

Достонда, одатда, прозага нисбатан поэзия ҳажм жиҳатидан устун туради. Аммо бундан достонда прозанинг аҳамияти кам деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Зотан, ўзбек халқ оғзаки ижодиётида прозаик қисмлари бўлмаган, яъни фақат назмда яратилган достон учрамайди. Фақат прозадан ташкил топган ва бизга ёзма ҳолда келиб етган халқ достонлари, аслида, шеърий асарлар бўлган.

¹ Музайяна Алавия. Ўзбек халқ қўшиклари. – Тошкент, 1959, 3-бет.

Достоннинг прозаик қисмлари ҳақида муфассал маълумот бе-рувчи илмий ишларнинг йўқлиги туфайли достон прозаси ҳақида умумлаштирилган тугал бир фикр бериш учун кенг текширишлар олиб бориш зарур.

Достон ҳақида умумий гаплар билан чегараланган, ахён-ахёнда учровчи ишларда ҳам достон прозаси ҳақида зарурий фикрлар қониқарли учрамайди. Ўзбек фольклористикасида кўзга кўринган асар – В. М. Жирмунский ва X. Т. Зарифовнинг «Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси» асарида ҳам бу ҳақда жуда кам тўхтаб ўтилган.

Достон шакл жиҳатдан, жуда кўп туркий халқлардаги каби ўзбекларда ҳам боғловчи прозаик парчалар билан алмашинувчи шеърлардан ташкил топгандир¹. Шунингдек, достоннинг эртакдан фарқ қилиши ҳақида: «...достоннинг асосини шеър ташкил этади, проза эса факат қисқача боғловчи кўшимчадир»² – дейилган.

Фольклористларимизнинг мана шу фикрлари юқорида айтганларимизнинг ёрқин далили бўла олади. Аммо бу деган сўз ўзбек халқ достонларининг ҳаммасида ҳам проза ёрдамчи роль ўйнайди, деганимиз эмас, албатта. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида шундай достонлар ҳам борки, буларда проза жуда катта ўрин эгаллайди. Мана шундай достонларнинг бири «Малика Айёр» достонидир.

Бу достонда ҳам прозаик қисм персонажлар ўртасида монолог ўқилганда, автор ремаркаси ўрнида ишлатилганда, ҳақиқатан ҳам, боғловчи ҳалқа ролини ўйнайди, лекин ҳамма вақт унақанги пассив қатнашчи эмас. «Малика Айёр» достонида прозаик қисмлар шеърий қисмлар билан бир ўринда туради. В. М. Жирмунский ва X. Т. Зарифовнинг юқорида айтилган китобида: «Малика Айёр» достонининг поэзия ва прозаси ҳақида: «воқеаларнинг прозаик тасвири бу ерда катта роль ўйнайди, шеърий парчалар эса кўпинча лирик монологлардан иборат»³ дейилган.

¹ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947, стр. 24.

² Ўша жойда.

³ Ўша асар, 445-бет.

Айрим достонларда шеър билан прозанинг ўрни, нисбати ва хусусиятларини кенгроқ ва аникроқ белгилаш лозим бўлади. «Малика айёр» достонида прозаик қисмлар шеърий қисмлар билан бир ўринда туради. Баъзан проза шеърий қисмларни бир-бирига боғласа, баъзан аксинча бўлиши ҳам мумкин. Яъни икки прозаик парчани шеърий қисм боғлаб келадиган ўринлар ҳам кўплаб учраб туради. Масалан, Аҳмад Сардорнинг ўз йигитлари-ни йигиб, Авазни ўлдириш ва Маликанни олиб келишни буориши ва Асад, Шодмон мерганларни бу топшириқни бажаришга жўна-тишида худди шундай ҳодисани учратамиз¹.

Асад ва Шодмон мерган Аҳмад Сардордан топшириқ олиб, йўлга тушадилар. Воқеа прозада баён этилади. Бу ерда каттагина шеърий парча берилади. Бу шеърий парча ўз ҳолича воқеалар ривожини тасвирлай олмайди, балки икки прозаик парчани бир-бирига боғлаб, шу прозаик парчаларда олга сурилаётган фикр ва ривожлантирилаётган воқеани янада конкретлаштиришга хизмат этади. Бу шеърий парчада мерганларнинг йўлда кетаётган пайти майда деталлар билан ёритилади ва уни қуйидаги тўртлик билан хulosаланади:

*Ҳавода бор ёргу юлдуз,
Дарёда ўйнайди қундуз.
Мерганлар, қилди гайратни,
Йўл тортди уч кеча-кундуз².*

Мана шу хulosаловчи тўртликдан сўнг яна прозаик қисм бошлиниб, олдинги прозаик парчада баён этилаётган воқеа давом эттирилади: «Уч кеча-кундуз йўл юриб Палапон тоғига етди. Тоғнинг белини мерганлар кўрди, Авазнинг оти ҳали бу ердан ўтгани йўқ экан»³ ва ҳоказо.

Демак, достонда факат прозаик қисмлар воқеаларни боғловчи ролини ўйнамасдан, аксинча, шеърий парчанинг боғловчи вазифасида келиши ҳам мумкин экан. Шу мисолнинг ўзидан кўриниб

¹ Малика Айёр. – Тошкент, 1941, 24–25-бетлар.

² Ўша асар, 25-бет.

³ Ўша асар, 25–26-бетлар.

турибиди, воқеа ривожланишида асосий вазифа шеърга эмас, прозага юклатилган. Бу ходиса достоннинг асосий бадиий формасини фақат шеър ташкил этмаслигини кўрсатади.

«Малика Айёр» достони материалларида шу нарса кўпроқ назарга ташланадики, бунда шеър ва проза аҳамият жиҳатидан тенг ҳуқуқлидир.

«Малика Айёр» достонида Асад мерган билан Шодмон мерганнинг сўзлашувида шундай факт учрайди:

*Хабар беринг, Шодмон ака,
Энагарни отсаммикин?!
Устига минган мардини,
Дамба-дам сулатсаммикин?!
Остидаги Фиркукини,
Ўлжса қилиб кетсаммикин?!
Торкистонга етсаммикин,
Ойим Маликани олиб,
Бир куни Чамбилга келиб,
Гўрўлига пешкаши қилиб,
Чамбил белда тортсаммикин?!*

Шодмон мерган айтди: «Икковимиз Авазни ўлдирамиз деб келганмиз, агар қўлингдан келиб Авазни ўлдирдинг-да, мен сенинг қўлингдан айириб олаётиманми? Ора тушиб олаётган одам йўқ»¹.

Мана шу характерли парчада Асад мерганнинг шеър билан мурожаати ва Шодмон мерганнинг прозадаги жавоби ўртасида ҳеч қандай келишмовчилик ёки қарама-қаршилик йўқ; прозаик парча бу ерда бадиий жиҳатдан шеърий парчадан сира ҳам қолишмайди. Шодмон мерган Асад мерганнинг ножӯя берган саволига киноя билан жавоб қайтараркан, бу асарнинг бадиийлигини оширишда ўзига хос ўрин тутган.

Шеърий қисмлар воқеаларнинг бориши ҳакида ҳикоя қилиши кўп ўрин эгаллади. Масалан:

¹ Ўша асар, 25-бет.

*Ғамли кунда тортар эди оҳувой,
Шиқирлатиб қўлга олди парли ёй,
Гап эшиитинг мерғанларнинг ишидан,
Чоқлади Авазнинг қордай тўшидан.
Жафо тиги буқун жондан ўтади,
Айрилиқ ханжари бағрин йиртади,
Яшиндай бўп ёйнинг ўқи етади.
Кўринг, назаркарда бекнинг Гироти,
Қирқ газ баланд ўқдан сачраб ўтади.*

Мана бу каби воқеалар тасвири шеърий парчада жуда содда ва равон қилиб берилишини анча учратиш мумкин. Аммо проза-нинг ҳам воқеани тасвирлашдаги ўзига хос аҳамиятини ва ҳажмини ҳамма вакт шеърий парчадан кам деб бўлмайди. Прозаик қисмлар бу вазифани бажаришда достонда актив роль ўйнайди.

«Малика Айёр» достонида шеърий қисмлар кўпинча монолог шаклида ишлатилади. Аммо прозаик қисмларнинг монолог шаклида ишлатилиши деярли учрамайди.

Прозаик қисмларнинг «Малика Айёр» достонида ва умуман Фо-зил шоир ижодида диалог шаклида ишлатилиши қандайдир бир қонуний тусга киргандай кўринади. Диалогларнинг шеърий йўлда тузилиши кам учрайди ва учраганда ҳам прозадаги сингари фикран чукур, мазмунан кенг ва шакл томонидан жуда сикик эмас, яъни бир сўз билан айтганда, динамик диалоглар эмас. Диалогларнинг энг яхши намуналари прозада учрайди; шунингдек, достондаги юмористик элементлар кўпинча прозаик қисмда юзага чиқади.

Энг яхши диалогларнинг прозада бўлиши барча ўзбек достонлари учун характерли эмас. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзib олинган «Равшан» достонида диалогларнинг шеърда яратилган ажойиб намуналари бор.

Достоннинг зачини, деярли ҳамма вакт, прозада айтилади. Бу проза ҳам улкан халқ шоирлари – классик ижрочилари куйлаган достонларда сажъ билан яратилган.

«Чамбил элида Гўрўғли зўрабор, қирқ олти сардор, тўрт ярим лак бедовсувор, Соқибулбул деган сайиси бор, Гўрўғлининг зўр деб таърифи кетган, зарбаси тошдан ўтган, «ол Гўрўғли кел-

ди» деса йиғлаб ётган боласини юпатган, Исфиҳонда ишлатган қиличининг ишлови етган, теккан омон қолмасин деб заҳарнинг сувин ялатган, Чамбилда давронни суриб ётирир Гўрўғли султон»¹.

Демак, «Малика Айёр» достонида шеър ва проза турли ўринларда бир хил вазифани адо этиб, бир хилда муваффақият билан ишлатилган дея оламиз.

Достонлар икки катта гурухга бўлиниадилар – традицион достонлар ва «янги достонлар».

Традицион достонлар кўп асрлардан буён оғиздан-оғизга, наслдан-наслга ўтиб, ҳалқимизнинг маънавий ҳаётида катта ўрин эгаллаши, эстетик талабларига жавоб бериб, ҳалқимиз заковатининг юксак намуналари сифатида, ўтмиш асрларнинг маданий ёдгорлиги бўлиб бизнинг кунларимизгача этиб келган ажойиб санъат асарлари дидирлар.

«Малика Айёр» достони ҳам ана шундай традицион достонлар сирасидандир.

Традицион достонларни ўз навбатида бир неча турларга ажратиш мумкин. Булар: қаҳрамонлик достонлари, ҳалқ романи типидаги ишқ-муҳаббатни тарапнум этувчи достонлар (булар романник достонлар дейилади) ва тарихий достонлардир.

Кўпгина олимлар қаҳрамонлик достонлари романник достонларга нисбатан илгари яратилган деган фикрни олға сурадилар. Бу фикрлар В. М. Жирмунский ва X. Т. Зарифовнинг «Ўзбек ҳалқининг қаҳрамонлик эпоси» асарида, бир қатор фактларга суюнган ҳолда, жуда яхши исботлаб берилган.

Модомики, қаҳрамонлик достонлари илгари юзага келган экан, романник достонларнинг ундан кейин яратилганлигини исботлашга ўрин ҳам қолмайди. Аммо романник достонларнинг қайси бири қайси даврнинг маҳсули?

Бундай саволларга қатъий жавоб бериш учун ҳали кўпгина илмий текшириш ишлари олиб бориш керак. Лекин шуни қатъий айтиш мумкинки, қаҳрамонлик достонларида романник элементлар ва романник достонларда қаҳрамонлик элементлари бўлади. Мана шу қаҳрамонлик ва романник йўналишлар мавжуд бўлган достонларнинг қайси группага мансуб эканлигини аниқлаш учун

¹ Ўша асар, 17-бет.

қаҳрамонлик ишқ-муҳаббат йўналишига бўйсундирилганми ёки аксинча, достонда мавжуд бўлган ишқ-муҳаббат қаҳрамонлик йўналишига бўйсундирилганми, ана шуни аниқлаш зарур. Баъзан юзаки қаралгандা бир хил бўлиб кўринган иккита достон, аслида, икки турга мансуб бўлган достонлар бўлиши мумкин. Масалан, Гўрўғли достонлари циклига кирган «Малика Айёр», «Равшан» достонларини олиб қаралгандা, бу икки асар ўртасида принципиал фарқ борлиги кўринади.

«Малика Айёр» достонида Малика билан учрашган Гўрўғли уни излаб бормоқчи бўлади. У достоннинг бош қаҳрамони сифатида ажойиб баҳодирлик, мардлик ва шижаот кўрсатади. У девлар, шерлар ва бошқаларга қарши курашда зўр маҳорат кўрсатиб, улар устидан галаба қозонади. Маликани қўлга киритади ва уни Қалайи қўргонда берган ваъдасига биноан Авазга беради. Достоннинг Фозил шоир вариантида масала мана шундай қўйилади.

Гўрўғлининг Малика билан учрашуви ва уни қўлга киритганга қадар оҳ-вой қилиши; қўлга киритгандан кейин Авазга бериши китобхон ёки тингловчига ғалати туюлиши мумкин. Бу туйғу, сўзсиз, асослидир. Зотан, Гўрўғли цикли достонларида қизни ким қўлга киритган бўлса, шу киши у қизга уйланади. Бу одат тусига кириб қолган.

Аваз Мақотил ва Арботин қўшинларига қарши жангда қаҳрамонлик кўрсатди-ку. Шу сабабли Маликани Аваз олиши керак эмасми деган эътиroz бўлиши мумкин. Лекин бундай эътиrozга ўрин йўқ. Авазнинг юқорида эслатиб ўтганимиздек, кураши ватан мудофааси учун бўлган курашдир. Бу курашнинг Маликани олиб келиш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин шуни аниқлаб олиш керакки, «Малика Айёр» достонида оиласи мустаҳкамлаш масаласи туради. Бу асарда бир қатор романик достонлардаги каби ишқ-муҳаббат масаласи йўқ.

Маълумки, Аваз Гўрўглининг асранди ўғли, Чамбилининг атоқли баҳодирларидандир. Лекин Гўрўғли билан ўша сафарда, Авазнинг ўрнига, Ҳасанхон ёки набираларидан бирори бўлганда ҳам Гўрўғли Маликани унга бериши мумкин эди. Асарнинг бутун мантиқий мазмуни шунга олиб келади. Гўрўглининг оҳвойлари эса фақат шакл учун, асар композицияси бутунлигини

мустаҳкам сақлаш учун, достонда қўлланилган бадиий приёмни мунтазам давом эттириш учун киритилган.

«Равшан» достонида эса ахвол бутунлай ўзгача. Равшан бувиси берган узукда Зулхуморнинг тасвирини кўради ва уни севиб қолиб, ахтариб кетади. Зулхумор ҳам Равшанни кўргандан кейин, уни севиб қолади. Малика эса, Гўрўғлини ҳам, Авазни ҳам севган эмас; у тақдирга тан беради, холос. Зулхумор бўлса Равшанга бўлган севгисига содик ҳолда ўз имкониятлари доирасида кураш олиб боради. «Равшан» достонида қаҳрамонлик йўналиши мавжуд эса-да, бу йўналишда асосий ролни бош қаҳрамон – Равшан эмас, балки унинг отаси Ҳасанхон йўйайди.

Демак, достонда асосий мотивнинг қайси йўналишда эканлиги достоннинг қайси группага мансуб эканлигини белгилаб боради.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида яна шунақанги достонлар ҳам учрайдики, уларнинг қайси гурухга мансуб эканлигини қатъий айтиш қийин. Чунки бу хил достонларда қаҳрамонлик йўналиши ҳам, ишқ-муҳабbat йўналиши ҳам бир хилда бўлиб, буларнинг иккаласи ҳам асосий йўналишни ташкил этади. Масалан, «Ширин билан Шакар» достони ана шундай достонлар сирасидандир.

«Малика Айёр» достонининг қайси гурухга мансуб эканлигини аниқлаш ҳам анча мушкул масала. Бу достон «Алпомиш» каби бутун тўлалиги билан қаҳрамонлик достони эмас. Унда ишқ-муҳабbat жуда заиф. «Малика Айёр» достонида, гарчи қаҳрамоннинг узоқ юртда яшовчи гўзални олиб келиши учун сафарга жўнаши асар сюжетининг асосида турса ҳам, достондаги қаҳрамонлик севги йўналишига бўйсундирилган эмас. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу ерда асосий мақсад оилани мустаҳкамлаш масаласидир. Мана шу оилани мустаҳкамлаш йўлида қаҳрамонлар зўр матонат кўрсатадилар. Машаққатли курашларда голиб чиқадилар. Демак, достоннинг асосий ғояси қаҳрамонликни тараннум этишдир. Мана шунга суюнган ҳолда «Малика Айёр» достонини қаҳрамонлик достонларининг бир тармоғига мансубдир, дея оламиз. Демак, бу достон ўзбек халқ афсоналари асосида юзага келган фантастик-қаҳрамонлик достондир.¹

¹ Ушбу мақола М. Сайдовнинг «Малика Айёр» номли монографияси (Тошкент: Фан, 1964)дан олинди.

Абдумұмин
ҚАХХОРОВ
(1927—1997)



Абдумұмин Қаҳхоров 1927 йил 10 майда Қашқадарё вилояты Қарши тумани Товаш қишилогида туғилған. Самарқанд давлат университетининг филология факультетида (1946—52), Ўрта Осиё давлат университетининг аспирантурасида (1970—71) ўқыған. Қарши ўқитувчилар институти (ҳозирги Қарши давлат университети)да ўзбек тили ва адабиети фаны ўқитувчиси, бўлим мудири (1952—57), Қарши туманидаги 21-ўрта мактабда ўқитувчи ва илмий бўлим мудири, 11-ўрта мактаб директори (1957—58), Қарши туман «Пахтакор» газетасининг муҳаррири (1958—59) бўлиб ишлаган. Қарши давлат педагогика институтида ўқитувчи (1962—73), шу институт доценти (1979—97) вазифаларида меҳнат қилған. «Келиной» туркуми достонларининг ўзига хос хусусиятлари мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилған (1972). «Олий ўқув юртларида достонларни ўрганиши» номли ўқув қўлланмаси (1984), «Янги достонлар» монографияси (1985) нашр этилган. 1984 йилда унинг ўзи томонидан Қодир баҳши Раҳимовдан ёзib олинганд «Ойчинор» достони «Ўзбек халқ ижоди» кўпжилдиги силсиласида нашр этилди. «Нуралиниң банди бўлиши» (1993), Рўзи Култўра ўғлиниң «Соҳибқироннинг туғилиши» (1993), Қодир Раҳим ўғлиниң «Олоназар-Олчинбек» (2002) достонларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган. 1997 йил Қарши шаҳрида вафот этган.

ДОСТОНЧИ ШЕРНА ҲАҚИДА

1945 йилда бир гурух фольклоршунослар Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида фольклор экспедициясида бўладилар. А. Афзалов экспедиция материаллари асосида «Ўзбек халқ баҳшилари» номли мақолисини ёзиб, фанда биринчи марта Шерна Бердиназар ўғли ҳақида: «Шерна ўз даврининг энг чечан, сўзга бой, санъаткор халқ шоирларидан бўлиб, шогирд етиштиришда ҳам Шернага тенглашадиган устоз бўлмаган. Шерназар шоир Сурхондарё ва Қашқадарё, ҳатто Туркманистоннинг айрим шаҳар ва туманларигача бориб достон айтиб, тингловчиларни хайратда қолдирган. Шу билан халқ орасида ўз достонлари билан маълум ва машхур бўлган... талантли халқ шоирларини тарбиялаб етиштирган» – деб ахборот беради («Шарқ юлдузи» журнали, 1946 йил, 10–11-сон, 141-бет). Қарши давлат педагогика институти талаба ва ўқитувчиларнинг 1953–1980 йиллардаги олиб борган фольклор экспедицияларининг натижалари бу ахборотнинг тўғрилигини тасдиқлаб, Шернани чечан достончи сифатида ҳар томонлама баҳолашга имкон берди, унинг ҳаёт йўли, устоз ва шогирдлари ҳақида янги материаллар қўлга киритилди. Текширишлардан шу нарса маълум бўлди, Шернанинг устози XIX асрнинг улкан достончиси Бобо шоирнинг шогирди Қосим шоир бўлган. Ўз навбатида, Шерна 18 шогирд тарбиялаган. Умуман, XIX–XX асрларда Қашқадарё ва Сурхон воҳасида 200 га яқин халқ достончилари етишиб чиққан Улар ижодкор халқимиз орасида етишиб чиққан қайнар булоқлар эди. Воҳада етишган халқ баҳшиларининг пешволаридан бири Шерна шоирни фольклоршунослардан ҳеч бири кўрган ёки репертуаридаги асарларидан ёзиб олган эмас. Чунки у 1855 йилда туғилиб, 1915 йилда вафот этган. Унинг ҳаёт ва ижод йўли шогирдлари маълумотлари асосида тикланади.

Шерна ҳозиржавоб, ўта билагон, энг эътиборли шоирлардан бўлган. У 9–10 ёшлариданоқ куйлай бошлаган. Нихоят шербодлик Қосим шоирга шогирд тушган. Кейинчалик Шербоддаги на эмас, Сурхондарё, Қашқадарё, ҳатто Тожикистон ва Туркма-

ДОСТОНЧИ ШЕРНА ҲАҚИДА

1945 йилда бир гурух фольклоршунослар Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида фольклор экспедициясида бўладилар. А. Афзалов экспедиция материаллари асосида «Ўзбек халқ баҳшилари» номли мақолисини ёзиб, фанда биринчи марта Шерна Бердиназар ўғли ҳақида: «Шерна ўз даврининг энг чечан, сўзга бой, санъаткор халқ шоирларидан бўлиб, шогирд етиштиришда ҳам Шернага тенглашадиган устоз бўлмаган. Шерназар шоир Сурхондарё ва Қашқадарё, ҳатто Туркманистоннинг айрим шаҳар ва туманларигача бориб достон айтиб, тингловчиларни ҳайратда қолдирган. Шу билан халқ орасида ўз достонлари билан маълум ва машҳур бўлган... талантли халқ шоирларини тарбиялаб етиштирган» – деб ахборот беради («Шарқ юлдузи» журнали, 1946 йил, 10–11-сон, 141-бет). Қарши давлат педагогика институти талаба ва ўқитувчиларнинг 1953–1980 йиллардаги олиб борган фольклор экспедицияларининг натижалари бу ахборотнинг тўғрилигини тасдиқлаб, Шернани чечан достончи сифатида ҳар томонлама баҳолашга имкон берди, унинг ҳаёт йўли, устоз ва шогирдлари ҳақида янги материаллар қўлга киритилди. Текширишлардан шу нарса маълум бўлди, Шернанинг устози XIX асрнинг улкан достончиси Бобо шоирнинг шогирди Қосим шоир бўлган. Ўз навбатида, Шерна 18 шогирд тарбиялаган. Умуман, XIX–XX асрларда Қашқадарё ва Сурхон воҳасида 200 га яқин халқ достончилари етишиб чиққан Улар ижодкор халқимиз орасида етишиб чиққан қайнар булоқлар эди. Воҳада етишган халқ баҳшиларининг пешволаридан бири Шерна шоирни фольклоршунослардан ҳеч бири кўрган ёки репертуаридаги асарларидан ёзиб олган эмас. Чунки у 1855 йилда туғилиб, 1915 йилда вафот этган. Унинг ҳаёт ва ижод йўли шогирдлари маълумотлари асосида тикланади.

Шерна ҳозиржавоб, ўта билагон, энг эътиборли шоирлардан бўлган. У 9–10 ёшлариданоқ қўйлай бошлаган. Ниҳоят шерободлик Қосим шоирга шогирд тушган. Кейинчалик Шерободдагина эмас, Сурхондарё, Қашқадарё, ҳатто Тожикистон ва Туркманистоннинг жанубида яшовчи ўзбеклар орасида ҳам машҳур

бўлиб кетган. Биз Туркманистоннинг Чоршанғи, Тожикистоннинг Кўрғонтепа, Колхозобод, Қумсангил ва Шахритуз туманларида бўлганимизда, у ердаги кексалар, айниқса, ҳалқ бахшилари тўлиб-тошиб Шерназар Бердиназар ўғли ҳақида ҳикоя қиласидилар, унинг дўмбира куйларини завқ билан чалиб берадилар. Достонларини «Шернаники» деб ижро этдилар.

Шерна достонни усталик билан ижро этиш, куйлаш ва кўп билиши билангина эмас, балки шогирд етиштиришда ҳам устоз даражасига кўтарилиган. Жумладан, қашқадарёлик Умир шоир Сафар ўғли (Дехқонбод туманидаги Етимқудуқ қишлоғидан), Ражаб бахши Нормурод ўғли (шу туманинг Тўдачарвоқ қишлоғидан) кабилар Шерна шоирнинг шогирди бўлган. Ҳатто, Омонниёз, Эрка Жўра каби лўли бахшилар ҳам ўзларини «Шернанинг шогирдиман» деб эътироф этадилар. Шерна бахшидан таълим олган дехқонбодлик Ражаб бахши: «Шернага ҳеч ким тенг келолмас эди», деб ҳикоя қиласа, жарқўрғонлик Хушвақт Сафар ўғли: «Шерна тириклигига қирқ кеча қирқ достон айтган. Биронтасини ҳам қайтармаган», – дея таърифлайди.

Шерна ўзининг достон куйлаш санъати ва маҳорати билан тўй-маъракаларнинг гули, мажлис ва йиғинларнинг саркори бўлиб, эл орасида шухрат топган. Шунинг учун ҳам ҳалқ ўзининг севимли бахшиси ҳақида ажойиб ривоятлар тўқиган. Ҳатто уларнинг айримлари афсонавийлашиб кетган. Қашқадарё ва Сурхондарё, ҳатто Тожикистон ва Туркманистоннинг жанубида яшовчи аҳоли унинг доно сўзларини, ибораларини, достонларини ўз қалбида сақлаб, бир-бирига ибрат этиб айтиб юрадилар.

*Бахшининг қадрини ҳалқ билур,
Ҳалқнинг қадрини мард билур, –*

каби мақол тарзидаги ибораларнинг эл орасида кенг ўрин олиши бежис эмас.

Бу ўринда Шернанинг туғилиши ҳақидаги афсона характерлидир. Шернанинг ота-онаси не-не умидлар билан топадилар.

Бироқ Шерна 7–8 ёшларга кирганда ниманидир гапириб, ўзидан-үзи қўшиқ айтиб юради. У эчки боқиб юрганида чўпни дўмбира қилиб, чалиб қолади-да, эчкилари одамларнинг экинларини еб кетади. Отаси эса балога қолади. Бу ҳолни қўрган отаси ўғлини табибга олиб бориб: «Мен бир ўғил кўрдим, у ҳам тентак чикди», – деб табибдан даво сўрайди. Табиб ўғлидан:

– Қаернинг оғрийди, нимага ҳамиша қўшиқ айтиб юрибсан? – деб сўраганда, Шерна:

– Мен етти ердан таом едим, лекин айтмасам, қорнимни бир нарса тирнаб қўймайди, – деб жавоб берибди. Шунда табиб дуо ўқиб, отасига:

– Ўғлингдан хафа бўлма, у шоир бўлади, – деб айтибди.

Шу-шу бўлибди-ю, Шерна ҳамма жойда қўшиқ айта бериб, элга танилган шоир бўлиб кетибди. Ҳатто йўлдан бозорчиларни ҳам ўтказмай қўйибди. У дўмбира чертиб қўшиқ айтса, нариги қирдаги туялар гулдираб ёнига келар экан. Йўлдан ўтаётгай савдогарларнинг от, эшак ва туялари Шерна дўмбира чертиб қўшиқ айтганда, бир қадам нари жилмас экан.

Шернанинг бетида озгина чечак доги бор экан. Шунинг учун ҳам ўзи:

*Шерназар дейди отимди,
Чечаклар бузди бетимди, –*

деб қўшикка қўшиб айтар экан, дея хикоя қиласидилар қариялар.

Тошмурод шоир яна шундай ҳикоя қиласиди: Шерна нима бўлди-ю, Тожикистон томонга бориб қолади. У ерда катта тўй бўлаётган бўлади. Ҳар тарафда ҳар хил қўнгил очар ўйинлар, кураш, пойгалар бўлиб ётади. Шу тўйга юзга яқин шогирди билан Тос номли шоир ҳам келади. У шогирдларини қўшхона (мехмонхона)ларга тақсимлаб юборади. Улар ўша йигинда дoston айтишиб, элнинг қўнглини шод қиласидилар.

Бир мезбон Шернанинг ҳам меҳмон эканлигини билиб, ўша ерлик бир кампирникига юборади. Шерна чидаб туролмайди. Ахир бир дўмбира сўраб олади. Аввал куй чалади. Атрофдагиларни ва ўз аҳволини қўшиб терма айтади. Нихоят, дарёдай тошади. Бир

маҳал кўзини очиб атрофга қараса, тонг отиб, бутун халқ Шернани ўраб олибди. Кўпларнинг кўзида ёш, йиғлаб ётган эмиш. Яхшилаб караса, ўзи келиб кирган қора уй ҳам йўқ эмиш. Чунки Шернанинг достон айтиётганини эшитган одамлар кўпайиб, уйга сифишмай, қора уйни кўтариб, бузиб ташлаган эканлар. Тос номли шоир ва унинг шогирдлари ёнида ҳеч ким ҳам қолмаган эмиш.

Оқкўрғонлик Юсуф Ўтаган ўғлининг (у Шернанинг күёви ҳам жияни – Мардонкул шоирнинг синглисининг ўғли) айтишибча: оқкўрғонлик Маматкул бойвачча ўз шериклари билан кайфу сафо қилиб турганда, Шерна улар ёнида ўтиб қолибди. Улар Шернани тўхтатиб: «Агар сен бизларни йиғлатсанг, 500 танга берамиз», – дейишибди. Шерна шу заҳоти хуржунидан қўлига дўмбирасини олиб: «Мен ҳозир қишлоғингдан келяпман, отонанг дунёдан ўтди, мол-дунё талон-тарож бўлди, сенлар кайфу сафо қиляпсанларми!» – деб куйлади-ю, уларни йиғлатиб, 500 тангасини олиб кетибди.

Қарийб афсона даражасига кўтарилиган бу накллар асосида ҳақиқат бор. Улар Шернани чечан санъаткор, ўткир зеҳнли достончи, давра аҳлининг дидига қараб, унга мосланиб достон, терма куйлай олган баҳши сифатида баҳолашга имкон беради.

Оқарма қишлоғилик (Деҳқонобод тумани) Ҳайн Пиримкул ўғли қуидаги термани Шернага нисбат беради:

*Якка тулки шерга менгзар ўзини,
Турса кийикларга тенглар кўзини.
Ҳеч ким жсўқта катта кетиб талтаяр,
Булам ўзини кийик этмоқда.*

*Калласалар дам уради чўлларда.
Булам дам айлайди жислон жутмоқча.
Мерганлар ўзини чаққон айлайди,
Шер боласини тутмоқча.*

*Калласага сира жислон тутқазмас,
Турса кийик ўлса тулкига жетказмас,
Шер боласи сира ўзини отқизмас,
Пойим керак бул сўзларди билмоқча.*

Аввало, бу терма Махтумкулиниң «Ой кунингиз ботмоқда...» шеърига жуда мос келади. Унинг бир вариантини фольклоршунос О. Собиров Умир шоирдан 1956 йилда ёзиг олган.

Шерна, айниқса, эшонлар, дин ахли, амалдор қозиларни күролмаган, улар билан ҳеч қачон келишолмаган. Масалан: Шеробод бозорида бир гурух ёш-яланг бозорчиларни қози ҳақоратлаётганида:

*Ёккөнлари ёнғоқ бўлур,
Кийғанлари чўнтоқ бўлур,
Ёзган хати лотин бўлур,
Уйинг куйгур қозилар,
Бу кунларинг ботин бўлур, –*

деб куйлаган, – деб сўзлаб берди дехконободлик Бекназар шоир Раҳматов.

Ч. Ҳамроевнинг 1956 йилда Мардонакул шоирдан ёзиг олган бир эсдалигида Шернаниң ҳисорлик шоир Омонтурди билан мусобақаси ҳакида маълумот берилади: Шерна 23 ёшларида Ҳисорда катта тўй бўлармиш, шу тўйга Омонтурди келармиш, деган довруғни эштиб қолади. Шунда Шерна ўн кун аввал Ҳисорга йул олади. Бир ҳисорлик бойга етим бўлиб ишлаб туради.

Ниҳоят, тўй бошланмасдан сал олдинроқ 33 шогирди билан Омонтурди қовчин ҳам келади. Омонтурди достон айтиётганида, пойгакда Шерна ҳам тикилиб туради. Аста-секин сурилиб шоирнинг ёнига бориб қолади. Шоир бир тўхтаганида ўша ерлик қариялар Шернани Омонтурдининг ёнида кўриб: «Сен нега ҳурматсизлик килдинг, чолларни пойгада қолдириб тўрга ўтдинг?» – деб уни ташқарига чиқариб юбормоқчи бўладилар.

Шунда Шернаниң бунчалик кизиқиб тикилиб турганини кўрган Омонтурди ундан: «Исминг нима, қаерликсан, сен ҳам кўшиқ айтасанми?» – деб сўрагандা: «Ҳа, чўпон қўшиқларидан айтиб юраман», – дейди. Қўлига дўмбира тутқазганда:

*Исмимни сўрасанг ўзим гарибман,
Аввалдан эшиитиб қордай эрибман,*

.....
Куч бер, бобо, санам ёра бораман, –

деб жавоб берибди. Шунда Омонтурди:

*Ошиқ бўлсанг, куйиб-ёниб ўтарсан,
Сабр айласанг, ёр қўлини тутурсан,
Илгай берсанг беш юз йилга етарсан.
Беш юз йиллик йўлдир ёрнинг макони.*

*Улим, ошали-ошали тоғдан ошали.
Сен бунда қайнасанг, ундаи тушиали.
Бир паслга хаёл қилган жон болам.
Икковимиз бир майдон гаплашали?*

деган экан.

Бу ерда сўз ўйини бор. Шернанинг сўзларида устозлик қиласангиз, маشاқкатли бўлса ҳам достончи бўламан, сиздан ўрганаман, дейилган фикр айтилса, Омонтурдининг сўзларида уни синаб кўрмоқчилиги англашилади.

Юқорида келтирилган факт ва далиллардан аниқдирки, Шерна Бердиназар ўғли замонасининг етук, камолотга эришган, таҳсинларга сазовор, бой репертуарга эга импровизатор достончисидир.¹

¹ Мақола қўйидаги манба асосида чоп этилмоқда: А. Қаххоров. Достончи Шерна ҳакида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. № 3. 35–38-бетлар.

*Комилжон
ИМОМОВ*
(1930–2013)



Комил Имомов 1930 йил 10 январда туғилган. Филология фанлари номзоди (1968), доктори (1986). Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтида ўқиган (1949–54). Тошкент шаҳридаги 36-сонли ўрта мактабда муаллим, илмий бўлим мудири (1955–60), Тошкентдаги 1-сон ўрта мактабда ўқитувчи (1960–66), ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим (1968–71), катта илмий ходим лавозимида (1971–2006) ишилаган. «Ўзбек сатирик эртаклари» (1974), «Ўзбек халқ прозаси» (1981), «Ўзбек халқ наасри поэтикаси» (2008) каби монографиялар муаллифи. «Ўзбек халқ ижоди» кўпжислдиги туркумида «Олтин бешик» (1985), «Зумрад ва Қиммат» (1988) номли эртак тўпламларини, шунингдек, «Қари наъматак» (1977), «Ўзбек халқ эртаклари» (1981, 1990), «Сеҳрли шамчироқ» (1990), «Дев қиз» (1992), «Минг бир кулги» (1994, 2010), «Сичқон қиз» (1998), «Кенжса ботир» (2000), «Жўёжса билан тулки» (2005) каби эртаклар мажсумуаларни нашрга тайёрлаган. 2 жислди «Ўзбек халқ мақоллари» (1987–88) мукаммал нашрининг тайёрлаши ҳамда «Ўзбек фольклори очерклари» (1988–89) фундаментал тадқиқотининг юзага келишида иштирок этган. «Ўзбек халқ оззаки поэтик ижоди» дарслигининг (1980, 1990) ҳам муалифларидан бири. 2013 йил вафот этган.

ЭРТАКЧИ ВА ЭРТАКЧИЛИК АНЬАНАЛАРИ

Эртакчи шахсининг ижодкор сифатида илк бор пайдо бўлиши, ўтмиш билан боғлиқ шарт-шароит, реал воқеликка муносабатдан бошланган ва унинг белгиси сифатида юзага келган. Шаклланишида шомонлик, Кўркут ота, қабила, уруғга мансуб сўзамол, доно оқсоқолларнинг катта таъсири кучли бўлган. Эртакчи – эртак кашф этувчи, санъаткор. Айни пайтда, тажрибали ижодкор, эртак анъаналарини яхши билган, чечан, хуштаъб, ҳазилкаш ва қизиқчи. Шеър тўқишига мойил, сўз ва образ маъноларига амал қилиб, жонли нутқи, равон тили билан эртак айтиш услубига эга бўлган истеъдодли шахс, эртакларни таъсирчан, ўзига хос шаклшамойилига эга бўлган асар даражасига кўтариш, авлодданавлодга олиб ўтишда самимий хизматлари беназир, тенги йўқ улуғ зотдир. У ранг-баранг мавзуи, таълимий-маиший ғоялари, фантастик кўлами, тилем, мўъжизага бой, жозибали, образли, сирли мотив, анъаналар замирида қурилган оғзаки насрга мансуб эртакларнинг яратувчи, асосчисидир.

Эртакчи – қалбни овутиш, шод этиш, хаёл оғушига олиб кириш, фантастик ҳодисалар мазмунини ҳис этиш, сезиш, англаш, завқланиш, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ҳисса қўшиб, турли хил ахлоқ нормаларини кузатиш, фарқлашга ўргатувчи муаллим, таълимий-эстетик завқ берувчи санъаткордир. Дарҳақиқат, талантли эртакчидан эртак тинглаш ҳам завқли, ҳам мароқли, айни пайтда, у – эртак айтиш салоҳияти етук ижодкор, ахлоқ ва одоб хақида нақл этувчи beminnat хизматкор.

Истеъдод эгаси яратган, ижро этган эртаклар ноёб аталади. Бу хил эртакларнинг ҳар бири нафис, бадиияти гўзал, ёқимли, таъсирчан, санъат асари, доимий барқарор белгилари, хусусан, воқеа-ҳодисаларни ўзаро мантиқан боғловчи, тайёр қолипга айланган формуласаларнинг аниқ ва ёрқин, баркамоллигини таъминловчи турли хил тўқнашувларни белгиловчи инициал, медиал ва финал формуласалар ғоят гўзал, таъсирчан ифодаланган. Шунингдек, турли хил фикр, нутқни изоҳловчи бадиий шакллар, йўлнинг мислсиз узоклигини белгиловчи тайёр жумлалар ёки шу йўлни

фантастик тезлиқда босиб ўтишни нақл этган элементлар, учиш тезлигини аникловчи деталлар, таянч нукталар, воқеаларни жамловчы анъаналар, тилсім мұйжизаларини ифодаловчы бадий фигуralар тингловчига завқ улашади. Фантастик вақт ўлчовини ифода этган тафсиллар, тайёр формулалар қадимда мохир, атоқли ертакчилар гурухининг мавжуд бўлгани ва бадий маҳоратидан дарак бериб туради.

«Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подио бор экан, давлат унга ёр экан, қўшилари кўп экан, юртдан кўнгли тўқ экан, эли кўп обод экан, подио таянч-у, шод экан, адл унга ҳамроҳ экан», «Бир бор экан, бир йўқ экан, қарга қақимчи экан, чумчуқ қақимчи экан, гоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, тошибақа тарозидор, қурбақа ундан қарздор экан», «Хап саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим», «Қараса, туя олдида суюқ, ит олдида ҳашакмииш», «Темирдан ҳасса, пўлатдан ковуш кийиб қидирасан, ҳасса игна бўлганда, мени топасан, деб гойиб бўлибди». «Олдиларидан уч йўл чиқибди, бири «Борса келар», иккинчиси «Борса хатар», учинчиси «Борса келмас» экан. Каттаси «Борса келар»га, ўртанчаси «Борса хатар»га, кенжаси «Борса келмас»га қараб жўнаб кетибди». Бу хил бадий тафсил, тайёр формулалар қадимда истеъдодли ва атоқли ертакчилар анъаналари мавжудлигидан дарак беради.

«Ой деса, оғзи бор, кун деса қўзи бор, ширинданд шакар сўзи бор, ўнг бетида чапараста ҳоли бор, неча алвонлар кийган, қирқ кокилга дурру жавоҳир таққан бир паризод ўтирибди», «Семуре нафасидан бўрон қўзгалиб, оҳидан чақмоқ чақилиб, қўз ёшидан жала қуолиб келибди» каби ўзига хос фантастик образлар тизими талантли ертакчиларнинг етук салоҳиятини тавсифлайди.

Қобилиятли ертакчи, аввало, ўзи айтадиган ертакни ёд билади, унинг сюжет тузилиши, айниқса, тайёр қолипга айланган бадий формула, детал, анъаналарни тушунади, ниҳоят уни турли хил оҳангда, маҳорат билан ижро этади, муҳими, анъанага амал қиласи, ертакка ижодий ёндашади. Баъзан у тушиб қолган, бироқ мазмунга мос эпизод, мотивларни топиб айтади. Бу нарса ертак асоси ғоявий мазмунини бузмайди, аксинча, тўлдиради, мукаммаллаштиради, ертакнинг завқли, фусункор, сермаъно

чиқишини таъминлайди. Агар эртакнинг эсда қолганини ҳикоя киладиган ижрочи айтса, сюжет воқеаларига мансуб деталларнинг тушиб қолиши ёки баъзи ҳодисаларнинг ўрин алмашуви, ёки эпизодларни унтиш ҳоллари учрайди. Бу эса унинг мазмунмоҳияти ва бадиий таъсир кучининг саёзлашувига олиб келади.

Эртак айтиш касб-корига айланган моҳир эртакчи, таълимдан дарс берувчи муаллим, уста санъаткор сифатида эъзозланган.

Талантли эртакчилар ўзига мос, мустақил репертуар, эртак айтиш услубига эга бўлган. Қизиги шундаки, баъзи бирининг ўзи ёқтирган эртакларнинг образ ва ҳатто мотивлари ўша эртакчининг айнан табиатидан униб чиққандек ифодаланган. Бу шуни кўрсатадики, эртакчи қаҳрамонлик, сехрли-саргузашт эртакларни ёқтириб, уни жонли ва маҳорат билан ижро этса, иккинчиси ҳайвонлар ҳақидаги эпос, рамзий эртакларни қойилмақом қилиб айтади. У бўри, эчки, тулки янглиф овоз чиқариб, ҳаракат билан ҳикоя қиласди. Учинчиси эса ҳажвий эртакларни завқланиб, латифа, лофларни жўш уриб нақл этади. Щубҳасиз, бундай ҳолат, у ёки бу эртакчининг табиати, кундалик иш тартиби, дунёқараши, эртак айтиш манерасидан, тингловчи билан муносабати эса, маҳоратидан келиб чиқади.

Мен кўрган, чўпчагини эшитган завқли санъаткор эртакчилардан бири – қўқонлик Нурали Нурмат ўғлидир. У истеъододли, хуштаъб, салмоқдор, ширали овоз билан, матални қизиқчиликка буриб айтадиган, ярим кулги, ёқимли овоз, қизиқ ҳаракатлари билан киши эътиборини жалб этадиган эртакчи.

У ўзига хос ижро услубига эга. Нурали ҳикояни сажъда айтиш қобилияти билан машхур. Бу нарса унинг ижро ритмикаси, услубини белгилаган. Сажъда, қофияли насрда айтилган эртак воқеаларининг ранг-баранг оқими, ўзига мос маром, оҳангдорлигини таъминлаб, жалб этган, таъсир кучини ошириб, енгил юмор, мулойимликни касб этган. Унинг ижросидаги эртакларда Нурали шахси, қизиқчи, масхарабозликка мойил хусусиятлар акс этиб туради. «Бой бўлай, лой бўлай, косада қолган мой бўлай, қайнаб совиган чой бўлай, хумчадаги мой бўлай» каби қофиядош жумлалар тизими эртакчининг маҳорати, тили, стилини белгилайди. У эртак бошламаси, хусусан, туталламанинг

сажъдаги ижроси комик қаҳрамон табиати, характер, хусусиятини ёритади. «Аккон экан, дуккон экан, Абдурасул деган қизиқ киши чиқкан экан, янтоқ гулин чеккасига таққан экан» ёки тугалламада енгил юмор яратиб, салбий типни белгилайди: «овқатни олиб чиқиб, идишига солиб чиқиб, меҳмонга егизиб, оллоху акбар, дегизиб, кеткизиб, нарироққа етказиб, қутылган экан».

«Лаққа шиқилдок» лақаби билан машхур бўлган Нурали қизиқ Тошкентда яшаган. У, асосан, ҳазил-хузул, ҳажвий эртаклар айтган. Қизиги шундаки, у турли хил кўз бойлағич, «Лайзон гул» аталган қўгиричоқ ўйинини қўшиқ қилиб, ижро этиб, ўйин давомида қулгили, ҳажман кичик, оғзаки ҳикояларни қизиқчилик орасига қистириб юборарди: «Қовунполизнинг нарёзида бир катта кана, қовун эккан одам қовун пишмаганига хафа», «эчки аччиғи келиб, ипни узиб, охурни бузиб аразлаб кетиб қолди, бир чет далаға етиб қолди». Моҳир эртакчи сюжетга қараб шеърий парчалар тўқиган, қўшиқ қилиб айтган, монолог, диалогни ҳажвий оҳангда, қулгили ҳаракат, имо-ишорага боғлаб айтган, комик қаҳрамон ҳолатини жонли, ҳаяжон билан ифодалашга ҳаракат қилган. Ўрни билан у турли хил овоз чиқариб, мимика, ҳаракат билан, чеккасига гул тақиб, гоҳ аёл овозда ёқимли нутқ сўзласа, гоҳ ўта шум, айёр калга айланиб, ҳазил қиласди. Унинг ҳар бир нутқ, ҳаракати ўзи айтаётган эртак персонажи билан узвий боғланиб, уйғунлашади. «Эшон хотин сўзига кираверма, ундей қиласиқ, бундай қиласиқ – деб маслаҳатлашма, сирни айтма, яхши эмас, эр деган хотинни писанд қилмай, қовоқ солиб юриши керак, – деб кўрсатади. Айёр кал: – Эшон бобо, Эшонга бир қўй берай, – деб кўнглимдан чиқариб айтган эдим. Мен кириб хотинимга, – Эшон бувага қўйнинг қайсинасини берай, – деб сўрасам, хотиним: – Семизини беринг, деди. Семизини берай десам, сиз хотин билан бемаслаҳат иш қил деб эдингиз».

Нутқнинг бирида маккорлиқ, мунофиқ, риёкорлиқ, иккинчи сида тўғрилиқ ҳазил, фош этувчи ҳажвий оҳанг, қочирим, киноя сезилиб туради. Ҳар иккисининг имо-ишораси билан қўшилган нутқий хулосаси бир нарсани, доголи эшон киёфасини ёритишга йўналтирилган. Доно, тадбиркор кал нутқи аччиқ қулги, ҳаракат ва ҳолат комизмини ташкил этади. Баъзан эртакчининг ўзи ко-

мик қаҳрамонга айланади: Бу нарса, енгил, хушчақчақ юмор кашф этади. «Шу түқай ичидә уч мерган, топганини ҳар кимга берган, түқилиб қолса терган, қуличини керган, бирининг оти Эрган, бирининг оти Шерали мерган, бирининг оти Нурмат ақанинг ўғли Нурали Нурган, гапни ҳар ёқقا бурган экан». Бу хил бадий түқималар унинг улкан истеъдодидан дарак беради.

Ижодкор эртакчилардан яна бири Ҳусан Худойберди ўғли эди. У сувоқчи ўтган, қийин замонда оғир ҳаёт кечирган. Шунинг учун бўлса керак, унинг эртакларида ҳаёт машаккати, камбағаллик, ночорлик, ёвузлик, шафқатсизлик, зулм ва зўрлик сиёсатига қарши чиқиш ғоялари, эртак қаҳрамонида ҳаяжонли ҳаракат, ачинарли муносабатлар акс этиб туради. Эртакчи сехрли эртакларни маҳорат билан ижро этган. У эртак айтиш йўли, усулини косонлик уста Эсон сувоқчидан ўрганганд. Истеъдодли эртакчи сехрли эртакларнинг қадимий, энг гўзал классик намуналарини билган, завқ билан ижро этиб, бизгача олиб келган моҳир эртакчилардан бири бўлган. У инқилобдан кейин темир йўлда ишчи бўлиб ишлаган, шу йиллари у ишчилар ўртасида «эртакчи» аталиб танилган, хурмат қозонган. Ҳусусан, эртакчи нақл этган «Булбулигўё», «Маликаи Ҳуснобод», «Камбағал қиз», «Камбағал қашшоқ», «Озодачехра», «Уч ёлғондан қирқ ёлғон», «Кенжা ботир» каби бадиий жиҳатдан етук, ажойиб эртаклар машхур бўлиб, шуҳрат топган. Уста Ҳусан айтган эртаклар ғаройиб, анъанага бойлиги, равон, лирик оҳангдорлиги, тилсимотнинг ранг-баранглиги, образли ифодалар, барқарор формула, муболага, истиора, ўхшатиш, сифатлашларга бойлиги билан ажралиб турган.

Абдугофир Шукуров эса Қашқадарёда машҳур, моҳир, «эртакчи» номини олган истеъдод соҳиби. У нисбатан бўйчан, ўйчан, босик, ўта ёқимли овоз¹ билан эртак айтган. Бу эртакчи Қашқадарёнинг Китоб шаҳридан. У содда, майин ва босик, қишлоқча кийинган, ўта ақлли, камгап, эшитганини эслаб қолиши кудрати кучли, талантли эртакчи. У подачи, молбоқар, қоровул,

¹ Ушбу мақола муаллифи эртакчини 1969, 1978 йиллари Қашқадарёга уюштирилган фольклор экспедициясида кўрган, уйида бўлиб, эртак ёзиб олган.

ниҳоят фаррош бўлиб ишлаган. У эртакларни бувисидан эшигган. Бувиси талантли эртакчи ўтган. Ундан эртак айтиш, ҳикоя қилишни ўрганган. У ўн олти ёшидан бошлаб эртак айтади. Унинг ижро этган эртаклари характер эътибори билан қаҳрамонлик ва паҳлавонликни мадҳ этади. У юздан ортиқ эртакни ёд билган. Абдуғофир отадан сеҳрли-саргузашт эртаклар ёзиб олинган. У киши эртак айтиш анъанасига амал қиласди, эртакни кеч кириб, қоронғу тушганда айтади. Ижро жараённида у қўл ҳаракати, турли хил овоз оҳангларида, шошмай, текис, равон ҳикоя қиласди. Ундан асарнинг айрим қисмини сўраганда, у айнан ўшани қайтариб эсга соларди, янглишмай, келган жойидан давом этарди. Ўрни билан сирли кулиш, маънодор қараш қиласди. Эртакнинг қизиқ жойида тўхтаб, чой ичади, атрофга қараб қўяди. Эртакчи кўпроқ паҳлавон қудрати, марду майдон қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилишни ёқтиради, аждар билан жанг мотивини кўтаринки руҳда нақл этади. Ҳикоя қилинган эртакларнинг ҳаяжонли чиқиши эртакчининг маҳорати, таланти билан алоқадордир. Чунки бу хил типдаги эртакчилар ижроҷигина эмас, истеъдодли ижодкор ҳамдир. Эртакчи эртак фабуласини сақлаган ҳолда, ўрни билан образ ёки ижтимоий ҳодисалар акс этган эпизодлар мазмунини бўрттиради, тўлдиради, бадиий жиҳатдан кучайтириб, ҳар бирига лирик жумла, шеърий парчалар қистириб, мукаммал тавсифига эришади, сюжет тузилишини ташкил этган мотив, персонажларга бадиий ранг, безак беради, уларни бойитиб, таъсир кучини оширади, қиёфани тўлиқ ёритишга эришади. Эртакчи эртак давомида тингловчилардан узоқлашмай, уларнинг фикри, мақсадини англашга ҳаракат қиласди¹. Талантли эртакчи эртак айтганда, аввало, сюжет воқеаларига аҳамият беради. Унинг мазмунига маҳаллий табиат, ўрин-жой номларини сингдириб юборади. Айниқса, реал, мавжуд боғларни тўлик, мукаммал чизишга эътибор берган: «Гуллар очилиб булбуллар сайраган, сув остига себаргалар ўrnаган». «Алвон турли мевалар пишиб, булоқ мавжур ириб турибди, боянинг ўртасида шосупа». Жазирама чўл образли ифодаланган: «Куши учса, қаноти, одам юрса, оёги куяр ерлар». Миллий кийим, урф-одатларни мукаммал ёритади: «Қиз

¹ Азадовский М. К. Статьи о литературе и фольклоре. – М., 1960. – С. 18

*маҳсисини кийиб, паранжини эгри ёпиниб йўлга тушиди», «пахса давол урадиган даволзанинги топинг». Бу хил бадиий детал, образлар воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаётий, айни пайтда миллий бўёкларда намоён бўлишига имкон беради. Тажрибали эртакчи аввало анъанага, тилсум воситалари, мўъжизага эътибор беради. Ҳаётий уйдирмалардан ташкил топган воқеа ва ҳодисалар қисқа, бироқ лўнда, мазмунан тўлиқ ифодаланган. «Паризод бир силкиниб, оёғи қизил маржон, қаноти лаълу жавоҳир, тумшуғи забаржаддан бир каптар бўлибди». Етакчи қаҳрамон кечинмалари хаёлий уйдирмаларда, образли ифодаланган: «*Киз оҳ урди, оғзидан бир парча ўт чиқиб ерга тушиди*», «*қиз кулса гул, ииғласа дур сочилибди*». Ўхшатишнинг ажойиб намуналари салбий белгиларни аниқлаб юмор яратади: «*Қараса, қўзининг энг кичик шилтиги бут, қора қўнгиздайдай*». Баъзан у сирлилик касб этади: «*Тўрт дона олма бир пуд тошдек, етти хил товланади*». Эртакчи қаҳрамоннинг ғазабга тўлган кайфиятини образли ифодалайди: «*Шаҳзода чарви еган мушукдек, қўзи йилтилаб кўп афсус еди*», «*Бой игна еган мушукдек тиришиб, икки қўлни гирра қилди*», «*Подишоҳзода бир оҳ тортди, гўё ҳаммом ёрилди*», «*Қараса, парилар терак баргидек қалтираб турганмиши*». У гоҳо муболага, гоҳо мўъжиза қўллаб воқеаларни бўрттиради, ойдинлаштиради. «*Қозоннинг тенасига келиб қараса, кирлигидан у қулоги бу қулогига етай деб қолибди*». «*Ургуни эрта билан экиб пешинда кўрса, олма буқоқ бўлибди*». Моҳир эртакчилар томонидан қўлланган мўъжиза, бадиий мотивлар, фигура, образ яратади, руҳий кайфиятни белгилайди. «*От саҳрого қараб қулогини қалам, думини алам қилиб кетди*». Бадиий фигуralар эртак характери, тилсум мўъжизаси тавсифига бўйсундирилган, воқеа ва ҳодисаларга жон киритган, образлийкни яратган: «*Шароп томогидан*» «лиқ» этиб ўтган ҳар бир қароқчининг жони «тирт» этиб чиқаберди». Кўринадики, тайёр формула, бадиий деталлар маҳорат белгиси сифатида пайдо бўлган. Бу нарса эртакларнинг таъсири кучини оширган, конкрет образ яратишга ҳисса қўшган. «*Подишо, жаллод!!! – деди. Етти жаллод, мурғи саловат, қиличим бурро, забоним гўё, кимнинг ажали етди. Пойқадамиз офтобни сояга етказмай бош кесамиз, деб қўл қовушириб турдилар*».*

Ҳар бир детал, бадиий тасвир воситалари, сирли ҳаракат ва муносабатлар эртак мазмунини түлдириб яхлитлаштиради, таъсир кучини ошириб эртакона шакл яратади. Мазкур эртакчилар асосан сөхрли ва майший эртакларни маҳорат билан ижро этишган. Эртак номлари қатъий, эртакчилар томонидан кўйилган номлардир. Ҳар бир моҳир эртакчи асардаги архаик сўзларга эътибор берган, уии тавсиф билан таъминлашга ҳаракат қилган.¹

¹ Ушбу мақола муаллифнинг «Ўзбек халқ насли поэтикаси» (Тошкент: Фан, 2008) номли монографиясидан олинди.

*Мұхсин
ҚОДИРОВ*
(1932–2015)



Мұхсин Халилович Қодиров 1932 йил 10 марта Шаҳрисабз шаҳрида туғилған. Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтида ўқиган (1950–55). Шаҳрисабз театрида бош режиссёр (1955–56), Шаҳрисабз туманидаги 14-ўрта мактабда ўқитувчи (1956–57), Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида кичик илмий ходим (1957–58), катта илмий ходим (1961–64; 1966–76), Театр ва хореография бўлимининг мудири (1976 йилдан) вазифаларида ишлаган. Тошкент давлат санъат институти ректори (1996–98). «Анъанавий ўзбек театри ва унинг ўзбек театрининг шаклланишидаги роли» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлаган (1976). «Ўзбек ҳалқ оғзаки драмаси» (1963), «Юсуфжон қизиқ ижоди» (1969), «Ўзбек ҳалқ театрни» (1970), «Масҳарабоз ва қизиқчилар санъати» (1971), «Ҳалқ қўғирчоқ театрни» (1972), «Ўзбек театр анъаналари» (1976), «Ўзбекский традиционный театр кукол» (1979), «Ўзбек ҳалқ томоша санъати» (1981), «Темур ва темурийлар даврида томоша санъатлари» (1996), «Томоша санъатлари ўтмишида ва бугун» (3 жилди, 2011) каби китоблар муаллифи. 2015 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

ҚҰҒИРЧОҚ ЎЙИН

Ўзбек анъанавий құғирчоқ театри «құғирчоқ ўйин» деб юритилган. Ундағи ижрочи эса Алишер Навоий даврида «қовурчоқчи» (яғни құғирчоқчи), кейинроқ «құғирчоқбоз» деб аталған.

Құғирчоқ ўйин ҳалқ байрамлари ва маросимлари муносабати билан Ўзбекистоннинг шаҳар, қишлоқларида катта регистон ва сайлгохларда уюштирилған анъанавий бадиий программаларнинг таркибий қисми билан боғланиб кеттән санъатдир. Умуман, ҳалқ томоша санъатини белгилаб келгән демократик рух, оптимизм, томошавийлик құғирчоқ ўйинга ҳам хос. Құғирчоқ театри, айниқса, ҳалқ профессионал театри бўлмиш «масхара» ва «муқаллид»га яқин.

Маълумки, масхара ва муқаллид театри бир замонлар ниқоб театри бўлған. Масхарабоз ва қизиқчилар баъзан ҳозир ҳам ниқоб ишлатишади. Ҳалқ актёрлари ўз томошаларида ниқоб ишлатганларида гүё құғирчоқка айланғанлар, чунки улар гоҳ котиб, гоҳ жонланиб турувчи саҳнавий құғирчоқ воситаларини ишга солишга мажбур бўлишган. Шу ўринда машхур рус құғирчоқбози Е. В. Сперанскийнинг қўйидаги сўзларини эслатиш жоиздир: «Оддийгина карнавал ниқобини кийган одам – ярим құғирчоқ дегандай гап. Агар бунинг устига у актёр бўлса, құғирчоқбозга айланади, чунки у жонсиз ниқобни жонлантиришга ҳаракат қиласр экан, «құғирчоқ усули» билан яхшироқ ўйнайди».¹ Масхарабозлар ниқобсиз ўйнаган пайтларида ҳам құғирчоқ театрига яқин турғанлар. Ҳажв ва ҳазил, шартлилиқ, бадиҳагўйлик, томошавийлик каби ижодий принциплар иккала театрга ҳам баробар тааллуқлидир. Қаҳрамонларидан бири құғирчоқ бўлған спектаклларни намойиш қылғанларида эса масхарабозлар ҳам құғирчоқбоз, ҳам корфармон вазифасини бажариб, ўзига хос құғирчоқ томошасини майдонга келтирғанлар. Бугина эмас. Келиб чикиши, меҳнат ва турмуш шароити, уста-шогирд муносабатлари, жамиятдаги ўрни, вазифа ва муддаолари, майл ва интилишлари билан ҳам масхарабозлар билан құғирчоқбозлар қондош, ҳамкору ҳамдаст бўлишган. Шу сабабдан осонгина мас-

¹ Сперанский Е. Актёр театра кукол. – М., 1965. С. 73.

харабоз қўғирчоқбозга корфармонлик қилиб, қўғирчокбоз мас-харабознинг томошаларига аралашиб кетаверганлар.

Аммо бу билан биз масхарабозлик билан қўғирчок ўйинни бир хил санъат демоқчи эмасмиз. Улар ўртасида зикр қилинган муштаракликлар билан бир қаторда жиддий специфик айрма-лар борлигини унутмаслик керак.

Қўғирчок театри спецификасини белгиловчи асосий фарқ шундан иборатки, бошқа театрларда қаҳрамонлар қиёфасида ак-тёрларнинг ўзлари кўринса, бунда ижрочилар томошабинларга пинхон қолгани ҳолда қўғирчоқ – персонажлар намоён бўлади. У ўз қадди-қомати, актёрлик маҳоратини бевосита намойиш этишдан маҳрум.

Бутун қобилияти, билими, ҳатто ҳусни латофатини қўғирчоқ-қа бағишилайди. Шу билан бирга, қўғирчоқбоз айни чоғда драматик актёрга нисбатан бир қанча афзаллик ва имтиёзларга эга. Чунончи, қўғирчок театри учун бўй, қад, ёш, жисмоний камчиликнинг аҳамияти бўлмагани сабабли бунда қобилияти тўғри келса ёши ўтган актриса қизча ролини, семиз актёр шаҳзода ролини, оқсоқ киши баҳодир ролини роҳат қилиб ўйнайверади: ориқ ижрочи семиз қўғирчоқ – персонажни, пакана алп қоматни, қиз чолни, бола кампирни бемалол олиб чиқаверади. Қўғирчоқ театрининг шарти шу – истеъдод...

Ўзбекистон териториясида қўғирчоқ театри турли (айниқса, аждодларни эслаш) маросимлар билан боғлиқ ҳолда жуда қадим замонларда пайдо бўлиб, эрамизнинг V–VII асрларидаёқ му-каммал санъат сифатида таркиб топиб, қўшни мамлакатларда ҳам ушбу халқ томошасининг ривожланишига яхши таъсир кўрсатган...¹

Тахминан IX асрда Ўзбекистон қўғирчоқбозлари маъқулланган маҳсус рисолага² эга бўлиб, унда ўз санъатлари ва ижти-мойи вазифаларини қонунлаштириб олдилар. Албатта, рисола

¹ Ушбу масалалар М. Кодировнинг «Узбекский традиционный театр ку-кол» (Тошкент, 1972) китобида батафсил ёритилган.

² «Рисолаи қўғирчоқ» (айрим қисмлар). Уни 1940 йилда Х. Комилова қў-конлик қўғирчоқбоз Фоуржон Мирзараҳимовдан ёзиб олган. ЎзММСИ фонди. Ишв. 57. Кн. 2, № 55.

қўғирчоқбозларга маълум эркинлик бериши билан бир қаторда уларни муайян қатъий қоидалар исканжасида тутарди [...].

Аммо ҳалқ қўғирчоқбозлари рисола талабларига ҳамма вақт ҳам бўйсунавермаганлар. Улар оғзаки драматургия асосида иш олиб борганлар. Оғзаки анъанани эса тафтиш қилиш, бошқариш жуда қийин. Шунинг учун ҳам қўғирчоқбозлар кўп ҳолларда мотамсаролик, мутеликни эмас, курашиб, завқ олиб, тўлақонли яшашни тарғиб қилиб рисолага тамомила зид позицияни ишғол этиб турганлар.

XI–XII асрларда кўғирчоқ театри Ўрта Осиёда интенсив ривожланади. Айниқса, асосий қисми ўтроқ ҳаёт кечиравчи, асан, хунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи ўзбеклар ва тожиклар орасида бу санъатнинг қарийб барча турлари танилган эди.

Мўғуллар истилоси Ўрта Осиё ҳалқларининг бутун ижтимоий, маданий-бадиий ҳаётига катта зарба бўлиб тушди. Кўпгина олимлар, шоирлар, соз ва томоша ахли қўшни мамлакатларга кетиб қолди. Аммо кўғирчоқ театри, шароит қанча оғир бўлмасин, яшашда давом этди.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида санъатнинг барча шакл ва турлари кенг тарақкий йўлига тушиб олди. Айниқса, XV асрда ўзбек адабий маданияти юксак чўққиларга кўтарилади. Бу даврда тарих майдонига чиққан ва оламга танилган сон-саноқсиз олимлар, шоирлар, меъморлар, мусаввирлар, наққошлар, хаттотлар, хонанда, созанда ва бозандалар шундан гувоҳлик беради.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» номли суфистик трактатининг «Дар шархи лўъбатбозон» деган олтинчи боб иккинчи фасли батамом қўғирчоқ ўйинига бағишлиланган... Кошифий ўз рисоласида XV аср ва XVI аср бошларидаги Ҳирот ва умуман, Ҳурсон қўғирчоқ театрининг турлари, қўғирчоқбозларнинг маҳорати, томоша техникаси, ҳатто тема ва сюжет доираси бўйича бебаҳо фактик материаллар беради.

Қўғирчоқ театрининг турлари тўғрисида Ҳусайн Кошифий қўйидагиларни ёzáди: «Агар лўъбатбозликнинг хусусияти нима деб сўрасалар, хайма (чодир) ва пешбанд деб жавоб бер. Хайма

билан кундузи, пешбанд билан кечаси томоша бериш мумкин. Пешбанд деб бир сандыққа айтадиларки, унинг олдида хаёл ўйини кўрсатилади. Кундузги ўйинда қўгирчоқлар қўл билан ҳаракатга келтирилади, кечкурунги ўйинда эса бир қатор иплар билан ҳаракатга келтирилади». Аниқ кўриниб турибдики, автор ўзи яшаган даврда қўгирчоқ театри икки турдан, яъни қўл билан ҳаракатга келтирадиган ва чодир саҳнада кундузи ўйнатиладиган ҳамда иплар воситасида сандық олдида кечкурун ўйнатиладиган қўгирчоқ томошаларидан иборат эканини қайд қилмоқда. Афсуски, бу турлар нима деб аталгани айтилмаган. Аммо шундай бўлса-да, жуда ойдин ва тушунарли қилиб берилган таърифга асосланган ҳолда иккиланмай айта оламизки, бу бизнинг асримизгача етиб келган ва бир даража Навоий ҳам қайд қилган «Чодир хаёл» ва «Чодир жамол» турларининг ўзгинасиdir.

Кошифий қўгирчоқ театрининг турларини аниқлаш биланги на чекланиб қолмайди, балки ҳам бир тур томошаси ва сюжетига ҳам ишора қилиб ўтади. Чунончи, «Чодир жамол»га оид қўйидаги сўзлар шу жиҳатдан жуда муҳимдир: «Савол-жавоб асносида хусумат қилиб, улар (бир эркак ва бир жувон қиёфасидаги қўгирчоқ – персонаж тўғрисида гап бораётир – М. К.) жанжаллашди, сўнг бир-бирини уришди ва пировардида сулҳ тузишга машғул бўлишди». Бу Ўзбекистонда жуда кенг тарқалган ва шу кунгача халқ қўгирчоқбозлари томонидан намойиш қилиб келинаётган «Полвон Качал саргузаштлари» комедиясининг Полвон Качал билан хотини Бичахонимнинг кулгили бир вазиятда жанжаллашиб қолишлари эпизодидан бўлак нарса эмас.

Иплар билан бошқариладиган тур томошасининг мазмунини қайд қилиб ўтганимиз «пешбанд деб бир сандыққа айтадиларки, унинг олдида хаёл ўйини кўрсатилади» деган жумладан англашимиз мумкин. Демак, қўгирчоқ театрининг бу тури хаёлий, бошқача қилиб айтганда, афсонавий-фантастик мавзуларни кўрсатиш билан машғул бўлган. Қўйидаги жумла ҳам шу фикрни тасдиқлайди: «Агар пешбанд нимага ишорат қиласи деб сўрасалар, айтгинки, ғаройибот ва ажойибот сандигига ўхшаш киши қалбигаким, ҳар замон у кишининг бирор сифати ёки ахволини

ҳаракатга келтиради, деб жавоб бер». Бунда ҳам пешбаннда күрсатиладиган томошанинг «ғаройиб» ва «ажайиб»лиги таъкидлаб ўтилган. Кошифий томонидан томоша мазмунини изоҳлашда ишлатилган «хаёл» сўзи ўша пайтдаёқ тур атамасини ҳам билдирган, деб ўйлаймиз. Бундан келиб чиқадики, «Чодир хаёл» XV аср ва XVI аср бошида ҳам афсонавий воқеаларни намойиш этиб келар эди. Ҳусайн Кошифий қўғирчоқбоз – лўъбатбозларнинг маҳорати хусусида ҳам ажайиб маълумотлар ёзиб қолдирган. Фаслнинг бошидаёқ, қўғирчоқбоз томошасидан ҳайратга келиб, шундай дейди: «Бир куни бир лаҳв (ўйинчи маъносида – М. К.) ҳангомасида ҳозир бўлдим, бошига чодир тортиб ва ундан икки сурат (қўғирчоқ) кўрсатиб ўтирган кишини кўрдим. У гоҳи эркак овози билан бир сурат тилида савол берарди, гоҳи бошқа сурат тилида қизнинг ингичка ва нозик овози билан жавоб қайтарарди. Ҳолатини ўзгартирмасдан сўзларни чунон айтардики, (икки суратнинг) ҳар хил овозда айтилган овози ва жавобларини (бемалол) эшитмоқ мумкин эди... Бу ҳаммаси чодир ичидаги кишининг қавлу феъли (сўзи ва ҳаракати) эдик, мен бунга таажжубландим». Изоҳнинг ҳожати йўқ. Кошифийнинг таажжубланиши, қойил қолишида асос бор. Тавсифдан очиқ кўриниб турибдики, Навоий замонидаги қўғирчоқбозлар чиндан ҳам зўр маҳорат эгаси бўлишган экан. Ахир бир кишининг ҳам аёл, ҳам эркак тилидан гапириб, жонли ва табиий диалог ҳосил қилиши маҳорат чўққиси, етуклик эмасми? Биз билган машҳур қўғирчоқбозлар ва уларнинг ота-боболари ҳам аёл билан эркак қўғирчоқ – персонажларнинг тилини бера олмаганлар, тил тагига маҳсус мослама пластинка – сафил қўйиб гапириш уларни бу имкониятдан маҳрум қилиб қўйган. Бундан чиқадики, Кошифий замондоши бўлган қўғирчоқбоз сафилдан фойдаланмаган, ўзининг табиий овозини ишга солиб, персонажларнинг нутқий ҳарактеристикасини беришда катта ютуқларга эришган [...].

Яна шу нарса ҳам маълумки, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг маълумотлари ўша замонда қўғирчоқ театрининг ҳар қайси туррида томоша техникаси қандай бўлганлиги, қандай воситалардан фойдаланилганлиги аниқ тасаввур этишга ёрдам беради. Кундузи кўрсатиладиган қўғирчоқ театррида ўйинчи бир жойда ўтирган

(ёки турган) ҳолда ҳолатини ўзгартирмасдан маҳсус чодир-саҳна ичига кириб, ҳар сафар икки кўлига иккитадан қўғирчоқ кийиб, уларни чодир айвонига чиқариб ўйнатган. Буни юқорида бошқа масалалар муносабати билан келтирилган қўчирмаларда яққол кўрамиз. Кечкурун қўрсатиладиган қўғирчоқ театрининг техникаси ҳам, воситалари ҳам бутунлай бошқача. Унинг саҳнаси қўғирчоқбоз кийиб оладиган чодир (хайма) эмас, балки сандиқ (пешбанд)дир. Бу ўринда сандиқ деб катта тўрт бурчакли сандиққа ўхшатиб маҳсус ясалган саҳна назарда тутилмоқда, албатта. Афтидан, бу сандиқ – театрининг томоша пайтида олди томони ва томи очилган, бошқа вақт унинг ҳамма томони беркилиб, унда қўғирчоқлар ва бошқа асбоблар жойлаштирилган. Қўғирчоқбоз томошабинга қўринмаган ҳолда бир неча жойидан иплар билан боғланган қўғирчоқларни тепадан тушириб ўйнатган [...].

Кошифий ишлатган лўъбат – лўъбатбоз (қўғирчоқ – қўғирчоқбоз), сурат (умумий тасвирий образ, бу ўринда қўғирчоқ образи), лаҳв (ўйин, томоша), шаб бози (кечки ўйин), рўз бози (кундузги ўйин) терминлари фақат Хурросонда эмас, Мовароуннаҳрда ҳам кўп қўғирчоқбозлар томонидан қўлланилган.

Шундай қилиб, мавлоно Кошифийнинг маълумотлари қўғирчоқ театрининг XV аср ва XVI асрнинг биринчи ярмида шухрат топганидан, ўз камолоти ва мавқеи билан олимлар дикқатини ҳам жалб қила бошлаганидан далолат беради [...].

XIX аср ва XX аср бошида ўзбек қўғирчоқ театри икки турдан иборат бўлган: «Чодир хаёл» ва «Чодир жамол». Шундан «Чодир жамол» – бу кишиларнинг кундалик ҳаётидан олинган воқеаларни қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар ёрдамида кундузи акс эттирувчи ўзига хос ҳалқ театридир.

«Чодир жамол» саҳнаси кўпинча якранг (кизил, сариқ) матодан халтасимон қилиб тикилган бўлиб, чодир деб аталади. Ўйинчи унинг ичига кириб куйи томонини белига боғлаб олади, юқори томони эса пасту баланд кесилган бўлиб, ошиқ-маъшуқли болорчўп, остона, иккита ён чўп ва тирговучлар ёрдамида чоркунжак саҳна тусини олади. Қўғирчоқбоз ўзи қўринмасдан чўқкалаган ёки тик турган ҳолда¹ чодир ичига тикилган чўнтакда

¹ Бухоро, Самарқанд ва айрим бошқа шаҳарларда қўғирчоқбоз узала тушиб

тахланиб ётган қўғирчоқлардан навбат билан чиқариб ўйнатади. Ҳар сафар бир жуфт қўғирчоқ чиқади, чунки ҳар кўлда фақат биттадан қўғирчоқ ўйнатиш мумкин. Қўғирчоқни харакатга келтириш мураккаб эмас. Ўйнатувчи қўғирчоқни қўлига кияркан, бошини ўрта, (баъзан кўрсатгич) бармоғига қўлларини чимчилоқ (баъзан ўрта бармоқ) билан бош бармоқларига қўндиради. Мана шу бармоқларни букиш, тўғрилаш, силкитиши, титратиш оркали қўғирчоқлар ҳаракатга келтирилади. Ўйинчи тили тағига пишиқ ёғоч паррагидан ясалган сафил деган пластинка қўйиб, қўғирчоқларнинг жисмиға мос ҳарактерли, ўткир, чийилдоқ товуш ҳосил қилган.

Қўғирчоқларнинг боши, қўллари ва қўйлаги бўлиб, ўйинчнинг билагидан уларнинг танаси ҳосил қилинган. Қўғирчоқларга баъзан оёқлар ҳам ясалган. Қўғирчоқ бошлари, одатда, ёғочдан йўнилган. XIX аср охирларида Фарғона водийси ва Тошкентда чинни бошли ва елимли қўғирчоқлар ҳам истеъмолга кирган. Қўғирчоқ ясаш, уни кийинтириш билан қўғирчоқбозларнинг ўзлари шуғулланганлар. Баъзан буюртма билан бешиксоз усталар ясад беришган. Қўғирчоқларнинг кўзлари, одатда, ранг билан чизилган, баъзида қора, яшил, сарик, пушти рангли мунҷоқлардан ясалган. Қош, соқол, мўйлов баъзан чизилган, баъзан жундан қилинган. Масалан, чол қиёфасидаги қўғирчоқларнинг қоши, мўйлови ва соқоли оқ ёки мошгуруч жун ёпиштиришдан ҳосил этилган. Қўғирчоқларнинг қўллари сарик, пушти ёки қора чармдан, баъзан латтаю увададан тикилган. Албатта, бунда қўғирчоқ қандай типни тасвирлаши эътиборга олинган. Чунончи, бой хинди, яллачи лўлининг қўллари пушти рангли, дев, кўмирчи, дарвишнинг қўллари қора рангли бўлган.

П. А. Комаров чодир жамол театри ихтиёрида 45 тача қўғирчоқ бўлган, деб тахмин қиласди.¹ Аммо унинг 34 қўғирчоқдан иборат коллекциясида ҳаммаси бўлиб 18 та персонаж – қўғирчоқни кўрамиз, қолган 16 таси қайтариқ, чунки бир қатор қўғирчоқлардан

ётган ҳолда томоша кўрсатган. Машхур қўғирчоқбоз Дониёр Шоҳсуроворнинг айтишича, бундай томошалар аёллар орасида, меҳмонхонада, урдада кўрсатилган, холос.

¹ П. А. Комаровнинг Санкт-Петербургдаги этнография музейидаги архиви.

2–3 тадан йиғилган. Мана, Комаров коллекциясидаги қўғирчоқ персонажлар: Полвон Качал, Бичахон ойим (Пучуқхон, Ойимхон), Бой хинди судхўр, кўкнори, Сайдбойнинг қизи, Тўрагелдининг қизи, Бекназар карнайчи ва унинг хотини Бибихон, Эрназар маймунчи маймуни билан, Тўтихон (Назокатхон), Кумрихон (Саодатхон), етим қиз, Абрам мужик хотини билан, лўли қиз, Борух жугут, Шура қиз.

Эҳтимол, XIX аср ва XX аср бошида Ўзбекистон худудидаги қўғирчоқбозлар ишлатган барча қўғирчоқлар – типларни йиғиб келганда 54 та эмас, юзтадан ҳам ошар, чунки жуда кўп қўғирчоқ ва уларнинг томошалари бизгача етиб келмаган. Аммо шу нарса аниқки, ҳар қайси қўғирчоқбоз кўпи билан йигирмата қўғирчоқ ишлатган. Чунки ҳар спектаклда 8–12 қўғирчоқ иштирок этиб, мазмунан бир-бирига боғланиб кетувчи 4–5 эпизод ҳосил қилган.

Ҳар кандай қўғирчоқбоз томошасида бир қўғирчоқ муҳим аҳамиятга эга бўлганки, у ҳам бўлса Полвон Качалдир. Шу сабабли уни ясашга алоҳида эътибор берилган. Унинг қиёфаси қўпинча шундай бўларди: буғдойранг, қийғир бурун, қайрилма мўйлов, кўзлари қора мунчоқдан қилингандан қоп-қора бўлиб йилтиллаб, яшил ёки кўк рангли қалпоғининг тагидан қора соchlари чиқиб туради. Унга, одатда, тўқ қизил ёки сарик кўйлак кийдирилган. Хуллас, Полвон Качалнинг ташқи кўриниши, юз ифодаси унинг ҳамиша хушчақчақ ва шўхлигидан дарак беради.

Иккинчи муҳим персонаж Полвон Качалнинг хотини (баъзан маъшукаси) Бичахондир.¹ У ҳам ҳар жойда ҳар хил ясалган ва ҳар хил кийинтирилган бўлса-да, қиёфасидаги айрим белги ва хусусиятлар, одатда, такрорланган. У қўпинча шаҳло кўз, бодом қовоқ, қайрилма қош, оқ бадан, ёш ва сулув жувон қиёфасида тасвиrlанган. Юзидаги бир дона қора холи билан икки юзининг қизиллиги унинг соғломлиги, сулувлигини яна бир бор тасдиқлаб туради. Эгнида одми гулдор кўйлак (баъзида рангдор адрес ёки

¹ Бу қўғирчоқ-персонаж Бича ойим, Ойимчахон, Бувичахон, Ойхоним каби турли номлар билан юритилади. Аммо шулар орасида Бичахоним қўпроқ қўлланилгани учун биз ҳам шуни асос қилиб олишни лозим топдик.

шойи), бошида шойи рўмол ва пешонабанд бўлиб, бўйнида маржон тақилган. Бир сўз билан айтганда, Бичахоннинг қиёфаси унинг шўх ва таннозлигини ифодалаган.

Чодир жамол театрининг, Полвон Качал билан Бичахондан ташқари, бизга маълум бўлган барча кўғирчоқларни тўрт гурухга ажратиш мумкин: сатирик персонажлар, халқ типлари, санъаткорларнинг қиёфалари ҳамда ҳайвон ва афсонавий махлуқлар.

Сатирик кўғирчоқ-персонажлар раис, ясовул, судхўр, хожи кампир, терговчи каби ҳукмрон синф вакиллари бўлган кўкнори, далла-совчи каби типлар қиёфасидадир. Улар бўрттирилган ҳажвий тасвирларда гавдалантирилиб, ижтимоий тип даражасига кўтарилиган. Чунончи, раис қиёфасида шу лавозимдаги у ёки бу амалдор белгиларини эмас, балки ўтмишдаги барча раисларга хос бўлган типик алломатларни (такаббурлик, қаҳр каби) кўрамиз [...]. Шу нарсани ҳам қўшиб кетиш керакки, сатирик кўғирчоқ-персонажларнинг асосий қисми қадимий бўлиб, улар орасида «оқ подшо қизи»га ўхшаш мустамлака даврида вужудга келгандари ҳам учрайди.

Халқ типлари деб белгиланган кўғирчоқ-персонажлар Ўзбекистонда яшаган турли ҳалқларнинг ижтимоий қиёфасини акс эттиради. Улар орасида биз ўзбек, рус, яхудий, қозоқ ва туркман типларини кўрамиз. Ҳар бир кўғирчоқ-персонаж ҳаётдаги маълум бир тоифа кишиларининг умумий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Умумлаштириш принципи жиҳатидан уларнинг сатирик кўғирчоқ-персонажлардан фарқи йўқ. Аммо кўғирчоқ ясовчилар сатирик персонажларга бўлак, халқ типларига бўлак муносабатда бўлганликлари туфайли гурухлар характер жиҳатидан бир-биридан кескин ажралади. Сатирик кўғирчоқ-персонажларнинг айрим белгилари ўта бўрттирилган ҳолда ҳажва мазах билан акс эттирилса, халқ типларида фақат умумлашмани кўрамиз. Бу тоифа кўғирчоқлар орасида ҳам қадимгилар билан бир қаторда Абрам мужик, Ойқиз Шура каби XIX аср охирида пайдо бўлган персонажларни учратиш мумкин.

Санъат аҳли қиёфаларини гавдалантирувчи кўғирчоқ-персонажлар ҳам умумлаштирувчилик хусусиятларига кўра юқоридаги тоифаларга яқин туради. Буларда созандалик, ялла,

масхарабозлик, рақс, дорбозлик, маймун ўйин, тосбозлик каби санъат турлари намояндаларига хос умумий белгилар ўз ифодасини топган [...].

Ҳайвон ва афсонавий махлуклар кўғирчок усталари тарафидан одамбашара килиб ясалган. Бу ҳолатни ҳайвонлар ҳам суратини ўзгартирган одамлардир, деган қадимги дунёқараш ифодаси деб изоҳлаш мумкин. Иккинчидан, ялмоғиз кампир, аждаҳо, шайтон кўғирчоқ-персонажларининг киёфасини кузатиш бир пайтлар ўзбек кўғирчоқ театрида чинакам афсонавий махлук сурати кенг ишлатилганидан далолат беради [...].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, чодир жамол театрода хушчақчақлик ва донолик, жасурлик ва шижиоат каби ўзининг бир қанча фазилатлари билан ҳалқ оммасининг меҳр-муҳаббатини қозонган Полвон Качалнинг бошидан кечирганларини шўх, жозибали ҳамда самимий ҳикоя қилувчи, замон зўравонларини масхара ва фош этувчи ажойиб комедия намойиш қилинган.

Чодир хаёл театри чодир жамолга нисбатан анча мураккаб ва мукаммал. Бу хусусият саҳна тузилиши, кўғирчоқларнинг яслалиш, ижро техникаси, тематика – барча компонентларда яққол кўриниб туради.

Сайлгоҳ, кўча ёки ҳовлида шундай жой танланадики, токи ўйинчи томошабинга кўринмасин. Шу ерда узунлиги 5–6, бўйи 2–2,5 метр келадиган ранг-баранг ва йўл-йўл читдан парда тутилади. Унда саҳна кўринисин учун махсус жой қилинган. Унинг «чодир пардаси» деб аталиши ҳам шундан келиб чиққан бўлса керак. Чодир пардасининг ортида узунлиги 3–3,5 метр, бўйи 120–125 см келадиган ички қора чодир бўлиб, унинг ҳам пастки томони 180 см узунликда ва 70–75 см баландликда кесилиб, ўйин жойи ҳосил қилинган. Ички чодир остона, устун, болор ва тирговучлардан иборат мосламалар билан тикланиб турган. Ярим метрча ичкарида қора газламадан ички парда осилган.

М. Ф. Гаврилов томоша техникасини шундай баён қиласди: «Театр саҳнасида қўғирчоқлар иплар ёрдамида ҳаракатга келади. Иплар ҳам ички парда сингари қора. Иплар билан одатда кўғирчоқларнинг танаси, боши, кўллари ва оёклари боғланган, бир уни «дастчўп» деб аталувчи (20 см) чўпга уланган бўлади.

Ички парда орқасида турган қўзирчоқбоз дастчўпни қўлига ушлаб, қўғирчокни саҳнага чиқаради, ўзи эса тақдан ички парда билан, тепадан чодир пардаси билан томошабиндан яширган ҳолда қолаверади».¹ Бу театр томошалари одатда кечкурунлари қўрсатилгани, оддий нур-шуъла ва шовқиндан фойлалангани туфайли қора пардалар ичидағи қўғирчокларнинг иплари қўринмаган, худди қўғирчоқларнинг ўзлари ҳаракат қилаётгандай табиий ва ажиб манзара ҳосил бўлган. Ҳар бир қўғирчоқбоз бир пайтнинг ўзида иплар ёрдамида 3–4 қўғирчоқни ҳаракатга келтира олган. Чодир жамол театрининг бир томошасида кўпи билан ўн қўғирчоқ иштирок этган бўлса, чодир хаёлда бир томошада 50 дан ортиқ қўғирчоқ ўйнаган. Иккита турда ҳам томошалар асосан икки киши – қўғирчоқбоз билан корфармон томонидан уюштирилган ва бошқарилган. Корфармон қўғирчоқларни гапга соглан, томошани бошлаган, якунлаган, шунингдек, созандалик вазифасини бажарган. Қўғирчоқбоз чодир ичидаги ёки парда орқасида сафил ёрдамида қўғирчоқлар тилидан гапирган, уларни ҳаракатга келтирсан, бадиий образ яратган. Аммо шуни қўшиб кетиш керакки, «Чодир хаёл» мураккаб бўлгани учун ўйинчи актёрга бир-икки шогирд ёки созанда қўғирчоқларни тайёрлаб бериб турган [...].

Халқ қўғирчоқбозларининг фаолияти XX асрда ҳам самарали бўлди. Пўлатжон Дониёров, Дониёр Шоҳсуворов, Кули Наввотов, Холмурод Сиддиқов, Матёқуб Воисов, Тиллахон Матёқубов, Фоғуржон Мирзараҳимов сингари ўнлаб қўғирчоқ ўйин усталари анъанавий репертуарни янги замон, янги томошабинга хизмат қилдириш, янги томошалар яратиш бобида муҳим ишлар қилдилар.

Айниқса, халқ қўғирчоқбозларининг янги ўзбек театрини яратишдаги хизматлари фавқулодда аҳамиятли бўлди. Халқ қўғирчоқ театрининг энг яхши анъаналари – услуб, образ ва воситалари замонавий ўзбек қўғирчоқ театрлари томонидан ижодий ўзлаштирилди ва ривожлантирилди. Бу жараён ҳамон давом этмоқда.²

¹ Гаврилов М. Ф. Кукольный театр Узбекистана. – Т., 1928. с. 16.

² Ушбу мақола куйидаги манбадан қискартирилиб чоп этилмоқда: Қодиров М. Қўғирчоқ ўйин // Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – 280–317-бетлар.

Ғайрат
ЖАЛОЛОВ
(1933–2014)



Жалолов Ғайрат Орипович 1933 йил 9 июнда туғилған. Тошкент педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент педагогика университети) филология факультети талабаси ҳамда (1952–55), аспиранти (1956–59). Тошкент педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи (1960–69), Кутубхоначилик факультети декани (1964–70), «Ўзбек адабиёти» кафедраси доценти (1970–74), Тошкент давлат маданият институти Кутубхоначилик факультети декани (1975–80), шу институт «Ўзбек адабиёти» кафедраси профессори (1980–87), мудири (1987–2001) вазифаларида ишилган. «Ҳамза ва халқ оғзаки ижодиёти» мавзуда номзодлик (1962), «Ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг генезиси ва поэтикаси» номли докторлик (1987) диссертациясини ҳимоя қилған. «Эртак ва ҳаёт» (1975), «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» (1976), «Ўзбек фольклорида жанрларро муносабат» (1979) «Узбекский народный сказочный эпос» (1980) каби китоблар муаллифи. Рус тилида нашр этилган 2 жилдли «Ўзбек халқ эртаклари» мағжмуасини нашрга тайёрлашда қатнашган; «Ўзбек фольклори» (1967) номли услугий қўлланмаси чоп этилган. 2014 йилда вафот этган.

«АЛПОМИШ» ВА ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

«Алпомишиш» ўзбек халқининг қабила, элат ҳолидаги ҳаёт тарзини ифода этувчи достондир. У халқ ҳаёти, тарихи ва реал воқелик билан доим узлуксиз алоқада яратилди ва ривожланди.

«Алпомишиш» эпосининг миф ва эртаклар сюжети, мотивлари га яқин, ўхшаш бўлишига қарамай, ҳаёт ҳодисаларини тасвирлашда ҳар бир жанрнинг ўзига хос талабларидан келиб чиқадиган қайтарилимас хусусиятлари мавжуддир. Ана шу хусусият ва ҳолатлар уларни бир-биридан фарқлаб турувчи омиллар ҳисобланади. Чунончи, буни биз ҳаёт воқелигини тасвирлашда қўлланилган асар шаклида ҳам, образлар тасвирида ҳам кўришимиз мумкин. Сюжетлардаги фантастик тасвир, бадий уйдирмалар заминида қандай реал мақсад турганлигини қаҳрамоннинг ракибларни ажойиб куч-кувват, ботирлик билан енгиги ўтиши, образларнинг халқи, ватани учун ҳар қандай тўсиқларни тадбиркорлик, ақл-заковат, баҳодирлик билан моҳирона ҳал этишлари ва мақсадларига эришишларида кўришимиз мумкин. «Алпомишиш» достонидаги воқеа ва ҳодисалар тасвирида эртакона фантика, уйдирмаларни эмас, нисбатан реалликка интилиш, ҳаётий воқеаларни бўрттириб талқин этиш ҳолатини яққол кўрамиз.

Мифологияда ва эртакларда рақиблар жуда чуқур, туби кўринимас чоҳлар (нариги дунё сифатида) яратиб, қаҳрамонни ўша ерда тутқунликда тутсалар, достонда эса ерни ковлаб, зиндан қазиб, қаҳрамонни шу ерга, у уйкуга кетганида қамайдилар. Эртаклардаги ер ости оламининг достонда зинданга алмашинишнинг ўзи бахши-ижодкорларнинг реалликка, ҳаётийликка томон интилишининг бир кўринишидир.

Достондаги Сурхайил кампир образини олиб кўрадиган бўлсак, у энди эртаклардаги жодугар, мастон кампир образларидан фарқ қиласди. Достон қаҳрамонига қарши қаратилган кампирлар тасвирида ҳам реалликка интилиш кўринади. Шум, жодугар кампир эртакларда афти-юзи буришган, ҳамма билан уришган одамхўр, кишиларга ёмонлик қилувчи сифатида берилса, Сурхайил кампир достонда реал, болаларининг ўлими учун Алпомищдан ўч олишга киришган муғомбир, ваҳший қасоскор қиёфасида

тасвириланади. Баъзи тасвирилар «Алпомиши»да примитив, содда қилиб берилса, (уни зиндонга солиш, 7 йил очлик, чўпон берган қўйлар билан кун кўриши каби), бироқ унда шу воқеаларни ҳаётий, реал қилиб тасвирилашга интилиш мавжудлиги сезилиб туради. Лекин «Алпомиши» каби йирик эпик асарларнинг яратилишида, албатта, ўзга жанрлардан фойдаланиш, уларни ижодий ишлаб мазмунга сингдириб юбориш қўзга ташланади. Айниқса, тубандаги эпизодларда эртак жанрига хос фантастика, уйдирмаларнинг достонга сингиб кетгани, воқеаларнинг кўтаринки, эртакона услубда беришга хизмат этганлигини кўриш мумкин. Алпомиши сувда чўкмас, қилич ўтмас, оловда куймас этиб тасвириланган. У эртаклар қаҳрамони каби барча кураш, тўқнашувлардан ғолиб чиқади. У худди миф, эртаклардаги каби паҳлавонларга хос уйқуга эга. У ухлагач, маълум вақтгача уйғотиб бўлмайди. Уни шундай ухлаганида банди этилади, зиндонга ташланади.

Алпомишининг оти Бойчибор одамдай фикрлашга молик, лекин гапира олмайди. Эртаклардаги отлар гапириш хусусиятига ҳам эга. Унинг дастлабки кўриниши, эртаклардаги каби назарга тушмайдиган, зътибордан йироқ бир кўринишида бўлса-да, аслида, ажойиб, қанотлари мавжуд, қобилиятли тулпор.

Алпомишининг зиндондан кутилиш мотиви ҳам фантастик, эртакона услубда, мўъжизакорлик билан тасвириланган. Унинг зиндондан туриб туғишганларига хабарни ғоз орқали юбориш мотиви ҳам эртакларга хосдир.

Демак, «Алпомиши» достонидаги қатор мотивлар, чунончи, унинг зиндонга ташланиши, ўтда ёнмас, қилич олмаслиги, оти ёрдамида туткинликдан озод бўлиши каби ўринлар фантастикага бурканган. Эртак ва достондаги фантастика ва муболаға миф ва афсоналарнинг кучли таъсиридан юзага келган.

«Алпомиши» ўзбек халқининг йирик эпик асари. Унинг синкрематик хусусияти фольклоримизнинг кўплаб жанрлари га хос белгиларнинг достон сюжетида мужассамлашганида қўзга ташланади. «Алпомиши»да эртакларга хос хусусиятлар, кўшикларга ўхшаш парчалар (Алпомиши ва Барчин, Алпомиши ва Бодом бикач ўрталаридағи ўланлар), ажойиб мақол, ибораларни қаҳрамонлар диалоги, ички кечинмалари, ташки кўринишлари-

нинг тасвири ва бошқа кўплаб ўринларда кўриш мумкин. Умуман, фольклор асарларига хос хусусиятнинг бир кўриниши ҳам шундандир. Айниқса, «Алпомиши», «Кунтуғмиши», «Рустамхон», «Малика Айёр», «Ширин ва Шакар» каби достонларда халқ эртакларига яқин турувчи мотивларни, образлардаги ўхшаш хусусиятларни, ажойиб муболаға, уйдирмаларни истаганча кўриш мумкин. Лекин эртаклардаги воқеалар тасвири тор, ҳажми кичик бўлса, достонларда воқеалар кенг атрофлича баён этилади. Бироқ, реаликка интилиш сезилиб туради.

Эртак воқеалари достон воқеаларига нисбатан тез ривожлана-ди. Воқеа, ҳодисалар қисқа, лўнда ифодаланади. Эртакларда шеърий парчалар ҳам ишлатилади. Бу парчалар руҳий кечинмаларни, насррий эпизодлар эса асосий мақсад, ғоя, мазмунни ифодалайди. Достонларда эса кўпинча асосий мақсадни шеърий қисмлар ифодалаб, насррий қисмлар уларни бир-бирига улаш, тўлдириш каби ёрдамчи вазифани ўтайди. Бундай фарқни уларнинг ижро усулида ҳам кўриш мумкин. Эртак айтилади, достон эса куйланади. Эртак айтuvчи асардаги баъзи учрайдиган кичик шеърий парчаларниги на куйлаши мумкин. Бизнингча, бу шеърий парчалар эртакларга кейин, достон, терма, кўшиқлардан ўтган бўлиши керак.

Достон ва эртакларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари ҳам мавжуд бўлиб, булар мотивлардаги яқинлик, чунончи, қаҳрамоннинг ўзи севгилисига эришиш мақсадида узок юртларга сафари, мураккаб шартларни бажариши, севгилисини олиб ўз юритига қайтиши кабиларда кўринади.

«Алпомиши» эпосидаги Бойбўри ва Бойсарининг фарзанд кўриши билан боғлиқ мотивлар деярли миф, афсона, эртак мотивларига яқиндир. Боласиз отанинг бола тилаб олиши ва боланинг ажойиб сеҳрли кучга, баҳодирона сифатга эга қилиб берилиши шундай эпизодлардандир. Эртакларда кўпроқ тугилган бола сеҳрли кучга, эпосда гайритабиий тугилган қаҳрамон зўр куч-кувватга эга бўлади ва баҳодирлик хусусиятлари бўрттириб тасвирланади. В. М. Жирмунский ҳам Ўрта Осиё халқларининг сеҳрли эртаклари ва қаҳрамонлик эпосларида фарзандсизлик эпизоди жуда катта ўрин эгаллаганлигин, ота-оналарнинг худо ёки бошқа сеҳрли ҳимоячиларга ялиниб, бола тилаб олиши-

ни таъкидлаб, бу ҳол Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда яшовчи араб, форс ва туркий халқларда кўп учрашини айтади. Достон ва эртаклардаги фарзанд тилаб олиш мотиви жуда қадимий бўлиб, халқимизнинг урф-одатлари, қадриялари заминида вужудга келган. Халқимизда фарзандсизлик жуда катта фожеа саналган, унинг натижасида қанча оиласлар хазон бўлиб кетган. Шунинг учун халқ эпосида қаҳрамонлар ёш, қари бўлса ҳам, уларнинг фарзанд кўришлари шарт қилиб қўйилади. Подшоми, вазирми, ким бўлишидан қатъи назар фарзандлик бўлиши эртак ва эпос учун шартдир. Жуда бўлмаса, Гўрўғли сингари болани асраб олиши ва меросхўр этиб белгилаши керак. Эртак ва достонларимизда қаҳрамонлар қариганида, қирқ биринчи хотинга уйланиши ёки бирор илоҳий маскан ва авлиёларга сифинишлари, ёхуд сеҳрли олма ва ҳоказоларни истеъмол қилишлари натижасида фарзанд кўрадилар. Уларнинг фарзандлари ажойиб, жуда қудратли, ақули, баҳодир, сеҳрларни билувчи ўғил ёки доно, одобли гўзал қиз бўлади.

Оила ва оиласи сақлаш, оиласининг бирлиги учун кураш қадимги патриархал ҳаёт талаби билан юзага келган. Кейинчалик бу одат патриархал уруғчилик даврида ҳам уруғнинг, қабиланинг бутунлиги, бирлиги учун шарт, омил ҳисобланган. Патриархал ҳаёт заминида яратилган бу мотив кейинги даврларда ўз кучини йўқотмади, аксинча, фольклор асарларида салмоқли ўринни тутиб келди. Шунинг учун Бойбўри ва Бойсариларнинг фарзанд учун интилиши мотивини қадимий эканлигини уқтириш лозим.

Достонда Бойбўри ва Бойсарининг Шоҳимардонга бориб фарзанд тилаб олишлари қуйидагича ифодаланади: «Иккови қилди маслаҳатди, бу сўз икковига жуда ботиб кетди. Бойбўри туриб айтди: – Бойсари ука, қариганда бизнинг молимиз бесохибга чиқди, энди бизлар бир фарзанд тарадди қилмаймизми? Бойсари туриб айтди: – Тортиб олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, худо бизга бермаса, қаёқдан киламиз тарадди?! Бойбўри айтди: – Шу ердан Шоҳимардон пирнинг равзаси уч кунчалик йўл келар экан, ҳар ким бориб тунар экан; давлатталаб давлат тилар экан, фарзандталаб фарзанд тилар экан, охиратталаб иймон тилар экан, қирқ кун

тунаган киши муродига етиб қайтар экан. Биз ҳам борсак, назру ниёзимизни берсак, Шохимардон пирнинг равзасида тунаб, биз ҳам бир фарзанд тилаб кўрсақ». Ака-укалар Шоҳимардон пир равзасига бориб фарзанд тилаб ётадилар ва Бойбўрига бир киз, бир ўғил, Бойсарига киз ато этади. Мотив Ўрта Осиё халқлари орасида жуда қадимги ва кенг тарқалган бўлиб даврлар ўтиши, достонни қайта-қайта айтилиши билан унга диний тушунчалар келиб кирган. Бундан кейинги сюжет силсиласида яна қадимги Ўрта Осиё халқлари эртакларида учрайдиган сайёр мотивларни кўрамиз.

Кўпчилик эртак ва достонларимизда фарзандларнинг туғилиши вақтида ота кўпинча уйида бўлмайди: у овда ёки сафарда, ёхуд бирор юмуш билан кетган бўлади. Бу ҳол қабилачилик давридаги маросимларнинг ўзига хос кўриниши билан боғлиқдир. Этнограф М. Косвеннинг таъкидлашича, Африка, Индонезия, Шимолий Америкада яшовчи айрим қабилаларда бола туғилиши вақтида ота атайин уйда бўлмас экан, унинг бўлиши қабила одатлари бўйича ман этилар экан.

Худди шу одат ўзбеклар учун ҳам хосдир. Бизда ҳам фарзанд туғилаётган вақтда эркакларнинг уйда бўлиши мумкин бўлмаган. Болани қабул қилиб олиш, барча расм-руsumларни амалга ошириш маҳсус аёллар – доялар томонидан бажарилган.

«Алпомиш» достонида Бойбўри ва Бойсари уйда бўлмайдилар. Бу ҳолат достонда шундай тасвиirlанади:

«Бойбичаларнинг ой-куни яқин етди, бийлар иккови айтди: «Бизлар ҳам бир шоҳлик шавкатини қилсак, овга чиқиб кетсан, фарзандлар ер юзига тушса, суюнчи, деб бир нечалар олдимизга йўлга чиқиб, бизлардан тилла-танга инъом олса», – деб ўйлаб, бийлар овга жўнаб кетди». Достондаги бу мотив ҳам эртакларга хос бўлиб, унда янги туғилганларга ном кўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бойбўри ва Бойсари янги туғилган фарзандларига атаб 40 кечаю 40 кундуз тўй берадилар. Қирқинчи куни қаландар келиб, чақалоқларга ном беради. У шундай тасвиirlанади: «Қирқ кечаю кирқ кундуз бўлгандан кейин тўй тарқайдиган куни бўлди. Бир вақт шунда бийлар қараса, узоқдан бир қаландар кўриниб кела берди... Бийлар ўрнидан туриб, олдига пешвоз чиқиб, салом бериб, зиёрат қилиб, мажлисхонага бошлаб олиб келди. Шунда

фарзандларнинг учовини ҳам олиб келиб, Шоҳимардон пирнинг этагига солди. Шоҳимардон пири Бойбўрининг ўғлининг отини Ҳакимбек қўйди, ўнг кифтига беш қўлини урди. Беш қўлининг ўрни доф бўлиб, беш панжанинг ўрни билиниб қолди. Кизининг отини Қалдирғочойим қўйди. Бойсарининг кизининг отини Барчиной қўйди. Ана шунда Шоҳимардон пири Ҳакимбекка ой Барчинни атасириб, бешиккери қилиб: «Бу икков эр-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч киши баробар бўлолмасин, омин оллоху ақбар», – деб фотихани бетига тортди». Халқ маросимлари, урфодатлар достонда шундай жонли, гўзал услубда тасвирланади. Қаландарнинг ишлари, вазифалари, фотихалари, бу ўринда жуда жонли, реалликка яқинлаштириб, эпосона услубда тасвирланган.

Юқоридагиларга ўхшаш мотивлардан бири қаҳрамоннинг йўлдоши, ёрдамчиси Бойчибор билан боғлиқ эпизодлардир. Сеҳрли эртакларнинг баъзиларида ҳам асар қаҳрамонига ёрдам берувчи, мақсадга эришувида унга қўмаклашувчи ҳайвонлар ичидан образи алоҳида ўрин эгаллайди. У қаҳрамоннинг энг содик ҳамроҳи ҳисобланади. Эртаклардаги отлар сеҳрли, курашувчи, гапиравчи, ҳар бир нарсани олдиндан кўрувчи ва қаҳрамонни хавф-хатар, ўлимдан сақлаб қолувчи энг ишончли дўст сифатида гавдаланади. Чунончи, «Абулқосим» каби эртаклардаги оқ, сариқ ва қора тулпор отларни эслаш кифоя.

Достонлардаги қаҳрамоннинг ёрдамчиси, ҳамроҳи от образи эртаклардаги отлар образидан қатор сифатлари билан фарқланади. Авваламбор, Бойчибор, Фиркўқ каби отлар тасвирида деталлаштиришнинг кучлилигини кўрамиз. Алпомиши билан Бойчибор Фўруғли билан Фиротнинг ширхўралиги, яъни сут эмишганлигига алоҳида эътибор берган фольклоршунос Ҳ. Зарифов бу ҳолатнинг генезиси узок ўтмишга оид эканлигини, ибтидоий тушунчалар билан боғлиқлигини кўрсатади. Эртакларда эса жанр талабига кўра умумлаштириш кучлидир. Достонлардаги от образларида эртакдаги каби фантазиянинг кучли кўринишлари мавжуд эмас. Чунончи, улар сеҳрли эртаклардаги отлар каби гапириб, қаҳрамонга маслаҳатлар бериш хусусиятидан маҳрумдирлар (Фақат «Алпомиши» достонининг бир ўринда Боботоғда Қоражон ва Бойчибор диалогини кўриш мумкин).

Эпосшунос олимларнинг таъкидлашларича, «Алпомиш»нинг қорақалпоқ, козоқ ва ўзбек версияларининг асосида қўнғирот версияси ётади. Бу версияда сюжет чизиги бир хил ифодаланиб, унда воқеалар тизими маълум тартибда баён этилади; фарзандларнинг дунёга келиши, болалар туғилмасдан оталарининг куда бўлиш хусусидаги аҳдлари, бешиккери қилиниши, Бойсарининг қудачиликдан айниши ва ўз элати билан қалмоқлар элига кўчиши, қаҳрамоннинг севикли ёрига бориши, шартларни бажариб қайлигига уйланиши, жодугар Сурхайил макри билан асирикка тушиши ва узоқ давр (7 йил) зинданбанд этилиши, Бойчиборнинг хон қизи ёрдамида озод этилиши, ватанга қайтиш ва Ултонтоз билан олишув, уни енгиб қаллигини кутқариш каби мотивлар тасвирланади. Бу сюжет қурилмасидаги эпизодларда эртак мотивларига ҳамоҳангликни кўрамиз. Бу мотивлар эртакларга нисбатан анча кенг, атрофлича, реалликка интилиш асосида бериладики, бу ҳол икки жанрнинг ўзига хос услуби, ифодалаш йўллари билан боғлик. Бу нарса ҳар икки жанрнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ҳам тасдиқлайди. Юқоридаги мотивларнинг бирортасини тушириб қолдириш мумкин эмас, чунки улар «Алпомиш» достонининг сюжетини ушлаб турувчи асосий устунлар сифатида келган. Эртакларда мазкур мотивларнинг айримларигина сюжетнинг асосини ташкил этганининг гувоҳи бўламиз. Бундан келиб чиқадиган хулоса, даврлар оша эртакларнинг айрим мотивларидан шоирлар ижодий озиқланиб, уларни сюжет таркибиға сингдириб юборган бўлишлари керак.

Ўзбек халқининг ижодий даҳоси бўлган «Алпомиш» уруғ ва қабилаларда патриархал уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва феодал тузумнинг шаклланиб бориши даврларида яратилган, халқ тарихи, курашларини бадиий тараннум этган. «Алпомиш» синкетик эпос. Унда даврлар оша жуда кўп фольклор асарларининг хусусиятлари ўз аксини топган. Достон кенг кўламда халқ ҳаётини тасвирлаган ва у узоқ даврлардан бўён оғиздан-оғизга ўтиб вариант ва версияларига эга бўлган.¹

¹ Упбу мақола куйидаги манба асосида чоп этилмоқда: Жалолов Ф. «Алпомиш» ва халқ эртаклари // «Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – 140–147-бетлар.

Малик
МУРОДОВ
(1933–2001)



Малик Муродов 1933 йил 20 июлда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Чортоқ қишилогида туғилган. Филология фанлари номзоди (1975). Тошкент давлат университетининг филология факультетида (1950–55), ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида (1959–61) ўқиган. Чортоқ туманидаги Фурқат номли ўрта мактабда ўқитувчилик қилган (1955–58). ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимида катта илмий ходим (1961–76), Алишер Навоий номли Адабиёт музейида бўлим бошлиги (1967–78), Тошкент давлат маданият институтида катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишлаган (1979–2001). «Гўрўглиниң туғилиши», «Хиламан», «Баҳром ва Гуландом», «Зевархон», «Гулруҳнари», «Қоракўз ойим», «Жорхун мастан», «Нурали» каби достонларни нашрга тайёрлаган. Ўзи ёзib олган материаллар асосида «Оймома аждаҳо» (1983), «Қора дев» (1984), «Ёнар дарё» (1985), «Илон пари» (1986) «Само тулпори» (1987), «Гулиқаҳҳаҳ» (1988), «Олтин олма» (1989) каби эртаклар мажмуасини, «Доно Алишер» (ҳамк.), «Алломалар ибрати» (1982), «Асотирлар ва ривоятлар» (1991) каби тўпламларни чоп эттирган. «Ижод дурдоналари излаб» (1969), «Сарчашмадан томчилар» (1984), «Ҳаётбахи хаёллар» (1985), «Эпос Гороглы сокровищница души и чаяния народа» (1990), «Алномишнома» (1–2-китоблар, ҳамк., 1999–2000), «Қадриятнома» (2001, ҳамк.) каби монографиялар муаллифи. 2001 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ОБРАЗ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбек халқ достонларида, жумладан, «Гўрўғли» достонларида образ яратиш ва уни типиклаштириш усуллари хозирга кадар ёритилмаган. Бу масалани атрофлича ҳал қилиш традицион сюжетли достонларнинг ўзига хос қонуниятларини аниқлашга, уларнинг эстетик ва эмоционал хусусиятларини изоҳлашга ёрдам беради. Биз бу мақолада ўзбек фольклорида муҳим ўринни эгаллаган «Гўрўғли» цикл достонларида (уларнинг сони қирқтадан ошади) Гўрўғли образини яратиш учун ишлатилган бадиий приём ва воситалар ҳақида баъзи бир мулоҳазаларимизни айтишга ҳаракат қиласиз.

«Гўрўғли» достонлари ижтимоий ҳаётнинг актуал масалаларини қамраб олиши, ҳалқнинг орзу-умидларини ташиши, илгор ҳалқчиллик ва умумбашарий ғоялари билан ҳарактерланиб қолмай, балки поэтик форма жиҳатдан ҳам юксак асарлардир. Бу достонларда, айниқса, ҳаётий ва етук образлар яратишда катта мувваффакиятга эришилган.

Халқ шоирлари қаҳрамонлар образини яратишда доимий эпитет – сифатлар, портрет, сифатлаш ва истиоралар, ҳаётий конфликт, таққослаш, қаршилантириш ва гротексли муболағалар, киноя, пичинг, сўроқ ва ундовлар, оҳангдор вазнлар, такрор ва рефренлар, инверсия, метафора, анафора, метонимия, литота, турли хил параллелизм, монолог, диалог, катталаш, кичрайтириш-эркалаш суффикслари, риторик сўроқ, кўчирма, хитоб сингари образ яратиш воситалардан унумли ва ўринли фойдалана олганлар. Образ яратиш ва типиклаштиришда муҳим роль ўйнаган бадиий тасвирий воситалардан айримларини «Гўрўғли» достонлари мисолида кўриб ўтамиш.

Бошқа ўзбек достонларида бўлганидек, «Гўрўғли» достонларида ҳам образ яратишда ишлатилган тасвирий воситалардан бири доимий эпитет ва ташbihлардир.

*Шул замон Гўрўғли султон,
Оловдай бўлиб туташиб,*

*Гайрати гайратига етишиб,
От күйди шердай бўлиб¹.*

Ёки: «Ана энди Гўрўғлининг ҳар қўзи шокосадай, баданидаги туклари сихдай бўлиб кетди... шердай бўлиб имраниб, булутдай кўнгранициб, қўзлари ўтдай ёниб, аждарҳодай ишқириб, филдай пишқириб, кетиб бораётитпи»².

Гўрўғлининг муайян кайфияти, куч-кудрати ва душманга нистабан нафрати ўхшатишлар орқали ана шундай бўрттирилади.

Муваффақиятли чиккан ҳар бир ташбиҳ хоҳ ижобий, хоҳ салбий образни тип даражасига кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлган:

*Гўрўғлининг тогдай улуғ кучига,
Ҳаммаси йигилиб офарин айтти³
Аччиги чиллада яхлаган қишидай
Норкалла келганда, чуди қўшимшидай⁴.*

Достончилар халқ ибораларидан усталик билан фойдаланиб, Гўрўғли образига нисбатан шундай ўхшатишлар ишлатганларки, натижада у куч-кудрат ва улуғворликнинг тимсолига айланган.

*Йўлбарсдай бўб чотинди,
Айиқдай бўб бақирди.
Шердай бўлиб бек Гўрўғли,
Кел дейди, майдон қуради.*

Бу тўртлиқдаги ўхшатишларда бакувват, чаққон, эпчилик, мустаҳкам иродали, қисқаси, хулқ-автори ва ташқи портрети билан алоҳида ажralиб турувчи баҳодирнинг яхлит ва ҳакқоний образи яратилган.

¹ ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 8.

² Эргаш Жуманбулбул ўғли. Далли. – Тошкент: Ўз ФА нашриёти, 1932, 131-бет.

³ Эргаш Жуманбулбул ўғли. Хушкелди (қўллўзма) // ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 50, 188-бет.

⁴ Фозил Йўлдош ўғли. Зулфизар билан Авазхон. – Тошкент, 1942, 113-бет.

Халқ севимли қаҳрамони Гүрӯғли образини типиклаштириш учун бисотида бор бўлган ўхшатишлардан энг кўп фойдаланган. Гүрӯғлининг жанг майдонларидағи ҳолати, босқинчи душманга қаҳр-ғазаби шер, йўлбарс, аждар, қоплон, бўри, айик, фил, лочин, қарчиғай, бургут, италғи, қузғун, шунқор, баҳрин сингари ҳаётда мавжуд бўлган ҳайвон ва күшларга ўхшатилади. Лекин муҳими шундаки, қаҳрамон оддий ҳайвон ва қуш ёки табият ҳодиса-воқеаларига таққосланмайди. Балки энг характерли ва куч-куватда тенгсизларига ўхшатилади. Масалан, Гүрӯғлининг куч-кудрати кўпроқ шер, арслон, йўлбарс ва қоплон каби энг кучли ҳайвонларга нисбатан берилса, савлати ва гавда тузилиши тог, қоя, адир, қирга; эпчиллиги бургут ва қарчиғайга ўхшатилади. Цикл достонларида **садда ва мураккаб** ташбиҳлар учрашини айтиб ўтиш зарур. Улар кўпинча «дай» (дек), «ча» кўшимчалари орқали ясалади.

Шунингдек, «ўхшаш», «каби», «бамисоли», «сингари», «менгзади», «худди», «гўё», «симон», «мисли», «янглиғ» сингари ёрдамчи сўзлар орқали ҳам ўхшатилади. Мисоллар келтирамиз:

*Арқираган эрдай бўлиб,
Тогда юрган шердай бўлиб,
Аввал Гүрӯғли от қўйди
Хар ягрини қирдай бўлиб¹.*

*Жамолинг менгзадим осмонда ойга,
Кошингни менгзайман эгилган ёйга.
Жасадинг менгзайман бўз қарчиғайга,
Қарчиғай чангалим кимнинг ўғлисан².*

Айниқса, образни яна бўрттириш мақсадида ўхшатилган предмет «оч», «маст» ва бошқа сифатлар билан берилиши жуда характерли бўлиб, ботирнинг энг муҳим белгиларини, етакчи хислатларини алоҳида таъкидлаб кўрсатишда, уни янада конкретлаштиришда катта роль ўйнайди.

¹ Ўзбек халқ достонлари. II-том. – Тошкент, 1957, 433-бет.

² Фозил шоир. Балогардон (қўллэзма) // ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 14, 46-бет.

*Кўлида ханжари марднинг ялангоч,
Оч арслондай бўб савашига тушибди¹.*

*Гўрўглибек гайрат қиб,
Тўп тўпига йўлбарсдай.
Маст бўб кетган шердай бўб.
Фил устидаги ҳиндини,
Тошдай қиб тўлгаб отди².*

Шундай қилиб, баходир шер, йўлбарс, бўри каби ҳайвонларга ўхшатилганда, унинг куч ва эпчилликда бундай ҳайвонлардан устун турушлиги таъкидланади.

Гўрўғлининг оғир ва мушкул аҳволи, унинг ҳаяжонлари ҳам ташбиҳлар ёрдамида янада ёрқин, янада аниқ кўрсатилган. Унинг ўзи шундай дейди:

*Гоҳ вақтларда кетдим бўтадай бўзлаб,
Кўрар кўзим, Аваз болам, бормисан³.*

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ташбиҳлар тасодифан қўлланилмаган. Балки қаҳрамоннинг хислат ва ҳолатини бошқа сўз билан бериш мумкин бўлмай қолган тақдирдагина ўз ўрни билан ишлатилган. Шунинг учун ҳам, айниқса, ташбиҳлар билан типиклаштирилган образлар қалбга чуқур киради, қониқмас қайғунинг қайновчи ширин туйғуси билан уни ҳаяжонлантиради.

*Бир зўр одам майиб нордай инграницаб,
«Болам!» деб ўртаниб, ўтларга ёниб,
Кон-қорайиб чуйкаб кетган тўлганиб
От устидиа ииғлаб келган ким бўлди?*

Бу мисолда Гўрўғлига нисбатан ишлатилган майиб нордай ташбиҳини бошқа сўз билан алмаштириб кўринг, барибир, фарзанд доғида куйиб қорайиб кетган ота кайфиятига жуда мос бўлиб

¹ Эргаш Жуманбулбул ўғли. Далли. – Тошкент, 1942, 100-бет.

² Пўлкан. Гулнор пари (қўлёзма). – 24-бет.

³ Достонлар. II том. – 453-бет.

тушган «майиб нор» ташбиҳининг ўрнини боса олмайди. Демак, халқ шоирлари бошқа тасвирий воситалар каби, ўхшатишларнинг ҳам қўйма ва гўзал бўлиши учун ҳаракат килгандар.

Салбий типлар характерини очиш учун ясалган ташбиҳлар ҳам мароқлидир. Салбий типлар характеридаги етакчи ва типик «фазилатлар» ўхшатишлар орқали шафқатсизлик билан фош этилади:

*Итдай Аҳмад элга кирибда кетар,
Қул Авазни ўхшатдим деб ҳароми,
Балки, бир хил ерда мақтаниб юрар...
Бу кучук кўпакдай ҳуриб боради
Барингни ёмонлаб койиб боради¹.*

Умуман, ички ва ташқи душманлар кўпинча кўршапалак, ит, кучук, пода, бия ва молга ўхшатилади. Бу ўхшатишлар ўз навбатида уларнинг характерига жуда мос бўлиб тушган.

Ўхшатиш приёмининг функцияси у ёки бу образнинг типиклаштиришга ёрдам бериш билан чекланиб қолмайди, балки табиат лавҳалари ва жамият ҳодисаларини ёрқинроқ чизиш учун ҳам ажойиб ўхшатишлар ясалган. Ташбиҳлар ёрдамида она юртнинг чўл-саҳролари, ажойиб мевазор боғлари, булоқ ва ирмоқлари, тоғу тошларининг ҳам жонли картинаси яратилган.

Халқ достонларида образ яратиш ва типиклаштиришда гипербола ва бўрттириш усусларидан ҳам кўп ва ўринли фойдаланилади. Чунки бутун бир халқ характеридаги умумбашарий фазилатларни бир-икки баҳодир образида бериш табиий равишида қаҳрамоннинг жисмоний ва психологияк хусусиятларини муболагали ифодалаш заруриятини келтириб чиқарган. Шунинг учун ҳам бошқа приёмлар муболага приёми билан чамбарчас боғлангандир.

Муболага характернинг ички ва ташқи қиёфасини бўрттириб беришда, тасвирланаётган нарсалар образини ёрқинроқ кўрсатишда энг асосий приёмлардан биридир. Муболага орқали инсон ҳиссиётининг энг нозик ўринлари ва кечинмалари атрофлича очилади. Гўрўғли образига нисбатан ишлатилган

¹ «Хушкелди» (қўлэзма). – 105–106-бетлар.

гўзал ва хилма-хил муболағалар меҳнаткаш халқда мавжуд бўлган типик хислатларни шу образ орқали умумлаштириб беришга имкон туғдирган.

Унинг халқ ва юрт манфаатлариға қаратилган ҳаракати, муомаласи, юриш-туриши, ҳолати ва бошқа хусусиятлари муболағалар орқали алоҳида бўрттириб кўрсатилади:

*Шул замон Гўрўғли султон,
Оловдай бўлиб туташиб,
Гайрати гайратига етишиб,
Неча девни ушлаб бегидан
Силтади, ҳавога отди,
Ҳамма қаради фалакка,
Осмонда кўринмай кетти¹.*

Чиройли муболағалар асосига қурилган бу мисраларда Гўрўглининг чинакам баҳодир эканлиги очилган. Гўрўглининг ҳис-туйгулари, мақсадлари, ғалабалари ва фожиалари ҳам муболағалар орқали тобора очила боради. Достончи Гўрўглини аудиторияга биринчи бор таништирас экан, албатта, унинг қуидаги портретини келтиради:

«Гўрўглининг зўр деб таърифи кетган, зарбаси тошдан ўтган, донғи Доғистон кетган»².

Гўрўғлига берилган бу муболағали таъриф цикл достонларининг деярлик барчасида учрайди. У ҳақдаги термаларнинг бирида эса мана бундай дейилади:

*Самта ботир бўз бола
Юрса титрап муз, дала,
Ёвга яшин ҳам жала
Гўрўглибек зўр ботир³.*

¹ «Машриқо» (кўлёзма) // ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 110, 104-бет.

² Фозил Йўлдош ўғли. Балогардон (кўлёзма) // ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 14, 1-бет.

³ Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари. – Тошкент: Ўқувпендишш, 1950, 55-бет.

Бу тўртлиқда баҳодирнинг яшин, жала ва музга тенглаштирилиши жуда характерлидир. Чунки халқ тушунчасида энг зўр табиат стихияси бўлган яшин ва жаланинг олдини олиб бўлмайди. Демак, Гўрўғли шундай қудратли, кучли ва даҳшатлики, уни енгиш мумкин эмас. Гўрўғли шундай муболагалаштириладики, унинг жахли чиқса, «**чиllали қишдай муртига чаппа кайтади**», «**шар тебранганда эса, қўйими чега тўрт эллик ботади**». Унинг зарбиға тоғлар бардош бера олмайди, дарёлар оқмай тўхтаб қолади. У ўнларча, юзларча ва ҳатто мингларча девлар, ийртқич ҳайвонлар билан ҳам кураша олади. Масалан, «Малика айёр» достонида у:

*Кўклам тогни сўта билан уради
Кўклам тоги қоқ ёрилиб боради¹.*

Гўрўғлининг минг-минглаб шер ва аждарларини сўта билан уриб, ер билан яксон этиши («Малика айёр»), осмонда ва ерда юриб, инсонга кулфатлар келтирувчи беҳисоб девлар билан курашиб, уларни забун этиши («Машриқо»), юртни вайрон, халқни кул қилиш учун бостириб кирган сон-саноқсиз ёвлар ва гайритабиий кучларни («Юнуспари», «Интизор» ва бошқа дostonларда) енгиши ҳам ҳамма нарсалардан қудратли инсон эканлигини муболагалаштиришидир. Гўрўгли образи бошқа образ ва персонажларнинг эътироф ва таърифлари орқали бўрттирилган ҳолда ҳам тингловчига етказилади:

*Душман тоб бермас отангнинг ишига,
Танҳо ўзи тегар юз лак кишига.
Билдим отанг Гўрўглидир зўравон
Гайратидан титрайди Шаҳри зар².*

Муболагали сўз ва иборалар асосида яратилган катта-кatta лавҳалар, драматик эпизодлар тингловчи диққатини шундай мафтун қилиб оладики, натижада киши тасвиirlанаётган инсон

¹ Ўзбек халқ достонлари. I том, 290-бет.

² «Машриқо» (қўлъёзма), 62-бет.

ва нарсалар образини күриб тургандек бўлади. Бу достончиларнинг энг катта ютугидир.

Қаҳрамоннинг қурол-аслаҳалари ҳам унинг ўзига хос эканлигини кўрсатиш мақсадида ниҳоят даражада муболагалаштирилади. Масалан, Гўрўғлининг қиличи «илон тилли кескир ис-фихон» бўлиб, «теккан омон қолмаси» деб, «заҳарнинг суви ялатилган». Гўрўғли уни ишга солар экан, «ўн етти газ узаяди». Бундай ҳол қаҳрамон куч-кудратини аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Гўрўғли образига қайтиб шуни ҳам айтиш зарурки, унинг азаматлилигини бўрттириб кўрсатиш мақсадида қаршисига кўйилган ғов ва тўсиқлар ҳам, танлаб олинган табиат тасвири (пейзаж) ҳам атайин муболагалаштирилади. У, мақсад йўлида сафарга отланар экан, осмон билан сўзлашган, йўл бермас тоғларга, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўл-биё-бонларга, дамига тортар дарё ва тўқай – ботқоқларга дуч келади. Улар билан тўқнашувларда Гўрўғлининг баҳодирлик характеристери очила боради.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, образ ва воқеа-ҳодисаларни типиклаштиришнинг энг зарур приёмларидан бири бўлган муболага халқ достонлари учун унверсал приёмлардан биридир. «Гўрўғли» достонларида типик характерлар яратишда, тасвирланаётган воқеа ва ҳодисаларни типиклаштиришда жуда кўп учрайдиган приёмлардан фақат иккитасинигина кўриб ўтдик. Колганлари ҳакида кейинги ишларимизда батафсил тўхтаб ўтамиз. Шунга қарамай, юқорида кўриб ўтилган приём ва тасвирий воситаларни ўзи «Гўрўғли» достонлари ҳам бошқа романтик ва қаҳрамонлик достонлари сингари юксак санъат асари эканлигидан далолат беради.

*Муаззам
МИРЗАЕВА
(1933–2009)*



*М*уаззам Қодировна Мирзаева 1933 йил 24 декабрда Бухоро вилюяти Шоғиркон туманида туғилган. Тошкент давлат университетининг филология факультетида ўқыган (1953–58). ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида лаборант (1961–66), кичик илмий ходим (1966–86), илмий ходим (1986–1994) вазифаларида шилаган. «Гўрўғли» достонларида наслий туркумлик проблемаси («Ҳасанхон» туркуми мисолида) мавзууда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1982). «Ҳасанхон» достонини сўзбоши ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаган (1967). Икки жилдан иборат «Ўзбек халқ мақоллари» академик нашрида (1988) иштирок этган. «Ўзбек халқ достонларида туркумлик» (1985) номли монографияси муаллифи. 2009 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИДА ТУРКУМЛИК

Халқимиз оғзаки бадиий ижодида достонлар салмоқли ўрин эгаллади. Бу ҳол достонларда халқ ҳаёти, ижтимоий воқелик фольклорнинг бошқа жанрларига қараганда кенгроқ ифода этилганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун бўлса керак, ўзбек фольклоршунослигида достонлар нисбатан кўпроқ текширилган. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар, эълон қилинган монографик асарлар, ёқланган диссертациялар шундан

далолат беради. Бу ўринда биз В. М. Жирмунский, Ҳ. Т. Зарифов, М. Сайдов, Т. Мирзаев ва бошқа олимларнинг асарларини кўзда тутамиз. Мазкур ишларда достонларнинг варианatlари, жанр хусусиятлари, образлар талқини сингари бир қатор масалалар таҳлил қилинади. Шунга қарамай, ўзбек халқ достончилигига туркумлик, туркумлаштириш принциплари, туркумликнинг турлари ва шунга ўхшаш бир қатор масалалар борки, улар биринчи галда текширилиши лозим бўлган долзарб муаммолар жумласига киради. Бу масалалар ўзбек фольклоршунослигига ҳали маҳсус ўрганилиб, атрофлича илмий таҳлил қилинганича йўқ.

Туркум, туркумлаштириш, муайян ғоя ва воқеликка асосланган эпик сюжет асосида ҳар қайси үзича мустақил ва айни вактда бир-бирига боғлиқ бўлган бир неча асар яратиш, умуман, халқ оғзаки ижодига, хусусан, достончиликка хос хусусиятдир. Мана шу хусусиятни атрофлича текшириб, илмий ҳал этиш фольклоршунослигимиз учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Чунки халқ достончилигига туркумлик масаласи ўша туркумга мансуб достонларнинг ғоявий йўналиши, бадийтасвирий воситалари, ижобий образ масаласи, шунингдек, айrim достонлар генезиси, умуман, достончилик тадрижий ривожланишининг қонуниятларини очиш билан боғлиқ масалаларни илмий асосда тўғри ечишга ёрдам беради.

Биз қуйида «Гўрўғли» достонлари мисолида достончиликдаги ана шу туркумлик масаласига оид баъзи фикр-мулоҳазаларни баён этмоқчимиз.

Маълумки, ўзбек халқ оғзаки ижодиётида достонлар шунчаки оддий тарзда қуйловчи шоир ёки бахшининг хоҳишига кўра туркумлаштирилмайди. Аксинча, достонларни туркумлаштириш асосида муайян объектив ижтимоий эҳтиёж зарурияти ётади. Маълумки, кичик бир қўшиқ ёки достондан иборат эпик сюжет давр ҳодисасини, воқеликни акс эттириб авлоддан-авлодга, оғиздан-огизга ўтади, муайян тарихий шароитга мос эпизодлар билан бойиб, мукаммаллашиб, кенгайиб боради. Халқимизнинг турли даврлардаги ҳаёти ва тушунчасини акс эттирган ўзбек «Гўрўғли» туркуми достонлари мисолида ушбу ҳолни яққол кўрамиз. В. М. Жирмунскийнинг ёзишича, «реал тарихий воқеликка

асосланган кичик бир процессинг бундай туркум тарзида шакллангунига қадар каријб икки аср (XVII асрнинг бошидан XIX асрнинг иккинчи ярми) вакт ўтган. Албатта, бу воқелик илк бор лирик-драматик характердаги кичик бир қўшиқда ифодаланган бўлиши мумкин. Кейинчалик эса у кенгая бориб, эпик тарзда тасвирлангандир¹.

Бироқ муайян ижтимоий зарурият халқ ижодининг маҳсули бўлган эпик сюжетнииг чексиз кенгайиб кетишига ҳам, айни вақтда унда тасирланиши лозим бўлган воқеаларнинг тўла очилмай, чала бўлиб қолишига ҳам йўл қўймайди. Бунда достончи ҳамда тингловчининг ҳолати, куйлаш ва тинглаш учун кетадиган вақт ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда фольклорчи Я. Нальскийнинг «Бобо Юнус қўшиқлари» китобида берилган қўйидаги фикри характерлидир. «Мен Бобо Юнуснинг кўлига дутор олиб, «Гўрўғли» халқ эпосидан тингловчиларга кечқурундан то тонг отгунга қадар зўр иштиёқ билан куйлаганинг гувоҳи бўлганман... Шу каби куйлаш бир неча кунга чўзилар эди. Назаримда, қўшиқнинг охири йўқдек туюлар эди. Кунларнинг бирида Бахшидан «Гўрўғли»ни куйлаб тугатишингиз учун неча кун керак, деб сўрадим. Шунда у кеч киргандан то кун чиққунга қадар куйлаган тақдирдагина бир ойдан зиёд вақт лозим, деб жавоб берди»².

Ҳар бири 3–4 минг сатрдан 10–12 минг мисрагача шеърни ўз ичига олган 40 дан ортиқ «Гўрўғли» достонларини бошдан охиригача бир йўла куйлаш ва тинглашни кўз олдимизга келтирайлик. Мазкур «Гўрўғли» достонларини айрим-айрим ҳолда куйлаш ва тинглашдан бўлак илож бўлмаса керак. Мана шу объектив зарурият достончиликда маълум ғоя ва воқеликка асосланган муайян эпик сюжет негизида бир неча мустақил ва айни вақтда бир-бири билан узвий боғлиқ достонларнинг яратилишини тақозо қилган. Бу ҳол, умуман халқ оғзаки ижодиётида бўлгани каби, ўзбек халқ достончилигида ҳам туркумликнинг вужудга келишига, достонларни туркумлаштиришга сабаб бўлган, деб ўйлаймиз. Ана шу маънода туркумликни қўйидагича таърифлаш мумкин: сюжетлар-

¹ Народный героический эпос. М – Л., ГИХЛ, 1962, стр. 34–35.

² Нальский Я. Гафиз Бобо Юнус (в кн: «Песни Бобо Юнуса». – Сталинабад, 1950, стр. 53–54).

нинг бирор эпик сюжет заминида бир-бирига боғланиши, асосий қаҳрамонларнинг бир жой номи ёки бош қаҳрамон-шахс атрофида бирлашуви натижасида яратилган бирдан ортиқ достонлар сирасига туркумлик дейилади. Чамбил, Гўрўғли шахси, Фирот мазкур туркум достонларини туркумга бирлаштирувчи асосий факторлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан М. Г. Тахмасибнинг «Кўрўғли, Фирот ва Ченлибел «Кўрўғли» эпосининг асосий таянч элементларидир»¹, деган фикрини тўла кувватлаб, бу ҳол ўзбек «Гўрўғли» достонлари учун ҳам хосдир, дейиш жоиздир. Ўзбек «Гўрўғли» достонларининг ҳар қайсиси алоҳида айтилишига қарамай, уларнинг ҳар бири аввалги достоннинг давоми ёхуд Гўрўғли, Фирот, Чамбил номи билан боғлиқ бўлган яхлит эпик сюжетнинг бир бўлаги сифатида туркумликни ҳосил этган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида «Гўрўғли» номи билан юритиладиган туркум «Гўрўғлининг туғилиши» достонидан бошланиб, «Жаҳонгир» достони билан тугалланади. Мазкур туркумга мансуб достонлар бир вақтда яратилган деб бўлмайди, улар давр, ижтимоий тараққиёт, ҳаёт тақозоси билан муайян туркум сифатида шакллангунча бир неча аср ўтган.

Маълумки, туркумлик муайян достонда илгари сурилган гоя ва мазмунни янада ривожлантиришга имкон беради. Шунинг учун ҳам Гўрўғлининг туғилиши, болалиги, йигитлиги ҳақида алоҳида-алоҳида достонлар яратилган. Гўрўғлининг туғилиши, болалиги, йигитлиги вақт нуқтаи назаридан бир пайтда бўлиши мумкин эмас. Аммо Гўрўғлининг ҳаёт дақиқалари бир-бирига боғлиқ бўлганидан уларнинг бирортасини тушириб қолдириш, биринчидан мантиққа ҳам, тараққиёт жараёнига ҳам тўғри келмайди, иккинчидан, халқ қаҳрамонининг ҳаёт фаолияти, тўла-тўқис бўлиши учун қизиқкан тингловчи унинг чала қолдирилишини истамайди. Бу халқ қаҳрамони таржимаи ҳолининг тўла тасвирланишини тақозо қиласи. Мана шу тарзда туркумлаштириш биографик туркумлик касб этади. Қаҳрамоннинг туғилиши, болалиги ва дастлабки жасорати, баҳодирлик сафарлари, уйланиши каби биографиясининг муҳим босқичларига оид достонларга биографи-

¹ Тахмасиб М. Г. Азербайджанские народные дастаны. АДД. – Баку, 1965, с. 43.


фик туркумлик дейилади. Гўрўғли хақидаги достонлар бунга мисол бўла олади («Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг болалиги», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Ҳасанхон», «Авазхоннинг олиб келиниши» ва бошқа достонлар). Туркумлаштиришнинг иккинчи тури – географик туркумликдир. У ўзбек халқ достончилигига унча ривожланмаган бўлса-да, «Гўрўғли» туркуми достонларида географик туркумлик намуналари мавжуд («Замонбек» достони – Пўлкан шоир варианти). Бу достон мазмун эътибори билан «Гўрўғли» туркуми достонларини туркумликка бирлаштириб турувчи асосий омиллар – Гўрўғли образи билан ҳам, Фирот билан ҳам боғланмайди. Бироқ достонда куйланган воеа-ходисалар Чамбил эли ҳамда туркман юрти фонида рўй беради. «Замонбек» достони «Гўрўғли» туркуми достонларига фақат мана шу Чамбил эли – жой номи орқали боғланади. Бинобарин, муайян худуд ёки жой номи билан бир-бирига боғланувчи достонларга географик туркумлик деб аталади. Ўзбек халқ достончилигига «Замонбек», «Хиломон», «Бердиёр оталиқ» каби достонлар бунга мисол бўла олади.

Ўзбек халқ достончилигига туркумликнинг энг кенг тарқалган тури наслий туркумликдир. Бу ҳолни биз Ҳасанхон ва Авазхон, уларнинг фарзандлари ва иккинчи, учинчи авлод ҳақида алоҳида алоҳида достонларнинг яратилишида ва бу достонларнинг, умуман, «Гўрўғли» ҳақидаги достонларга хос хусусиятларини саклаб қолгани ҳолда уларни мантиқан катта туркумга бирлаштирилишида кўрамиз. Бу тарзда янги достонлар яратиш ўзбек халқ достончилигининг муҳим хусусиятидир. Халқ достончилигидаги туркумлаштиришнинг бундай хили наслий (генеалогик) туркум номи билан юритилади. «Гўрўғли» ва унинг тутинган фарзандлари Авазхон ҳамда Ҳасанхон, неваралари Нурали билан Равшан, эвараси Жаҳонгирлар... ҳақидаги достонлар ана шу наслий туркумликнинг энг ажойиб намуналарицидир»¹.

Наслий туркумлик нуқтаи назаридан «Гўрўғли» достонларида ёндашилса, унинг икки йўналишида эканлиги кўзга ташланади. Бир томондан, Гўрўғли – Авазхон – Нурали – Жаҳонгир, иккинчи томондан, Гўрўғли – Ҳасанхон – Равшан йўналиши бор. Мана

¹ Жирмунский В. М. Тюркский героический эпос. – Л., 1974, с. 637.

шу икки йўналиш ўзбек халқ достончилигига наслий туркумликни вужудга келтирган¹. Бу ўринда шуни эътиборга олиш зарурки, «Гўрўғли» туркуми достонлари наслий туркумлик нуқтаи назаридан қуидаги формага эга.



Кўриниб турибдики, наслий туркум достонлари биографик туркум достонларидан вужудга келади. Масалан, Гўрўғли ҳақидаги достонлардаги айрим мотивлар асосида Авазхон, Ҳасанхон тўғрисидаги, Ҳасанхон билан Авазхонга бағишиланган достонлардаги баъзи мотивлар асосида эса, Равшан, Нурали, шунингдек, Жаҳонгир ҳақидаги достонлар яратилган.

Туркумнинг юқорида кўрсатилган турлари ўзаро узвий боғлиқдир. Чунончи, бефарзандликдан руҳий азобланган Гўрўғли Ваянган деган юртдан темирчининг ўғли (Пўлкан шоир варианти бўйича Темирхон подшонинг ўғли) Ҳасанхонни Чамбил юртига олиб келиб ўзига ўғил қилиб олади, уни тарбиялайди, баҳодир йигит қилиб етиштиради. Бу ҳодисани, аввало, Гўрўғли биографиясига тааллукли деб қараш керак. Бу жиҳатдан Ҳасанхон ҳақидаги достон Гўрўғлининг кичик биографик туркумлигига янги асар бўлиб қўшилиши билан наслий туркумликни ҳам юзага келтиради. Наслий туркумлаштириш, яъни насл принципи бўйича достон яратиш ўз навбатида биографик туркумни давом

¹ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947, с. 225–265.

эттириш имконини беради¹. Биографик туркумлик билан наслий туркумлик ўртасида узвий боғланиш бор. Чунончи, «Ҳасанхон» достони наслий туркумликнинг намунаси бўлиш билан бирга айни вақтда «Гўрўғли» биографик туркуми достонлари қаторига ҳам киради, чунки ундаги айрим муҳим маълумотлар бевосита Гўрўғлиниң биографиясини тўлдиради.

Ўзбек халқ достончилигига наслий туркумликни ташкил этувчи анча пухта ва тўлақонли достонларнинг мавжудлиги оғзаки ижодиётимизда эпос – достон жанрининг тараққий этганлигидан ҳамда юксак даражага кўтарилганлигидан далолат беради.²

¹ Жирмунский В. М. Тюркский героический эпос. – Л., 1974, стр. 92.

² Ушбу макола куйидаги манба асосида чоп этилмоқда: Мирзаева М. Ўзбек халқ достончилигига туркумлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1977. – 4-сон. – 80–83-бетлар.

*Сиддиқа
ШОДИЕВА
(1936–1993)*



Шодиева Сиддиқа Файзиевна 1936 йил 1 марта Бухоро шаҳрида туғилган. Ўзбек давлат университети (ҳозирги Сам-ДУ)нинг филология факультетини битирган. Бухоро давлат педагогика институтининг Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган (1959–60). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган (1961–64). Тошкент давлат чет тиллар институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ҳамда кафедра мудираси вазифаларида ишлаган (1965–85). «Соҳибқирон» достонининг гоявий-бадиий ҳусусиятлари (эпоснинг турли версияларини қиёсий ўрганиши тажрибаси)» мавзудида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1968). «Ислом шоир Назар ўғли. «Соҳибқирон» (1964), «Умир Сафар ўғли. «Ойпарча» (1965) каби китобларни нашр эттирган. Унинг ўзбек ҳалқ достонларининг гоявий-бадиий ҳусусиятлари, адабиёт ва фольклор, фольклор жанрлари ва ҳалқ ижоди асарларида вариантлилик масалаларига доир «Соҳибқирон достонининг вариантлари ҳақида» (1964), «Кунларим» асари ҳақида (1973), «Соҳибқирон» достони ва унинг вариантлари» (1976), «Ўзбек фольклорини ареал тадқиқ этишининг баъзи масалалари» (1985) каби мақолалари чоп этилган. 1993 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

«СОХИБҚИРОН» ДОСТОНИ ВА УНИНГ ВАРИАНТЛАРИ

Ислом шоир репертуаридаги энг яхши эпик асарлардан бири «Сохибқирон» достонидир¹. Бу сюжет «Қиронхон», «Сохибқирон ва Сохибжамол», «Ойпарча», «Одилхон», «Коракўзойим», «Дурапшо», «Чорёр», «Шаръяр», «Зорлик билан Мунглик» номларида достон ва эртак шаклида ўзбек, козоқ ва қорақалпоқ халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг бир-бирига ўхшашлиги бу халқларнинг узоқ ўтмиш ҳаётида рўй берган муштарак воқеа ва ҳодисалар билан изоҳланади. Бу достонлар асрлар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолганлиги туфайли буни куйлаган ҳар бир шоир давр шароитига хос ҳолатларни колдиришга ҳаракат қилиб, давр, замон, одамлар завқини ҳисобга олиб, маълум даражада ўз ҳиссасини ҳам қўша борган.

«Сохибқирон» достонининг мундарижасини золим шоҳлар, хонлар замонида меҳнаткаш халқнинг бошига тушган оғир кулфат ва мاشаққатлари, эксплуатацияга асосланган тузумдаги адолатсизлик ташкил этади. Ноҳақ тухмат билан маломатга йўлиқ-кан она ва болаларнинг жудоликлари, уларнинг бу йўлда тортган азоблари, бир-бирларига интизорлиги, аянчли аҳволлари, воқеага алоқадор бўлган образларнинг ўзаро муносабатлари ниҳоят даражада таъсирли ифодаланади. Достоннинг ҳамма ўзбекча вариантларида асосий масала қилиб энг таъсирчан ва ҳаётий воқеа – она ва бола образи қўйилади. Улар орқали феодал муносабатлар, очкўзлик, бойлик орттириш, хусусий мулкчилик ва шу шароитда ахолининг оғир қисмати, хон ва унинг атрофидагиларнинг разил хатти-ҳаракатлари фош этилади. Дин йўл қўйиб ва тасдиқлаб берган эрксизлик, қўп хотин олиш, кундошлиқ можаролари, адоват ва кўра олмаслик натижасида юз берган воқеаларнинг гуноҳсиз гўдакларни йўқ қилишгача олиб боргани, мазлумларнинг оғир кўргуликлари ҳам айтувчини, ҳам эшитувчини қаттиқ ҳаяжонга

¹ Достонни шоир оғзидан С. Аскаров ёзиб олган. Қаранг: «Сохибқирон», нашрга тайёрловчи С. Шодиева. – Тоникент, 1964. Мисоллар шу китобдан олиниади.

солади. Бу ҳол уларда эзувчиларга нисбатан чексиз қаҳр-газаб ва нафрат қўзғатади. Оқибатда ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қиласи, тухматдан ажралиб, жафо тортганлар бир-бири билан топишади.

Достоннинг ўзбек, қозоқ, қорақалпок версиялари ва уларнинг варианtlари бир-бирига умуман ўхшаш бўлса-да, деталларнинг ишланиши, бадий тексти ва ғоялари жиҳатидан маълум даражада фарқ ҳам қиласи. Қадимий илдизи бир бўлган бу сюжетнинг турли элатлар, қабилалар, халқлар ўртасига тушиб қолиши натижасида ўша ҳалқ ёки этник группага хос эпик анъаналар бўйича ривожлана борган. Мазкур сюжетнинг дастлабки яратувчиси ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ҳалқ унда ўз хусусиятларини, ўз интилишлари ва қараашларини этник ва миллий тушунчалари доирасида ифодалаб, ўз улуши ва ҳиссасини қўша борган. Бу ҳол генетик асоси бир бўлган юкоридаги асарлар ўртасида катта-катта айирмаларни фарқларни юзага келтирган. Достоннинг ўзбек, қозоқ ва қорақалпок версияларининг юзага келиши ва тарқалиши ҳам шулар билан белгиланади.

Ҳажман кенглиги деталларнинг атрофлича ишланиши, бадий камолоти билан «Соҳибқирон» достоннинг ўзбек версияси бошқа версиялардан устун туради. Бу версиянинг барча варианtlарини ўрганиш шуни кўрсатадики, мазкур достон ўзбеклар ўртасида икки версияда тарқалган ва иккаласи ҳам баъбаравар жонли оғзаки традицияда яшаб келган. Бундан бу версияларнинг бири илгари, иккинчиси кейин юзага келган, деган маъно чиқмаслиги керак. Умуман, ўзбек халқининг тарихий тараққиёти бир хил бўлмаганидек, бу асарлар ҳам бир ҳалқ ичидаги турли этник группалар орасида турлича ривожлана борган. Ҳар бир уруғнинг ўзидағи ҳамма эътироф қилган қадимий эпик анъаналар доирасидан чиқиб кетмасликка уриниши уларнинг эпосида ўз изини қолдирган. Натижада бир асарнинг ўшаларга хос версияси бошқа қўшни версиялар билан ёнма-ён жонли оғзаки традицияда яшай берган, ҳар бирининг ўз варианtlари юзага кела берган.

Бир неча хотини бўлган фарзандсиз кекса ҳукмдорнинг оҳ-зорлари, фарзанд кўриш ниятида подачининг қизига уй-

ланиши, ўгай оналар тухмати билан бегуноҳ эгизакларнинг чақалоқлигига ёк она бағридан улоқтирилиши, уларнинг маълум сабаблар билан тирик қолиши ва улғайиши, ота-оналари билан дийдор кўришиши достоннинг ўзбек версияларидан бирининг асосий сюжет ҳалқалари ҳисобланади. Бу версия уч вариантда, яъни ўзбек бахшилари Ислом Назар ўғли, Умир Сафар ўғли ва Зохир Кўчқор ўғлидан ёзиб олинган. Булар орасида Ислом Назар ўғли варианти анча мукаммал ва бадиий пишиқдир. Унда социал мотивлар янада ўткирлаштирилган. Достонда Бўтакўз-нинг ҳимоячиси сифатида Ойтўра образининг ёрқин ва жозибали ишланиши Ислом шоир вариантининг ғоявий мазмунини теранлаштириб, бадиий жиҳатдан янада юксак даражага кўтарган. Бу образ Ислом шоир вариантининг муҳим янгилигидир. Достончи бу образ орқали тухмат ва иғволар, адолатсизлик ва ҳақсизликларга тўлган замонга нисбати исён кўтаради. Ойтўра, Қинғир подачи ва бошқалар мазкур вариантда тенгсизлик дунёсини ўzlарига хос равишда фош этадилар. Бу ҳол ҳалқнинг ижтимоий қарашларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қашқадарёлик Умир шоир варианти ҳам достоннинг яхши нусхаларидан биридир. Асар достончининг традицион текстга ижодий муносабатда бўлғанлигига билан ажralиб туради. Бу вариантнинг муҳим янгилиги Тўқсон бобо образининг атрофлича ишланишидир. Бошқа вариантларда эпизодик ҳолда кўринган бу образ (масалан, Ислом шоир вариантида Қамбар бобо) Умир шоирда деярли бутун достон давомида ҳаракат қиласди. Бошқа вариантларда ўзининг шахсий манфаатлари учунгина адашгандарга «ёрдам» қўлини чўзган бу чол Умир шоирда ижобий образ даражасигача кўтариленган. Демак, Умир шоир вариант айрим образларни ижодий ишлаш билаи ҳарактерланади¹.

Достоннинг Зохир шоир вариантни эса бадиий жиҳатдан анча бўш, эпик традицияга қатъий риоя қилинмайди. Бахши ўзича янгиликлар киритмоқчи бўлиб, баъзан қарама-қаршиликларга ҳам йўл кўяди. Бироқ бу вариант ҳам достонни қиёсий ўрганиш учун муайян аҳамиятга эга.

¹ Достон нашр этилган. Қаранг: «Ойпарча», нашрга тайёрловчи С. Шодиева. – Тошкент, 1965.

«Соҳибқирон» достонининг бошқа бир группа варианatlари ҳам мавжудки, улар юқоридаги варианtlардан принципиал ра-вишда фарқ килади ва улар ўзаро алоҳида бир версияни ташкил этади. Ҳукмдорнинг фарзандсизлиги, подачи қизига уйланиши, ўгай оналар тухмати билан чақалоқларнинг чўлу биёбонларга улоқтирилиши, уларнинг улғайиши, Соҳибқироннинг ўзга мамлакатларга бир неча бор сафари, шунингдек, Соҳибжамолнинг бегона юртда қийинчиликларга тушиб қолган акасини қутқазиш учун қилган сафари ва ниҳоят, жудоликда улгайган фарзандларнинг ота-оналари билан танишишлари бу версиянинг асосий сюжет чизиқлариidir. Демак, бу версия эгизакларнинг улғайиш жараёни, улар фаолиятини кенг ва атрофлича тасвирлаш билан юқорида тилга олинган версиядан фарқ қилади. Бу версиянинг варианtlари Мұхаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан, Сайдмурод Паноҳ ўғли¹, Ёрлақаб Бекназар ўғли, Мурод Отабой ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Матназар Жаббор ўғли² каби ўзбек баҳшиларидан ёзиб олинган. Шунингдек, Хоразм халфалари қўлида унинг бир неча қўлёзма нусхалари ҳам мавжуд.

Бу версия эгизакларнинг қаҳрамонлик фаолиятини атрофли-ча ишлаш билан ажralиб туради ва шу жиҳатдан қозоқ ҳамда қорақалпоқ версияларига яқин туради. Фантастик эртакларга хос хусусиятларга ўта мойиллик, парилар ва уларнинг аждар, қуш ва аёл сингари турли-туман қиёфаларга кира олишлари, ҳатто керак бўлганда инсон ҳам ўз қиёфасини ўзгартириши, вахимали аждарлар, сеҳрли қушлар билан тўқнашув, асар воқеаларининг ғалати ва сирли жойларда кечиши каби ҳолатлар бу версиянинг характерли белгилари сифатида қаралмоғи керак. Бу жиҳатлари билан қорақалпоқ ва қозоқ версияларига яқин туради.

Шундай қилиб, достон версия ва варианtlарида, бир томондан, хусусий мулкка асосланган тузумдаги адолатсизлик, унда меҳнаткаш халқнинг тортган жафоси, иккинчи томондан, ҳар

¹ Бу вариант нашр этилган. Қаранг: «Одилхон»» нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент, 1972.

² Бу вариант ҳам нашр этилган. Қаранг: «Қоракўзойим», нашрга тайёрловчиilar M. Муродов ва N. Сабуров. – Тошкент, 1967.

қандай азоб ва уқубатларда ҳам заҳматкаш элнинг ёруғликка интилиши, уларнинг доимо эзгу ният ва яхшиликни ўйлаши маҳорат билан тасвирланган. Ижобий қаҳрамонларнинг ўз мурод-мақсадига етишишини тасвирлаш орқали ҳам бу идеал янада тасдиқланади. Бу умумий йўналиш барча версия ва варианtlар учун бир бўлса-да, ҳар бир версияда достоннинг аталиши ва қаҳрамонларнинг исмлари, географик ўринларнинг номланиши ҳар хил, айрим эпизод ва деталлар эса турличадир. Шунингдек, достоннинг бадиий тексти ҳар бир вариантда ўзгача намоён бўлган.

«Соҳибқирон» достонининг версия ва варианtlари шуни кўрсатадики, ўгай оналар тухмати ва хатти-ҳаракати билан фарзандсиз ҳукмдорнинг кексалигида кўрган зурриётларининг чакалоклигига ёк адаштирилиши ва у билан боғлиқ турли-туман ички ва ташки коллизияларни ўз ичига олган бу сюжет жуда кенг тарқалган. «Бундай сюжет феодализм шароитида ўзининг реал заминига эга эдики, бу нарса унинг жуда кенг тарқалишига, бир қанча тиллар ва элатларда турлича мазмун ва формаларда намоён бўлишига сабаб бўлган»¹, Ниҳоятда халқчиллик касб этган достон воқеалари ярим реалистик, ярим фантастик ҳарактерга эга. Фольклорист Т. Мирзаевнинг ёзишича, «Фарзандсизлик туфайли чекилган оҳ-зорлар, кундошларнинг мол-дунё учун ҳар қандай ярамасликлардан қайтмасликлари, ҳатто ўзларининг гараз ниятларини амалга ошириш учун бегуноҳ гўдакларни ўлдиришга ҳам тайёр турганликлари, ҳукмдорларнинг адолатсиз ҳукми, Бўтакўзнинг зинданда тортган азоблари қанчалик реал бўёқларда кўрсатилган бўлса, чўлга улоқтирилган эгизаклар – Киронхон ва Қорасочларнинг тақдери, саргузаштлари, Киронхоннинг ўзга юртларга қилган сафарлари (гарчи бу сафарларнинг қўзғатувчиси реал асосга эга бўлса-да) шунчалик фантастик қобикда, фантастик эртакларга хос тасвирда берилган. Бу нарса мазкур достонда эртак мотивлари анча устун бўлганлиги билан изоҳланади»².

¹ Мирзаев Т. Сўз боши ўрнида // «Одилхон». Достонлар, термалар. – Тошкент, 1972, 6-бет.

² Ўша ерда, 7-бет.

«Соҳибқирон» достони учун характерли бўлган мотивлардан бири фарзандсизликдир. Дунё халқлари оғзаки ижодиётida, хусусан, Шарқ халқлари бадиий ижодида кенг тарқалгаи бу мотив бу ерда ўзига хос равишда оригинал кўриниш берган. Ҳамма варианtlарда ҳам шоҳларнинг фарзандсизликдан қайғуришларининг асосий сабаби тожу тахт ва молу дунёга бошқаларнинг эга бўлишидан кўркишларидир. Ислом шоир вариантида айтилишича, Оқтошнинг подшоси Одилхон олтмиш уч ёшига қадар фарзанд кўрмаган, аммо унинг давлати, молу дунёси эса жуда кўп:

*Фарзандлар кишининг меҳри гиёси,
Бефарзанднинг сабил ийлқи, туяси.
Ҳасрат била мен оламдан ўтганда,
Ким бўлади шунча молнинг эгаси?*

Бу мисралардан кўринадики, шоҳ, аввало, ўзининг мол-дунёсини кимга мерос қолдиришнигина ўйлайди. Шу билан бирга, бу парчада фарзандли киши хаётининг шод-хуррамлик билан, лаззатли ўтиши, бефарзанд киши эса дунёда из қолдирмай ҳасрат билан кетишидан иборат аччиқ ҳақиқат ифодаланади.

Демак, «Соҳибқирон» достонида шоҳнинг фарзанд учун қайғуриши шахсий манфаатлар доирасида бўлиб, феодализм шароитида яратилган эпос учун бундай ҳолнинг бўлиши қонуний, реал ва воқеликка батамом мосдир.

Шоҳнинг фарзанд талабида овга чиқиши ва уч қизнинг сухбати устидан келиб қолиши барча версия ва варианtlарда мавжуд. Фарзандсизлиги туфайли қаттиқ қайғу ва изтиробда қолган шоҳнинг овга чиқиши ва бунда кутилмаган ҳодисаларга дуч келиши (бўгоз ёки чўлоқ жондорга йўлиқиши, дунёни кезиб юрувчи қаландарга учраши ва шулар ёрдамида сехрли ғорлар, қандайдир қадамжоларга бориб ўз муродини топиши) каби ҳолатлар, умуман, эпоснинг қадимий элементларидан бўлиб, бўлғуси қаҳрамонларнинг ажойиб ҳолатда тугилишлари мотиви билай маҳкам боялангандир. «Соҳибқирон» достонида бу ҳол ўзаро сухбат қилиб турган уч қиздан кичигининг яхши ният қилиши мисолида ифодаланган.

«Соҳибкирон» достонининг версия ва вариантларида кундошлиқ конфликтни қизиқарли эпизод ва деталлар орқали очила боради. Ислом шоир вариантида Одилхоннинг уч хотини ўзаро маслаҳатлашиб маstonни олтин билан қўлга олиш режасини тузадилар. Достонда кундошлар ўртасидаги диалогларда, гап-сўзларда, хатти-ҳаракатларда уларнинг характеристири батамом очилади. Кундошларнинг ёвуз ниятларидан уларнинг характеристирида ёвузлик кайфияти борлиги беандишалик билан масалани узил-кешил ҳал қилишданоқ, маston кампирни пул, олtingа сотиб олиб, шу орқали Бўтакўзнинг туғиладиган болаларини йўқ қилишни қатъий қилиб қўйишлариданоқ билиб олинади. Кундошлар ҳийланайранглардан умумий ниятда фойдаланиб бирлашсалар-да, уларнинг ҳар қайсисининг достонда индивидуал сифатлари мавжуд.

Достонда кундошлиқ конфликтни жуда таъсирчан ифодаланган. Айниқса, шоҳ хотинларининг мансабпарастликлари, молдунёга қизиқишилари ва меҳнаткаш табақа вакилларига паст на зар билан қарашлари очиб ташланади. Феодализмнинг жирканч қонунлари расмийлаштирган кўп хотинлилик ва кундошлиқ балоси хотин-қизлар хўрланишининг ёрқин кўриниши эди. Достонда гарчи жуда содда шаклда бўлса-да, ана шу хўрланишга қарши исён кўтарилади.

Достоннинг барча версия ва вариантларида чўлга улоқтирилган болаларни кийик эмизиб, вояга етказади. Онасиз қолган чақалоқларни кийик ёки бошқа бир жондорнинг эмизиб катта қилиши эртак ва эпосдаги жуда қадимий мотивлардан дир. Жабрдийда она ва болаларнинг эсон-омон қолишига гойиб эранлар, қирқ чилтан сабабчи қилиб тасвиранади. Достонда булар кўпинча кўк кийинган ёки малла тўнли чол бўлиб, энг зарур пайтда ёрдамга келиб, йўл кўрсатиб, мадад беради. Бу жуда қадимий мифологик тушунчалардан келиб чиқсан бўлиб, ҳозиргача бу нарса чўл эгаси, ғарилар, мушкулга қолганлар ҳомийси сифатида эпик асарларда гавдаланадилар. Достон вариантларида куйланишича, чўлга ташланган болалар бир-бирининг билагини сўриб ётган пайтда уларни эмизиш учун кийикни чўл эгаси Хизр бошлаб олиб келади. Айни пайтда кийик ҳам ўз қуралайларидан ажралган, қаттиқ алам, изтиробда қолган

бўлади ва дархол ҳар икки чақалокни ўз болаларидай бағрига босади. Чол кийикка шундай дейди:

*Ҳеч ким билмас юрагингда ўтингни,
Эшиитмайди сенинг қилган додингни,
Раво кўргин бер уларга сутингни,
Бор, эмизгин у икки фарзандингни.*

Бу билан чўл ҳомийси бўлган чол инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам мадад берувчи, ҳар кимнинг ҳол-ахволидан хабардор ва мададкор сифатида гавдаланади. Кийик болаларга меҳрибончилик қиласи:

*Айрилиқ савдоси тушиби бошима,
Томоша қил кўздан оққан ёшима.
Сен онандан, мен боламдан айрилдим,
Оёқ билан тортма берди тўшина.*

Шу тарзда кийик болаларни эмизишни одат қиласи, кийик ва болалар бирга яшай бошлайдилар. Бу ҳолат ҳалқнинг оғзаки ижодида кенг тарқалган. Одамзод боласининг ҳайвонлар ўртасида яшаганлиги эртакларда кўп учрайди. Бундай ҳолатлар маълум маънода ўзининг реал асосига ҳам эга. Лекин достонда болаларни кийик эмизиши ўзининг қадимий изларига эга бўлган поэтик мотив бўлиб, бу билан достончилар ҳар қандай гуноҳсизни ҳатто бутун табиат, мавжудот ҳам қўриқлайди, деган ғояни ўтказа олганлар.

Ўзбек версиясида кийик улғайтирган болаларнинг келгуси ҳаёти ҳам ўзига хос равишда тасвиirlанган. Улар ўзлари учун Хизр томонидан пайдо қилинган боғда ёки тоғ камарида катта бўладилар.

Бўтакўзнинг жазоланиши ва саргузашти тасвири достоннинг энг таъсирчан эпизодларидан биридир. Гуноҳсизнинг фарёди достончи томонидан жуда таъсирли мисраларда ифодаланади. Айниқса, Бўтакўзнинг чоҳ олдидаги фарёди ғоятда таъсирлидир:

*Мен кўрдим, кўрмасин ўзга муштипар,
Ҳеч киши бўлмасин бу ғамга дучор,*

*Кўрмайманми энди боламдан дийдор,
Чорраҳада бўлди менга бу мозор.*

Достонда Бўтакўзниң ҳаёти орқали, бир томондан, халқниң ўша даврда яшаётган турмушдан қаттиқ норозилиги акс эттирилса, иккинчи томондан, золимлар зулмини ўз қисматидан деб билган, тақдирга ишонган меҳнаткаш халқ кўз ўнгимиизда гавдаланади. Достончининг ўша давр тузумига нисбатан норозилиги асарни қўйлашидан англашилади. Шу билан бирга, золим ва мазлумлар замонида халқ руҳининг адолат ва ҳақиқат томонга талпингани ўзига хос равишда тасвирланган. Меҳнаткаш халқниң феодал-сарой тузумига нисбатан нафратланиб, тухмат гирдобида қолган Бўтакўзга нисбатан қуруқ ачинишигина эмас, балки тобе синф вакилларининг бундай зулмга, ҳақсизлик, адолатсизликка қарши чексиз ғазаб-нафратлари чоҳга ташлаш пайти манзарасида, айниқса, алоҳида мунг ва исён оҳангиди ифодаланади. Меҳнаткаш халқ вакили Ойтўранинг: «Ташламагин, золим, кўрсин онаси!» каби ғазабли хитоби хукмрон синф вакиллари ва уларниң раҳм-шафқат билмаган ҳиссиз, қалбсиз амалдорларига нисбатан оддий халқниң чексиз нафрати ифодасидадир.

Бу ўринда оналик меҳр-шафқати, оналарниң меҳрибонлиги жуда ҳаётий, таъсирли ифодаланади. Она қизи тортаётган кўргулликларниң барини кундошларидан кўради. Муштипар она жигарбандининг ноҳақ жазоланишини кўриб шоҳ салтанатидан ўз кулбасининг минг бор яхши эканини англайди. Бу меҳнат билан камбағалликда кун кўрувчи барча заҳматкашларниң овози эди:

*Яхши эди подшолик салтанатдан,
У кулбамда сени ўйнаб юрганинг,
Шу бўлдими подшоликда кўрганинг,
Гашти ўксинасан, азобда танинг.*

Меҳнаткаш халқниң ўз меҳнати билан кун кечириши, таъмасиз, ҳасадсиз тирикчилик билан шуғулланиши инсонни, ҳаётни қадрлашга ўргатиб қўйган. Уларниң қалб, виждонлари

мехнатда тамал топгани учун зулм, зўравонликка асосланган, таъна, тухматлар уяси бўлган шоҳлик ва бойлиқдан кўра, соф ва самимиятли, ҳашаматсиз турмушни минг марта афзал кўради. Достончи ҳаётни жуда яхши билгани учун ҳам ўзбекларнинг ўлим муносабати билан қиласидаган йиғи ва расм-руссумларини бу эпизод тасвирига олиб кириб, асарнинг таъсир кучини, ҳаётийлигини оширган.

Достонда болалар ҳаётини тасвиirlаш орқали халқдаги кела-жакка ишонч, адолат ва ҳақиқатнинг, албатта, юзага чиқишига умид ўз ифодасини топган. Болаларни чўл эгаси олмали боғда катта қиласиди. Чўл эгаси ҳақидаги тасаввур нихоятда чегараланган бўлгани учун у факат йўл кўрсатувчи, назорат қилувчидир, холос. Шуниси характерлики, Соҳибқирон мард, жасоратли, Соҳибжамол хушёр, билимдон, тез таъсирланадиган ва юксак фаросат эгаси сифатида гавдаланади. Демак, достончилар болаларнинг вояга етиши процессидаги воқеаларни тасвиirlаш орқали шу билан боғлиқ равишда бутун бир муҳитни, ўша давр ҳаётини кўрсата билган.

Достонда кўйиладиган масаланинг ечилиши воқеанинг характеристикасига қараб, қаҳрамонларнинг бир-бири билан учрашуви, хуллас, бир-бирини топишуви билан ҳал этилади. Халқ тушунчасидаги ёвузлик устидан эзгулик, ҳақсизлик устидан адолат енгиб чиқишига ишонч мавжудлиги натижасида достондаги ижобий қаҳрамон кўп қийинчиликларни матонат билан енгиб, мурод-мақсадига етади. Салбий қаҳрамонлар жазоланади. Ота, она ва болаларнинг бир-бирлари билан топишишлари тасвирида варианtlарда умумийлик ва хусусийлик кўзга ташланади. Бунда фикрни баён этишда, воқеани тасвиirlашда ички кечинмаларни ифодалашда достончининг шахсий тажрибаси муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам қаҳрамон танлашни ҳар бир достончининг эстетик принциплари, ҳаёт тажрибаси, ўзига хос фантазияси белгилайди.

Ислом шоир варианти ечимида Ойтўра образи ўзининг олиjanоб ҳаракатлари билан муҳим роль ўйнайди. Бўтакўзни озод қилиш учун эшон, сипоҳилар чоҳ бошига келадилар. Буларни итлар талайди. Сипоҳилар чоҳга кирмоқчи бўлганда,

Шон номаҳрамлар кирмасин, деб туради. Мутлақо зарурияти бўлмаган бу ўринда эшоннинг ноўрин гаплари келтирилиб, бу билан унинг жирканч афт-башараси очилади. Ойтўра Бўтакўз-нинг кийимларини олиб келиш учун шоҳнинг хотинлари олди-га боргандা улар уни уришиб-юлишиб, ҳеч нарса ҳам беришмайди. Бу ўринда кундошларнинг афт-ангори маҳорат билан очилади:

*Доим юрдинг Бўтакўзга бўлишиб,
«Сиз» нега «келдингиз»¹ бунга эргашиб.
Келган йўлдан кета беринг, Ойтўра,
Нима бўлар, подачининг қизи-да!*

Бўтакўзниң ота-онаси, опалари ҳам етиб келади. Адолатсизлик ва ноҳақлиқдан пичоқ бориб суюгига тақалган бу одамлар шоҳ ва унинг амалдорларидан кўркиб турмайди. Шу тарзда санъаткорона ва реал тасвиrlанган гурбатзадаларнинг топишиши ҳаммага тушунарли тил билан, ёрқин образлар орқали гавдалантирилган, шеърий мисралар жуда ҳам таъсирли тузилган.

«Соҳибқирон» достонининг сюжет состави ва асосий мотивларининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг асослари халқ эртакларига бориб тақалади. Достон мотивлари бир-бири билан органик равишда боғланган бўлиб, ундаги фантастик ҳолатларни – жодугар-мастонларнинг хатти-ҳаракатларини, сехрли ғорлар ҳамда саройларни, парилар ва уларнинг кийик, аждар, қуш, булбулигүё, аёл сингари турли қиёфаларга кира олишларини, ҳатто инсоннинг ҳам сехрли хусусиятларга эга бўлишлигини ота-она, ота-бала, она-бала, ака-сингил муносабатлари билан аралаш ҳолда тасвиrlаш асарнинг қизиқарли чиқишини таъминлаган. Достоннинг баъзи мотивлари нисбатан қадимий даврларга бориб тақалса-да, айримларида кейинги асрларнинг воқелиги ўз ифодасини топган. Достонда талқин

¹ Доим сенсираб муомала қилиб юрилган кишига нисбатан заҳархандалик билан кесатиб гапирилганда, одатда, сизсирашга ўтилади. Бу ўринда достончи халқ ўртасидаги ана шу одатдан маҳорат билан фойдаланган.

етилган мотивлар асос-эътибори билан халқчил. Улар умумбашарий ғояларни ташийдилар ва достоннинг халқчиллигини ҳар жиҳатдан асослаб берадилар.

Достонда энг қадими мотивлар изларини кўриш мумкин. Ҳатто унда ибтидоий жамоага алоқадор айрим деталлар ҳам кўринади. Болаларнинг ҳайвонлар сингари чўлу даштларда, саҳроларда яшаганликлари, уларнинг кийим киймай, яланғоч юриб катта бўлишлари маълум даражада халқимизнинг ибтидоий жамоага хос ҳолатидан дарак беради, деб караш мумкин. Шунингдек, Умир шоир вариантида баъзи бир қадими қуролларнинг тасвирланиши, пул муомаласи ўрнига буюмга буюм алмаштиришнинг акс эттирилиши ва шу сингарилар достон қадимиyllигини кўрсатувчи белгилардандир. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, асарда қадимиyllикка хос деталларнинг учраши бутунисича шу достоннинг қадимиyllигини исботлай олмайди, албатта. Булар айрим эпизодлар ва мотивлардагина учрайдиган қадимиyllик нишонасидир. Асарга яхлит ҳолда қараш керак. Бизнингча, мазкур сюжет достон формасини олганга қадар халқ оғзаки ижодида қандайдир бошқа бир жанрда мавжуд бўлган бўлиши ҳам эҳтимол. Ҳар ҳолда бу сюжет қайси жанрда бўлган бўлмасин, у ҳаётий-маиший ва фантастик эртакларга яқин тўрган. Унинг достон жанрига кўчиши типологик жиҳатдан бутунлай янги ҳодиса бўлиб, бу ҳолнинг юз бериши XVII асрдан берида бўлмаса керак.

Достонда умумхалқ тилида ишлатиладиган мақоллар ва халқ ибораларининг жуда кўплаб ва моҳирлик билан қўлланиши, хусусан, образлар талқинида бу воситалардан достончиларнинг мақсадга мувофиқ ва ўринли равишда фойдалана билганлиги асар тилининг бой, образли ва бадиий томондан юксак бўлишини таъминлаган. Чунончи, «Кўй бўрисиз бўлмас, эл ўгрисиз бўлмас», – деган халқ мақоли орқали Бўтакўзнинг тухматга қолганлиги образли баён этилган. «Яхши ният – ярим давлат», «Эрдан эр туғилар, нордан нор туғилар», «Тенг тенги билан, тезак қопи билан» каби мақоллар ҳам асарда ўринли қўлланган. «Сухан деган дурдир, кўнгил деган гулдир», «Подшо деган одамнинг гапи икки бўлмайди», «Очилган гулни сўлдирма» каби халқ

иборалари асар персонажларининг нутқига едириб юборилган. Хуллас, бу хил халқ мақол ва ибораларни қўллаш асарнинг бадиий кувватини бекиёс даражада оширган.

Достонда диалог ва монологлар пухта ишланган. Ҳар бир образ ва персонажга муносаб сўз ва иборалар қўлланиб, уларнинг индивидуал хусусиятлари очилган. Фикримизнинг исботи учун Одилхон ва унинг ўгли Соҳибқирон ўртасидаги айтишувни келтирайлик:

Одилхон:

*Одил айтар бир турқингга қарайман,
Сен гапирсанг, эшиштаман, фаҳмлайман,
Термишаман, сумбатинга тўймайман,
Мехри иссиқ, бекзод, кимнинг дилисан?*

Соҳибқирон:

*Эшишинглар, бўлинг сўзим ҳайрони,
Мен кўрганман кўп зиёда савдони,
Бор дейдики тўқсан олти қўргони,
Мен фарзанди шу анжомдор подшони.*

Бу диалог орқали ота ва бола ўртасидаги меҳрибонликнинг уйғониши, шоҳнинг фарзанд дийдорига муҳтоҷлиги, асли подшозода Соҳибқироннинг чақалоклигиданоқ ота-онадан айрилиб, кўз кўриб, кулоқ эшишмаган, инсон ақли бовар қўлмайдиган бениҳоя кўп қийинчиликларни кўрганлиги ихчам, лекин чукур маъноли жумлалар билан тўғри қайд қилинган.

Соҳибқирон ва Соҳибжамол ўртасидаги диалогда эса уларнинг она дийдорига зор эканликлари энг таъсирли воситалар орқали баён қилинган.

Соҳибжамол:

*Мен сўзласам сизга малол бўлмасин,
Хеч ким ёмон кўрмас түкқан онасин,
Бејсон ўйлаб қолдим унинг танасин,
От қўйган, оғажсон, онам ўлмасин.*

Соҳибқирон:

*Об келмасам, бўлар бетимга уят,
Сени-ку ғамингдан менини зиёд,
Тирик бўлса, қилгин ўлгунча хизмат,
Йиглама, зорингни олиб келаман.*

Кўринадики, Соҳибқироннинг мардлиги, жасурлиги, бир сўзли ботир эканлиги синглиси олдида ва демакки, тингловчи ва ўқувчи кўз ўнгидаги унинг сўзлари (нутқи) орқали намоён бўлади.

Достонларда портрет бир ўринда тугал берилмайди. Бутун асар давомида у ё бу образнинг ташки кўринишдаги у ёки бу белгилари тасвирлана боради ва бутун асар давомида образнинг тўлиқ портрети чизилади. Лекин достонларда шундай традицион образлар ҳам борки, улар портретининг умумий белгилари бир жойда жамланган. Шундай образлардан бири мастон кампир образидир. Унинг портрети Умир Сафар ўғли вариантида шундай чизилади: «Қагажон шундай кампир эдики, танаси тепадай, калласи кападай, қовоғи катта мешдай, ҳар бурунлари мўридай, киприги сўридай, ўзи кампирнинг зўридай, тепадан ташлаб кочган бўридай, шундай бир ҳайбатли кампир эди». Қагажон кампирнинг портретини ўкир эканмиз, унинг бундай ташки кўриниши қиласидиган бутун хатти-ҳаракатларига, айёрлиги ва ёвузлигига батамом мос эканлигига қаноат ҳосил қиласиз. Шунингдек, унинг тилидаги ёлғон гапиришлик, ўзини мақташ ва бошқаларни менсимаслик хусусияти, алдамчи ва қалбакилиги ҳам унинг портретида, ташки қиёфасида ўз аксини топган.

Шундай қилиб, «Соҳибқирон» достони ижтимоий-маиший характердаги асар бўлиб, ўзбек халқи эпик ижодиётида муҳим ўрин тутади. Унинг кўлгина версия ва варианtlари бир қанча халқлар ўртасида кенг тарқалганлигидан ва унинг яратилишида ўша халқлар баравар иштирок этганлигидан далолат беради. Бу версия ва варианtlар орасида гоявий-бадиий пишиклиги, эпик кўлами ва мукаммаллиги жиҳатидан Ислом шоирдан ёзиб олиниб, нашр этилган достон алоҳида қимматга эга.¹

¹ Ушбу мақола қуйидаги манба асосида чоп этилмоқда: Шодиева С. «Соҳибқирон» достони ва унинг варианtlари // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1976. – 37–47-бетлар.

Пўра
МИРЗАЕВ
(1936 йилда туғилинан)



Пўра Мирзаев 1936 йил б марта Бухоро вилояти Шофирикон тумани Саврак қишлоғида туғилган. Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети)нинг Тарих-филология факультетини тугатган (1957), Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон туманида ўқитувчилик қилган (1957–60). ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган (1960–63). ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида аввал кичик илмий ходим, сўнг катта илмий ходим лаъзимларида ишлаган (1964–71). Шу институтининг Фольклор бўлимига раҳбарлик қилган (1971–2002). ЎзР ФА Адабиёт институтининг раҳбари (1991–98), ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг директори (1998–2010). ЎзР Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасини бажарган (2001–2006). Ҳозирги кунда ЎзР ФА Тил, адабиёт ва фольклор институти Фольклор бўлимининг етакчи илмий ходими сифатида фаолият кўрсатади. «Алномиши» достонининг ўзбек вариантлари» мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1965). «Ўзбек халқ ижоди» кўлжилдигига кирган «Алномиши» (1979), «Эрали ва Шерали» (1987), «Юсуф ва Аҳмад» (1987), «Малика айёр» (1988), «Ўзбек халқ мақоллари» (1989), «Луқмони ҳаким» (1989), «Нурали» (1989) каби жилларнинг чоп этирилишида қатнашган. Бундан ташқари, «Жонодил» (1970), «Одилхон» (1971), «Авазхоннинг ўлимга ҳукм қилинши» (1976), «Нуралининг ёшлиги» (1993), «Гўрўғлининг туғилиши» (1994), «Райхон араб» (1994), «Авазхон». «Гўрўғли» достонлари. 2-том (1997, ҳамк.), «Шоқаландар» (2004, ҳамк.) достонлари, Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги «Гўрўғли» достонларини нашрга тайёрлаган.

Хозир «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдигини нашрга тайёрлашда қатнашмоқда. «Алтими» достонинг ўзбек вариантилари» (1968), «Ҳоди Зариф» (1968), «Халқ бахшиларининг эпик репертуари» (1979), «Эпос и сказитель» (2008), «Ҳоди Зариф сабоқлари» (2014) каби монографиялар муаллифи. Илмий ва ташкилотчилик фаолияти учун профессор (1991) илмий унвони, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика давлат мукофоти (1973), «Дўстлик ордени» (1997) ва Ўзбекистон Республикаси фан арбоби унвони (2003) берилган.

ФОЛЬКЛОР ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Фольклоршуносликда «халқ ижоди» атамасининг моҳияти ва бу тушунччанинг маъноси ҳақида турли хил фикрлар билдирилган бўлса-да¹, халқ ижодиётининг ўзига хос табиати ва етакчи хоссалари тўла очиб берилган эмас. «Халқ ижоди» (фольклор) тушунчаси халқ оммасининг бадиий, ижодий-амалий ва ҳаваскорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор), халқ мусиқаси (музыка фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари (ракс), қўғирчоқбозлик, дор ва ёғочоёқ санъати (халқ цирки), халқ тасвирий ва амалий-безак санъати, халқ архитектураси (қурилиш амалиёти) ҳамда бадиий ва техникавий ҳаваскорлик каби ижодиёт турларини ўз ичига қамраб олади. Халқ ижодиётининг бу каби турлари яратилиши, ижро этилиши ва амалга оширилиши жихатидан кўпчиликнинг (жамоанинг) иштироки билан юзага чиқадиган бадиий иқтидор намунасидир. Фольклор халқнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражасига мос равишда шаклланиб, отадан ўғилга, устоздан шогирдга, аждоддан авлодга ўтиб, доимий равишида сайқаллашиб, мукаммаллашиб, тобора анъанавийлашиб борган ва ниҳоят, касбийлик (профессионаллик) касб этган ҳамда жонли

¹ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 4–14-бетлар; Мирзаев Т. Ўзбек халқ ижоди // Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Тошкент, 1997. – 512–516-бетлар; Жалолов Ф. «Фольклор» атамаси хусусида айrim мулоҳазалар // Халқ донишмандлиги маърифати. – Тошкент, 2000. – 13–20-бетлар.

ижро шароитлари ҳамда кундалик амалиёт орқали бизгача етиб келган. Ҳалқ ижодиётининг ўзига хос қадимий намуналари ёзма манбаларда, тарихчи ва ёзувчиларнинг асарларида, коятошларда (Сармишсой, Зараутсой расмлари каби), археология ва архитектура ёдгорликларида, меҳнат қуроллари ва уй-рўзғор буюмларида сакланиб қолган.

Ҳалқ ижодида ҳалқнинг турмуш тарзи, ижтимоий ва майший ҳаёти, меҳнат фаолияти, табиат ва жамиятга қарашлари, инонч ва ишончлари, эътиқодий ва диний тасаввурлари, инсон ва оламга нисбатан ҳис-туйғулари, бадиий олами, билим даражаси, баҳтли ва адолатли замон ҳақидаги ўй-фикрлари ўз ифодасини топган. Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг кучая бориши билан ҳалқ ижоди турлари ва жанрларига нисбатан айрим истеъодди шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа баҳшилар, эртакчилар, масхарабозлар, қизиқчилар, аскиябозлар, кўғирчоқбозлар, раккослар, машшоқлар, кулоллар, меъморлар, нақкошлар, ўймакорлар, каштадўзлар ва ҳоказолар санъати юзага келган, корфармон ва ишбошилар пайдо бўлган. Аммо ҳалқ ижоди намуналарининг яратилиши, ўзлаштирилиши ва амалга оширилишида кўпчиликнинг иштироки, ҳар бир ижро ва амалиётнинг қадимдан қарор топган мустаҳкам анъ-аналар доирасида воқеъ бўлиши сақланиб қолган. Шу сабабли ҳам ҳар қандай бадиҳа, ҳар бир ижодий ҳаракат, давомчи томонидан киритилган қай бир янгилик барқарор анъаналар доирасида, устоз-шогирдлик қобигида рўй берган. Шу тариқа, бир томондан, анъаналарнинг ўзи ривожлана борган, иккинчи томондан, ҳар бир ижро ва амалиёт давомида ҳалқ ижодининг анъанавий намуналарига ўзгартиришлар, янгиликлар киритила борган, янги асарлар, янги вариантлар, янги ечимлар юзага келган. Ҳатто қай бир намуналар унутилиб, ижро ва амалиётдан тушиб қолган.

Ҳалқ ижоди профессионал санъатнинг юзага келиши ва ривожида катта ўрин тутади. Ўз навбатида, профессионал санъат ҳам ҳалқ ижоди ривожига таъсир кўрсатиб, уни бойитиб келмоқда. Жамиятда ҳалқ ижодиёти намуналарини сақлаш ва ривожлантириш, йўқолганларини тиклаш эҳтиёжи ўзининг эстетик та-

ҳар бир ижодкор (қайта ижод) ва ижрода анъанавий асардаги айрим унсурлар ўзгаради, нималардир аввалгисидан бошқачароқ талқин этилади, қай эпизодлар қўшилади ёки тушиб қолади. Бундай ўзгарувчанлик ижтимоий муҳит, майший шароит, эшитувчилар талаби, ижодкор салоҳиятига ҳам боғлиқ, албатта. Лекин ҳар қандай ўзгариш, ижро давомидаги қайта ижод асрлар давомида қатъйлашган пухта анъаналар доирасида содир бўлади. Демак, жонли оғзаки анъана доирасидаги бадиҳағйилик фольклор асарларининг кўп варианtlарда тарқалишига олиб келади.

Фольклорнинг жамоавийлик характеристири якка ижодчилаr фаолиятини инкор этмайди. Истеъоддли ижодкорлар фольклор намуналарини сақлаб қолиш ва кенг оммалаштириш билан бирга оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукаммалаштирадилар, баъзан янгиларини ҳам яратадилар. Бироқ, бунда қатъйлашган ва барқарорлашган жамоавийлик анъаналари етакчилик қиласи. Шунинг учун ҳам фольклорнинг деярли барча жанрлари турли-туман ижодкорлар фаолияти билан боғлиқдир. Айрим жанрлар (мас., топишмоқ, мақол каби) оммавий характеристерга эга бўлса, яъни уларнинг намуналаридан ҳар бир киши озми-кўпми айта олса, бошқаларининг (достон, оғзаки драма сингари) ижроси муайян тайёргарликни талаб қилган. Шу тариқа фольклор намуналарини яратиш ва ижро этишда ўзига хос касбий ижодкорлик юзага келган. Ўзбек фольклорида ижодкор ва ижрочи (бахши, эртакчи, асқиябоз, қизиқчи, дорбоз)ларнинг касбий маҳорати ниҳоятда ривожланган. Шунинг учун ҳам бахшилар, эртакчилар, қизиқчилар, дорбозлар, асқиябозлар, халфалар бу санъатни эгаллаш учун маҳсус тайёргарлик кўриши, муайян устоздан таълим олиши зарур бўлган.

Қўшиқ, мақол, топишмоқ, афсона, ривоят, лоф, латифа, эртак, достон, асқия, оғзаки драма ва бошқалар фольклорнинг асосий жанрлари бўлиб, улар сўз санъати намуналари бўлиши билан бирга муайян бир ижтимоий-майший функцияни ҳам адо этадилар. Масалан, халқ қўшиқлари меҳнат жараёнларига алоқадор бўлса, ёр-ёр, ўлан, лапар, келинсалом, йиги-йўқловлар тўй ва мотам маросимлари билан bogлиқdir. Фольклор жанрлари ғоявий-бадиий хусусиятлари билан эмас, балки ижро усувлари (якка

ижрочилик, жамоавий ижрочилик, созли, созсиз каби) жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиласылар. Уларнинг бири қуйлаш учун, иккинчиси айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, бошкаси қўрсатиш, намойиш этиш учун ёки ҳам қуйлаш, ҳам ўйнаш, ҳам айтиш учун мўлжалланган бўлади. Фольклор жанрлари қанчалик хилма-хил, баъзан ўта функционаллашган ва қатъий вазифадор бўлишига карамай, улар яхлит бадиий тизимни ташкил этади.

Фольклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт билан узвий боғлиқ. Шу сабабли ҳалқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришларга кўра, улар ҳам ўзгара борган. Қай бир жанрлар ёки намуналар ижрочиilar репертуаридан тушиб қолган ёки бутунлай йўқолган, янгилари яратила борган. Шунинг учун ҳам кейинги асрлардагина ёзиб олинган фольклор намуналарида кўп катламлилик мавжуд бўлиб, узок ижро давомида уларда бир неча даврлар ўз изини қолдирган. Фольклор жанрларининг стадиал тараққиёти ва тарихий-типологик нуқтаи назардан қараганда, энг қадимги даврларда кўпчилик ҳалқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, айтимлар, олқишиш ва қарғишилар, мавсум-маросим фольклори намуналари, меҳнат қўшиклари, топишмоқ ва маколлар кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса, эртаклар, эпоснинг архаик шакллари юзага келган. Патриархал-уругчилик муносабатларининг емирилиши ва илк давлатларнинг шаклланиши даврида қаҳрамонлик дostonлари яратилган, кейинроқ романник эпос, лирик ва тарихий қўшиклар, оғзаки драма, латифа ва лоффлар пайдо бўлган.

Ўзбек фольклорининг қадимги намуналари асл ҳолида тўла равишда бизгача етиб келмаган. Қадимги мифлар, афсона ва ривоятлар, макол, топишмоқ ва қўшиклар, эпос парчалари турли характердаги ёзма ёдномалар; юонон, хитой, араб манбалари; тарихчиларнинг маълумотлари, археологик топилмалар орқали, шунингдек, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарлари таркибида сакланиб қолган. Қаюмарс, Жамшид, Гершасп, Сиёвуш, Афросиёб, Рустам, Искандар, Элиқбек, Тўмарис, Широқ, Зариадр ва Одатида, Зарина, Ойсулув, Гулдурсун, Одами Од ҳақидаги афсона ва ривоятлар, қаҳрамонлик эпослари, «Девону луғотит турк»да келтирилган фольклор намуналарининг ярати-

лишида ўзбек халқи қадимий ота-боболарининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу қадимий фольклор намуналарида тасвирланган ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат, тұғрилик ва әгрилик, адолат ва ҳақсизлик үртасидаги кураш мотивлари кейинчалик ўзбек халқ оғзаки бадий ижодида қайта ишланиб, халқимизнинг ижтимоий муносабатлари ва курашлари билан үйғунлашиб кетган.

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг қадимий намуналари меңнат ва мавсум-маросим қўшиқлариdir. Улар қўшиқ яратувчи-ларнинг амалий фаолияти – овчилик, чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик билан бевосита боғланган ва меңнаткаш омманинг қадимий урф-одатлари, хилма-хил маросимлари ва эътиқодлари негизида яшаб келган. Меңнат қўшиқлари турли меңнат жараёнлари билан боғлик. Масалан, хирмон янчишда «хўп-майда» ёки «майдагул», сигир, кўй, эчкиларни соғиш ва бузоқ, кўзи, улоқларни эмизишда «хўш-хўш», «турей-турей», «чурей-чурей» қўшиқлари куйланган. Ер ҳайдаш, ўрим, ёргичоқ тортиш, чарх йигириш ва бўз тўкиш жараёнларида маҳсус қўшиқлар айтилган. Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, турли-туман иримлар, урф-одатлар, мавсумий юмушлар, маросимлар ва байрамлар билан боғлик равишида жуда кўп фольклор намуналари яратилган. Масалан, оналар ва бувилар томонидан айтиладиган аллалар ҳамда оталар ва боболар томонидан куйланадиган ҳуйяларда эзгу орзу-ҳаваслар, фарзанднинг келажаги ҳақидаги умидбахш ниятлар тасвирланади, бола тарбиясига оид халқона қурашлар баён этилади. Фарзанднинг туғилиши, чақалоқнинг бешик даври, улғайиши, жисмоний ва нутқий баркамоллиги, ёш ва суннат тўйлари, улғайиш эҳтирослари билан боғлик айтимолқишлир, эркалама, овутмачоқ, ялинчоқ, ҳукмлагич, чалғитма, чорлама, гулдур-гуп, санама, айтишма, тегишмачоқ, масхарала-малардан иборат бутун бир болалар фольклори тизими яратилган. Никоҳ тўйи маросими билан bogлиқ равишида ёр-ёр, лапар, ўлан, келинсалом, күёвсалом каби қўшиқлар куйланган. Буларда келин-куёвнинг таъриф-тавсифлари, тўйнинг шавқ-завқи, шунингдек, ижтимоий ҳаёт ва тенгсиз никоҳдан норозилик мотивлари тасвирланган. Қадрдон кишининг вафоти муносабати билан

йиғлаб айтиладиган қўшиқларда эса, марҳумнинг энг яхши сифатлари, шафқатсиз ўлим туфайли бошга тушган мусибат, жудолик дарди ғам-алам билан изҳор этилади. Йил курғоқчилик келганда, ёмғир чақиришга бағишлиган «Суст хотин», қаттиқ шамол бўлганда, уни тўхтатиш учун «Чоймомо» маросими ва қўшиқлари ижро этилган. «Бойчечак», «Барот келди», «Ё рамазон» кабилар ҳам турли мавсум-маросимлар билан боғлик. Байрамлар, жумладан, Наврӯз байрами ҳақида туркум фольклор на муналари яратилган.

Халқ бадиий ижодининг каттагина қисмини лирик ва сатирик қўшиқлар, термалар ташкил этади. Лирик қўшиқларда ишқмуҳаббат, оила, ижтимоий ва майший ҳаёт ҳодисалари кенг ёритилса, сатирик қўшиқларда жамиятдаги салбий ҳодисалар, айрим ножӯя ишлар танқид қилинади. Қўшиқлар дилраболиги, ёқимли оҳанги, тўқ қофиялари, образлилиги, тасвирий усул ва воситаларнинг хилма-хиллиги билан инсон руҳиятини ғоятда теран акс этиради. Муҳим ғоявий-эстетик вазифани ўтайди.

Ўзбек фольклорининг энг оммавий жанрлари мақоллар ва топишмоқлардир. Халқнинг асрий тажрибалари, панд ва насиҳатларини ўзида ифодалаган мақоллар ҳажман қисқа, бироқ, кенг маъноли образли нутқ мевасидир. Мақолларда халқимизнинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари ифодаланган. Уларда ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, вафодорлик, илм-хунар ўрганиш каби олижаноб фазилатлар улуғланади, қўрқоқлик, нодонлик, ёмонлик, эгрилик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик, таъмагирлик каби ярамас сифатлар инкор этилади. Ўзбек халқи бисотида ўттиз мингта яқин мақол бўлиб, улар ғоявий ва тематик жиҳатдан бой ва ранг-баранг.

Халқ орасида бадиий асарлардан топишмоқлар ҳам жуда кенг тарқалган. Улар нарса-ҳодисаларнинг муайян белгилари ни бошқа предметларга қиёсан, яшириб, яширилган нарса ва ҳодисани топишга мўлжалланган бадиий асарлардир. Шунга кўра, топишмоқ икки қисмдан иборат бўлади: яширилган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги образли ифодалар, яъни топишмоқнинг

ўзи ва унинг жавоби. Тоғ ва ўрмонлар, дарё ва кўллар, чўл ва биёбонлар, бўрон, сел ва тошқинлар, ер ва осмон, йил ва унинг фасллари, ҳайвонлар ва ўсимликлар олами, уй-рўзгор ва майший жиҳозлар ҳақида кўплаб топишмоқлар яратилган. Топишмоқлар ҳам мақоллар сингари тузилиш жиҳатидан баъзан насрий, кўпчилик ҳолларда шеърий шаклда бўлади. Шеърий топишмоқларда муайян вазн, ўзига хос туроқланиш, яхлит қофия тизими мавжуд. Масалан,

*Тўрт оёқли,
Темир туёқли.*

(От).

Топишмоқлар бир савол-жавобли, яъни бир предметли бўлиш билан бирга кўп савол-жавобли – кўп предметли ҳам бўлади. Бундай топишмоқлар кўпчилик ҳолларда яхлит шеърий парча тарзида намоён бўлади:

*Тоғда талаймонни кўрдим,
Сувда сулаймонни кўрдим,
Тузсиз пишган оинни кўрдим,
Юмалаб ётган тошини кўрдим.*

(Бўри, балиқ, сумалак, тошбака).

Афсона ва ривоятлар, нақл, латифа ва лофлар, эртаклар ўзбек фольклорининг насрий жанрларини ташкил этади.

Хабар, ахборот бериш тарзидаги хаёлий уйдирмаларга асосланган қисқа сюжетли баёний ҳикоялар афсоналарни ташкил этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар афсоналарга ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялар, дея баҳо берадилар. Ўзбек ҳалқи оламнинг ибтидоси ва интиҳоси, осмон жисмларининг ҳаракати, сахро, чўл, дашт, тоғ, кўл, дарё ва денгизларнинг пайдо бўлиши, баъзи иншоотларнинг қурилиши ва вайрон бўлиши, авлиё-анбиёлар, хаёлий қаҳрамонларнинг турмуш тарзи ва мақомотлари ҳақида юзлаб афсоналар яратган. «Ширин киз», «Дев қалъа», «Калтамиор», «Илонбузган», «Эр Ҳубби», «Анбар она», «Етаган», «Искандар Зулқарнайн» кабилар шулар жумласидандир.

Қачонлардир бўлиб ўтган ёки бўлғанлигига ишонилган воқеа ва ҳодисалар, тарихий шахсларнинг у ёки бу ишлари ҳақида ҳабар берувчи баён тарзидаги қисқа сюжетли ҳикоялар ривоятлар хисобланади. Ривоятлар сюжет тузилиши, баёний тарзи, ахборот бериш хусусиятлари билан афсоналарга ўхшайди. Аммо тарихий воқеалар ва шахслар, уруғ ва жой номларига доир маълумотлар, фактик ҳодисалар ҳақида ахборот беришлиги билан улардан фарқ қиласидилар. Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темур, Улугбек, Машраб каби тарихий шахслар ҳақида ривоятларда бу шахслар билан боғлиқ қизиқарли воқеалар баён этилиб, уларнинг юксак фазилатлари, донишмандликлари ибрат қилиб кўрсатилган. Афсона ва ривоятлар халқнинг эътиқодий ва мифологик қарашларини, табиат ва жамият ҳақида илмий (эмпирик) билимларини ўрганишда катта ахамиятга эга.

Ўзбек фольклорида халқ фалсафаси ва донишмандлигини намоён этувчи нақллар закийлик, фасоҳатга бойлиги, ҳазилмутойиба ва ҳажвий йўналиши билан ажralиб турувчи асқия ва латифалар, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида бўртириб, ошириб сўйлаш, муболағалашни қиёслаш санъати орқали яратиладиган лофлар алоҳида жанрлар сифатида катта ўрин тутади. Анъянавий халқ театрининг асоси бўлган, ранг-баранг жанрлари билан ажralиб турувчи бутун бошли адабий тур – оғзаки драматургиянинг мавжудлиги ва унинг беш юздан ортиқ пьесалари ёзib олингандлиги ҳам ўзбек фольклорининг турлари ва жанрлар бойлигини намойиш этади.

Фольклор жанрлари орасида эртаклар алоҳида мавқега эга. Улар хаёлий ва хаётий уйдирмалар асосида курилган, ҳақиқат ва ёлғонни ажойиб бир тарзда ўзида уйғунлаштирган нодир эстетик ҳодисалардир. Эртаклар ғоявий-тематик ва бадиий хусусиятлари жиҳатидан ҳайвонлар ҳақида, сехрли, майший эртаклар каби турларга бўлинади. Бу турлар образлар талқини, конфликт, сюжет, композиция, фантастик уйдирманинг ўрни ва функцияси, тил ва услуби жиҳати билан бир-биридан фарқ қиласидилар.

Ҳайвонлар ҳақида эртакларда («Чўлоқ бўри», «Мехригиё», «Кўк кўчқор», «Оккуш», «Айиқ полвон», «Илон пари», «Илон

ога», «Бўри қиз» ва б.) ибтидоий тушунчалар билан боғлиқ равиша от, қўй, эчки, сигир каби уй ҳайвонлари, бўри, айқ, илон каби ёввойи ҳайвонларнинг ғайритабиий кўринган характер-хусусияти, уларнинг одамлар билан бўлган муносабати ҳикоя қилинади. Ажойиб кўринган ҳодисалар ва турли хил ҳайвонларга нисбатан тотемистик, анимистик қараашларнинг ифодаланиши бундай эртакларда алоҳида ўрин тутади. Ҳайвонлар ҳакидаги эртакларнинг бир қисми («Бўри билан тулки», «Тулкининг тақсимоти», «Кумурска», «Қарға билан қўзи» ва б.) қадимий тасаввурларнинг унутила бошлаши билан жамият тараққиётининг кейинги босқичларида мажозий эртакларга айланган. Эртаклардаги аллегорик образлар орқали ижтимоий муносабатлар ифодаланган, жамиятдаги тенгсизлик тасвиранган.

Сехрли эртаклар сехр-жоду, тилсим, фантастик уйдирмалар асосига қурилган бўлади. Уларда персонажлар, воқеа ва ҳодисалар одатдан ташқари, ғайритабиий ҳолда тасвиранади. «Девсафид», «Ялмогиз», «Семурғ», «Кенжа ботир», «Ёрилтош», «Гулиқаҳқаҳ» кабилар бундай эртакларнинг характерли намуналаридир. Пари, ялмоғиз, дев, аждар, семурғ каби фантастик ва мифологик образлар бундай эртакларда муҳим ўрин тутади. Бош қаҳрамон буларга қарши курашади ёки уларнинг хизматидан фойдаланади. Сехрли эртаклар қанчалик хаёлий бўлмасин, уларнинг асосида ҳаётийлик мавжуд. Учар гилам, ойнаи жаҳон ҳакидаги тасаввурларнинг реал қўзғатувчиси аниқ, уларда орзуумидлар мужассамлашган.

Маишӣ эртаклар реал ҳаётий асосга эга бўлиб, фантастика кўмакчи вазифани ўтайди. Уларда, асосан, ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик қораланиб, эзгулик, ҳакиқатнинг ғалабаси улуғланади. «Зиёд ботир», «Уч оға-ини ботирлар», «Озодачехра», «Тоҳир ва Зухра», «Аёз», «Авом фолчи» ва бошқаларда меҳнаткашларнинг аҳволи, зулм ва зўрлик ҳомийларининг кирдикорларига нисбатан норозилиги тасвиранган.

Маишӣ эртакларнинг каттагина қисмини ҳажвий эртаклар ташкил этади. Бундай эртаклар ижтимоий ҳаётда реал асослари бўлган ҳаётий уйдирмалар заминига қурилган бўлиб, ўткир сатира ва хушчақчақ юмор уларнинг асосий хусусиятини белгилайди.

Ҳажвий эртакларнинг асосий ижобий қаҳрамонлари донишманд чол, камбағал йигит, доно аёл, ҳозиржавоб кал ва бошқа. Булар ўзларининг қўрқаслиги, топқирлиги, донолиги, ҳозиржавоблиги билан калтафаҳм рухонийлар, золим амалдорлар, хасис бойларни фош этадилар, баъзан ўзлари ҳам комик ҳолатларга тушиб қоладилар. «Қози билан камбағал», «Туғматчилар жазоси», «Икки мулла», «Тўрт ялқов», «Икки ўжар», «Уч ёлғонда кирқ ёлғон», «Бой билан кал» кабилар ҳажвий эртакларнинг энг яхши намуналариdir.

Ўзбек фольклорининг энг йирик жанрларидан бири достонлардир. Ўзбек халқ бахшиларидан юз элликдан қўпроқ сюжетга бўлинган тўрт юздан ортиқ достон ёзиб олинган. Бу достонлар ниҳоятда кўп тармоқли ва кўп мавзули бўлиб, узоқ асрлар давомида яратилган ва турли ижтимоий-иктисодий шароитларда куйланниб келинди. Уларнинг қадимий намуналари қаҳрамонлик достонларидир.

Қаҳрамонлик достонлари патриархал-уругчилик муносабатлари билан, кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёт тарзи билан маҳкам bogлиқdir. Уларда реал ижтимоий воқелик қаҳрамонлик идеализацияси доирасида кўтаринки руҳда тасвирланади. Қаҳрамонлик достонларининг ёрқин намунаси «Алпомиши» (Х аср) ва унинг давоми «Ёдгор» достонларидир. «Алпомиши»да қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, дўстлик, вафо ва садоқат улуғланади. Қаҳрамонлик достонлари таъсирида жангнома достонлар юзага келди. Агар қаҳрамонлик достонларида бош қаҳрамон фаолияти яkkама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намоён бўлса, жангномаларда турли-туман характердаги уруш эпизодларида кўрсатилади. Душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер бутунлиги учун кураш, эл-юртлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб гоялар куйланади. «Юсуф билан Аҳмад» ва унинг давоми бўлган «Алибек билан Болибек» достонлари бунинг ёрқин мисолидир. Ҳар иккала достон ватанпарварлик туйғулари, она юрт согинчи билан йўғрилган.

Тарихий достонлар тарихда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар, айrim тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган бўлиб,

бундай достонларда тарихий ҳақиқат билан афсона, факт билан бадиий тўқима ўзига хос равишда чатишиб кетган. «Ойсулув», «Тулумбий», «Шайбонийхон», «Ойчинор», «Тўлгоной», «Номоз», «Маматкарим полвон» кабилар шу турга мансуб. Улар тарихдаги конкрет воқеалар ва фактларни тасвирилаш характеристи, ҳужжатийликнинг даражаси жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қиласди. Ўзбек достончилигининг кейинги тараққиёт даврларида тарихий достонларнинг бир хили сифатида афсонавий баҳшилар ҳамда айрим достончиларнинг ҳаёт йўли тасвириланган автобиографик ва биографик достонлар («Кунларим», «Таржимаи ҳол», «Мулла Фойиб», «Оллоназар Олчинбек», «Маҳтумкули» ва б.) юзага келди.

Халиқ достонларининг катта бир турини романик эпос намуналари ташкил этади. XII–XVII асрларда яратилган бундай достонлар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг моҳиятини севги можаролари, кўркинчли саргузаштлар, эртакка хос фантастик воқеалар, шу билан бирга ҳаётий ҳодисалар тасвири белгилайди. Романик достонларнинг сюжет тузилиши ниҳоятда бир-бирига ўхшаш бўлиб, одатда, қаҳрамон ғойибона ошиқ бўлган гўзални излаб сафарга отланади, ажойиб-гаройиб ҳодисаларни, қийин саргузаштларни бошидан кечиради, файритабиий кучлар билан тўқнашади, барча қийинчиликларни енгиб ўз мақсадига эришади. Бироқ бу достонларнинг ҳар бири композицион қурилиши, образлари, мотивларининг ишланиши характеристи ва мазмунлари жиҳатидан мустақил бўлиб, бир-бирларидан фарқланадилар. Романик достонларнинг таркиби ниҳоятда мураккаб. Қаҳрамонлик достонларида романик эпосга хос жиҳатлар бўлганидек, романик достонлардан қаҳрамонлик унсурлари, жангномалар хусусиятлари ҳам мустаҳкам ўрин олган. Ҳатто баъзи достонларда бир неча мавзу баравар ишланган. Қаҳрамонлик-романик достонларда («Рустам» туркуми, «Якка Аҳмад», «Гўрўғли» туркумига кирувчи бир қанча асарлар) қаҳрамонлик йўналиши устун турса, ишқий-романик достонларда («Кунтуғмиш», «Орзигул», «Ёзи билан Зебо», «Гўрўғли» туркумининг сўнгги ҳалқалари) севги можаролари, саргузаштили воқеалар тасвирига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбек халқ достонлари жонли оғзаки ижрода асрлар давомида бой ёзма адабиёт намуналари билан ёнма-ён яшаб келди. Мумтоз адабиётнинг достончиликка таъсири баракали бўлди. Бундай жараён XVII асрдан кейин янада кучайди. Оқибатда романик эпоснинг бир тури сифатида китобий достонлар юзага келди. Бундай достонлар мумтоз шеърият намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарлардир. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Бахром ва Гуландом», «Юсуф ва Зулайҳо», «Варқа билан Гулшоҳ», «Вомиқ билан Узро», «Зевархон» ва бошқа шу хил достонлардандир. XVIII асрнинг охириларидан, хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида фольклор асарларини ёзма адабиётга яқин руҳда қайта ишлаш ёки аксинча, ёзма адабиёт намуналарини «фольклорлаштириш» жараёни ниҳоятда кучайди. Бунинг натижасида турли характер ва мазмундаги қиссалар («халқ китоблари») пайдо бўлди, айрим бахшилар ижодида ёзма адабиёт унсурлари кўрина бошлади.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек фольклори тараққиётида алоҳида босқич бўлди. Бу даврда анъанавий фольклор асарлари кенг ижро этилиши билан бирга замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини акс эттирувчи лирик ва эпик асарлар яратилди, тарихий қўшиқлар жанрининг янги намуналари юзага келди. Россиянинг босқинчилик сиёсати ва мустамлакачилик зулмига қарши халқ норозилигини акс эттирувчи, амир ва бекларнинг ўзаро келишмовчиликларини қораловчи «Хоразмнома», «Ботирхон зулми», «Назар ва Оқбўтабек», «Музаффархон», «Жиззах қўзғолони» каби асарлар яратилди.

Анъанавий фольклорнинг жонли ижроси ўшро даврида ҳам давом этди. Бу даврда фольклор ижодкорлиги ва ижрочилигининг жонли анъаналарини давом эттириб келаётган юзлаб бахшилар, эртакчилар, қизиқчи ва масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, асқиячилар ижро этган асарлар ёзиб олинди. Улар орасида Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Бола бахши, Ҳасан Худойбердиев, Нурали Нурмат ўғли, Юсуф-

жон кизик каби санъаткорлар бор. Бугунги кунда ҳам фольклорнинг деярли барча жанрларида янги асарлар яратилмоқда. Айниқса, бадий ҳаваскорлик, баҳшилар ижоди, қўшиқчилик янада тараққий қилмоқда. Кейинги йилларда кўплаб фольклор-этнографик ансамбллар пайдо бўлди. Ёзиб олинган фольклор асарлари нашр қилинмоқда.

Халқ оғзаки бадий ижоди миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий қимматга эга. Унинг ижтимоий қиммати маънавий-маърифий, гоявий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти билан белгиланади. У халкнинг тарихи, урфодати, маишати, дунёқараши, ижтимоий муносабатлари, орзуумидлари ҳақида кенг маълумот беради. Ўзбек фольклорида бутун бир халқнинг тақдирни, у мансуб ватаннинг гўзалликла-ри тасвирланган, тинчлик ва фаровонлик учун кураш, ватан тупроғини кўз қорачигидек асраш гоялари, бу йўлда мардлик кўрсатган қаҳрамонлар куйланган. Халқ оғзаки бадий ижодида халқимизнинг бадий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодаланган. Унинг намуналари халқ ижодчилари томонидан ниҳоятда пардозланган, юксак санъат намунаси дарражасига кўтариленган. Эстетик сезгилар ривожида, гўзалликни, бадий сўз қадри ва қимматини, она тили бойликларини ҳис қилишда фольклорнинг аҳамияти бекиёсдир. Ўзбек фольклори адабиёт, театр, кино, рақс, мусиқа ва бошқаларнинг тараққиёти ҳамда бугунги ривожида муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

*Пўхтамурод
ЗУФАРОВ
(1936 йилда туғилин)*



Пўхтамурод Усмонович Зуфаров 1936 йил 10 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат чет тиллар институтини битирган (1961). Тошкент вилояти мактабларида ўқитувчилик қилган (1961–65). Матбуот соҳасида ишилган (1965–70). Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейида, кейинчалик шу музей асосида ташкил этилган ЎзР ФА Қўлёзмалар институтида кичик илмий ходим (1970–86), катта илмий ходим (1986–1993 йиллар) бўлиб ишилган. «Ўзбек халқ достонларининг спецификаси ва уларининг бадиий тасвир воситалари» мавзуида номзодлик диссертациясини (1985) ҳимоя қилган. «Халқ достонлари муболагасининг айрим хусусиятлари» (1973), «Балогардон» достони ҳақида айрим мулоҳазалар» (1973), «Зулфизар» достонида муболаганинг ўрни» (1976), «Ўзбек халқ достонларининг специфик хусусиятлари» (1985) каби мақолалари чоп этилган.

ДЎМБИРАНИНГ АСРОРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг илмий ходимларидан ташкил топган экспедиция 1974 йил июн ойининг бопларида халқ оғзаки ижодиёти намуналарини аниқлаш ва ёзиб олиш мақсадида жанубий музеофотлар бўйлаб сафарга чиқди.

Экспедиция аъзолари – филология фанлари номзоди Малик Муродов (экспедиция раҳбари), филология фанлари номзоди Саид Асқаров ва мен – кичик илмий ходим Тўхтамурод Зуфаров эди. Қарши шаҳрида сағимизга Педагогика институтининг тала-баси Холмирза Акрамов ҳам қўшилди.

Аввалига биз Қашқадарё воҳасидаги бир неча шаҳар ва қишлоқларда бўлгач, Дехқонбодга, ундан эса баланд-паст сўйри кирлар бағрига жойлашган Тўда Чорбог қишлоғига етиб келдик. Қишлоқ қуйисини илон изи янглиғ сой кесиб ўтган бўлиб, ёз ойларида сой суви камайиб кетар, аммо сой қирғоғидаги боғлар кузга қадар кўм-кўк тураверар экан. Бизлар шу қишлоқлик Ражаб бобо Нормурод ўғлининг сой билан туташиб кетган боғига жойлашдик.

Ражаб бобо тўқсон ёшни қоралаб қўйган бўлса ҳам ҳамон нигоҳи тийрак, ҳаракатлари тетик эди. У ёшлигида маҳорат билан дўмбира чертиб, анъанавий достонларни эл орасида куйлаб келган экан. Бизга у «Алпомиш» достонидан бир парчани ўзига хос викор билан дўмбира чертиб, куйлаб берди. Аммо унинг овозида, дўмбира чергишида қарилик аломати сезилиб туради. Бироқ қариликни донолик безайди, деганларидек, Ражаб бобо ўзининг пурмаъно гаплари, кези келганда ҳаётий насиҳатлари билан ҳамқишлоқларининг эҳтиромиға сазовор экан.

Шунингдек, Ражаб бобо дўмбира чолғусини ҳар томонла-ма мукаммал қилиб ясар экан. Бу ҳол менда дўмбиранинг яса-лиш жараёнига нисбатан кучли қизиқиш уйғотди ва мен Ражаб бободан бу хунарга оид жараёнларни ёзиб олдим. Чунки отам уста Усмоннинг миллий чолғуларни ясовчи етук созгарлиги ва менинг ўзим ҳам дутор, танбур ва сато каби чолғуларни ясай олишим туфайли бу жараёнга алоқадорлигим бор эди. Бундан ташқари дўмбира чолғусининг ясалиши хусусида, баъзи мавҳум фикрларни ҳисобга олмагандан, ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Шу боис Ражаб бобо маълумотларининг бир томондан амалий санъатнинг созгарлик соҳаси, иккинчи томондан, илмий этнографик аҳамияти бор эди.

* * *

Дўмбира ҳам мусиқий чолғу бўлгани учун унинг ясалиш жараёнида созгарлик соҳасига мансуб илмларга риоя қилиниши табиийдир. Булар:

- | | |
|------------|---|
| илми ёғоч | – яъни қандай ёғочлардан ясалиши; |
| илми асбоб | – яъни қандай асбоблар билан ясалиши; |
| илми соз | – яъни чолғунинг тузилиши, ўлчам ва детал (қисм)лари. |

Ражаб бобо маълумотига кўра, дўмбира, асосан, зардоли (ўрик) ёғочидан ясалади. Уни дарахтнинг дуч келган жойидан кесиб олинган ёғочдан ясаш мақбул эмас, балки ёғочнинг айни дўмбирабоп жойидан олиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёғоч эса ноёб топилма ҳисобланади.

Модомики, дўмбира ёғочдан ясалар экан, уни ясашда созгарлиқда ишлатиладиган арра, теша, ранда, эгов ва турли шаклдаги исканалардан фойдаланилади. Буларнинг ҳар бирини ўз қўлланиш ўрни бор.

Дўмбирани ясаш жараёни дутор сингари, айрим-айрим бўлакларни йигишдан эмас, балки бир бутун ёғочдан – қорнини ҳам, дастасини ҳам биргаликда теша билан чопищдан бошланади. Умумий шакл рўёбга келгач, унинг қорни ўйилади. Айни шу жараён дўмбиранинг қадимий чолғу эканлигидан далолат беради.

Дўмбиранинг шу заминда ўсадиган дараҳт ёғочидан ясалиши эса унинг шу юртнинг ва халқнинг чолғуси эканини исботлайди.

Воҳа бахшиларининг дўмбиралари тахминан 60–80 сантиметрлик бўйдан иборат бўлиб, 3–4 та қўшимча қисмлари бор. Булар: қулоқлари, қорин устидаги қопқоғи, торлари ва харрагидир, холос. Бу дўмбиралар аксарият чолғулар сингари бошдан-оёқ ялтиратиб лакланмайди.

* * *

Кўпинча, «дўмбира» дейилганда кўз олдимизга қозоқ халқининг миллый чолғу асбоби келади. Аслида эса, ўзбекларнинг ҳам ўз дўмбираси бор бўлиб, Ўзбекистоннинг жанубий музофотла-

рида кенг тарқалғандыр. Ўзбек дўмбираси ўзининг тузилиши жиҳатидан қозоқ дўмбирасидан кескин фарқ қиласди. Чунончи, унинг қорни ўзбек миллий чолғуси бўлмиш танбур қорнига ўхшаш бўлиб, юзи тут ёки тол ёғочидан юпқа қилиб тайёрланган қопқоқ билан ёпилади. Қозоқ дўмбирасидан фарқли равища қопқоқ қоринга ёпиширилмай, ўзига хос услубда боғланади. Бунинг учун қорин орқасига кичик бир қозиқча ўрнатилади. Қопқоқдан эса тўртта тешик очилиб, улардан ип ўтказилади ва ўша қозиқчага маҳкам тортиб боғланади. Қопқоқ устидан тортилган икки тор остига қўйилган харак эса уни маҳкам босиб туради.

Ўзбек дўмбирасининг дастаси нисбатан калтароқ бўлиб, унга қозоқ дўмбирасидаги каби «парда»лар боғланмайди ва даста юқорисига «шайтон» харак эрнатилмайди. Унинг ўрнига учтўрт сидра ип ёки ичак парда ўраб боғланади ва дўмбира юзи бўйлаб тортилган икки тор шу ип боғламаси устидан ўтказилади. Дўмбираини чертиш чоғида бу торлар ёнга сурилиб кетмаслиги учун уларни ҳам ип билан маҳкам ўраб қўйилади.

Одатда, торларнинг бир учи қорин остидаги «тор тортқич»га, иккинчи учи эса даста юқорисидаги «бошлиқ»ка ўрнатилган икки «кулоқ»ка ўралади. «Кулоқ»лар ҳам, қозоқ дўмбирасидаги каби, «бошлиқ» остида эмас, унинг устига ёнма-ён ўрнатилади. «Бошлиқ» ҳам, қозоқ дўмбирасидан фарқли ўлароқ, белкурак шаклида эмас, балки архар шохи янглиғ эгик бўлиб, унга чиройли попук ва турли мунҷоқлар осиб қўйилади.

Қадимда бахшилар дўмбираага қуш ичагидан маҳсус тайёрланган тор – «қушпай» тортганлар. Ҳозирда эса «қушпай» ўрнига капрон ип (жилка) боғламоқдалар. Бунда, албатта, дўмбираага хос овоз (тембр) ўзгариши аниқ.

Дўмбира сўзининг лугавий маъноси хусусида мутахассислар турлича фикр билдирадилар. Аммо айрим илмий манбаларда бу сўзни «танбур», яъни қадимий «танбура» сўзи билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар бор. Дарҳақиқат, «танбура» икки сўздан иборат бўлиб, «тан» – дил, кўнгил, «бура» эса тирнаш, эзиш маъносидадир. Дўмбира ҳам айнан ана шундай таъсир кучига эга бўлган чолғудир.

Экспедиция раҳбари Малик Муродов Ражаб бободан бир неча бор: «Қодир баҳши яхши юриптими?» – деб сўради. Ражаб бобо: «Алағда бўлмант, Қодир эртан келади» – деб жавоб берди. Малик Муродовнинг айтишича, мана шу Ражаб бобо «Зўр баҳши бўлсин» деб, ёш Қодирнинг оғзига «ушкирган» экан.

Дарҳақиқат, эртаси куни Қодир баҳши «лагер»имизга келди. Ўттиз ёшлар атрофидаги, қотмадан келган, ўрта бўйли Қодир баҳши Малик Муродов билан куюқ сўрашди. Бундан бир неча йил аввал Малик ака Қодир баҳшидан халқ ижодиётидан айрим намуналарни ёзиб олган экан.

Даврамизда сухбат, асосан, дўмбира хусусида кетди. Ниҳоят, Қодир баҳшидан бирор куй чалиб беришни сўрадик. Маълум бўлишича, Қашқадарёда дўмбира чалишни «дўмбира чертиш» дейишар экан. Воҳа халқи дўмбирани, айниқса, дўмбира куйларини бағоят қадрлайди.

Қодир баҳши илтимосимизни эшитгач, бир дам тараддуланиб турди ва ер остидан Ражаб бобога кўз ташлади. Ражаб бобо, розилик аломати сифатида, бошини оҳиста тебратиб кўйди. Зотан, Ражаб бобо Қодир баҳшига хешгина эмас, балки етук достончи шоир сифатида устоз ҳам экан. Одатда, устоз қошида ўлтирган шогирд унинг розилигисиз бирор иш қилмаслиги лозим. Акс холда, у устозни менсимай, ўзини кўз-кўз қилган ҳисобланади. Қодир баҳши шу удумга амал қилган ҳолда, қовушигина дўмбирани қўлига олди ва бағрига босиб, бир-бир черта-черта, қулоқларини эҳтиётлик билан бураб созлади-да, кўзларини ним юмиб шитоб билан черта бошлади. Шу ондаёқ кўз олдимиздаги bog манзараси сўниб, тасавуримиизда ўтмиш тасвири намоён бўлди:

«...Мана... Тиккага келган қуёш отлиқ навкарлар қуршовида кетаётган аёл-эр бандилар бошига сахийлик билан оташ пуркайди... Уларни тезроқ юришига қистаб дагдага қилаётган навкарлар остидаги отлар тинимсиз ҳансираиди... Сувсизликдан лаблари қақраган бандилар ҳам отларга жўр бўлиб ҳансираидилар... аммо уларнинг ҳансирашларига оналари этагидан ушлаб ке-

таётган ёш болаларнинг «су-в-в-в» деган илтижолари, илдам юришига ҳаракат қилаётган келинлар багридаги гўдакларнинг ожиз инграшлари қўшилиб, ҳасратли бир нола пайдо қиласди... Мана, узоқдан бир манзил қўринди... энди бандилар ўз ихтиёрлари билан қадамларини тезлатдилар...»

Бу пайт Қодир бахшининг ўнг кўли дўмбира торлари узра шитоб билан югурап, атрофга эса дўмбира овози эмас, балки отлар ва бандилар оёғи остидан чиқаётган товуш ёки бурксиб кўтарилаётган чанг янглиғ буралиб-буралиб тараларди.

«...Мана... бандиларга қишилоқ ўртасидаги ҳовуздан сопол товоқларда сув тарқатилди ва дам олмоқ учун ўлтиришига рухсат берилди. Деярли қуролсиз лақайлар устига ҳужум қилиб, «зрафар қучган» амир Музаффар асрий чинор остидаги супага ёнбошлиши замон, унинг ҳузурида қишилоқ оқсоқоли қўл қовушириб, боши эгди... Дарҳол чинни товоқларда чалоб тортилди. Амир чалобни мириқиб симирди-да, оқсоқолда:

– Бу жернинг номи не? – деб сўради.

– Кагани¹, – жавоб берди оқсоқол.

– Иби, қиззик! – деди амир сийрак соқолини сирли силаб. Сўнгра бир дам ўйланиб тургач, сардорни имлаб ёнига чорлади ва у билан шивирлашиб сўзлаша бошлади...»

Бу пайт Қодир бахши кўлидаги дўмбира вахимали, айни пайтда, сирли товуш билан янграй бошлади. Сўнгра бир муддат мунғли нола таратиб турди-да, бирданига фифон чекди:

«...Мана... Навкарлар бараварига бандилар устига ташландилар ва шавқатсиз равишда оналар багридан гўдакларни тортиб ола бошладилар. Аёлу эр бандилар фарёди фалакка етди. Айниқса, гўдаклар чинқириги юракларни пора-пора қиласди...»

Бу пайт Қодир бахши чертаётган дўмбира тўлиқ маънода ўкириб-ўкириб йиглашга тушди... Гўё дўмбира Қодир бахши измидан буткул чиқиб, ўзича нола тортаётганга ўхшар, Қодир

¹ Қашқадарё воҳасида чўпонлар подадаги совлиқ қўйларни соғаётганларида уларнинг қўзичоқларини зўрлик билан она эмчагидан айириб, икки қозик орасига тортилган арконга майда чилвирдан тугилган бўйинбоққа солиб қўяр эканлар. Шу арқон «кеганин» дейилиб, қўзиларни бўйинбоққа солиш «кўзи кеганлаш» дейилар экан.

бахши эса унинг дастасини ўзига торта-торта ўз измига олишга уринарди...

«...Мана... Навкарлар чинқириб йиғлаётган болаларни йўл ўртасига уюб, худди каганниланган қўзичоқлардек, чилвир билан ўзаро боғлаб чиқдишар... Амир ва унинг ёнидагилар буларни хотиржам кузатиб турардилар... Кутимагандаги қишилоқ четидаги отлиқ навкарлар ваҳшиёна қийқириб, болалар устига от суриб кела бошладилар... Аммо... Аммо отлар болаларни босмадилар, балки улар устидан сакраб, айримлари эса қамчи зарбини писанд қилмай, улар ёнидан ўқдек учиб ўтдилар...»

Бу пайт Қодир бахши қўлидаги дўмбира ваҳшатли нола тортар, гўё чавандознинг қўлидан чиқиб кетишга уринаётган тулпордек, ўқтин-ўқтин олдинга талпинарди...

«...Мана... Навкарлар елиб-югурниб хонадонлардан кигиз олиб чиқиб, ваҳимадан қотиб қолган болалар устига ташладилар... Отлиқ навкарлар энди бу томонда от қўйдилар. Надоматлар бўлсинки, бу гал отлар сезмай қолдилар... Сезганлари эса оёқларини кўтараман деб болалар устига қулаб тушибилар... Буни кўриб турган оналар ҳам бирин-кетин унсиз қулай бошлидилар...»

Бу пайт дўмбира куйламас, балки инграр эди. Бу ингрор гўё Қодир бахшининг чертиши оқибатида эмас, балки дўмбира корнидан ўзидан-ўзи сизиб чиқаётганга ўхшарди...

«...Мана... Кулаган отлар типирчилаб ўринларидан туришига уринишар, улар остидаги кигизларнинг четларидан эса болаларнинг қўрмизи қони сизиб чиқарди... Бу вақтда бандилар орасида турган бир бахшининг қалбидан худди болалар қони янглиг бир нола сизиб чиқарди...»

Шу пайт Қодир бахши худди дармони қолмагандек, қўлини даста юкорисидан пастга тортиб, ҳорғин бир ҳолда «оҳ...» дея, дўмбира чертишдан тўхтади...

Кейинча ўша куй «Лақай жилаш» («Лақайлар йифиси») номи билан бахшилар орасида кенг тарқалган экан. Қашқадарё ва Сурхондарё бахшилари бу куйни ҳамон зўр маҳорат билан чертиб келмоқдалар. Айни пайтда бу иккала вилоят бахшилари бисотида бунга ўхшаган куйлар бисёрдир.

Эътиборлиси шундаки, бу куйларда таъсирлилик билан тасвирлилик мужассам топган. Шунингдек, «Лакай жилаш»га ўхшаш ҳар бир куйнинг ўз тарихи ва ўзига монанд номи бор.

Бахшилар бу куйларнинг айни шу сифатларини эътиборга олиб, дўмбира жўрлигига «Гўрўғли» каби достонларни халқ орасида куйлайдилар. Бу куйлар умумий ном билан «Бахши куй» деб юритилса-да, улар ниҳоятда пухта ишланган бўлиб, ҳар бири етук мусиқий асадардир.

Бахшилар достон мазмунига мутаносиб ҳолда бу куйларни ўз ўрни-ўрнида чертадилар. Одатда, улар: «Қўшиқ (яъни, достон) айтаётганимда дўмбира мени етаклайди» – деб, дўмбирага эҳтиром қўрсатадилар ва ўз миннатдорчиларини достон ижросидан олдин айтиладиган «Дўмбирам» термасида изхор қиласидилар.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг қадимий чолгуси бўлмиш дўмбира ва унинг куйлари деярли ўрганилган эмас. Советлар даврида мусиқашунос Файзула Кароматов бу мавзуга қўл уриб, 1962 йили «Узбекская домбровая музыка» («Ўзбек дўмбира мусиқаси») китобини нашр эттириди. Олим бу китобга олтмишдан ортиқ дўмбира куйларининг нотасини киритган. Шунингдек, бу китобга бу куйларнинг кимдан ва қачон магнит тасмасига ёзиб олингани илова қилинган. Ҳозирча бу китоб мазкур мавзудаги ягона ноёб асадардир. Аммо, афсуски, у ўзбек тилида чоп этилмаган.

Шундан бери бу мавзу фольклоршунос тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, дўмбира ва унинг куйларида халқимизнинг буюк мусиқий истеъоди ва яратувчилик фаолияти тажассум топгандир. Шунинг учун, бугунги истиқдол замонида дўмбира ва унинг куйларига халқимиз маънавиятининг асрлар оша бизга етиб келган бебаҳо дурдонаси сифатида қарамогимиз лозим.

*Камол
ОЧИЛОВ
(1936 йилда турилган)*



Камол Очилов 1936 йил Қашқадарё вилояти Қарши тумани Тахтапул қишлоғида туғилған. Қаршидаги икки үйлік үқитувчилар тайёрлаш институтининг филология факультетида (1955–57), Қарши давлат педагогика институты (хозирги Қарши давлат университети)нинг тарих-филология факультетида (1957–62) үқиган. Қарши давлат педагогика институты Ўзбек адабиёти кафедрасида үқитувчи, катта үқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган (1962 йилдан). Хозир Қарши давлат университети Ўзбек адабиёти кафедраси доценти. «Ўзбек халқ мәхнат қўшиқлари (Қашқадарё вилояти материаллари асосида)» мавзудаги номзодлик диссертациясини ёқлаган (1974). Унинг «Қалдиргочни қўндирган қўшиқ» (1992) «Ўзбек аллалири» (1994, ҳамк.), «Шунқор болам, ҳуйё-ҳуй» (2003, ҳамк.), «Меҳнат қўшиқлари бадиияти» (2006) каби китоблар муаллифи.

ХИРМОН ЯНЧИШ ҚЎШИҚЛАРИ

Дехқонларнинг турмуш тарзини, тириклигини ифода этувчи поэзиясининг бир турини хирмон янчиш жараёнини ифода этувчи ва шу пайтда айтиладиган «хўп майда» қўшиқлари ташкил этади. «Хўп майда» қўшиқнинг номи бўлиб, янчилиши лозим бўлган пояни-хирмонни майда қилиб янчувчи ишчи ҳайвонларга қарата айтиладиган ҳар бир мисра охиридаги нақорот (майда-а,

майда-эй) ва хирмон янчишни ифодаловчи ҳўп сўзидан келиб чиқкан. «Хўп майда» қўшиклари ўзбек, қиргиз, тожик халқлари орасида кенг тарқалган. Хирмон янчишда айтиладиган бундай қўшикларни ўзбеклар: «Хўп майда», «Майдо», «Майдагул»; қирғизлар: «Ўп майда», тожиклар: «Майдо» деб юритадилар.

Ҳар бир халқнинг оғзаки бадиий ижоди асарларида уларнинг турмуши, тирикчилиги, урф-одати, дунёкараши, руҳияти, ижтимоий ҳаёт воқеаларига бўлган муносабатлари ўзига хос йўл билан ифодаланган. «Хўп майда» қўшиклари биргина ўзбек халқи орасида мавжуд бўлиб қолмасдан, балки қадимдан бир-бирлари билан алоқадор бўлган туркий халқлар орасида ҳам кенг тарқалган.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, ҳўпга қўшилиши лозим бўлган ҳайвонларнинг номлари алоҳида-алоҳида айтилмайди, улар қайси турдаги ҳайвон бўлишидан қатъи назар ҳаммаси галагов дейилаберади. Лекин илгари галагов килинган ҳайвонларнинг ҳар бири тизилиш ўрнига қараб маълум атамалар билан аталган бўлиши керак: Маҳмуд Кошғарий «Оп хирмон янчувчи ҳўқизларнинг ўртасидаги ҳўқиз (арғуча)» деб изоҳлайдики, бу нарса ҳам бизни юқоридагича ҳукм чиқаришга ундайди. Демак, Маҳмуд Кошғарий замонида ҳўпга қўшилган ҳўқизларнинг ўртасидаги ҳўқизни айни замонда шу меҳнат жараёни номи билан оп (ҳўп) деб аталган. Замонлар ўтиши билан галаговдаги ҳайвонларнинг ҳар бирининг номи унутилиб кетган бўлиши керак. Лекин айрим жойларда ҳозир ҳам галаговга биринчи bogланган ҳайвонни (ҳўп чўп ёнидаги ҳўқиз, ё от, ё эшакни) ҳўп деб аташ учрайди. Демак, дехқонлар орасида ҳозир ҳам ҳўп сўзи икки маънода, яъни хирмон янчиш жараёни ва ҳўпга қўшилган биринчи (бош) ҳайвон номи маъносида кўлланилади.

Галагов килинган ишчи ҳайвонларга хирмон похолини текислаб борадиган махсус тўқилган «чақар» боғлаб қўйилади. «Хўп майда» қўшигининг мавзуси донли экинларни янчib олиш бўлиб, мазмуни эса, инсон меҳнатини қадрлаш, ҳосилни хирмондан кўпроқ кўтариш умиди билан тўладир. Масалан:

*Қизилини қирдай қил, майдо-ё, майдо,
Саригини сойдай қил, майдо-ё, майдо.*

Бизгача сақланиб келган «Майдагул» құшикларининг матни жуда қадимий бұлмаса ҳам, уларда қадим тушунчаларнинг изларини күриш қийин эмас. Жумладан, буғдойни түғридан түғри үз номи билан атамай «қызил» деб аташ оғатлардан сақлаш, учун сир тутиш тушунчаси билан боғлиқ бўлган. Худди шундай тушунча халқнинг жонли сўзлашув нутқида ҳам қўлланади. Масалан, ёмчи уруғидан булган Шарофат ходима (асли исми Шарофат Тўраева, Қарши туманидаги Тахтапул қишлоғида яшаган. Тўйларда ходималик қиласи) тўйга тўёна олиб келган хотинларга қарата: «Қизилинг қирда, саригинг сойда, оқинг ангарда пишиб ётган пайтда силани тўйма-тўй санғиб юришларингта қарайла», – дейди. Демак, бу фикр орқали Шарофат ходима ҳосилнинг ғарқ пишганини, йифим-терим палласи яқинлашиб қолганини айтмоқчики, бу ҳол халқнинг жонли сўзлашув нутқида ҳозирги кунга қадар ҳам сақланиб келмоқда. Кўриниб турибдики, қирдаги қызил – ўрилмай пишиб ётган буғдой; сойдаги сариқ эса, олма, ўрик, узум, умуман, ҳўл мева; ангардаги оқ эса пахтадир. Бу ўринда, албатта, оқ, қызил, сариқлар аслий сифат бўлиб, бу ерда отлашиб келмоқда.

Майда қўшиклари алоҳида-алоҳида мустақил тўртликлардан ташкил топган бўлиб, уларга майда-ё майда-эй, майда-а каби турли эмоционал сўзлар, қийқириқлар, нидолар қўшиб куйланади. Булар шу қўшикнинг нақорати ҳисобланиб, олдинги мисраларга қараганда бирмунча чўзиқроқ талаффуз қилинади ва ўзига хос мустақил куй касб этиб, барча бандлар учун ҳам характерли бўлган мазмуний белгиларни яхлит композицион қурилмага жойлаштира олувчи бош пафос қиёфасида гавдалана бошлайди. «Майда-ё майда», «Ҳайды-ё, ҳайды», «Ҳа хўп, ҳайды-ё, ҳайды», «Хўп майда-ё, хўп майда» каби эмоционал қичқириқлар мустақил характерга эга бўлган тўртликларга композицион яхлитлик касб этади, бу мавзудаги мустақил тўртликларни гўё бир шеър остида бирлаштиргандай бўлади.

Айрим ҳолларда эса:

*Хўп майда-ё, хўп майда,
Буғдойи менга фойда,*

*Сомони сенга фойда,
Ха, ҳайды-ё, ҳа, ҳайды,*

— каби бутун бир тўртлик ҳар банддан кейин такрорланиб қолиши мумкин. «Майдагул» қўшиқларида янги шунга ўхшаш эмоционал қичқириқларнинг мўл-қўллиги унинг жанр хусусиятларини белгиловчи муҳим бир атрибутидир. Баъзан бундай эмоционал қичқириклар ҳар бир мисра охирида қўлланила берган, улар ҳар мисрага қўшиб ижро этила берган:

*Сакраб-сакраб ҳайдагин, майды-ё, майда,
Саксонлар ботмон келсин-ой, майды-ё, майда,
Йўртиб-йўртиб ҳайдагин, майды-ё, майда,
Юз ботмонлар келсин-ой, майды-ё, майда.*

Хўқизларнинг сакраб-сакраб, йўртиб-йўртиб юришида, албатта, руҳий ҳолат ифода қилинади. Ишчи-ҳайвонларнинг сакраб, йўртиб юришида, бир томондан, дехқонларнинг хурсандчилиги ифодаланса, иккинчидан меҳнат ритми ҳам аниқ сезилиб туради.

Майда қўшигига, асосан, якка ҳолда бир хил қуйни баланд овоз билан ижро этилади. Фаллакорликка техниканинг кириб келиши билан кўп меҳнат талаб қиласидиган, нисбатан ибтидоий даражадаги ҳўпга ҳожат қолмади. Натижада «Хўп майда» қўшиқларини ижро этиш ҳам камая борди. Шунга қарамай, «хўп майда» қўшиқлари 30–40-йилларда Қашқадарёнинг айрим узок ва тоғлиқ туманларида ижро этилиб турганки, буни қўшиқларни билувчиларнинг ўзлари тасдиқлаб турибдилар.

Хўп қўшиш айрим узок қишлоқларда ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Бу илгарилардагидек катта хирмон эмас, балки дехқонларнинг томорқасидан келадиган ҳосилни янчиш учун қилинган кичик-кичик хирмонларда ижро этиляпти. Бундай хўпларда ҳозир ҳам унинг қўшиқларидан айтилади. Бу энди илгаригилардек оммавий характерда эмас. Б. Х. Кармишеванинг юқорида кўрсатилган асарида (67–70-бетлар) янги даврда яратилган майда қўшиқлари мавжудлиги ҳам қайд этилади:

*Майдаласам ярашар,
Қизлар қирдан қарашар.
Чаққон-чаққон юринглар,
Раис акам уришар¹.*

Янги майдалар анъанавий қўшиқлар заминида яратилган бўлиб, асосан, тўртликдаги кейинги мисралар янгиланган. Демак, хўп меҳнатининг йуқолиши билан унинг қўшиқларини ҳам ижро этиш камайиб йўқолиб бормоқда.

Майда қўшиқлари маълум тартиб билан айтилади. Юкорида майда қўшиқларини мустақил тўртликлардан иборат дедик. Лекин бундай мустақил тўртликларни олдинма-кейин айтишда маълум бир тартиб мавжуд, яъни майдалар орасида аввал, ўртасида кейин айтиладиган бандлар бор. Хирмон янчиш дастлаб хўп ҳайдаётган дехқон ўзидан маълум куй оҳангি яратиб, сўзсиз хиргойи қила беради. Аста-секинлик билан қўшиқда мурожаат этади. Хирмон янчишда аввал қўйидаги тўртликни кўйлаш одат тусига кириб қолган:

*Чў-ҳе, галаговим, ҳайдо,
Хирмонни қилгин майда.
Ишини тамом қилмасанг,
Танингга тиним қайдо.*

Шуни қайд этиш керакки, хирмон янчаётган дехқон шу жарабённи ифода қиласидиган қўшиқни тўқий олмай ёки эслай олмай қолса, қайси достондан, термалардан бўлишидан қатби назар, бирор парча ёхуд хаёлига келган шеърлардан намуналар айтиб майда қўшиғига аралаштириб юбора беради.

Кўпгина жойларда майда билан бир қаторда ишқий-лирик қўшиқлар ҳам ижро этилган. Баъзи жойларда эса, соф майда умуман ижро этилмаган, балки хўп жараёнида фақат севги лирикасидан намуналар куйланган. Бундай намуналар кўп ҳолларда юмористик, ҳазил-мутойиба характеристига эга бўлган. Бироқ ҳар бир банд «майда-эй майда» нақорати била куйланган.

¹ Кармышева Б. Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях // Труды Академии наук Таджикистана. Т. СХХ. – Ходженд, 1960. – стр. 70.

Қарқарангга қора мунчоқ тақайин-эй, майды-эй,
майды-а-а,
Сен келганча уйгинангни боқайин-эй, майды-эй,
майды-а-а,
Сен келганча уйгинангни боқмасам-эй, майды-эй,
майды-а-а,
Уйгинангни орқасидан ариқ бўлиб оқайин-эй,
майды-эй, майды-а-а,

* * *

Баланд тогдан қор юмалаб келади-ей,
Паранжига ўралиб ёр келади-ей.
Паранжига ўралсанг, ўралмасанг,
Ой юзингга ким харидор бўлади-ей.

Деҳқон эрта баҳордан бошлаб қилган меҳнатининг натижасини, яъни ҳосилини кузда йифиб олади. Куз палласи деҳқон хўжалиги учун ҳосил тўйи ҳисобланади. Майда кўшикларида мана шу ҳосил тўйи деҳқоннинг бир қадар хурсандчилигини, кўтарики рухини ифодалайди. Маълумки, ўтмишда от йигитнинг йўлдоши бўлганидек, ҳўқиз ҳам деҳқоннинг бирдан-бир таянчи ҳисобланган. Ҳўқиз билан деҳқон эрта баҳордан то кеч кузгача тирикчилик учун зарур бўлгаи барча ишларни бажарган ва шу важдандирки, деҳқон ўзининг тирикчилигига ғоят муҳим роль йўнаган ҳайвонни дўст билиб ниҳоятда қадрлайди. Ҳўқизнинг барча хатти-ҳаракатлари, одимлаб юришидан тортиб, товуши, шохи, қўзи, думи, туёқлари ва терисига қадар алоҳида бир ҳикмат касб этиб кўринади унга:

Айри-айри туёғинг, майды-ё, майды,
Олмос бўлсин жонивор, майды-ё, майды.
Сени боқкан деҳқонлар, майды-ё, майды,
Зармост бўлсин, жонивор, майды-ё, майды.

Хирмон ҳосилининг кўпроқ кўтарилишини сабрсизлик билан кутган деҳқон ўзининг дастлабки байтларини ғаллакорликнинг

асосчиси ва дәхқоннинг ҳимоячиси, афсонавий пир – Бободеҳқон пойқадамига умид билдириш билан бошлайди:

*Майды морисин, майды-ё, майды,
Дон сомондан арисин, майды-ё, майды.
Айни саҳар бўлганда, майды-ё, майды,
Бободеҳқон дорисин, майды-ё, майды.*

Бободеҳқон қўшикларда ижобий образ бўлиб, ривоятларда айтилишича, чош совуриш пайтида (тонг саҳарда, яъни ёмон, ювуқсиз кишиларнинг юзига кўз тушмаслиги учун) хирмонга разм солар эмиш. Натижада хирмонга барака кириб ботмон-ботмон ҳосил қўтарилар экан. Хирмон қўтариш турли расм-руслар, одатлар билан боғлиқ. Шундай одатлардан бири Дехқонободда «Тоҳир қилиш» дейилади. Бу одатга кўра тозаланган чошни қопларга жойлаб бўлгач, бир ҳовуч чори ғаллани Хизр ёки Бободеҳқон ҳаки учун чош қўтарилган жойга сепиб юборилади.

Дехқончилик ишлари билан боғлиқ бўлган одатларда Бободеҳқон культига нисбатан бўлган эътиқод диккатга сазовордир. Дехқончилик ишини бошлашдан олдин Бободеҳқон хотирасига аatab бир неча маротаба ис чиқарганлар, турли хил ноз-неъмат таомлар тайёрлаганлар. «Бобо» термини қариндошлиқ маъносида эмас, балки биринчи дехқон, кишиларни дехқончиликка ўргатган культ сифатида қабул қилинган. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча одатлар Бободеҳқонга бағишлианди. Даастлабки ерга ташланадиган уруғ (барака уруғи)ни кекса дехқон сочиб берган. Чошнинг остига Хизр кесак, барака кесак, тоза кесак қўйиб устидан чошни уйганлар. Тозаланган чошни қопларга жойлаш олдидан бир ғалвирни тўлдириб олиб, чошнинг атрофига айлантириб тўкиб чиққанлар.

Шу билан чошнинг белини (чошнинг бели боғланди) боғлармиш, ҳосилни ёмон кўздан асрар эмиш. Чошдан бир ғалвир буғдой ҳақулла-худо ҳаки олиб, юзини қибла (ғарб) томонга ўгириб чошдан четта сепиб юборган, кейин уни супириб

олиб ўзидан қолган бирон кишига ҳадя килган. Қопларга жойланган ғалладан бир ҳовуч олиб Хизр ҳақи деб сурпа ўрнига сочиб юборган. Похолни ғалла ҳолига олиб келгунга қадар бўлган барча ишлар, асосан, хўқиз меҳнати туфайли бажарилган. Хўқиз дехқончиликда муҳим ишлаб чиқарувчи курол бўлганлиги туфайли у культ обьекти ҳисобланган.

Дехқончиликни бошлишдан олдин хўқизнинг шохини мойлаш маросими ўтказилган. Ерни ҳайдашга олиб чиқиладиган хўқизларга бир бўлакдан нон бериш, унинг шохига тумор тақиши одатлари бўлган.

Турли хил расм-русумлар, одатлар билан ўз хўқизини улуглаб, сифиниб келган дехқон майдага қўшикларида ҳам унга алохида эътибор берган. Ҳўқиз хўпда асосий фигура эканлиги уқтирилади. Унинг шохи ҳам, кўзи ҳам, териси ҳам, думи ҳам, туёғи ҳам, қисқаси, барча аъзолари чиройли, бадиий гўзал мисраларда мақталади:

*Айри-акри туёққа, майдага-ё, майдага,
Айри наҳал ярашар, майдага-ё, майдага,
Жилвираган қулоққа, майдага-ё, майдага,
Тилла сирга ярашар, майдага-ё, майдага.*

*Майдалар қил, кўрайлик, майдага-ё, майдага,
Шохингга гул ўрайлик, майдага-ё, майдага,
Шохингдаги гулларни, майдага-ё, майдага,
Яхшиликка жўрайлик, майдага-ё, майдага.*

*Шохларинг бор шотидай, майдага-ё, майдага,
Турқинг тўриқ отидай, майдага-ё, майдага,
Танглайнингни чибори, майдага-ё, майдага,
Муллаларнинг хатидай, майдага-ё, майдага.*

Қаранг, ўтмишда оддийгина иш ҳайвонининг қадр-қиймати дехқон учун нақадар юксак, бебаҳо бўлган. У ҳатто ўз хўқизининг қулоғига олтин сирға тақиб қўйишни ҳам лозим кўради. Халқ оғзаки ижодида энг яхши доимий безак – эпитетлар (олтин, ол-

мос) хўқиз ва унинг айрим аъзоларига нисбатан кўлланилади. Шохига гулдаста боғлашга ҳам тайёр туради. Баъзи жойларда хўқизнинг шохига чалпак ўрайди. Баъзан эса, худди ёш болани ардоклаб овунтиргандай турли хил таърифу тавсифлар билан далда бериб, хўқизнинг огирини енгил қилишга, дардига малҳам бўлишга интилади. Чунки дехқон унга оғир меҳнатда ҳамдарди, эзгу ниятлар йўлидаги бирдан-бир суюнчиғи сифатида қарайди. Хўқиз таърифида бадиий тасвиринг ҳар бир компоненти дехқоннинг орзу-умидларидан дарак берувчи бадиий восита сифатида гавдаланади.

*Майдажон келар ҳали, майда-ё, майда,
Иргалар майдам толи, майда-ё, майда.
Юлгундан қамчи қилаб, майда-ё, майда,
Юлдузга минар ҳали, майда-ё, майда.*

Хўп майда қўшиқларида ишчи ҳайвонларни ҳатто инсон қиёфасига киритиб тасвирилаш ҳам табиий бир ҳолдир:

*Майдалашган тилинг бор, майда-ё, майда,
Хипчагина белинг бор, майда-ё, майда.
Хипчагина белингни, майда-ё, майда,
Кимга сотар кўнглинг бор, майда-ё, майда,*

Юмористик оҳанг билан тўқилган бу мисралар заминида «қизим сенга айтайн, келиним сен эшиш» қабилида вужудга келтирилган нозик кинояни фаҳмлаб олиш қийин эмас. Бу ўринда дехқон ўзининг, ҳатто, маҳбубага бўлган муносабатларини ҳам хўқизи орқали, билвосита ифодалаётирки, бошқа бирон касб эгаси косиб ёки бўзчи мазкур маънодаги ҳазил-мутойибани шу таҳлитда ифодаламаслиги турган гап.

Куйидаги мисралар машаққатли меҳнатдан қутулолмай, азобу укубатда қолган дехқонларнинг руҳий аҳволини мажозий қиёфалантирувчи хўқиз таърифидир. Хўқиздан айрилиш дехқон учун энг оғир мусибатдир. Агар у касал бўлиб қолса ёки ўлса дехқон худди фарзанд доғини бошдан кечираётгандай мунгли оҳангда куйлайди:

*Қарчигайни қочириб, майды-ё, майды,
Боги қолди билакда, майды-ё, майды.
Үн түрт яшар майдамнинг, майды-ё, майды,
Доги қолди юракда, майды-ё, майды.*

Баъзи бир мөхнат қўшикларида амалдорларнинг халқ бошига солган беҳисоб азоблари, моддий, яъни капсан олиш, сув ҳақи, эшонга назр бериш каби одатлар аччиқ киноялар, истеҳзоли иборалар ва ҳатто қарғиш аломати сезилиб турадиган мисралар орқали қораланади:

*Қаг-қаглаган қарғалар, майды-ё, майды,
Қамишини кўрса йўргалар, майды-ё, майды.
Үйинг куйгур дарғалар, майды-ё, майды,
Хирмонни кўрса йўргалар, майды-ё, майды.*

Бу қўшиқнинг бошқа бир вариантида:

*Үйинг куйгур дарғалар, майды-ё, майды,
Очкўз имдай йўргалар, майды-ё, майды, –*

дейиладики, бу ҳар хил юлғичларга карши ўтли нафратдир.

Дехқон ўзининг ниҳоятда силласи қуриб, ишга ярамай ночор қолган вақтлардаги кайфиятларини ҳам қўшиқ орқали тасвир эта билган. Айниқса, иш ҳайвони билан уни ишлатувчи шахс ўртасидаги зиддият ҳайвон ва унинг эгаси тилидан тўкилган қўшиқларда очик-ойдин кўриниб туради:

От:

*Нимча кепакни иласан,
Уни емасдан оласан.
Мен ишга ярамасам,
Сўнгра очликдан ўласан.*

От эгаси ҳайвоннинг ҳолига ачинади:

*Қатра лойдан ўтмолмай,
Балчиқча ботган отим.*

*Олти ботмон арпа еб,
Тиррайиб қотган отим.*

Майда қўшиқларининг айримларида ўлпон, соликлардан юраги олинган дехконнинг кийган кийими-бўзлиги алоҳида таъкидланиб ўтилади. Иккинчи томондан, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўладиган савлатли амалдорларнинг номи нафрат билан тилга олинади. Чунки улар хирмонга чанг солиб, чопининг баракасини учиради, дехқонларнинг бутун нонини яримта қилиди, хонавайрон этади. Бундай қўшиқларда дехқонларнинг руҳидаги шодлик, ҳазил-мутойиба кайфиятини ғазаб, зорланиш, порозилик эгаллайди. Қўшиқдаги дехқон нутқи аччик заҳарханда билан йўғрилган бўлади. Депсалган дехқон ҳўқизига ёлворади, хирмонни тезроқ янчишга ундайди. Ўлпончиларни қўриб унинг ранги ўчади, уларни қаттиқ қарғайди:

*Майда қилгин уватиб, майда-ё, майда,
Сенсан менинг қувватим, майда-ё, майда.
Келаётир эшонлар, майда-ё, майда,
Дасторини чуватиб, майда-ё, майда.*

Майда қўшиқларида дехқон ва дехқончилик янгроқ овозда куйланади. Уларда келажак умидлари, яхши кунлар тилаги, тўйтомушалар орзузи баралла янграйди. Қўшикларда дехқоннинг орзулари – хирмон янчилгандан сўнг тўй қилиш, яна хурсандчиликка стишиш, рўзгорини, бола-чақаларини шод қилишдан иборатидир.

Майда қўшиқлари бадиий жиҳатдан гўзал асарлар. Улар күшинча биринчи, иккинчи ва тўртинчи сатрларининг ўзаро қоғияланиб келиши билан ажralиб туради. Тўқ қоғиялар дехқон оғозини борича оҳангдош қилиб баланд овоз билан айтилишига мослантирилган. Бундай ҳол куйлашда ажойиб мусиқийликка ошиб келган.

Майда қўшиқларининг деярли кўпчилиги ўн икки бўғиндан тикикли топган бўлиб, $4 + 3 + 3 + 2 = 12$ шаклдаги бўғинларда турухлашган. Бу ҳол ҳўп майда қўшикларининг чўзиб ижро этиши имкониятини туғдиради. «Ҳўп майда» қўшиқларининг

бундай куйланиши ишчи-ҳайвонларнинг меҳнати – хирмонни янчиш жараёнидаги юриш ритми билан ички боғланишни ташкил қиласиди:

*Майдам ўзи яхши қиз, майда-ё, майда,
Майда билан тўқмиз биз, майда-ё, майда.
Бугдой кирса омборга, майда-ё, майда,
Тўй қиласиз эрта куз, майда-ё, майда.*

«Хўп майда» қўшиқларида бадиий тил воситаларидан ўхшатиш кўп учрайди. Қўшиқлардаги ўхшашлик кўпроқ муболағали бўлиб, бу ҳолнинг қўшиқларда кўпроқ учраб туриши шу қўшиқнинг мусиқийлигини, оҳангдорлигини ва бадиий қимматини оширади:

*Сагриларинг супадай, майда-ё, майда,
Майда қилган упадай, майда-ё, майда,
Корнигинанг қозондай, майда-ё, майда.*

Ёки:

*Киприкларинг сўзондай, майда-ё, майда,
Ангиллаган овозинг, майда-ё, майда,
Мулла айтган аzonдай, майда-ё, майда.*

Баъзан муболага ҳаддидан ошириб юборилади. Шунда ҳам ишчи-ҳайвон кўкларга кўтарилиб мақталади, унга дехқон ўзининг муҳаббатини изҳор этади. Дехқоннинг тасаввурива унинг думлари гўё кизларга сочбов, косадек кўзлари, олмосдек туёклари эсаbekларнинг қалқони бўлиб туюлади. Бундай ажойиб бадиий гўзал тасвир фақат халқ ижодигагина хосдир:

*Узун-узун думларинг, майда-ё, майда,
Қизларга сочбов дейшишар, майда-ё, майда.
Коса-коса туёғинг, майда-ё, майда,
Бекларга қалқон дейшишар, майда-ё, майда.*

Ўхшатиш хўп-майда қўшиқларида -дай, -дек, -дан ташқари -симон сингари, каби сўzlари ва баъзан -б қўшимчаларсиз ҳам юзага чиқади:

*Хўп-хўп десам хўпади, майды-ё, майды,
Хамири тез кўпади, майды-ё, майды.
Тангасимон қашқангдан, майды-ё, майды,
Хўппи оғанг ўпади, майды-ё, майды.*

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, «Хўп майда» қўшиқлари-нинг баъзиларида бечора, камбағал дехқонларнинг ночор аҳволи, турмуш тирикчилигидаги танқислик, айни қиши кунларида қийналиб қолиш хавфи доим уни эзиз келаётганлиги аниқ сезилиб туради. Қуйидаги бир тўртликда камбагал дехқонлар хаёти реалистик равишда тасвирланган:

*Создир найим товуши, майды-ё, майды,
Адо бўлди кавушим, майды-ё, майды.
Отам берган чориқни, майды-ё, майды,
Кийишамиз овушиб, майды-ё, майды.*

Ёки:

*Икковора бир иштон, майды-ё, майды,
Қандай чиқамиз қишидан, майды-ё, майды.
Топганимиз етмайди, майды-ё, майды,
Билсанг қишики емишидан, майды-ё, майды.*

«Хўп майда» қўшиқларида ҳазил, мутойиба йўли билан айтилган тўртликлар ҳам борки, уларда дехқон ўзининг кўнгилхушлигини ифодалайди.

«Хўп майда» қўшиқларида ҳаёт билан поэзия ўртасидаги бирлик, тўғрироғи, меҳнаткаш халқ оммасининг руҳий аҳволи, турмуши бевосита ўз ифодасини топган. Демак, «хўп майда» қўшиқлари кишиларнинг ижтимоий ҳаётга, одамга, меҳнатга бўлган муносабатларини акс эттиради, уларнинг эзгу ниятларини ифодалайди.

Пиловқул
АШУРОВ
(1938–2006)



Пиловқул Ашуроев 1938 йилнинг 2 февралида Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. «Ўзбек халқ достонларида юмор ва сатира яратиши йўллари ва воситалари» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган (1967). Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўқиган (1954–59). ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида (1959–71) лаборант, кичик илмий ходим, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида катта ўқитувчи (1971–74), доцент (1974–79), Тошкент давлат маданият институти доценти (1979–81), тайёрлов бўлими декани (1981–82), Тошкент вилоят давлат педагогика институти доценти (1985–90), Тошкент давлат Маданият институти доценти (1991–2003) ва зифаларида шилаган. «Балогардон» (1964), «Шохдорхон» (1967), «Бўтакўз» (1967) достонларини, «Олтин олма» (1966) эртаклар мажмуасини нашрга тайёрлаган. «Ўзбек халқ достонларида сатира ва юмор» (1974) номли монографияси чоп этилган. 2006 йил Тошкент шаҳрида вафот этган.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ҚАҲРАМОН-ТИТАНЛАР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИГА ДОИР

Халқ ижодчилари ички ва ташқи душманларга, табиатнинг ёвуз кучарига қарши қурашда турли-туман йўллардан, усуллардан фойдаланганлар ва хилма-хил образлар яратганлар. Улар табиат ҳодисалари ва жамиятдаги воқеаларнинг туб сабабларини тушуниб етмаганликлари туфайли турли мифологик образлар жамиятнинг иқтисодий ривожланиши қути даражада эканлиги ва ундаги башарият билимининг жуда заифлиги натижасида келиб чиқкан бўлсалар-да, инсон куч-кудратини ўзларида мужас-самлантириб, одамларни ҳаётни севишга унданганлар, ҳар кандай қийинчиликларни енгишга руҳлантирганлар.

Халқ бундай мифологик ва афсонавий қаҳрамонларни баъзан маънавий, баъзан жисмоний енгиб, ўз ақл-заковатинининг кучи билан ўзига бўйсундиради, хизмат қилдиради. Шундай титан-мифологик образлардан бири Ҳасан Кўлбардир. У, аслида, дев бўлиб, Гўрўғли уни ўзига бўйсундириб олган эди. Бу мифологик образ «Гўрўғли» туркумидаги достонларнинг кўпчилигига иштирок этади. У енгилмас, Гўрўғлининг энг яқин сафдошларидан бири сифатида намоён бўлади. Гўрўғлининг бошига оғир кун тушса, содик дўст сифатида мададга тайёр туради. Ҳасан Кўлбарнинг ёрқин бадиий портрети атоқли ўзбек халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли қўйлаган «Интизор» достонида берилади. Ҳасан Кўлбар жуда баҳайбат, катта бир маҳлук. Лекин инсоннинг ақл-заковати олдида таъзим қиласи, доимо унинг хизматида бўлади. Унинг асосида табиатнинг қандай ёвуз кучи бўлмасин, барибир инсон уни ўзига бўйсундиради, хизмат қилдиради, деган ғоя ётади. Ҳасан Кўлбар зўр, ҳайбатли бўлишига қарамай Гўрўғли уни ўзига тобе қилиб олган. У бир неча марта Чамбилни ташқи душманлардан ҳимоя қиласи ва душман бошига бало тошини ёғдиради. «Интизор» достонида тасвирланишича, Авазни излаб борган Гўрўғли асир тушганида Ҳасан Кўлбар ёрдамга етиб келади. Йўлда у жувознинг ўқини ҳалачўп қилиб эшагини қистаб боради. Одатда, у жангга киришдан олдин қорнини тўйдириб, напасини чёкиб қолар эди. Бунда ҳам Соқибулбулга овқат тайёр-

лашни буюради. Ҳасан Кўлбарнинг Исфиҳонга келиш овозасини эшигтан душман аскарлари ваҳимага тушиб колади:

*Кўринг, Соқи бангни пишишиб бўлди,
Ўтириб шу замон бангни ийлади.
Катта сархонага буни жойлади.
Устига чўғ босиб бангни тортди,
Тогнинг газалари тутун бўп кетди,
Бу тутуннинг иси ҳар ерга етди,
Бангнинг иси ётган лашкарга борди,
Исфиҳон лашкари қилтиллаб қолди.
«Чамбилнинг Кўлбари бунда келди», деб,
Эшигтанлар бунда гумон қиб қолди¹.*

Биргина «бангнинг иси ётган лашкарга борди» иборасининг ўзи Ҳасан Кўлбарнинг келганидан хабар беради ва душманни ваҳимага солади. Ҳасан Кўлбар душманни енгиб, Авазнинг аммаси деб Абжўш кампирни Кўлбариға солиб қайтади, чунки Авазхон Интизорни излаб бораётганида, унга Гуржистондаги бева қолган юз йигирмага кирган аммасини келтириб беришини ваъда қилган эди. Гўрўғли ҳам, ўз аскарлари билан омон-эсон қайтиб келади. Ҳасан Кўлбар Исфиҳонда Гўрўғли ва унинг йигитларини ҳалокатдан саклаб қолади, чунки Исфиҳон подшоси уларни ҳийла билан асир олган эди.

«Холдорхон» достонида Ҳасан Кўлбарнинг яна бошқа сифатлари намоён бўлади. Крим хони Холдорхон Гўрўғли ва унинг йигитларини меҳмонга чақиради. Гўрўғли Аваз, Ҳасан Кўлбар ва яна бир йигитни юборади. Бунда Холдорхон хафа бўлади. Лекин келтирилган овқатларнинг ҳаммасини Ҳасан Кўлбарнинг бир ўзи еб қўяди. «Наҳотки подшоларинг шунча камбағал бўлса, бир мени тўйдиролмайди-ю, яна бутун Чамбилни чақирибди», деб Холдорхондан хафа бўлади.

Ҳасан Кўлбар урушга ҳеч қандай куролсиз киради. Ё катта чинорни томири билан суғуриб душманга отади ёки душманнинг

¹ «Интизор», «Нурали». Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1964. – 180-бет.

кагта бир гурухини гавдаси билан босиб ўлдиради. Унинг жанг майдонидаги ҳаракати шундай тасвирланади:

*Кулочини катта ёйиб мард Кўлбар,
Бир тўпини иигиб, бобонг ииқилди...
Бари чиқиб кетди деди, остидан...
Томоша қинг эр Кўлбарнинг ишини,
Бир ўзи босибди беш юз кишини.
Ортида қолганлар типирлай деса,
Ҳасан Кўлбар кўрсатади мушигини...¹*

Ҳасан Кўлбар характеристини янада чуқурроқ очиш учун унга қарши душманинг баҳайбат кучлари қарши қўйилади. Холдорхоннинг Афсарзанги деган полвони Ҳасан Кўлбар билан олишади. Ҳасан Кўлбар зўр, баҳайбат, паҳлавон бўлмасин, Афсарзанги ҳам ундан қолишмайди: «Унинг бўйи минордай, қўли кенг панжали шоҳ чинордай, оғизлари ўзи қулаб қолган фордай, калласи тепадай, кулоқлари супрадай, қорни мол қамаб қўядиган хонадай, эғинлари беш-олти одам чой ичиб ўтирадиган супадай, бурни тегирмоннинг новидай, жағлари тегирмоннинг катта қопидай, лаби ариқнинг рошидай, тишлари омочнинг тишидай, кўзлари нонвойнинг тандиридай, билаги синган харидай баччагар экан»². Бундай муболага билан тасвирланган Афсарзанги, биринчидан, гротескли кулги түғдириб сатирага замин бўлса, иккинчидан, унинг уруши адолатсиз уруш бўлганлиги учун ҳам у ўлимга маҳкум этилган, шунинг учун ҳам у енгилади.

Ҳасан Кўлбарнинг мақсади – Гўрӯғлига яхшилик қилиш. Бу ўз-ўзидан шундай бўлиб қолган эмас, албаттга. Бу инсоннинг кучкувати, ақл-заковати ҳар қандай ёвуз кучни енгишга, маҳв этишга ва ўзига хизмат қилдиришга қодир эканлигини кўрсатади. Мард Гўрӯғли Эрам богидан Юнус Пари билан Мисқол Парини Чамбилга олиб келгач, уларни қўриқлаб юрадиган Ҳасан Кўлбар ҳам Чамбилга келади ва Гўрӯғлининг хизматида бўлади.

¹ «Холдорхон» қўлёзма. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор сектори архиви. И nv № 898. 28-бет.

² Ўша асар, 50-бет.

Ҳасан Кўлбар қанчалик зўр, кучли ва баҳайбат бўлмасин, баридир инсон каби чуқур тафаккур қилиш, фикр юритиш кобилиятига эга эмас. Унинг характеристида бачкана хатти-ҳаракатлар, бир гапга тез ишониш каби примитив ҳолатлар учрайди. Бу эса уни кулгили ахволга солиб кўяди. Достонларда юморни юзага келтиришда восита бўлади. Унинг бундай хусусияти ҳақида В. М. Жирмунский ва X. Т. Зарифов «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобида шундай деб ёзадилар: «Ҳасан Кўлбар жасур ва олижаноб, аммо ўзининг болаларча соддадиллиги ва соғ қўнгиллилиги билан ажralиб туради. Шу сабабли у ёлғонга ҳам тез ишонади ва унинг жанговар саргузаштларида доимий йўлдоши бўлмиш Авазнинг истеҳзосига нишон бўлади. Шундай ҳолларда унинг кекса ёшига гротескли зид бўлган севги ишларидаги шўхлиги комик ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлади»¹.

Ҳасан Кўлбарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати уни комик ҳолатга солиб кўяди. Бу унинг характеристидан келиб чиқади. Унда Чамбил юртига, Гўрўғли ҳамда унинг йигитларига нисбатан ҳеч қандай ғаразлик йўқ. У ўз характеристининг юмшоқлиги, юриш-туришининг соддалиги билан кишига бевосита кулги туғдиради. У жуда кўп овқат ейди. Шунинг учун уялганидан доимо чўлда яшайди ва чўл ҳайвонларини тутиб таътил қилиб юради. У баҳайбат бўлишига қарамай, жуда тез чопади. Чопганда чўл ҳайвонларидан ўтиб кетмаслик учун икки қўлида тоғнинг икки чўққисини кўтариб юради. Тез чопганлиги ва чаққонлиги учун ҳам уни баъзан Ҳасан Чопсон деб атайдилар.

Достонларда тасвирланишича, бундай баҳайбат кишилар учта: Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Яқдаста. Улар уч хил вазифани бажарса ҳам, уларга учта индивидуал образ деб қараб бўлмайди. Достонда, асосан, фақат Ҳасан Кўлбар қатнашади. Қолганлари эса эслатиб ўтилади, холос. Асосий ном берилиб, унинг барча белгилари, хусусиятлари бир образга мужассамлаштирилади. Эпосда бундай усуллар анчагина учрайди. Бу алоҳида текширишни талаб қиласиди. Масалан, Пўлкандан ёзиб олинган «Юнус пари» достонида учта – Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Яқдаста қатнашади. Аммо асосий ўринда Ҳасан

¹ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М., ГИХЛ, 1947. Стр. 217–218.

Чопсон берилган, достонда воқеанинг кейинги ривожланиши эса, Ҳасан Кўлбарнинг чаққонлиги билан боғланади.

Гўрўғли Юнус парини олиб келгач, катта тўй беради. Ҳасан Чопсон тўйга тайёрланган овқатнинг барини бир ўзи еб кўяди. Атрофига ёш хотин-қизларни тўплаб ўш, ҳазил кўшиклари билан уларни алдайди. Ва тўйдан олган нон-ошларини еб кўяди. Гўрўғли хаммага уст-бош улашганида Ҳасан Чопсонга 300 тўп газлама ҳам етмайди. У 500 қизни елкасига миндириб, Қуий Қоф томонга кочади. Лекин Ҳасан Кўлбар уни тутиб келади. Бунда Ҳасан Чопсоннинг жуда тез чопиш қобилиятига эга эканлиги Ҳасан Кўлбар образига сингдириб юборилади. Лекин улар фақат эпизодик ролларда қатнашадилар. Асосий вазифани бажариш тўғри келганда эса яна Ҳасан Кўлбарнинг ўзи намоён бўлади. Ҳудди шундай ҳолни Пўлканнинг «Гулнор пари» достонида ҳам кўриш мумкин. Гўрўғли Гулнор Парини олиш учун Ҳиндистонга отланади ва у ерда қийин аҳволга тушиб қолади. Унга Ҳасан Чопсон мададкор бўлади. Гулнор парининг ёрдамида у Ҳиндистонга етиб келади, душманни енгишда Гўрўғлига кўмаклашади. Бу курашда Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон ва Самандар дев қатнашади. Асосий воқеаларда эса Ҳасан Чопсон актив иштирок этади.

Ҳасан Чопсон характеридаги соддалик ва жаҳлнинг тез чиқиши инсонларга хос сифатлар билан берилади. У Ҳиндистонда душманни енгач, ўзига муносиб ёр ахтаради.

Ёши деб қизларни олмади,
Чопсоннинг кўнгли тўлмади;
Кўнгилдагиси бўлмади.
Тиши тушган, ёши етган,
Тўқсон яшар, саксон яшар,
Шундай хотин топилмади.
Соқолларин тараётир,
Семиз кампир қараётир,
Ўзи семиз, бўксаси кенг,
Тўладан келган кампирни
Ўҳ-ўҳ деб топиб олди¹.

¹ «Гулнор пари». – Тошкент: Ўзбекистон ССР «Фан» нашиёти, 1965. 223–224-бетлар.

Унинг топған хотинини Гулнор пари менсимайди ва киноя аралаш:

*Каллапари худди.gov саватдай,
Тиши сўйлоқ, хўп қонгир бой теватдай,
Олган ёринг ўзи худди кўк итдай,
Қутли бўлсин, жезна, сулув бойбучча!¹*

деб мазхара килади. Ҳасан Чопсоннинг бу сўзга жаҳли чиқиб хотинини елкасига миндириб кетиб колади. Бундай халқ юмори билан сугорилган эпизодлар, биринчидан, тингловчиларнинг активлигини оширса, иккинчидан, достонни безайди, тингловчи қалбидан абадий ўрин олади ва Ҳасан Чопсон характерининг турли қирраларини очишга ёрдам беради.

Ижобий қаҳрамон ва унинг ишлари қанчалик бўрттирилиб тасвиrlанса, шу билан бирга, салбий кучларнинг қуввати ҳам эътиборсиз қолдирилмайди. Буни «Маликаи Айёр» достонидаги Мақотил образида кўриш мумкин.

Авазхон Маликани излаб кетаётганида йўлда «фил минган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган, соқол-мўрти ўсиб кетган «бир одамнинг Чамбилга қараб келаётганини кўради. Бу Гўрўғли ва унинг йигитларини асир қилиб олиб келиш учун Арботин юртнинг подшоси юборган баҳайбат Мақотил эди. Авазхон ундан эътиборсиз ўтолмади. Мақотил ҳам биринчи учрашишдаёқ, мақсадни айтади.

*Сафар қилиб кўрай Чамбил белини,
Вайрон қиласай Гўрўғлининг элини
Арботинда шоҳдан бўлди фармонлар,
Ўлжса қиласай Fирот, Аваз ўғлини.
Эшит Мақотилнинг айтган сўзини,
Олиб келсан Чамбилнинг Авазини,
Шоҳим билан ваъдалашган шартим бор,
Оламан юз бешга кирган қизини².*

¹ Ўша асар, 226–227-бетлар.

² Фозил Йўлдош ўғли, Маликаи Айёр. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. – Тошкент: Ўздавнашр, 1941. – 29-бет.

Мақотилнинг бу монологи душман мақсадини ёрқин ифода лайди. Афсонавий Чамбилда халқ тинч ҳаёт кечирар эди. Атрофдаги қўшни юрт подшолари эса уни қўролмасди. Бу табиий, албатта.

Авазхон унинг мақсадини билгач, ўзини танитади. Лекин ҳайбатли душман Авазхонни менсимайди:

*Миниб юрган чигирткадай отинг бор,
Кумирсқадай сенинг бир жасадинг бор,
Тўғри йўлга юра бергин, баччагар,
Мендан савол сўраб нима ишинг бор¹.*

Дастлаб душман ўзини катта тутади, ўзини енгилемас деб ҳисоблади. Аммо воеанинг ривожланиши билан адолатини зўр кучга эга эканлиги, унинг ҳар қандай разолатни енгизга қодирлиги кўрина боради. Бу вазифани адолатли ижобий қаҳрамои бажаради. Мақотил жангта киришдан олдин ўз алиёларидан мадад сўраб, сифинади:

*Қани, сенинг кароматинг билайнин,
Шул майдонда қўлламагин, кўрайин!
Темирдай авлиё, гўла чорёр,
Боргандан ўрнингдан бекор қиласин².*

У Авазга «Менга навбатни бериб нима киласан, аввал сен ур!» деб туриб олади. Авазхоннинг кистови билан барча ҳунарни ишга солади, лекин ҳеч натижа чиқаролмайди. Авазхон «килон тилли олмос пўлатини шириллатиб ғилоғидан суғуриб олганда, буни кўриб Мақотилнинг «туси қочди, ранги зафарондай бўлниб колди». Бу эпизоддаги Мақотилнинг руҳий ҳолати биринчи учрашуvdаги портретига контраст қўйилади ва уни бевосита қутили ҳолатга солиб қўяди. Бу кулги Мақотилнинг ўлими билан якунланади ва у сатира ўқининг қурбони бўлади. Бунда баҳши усталик билан ўз бадиий маҳоратини намойиш қилган, чунки

¹ Ўша асар, 28-бет.

² Ўша асар, 32-бет.

дushman Мақотилнинг руҳий ҳолатини аниқ бера олган. Бахши Мақотил образини салбий-сатирик образ даражасига кўтариб, гротескли муболағалар ёрдами билан унинг характеристерини тасвирлайди ва уни салбий тил даражасига кўтариб, жамият ҳаётидаги вайронгарчиликларни юзага келтирувчи адолатсиз урушлар билан боғлаб умумлашма ясади.

Шу нарса характеристики, инсон қиёфасида тасвирланадиган ёвуз кучларга, агар у салбий образ сифатида талқин этилса, инсондаги барча салбий хусусиятлар бўрттириб берилади. Достонларда тасвирланишича, инсон ва унинг адолатли ишларига қарши курашда, ҳатто девлар ҳам қатнашади, улар инсон каби гапиради, харакат қиласи. Инсон уни ўзига бўйсундириб олгандан сўнг у инсонга хизмат қиласи. «Гўрўғли» туркумидаги достонларда қатнашадиган Оқ дев, Кора дев, Боймоқ дев ва шунга ўхшаш жуда кўп ҳайбатли дев-маҳлуқлар Гўрўғлидан қўрқади, унинг номини эшитса, баданида қалтироқ пайдо бўлади. «Малика Айёр» достонидаги Шоқаландар – Гўрўғлининг Малика учун Туркистон шахрига бораётганда йўлда энг катта гов Боймоқ девинг доимо «Балонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин» деб дуо қилиши бежиз эмас, албатта. Гўрўғли қуий кофининг орқасидаги Эрам боғидан Юнус Пари билан Мисқол парини олгандан кейин барча девлар ундан қўрқиб қоладилар. Улар шундай зўр кучга эга бўлишига қарамай, инсон олдида кулгили ҳолга тушадилар, юмор, сатира ўқига нишон бўладилар. Бу уларнинг характеристидан келиб чиқади, албатта. Чунки улар чукур фикр қилиш қобилиятига эга эмас. Буни «Балогардон» достонидаги биргина эпизодда кўрса ҳам бўлади. Аваҳон балога учраб колгач, ўзини Балогардон деб танитади ва куч синашади. Шунда Балогардон – Аваҳ ўртадаги шартларни бажариб, уни ўзига қарам қилиб олади ва жуда оғир машаққатли вазифаларни унинг ёрдамида бажаради, Чамбилни яна шод-хуррам, қувончга тўлдиради. Отаси Гўрўғли ва бошқаларнинг таҳсинига сазовор бўлади. Халқ бундай образлардан ўз мушкулини осон, оғирини енгил қилиш учун фойдаланган, албатта.

*Сафарбой
Рұзимбоеў
(1942 йылда туғылған)*



Сафарбой Рұзимбоеев 1942 йил 14 марта Хоразм вилояти Күшкүпир тумани Күхна зей қишилогида туғилған. Хоразм давлат педагогика институты (хозирғы Урганч давлат университеті)да ўқыған (1960–65). Армия сафида хизмат қилған (1965–66). Хоразм давлат педагогика институты Ўзбек адабиёти кафедрасыда ўқытувчи бўлиб ишлаган (1967–75). Шу олий ўқув юртининг Ўзбек филологияси факультети декани (1975–84, 1992–96), шу университетнинг факультетлараро ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири (1996–2007), Хоразм Мা�ъмун академияси Тил ва адабиёт бўлими мудири лавозимларида хизмат қилған (1998–2001). Ҳозир Ўзбек адабиёти кафедраси профессори вазифасида ишлайди. «Хоразм воҳаси ўзбек халқ қўшиқларининг гоявий-бадиий хусусиятлари» мавзудаги номзодлик (1972), «Хоразм халқ достонларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси» мавзусида докторлик (1990) диссертациясини ёқлаган. «Хирмондали», «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам» (1981), «Бозиргон» (1969), «Аваз уйланған» (1980), «Хурлиқо ва Ҳамро» (1981), «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам» (1970) достонларини ёзиб олган. «Хуршиди жсаҳон келди» (1987), «Анаши халфа» (2006) номли фольклор тўпламлари нашр қилинганд. «Гўруғли» туркумига мансуб Хоразм достонлари ҳамда «ошиқ» туркумига киравчи достонларни нашрга тайёрлаб, чоп этирган. «Хоразм достонлари» (1985), «Ошиқ» туркуми достонлари-нинг гоявий-бадиий хусусиятлари» (1987), «Авесто» мифологияси ва «Хоразм фольклори» (2001, ҳамк.) каби монографиялар муаллифи.

ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ЭТНОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭПИК АНЪАНАЛАРГА ТАЪСИРИ

Хоразм қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлиб, воҳадаги этнофольклористик жараён ниҳоятда мураккаб характерда кечган. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий шарт-шароитлар халқ эпосида муайян даражада ўзининг бадиий ифодасини топганилиги сабабли уни ушбу ҳудудда яшаган халқнинг тарихий-этнографик жараёнидан ажратиб текшириш мумкин эмас, албатта.

Маълумки, Хоразм ҳудудида қадимги замонлардан бери жуда кўп уруғ-жамоалар, халқлар яшаган. Турли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар натижасида воҳадан кўплаб қабилалар бошқа ҳудудларга қўчиб кетган ёки жуда кўп уруғ-қабилалар қўчиб келиб, ўрнашиб қолган. Шу сабабдан Хоразм ахолисининг этник таркиби ниҳоятда мураккабдир. Бу борада жуда кўп илмий адабиётларда муҳим маълумотлар қайд қилинган¹.

Хоразм ахолиси ҳақида гапирав экан, Н. Н. Муравьев «Сартлар бу ўлканинг қадимий истиқомат қилувчилари»² деб ёзди.

¹ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – Баку, 1957; Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву 1819–1820 годах. – М.: 1822; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: 1865; Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности – СПб, 1887; Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 1. – М.–Л.: 1939; Т. 2. М.–Л.: 1938; Бартольд В. В. Сочинения. т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: 1963; Толстов С. П. Древний Хорезм. – М.: Изд-во МГУ, 1948; Агаджанов С. Г. Очерки истории Огузов и туркмен Средней Азии IX–XII вв. – Ашхабад: 1969; Снесарев Г. П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: 1969; его же: Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: 1983. Задыхина К. Л. Узбеки делты Аму-даръи. Археологические работы Хорезмской экспедиции 1945–1948 г. – М.: 1952; Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент, 1961; Сazonova M. B. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л.: 1978; Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. – Л.: 1970; Бунятов З. М. Государство хорезмшахов-ануштегинидов. – М.: 1986; Толстова Л. С. Вопросы ранней этнической истории народов Приаралья. – Нукус: 1984; Толстова Л. С. Исторические предания Южного Приаралья. // К истории ранних этнокультурных связей народов Арало-каспийского региона. – М.: 1984 ва бошқалар.

² Муравьев Н. Указ. Соч. стр. 85.

Сартлар ҳақида гапирилганда, илгариги ўтрок ҳаёт кечирувчи-лар¹ ёки шаҳарликлар² назарда тутилган. «Сартлар – қадимги Хоразм цивилизациясининг юксак дехкончилик маданиятини ўзида ташиган воҳадаги эроний тилли аҳолининг қадимги авлодларидан иборат»³. Улар воҳадаги маданий ҳаётни шакллантириш ва тараққий эттиришда етакчи роль ўйнаганлар. «Тарихий манбаларнинг маълумотларига кўра, Хоразмнинг туб аҳолиси маишӣ турмуши, маданияти ва маълум даражада тилининг ўзига хослигини, энг янги тадқиқотларнинг тасдиқлашича, Олтин Ўрда хонлиги ва Хоразмда чигатой турклари ҳукмдорлиги даврларида ҳам саклаб қолган эди»⁴. «У сўғд тилига қариндош бўлиб, ҳозирги осетин тилига жуда яқин»⁵. Қадимги хоразмийлар тили, С. П. Толстовнинг таъкидлашича, Шимолий Эрон тиллари гуруҳига киради. Хоразм воҳасига туркий халқларнинг келиб ўрнаша бошлиши эрамизнинг дастлабки йилларига тўғри келсада, ерли аҳоли билан уларнинг фаол аралашуви жараёни, асосан, X–XI асрларга тўғри келади. Ўша пайтларда воҳанинг теварагида қўпроқ ўғуз турклари ўрнашган бўлиб, Берунийнинг маълумот беришича, «Хоразм подшолари... ўз чегараларидан ўғуз туркларини қувар ва мамлакатлари атрофини улардан ҳимоя қиласа эдилар»⁶. Кейинчалик эса уларга аста-секин мамлакат ичкарисига ўрнашиш учун рухсат берилади. «Эрамизнинг XI асирида Хоразмшоҳ Хорун ўгузларга Хоразмда ўрнашишга ижозат берганда уларнинг ерларини Гавҳора канали бўйлаб белгилайди»⁷. Бу ерлар эса ўша пайтларда мамлакат пойтахти билан ёндош жойлар бўлган. «Хоразмда ўғуз элементларининг фаоллашишига энг сўнгги хоразмшоҳлар шажарасининг ўғуз-салжук доиралидан чиқиши ҳам катта ёрдам берди»⁸.

¹ Аристов Н. А. Указ. Соч. стр. 157.

² Зарубин И. И. Список народностей туркестанского края. – Л. 1925, стр. 15.

³ Задыхина К. Л. Узбеки дельты Аму-дарьи. стр. 332.

⁴ Сазонова М. В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Археологические и этнографические работы хорезмской экспедиции 1945–1948. стр. 250.

⁵ Толстов С. П. Арх. и этног. раб. хор. экспедиции 1945–1948 гг., стр. 44.

⁶ Беруний А. Танланган асрлар. Т. I. – Тошкент, 1968, 281-бет.

⁷ Неразик Е. Е. Об этнических процессах в раннесредневековом и средневековом Хорезме. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. – Ташкент, 1986, стр. 42.

⁸ Снесарев Г. П. Объяснительная записка к карте расселения узбеков на

Ўғуз туркларининг эрон тилли аҳоли билан чатишувининг кучайиши тилнинг туркийлашиш жараёнини ҳам тезлаштириди. Ўзини сарт номи билан атовчи субстрат аҳоли туркий тилли суперстрат билан бирлашиб, янги бир этник гурухни шакллантиради. Бу гуруҳ вакиллари ҳозирги ўғуз лаҗжасида гапиравчи ўзбек аҳолисининг энг қадимги авлодлари бўлиб, улар Хоразмнинг жанубий томонига жойлашганлар. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўгуз туркларини туркманлар билан аралаштирмаслик лозим. Чунки «Ўрта асрлар ўғузлари ва туркманлар жуда яқин бўлсалар ҳам, бироқ бутунлай ягона бир халқ бўлмаганлар»¹. Зотан, «Жанубий Хоразм ўзбеклари генетик жиҳатдан ўғузларнинг йирик бир қисмини ташкил қилиб, Хоразм тупроғида, Сирдарёнинг куйи оқимларида, Орол денгизи ва Амударё ёқаларида жуда қадимдан яшаб келганлар, асрлар давомида турли-туман этник гуруҳлар билан аралашганлар, шаҳар ҳаётини яратишда иштирок қилганлар. Туркманлар эса ўғузларнинг бошқа бир гуруҳини ташкил қилиб... тил томондан юқорида зикр этилган ўгузлардан анча фарқ қилганлар»². Шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, «Хоразм воҳасидаги ўзбек аҳолиси ўзининг этник келиб чиқиши жиҳатидан бир хил эмас. Улар шимолий ва жанубий ўзбекларга бўлинадилар»³. Воҳанинг шимолий қисмида қипчоқ гуруҳ шева вакиллари истиқомат қилишади. Бу аҳолининг қўнғирот, қиёт, қипчоқ, қангли, хитой, жалойир, ос каби уруғлари Хоразмда XI асрдан бери яшаб келади. Уларнинг уйғур, найман, дўрман, манғит, нукус, тома, масит, қулон, олчин сингари уруглари эса воҳага XVI аср бошлирида келиб ўрнашганлар⁴. Бу аҳолининг XI асрдан бери яшаб келаётган уруғлари турли даврларда Хоразмнинг ичкарисига кўчирилиб, субстрат аҳоли билан тўла ассиимиляциялашиб,

территории Хорезмской области конец XIX – нач. XX в. // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М. 1975. стр. 91.

¹ Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркман Средней Азии. IX–XIII вв., стр. 6.

² Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, стр. 245–246.

³ Сазонова М. В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма, стр. 8.

⁴ Снесарев Г. П. Объяснительная записка..., стр. 83–85.

ўғузлар таркибига кириб кетгандар¹. XVI асрда күчиб келган аҳолининг шимолий ҳудуддаги уруғлари эса ўзларининг тил хусусиятларини, уруғ номлари ва кўпгина урф-одатларини ҳозиргача саклаб келмоқалар. Шу сабабли бу уруғларга мансуб баҳшиларнинг достон куйлаш анъаналарида ҳам муайян ўзига хосликлар сақланиб қолган.

Шундай қилиб, Хоразмнинг туркийлашиш жараёни XI асрлардан бошлаб интенсив равишда ривожланиб борди. XVI асрдаги Даشت қипчок ўзбекларининг кириб келиши билан бу жараён якунланиб, форсий тил «XVI асрда Хоразмда деярли бутунлай саҳнадан тушиб қолади»².

Воҳадаги тарихий-этнографик жараён Шимолий Эрон, Жанубий Озарбайжон, умуман, Одд Осиё мамлакатлари билан шу даражада чамбарчас боғланганки, бу этнографик аралашувлар, ўзаро ижтимоий-иктисодий алоқалар, фольклор асарларида ўзининг ўчмас изларини ҳозиргача сақлаб қолмоқда.

Оролбўйи халқларининг Кавказдаги халқлар билан этногенетик алоқадорлигини қадимдан келаётган уруг ва топонимик номлар ҳам яққол кўрсатади. Масалан, баёт, овшар, чавулдор, саёт ва бошқа қатор уруғ номлари турк, озарбайжон, туркман, шунингдек, Одд Осиёда истиқомат қилувчи бошқа қатор халқларнинг этник таркибида учрайди³. Ўз навбатида бу уруғ номлари Хоразмда ҳам мавжуддир. Дарвоқе, «Баётлар, саётлар, қармишлар, таганлар, авшарлар, жувондирлар, жангатинлилар, пичоклилар, қоражинлилар, алилилар каби генетик жиҳатдан ўғуз қатламига алоқадор аҳоли гурухлари воҳадаги қадимги маҳаллий аҳолини туркийлаштиришда турли даврларда, турли даражада иштирок этган қадимги уруғларнинг авлодлари бўлиб туюлади бизга»⁴.

Бундан ташқари, биз тилга олаётган ҳудудларда ўзаро муштараклик касб этувчи кўпгина топонимлар ҳам учрайди. Маса-

¹ Неразик Е. Е. Об этнических процессах..., стр. 35.

² Толстов С. П., По следам древнехорезмийской цивилизации. – М-Л.: изд. АН., 1948, стр. 319.

³ Еремеев Д. Е. Этногенез турок. – М. 1971, стр. 84.

⁴ Снесарев Г. П. Объяснительная записка... стр. 92.

лан, Хоразмдаги Навхос топоними Осетияда энг кўп тарқалган¹. Шимолий Осетиядаги Моздок шаҳри билан алоқадор бўлган Маздакхон шаҳри ўрта асрларда гуллаб-яшнаган қалъа бўлган². Шунингдек, Хонқа туманидаги Мадир, Хива туманидаги Шайхи Машад қишлоқлари ҳам ҳозирги Афғонистондаги Машҳад ва Мадер шаҳарлари билан қадимий алоқадорликка эга эканлиги шубҳасизdir. Чунки, «маҳаллий ахборотчиларнинг айтишларича, мазкур қишлоқ аҳолиси качонлардир Мадер ва Машҳаддан келиб қолган кишиларнинг авлодидир»³. Л. С. Толстованинг ёзишича, Кавказортининг қатор туманларида матиен номидаги қабилалар яшаган⁴. Мазкур қабилалар ҳам этногенетик томондан Хоразм билан боғланиб кетади. Мунис ва Огаҳийлар «Фирдавс ул-иқбол» асарида Ҳазорасп яқинида Мўтиён қишлоғи борлиги ҳақида маълумот беришади⁵. Бинобарин, уруғлар, қабилалар, топонимик номлардаги муштаракликлар Олд Осиё халқлари билан Оролбўйи халқларининг энг қадимги генеологик алоқаларининг акс садоси бўлиб ҳисобланади. Бу алоқадорликнинг фольклор асарларида ўз ифодасини топиши эса табиийdir.

Хоразмда яшовчи халқларнинг қадимдан бошлаб Хурсон билан бўлган алоқаси алоҳида қизиқиш туғдиради. «Тарихан ягона тарихий-маданий вилоятни ташкил этган Хоразмни Хурсондан (Шуни ҳам айтиш керакки, иккала топонимнинг этимологияси ҳам қизиқиш туғдиради) ажратиш ўзини оқлай олмайди»⁶. Бу регион Эроннинг шимолий-шарқий томони, Марв воҳаси, ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисми ва Афғонистоннинг шимолий-ғарбини ўз ичига олиб, унда эронийлар, курдлар, озарбайжонлар, туркманлар ва бошқа қатор халқлар истиқомат қилишган. Шу нарсани дикқат марказида тутиш керакки, Хоразм достонларида Хурсон билан боғлиқ бўлган Нишопур, Балх, Сабзавор, Лут, Марв сингари топо-

¹ Дусимов З. Хоразм топонимлари. – Т.: 1985, 24-бет.

² Дусимов З. Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли лугати. – Т., 1977. 99-бет.

³ Снесарев Г.П. Хорезмские легенды... стр. 60.

⁴ Толстова Л.С. Указ. соч., стр. 52

⁵ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т.: 2. стр. 352.

⁶ Снесарев Г.П. Хорезмские легенды..., стр. 138.

нимлар тез-тез тилга олинади. Дархақыат, Хоразм достон-ларида қайд этилган топонимлар асосида ҳам улкан тарихий-иктисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар ётадики, бу борада муайян тасаввурларга эга бўлиш учун кейинги 300–400 йил ичидаги бўлиб ўтган айрим демографик жараёнларга қисқача назар ташлашнинг ўзи кифоядир.

Биз тилга олаётган муддат орасида Хоразмнинг жанубида яшовчи аҳоли билан туркман қабилаларининг аралашуви ва ўзаро чатишув жараёни нихоятда кучаяди. 1729 йилда йўмитларнинг катта бир гурухи Нодиршоҳ қўшинларидан қочиб, Каспий бўйларидан Хива томонга кўчиб келади¹. 1735 йилда уларнинг яна бир гурухи Гурген, Атрак ва Болкон томондан Хоразмга кўчирилади². Кейинчалик улар Хуросонга қайтиб кетиб, 1806 йилда яна Хоразмга қайтиб келишади. Оқсаной вилоятидаги туркманларнинг имрели қабиласи Янгиариққа кўчирилиб, қайтиб келган йўмитлар уларнинг ўрнига жойлаштирилади³. Оғаҳийнинг «Риёз уд-давла» асарида ёзилишича, Оллоқулихон 1830 йилда Хуросондан туркманларнинг алили, 1836 йилда кўклан қабилаларини кўчириб келиб, Кўхна Урганч ва Қилич Ниёзбой канали бўйларида жойлаштиради⁴. Яна шу муаллифнинг «Зубдат ут-таворих» асарида ёзилишича, 1841 йилда Раҳимқулихон 7600 оиласдан иборат жамшид қабиласини Кўхна Урганч ва Манғит ўртасига жойлаштиради. 1856 йилда жамшидлар яна Хуросонга қайтиб кетишиади⁵. Хоразм хонлари Хуросон билан боғлиқ юришларида факат туркман қабилаларинигина эмас, балки эроний қабилаларни ҳам кўчириб келтиришади. Жумладан, Оллоқулихон 1826 йилнинг апрель ойида Оқ Дарбанддан, шу йили декабрь ойида Имғондан кўлгина аҳолини кўчириб келиб, Хивага яқин жойдан уларга ер беради⁶. Натижада, Эрондан келтирилган кишилар сони тобора кўпайиб боради. Буни шу нарсадан ҳам билиш мумкинки, 1740 йилда Нодиршоҳ Хоразмни босиб олгач, Эрондан келтирилган

¹ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т.; 2, стр. 132.

² Ўша асар, 359-бет.

³ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т.; 2, стр. 370.

⁴ Ўша асар, 458, 470-бетлар.

⁵ Ўша асар, 481-бет.

⁶ Ўша асар, 434, 439-бетлар.

30000 кишини озод қилиб, Эронга олиб кетади. Бу аҳоли 40–50 йил бурун Хоразмга келтирилган эди¹. Бинобарин, Хоразм билан Хурросон ўртасидаги аҳолининг кўчиши масаласи узоқ тарихга эга ва икки томонлама характеристерга эга «бу жараён жуда ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, у Ўрта Осиёнинг айрим жойларида фақат Октябрь тўнтаришидан кейингина тўхтади»². Эрон тилли бу этник суперстрат абориген аҳоли оғзаки ижодиётга алоқадор жуда кўп маънавий меросни олиб келгандар ва бу мерос маҳаллий халқнинг оғзаки меросига самарали таъсир кўрсатганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Шу боисдан Жанубий Эрон ва Шимолий Озарбайжон билан боғлиқ бўлган Хоразмдаги эпик асарларнинг аксариятини мазкур этногенетик жараён билан узвий алоқада олиб текшириш лозим. Мана шу нарсадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Кавказ билан Хоразм ўртасидаги фольклор алоқалари бевосита ва билвосита характеристерга эга. Озарбайжон билан боғлиқ эпик сюжетларнинг айримлари Хоразмга тўғридан тўғри Озарбайжондан кўчиб ёки кўчириб келтирилган аҳолининг маҳаллий халқ билан бевосита аралашуви натижасида ёйилган бўлса, айримлар улар билан бевосита генетик ва коммуникатив алоқаларга эга бўлган туркман қабилалари вакиллари билан бирга кириб келгандилиги шубҳасизdir. Бундан ташқари, Хоразм воҳасидан кўплаб қабилаларнинг турли даврларда ғарбга томон кўчишлари масаласини ҳам назардан четга қолдирмаслик лозим.

Фольклор алоқалари масаласига қараганда шуни айтиш лозимки, этногенетик жараёнлар билан алоқадор ҳодисалар бир асос бўлса, Хоразмнинг Олд Осиё ва Кичик Осиё билан бўлган қадимий маданий-адабий алоқалари иккинчи асосни ташкил эта-ди. Чунки Оролбўйи халқларининг Хурросон ва Кавказ халқлари билан бўлган маданий-адабий алоқалари жуда қадимий тарихга эга. С. П. Толстовнинг Азовбўйи билан қадимий алоқалари мавжудлиги алан-массагет алоқаларида акс этганини тасдиқлайди³. Бу

¹ Ўша асар, 166-бет.

² Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана, М.: Наука, 1983, стр. 33.

³ Толстов С.П. Древний Хорезм, стр. 69.

алоқалар XII асрларга келиб, Хоразмшоҳ Текеш даврида жуда фаоллашади. «Жаҳон-Паҳлавон (1175–1186) Озарбайжоннинг отабеки бўлиши биланоқ у билан Текеш ўртасида дўстона муносабатлар тикланди»¹.

Маълумки, XIII асрларга келиб, Хоразмшоҳлар давлати кенг ҳудудни эгаллаб, маданий-иқтисодий томондан юксак даражада ривожланади, унинг чегараси жанубий-ғарбга қараб кескин кенгайди. «614 1217 йилга келиб Хоразмшоҳ нафақат форс Ироғини, балки Мозандарон, Арон, Озарбайжон, Ширвон, Форс, Кирмон, Макрон, Манғишилоқ, Балх, Сижистон, Гур, Ғазна, ва Бомиённи тўлиқ ўзига бўйсундириб, Ҳиндистон чегараларига қадар етиб боради»². Мана шу катта ҳудудни ишғол қилган, жуда кўп қабила ва ҳалқларни ўз ичига олган бу мамлакат ички томондан мустаҳкам бўлмаса-да, бир давлат ичида яшаган ҳалқлар орасидаги алоқа-аралашувнинг, адабий-маданий яқинлашувнинг кучайишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўша даврларда жуда кўп қўлёзма китоблар юзага келган, улар мамлакатнинг турли тарафларига олиб кетилган ва ўз навбатида, марказга бошқа жойлардан ҳам олиб келинган. Бинобарин, бу даврда адабий алоқаларнинг ривожланишига кенг имконият юзага келди. Анъанага биноан хоразмшоҳ саройида мамлакатнинг турли бурчакларидан олиб келинган олимлар, шоирлар, санъаткорлар яшаган. Улар орасида Озарбайжон ва Ҳурросон томондан келтирилган бахшиларнинг бўлганлиги ҳам шубҳасиздир. Негаки саройда бахши сақлаш анъанаси Ҳива хонлиги барҳам топгунча давом этганлиги бизга маълум³. Дарҳақиқат, Хоразмда тарқалган «ошиб» туркуми достонларининг дастлабки илдизларини ўша даврлардан излаш ҳақиқатга анча яқин келади. Биринчидан, уларнинг сюжет йўналиши энг қадимги, ҳатто Гомернинг «Одиссея»си билан ҳамоҳанг келувчи мотивлар билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу достонлар тилида форсий лексик қатлам сезиларли даражада сақланиб қолган. Чамаси, бу типдаги достонлар воҳада форсий

¹ Бунятов З. М. Государство хорезмшахов-ануштегинидов, стр. 69.

² Ўша асар, 82-бет.

³ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос, стр. 32.

ва туркий тилларнинг тенг мавқега эга бўлган икки тиллилик жарайёнини тўла бошдан кечирган.

Хоразмда сакланиб қолган рақс санъати билан боғлик айрим номлар ҳам ўша давр тили билан узвий боғлиқдир. Масалан, «Лайлара бурдам» рақси номини профессор О. Мадраҳимов «Лайлиро буридам – мен Лайлини ютдим» тарзida шарҳлайди.¹ «оға дором» рақсининг номи ҳам «дорад» – «эга бўлмоқ» феъли билан алоқадор бўлиб, «оғам меники» маъносини беради. Кўринадики, ҳар иккала ном ҳам форсий тилга бориб тақалади. Бундай мисоллар анчадир. Н. В. Муравьев ва А. Вамбериларнинг ёзишларича, Кавказ билан Хоразм ўртасидаги алоқа XIX асрда ҳам фаол давом этган. Кўплаб кишилар савдо баҳонасида Астробод, Гилон, Астрахан каби шаҳарларга бориб, шу ерларда ўтроклашиб қолган ва айримлари кейинчалик қайтиб келган².

Бинобарин, Хоразм воҳасининг сиёсий-иктисодий ва маданий-адабий ҳаёти қадимдан бошлаб, фарбий ўғуз қабилалари, хусусан, туркман ва озарбайжон ҳалқлари билан боғлик ҳолда ривожланиб келган. Бу ҳолат воҳанинг географик жиҳатдан жойлашиши билан ҳам боғлиқдир. Воҳада ҳозирда яшаб келаётган эпоснинг айрим мотивлари узоқ асрларга бориб тақалади. Баъзи достонларда эрон тилли субстрат аҳоли билан алоқадор мотивлар ва урф-одатлар тез-тез кўзга ташланади. «Хирмон дали» достонига асос бўлган қизнинг йигит билан курашиб, енгилгач, турмушга чиқиши³ мотиви, «Аваз олиб қочган» достонидаги оташпарастлик билан боғлик айрим ирим-сиirimлар бунга мисол бўла олади. Бундай бўлиши табиий ҳамdir. Чунки эпос «айрим архаик эртак мотивлари ва ҳаттоқи мифик моделларни истифода этиш билангина чегараланмайди»⁴. Достонлардаги бунга ўхшаш мотивлар, урф-одатлар ва қатор анимистик тушунчалар билан алоқадор эпизодларни профессор Х. Г. Корогли эрони эпоси билан bogлаб, улар Ўрта Осиё ҳалқ-

¹ Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Т., 1973. 527-бет.

² Муравьев Н. Кўрсатилган асар, стр. 170.

³ Бу мотивни С. П. Толстов сак-массагет қабилалари билан боғлайди. Қаранг: Древний Хорезм. стр. 326.

⁴ Короглы Х. Г. Взаимосвязи эпоса ..., стр. 46.

лари эпоси учун генеологик хусусият эканини таъкидлайди.¹ Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, «Гўрўғли» туркуми достонларининг Хоразмга кириб келиши форсий тилинин тўла барҳам топганидан сўнгти даврларга, аниқроги, XVII–XVIII асрларга тўғри келади.

Х–XI асрларга келиб Хоразмдаги маҳаллий аҳолининг туркий ўғуз қабилалари, айни пайтда қипчок, қўнғирот ва қист каби бошқа кўчманчи туркий қабилалар билан фаол чатишувига киришиши субстрат аҳолининг туркийлашиши жараёнини тезлаштирди. Хоразмшоҳлар даврига келиб, Хуросон ва Озарбайжон билан бўлган маданий алоқалар янада кучаяди ва адабий алоқаларнинг ривожи учун қулай вазият юзага келади. Демак, эпос алоқаларининг бошланишини ҳам ўша даврлардан излаш лозим. Олтин Ўрда хонлиги ва ундан кейинги даврларда воҳага туркман қабилаларининг кўплаб кўчиб келиши, улардан айримларининг Жанубий Хоразмдаги (айниқса, Янгиарик худудидаги) субстрат аҳоли таркибига сингишиб кетишилари суперстрат аҳоли билан субстрат аҳолига тегишли фольклор асарларининг ўзаро синтезлашувига олиб келган. Хуросон ва Шимолий Эрондан кўчиб келган туркман қабилалари ўзларининг маҳаллий фольклори билан биргаликда Эрон, Озарбайжон фольклоридан ўзлаштирилган айрим асарларни ҳам воҳашни олиб кирдилар. Мазкур қабиланинг воҳанинг ичкари қисмига жойлашган бўлаги, юкорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий аҳоли билан чатишиб, бирикиб кетган бўлса, воҳанинг гарбий қисмида алоҳида макон тутган туркман қабилаларининг ҳозиргача ўзбеклар билан ёнма-ён яшаси, тарихий-этнографик жараёндаги турли аралашувлар, адабий алоқалар, таъсири ва акс таъсиrlар Хоразмда яшовчи ўзбекларнинг маданий ҳаётси саҳифаларида сезиларли даражада из қолдирган. Хоразмда тарқалган эпик асарларнинг Ўзбекистоннинг бошқа жойларидан оммалашган достонларга ўхшамай, кўпроқ туркман ва озарбайжон достонларига ҳамоҳанг келишининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда.

¹ Мелетинский Е. М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. М., 1986. стр. 112.

ва туркий тилларнинг тенг мавқега эга бўлган икки тиллилик жараёнини тўла бошдан кечирган.

Хоразмда сакланиб қолган рақс санъати билан боғлиқ айрим номлар ҳам ўша давр тили билан узвий боғлиқдир. Масалан, «Лайлара бурдам» рақси номини профессор О. Мадраҳимов «Лайлиро буридам – мен Лайлини ютдим» тарзида шарҳлайди.¹ «оға дором» рақсининг номи ҳам «дорад» – «эга бўлмоқ» феъли билан алоқадор бўлиб, «оғам меники» маъносини беради. Кўринадики, ҳар иккала ном ҳам форсий тилга бориб тақалади. Бундай мисоллар анчадир. Н. В. Муравьев ва А. Вамбериларнинг ёзишларича, Кавказ билан Хоразм ўртасидаги алоқа XIX асрда ҳам фаол давом этган. Кўплаб кишилар савдо баҳонасида Астробод, Гилон, Астрахан каби шаҳарларга бориб, шу ерларда ўтроқлашиб қолган ва айримлари кейинчалик қайтиб келган².

Бинобарин, Хоразм воҳасининг сиёсий-иқтисодий ва маданий-адабий ҳаёти қадимдан бошлаб, ғарбий ўғуз қабилалари, хусусан, туркман ва озарбайжон халқлари билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Бу ҳолат воҳасининг географик жиҳатдан жойлашиши билан ҳам bogлиқdir. Воҳада ҳозирда яшаб келаётган эпоснинг айрим мотивлари узоқ асрларга бориб тақалади. Баъзи достонларда эрон тилли субстрат аҳоли билан алоқадор мотивлар ва урф-одатлар тез-тез кўзга ташланади. «Хирмон дали» достонига асос бўлган қизнинг йигит билан курашиб, енгилгач, турмушга чиқиши³ мотиви, «Аваз олиб қочган» достонидаги оташпараматлик билан боғлиқ айрим ирим-сиримлар бунга мисол бўла олади. Бундай бўлиши табиий ҳамдир. Чунки эпос «айрим архаик эртак мотивлари ва ҳаттоқи мифик моделларни истифода этиш билангина чегараланмайди»⁴. Достонлардаги бунга ўхшаш мотивлар, урф-одатлар ва қатор анимистик тушунчалар билан алоқадор эпизодларни профессор Х. Г. Корогли эрон эпоси билан боғлаб, улар Ўрта Осиё халқ-

¹ Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Т., 1973. 527-бет.

² Муравьев Н. Кўрсатилган асар, стр. 170.

³ Бу мотивни С. П. Толстов сак-массагет қабилалари билан боғлайди. Каранг: Древний Хорезм. стр. 326.

⁴ Короглы Х. Г. Взаимосвязи эпоса ..., стр. 46.

лари эпоси учун генеологик хусусият эканини таъкидлайди.¹ Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, «Гўрўғли» туркуми достонларининг Хоразмга кириб келиши форсий тилнинг тўла барҳам топганидан сўнгги даврларга, аникрофи, XVII–XVIII асрларга тўғри келади.

X–XI асрларга келиб Хоразмдаги маҳаллий аҳолининг туркий ўғуз қабилалари, айни пайтда қипчоқ, қўнғирот ва қиёт каби бошқа кўчманчи туркий қабилалар билан фаол чатишувига киришиши субстрат аҳолининг туркийлашиш жараёнини тезлаштириди. Хоразмшоҳлар даврига келиб, Хуросон ва Озарбайжон билан бўлган маданий алоқалар янада кучаяди ва адабий алоқаларининг ривожи учун қулай вазият юзага келади. Демак, эпос алоқаларининг бошланишини ҳам ўша даврлардан излам лозим. Олтин Ўрда хонлиги ва ундан кейинги даврларда воҳага туркман қабилаларининг кўплаб кўчиб келиши, улардан айримларининг Жанубий Хоразмдаги (айниқса, Янгиариқ худудидаги) субстрат аҳоли таркибига сингишиб кетишлиари суперстрат аҳоли билан субстрат аҳолига тегишли фольклор асарларининг ўзаро синтезлашувига олиб келган. Хуросон ва Шимолий Эрондан кўчиб келган туркман қабилалари ўзларининг маҳаллий фольклори билан биргалиқда Эрон, Озарбайжон фольклоридан ўзлаштирилган айрим асарларни ҳам воҳага олиб кирдилар. Мазкур қабиланинг воҳанинг ичкари қисмига жойлашган бўллаги, юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий аҳоли билан чатишиб, бирикиб кетган бўлса, воҳанинг ғарбий қисмида алоҳида макон тутган туркман қабилаларининг ҳозиргача ўзбеклар билан ёнма-ён яشاши, тарихий-этнографик жараёндаги турли аралашувлар, адабий алоқалар, таъсир ва акс таъсиrlар Хоразмда яшовчи ўзбекларнинг маданий ҳаёти сахифаларида сезиларли даражада из колдирган. Хоразмда тарқалган эпик асарларнинг Ўзбекистоннинг бошқа жойларида оммалашган достонларга ўхшамай, кўпроқ туркман ва озарбайжон достонларига ҳамоҳанг келишининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда.

¹ Мелетинский Е. М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М., 1986. стр. 112.

Албатта, Хоразмда тарқалган достонларнинг барчасини ҳам озарбайжон ва туркман фольклорига алоқадор деб қараш тұғри әмас. Алоқадорлари ҳам ўзбек бахшиларининг каттагина ижодий қайта ишлашлари орқали оммалашған. Шу билан биргә Хоразмнинг ўзида ҳам күплаб эпик асарлар юзага келган ва уларнинг энг яхшилари, ўз навбатида, бошқа халқлар фольклори хазинасидан мустаҳкам үрин әгаллаган. Жумладан, «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам», «Асил ва Карам» каби достонлар озарбайжон, «Гүрүғли» туркумига оид аксарият достонлар эса туркман версияларига жуда яқин. Аммо «Юсуф ва Аҳмад», «Мискин ва Гулқанд», «Ошиқ Ғарип ва Ҳилола пари», «Маликаи Завриё» каби достонларни Хоразмнинг ўзида яратылған деб айтишга етарли далилларни келтириш мүмкін. Бириңчидан, ушбу достонларнинг экспозицияси Хоразм билан узвий боғлиқ, воқеалар воҳа худуди доирасида харакатта киради. Иккинчидан, бу достонлар бошқа халқлар орасида кенг оммалашмаган. Учинчидан, улар, асосан, ёзма равишда тарқалған бўлиб, кўлёзмалар ҳам хоразмлик котибларга тегишлидир.

Бундан ташқари, Хоразм достонлари ҳақида сўз кетганда мумтоз ёзма эпоснинг, хусусан, «Ўғузнома» ва «Китоби дада Қўркут» каби ёзма эпоснинг таъсирини ҳам алоҳида таъкидлашга тұғри келади. Негаки воҳада тарқалған күплаб достонларнинг («Гүрүғли», «Юсуф ва Аҳмад», «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам») асоси ўша манбалардаги мотив ва сюжетларга ҳамоҳанг келади.

*Охунжон
САФАРОВ
(1940–2014)*



Охунжон Сафаров 1940 йил 18 февралда Бухоро вилояти Шоғир-кон тумани Додбогни қишилогида туғилган. Бухоро давлат педагогика институти тарих-филология факультетида ўқиган (1956–61). Жондор туманидаги мактабда (1961–62); Бухоро давлат педагогика институти «Педагогика ва психология» кафедрасида (1962–66), «Ўзбек адабиёти» кафедрасида ўқитувчи (1967–72); катта ўқитувчи, доцент, декан, кафедра мудири лавозимларида хизмат қилган (1972–2014). «Шукур Саъдулла – болалар адаби» мавзусида номзодлик (1971), «Ўзбек болалар поэтик фольклорининг жсанрий таркиби ва бадиияти» мавзусида докторлик (1986) диссертацияларини ҳимоя қилган. Профессор унвони берилган (1989). «Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари» (1983), «Ўзбек болалар поэтик фольклори» (1985), «Алла-ё алла. Ўзбек халқ аллалари» (1999), «Тўй муборак, ёр-ёр. Ўзбек халқ никоҳ тўйи маросими қўшиқлари» (2000), «Бўзлардан учган газал-ай: ўзбек халқ ийигилари ва йўқловлари» (2004), «Бухорча» ва «Мавриги» тароналари: халқ ашула – рақс туркуми» (2005), «O'zbek bolalar adabiyoti va folklori. 1-kitob» (2007, ҳамк.), «O'zbekiston xalqlari etnografiyasi va folklori. Madaniyat va san'at kasb-hunar kollejlari uchun darslik» (2007, ҳамк.), «O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi» (2008, ҳамк.), «Фольклор – бебаҳо хазина: сайдланма» (2010), «O'zbek xalq og'zaki ijodi. Universitetlar va pedagogika institutlarining filologiya fakulteti bakalavr-lari uchun darslik» (2010), «Tez aytishlar» (2010), «Chittigul. O'zbek bolalar o'yin folklori» (2010) каби илмий асарлар муаллифи. 2014 йили Бухоро шаҳрида вафот этган.

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Болалар фольклори халқ оғзаки поэтик ижодининг таркибий қисми сифатида инсоният бадиий тафаккурининг ilk тонгларидаёқ шакллана бошлади. Бунинг учун ҳам ижтимоий, ҳам маънавий асослар мавжуд эди. Чунки болалар ҳам ўз отоналари каторида туриб, ижтимоий-маиший хаётда, хусусан, ишлаб чиқаришнинг талай жабҳаларида ўз имкониятлари ва иқтидорлари доирасида қадим замонлардан бери қатнашиб кела-дилар. Катталар иморат курса, улар ғишт, лой етказиб турганлар, катталар хирмон янчса, улар хўп ҳайдалганлар. Хуллас, катталар уюштирган турли-туман маросимларда қатнашганлар, улар қўшиқ куйласа, жўр бўлганлар, биргаликда рақсга тушганлар. Бундай аралашув болаларнинг ҳаёт воқеаларига ўз муносабатларини ифодалаш йўсинини ҳам ола бошлаган. Бу жараён болалар учун goҳ ўйин тарзида кечса, goҳ мажбурий меҳнат шаклида кечган: ўйин тарзида кечганида болалар эҳтиросларга тўлиб-тошиб, ўз завқларини жўшқин ва самимий оҳангларда куйлаганлар; мажбурий меҳнат тарзида кечганида эса, оғир меҳнат туфайли ҳоргин ва аламли туйғуларини ғамгин шаклда ифода этганлар. Ўзбек болалар фольклори ана шу тариқа юзага кела бошлаган. У узоқ асрлар давомида хилма-хил шаклдаги асарлар ҳисобига бойиб борган. Бунга болалар билан бирга катталар ҳам баб-бравар хисса қўшганлар. Катталар бутун бир системадан иборат болаларни эркалаш поэзиясини яратганлар; болаларга мўлжаллаб ажойиб-ғаройиб эртаклар тўқиганлар; болалар зеҳнини чархловчи топишмоқлар, нутқини ривожлантирувчи тез айтишлар ижод қилганлар. Шундай жараёнда катталар болаларни тарбиялаш мақсадларини амалга ошириб пировард-оқибатда ўзбек халқ педагогикасининг асосларини ҳам яратганлар.

Болалар оғзаки ижодига мансуб хилма-хил ўйинлар ва ранг-баранг жанрдаги қўшиқларда болаликнинг қалб тебранишлари, қизиқиши ва эҳтирослари, воқеликка муносабатидаги ўзига хосликлари, психологияси балқиб туради. Болалар шулар биланги-на чекланмаганлар. Улар ижтимоий-тарихий тараққиёт тақозоси билан катталар репертуарига дахлдор айрим жанрдаги асарлар-

ни ўзлаштириб «ўзлариники» қилиб борганлар. Бугунги кунда топишмоқлар, тез айтишлар ва қўғирчоқ театрининг том маънода болаларники бўлиб қолгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Ўйинлар, қўшиклар, оғзаки наср, мукаллид ёки оғзаки театр тарзида тармоқланган ва ўзаро чамбарчас боғланиб, яхлит бир система-га айланган ўзбек болалар фольклори шу тариқа шаклланган. Бу яхлит системани ташкил этган асарлар хилма-хил жанрлардан иборат бўлиб, уларни уч гурухга бўлиш мумкин.

I. Катталар ҳамиша ўз фарзандларини ўйлаб яшаганлар, меҳнат ва ижод билан шуғулланганлар. Бу жараён уларда болава унинг тақдири тўғрисида қайғуриш мажбуриятининг тобора чукурлашуви тарзида кечиб, талай қўшиқларнинг тўқилишига сабаб бўлган. Айникса, чақалоқни парвариш этиш масъулияти беҳад катта бўлган. Оналар ана шу мураккаб масъулиятни зиммаларига олганлар, ўтқир заковат, тадбиркорлик, беқиёс инсоний меҳрибонлик эвазига ўзлари гоҳо тушуниб, гоҳо тушунмай, «болаларни тарбиялаб, ўстириш билан мамлакатнинг келажак тарихини ва демак, дунё тарихини ҳам тарбиялаб етиштирган»¹лар. Бу йўлда қўшиқ уларга мададкор бўлган: болаларини қўшиқ билан ухлатганлар, йиғласа куйлаб овутганлар, эркалатганлар, ҳатто қўшиқ билан чақалоққа даҳлдор маросим, расм-руслари-ни бажарганлар. Шу зайлда аллалар, овутмачоқлар, эркаламалар, қизиқмачоқлар юзага келган.

Шуни ҳам айтиш зарурки, аллалар, овутмачоқлар, эркаламалар, қизиқмачоқларнинг ижод этилишида барча катталар – оталар, бувилар, боболар,ammaю холалар қатнашган бўлсалар-да, барибир, оналар етакчи мавқеда турганлар. Қолаверса, ўша аммаю холалар, бувилар ҳам, аввало, она эдилар. Шу сабабли халқ оғзаки поэзиясининг ана шу намуналарини оналик фольклори тарзида умумлаштириш ва характерлаш асослидир.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, оналик фольклори кенг маънодаги тушунча бўлиб, ўз қамровига фақат поэтик асарларниги-на эмас, балки эртак, латифа, реприза сингари оғзаки наср намуналарини ҳам олади. Оналик фольклорига мансуб алла, эркалама, овутмачоқ, қизиқмачоқ каби поэтик намуналарда эса, эркалаш

¹ Макаренко А. С. Ота-оналар китоби. 1-китоб. – Тошкент. 1954. 5-бет.

мотиви етакчидир. Шу мантиққа асосланиб, оналик фольклоридаги поэтик асарлар силсиласини прозаик асарлар гурухидан равшанроқ ажратиш ниятида оналарнинг эркаловчи поэзияси деб аташ маъқулроқ туюлди. Зотан, болалар фольклоршунослигига ҳам бу гуруҳ шундай номланган.

Ўз навбатида эркалаш поэзиясига мансуб намуналар ижро мақсади, ўрни ва бола ёши, савиясига кўра икки гурухга ажralади. Биринчи гурухга мансуб қўшиқлар боланинг бешикдаги даври билан чамбарчас боғлиқ. Шу важдан уларни бешик қўшиқлари дейишади. Аллалар ва талай этнографик мазмундаги поэтик парчалар – айтим-олқишилар ана шундай характерга эга. Бешик қўшиқлари бола уч ёшга тўлгунигача айтилади. Иккинчи гурухга мансуб қўшиқлар бола туғилганидан то 10–11 ёшга тўлгунигача ижро этилса-да, аслида, бешик билан боғланмаган оналик меҳри тароватидан юзага келган бадиҳалардир. Булар суйини қўшиқлари бўлиб, эркаламалар, овутмачоқлар, қизиқмачоқлардан таркиб топган. Шу маънода эркалаш поэзияси халқ педагогик даҳосининг ифодаси бўлиб, кейинчалик болалар учун маҳсус адабиётни юзага келтирищда муҳим манбага айланган.

II. Тагин шундай қўшиқлар силсиласи ҳам борки, уларни катталар қачонлардир у ёки бу муносабат билан тўқиганлар. Булар маросим ва мавсум тароналари бўлиб, давр ўтгани сайин янгича социал ўзгаришлар тақозосига кўра, ижтимоий-эстетик моҳияти ва мавқеи ўзгариб турган, аникроғи, ижтимоий-маънавий эҳтиёжга кўра катталар репертуаридан болалар репертуарига ўтган («Бойчечак», «Читтигул», «Ё рамазон» кабилар). Натижада болалар фольклорида мавсум ва маросим қўшиқларига асос солинган. Шу билан бирга, катталар сафида маросимларга қатнашган болаларнинг ўзлари ҳам талай тақлидий қўшиқлар ижод этгандар, болаликнинг ўзига хос мавсумий анъаналарини яратганлар ва шу мавсумлар моҳиятига муносаб бадиҳалар, ялинчоқлар, ҳукмллагичлар тўқиганлар. Шу тариқа катталар раҳнамолигига, аникроғи, улар билан бевосита ҳамкорликда болаларнинг ўз мавсум ва маросим тароналари юзага келган. Буларда халқ этнографиясининг тарихий илдизлари сақлаб қолинган ва шулар

таъсирида болаларнинг катталарнидан фарқ қиласидан этнографияси ва календари юзага келган.

III. Улгайиш эҳтирослари, ўйинлар, катталар билан муносабатлар, ҳаётда ўз мавжудлигини англай бориш шавқу завқлари мурғак қалблардаги тебранишларни ранг-баранг оҳангларда товлантириб, болаларнинг ўзларини ҳам қўшиқчига айлантириб қўйган. Шу йўсинда болалар ҳам ижод эта бошлаганлар ва айтиш мумкинки, улар яратган қўшиқлар ўзбек болалар фольклорининг хилма-хил жанрларга бой энг катта таркибий қисмини ташкил этади. Бинобарин, уларга болалик қўшиқчилари сифатида қарашиб табиийдир.

Болалик қўшиқлари ижро ўрни, ижтимоий-эстетик моҳияти жиҳатидан хилма-хил бўлиб, уларни тўрт группага ажратиб ўрганиш максаддага мувофиқдир.

1. Ўйин компонентлари билан боғлиқ қўшиқлар. Маълумки, болалар ўйинларининг асосини харакат ташкил этади ва улар харакатли ўйинлар деб юритилади. Бироқ, болалар ижрочилигида шундай қўшиқлар ҳам борки, улар харакатдан иборат ана шу ўйинларнинг қайсиdir қисми мазмундорлигини тўлдиришга хизмат қиласиди: ё ўйинга чорлайди, ё ўйинга зачин бўлади, ё ўйин учун шарт вазифасини ўтайди – бундай вазиятда ўйинга муқаддималик функциясини бажаради; ё ўйиндаги харакатнинг йўналишини белгилаб, драматик ҳолатини юзага келтиради; ё ўйинга якун ясаб, иштирокчиларни тарқалишга даъват этади. Бу типдаги қўшиқлар ўйин таркибидаги муҳим компонент хисобланади. Чунки уларда бутун ўйин жараёни зухур топмайди. Чорламалар, чеклашмоқлар, гулдур-гуплар, санамалар, ўйин-қўшиқлар ва тарқалиш қўшиқлари ана шундай характерга эга.

Сўз-ўйинлар. Болалар сўз билан ўйнаб, маънавий камолот пиллапояларидан илдамлайди. Бола ўз камолотининг илк босқичида сўз маъносини англашдан йироқ туради. Бироқ сўзниң сехри оламига у билан ўйнаб туриб кира боради. Оналар аллаларининг назокатли оҳангидан оҳангларидан хузурлана бошлайди. Энг муҳими, шундай хузурланиш завқини ўзи учун ўзи кашф этишга интилиб, аста-секин сўзлар ҳосиласидан туғилгаи ритмларнинг

ҳаракатга ёки фикрға омухта тароватидан маъно уқишига майли кучая боради. Катталар болалардаги бу маънавий эхтиёжни қондиришни күзлаб, қачонлардир топишмоқ, тез айтиш сингари сўз ўйинларини ўйлаб топганлар. Болаларга булар гоят мақбул тушган ва уларни чинакамига ўзлаштириб, ҳатто «ўзлариники» қилиб олганлар. Айни чокда ўзлари бир-бирларини сўзда чандишини чинакам маънавий ўйин даражасига кўтарганлар, шунингдек, хилма-хил яширин тил шаклларини ўйлаб топганлар.

Қўшиқлар. Оналар алласидан ритмик уқуви шакллана бошланган кичкитойларда 2–5 ёшларида ёқ ўз хатти-ҳаракатлари, ўйинларини ритмик жиҳатдан баҳолаш майли туғилади. Бу шунчаки баҳолаш бўлмай, уларнинг ўша хатти-ҳаракатлари, ўйинларидаги ҳаётий мазмунни ритмга солищдан иборат кўтаринкилик ҳисобланади. Шу сабабли улар шовқин солиб айтилади ва аксар ҳолатларда икки мисрадан ошмайди. Товушлар шовқинининг ритмик гармонияси ҳосиласи бўлган бундай қиқилламалар болалар фаолиятида илк поэтик ижод акти ҳисобланиши билан кимматлидир.

Турли ўшдаги болаларнинг воқеликка поэтик муносабатлари чуқурлашгани сайин қўшиқлар ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан теранлашиб, такомиллашиб боради. Шу зайлда учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва саккизлик шаклидаги намуналари юзага келган. Айниқса, тўртлик шакли болалар репертуарида кенг тарқалган.

Композицион жиҳатдан диалог асосида қурилган қўшиқлар ҳам бир талай. Одатда, бундай қўшиқлар айтишувлар (айтишмалар) ҳам дейилган.

Ҳажман анчайин катта қўшиқлар ҳам бор: рус фольклоршунослигига улар катта қўшиқ номи остида ажратиб таъкидланган. Хуллас, қўшиқлар қандай ҳажмда ва шаклда бўлмасин, асосан, болалар ёши ва савияси даражасида ижтимоий воқеликка поэтик муносабатларининг ифодаси сифатида яратилган.

4. Болалар ҳам ҳазил-мутойибага алоҳида рагбат билан қарашади. Бир-бирларида табиий ёки маънавий камчиликларни пайқашган заҳотиёқ тап тортмасдан, аяшмай, аввалига номга қофиядош лақаб топиб, кейинроқ – жараён чуқурлашгани

сари шу лақабнинг оҳангдошлигига омухта ритмга уйғунлашган ҳазилни чукурлаштириб мазах килишади, тегишишади; ҳатто ота-оналаридаги ножӯя ҳатти-ҳаракатларни ҳам боплаб юзларига солишади.

Болалар, ақл-идреклари тўлиша ва теранлаша боргани сайин, социал вокеликка ҳам активроқ муносабатда бўлишга ҳаракат қиласидилар. Шу актив муносабат жараёнида ўзлари пайқаган ижтимоий иллатларни масхаралаш даражасида журъат сеза бошлайдилар. Ана шундай ассоциация замирида уларнинг фольклор бисотида сатирик ва юмористик қўшиқлар силсиласи юзага келган.

Шуниси ажабланарлики, болалар оғзаки поэтик сатираси ва юмори намуналарини эътироф этиш ва характерлашда фольклоршунослар орасида турли хил қарашлар мавжуд. Айрим фольклористлар болалар табиатида факат юморни хос деб билади, сатирани ҳали улар поэтик ижоди кўтармайди, чунки улар ҳали социал иллатларни англашга қодир эмаслар, деб ҳисоблашади. Шу сабабли болалар сатираси атамасини қўллашдан ҳадиксирашади. Аммо фактлар ва илмий кузатишлар болалар оғзаки сатирик поэзияси мавжудлигини, унинг болалар оғзаки юмористик поэзияси билан ёндош ва жондош бўлиб яшаётганлигини тасдиқлайди. Ўзбек болалар оғзаки поэзиясида қоғиядош лақаблар ва тенгишмачоқлар қаторида сатирик ўти ярқираб турган масхараламаларнинг ҳам анчагина эканлиги бу-нинг ёрқин шаҳодатидир.

Шундай қилиб, ўзбек болалар фольклори халқ ижодининг таркибий қисми сифатида қадимги замонларда юзага келган ва асрлар давомида янги-янги бўёклар ва шаклларда ривожланишда давом этган ҳамда бойиб бораётган яхлит бир системадирки, бунда жанрлар ранг-баранглиги, асарлар хилма-хиллиги муҳим ўрин тутади. Ана шу ранг-баранглик ва хилма-хилликнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш, уларнинг муайян ижтимоий-маиший турмуш шароитлари билан шартланганлиги моҳиятини очиш, бадиий-эстетик, ижтимоий-гоявий функцияларини белгилаш ўзбек фольклоршунослиги олдидаги муҳим вазифалардан бўлмоғи керак.

Барча халқларнинг сўз санъати ўша халқларнинг фольклоридан бошланади. Бу таъриф улуг рус адиби Максим Горькийга мансуб. Шундан келиб чиқиб, инсон тақдира ида фольклор аллалардан, бешик поэзиясидан бошланади, дейишимииз мумкин. Оналарнинг бешик ёнидаги сўзлари нечоғлик оҳангдор, ёқимли, мулойим, оромбахш бўлса, ундан баҳраманд бўлган боланинг қалби ҳам шунчалик юмшариб, мусиқага, поэтик сўзга, майин куйга, ширин муомалага мойил бўлиб ўсади. Куй ва бадиий сўз гўдакнинг камолатига, соғлом ва нормал болалар бўлиб ўсишига бевосита ёрдам беради.

Болани йўргаклаш, бешикка солиш, ухлатиш, уйғонган болани йўргақдан ечиб олиш, у билан қилинадиган муомала, машғулотлар айрим поэтик жумлалар, кўйлар билан безалган бўладилар. Бундай поэтик иборалар, баъзан бутун бошлиқ шеърий тўқималар боланинг улғайиши, тарбияси билан, айрим бир маросимлар билан боғланган ва шу муносабат билан айтилган бўладилар. Буларнинг ҳаммаси ҳам тўла маънодаги бешик қўшиқлари бўлмайдилар. Уларнинг кўпчилиги шу халқнинг турили одатлари, расм-русумлари билан боғланган бўладилар. Бешик қўшиқлари эса, оналар томонидан бола ёнида, болани овутиш, ухлатиш жараёнида айтиладиган лирик характердаги қўшиқлар бўлиб, уни ўзбекларда кўпинча алла қўшиқлари дейилади. Аллалар онадан қизига, қизидан унинг қизига ўтиб, сараланиб, сайқал топиб, аста-секин турғун қўшиқларга айланиб борадилар, халқ оғзаки поэзиясида ўзига хос туркум ҳосил килиб, алоҳида ўрганиш обьекти бўлиб қолдилар. Ўзбек халқининг узок аждодлари бешик қўшиқларини билганлар. Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» китобида алланинг аҳамиятига тўхтаби шундай ёзади: «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири – болани секин-секин тебратиш, иккинчиси – уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш микдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади»¹.

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-китоб. Тошкент. 1959. 293-бет.

Узоқ замонлардан бери болага алла айтишни ўзига касб қилиб олган бола овутишнинг усталари, ажойиб алла айтувчилар ҳам бўлишган. Болаларга алла айтувчилар, асосан, меҳнаткаш оила вакиллари бўлган. Улар оиланинг янги аъзоларини тарбиялаган, жамиятнинг ёш авлодини улгайтирган. Айни вақтда, бир ҳовуч бойлар, сарой аҳллари болаларига тарбиялаш учун энагалар, бола бокувчилар, оқсоchlар ҳам саклашган. Улар мулкдорларнинг болаларини йўргаклаган, бешигини тебратган, улар ҳақида мадҳ-санодан иборат аллалар айтган. Аммо бундай мақтовлар юракнинг чукур жойларидан чиқмагани учун ҳам самимияти кам бўлган, кенг тарқала олмаган. Бешик қўшикларини оналар бола бешикдалик даврида – туғилганидан то уч ёшга тўлгунча айтишади.

Бешик қўшикларининг катта социал аҳамияти бор. Бунга сабаб бешик қўшикларининг жуда узоқ замонлардан бўён тарихга йўлдош бўлиб, барча тарихий даврларда, турли-туман тарихий воқеаларни ўзида акс эттириб келаётганидир. Жамиятнинг кўпчилигини ташкил этган, унинг етакчи кучларидан бири хисобланган оналарни ҳаётий тажрибага жуда бой дейиш керак. Негаки улар шахсида жамиятнинг турли табакалари тўқнашиб турди, улар хотирасида шу табакаларнинг муносабатлари тикланади, моддий, майший муносабатлар уларнинг аллаларида ўз ифодасини топади.

Бешик қўшикларида оналарнинг ҳамма орзу умидлари баён этилган бўлади. Оналар ўзгаларга айттолмаган сирларини, «дардларини» ўз чақалогига, боласига айтадилар, юрак дафтарини фарзандига очадилар. Бундан мурод – дард ёзилади, кўнгил зардоби кетади. Оналар алла қўшиклари орқали ҳамма яхши ниятларини баён қиласидилар. Аллалар ўз даврининг лирик кўзгуларидирлар. Бешик қўшикларининг ёқимли оҳанглари ичida давр муҳити, кишилар тирикчилиги, сиёсий-иқтисодий ҳаёт, яшаш шароитлари, кишилар орасидаги муносабатлар, ҳамма хилдаги қарама-қаршиликлар оддий бўёқларда катта маҳорат билан ўз тасвирини топган бўладилар. Аллаларни тинглаб туриб, ўнларча китобларда ёзилган, ҳатто ёзилишга улгурмаган фактларни билиб олиш, уларни жонли хис қилиш,

улар ҳақида чукур ва реалистик тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлади. Сиртдан қараганда бу сўзларнинг, бу тарихларнинг, бу кечинмаларнинг болага – бешикдаги гўдакка дахли йўқдек кўринса-да, аслида, уларнинг ҳаммасининг болага, унинг келажига, унинг тақдирига, ниҳоят, бўлгуси йигитнинг, келажак эгасининг жамият ва инсонлар олдидағи бурч ва вазифаларига тўла тааллукли!

Бешик кўшиқларининг мазмуни давр, шароит шахснинг тақдири билан боғланган бўлгани учун ҳам ўзгариб туради. Буни унинг шеърий формасида ҳам шундай ўзгаришлар бўлиб туришига ҳар доим тадбиқ қилиб бўлмайди. Аллаларнинг формаси, уларнинг куй-оҳанглари, кайтариклар, болаларни овутишга, осойишта этишга хизмат қиласидиган поэтик элементлар узок вақтлардан бери ўзгаришларга кам учради, учрасалар ҳам сезилмас даражада учради.

Алла кўшиқлари, асосан, рефрен асосида қурилади дейиш хато бўлмайди. Алла кўшиқларидаги чўзиқ оҳангда айтиладиган нақарот сўzlari – рефренлар гоҳ икки, гоҳида тўрт йўл текст билан қўшилиб, олти йўл бўлиб, такрорланиб келадилар. Онанинг ўзи «тўқиган», «ижод қилган» сўzlari эса шу рефрен жумлалар орасида айтилади. Бу сўzlар боланинг тушуниши учун айтилмайди, балки сўзларнинг майин, чўзиқ, бир маромда айтилган, ижро қилинган оҳанг болани ухлатишга хизмат қиласиди:

*Алла болам, алла,
Жоним болам, алла,
Икки кўзим, алла,
Ширин сўзим алла...*

Орада она кўшик қолипидан чикиб, янги бир оҳангда:

Алла-ё, алла!

деб кўяди, бу ҳам етмагандек «Қани, ухлай қол», «Кўзгинангни юмақол» жумлаларини қўшиб юборади. Гўдак ҳадеганда ухлайвермаса, бешикни қаттиқроқ чайқатиб, «Ўб-бў-ў-ў...» деб ҳам кўяди.

Ниҳоят бола ҳам тинчлана бошлайди, она ҳам ўзини «алла айтиш» муҳитига тушириб олади. Кўнгли кундалик ташвишлардан холи бўлиб, она ва бола мулокоти шароити туғилгандан кейингина аста қўшиғини давом эттиради:

*Алла қилсин болам-о,
Уйқуда ором олсин-о,
Алла, алла, деганда
Жимгина ухлаб қолсин-о...*

Бир фикр айтиб бўлинди. Иккинчи фикр она хотирига келиши учун рефрен сатрлар кўприк бўлади. Она алланинг нақаротини айтади:

*Алла, болам, алла,
Жоним болам алла...
Баъзан сўзларини янгилайди:
Икки кўзим алла...*

Бола шаънига айтиладиган эпитетлар ҳам кўпинча халқ орасида бир-бирига ўхшаш тасвирлаш, қиёслаш методи билан амалга оширилади. Масалан, бола кўпинча гулга ўхшатилади:

*Алла, болам, ётарсиз,
Ястуғларга ботарсиз,
Бу ястуғни кўтарсан,
Гулдан тоза ётарсиз.*

Ҳатто бешик ясалган ёғоч тури ҳам она учун болани овутишга хизмат қиласди:

*Тут ёғочдан бешиги,
Туртмай турсин,
Каримжоннинг иигиси
Энди тинсин.*

Бешик қўшиқларида энг кўп кўзга ташланадиган тема – бола таърифи. Она фарзандини ўзи билган энг яхши сўзлар билан таърифлайди. Она тавсифида бола кўтар кўзи, уйининг чироги, оиланинг бахти, кўрки обрўси, кундуз қуёши, тунда оий,

ёлғизлиқда ҳамроҳи, овунчоғи, қариганда таянчи, онасининг эртанги ёруғ куни. Келажакдаги орзу-умидларининг барчаси шу фарзандидан:

*Қўзи боққан қўй этсин,
Топганимга тўй этсин,
Тўй-тўйларга улансин,
Давлат бошингга ўрнашсин.
Аллаё, алла.*

Она ўғил-кизининг соғлом, кўркам, баҳтли бўлиб улғайишини орзу қилиди. Фарзанди қиз бўлса, яхши жойларга келин бўлишини, серфарзанд, сердавлат бўлиб, «туп қуийб, палак ёзишини» тилайди. Ўғилга қилган тилаклари ўзига хос: Рустами достондек паҳлавон бўлсин, «чопингани бўридай, бўриларнинг зўридай» бўлсин дейилади. Бунинг сабаби ўғил – отасининг таянчи, ўринбосари, бокувчиси, эл ичидаги обрўси, юрт посбони, душманидан ҳимоячиси:

*Қўли арслон билаклим,
Ботир, қоплон юраклим,
Яхши-ёмон кунимда,
Менга жуда кераклим.*

Халқ орасида қадим вақтларда гўдакка, чақалоққа заарар етказадиган «зиён-заҳматлар» бор, деган тушунча бўлар эди. Бундай нарсаларни инсу жинс ҳам дейишарди. Гўё улар чақалоқнинг бешиги атрофида айланиб юришар эмиш. Шу сабабдан бешикдаги болани ёлғиз қолдирмаслик, бешик асбобларини қоқиб сўнгра тўшашиб, баъзан исириқ солишиб, бешикка укки қушининг патларидан қадаб қўйиш, кўзмунчоқ, тумор сингари тақинчоқлар қадаб қўйиш иримлари бўлган. Аммо халқда соғлом кучларга таяниш, яхши ният, дадил ҳаракатлар ҳам бўлган. Бу боланинг баданини тарбиялаш, ўстиришдаги қатор тадбирлар, кўл, оёқлар, қорин, бўйин ҳаракатлари, чўмилтириш, фойдали ёғлар билан ёғлашлар, бурун, қулоқларини, томоқларни тозалашлар ва ҳ.к. Бундай ишлар тажрибали, қўлидан даволаш келадиган кишилар-

нинг ёрдами билан қилинган. Оналар шундай кишиларга таяниб иш қилган.

Бешик қўшиқлари фақат бешик ёнидагина туғилган қўшиқлар, бола туғилиши билан она шоира бўлиб қолади, деган муроҳаза тўғри эмаслиги ҳаммага маълум. Оналар поэзияси шу оналарнинг болалик, қизлик даври поэзиясининг тадрижий давоми деб қарамоқ керак. Умуман, хотин-қизлар лирик поэзиясининг бир бўлаги деб билиш керак.

Ўтмишда яратилган аллаларда ёрнинг раҳмсизлиги, «турган битгани заҳар»лиги, «қизил гул очилгунча қўймаслиги» устига қайнаналарнинг «ўғли келса чақиши», шу туфайли ўғлининг жаллод чиққанлиги, ёрнинг вафосизлигидан нолиш ҳасратлари ифодаланади:

*Гули сафсанни қўринг, алла,
Сувга қараб қайриладир, алла,
Бевафо ёрни қўринг, алла,
Ўлмай туриб, айриладир, алла.*

Юртдан юрга иш қидириб, нон қидириб сарсон кезишлар, кўпинча ойлаб, йиллаб давом этарди. Бу давр ичидаги болалари билан оч-юпун қолиш, топилса бирорларнинг кирини ювиш, хизматини қилиш, топилмаса, бир бурда нонга зорлик бўлган кунлар қишлоқда кўпчилик хонадонларнинг улуси эди. Ана шундай «ташлаб кетишлар», шундай «отани кутишлар» қўшиқлар орасида анчагина ўрин оладилар:

*Алла, алла айтаман,
Устингга тўним ёпаман,
Сенинг бу дайди отангни,
Истаб қаердан топаман,
Алла, аллаё, алла.*

Ўзбек меҳнаткашлари озодлик, тенглиқ, эркин меҳнат ҳукуқлари билан бирга эрлар ва хотин-қизларнинг тенглигига, эркин ва ихтиёрий никоҳ ҳукуқига эга бўлдилар. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва қадри ортди. Уларнинг турмуши баҳт-фаровонлик, хушнудлик томон юзланди. Бунинг

натижасида янғи давр – озод ва баҳтли ҳаёт поэзияси дунёга келди. Бунда анъанавий қўшиқ формаларига янги мазмун бағишланиб, янгича бадиий воситалар билан ич-ичдан келадиган хурсандлик ҳолатларини, замондан, турмушидан мамнунлиги ифода қилинганини кўриб турамиз:

*Боғ ичида чаман гуллар,
Алла, қўзим, алла.
Сайрайди шайдо булбуллар,
Алла, қўзим, алла.*

Она ҳатто шодлигини айтишга сўз тополмай қоляпти:

*Дилимдагини айтаверсам,
Тилим етишимас, алла.
Шодлигимни айтаверсам,
Умрим етишимас, алла,
Аллаё, алла.*

Бордию келин кўшалоқ бола кўрса, бу оиланинг шодлиги чексиз. Ўзбекларда, қардош халклардагидек Ҳасан-Хусан, Фотима-Зухралар туғилиши – қадимдан ардоқли. Кексалар дуо килишганда, алқаганларида ҳар доим: «Кўш ўғил, кўш қиз кўргин» дейишади. Шундан бўлса керак, кўпгина халқ эртакларида, достонларида қўш бешик, қўш ўғил ҳақида, меҳрибои сингиллар ҳақида чиройли сюжетлар юрадилар. Алла қўшикларида ҳам шундай мотивлар бор.

*Алла, болам, жоним болам,
Қўзичноқларим, алла,
Овунчоқларим, алла.*

*Қараб турган қароқларим,
Ёниб турган чироқларим,
Аллаё, алла.*

*Биринг ўғил, биринг қиз,
Кўшалоқларим, алла.*

*Ўсиб-унинг, олай баҳра,
Чақалоқларим, алла.*

Болалар учун маҳсус катталар томонидан яратилиб ва бешик ёнида ижро этилиши традиция бўлиб келган бу жанрнинг бундан кейинги тақдири қандай бўлиши, аллаларнинг кимлар томонидан яратилиши, қайси бадиий формаларда ва қандай ижро этилишини турмуш белгилайди. Бизнинг давримизда турмуш маданияти кун сайин ўсиб турибди, оналарнинг савияси тобора ошмоқда. Янги туғилган гўдак тарбияси билан энди фақат она эмас, балки врачлар, тарбиячилар, ясли, боғча ходимлари, бутун бошлиқ китоб, журнал, газеталар, радио ва телевидениедаги мутахассислар, композитор, шоирлар, артистлар, рассомлар, мусиқачилар, қисқаси, бутун жамият шуғулланмоқда. Буларнинг ҳаммаси болалар фольклорининг сўзсиз бойишига, формаларининг кенгайишига, келгусида боланинг маънавий жиҳатдан бой, ахлоқан тоза, жисмонан бакувват кишилар бўлиб етишиши учун зарур бўлган ҳамма имкониятларнинг яратилишига олиб келади.¹

¹ Ушбу мақола қўйидаги манба асосида тайёрланди: Сафаров О. Болалар фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1988.

*Омонулла
МАДАЕВ
(1942 йилда туғилинан)*



Омонулла Аҳмедович Мадаев 1942 йил 20 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетидаги таҳсил олган (1959–64). Тошкент шаҳридаги 1-, 40- ва 82-ўрта мактабларда ўқитувчи бўлиб ишилган (1958–65). Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетидаги катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишилган (1965 йилдан). «Хоразм достонлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлаган (1983). «Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди» дарслигининг муаллифларидан бири. «Ўзбек халқ эртаклари» маъжмуаси (1977–78, ҳамк.) ҳинд, урду, форс ва араб тилларида нашр этилган. «Мақоллар оламида» (1984), «Алломииш» достони матнини ўрганиши методикаси» (1998), «Алломииш» билан сўхбат» (1999), «Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди» (2001, ҳамк.) каби китоблар муаллифи.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ГЕНЕЗИСИГА ДОИР

Халқ оғзаки ижодидаги жанрлар ғенезиси фольклоршуносликнинг ҳамиша долзарб бўлган муаммоси ҳисобланади. Таникли олимларимиз Ҳоди Зарифов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Зубайдада Ҳусанова, Охунжон Собиров оғзаки ижод жанрла-

ри бўйича олиб борган тадқиқотларини Муҳаммаднодир Сайдов, Жуманиёз Қобулниёзов, Тожибой Ғозибоев, Малик Муродов, Баҳодир Саримсоқов, Абийр Мусақулов, Субҳон Умаров каби мутахассислар давом эттирилар. Мазкур илмий асарларда ўрганилаётган намуналарнинг жанр хусусиятлари, ғоявий-бадиий жиҳатлари, ижрочилар маҳорати даражалари кузатилди. Лекин тадқиқотчилар жанр генезисига келиб тўхтаганлари заҳоти эътибор, муносабат, қизиқиш кескин ўзгарган. Ҳар сафар касбдош қандай янгилик топганлиги ҳақида тезроқ маълумотга эга бўлиш истаги пайдо бўлган. Айнан ана шундай вазиятлардан бири Баҳодир Саримсоқовнинг 1999 йилда «Фан» нашриётида нашр этилган «Алпомиши» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобидаги «Алпомиши» эпоси ҳақида уч этюд» мақоласидан кейин ҳам пайдо бўлди. Мақолада муаллиф «Алпомиши» эпоси халқ тарихи, реал воқелик билан узвий алоқада эканига урғу берар экан, достоннинг минг йиллик тўйига тараффуд кўрилаётганини айта туриб, ўз мақсадини шундай ифодалайди: «Шу муносабат билан «Алпомиши» эпосининг вужудга келиш тарихи, унда тасвирланган воқеалар асосида ётувчи эпик манбалар ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишга имконият туғилади».¹ Мақолада В. М. Жирмунскийнинг «Алпомиши» ҳақидаги ривоя ва баҳодирлик эртаклари ётиши ҳақидаги гипотезаси кескин танқид остига олинади ва: «Эпос тарихан, асосан, кўчманчи ёки ярим кўчманчи урғу, қабилаларнинг санъати» эканига урғу берилади. Шунингдек, Е. М. Мелетинскийнинг «Алпомиши» эпоси «баҳодирлик эртаклари» асосида, ё ўзга халқлар эпик меросидан ўсиб чиққанлиги ҳақидаги фикри ҳам танқид қилинади. Баҳодир Саримсоқов А. Н. Веселовский томонидан эпоснинг шаклий турларидан бири сифатида «Тарихий воқеаларнинг қайноқ изларидан кейиноқ юзага келган «лиро-эпик қўшиқлар»²ни кўрсатганини баҳолаб: «Бу назария халқ эпосининг вужудга келиш ва тарихий тараққиёти каби масалаларга муайян даражада ойдинлик киритиш нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади»³, дейди. Олим фикрлари давомида

¹ Саримсоқов Б. «Алпомиши» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: «Фан», 1999. 115-бет.

² Ўша асар. 131-бет.

³ Ўша асар. 131-бет.

қуидаги жумлани ўқиймиз: «Масалан, қаҳрамонлик ва тарихий эпос ибтидосида тарихий қүшиқ ётса, романик эпос ибтидосида афсона, ривоят ва эртак каби жанрлар ётади».¹ Юқорида қайд этилган маълумотлардан дастлабки хulosаларга келиш мумкин:

Халқ эпоси оғзаки ижод намунаси сифатида халқ ижодининг кейинги босқичида шаклланган жанр.

Қаҳрамонлик эпосининг шаклланишида тарихий лиро-эпик қўшиқлар манба вазифасини ўтаган.

Факат ўйлатадиган жиҳат шундаки, «Алпомиш» достонининг ўзбек қаҳрамонлик эпосига мансуб дастлабки мукаммал асар экани ҳақида яқин йигирма беш саҳифа мулоҳаза юритган олим айнан қадимги эпик қўшиқларни эсга олмайди. Бизнингча, Баҳодир Саримсоқов бу масалани ёритишга алоҳида макола ёзиш ниятида бўлган...

Маълумки, халқ достонларида қайта-қайта такрорланадиган бадиий лавҳалар жанг жараёни билан боғлиқ. Қаҳрамои юртини ташқи душмандан ҳимоя қиласидими, ор-номус учун курашадими, севикли ёрига эришмоқчи бўладими, албатта, жанг майдонида синовдан ўтади. Ўрхун-Энасой битигларида Тўньюқук ўз элининг Табғач билан муносабатларини баён қилишда лашкар, отлик аскарлар, пиёдалар, хужум, қамал, уруш, лашкар тортиш, қувиш² ҳақида жуда кўп тарихий маълумотлар берилган. «Билга хоқон битигтоши»да Билга хоқоннинг ўн етти, йигирма, йигирма етти, ўттиз ёшларда жанг қилгани, баъзан бу урушлар олти, баъзан тўрт марта такрор бўлгани айтилган. Бу воқеаларнинг рўй бериш тафсилотлари ҳам келтирилган.³ Хусусан, хоқоннинг душманни уйқуда босгани, сув кечгани, молини олгани ҳақида ҳикоялар бор. «Кул тигин битигтоши»да лашкарбошининг бошқа-бошқа отларда жангга киргани айтилган. Бу саҳифаларда бўз, тўриқ, оқ айғир, Азманинг оқ оти каби отлар номлари тилга олинади ва қонли жанглар тасвиrlenади. Бундай лавҳаларда от ўз эгаси билан бирга жанг қилувчи ҳамроҳга айланади. Ўрхун-

¹ Ўша асар. 132-бет.

² Абдураҳмонов F., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т.: «Ўқитувчи» 1982. 71–79-бетлар.

³ Ўша асар. 126–129-бетлар.

Энасой битигтошларидаги лавҳалар билан танишган ўқувчи кўп ҳолатларда Алномиши, Гўрўғли, Ҳасанхон, Авазхон иштирок этган жанглардаги воқеаларни эсга олади. Ҳакиқатан ҳам, қадимги битигтошлардаги жанглар тасвири тарихий асос сифатида кейинчалик қаҳрамонлик эпосига кўчмаганмикан, деган тасаввур уйғотади.

Келинг, фикримизни асослаш учун баъзи манбаларга мурожаат қиласлий. «Алномиши», «Гўрўғли» туркумидаги достонларда бош қаҳрамонларнинг мардлиги, жасорати ҳақидаги лавҳалар тарихини Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги халқ қўшикларида ҳам учратамиз. Фитрат «Энг эски турк адабиёти намуналари» рисоласида «Девону луғотит турк»даги икки парча ҳақида тўхталар экан: «Униси бир уруш майдони ҳақида, буниси Ёй-қиши мунозараси тўғрисидадир. Мумкинким, бу икки манзу ма, ҳатто бу рисоладаги манзумаларнинг кўбчилиги эски бир достоннинг (балким, «Эртўнга» достоннинг) айрим-айрим парчалари бўлсун»,¹ дейди. Шунингдек, китобнинг XIV бобини Фитрат шундай номлайди: «Тубандаги манзумага бир унвон бера олмадим, балким бир достоннинг бошланғичидир (олти парча)».² Эътибор берган бўлсак, олим икки ўринда «достон» атамасини кўллаган. XX аср ўзбек адабиётшунослигининг етук билағони Фитрат «Девону луғотит турк» асаридан олинган учта иқтибосда қадимги туркий халқлар оғзаки ижодидаги достон белгиларини кўрсатиб ўтган. Биринчиси, ёз ва қиши мунозараси; иккинчиси, уруш майдони ҳақида; учинчиси, муайян мавзу бўйича мазмунан бирор соҳага ажратиш мушкул бўлган олти парча. Қизифи шундаки, мазкур олти парчанинг бирида куйидагиларни ўқиймиз:

*Йукурди кавал от,
Чақилди қизил ўт,
Куйурди арут ўт,
Сачрабани ўртанур.³*

¹ Фитрат. «Энг эски турк адабиёти намуналари». – Т.: «Ўқитувчи» 1982. 71–79-бетлар.

² Ўша асар. 70-бет.

³ Ўша асар. 72-бет.

Мазмуни:

*Гўзал от югура бошлади,
Унинг туёғидан сачраган
Қизил оловлар
Ҳар томонда қуриб ётган ўтларни куйдиради.*

Энди Эргаш Жуманбулбулдан ёзиб олинган «Равшан» достонидаги Ҳасанхоннинг ўғли Равшанни қутқариш учун кетаётган сафарини эслайлик:

*Отга солди дирдикка,
Қойил бўлинг эрликка,
Сувсиз чўлда бедов от
Гоҳи чикка, гоҳ пукка.
Қамчи урса ўйнайди,
Йўлларда диркка-диркка.¹*

Икки парчадаги вазнда бармоқ, бўғинлар сони яқин (ҳар иккенида шиддатли от югуриши аниқ акс этган), агар аввалгисида от туёғидан сачраган олов қуриган ўтларни куйдиргани айтилса, кейингисида отнинг гоҳ чикка, гоҳ пукка тарзида югуриб кетаётган ифодасини топган.

Муҳими шундаки, ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зариф ҳам ўз вақтида ҳалқ достонлари тарихи ҳакида фикр юритар экан, бу жанрнинг вужудга келиш тарихи қадимдан бошланганини ҳис қиласи ва шогирдларига бу масалада йўл-йўриқ кўрсатгандек бўлади: «Махмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида учраган достон парчалари XI асрга қадар туркий ҳалқлар ўртасида достонлар куйланганидан дарак берадилар. Кўп насллар орқали бизгача етиб келган достонлар, шу қатори «Малика айёр»даги шеър формаларининг, асосан, тўртликлардан иборат бўлиши, Махмуд Кошғарий тўплаган достон парчаларида, шеърларида ҳам тўртликларнинг хоким бўлиши тасодиий эмас, албатта». ²

Ҳалқ достонларида, айниқса, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Пўлкан ижро этган асарлар-

¹ Булбул тароналари. 2-том. Далли, Равшан. – Т.: «Фан», 1972. 525-бет.

² Ўша асар. 46-бет.

да, кўпинча, тўртлик шаклидаги шеърий мисраларнинг қайд этилиши, ҳақиқатан ҳам, «Девону луготит турк»да келтирилган қўшиқлар билан достонлар ўртасидаги шаклий уйғунликдан дарак беради. Хусусан, Фитрат кўрсатиб ўтган яна бир тўртликка эътибор беринг:

*Изимни укарман,
Биликни йукарман,
Кўнгулни тўкарман,
Ардам била турлунур.*¹

Мазмуни:

*Эгам Тангрига ҳамд, сано айтаман,
Билим, маълумотни ийгаман-да,
Кўнглимда тугуналаб сақлайман,
Менинг кўнглим мақтанаарлиқ*

сифатларни ўраб оладир.

Эргаш Жуманбулбул куйлаган «Равшан»да эса қуидаги мисраларга дуч келамиз:

*Парвардигор панодир,
Холин билган дононодур,
Гўрўглидан дуо олиб,
Ҳасан полвон жўноди²*

Келтирилган бу мисралар ҳам тўртлик шаклида бўлиб, мазмунда ҳам ўзига хос яқинлик кузатилади. Ҳар бир ишнинг бошлиниши Яратган номи билан bogланади. Ҳар бир мушкулнинг ечими дуо олиш билан ахтарилади, ниятга етишда ақл-идрок билан ҳаракат қилинади.

Баходир Саримсоқов «Эпик жанрлар диффузияси» мақоласида ёзади: «Фольклористикада диффузия термини бирор жанр, мотив ёки образнинг иккинчи бир жанр, мотив ёки образга кириб бориши, сингиши натижасида уларнинг табиатида содир бўла-

¹ Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Т.: «Mumtoz so‘z», 2008. 70-бет.

² Булбул тароналари. 2-том. Далли, Равшан. – Т.: «Фан», 1972. 524-бет.

диган структурал, семантик ҳамда функционал ўзгаришларга нисбатан қўлланади».¹

Ҳақиқатан ҳам, ҳалқ оғзаки ижодидаги жанрлараро муносабат илдизида миф, афсона, ривоят тизими аниқ кўзга ташланади. Қадимги мифдаги унсурлар ҳаётга яқинлашиш жараёнида афсонага ва афсонада акс этган реалликка мойил белгилар ривоятга мерос бўлиб ўтиши натижасида оғзаки ижодидаги диффузия аввалги жанрларда ҳам аниқ, ҳам яққол тарзда намоён бўлади. Аммо ижоддаги кейинги тараққиёт босқичлари нисбатан мураккаб ўтган. Мақол, топишмоқ, қўшиқ, эртак ва яна бошқа-бошқа жанрлар вужудга кела бошлаган.

Үйғур олимни Турғун Олмос «Хунларнинг қисқача тарихи» асарида эрамиздан аввалги туркийлар қўшиқларидан мисол келтиради:

*Узотти йироққа мени тугқанлар,
Ётлиғ қилишип Уйсун хонга.
Урлайди пигоним юртни эсласам,
Қуш бўлип юртимга учупла кетсам.*

Муаллиф бу қўшиқнинг ёзиб олинган манбасини кўрсатмаган. Аммо мисралар мазмунидан ифодаланиб турган қаҳрамон ички кечинмалари лирик қўшиқлардаги умумий хусусиятлар доирасида экани сезилиб турибди. Махмуд Кошғарий «Девону луғотит турко» асарида юзлаб мақоллардан намуналар келтиради. Топишмоқ ҳақида ҳам маълумот бериб, «табзуқ» атамасини қўллайди. Шунингдек, девонда эртак, афсона, ривоят жанрлари га оид далиллар ҳам берилган. Демак, X асргача ҳалқ оғзаки ижодида жанр тизими, асосан, шаклланган экан-да, деган мулоҳаза билдириш мумкин.

Аммо ўзбек достонларининг вужудга келиши юзасидан аниқ фикр билдириш учун ўнлаб-юзлаб вариантдаги асарларни син-чиклаб ўрганиш, уларни қиёслаш, айникса, тарихий аҳамиятга эга лавҳаларни аниқлаган тарзда тадқиқот юритиш талаб этилади. Бу ўринда таникли фольклоршунос олим Е. М. Мелетинский-

¹ Саримсоков Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: «Фан». 1981. 99-бет.

нинг қуидаги гаплари эпосимизнинг шаклланиш босқичларини аниклаш бүйича умидли натижаларга эришиш мумкинлигидан да-рак беради: «Сибирлик ва қисман ўртаосиёлик туркийлар фольклорида кенг намоён бўлган туркий халқлар фольклори эпоснинг фақат архаик намуналаригагина эмас, балки қаҳрамонлик эпосига мансуб муайян бошқа турли-туман шаклларга бойлиги билан ҳам машҳурдир. Шунинг учун туркий халқлар эпик ижоди ўзида қаҳрамонлик эпоси ва унинг шакллари ўртасидаги муносабат генезисини тадқиқ этиш учун ҳаддан ташқари унумдор майдонга эга».¹ Ҳақиқатан ҳам, 1947 йилдаёқ В. М. Жирмунский ва X. Т. Зарифов ўзларининг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» («Узбекский народный героический эпос») китобларида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асаридаги айрим тўртликларда халқ достонларида кўплаб учрайдиган лавҳалар мазмани мужассам эканини қайд этганлар.² Кейинчалик Ҳоди Зариф ўзининг «Ажойиб достон» мақоласида шундай ёзади: «Маҳмуд Кошғарий тўплаган достон намуналарида шундай бир парча бор:

*Боши аниңг ойиқти,
Қони юзив ториқти,
Болиқ бўлиб тогиқти,
Энди они ким емар.*

Яъни:

*Яраси оғирлашиди,
Қони юзив қотди,
Ярали (ҳолда) тоқقا чиқиб кетди,
Энди уни ким емиради (енгади).*

Шу бир тўртликдаги тасвир «Малика айёр» ва «Кундуз билан Юлдуз»да Авазнинг, «Далли ойим» достонида Ҳасаннинг душман билан олишганида яраланиб тоқقا чиқиб кетишининг айни ўзидир».³

¹ Мелетинский Е. М. Происхождение героического эпоса. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2004. 365-бет.

² Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: 1947. 11-бет.

³ Зариф Ҳоди. Ажойиб достон // «Фозил шоир» – Т.: 1973. «Фан». 46–47-бетлар.

Аввалги илмий тадқиқотларда Фитрат, Ҳоди Зариф, Б. Саримсоқов, кейингиларида Ш. Турдимов¹ халқ достонларининг, хусусан, «Гўрўғли» туркуми достонларининг яратилиш даврини, асосан, XII–XVI асрлар билан, достон сифатида вужудга келишини яна бир неча аср қадим билан боғлаганлар ва илмий далиллар билан исботлаганлар. Чингизхон саройида бахшичилик санъати, Амир Темур ҳузурида достон айтиш анъаналари ҳақидаги маълумотларни бевосита халқ достонлари генезисини аниқлаш йўлидаги саъй-ҳаракат, деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, Алишер Навоий шеърларида:

Эй йиروف, сен ҳам ишингни кўргуз,
Ётугон бирла улуғ ирни туз,

– мисраларини учратамиз. Бу байтдаги «йиروف», «ётуғон», «улуг ир» атамалари фольклоршунос Охунжон Сафаровнинг изоҳига кўра «улуг ир» – достон, «ётуғон» – дўмбира «йиروف» – бахши маъноларини англатади ва атоқли шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўз вақтида достон тинглашга мушарраф бўлганидан дарак беради.² Эҳтимол, Самарқанддаги ҳаёти давомида Булунгур бахшилари ҳузурида қаҳрамонлик эпоси намуналарини севикили шоиримиз ҳам эшитгандир, деган фикр уйғонади. Ана шу жиҳатдан, Ҳоди Зарифнинг «Гўрўғли» достонларидан баъзиларининг дастлабки яратилишини VIII–XII асрлар орасидан излаш максадга мувофиқдир,³ деган хulosасида илмий мантиқ бор.

Қадимги туркий халқлар эпосига мансуб «Ўғузнома», «Дада Қўрқут китоби», «Ирқ битиги»да ҳам ўзбек достонларининг илдизлари туташган ўринларни кузатиш мумкин. Насимхон Раҳмонов ҳозирги ўзбек тилига ўгириб, чоп эттиргани «Ўғузнома ёки Ўғуз хоқон ҳақида достон» («Шарқ юлдузи»,

¹ Турдимов Ш. «Гўрўғли» достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: «Фан». 2011.

² Сафаров Охунжон. Халқ ганжинасига меҳр (Алишер Навоийнинг фольклоршунослик карашларига доир) // «Фольклор – бебаҳо хазина». – Т.: «Мухаррир» нашриёти. 2010. 289-бет.

³ Зариф Ҳоди. Ажойиб достон // «Фозил шоир». – Т.: 1973. «Фан». 47-бет.

1987 йил, 4-сон) ва Бахтиёр Исабеков томонидан нашрға тайёрланган «Ўғузнома» (Т.: «Ўзбекистон», 2007) ушбу асар билан боғлиқ мулоҳазаларимизга асос бўлди. Нашрға изоҳ берган Н. Раҳмонов шундай ёзади: «Ўғузнома» гарчи XV асрда кўчирилган бўлса-да, бу унинг шаклланиши ҳам шу даврга тааллукли деган фикрга асос бермаслиги керак. Чунки асардаги образлар, сюжет, мотивлар қадимги турк даврига ишора қиласди». Ҳақиқатан ҳам, адабиётшунослик мезони билан ёндашганда гап таҳлил қилинаётган асарда кўрсатилган қайсиdir эпизодик воқеа ёки унинг тафсилоти билан ўлчанмайди. Асосий эътибор йирик ифодаларга, баён усулига, ғояга, тасвирдаги умумийликка қаратилади. Шунинг учун ҳам «Алпомиш», «Рустамхон», «Гўрўғли» туркуми достонлари билан яқиндан танишган ўкувчи «Ўғузнома», «Ирқ битиги», «Дада Кўрқут китоби»даги руҳий яқинликни сезмаслиги мумкин эмас. Доимий мотив сифатида эса фарзандсизлик, кейинчалик узок кутилган фарзандга эга бўлиш, бу фарзанд эса катта авлод кўнинкан ҳаётга кескин янгиликлар киритувчи кучга эга бўлиши, жанг лавҳалари, мағлубиятдан ўқинч, ғалабадан завқ каби унсурлар бўлиб, асар мазмунига сингдирилади. Шу билан бирга, достонларимизда яна шундай фазилатлар ҳам борки, улар фақат қадимги туркий ёдгорликлар билангина чегараланиб қолмайди.

Умумтуркий халқларнинг маданий меросини ташкил этувчи ноёб асарлардан яна бири «Дада Кўрқут китоби» ҳақида турк олими Муҳаррам Эргин жуда илиқ фикрлар билдирган.¹ Олим китобни «туркий халқлар маданиятининг тамал асарларидан ва балки биринчисидир», деб атайди. Асар XV аср охири ва XVI аср бошларида ёзувга кўчирилганлиги ва қўлнимиздаги матн майдонга келганлиги айтилган. Адабиётишунос Абдумурод Тилавовнинг маълумот беришича: «Баъзан Кўрқут ота, деб ҳам тилга олинган бу шахс, айрим маълумотларга қараганда, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом замонларида Сирдарё атрофида яшаган ўғузларнинг Баёт ёхуд Қайи бўйига мансуб Кога Хўжа исмли ўта ақлли, доно, олим ва каромат соҳиби бўлган

¹ Ergin Muharrem. Dede Korkut kitabı. Metin – Suzluk. Istambul. 1986. s-5–6.

бир зотнинг ўғлидир».¹ Алишер Навоий бу шахсни «Қўрқут ато а.р» деб атайди ва у ҳакда шундай ёзади: «Турк улуси аросида шухрати андин ортуғроқдурки, шухратқа эҳтиёжи бўлгай. Машҳур шундокдурки, неча йил ўзидан бурунқини, неча йил ўзидан сўнгги келурни дебдурлар. Кўп мавъизаомуз мағизлиқ сўзлари ародা бор».²

Қўрқут ота ҳақида нисбатан кенгроқ маълумот берадигани-мизнинг сабаби шундаки, «Дада Қўрқут китоби»нинг Дрезденда сақлананаётган нусхасида «Қам Пуренинг ўғли Бамси Бейрек» боби бор бўлиб, бу саҳифалардаги воқеалар тафсилоти кўп жихатдан «Алпомиш» достонидаги тасвирларни эсга солади. Ўз вақтида В. М. Жирмунский ва X. Т. Зарифовлар «Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси» китобларида «Алпомиш» достони билан «Бамси Бейрек» ўртасидаги исмларда, фарзандсизлик мотивида, кейинчалик фарзандларнинг туғилиши ва бешик керти қилинишида, бош қаҳрамоннинг асирга олинишида, хотини тўйи куни қайтишида жуда кўп ўхшашликлар борлигини таъкидлайдилар.³ Уларнинг фикрича, достоннинг пайдо бўлиши ўғузларнинг анча қадимги замонларда Ўрта Осиёда истиқомат килган пайтларига тўғри келади. Фақат Салжуқийлар замонидагина (XI–XII) асар сюжети Кавказорти ва Кичик Осиё ҳудудига кўчган ва «Дада Қўрқут китоби»га киритилган бўлиши мумкин. «Бамси Бейрек» эса Қўнғирот «Алпомиш»ининг бошланишига асос бўлган қаҳрамон эмас, балки кўхна манбадан ўрин олган параллель нусхадир.

Ҳалқ эпоси генезисига оид эътиборга лойик қайдлар профессор Насимхон Раҳмоновнинг «Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ва туркий эпослар»⁴ деб номлаган докторлик диссертацияси-

¹ Тилавов Абдумурод. Дада Қўрқут ҳакида муҳтасар сўз // Дада Қўрқут ҳикоялари. Т.: 2010. 5–6-бетлар.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат // Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. – Т.: «Фан» 2011. 421-бет.

³ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: 1947. 72–75-бетлар.

⁴ Раҳмонов Насимхон Асқарович. Орхено-Енисейские памятники и тюркские эпосы. Автореферат на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Т.: 1991.

нинг моҳиятини ташкил этади. Олим VII–VIII асрларда вужудга келган ижтимоий-тариҳий шароит бир қатор ўзига хос сюжет тизимиининг вужудга келишига асос бўлганини таъкидлайди. Айниқса, ҳалқнинг дастлабки ижод маҳсулида асос мифологик дунёқараш бўлса, кейинги босқичда эпос марказида қаҳрамон шахс турғанлигига гувоҳ бўламиз, деган мулоҳазаси айнан туркӣ эпоснинг шаклланиши билан боғланади. Бинобарин, ҳалқ достонларининг вужудга келиш жараёнида муайян ҳаёт тақозоси билан рӯй берган юрт мустақиллиги учун кураш, мамлакатда давлат тизимиининг ривожи, фавқулодда пайдо бўлган ҳалқ қаҳрамонларининг ҳаётидаги мардлик лавҳалари уйгунлашиб достонларнинг яратилишида туртки вазифасини ўтаганини алоҳида кўрсатиш мумкин бўлади.

Маълум бўладики, ўзбек достонларининг генезисини VII асрда ёзиб қолдирилган Ўрхун-Энасой битиглари, Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асарида тариҳий, қаҳрамонлик, маросим қўшиклари, «Ўғузнома», «Ирқ битиги», «Дада Кўрқут китоби» каби ўта қадимги адабий ёдгорликлар заминидан ахтариш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида Шомурод бахши, Абдуназар бахши, Қаҳхор бахши, Абдумурод бахши каби беназир санъаткорларнинг ҳалқ достонларини соатлаб ички овозда ижро этишларида ҳам (Олтой ўлкаларида шомонларнинг овозларига ўхшаш равищда) узоқ қадим замонлар садоси мавжудлиги бежиз эмас.

Фарида
ИҰЛДОШЕВА
(1942 жылда туылған)



*Ф*арида Йұлдошева 1942 үйл 2 октябрда Тошкент шаҳрида туғилған. Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқыған (1959–64). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида кичик илмий ходим, илмий ходим бўлиб ишилганинг (1965–92). Тошкент Алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) да ўқитувчилик қилған (1992–2003). «Халқ қаҳрамони Насриддин Афанди образини типиклаштириш муаммоси» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган (1975). Афанди латифаларини, шунингдек, Гози Олим Юнусов, Отажон Ҳошим, Элбек, Миёнбузрук Солиҳов, Буюк Каримов каби фольклоршуносларнинг асарларини нашрга тайёрлаган (1987–88). «Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи» номли китоби чоп этилган (1979).

**НАСРИДДИН АФАНДИ ОБРАЗИ ВА
ЛАТИФАНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ**

Шарқ халқларининг суюкли қаҳрамонига айланған, уларнинг характеристи, психологиясидаги барча фазилатларни маълум дараҷада қамраб олган Хўжа Насриддин образи узоқ тарихга эга. Унинг юзага келиш тарихини ўрганиш кейинги йилларда кенг тус ола бошлади. Биргина Туркияда 1955–1965 йиллар ичидаги

Хўжа Насриддин образининг келиб чиқишини ўрганиш муаммосига бағишилаб ўттиздан ортиқ монография ва илмий ишлар ёзилган¹.

Таниқли шарқшунос олим Н. Османов «VII–IX асрларда бир қанча латифалар Мавлон Қутбиддин ва Насриддин номлари билан айтилган»², деб ёзади. Унинг фикрича, Насриддин ўша даврда яшаган ва бир қанча латифаларда иштирок этган тарихий шахсдир. Бундан кўринадики, Насриддин шахсияти билан боғлиқ латифалар VII–IX асрларда ҳам мавжуд бўлган. Лекин муаллиф бу фикрини қайси манбаларга суюниб айтгани хусусида маълумот келтирмайди. Насриддин ҳақида гап борар экан, турк тадқиқотчилари унинг XIII асрда яшаганлиги ва қабри Оқшаҳарда эканлиги ҳақида фикр юритадилар.

Турк ёзувчиси Зиёбей ўзининг «Кунияга саёҳат» номли китобида шундай ёzáди: «Шайхнинг (Насриддин кўзда тутилаяпти – Ф.Й.) Оқшаҳардаги мақбарасини зиёрат қилишга бордим. Мақбаранинг деворига қуидаги сўзлар ёзилган эди:

«Бу мақбара шафқатли Олло-Таолонинг марҳаматига муҳтож марҳум Насриддин Афандининг мақбарасидир. Туғилган йили ҳижрий 386». Бу тарихнинг ёзилиши мени ҳайрон қолдирди, чунки шайх 386 ҳижрий йилдан кейин туғилган эди. Кейин юқоридаги ҳижрий йилнинг тескарисига ёзилганига тушуниб қолдим. Бу иш наққошнинг нўноқлигиданми ёки атайин қизиқчилик қилиш учун рақам шундай кўчирилганми, буни билмадим»³.

Демак, қабр тошида «Насриддин» эмас, балки «Насриддин Афанди» деб ёзилган.

Бурсали Тоҳир тадқиқотларида кўрсатилишича, Хўжа Насриддин Сивриҳисор (Анқарадан жануби-ғарбда жойлашган кичкинагина шаҳар)нинг Хорто қишлоғида 1208 йилда туғилган, отаси Абдуллоҳ Афанди шу қишлоқ имоми бўлган. Вафотидан сўнг, Маҳмуд Ҳайроний ва Сайид Хўжа Иброҳим Султон гувохлигига Хўжа Насриддин отасидан қолган имомлик вазифа-

¹ Türk Folklor Araştırmaları. – İstanbul, 1965.

² Османов Н. Персидские анекдоты. – М., 1963, стр. 13.

³ كليات جناب نصر الدين «مناقب إسلام» (усмонли турк тилида, ЎзССР ФАШИ кўллэзмалар фондси, тошбосма, инв. 3885).

сини Маҳмуд исмли халифасига қолдириб, ўзи Оқшаҳарга кўчиб кетади ва у ерда 638/1283 йилда вафот этади¹. Шу фактни В. А. Гордлевский ҳам ўз тадқикотида келтирган².

Халқ орасида Хўжа Насриддин номи билан шуҳрат қозонган латифалар қаҳрамони баъзи ҳужжатларда Насриддин Хўжа, қабр тошидаги ёзувда эса Насриддин Афанди эканлиги маълум бўлди. Шу боисдан халқ қаҳрамони образининг номланиши ҳам ҳужжатларда Насриддин Афанди бўлиб, баъзи тадқиқотларда Шайх Насриддин ва Хўжа Насриддиндир.

Қабр тошида «Насриддин Афанди 386» деб ҳижрий йил ёзилган. Кўринадики, XIII асрда Оқшаҳар, Қуния, Сиврихисор, Хортобаҳор каби жойларда Хўжа Насриддин қабри бўлгани эслатиб ўтилади. Булар, албатта, ҳаётий фактлар. Шу асосда ҳамда ўрганиб чиқилган латифаларга таяниб, Хўжа Насриддин тарихий шахс бўлмаганлигига ишонч ҳосил қила оламиз. Эронлик тадқиқотчилардан айримлари эса Мулла Насриддиннинг яшаган жойи сифатида Ҳамадон шаҳрини кўрсатишса, айримлари Ироқни таъкидлайдилар³.

Айрим озарбайжонлик адабиётшунослар Насриддиннинг прототипи машҳур астроном олим Насриддин Тусий бўлса керак, деб тахмин қиласидилар. Лекин бу фикр шу кунгача исботланмаган. Озарбайжон Фанлар академиясининг қўллөзмалар фонди директори М. Султонов: «Кўпигина қўллөзма, литография, Мулла Насриддин ҳақидаги латифа ва қизиқ-қизиқ ҳикояларда оддийгина Насриддин», «Латоиф ва зароиф» китобининг 10–12-саҳифасида эса Насриддин Тусий учрайди»⁴ деб ёzáди. «Мулла» сўзи Тусийга тегишли бўлиб, «Мавлон» исмининг қисқа шакли эканини айтади. Умуман, Хўжа Насриддиннинг прототипи сифатида Насриддин Тусий кўрсатилса ҳам, уларнинг фикридан Насриддин Тусий XIII асрда яшаган реал шахс, халқ у ҳақда бир неча латифалар яратган бўлиши мумкин, деган тахминий маъно келиб чиқади.

¹ TORKIYE ANSIKLOPEDISI. CILT IV. – ANKARA, 1957 (Nasredin Hoca, cf 287–288).

² Гордлевский В.А. Изб. соч. Том II. – М., 1961, стр. 341.

³ ضعیفه تلاش – Техрон, 1971, 33-сон. 14-бет. ЎзССР ФАШИ қўллөзмалар фонди, инв. 17786.

⁴ Мулла Насриддин. Составитель Тахмасиб. – М., Баку, 19...7, стр. 13.

Демак, XIII асрнинг ўзида Насриддин Афандининг Оқшашардаги қабри ва Марага обсерваториясига асос солган астроном олим Насриддин Тусий билан бир даврда яшаганлиги маълум бўлади. Ундан ташқари, Н. Осмоновнинг фикридан ҳам, М. Султонов кўрсатган манбалардан ҳам Насриддин исми билан боғлиқ латифалар учрагани маълум. Насриддин исмли ҳар бир тарихий шахс халқ қаҳрамони ҳақидаги латифаларнинг кўпайишига сабаб бўлиши, ҳар бир давр Хўжа Насриддин образи учун прототип бериши, тарихий шахслар характеристидаги фазилат ва хусусиятлари Хўжа Насриддин образи ўзига қамраб олиши эҳтимолдан ҳоли эмас [...].

Маълумки, олим, файласуф, шоир, рассом, доно шахсларнинг муҳим, характеристири хусусиятлари типиклаштирилган ҳолда Хўжа Насриддин образига сингдириб юборилган, ўзаро савол-жавоб, ҳазил-мутойиба ва насиҳатлар мужассамланиб, латифаларга айланган бўлиши ҳам мумкин. Айтайлик, масалчи-ёзувчи XIV асрнинг бир гурӯх одамлари билан сұхбатлашяпти. Сұхбатда савол-жавоб турли хил руҳда кечаяпти... Одамлар ана шу сұхбат асносида кўнглига яқин савол-жавобни, сұхбатни бошқа бир гурӯхга етказади, улар эса, ўз навбатида, бошқа яна бир гурӯх одамларга шу сұхбат мазмунини айтади. Маълум бир шароитга баҳо беришда бирор бир шахс (албатта, халқ вакили) бутун бир халқнинг кўнглидагини топиб гапиради. Ана шундай гаплар енгил юмор ва сатира билан йўғрилган бўлса, латифага айланниб кетиши табиийдир. Халқ эса уни бир ном остига жамлаган ва ниҳоят, Насриддин Афанди латифалари келиб чиқмаганмикан деб ҳам фараз қилиш мумкин [...].

Ишонч билан айтиш мумкинки, Хўжа Насриддин учун асос бўла олувчи биография халқ яратган латифалардир. Насриддин ўз ақли, донолиги, ўткир зехни, ҳозиржавоблиги, улдабуронлиги билан ҳатто бутун бир армияни енгади. Хўжа Насриддин камбағал ва қашшоқ оддий ва содда халқ орасида вужудга келган энг севимли ва оммавий халқ қаҳрамонидир. У ўз табиати ва фазилати билан эзилган, аламзода халқ оммасининг ўй-фикрларини, орзу-умидларини, хуллас, хокисор халқ ҳаётини ифодалайди. У, гарчанд ҳамёнида сариқ чакаси йўқ эса-да, мушоҳадакор қобилияти, ақл бовар қилмайдиган тафаккури билан не-не ўзига

бино қўйган олимларни, катта ер эгаларини, подшоларни, вазирларни, қози ва имомларни, хуллас, битмас-туганмас бойлик эгаларини мағлуб қилади.

Ҳақиқатан ҳам, Хўжа Насриддин образи халқ психологиясини, характеристи ва муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган «жамловчи образ»дир. Лекин бу билан Хўжа Насриддин образининг ягона индивидуал характеристерини инкор қилиб бўлмайди. Чунки бундай нозик дидли, ўткир сўз, доно, иродали, олижаноб, зукко, серфаҳм Хўжа Насриддин образини халқ оғзаки ижодидаги бошқа қаҳрамонлар билан алмаштириш, унинг ўзига хос хусусиятларини инкор этиш мумкин эмас [...].

Демак, ижодкор халқ оммаси табиатидаги барча хусусият, фазилат ва одат-хулқ нормаларини мана шу образда умумлаштириб, энг муҳим томонларини жамлаб, Насриддиннинг типик образини яратишга муваффақ бўлган. Турк олимларининг Насриддин учун ёзган «биография»ларини латифалар сюжетига солишириб кўрилса, ҳамма маълумотлар латифа мағзидан олинган эканлигига шубҳа қолмайди. Гўё у Оқшахарда қозилик, Сиврихисорда хонлик қилади, бошқа жойда мударрис, яна бир ерда имом вазифасини бажаради. Замонанинг буюк шахслари, ҳокимларини писанд қилмай, халқни маърифатга чақиради.

Насриддин учун биография тўқиётган тадқиқотчилар ҳам Насриддин халқ томонидан яратилган образ эканлигини онгли равишда тушуниб турсалар-да, бундай ажойиб халқ қаҳрамони ўз юргларидан, ўз ораларидан чиққан, деб кўрсатишга интилиш ҳисси билангина ишониш қийин бўлган тахминларни ўртага ташлайдилар. Насриддин турклар орасидан эмас, балки форслар, озарбайжонликлар, қrim татарлари орасидан чиққан, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Хўжа Насриддинни ҳар ким, ҳар миллат ўз қаҳрамони сифатида танир экан, мана шунинг ўзи образининг халқ томонидан қанчалик халқчил, типик умумлашма даражасида яратилганлигининг ёрқин далилидир. Дадил айта оламизки, латифалар қаҳрамони Насриддин образи халқ яратган ижод маҳсули, у типик қаҳрамондир.

«Фольклор асарида инсон образи – деб ёзади таникли рус фольклоршунос олими Н. К. Кравцов, – адабий асардаги образ

билин қиёсланганда шу жиҳатлари фарқланадики, унда индивидуаллаштиришга нисбатан умумлаштириш кўпроқ бўлади. Бироқ фольклор образида ҳам, адабий образда ҳам тиниклаштириш психологик тасвирга қараганда кенгроқдир... Психологик тасвир типиклаштиришнинг муҳим томонларидан бири бўлиб, қаҳрамоннинг ўзига хос конкрет характери, маънавий қиёфаси қандай ҳолатда намоён бўлишининг очилишига имкон беради»¹. Кўринадики, фольклорнинг ёзма адабиётдан фарқи фақат индивидуаллаштиришга нисбатан умумлаштиришнинг муҳимлигига эмас. Чунки бу ҳол бадиий адабиётдаги образларда ҳам бўлиши мумкин.

Хўжа Насриддин образида умумлаштириш билан индивидуаллаштириш муттасил биргаликда кўрсатилади. Демак, бунда гап типиклаштириш усулининг ўзидаидир. Адабиётда бадиий образнинг типиклиги вақт, муддат ва шароит жиҳатдан маълум даражада чегараланган бўлади. Фольклорда эса қаҳрамон образини яратишда умумлаштириш, типиклаштириш маълум давр билан чегараланмайди. Фольклордаги қаҳрамон образида табиатидаги у ёки бу жиҳатлар, умумлаштирилган энг характерли хусусиятлар адабиётдаги каби бир йил, ўн йил ёки бирор давр билан чекланмайди. Насриддин Афанди образида бўлганидек, юз йиллаб, баъзан минг йиллаб давом этиши мумкин. Хўжа Насриддин образи ҳалқ ҳаётининг муҳим хусусиятларини умумлаштириш, ўзида жамлаш процессида бошқа илк фольклор қаҳрамонларининг характерли хусусиятларини ўзлаштириди ва ўз қиёфасида намоён этди.

Эртак, достон, қўшиқ, афсона, ривоят, мақол, топишмоқлар каби латифалар ҳам фольклорнинг мустақил жанрларидан биридир. Латифа оғзаки ижод маҳсули бўлиб, эпик турга кирувчи тарихий, ижтимоий ва ҳаётий мазмунга эга.

Латифалардаги Насриддиннинг кечинмаларини ҳалқ кечинмалари, Насриддиннинг бошидан кечирганларини ҳалқнинг бошидан ўтказганлари, мудҳиши подшолик замонларини ҳалқ кузатган, билган замонлар деб тушунадиган бўлсак, латифаларда ҳам бошқа драматик ҳамда лирик жанрларда рўй берувчи инсон

¹ Кравцов Н. К. Проблемы славянского фольклора. М., 1972. стр. 55.

фаолиятининг тарихи, ички кечинмалари, хатти-ҳаракатлари намоён бўлади. Нихоят, юқорида айтилганларга асосланиб, латифалар драматик ва лирик тур хусусиятларидан ҳам ниманидир ўзига олган синкетик санъат туридан иборат экан, деган хуласага келамиз.

Латифалар ўз хусусияти билан драматик жанрга яқин туради. Латифанинг драматик характерига Насриддиннинг харакатчанлиги жуда мос келади. Драматик асарларда ҳалқ латифалари, поэтик монологлар, асқия, кичик ҳажмли қулгили ҳикоялардан фойдаланилади. Бундай ҳикояларни ифодалаш формаси – ижроининг мимикаси, хатти-ҳаракати, актёрларга хос маҳорат усуслари каби хусусиятлар сахна асарларининг яратилишида муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Шу жиҳатдан латифаларга ҳам драматик асарнинг муайян бир парчасидек қараш тўғрироқ бўлади. Латифаларни айтиш жараёни уни ижро этувчиidan актёрлардагидек етук маҳорат талаб этади. Латифаларни ўқиган пайтда уни ижрочи айтиётганидагидек мароқланиш, сўзлаш усули, психологияси, харакат, юзида содир бўлаётган ўзгариш, мимика, овоз оҳангидаги ҳайратга солувчи, хузур бағишловчи ёки дашном берувчи истехзо, ўзига хос оҳанг ва сўз урғуси кабилар кўринмайди. Латифаларнинг таъсирчанлиги, уларда ички кечинмаларнинг ифодаланиш йўллари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун камида уч-тўрт хил латифани эшлиши талаб қилинади. Ўзбек латифалари сўз ўйини, комик ҳолатлари, асқиячилик, сўзлаш оҳангиги, диалог шакларининг ранг-баранглиги билан ҳам кишиларни ўзига ром этади. Насриддиннинг қулгиси баъзан енгил, баъзан эса аччиқ кинояли, сатирик қулги бўлади. Чунки у ижтимоий ноҳақлиқ, адолатсизлик, ҳукмдорлар, дин вакиллари ва бойларнинг хасислиги, ахлоқий нопоклиги, тубанлиги устидан кулади.

Латифалар Насриддин Афандининг тезкор зеҳни, қулгилилиги ва баъзан эса омадсизлиги, қувноқ ва тушкунликка тушмайдиган кайфияти, бир вақтнинг ўзида ҳам қулгили, ҳам қайғули хаётий вазиятга тушиш ҳолатини кўрсатади.

Латифа қаҳрамони образининг юмористик бўёғи латифа жанрининг хусусияти билан белгиланган. Насриддин характе-

ри, психологик ҳолатлари эса асарнинг жанр хусусияти билан тўғридан-тўғри боғлиқлик касб этади. Латифа жанрининг ўзига хос хусусиятлари қаҳрамондан усталик ва моҳирликни, тафаккурнинг ўткирлиги ва чуқур идрокни, уддабуронлик билан иш тутишни талаб қиласди. Насриддин Афанди образида ана шу жиҳатлар мукаммал даражада намоён бўлишини кўрамиз. Айтиш керакки, Насриддиннинг соддалиги унинг нуқсони эмас. Бу соддалик унинг донолиги, камтарлиги ва самимийлиги, ўткир зехни ва инсонпарварлигини кўрсатиб туради. Бу образни типиклаштириш принципларининг мураккаблиги ҳам шундан келиб чиқади.

Ўзбек тилида нашр этилган латифалар орасида ранг-баранг тасвир усулларига бой шундай новеллалар ҳам борки, уларни латифа жанрига киритиб бўлмайди. Улар латифа каби лўндалик-қисқаликка эга эмас. Латифада қаҳрамоннинг портрет тузилиши тасвирланмайди. Латифа хусусиятига қараб унда ички ситуация, ҳаёт шароити, воқеа, образ характерини очишга ёрдам беради. Ҳажм жиҳатидан кичик бир асарда катта социал ёки тарихий воқеа-ҳодиса тасвирланади. Латифалар шакл, мазмун ва қаҳрамонларнинг ҳаракат доираси жиҳатидан турлича бўлади. Латифалардан айримларининг сюжети кутилмагандан ўткир сўз ўйини билан тугалланса, бошқалари чуқур фалсафий холосалар билан якунланади ва ҳоказо.

Фольклор қаҳрамони Насриддин Афанди образи хилма-хил темалардаги жуда кўп латифалар орасида кўчиб юриши билан бадиий асар қаҳрамонларидан ажralиб туради. Бу билан темалар-аро кўчиб юриш фақат латифа қаҳрамони учунгина характерли экан, деган фикр тугилиб қолмаслиги керак. Чунки бундай ҳолат латифадан бошқа жанр қаҳрамонлари учун ҳам тааллуқлидир.

Барча латифаларда Насриддиннинг асосий хусусияти ўзгармайди. Фольклорга хос характер ўзгаришсиз давом этади. Ҳар бир латифада Насриддин Афанди турли-туман қиёфада, характерда намоён бўла боргани билан охири ўша хусусиятларнинг бир бутун бўлиб жамланишидан кейингина ягона умумлашган, яхлит образ юзага келади. Бир латифада Насриддин характеридаги уддабуронлик, иккинчисида серфаҳмлилик, учинчисида

лақмалик ва донолик, бошқасида ҳазил ва ҳар қандай юмористик ҳолатлар билан бир қаторда инсоннинг юксак, мураккаб шакллардаги психологик ҳолатларигача очила боради.

Латифалардаги воқеалар тасвири унда илгари сурилган фикрнинг санъаткорлик билан ижро этилишини талаб қиласы. Күчлилік ва күчсизлик, қаҳрамонлик ва ожизлик, ачинарлилик ва күлгилилик, ақплилик ва ахмоқлик, ижобийлик ва маълум даражада салбийлик каби хусусиятларнинг доимо параллел келиши латифа жанрининг ўзига хос принципларидандир [...].

Насриддин Афанди образида комик ҳолатлар күп учрайди. Лекин факат шу комик ҳолатлар билангина халқ яратған образнинг моҳияти тұла очилмайды. Насриддин образида комикликка нисбатан психологик ҳолатлар анча мураккаб ва күп қирралидир. Мана шу томонлари билан Насриддин Афанди тарихий шахс сифатида эмас, балки тамоман түқима образ, халқ орзу қылған қаҳрамон сифатида гавдаланади. Шу сабабли уни умумхалқ характеристері ва психологик ҳолатларини акс эттирувчи типик түқима образдир, дея оламиз.

Латифаларда ёзма адабиётдаги каби бадий тасвир усуллары, образ характеристикини ифодаловчи портрет яратишдек ҳолатлар күрінмайды. Лекин шунга қарамай, қаҳрамоннинг кечмиши, хусусияти, унинг муайян латифада қандай қиёфада иштирок этаётгани рүй-рост күз олдымизда намоён бўлади. Насриддин Афанди ва подшо, Насриддин Афанди ва ҳоким, Насриддин Афанди ва хотини ва шунга ўхшаш аниқ персонажлар орасидаги мунозаралар фақат латифаларга хос бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳаётда юз берган ҳодисаларни ифодалаётгандек туюлади.

Насриддин Афанди бадий асар қаҳрамонлари сингари эмас, балки факат фольклорга, тұғрироти, латифага хос ниҳоятда сода тил билан гапиради. Бу ҳолат, айникса, Насриддиннинг подшо ва унинг атьёнлари билан бўлган диалоглари ва сұхбатларида аниқ кўзга ташланади. Масалан, Афанди подшонинг «одиллигини», «лоф» қилиб айтиши ва аксинча, подшонинг Афанди-ни сұхбатдоши хузурида хижолатда қолдириш учун «қандай ёлғонларни валақлаяпсан», деган сўзларида икки қарама-қарши синф кишиларининг бир-бирига зид фикрлари кўзга ташланади.

Подшо калтакнинг бир учини Афандига йўналтираётганида иккинчи учининг зарби ўзига тушишини кутмаган. Латифа Афандининг тантанаси билан тугайди.

«Афандининг эътирофи» латифаси эса қуйидаги етакчи мазмунга эга: «Подшо бир куни катта зиёфат берди. Унда Афанди ҳам бўлиб, ёнидаги киши билан қуюқ сухбатлашар эди. Подшо уни хижолат қилиш учун ёнига келиб:

- Ким билади, қандай ёлғонларни валақлаяпсан, – деди.
- Нима қилай, шоҳим, – жавоб берди Афанди, – лофт аралашмаса бўлмас экан, дўстимга сизнинг одиллигингиз ҳақида гапириб беряпман».

Фикр тиниқ баён этилган бу латифада асосий ғоя ўзининг наштардек ўткирлиги билан Афандининг рақибига санчилади. Рақиб Афандини камситиб «валақлаяпсан» деса, Афанди унга мулоиймгина оҳангда, «нима қилай шоҳим, лофт аралашмаса бўлмас экан», дейишида унинг қандайдир чекиниш каби ҳолати сезилса-да, аслида, сатирик ғояга ишора очиқ-ойдин кўзга ташланади. Подшонинг «одиллиги»га «лофт» сўзини қўшиб ишлатиш билан унинг адолатсизлиги очиб ташланади. Жумланинг лўндалиги, фикрнинг тўла ифодаланиши ва ортиқча фигуralарнинг иштирок этмаслигига латифанинг ўзига хос хусусиятини кўриш мумкин.

Латифаларда икки ёки уч-тўрт шахс иштирокида воқеа ривожланади ва тугалланади. Латифалар фақат шундай шаклда эмас, балки Афанди ва ҳалқ, бир гурух одамлар иштирок этган шаклда ҳам учрайди. Баъзан эса Афандининг ўзи воқеанинг боршидан охиригача танҳо иштирок этади.

«Афанди ростини айтади» латифаси қуйидагича: «Подшо бир куни Афандига дўқ қилди:

- Менга маълум бўлишича, кеча бир ўтиришда менинг одил хукмдорлигимни одамлар мақтаганлар, сен у ерда бўлганинг ҳолда, менинг яхши фазилатларимдан бир оғиз ҳам гапирмагансан!

Афанди совуққонлик билан жавоб берди:

- Шоҳим, бу ёлғон! Фақат кечагина эмас, мен умрим бино бўлиб, сизнинг одиллигингиз ҳақида сўз бўлган ўтиришда бўлган эмасман».

Афандининг жавобига диққат қилсақ, шоҳни лаганбардорлар ва сарой ахллари, умуман, унинг ҳамтоворкларигина мақташи мумкинлигини тушуниш қийин эмас. Шу билан бирга, Афанди умр бўйи шоҳнинг адолатсизлиги, золим ва қонхўрлиги тўғрисида сұхбат кечган зиёфатларда бўлганинг ҳам тасдиқлайди.

Бунда ҳам подшоҳнинг зардали муомаласи, Афандининг эса хотиржамлик билан ҳақконий жавоб беришида бир-бирига зид икки характернинг ўзига хос бўлган хусусиятларининг очилиш жараёни билан танишамиз. Афанди сиймосида бутун ҳалқнинг фазилати, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари мужассамлашган. Подшо олдида биргина Афанди иштирок этаётгандек туғолса-да, унинг заҳарханда жавобидан ҳалқ овози, ҳалқ мақсади эшитилиб туради. Афанди ҳар қандай шароитда соф қалби, юрак амри билан иш тутади. У иштирок этган йиғинларда шоҳлар мақталмайди, балки қораланади, лаънатланади. Саройда шоҳга яқин юргани билан Насриддин Афанди шоҳни ёқламайди. Шоҳ билан бўлган қулай вазиятлар, сұхбатлар, «апоқ-чапоқликлар»дан фойдаланиб, ҳалқ юрагидаги гапларни унга очик-ойдин айтиб олади. Хўжа Насриддин қаҳрамон бўлган латифалар мазмунига ана шундай руҳ сингдирилган.

Ҳалқ қаҳрамонининг феъл-атвори, хатти-харакати латифада ифодаланган ғоя билан чамбарчас боғлик. Латифалардаги воқеалар эса ҳалқ руҳини, орзу-умидларини, интилишларини, умуман, ҳалқ психологиясини акс эттиради. Ҳалқ ўз қаҳрамони Насриддинни машҳур бир қиёфада асрлар давомида меҳр-муҳаббат билан намуна тарзида латифаларда яратган. Шу жиҳатлари билан ҳам у типик қаҳрамондир. Латифаларнинг ижодкори ҳалқ, бадиий образ воситасида Насриддин шахсига жонлилик, бадиийлик ва ҳаётийлик баҳш этган, унга ҳалқ психологиясининг энг характерли хусусиятларини сингдириган.

Лекин бу ҳолат ҳалқ қаҳрамони Насриддин Афанди образининг индивидуал такрорланмас характерини сира инкор этмайди. Бу хушчақчақ ва самимий, ниҳоятда оддий ва ўткир зеҳнли, доно ва зийрак, ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилишда ҳеч кимга бўйсунмайдиган жасур одамни фольклордаги бошка бирор қаҳрамон билан алмаштириб бўлмайди.

Насриддин Афандининг ўзбек фольклоридаги бошқа қаҳрамонлардан фарқи шундаки, у меҳнаткаш халқнинг кундалик турмуши, ғам-ташвишларига анча яқин. Насриддин эртаклар ва қаҳрамонлик эпосидаги персонажлардан фарқли ўлароқ, сеҳрлилиқ, мўъжизакорлик, илоҳийлик сифатларидан бутунлай маҳрум, аксинча, ҳатто у айрим латифаларда дахрий тарзида тасвирланган.

Қаҳрамоннинг қандай бўлиши маълум маънода асарнинг жанр хусусиятлари билан ҳам белгиланади. Насриддиннинг ҳазил-мутойибага усталиги, меҳнаткашларга жабр-зулм келтирувчи ҳар қандай шахсларни масҳаралаб, улар устидан кулиши ва шу каби бошқа сифатларининг ҳаммаси латифанинг жанр хусусиятларига боғлик.

Насриддин Афанди ҳақидаги ҳар бир латифа ўз шаклига кўра тугуни, воқеаларининг тез ривожланиши, кульминация ва ечими, бирлаҳзада ҳал этиладиган ўзига хос конфликти билан ажралиб турувчи композицион бир бутун ва бадиий тугал асардир.

Латифа жанри қаттиқ тўқнашувлар ва қарама-қарши фикрларнинг аёвсиз курашида нозик ва ўткир ақллилик, ҳушёрлик ва ҳозиржавобликни талаб қилиш билан чекланмай, фикрлар ва конфликтли ҳолатларни юксак санъат шаклида ифодалашни ҳам тақозо этади. Насриддин образининг ҳар томонлама чуқур ва мураккаблиги ҳамма асрлар давомида санъаткорлар ва китобхонларнинг унга қизиқишлиари сўнмай келаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Бу эса фольклорда Насриддин Афанди сингари қаҳрамонни яратган ўзбек халқининг буюк даҳосини кўрсатувчи факторлардан биридир.¹

¹ Ушбу макола куйидаги манба асосида нашрга тайёрланди: Йўлдошева Ф. Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи. – Тошкент, Фан, 1979.

*Саҳодир
САРИМСОҚОВ
(1944–2007)*



Саҳодир Исокович Саримсоқов 1944 йил 1 апрелда Андижон вилюяти Шаҳриҳон шаҳрида туғилган. Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети)нинг филология факультетини битирган (1970). Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимида кичик илмий ходим (1970–76), катта илмий ходим (1976–88), етакчи илмий ходим (1988), боши илмий ходим (1989) бўлиб шилаган. Шу институтда Адабиёт назарияси бўлими мудири (1991–2007). «Кулса гул – ииғласа дур» (1983), «Юсуф ва Аҳмад» (1988), «Ўзбек халқ мақоллари» (1989), «Ўзбекские народные пословицы» (1981), «Донишманд Искандар» (1994), «Нурали» (1989), «Афанди латифалари» (1990), «Абу Муслим жангномаси» (1-китоб, 1992), «Абу Муслим жангномаси» (2-китоб, 1995) каби китобларини чоп эттирган. «Ўзбек адабиётида сажъ» (1978) «Ўзбек маросим фольклори» (1986), «Бадиийлик асослари ва мезонлари» (2004) номли рисола ва монографиялар муаллифи. 2007 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

**ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР ТИПОЛОГИЯСИ
МАСАЛАСИГА ДОИР**

Кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигига фольклор ва адабиёт муносабати масалаларига қизиқиши анча кучайди. Бу

нарса факат адабиётшуносликнинг тараққиёт даражаси билан-гина эмас, балки бадий-адабий тажрибада фольклоризмларга мурожаат этишнинг кучайғанлиги билан ҳам изоҳланади. Шунга қарамай, фольклор ва адабиёт муносабатларига доир аксарият тадқиқотларда бирёкликамалик кўзга ташланади: айрим ишларда асосий дикқат ёзма адабиёт билан боғлик муаммоларга йўналтирилиб, фольклоризмлар факат бадий восита сифатида қаралса, айримларида фольклоризмлар доираси шу даражада кенг тушуниладики, натижада индивидуал ижодкор маҳорати фольклоризм соясида қолиб кетади. Фольклор ва адабиёт муносабатларини тўғри ҳал этиш учун бу муносабатларнинг кўринишилари, ҳар бир кўринишнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ҳаракатлантирувчи қонуниятлар ва бу қонуниятларнинг эволюцияси каби масалалар конкрет ҳал килинмоги лозим.

Адабиёт тараққиётининг барча босқичларида [...] фольклоризмларнинг тутган ўрни катта. Шундай экан, фольклоризм тушунчаси, унинг доираси қандай белгиланади?

Маълумки, фольклор ва адабиёт муносабати ўз характери жихатидан икки хилдир.¹ Булар а) фольклор ва адабиёт ўртасидағи генетик (бевосита) алоқадорлик; б) ҳар иккисининг билвосита – фольклоризмлар орқали алоқаси. Агар фольклоризмлар орқали алоқадорлик индивидуал ижодкор томонидан фольклор материаллари ёки фольклорга хос поэтик воситаларни онгли тарзда – изчил ғоявий-бадий мақсадларда қўлланиши орқали амалга ошиб, ҳаммавақт фольклор ва адабиёт муносабатларини тадқиқ қилувчиларга конкрет фактлар асосида фикр юритишга имкон берса, генетик алоқадорлик бунинг аксиdir. Унда вокеликни бадий образлар воситасида акс эттириш соҳасида сўз санъатининг икки типи ўртасидаги тажриба алмашиниш хусусида сўз юритилиши лозим. Оғзаки ижоднинг нисбатан қадимийлиги бу тажрибаларнинг кўпроқ фольклордан ёзма адабиётга ўтганлигини кўрсатади. Бироқ ёзма адабиёт томонидан қабул қилинган ҳар қандай тажриба кўп йиллик адабий ижодий жараёнда шу даражада ривожлантирилиб, шу кадар ўзлашиб кетдики, ҳозир ана

¹ Емельянов Л. И. Методологические вопросы фольклористики. – Л.: Наука, 1978. – стр. 171–197.

шундай «адабиётлашган» тажрибаларни фольклоризм доирасига киритишга мутлақо асос йўқ. Шунинг учун ҳам рус фольклоршуноси Л. И. Емельянов фольклор ва адабиёт ўртасидаги генетик алоқадорлик масаласи фақат назарий жиҳатдан ҳал қилинмоғи лозим деганда, тўла ҳақли эди.¹

Фольклор ва адабиёт ўртасидаги генетик алоқадорлик масаласи маҳсус тадқиқот обьекти бўлганлиги сабабли мазкур мақолада фақат билвосита алоқадорликни таъминловчи воситалар – фольклоризмлар типологияси масаласига тўхталамиз, холос.

Ўзбек маданиятининг ривожида фольклорнинг тутган ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Чунки фольклор ҳар бир ҳалқ маданиятининг таркибий қисмларидан бири сифатида ҳаммавақт муҳим ғоявий-бадиий функция бажариб келган ва бу функция маданиятимизнинг барча соҳаси юксак профессионаллашган ҳозирги ҳолатида ҳам ўзининг белгиловчилик ролини йўқотган эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, фольклор воқеликни ҳалқчил шаклда мукаммал акс эттириш хусусияти билан ҳақиқий ижодкорга кенг имкониятлар яратиб беради. Бинобарин, ўзбек адабиётининг барча тараққиёт босқичларида фольклоризмларга мурожаат этиб келинганлигини кўрамиз. Бундан маълум бўладики, фольклоризмлар фольклор ва адабиёт муносабатларини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Бироқ шу кунга қадар фольклор ва адабиёт муносабатларига оид ишларнинг аксариятида «фольклор» ҳамда «фольклоризм» тушунчалари тенг тушунча сифатида қўлланилиб келинади, ҳолбуки, улар бир-бирларидан кескин фарқ қиласди.

Маълумки, оғзаки адабий-тарихий жараёндаги табиий ижодий акт фольклор маҳсулини юзага келтиради. Аммо бу маҳсул ўз-ўзидан фольклоризм ҳисобланавермайди. Рус фольклоршуноси К. В. Чистов ифодасига кўра, фольклор воқеликни акс эттиришдаги «биринчи шакл», фольклоризм эса «иккинчи шакл»dir.² К. В. Чистовнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни

¹ Ўша асар. – 279-бет.

² Қаранг: Чистов К. В. Проблема «вторичных форм» в фольклористике и этнографии // Расы и народы. V. – М., 1975. – стр. 32–41; Яна ўша. Фольклор и культура этноса // Этнография. – 1979. – №4. – стр. 3–11.

алоҳида таъкидлаймиз. Ҳар қандай фольклор махсули фольклоризм хисобланмайди. Шунинг учун бу атамани фақат у ёки бу санъат тури томонидан қўлланилган фольклор махсулига, фольклорга хос бадиий-тасвирий воситаларга нисбатан қўллаш маъқулдир. Фольклор мустақил санъат тури сифатида ўзига хос табиий ижодий акт, жонли яшаш ва оммалашиш тарзига эга. Бинобарин, бундай типологик ижод тури ўз-ўзидан профессионал санъатнинг бошқа турлари билан муносабатга кириша олмайди. Унинг ижод махсулидан профессионал ижодкор ўз мақсади, кизиқиши ва билим доирасига яраша фойдаланади. Демак, бирор ижодкор асарига бирор мақсад билан киритилган фольклорга хос барча материални фольклор деб эмас, балки фольклоризм атамаси билан юритиш лозим, чунки унга ижодкор томонидан муайян бир «ишлов» берилган бўлади.

Фольклоризм атамаси профессионал санъаткор томонидан замонавий санъат ва адабиётга олиб кирилган фольклор материалининг табиатини жуда аниқ ифодалайди. Чунки ёзма адабиёт ёки бошқа санъат турлари таркибидаги фольклорга оид барча материал энди ўзининг табиий равишдаги яратилиши, жонли яшashi ва функция бажаришидан иборат бўлмай, балки ўша материалнинг профессионал ижодкор томонидан, биринчи навбатда, давр талаби, қолаверса, унинг ижод манераси ва услуби кабилар билан боғлиқ ҳолда ижодий мақсади асосида изчил йўналтирилган, иккинчи марта жонлантирилган шаклидан иборат. Иккинчи жонланиш, бошқача айтганда, қайта жонланиш ва функция бажариш эса доимо фольклоризмларнинг биринчи табиий яратилиш ҳамда функция бажаришидан маълум даражада фарқланиб туради. Шу жиҳатдан қаралса, ёзма адабиёт таркибида фольклор йўқ, балки фольклоризмлар мавжуд деб хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбек адабиётшунослигига «фольклор» ва «фольклоризм» тушунчалари изчил фарқланмаганлиги сабабли фольклоризмлар типологияси чукур ўрганилмай келинади. Фольклоризмлар табиатини чукур тадқик этиш уларга хос типология масаласини ойдинлаштиришдан бошланмоғи лозим. Бу нарса, ўз навбатида, фольклор ва адабиёт муносабатининг ҳам тарихий тадрижи, ҳам

у ёки бу давр учун хос бўлган характеристини белгилашга, умуман, бу муносабатларнинг актив ёки пассив кўринишларини тўғри белгилашга имкон беради.

Фольклоризмлар типологиясини белгилашга уриниш 70-йилларнинг бошларида бошланди. Аммо ҳозирга кадар у кутилган натижа берганича йўқ. Шундай уринишлардан бири сифатида фольклорист О. Собировнинг «Ўзбек адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари»¹ мақоласини келтириш мумкин.

Мақола муаллифи «фольклоризм» атамаси ўрнига «фольклор анъанаси» каби ўта умумий атамани қўлладиди, «фольклор анъаналари» атамаси, айни пайтда, «фольклоризм» тушунчаси доирасига кирмайдиган кенгроқ тушунчаларни ҳам ўз ичида қамраб олади. Агар «фольклор анъаналари» атамасига фольклор ва адабиёт муносабатларининг икки типи нуқтаи назаридан ёндашсак, у ўзида ҳам бевосита, ҳам билвосита алоқадорликни мужассамлаштиради. Бир мақола доирасида бу икки тип алоқадорлик масаласини ҳал этиш мумкин эмас. Мақолада эса ҳар икки алоқадорликка оид масалалар хусусида аралаш-қуралаш фикр юритилган. Фольклор ва адабиёт муносабатлари ҳакида бундай пала-партиш фикр юритиш эса масалани ойдинлаштиришдан кўра уни тобора чалкашликка олиб келади. Бундан ташқари, О. Собиров «фольклор» ва «фольклоризм» тушунчаларини фарқлай олмаган. Оқибатда «Ўзбек адабиётида фольклор» бирикмасини бемалол қўлладиди. Ҳолбуки, адабиёт таркибида ҳеч қачон фольклор бўлган эмас ва бўла олмайди ҳам. Адабиёт таркибидаги фольклор материали эса «фольклор» эмас, «фольклоризм»дир.

О. Собиров «фольклор ва фольклор анъаналаридан» фойдаланишнинг беш хил шаклини кўрсатади.² Бу шакллар фольклоризмлар типологияси масаласи билан алоқадорми ёки йўқми, деган қонуний савол туғилади. Мақола муаллифининг кўрсатишича, юқоридаги беш шакл «Ўзбек адабиётида фольклор наму-

¹ Қаранг: Собиров О. Ўзбек адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари // Ўзбек фольклори масалалари. Тадқикотлар. – Тошкент: Фан, 1970. – 125–143-бетлар.

² Ўша манба. – 142–143-бетлар.

налари ва тажрибаларини ўзлаштириш, фольклор анъаналарини изчил давом эттириш»нинг конкрет кўринишларидан иборат. Маълум бўладики, мақолада фольклоризмлар типологияси масаласи конкрет тарзда эмас, балки жуда ҳам умумий, айни пайтда, мавхум тарзда қўйилган ва ҳал этилган. Бу ҳолда иш кўриш ҳеч қачон фан учун фойдали хулоса бера олган эмас. Шу нуктаи назардан мақоладаги асосий хулосага аҳамият берсак, унда бошдан-оёқ ўзбек адаби ва шоирлари фольклор анъаналаридан фойдаланган ҳолда ижод қилмоқдалар, деган аксиома келиб чиқади. Аксиома эса исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Хўш, фольклоризмлар типологияси О. Собиров кўрсатган «фольклор намуналари ва тажрибаларини, фольклор анъаналаринн изчил давом эттириш»нинг беш шаклига мос келадими? Бизнингча, йўқ, тўғри келмайди. Чунки у кўрсатган шаклларнинг тартибини ўзгартирмасак, биринчи шакл билан учинчиси, тўртинчиси билан бешинчиси бир-бирини такрорлайди. Фольклоризмлар типологияси эса фольклор ва адабиёт муносабатлари ҳаракат майдонининг ҳам тарихий тадрижини, ҳам ҳар бир давр учун хос бўлган структурал хоссаларини ўзида тўла акс эттиргани лозим. Демак, бундай типология фольклоризмларга хос ҳар бир элементнинг моҳиятини бир пайтнинг ўзида диахроник ва синхроник аспектларда тўлиқ ёритиш имконини беради. Қолаверса, фольклоризмлар типологияси ўзаро такрорланмас типлардан ташкил топади ва улар фольклор ҳамда адабиёт муносабатларининг барча даврларида бир-бирлари билан кесиши майдилар. Чунки коллектив ижод маҳсулиниң индивидуал ижодкорлар томонидан истифода этилишининг конкрет тарзи, характеристи ҳаммавақт услублар ранг-баранглиги билан боғлик ҳолда ўзига хослик касб этади.

Ўзбек адабиётида мавжуд фольклоризмларни структура ҳамда бадиий асар тўқимасида бажарган функцияси жиҳатидан икки типга ажратиш мумкин.

1. Оддий фольклоризмлар. Булар бирор ёзувчи ёки шоир ижодида ҳалқ мақол ва маталлари, юмуқ иборалари, оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотларнинг қўлланилишидан ташкил топади. Индивидуал ижодкорларнинг асарларида қўлланилган

фольклорга оид материалнинг бадиий асар таркибида яққол ажралиб туришига қараб бу типдаги фольклоризмлар «оддий» аниқловчиси билан юритилади. Аммо бу атамага қараб оддий фольклоризмлар қўллаш ижодкорнинг фольклор материалларидан фойдаланишдаги маҳоратининг пастлигини билдиради, деб хулоса чиқармаслик керак. Оддий фольклоризмлар ҳам ёзувчи ёки шоирнинг халқ ижодига бўлган муносабатини, унинг фольклорни тушуниш ва билиш даражаси, бу бебаҳо хазинадан ўз ижодида фойдалана олиш маҳоратини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади.

Оддий фольклоризмлар бадиий асардаги персонажлар нутқининг типиклигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Шунинг учун оддий фольклоризмлар қўллашда ижодкор вазият типиклиги меъёрини сақлай билиши лозим. Акс ҳолда, асар зўрма-зўраки тиқилган мақол ва иборалар бўтқасидан иборат бўлиб қолиши ёки фольклоризмлар етишмаслигидан тасвир қуруқ чиқиб қолиши мумкин. Оддий фольклоризмлардан фойдаланишнинг юксак намуналарини Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳхор, Саид Аҳмад кабилар намойиш қилдилар.

Ўзбек адабиётшунослигига фольклор ва адабиёт муносабатлари кўпроқ оддий фольклоризмлар доирасида тадқиқ килинмоқда.¹ Албатта, оддий фольклоризмлар ҳам фольклор ва адабиёт муносабатининг айрим жиҳатларини ёритишга, воқеликни халқ руҳига яқин қабул қилиш ва эстетик жиҳатдан баҳолаш каби масалаларда ёрқинроқ кўзга ташланади. Шунга қарамай, фольклор ва адабиёт муносабатларига доир барча масалаларни оддий фольклоризмларни тадқиқ қилиш билан ҳал этиб бўлмайди. Муайян давр адабиётининг фольклорга бўлган муносабатини белгилашда оддий фольклоризмлар билан бир қаторда мураккаб фольклоризмларнинг тутган ўрнини ҳам teng ҳисобга олиш керак бўлади. Ана шунда фольклор ва адабиёт муносабатининг коронғи томонлари кашф этилади.

II. Мураккаб фольклоризмлар. Булар ўзларининг табиати, бадиий асарда бажарган функцияларига қараб, бизнинг кузатиши-

¹ Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Тошкент: Фан, 1970; Яна ўша. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1979.

ларимизча, уч типга бўлинади. Бу уч типдан қай бирига мурожаат қилинишига қараб ижодкорнинг фольклорга бўлган муносабати, уни тушуниш даражаси ва тарзи, фольклор жанрларининг бадий имкониятларидан фойдалана олишдаги ўзига хосликлари, бу масаладаги ижодкорларнинг бир-бирлари билан типологик ўхшашлик ҳамда фарқланишлари аниқланади. Мураккаб фольклоризмларнинг қуидагича типлари мавжуд:

1. Аналитик фольклоризмлар. Аналитик фольклоризмлар асарнинг бадий тўқимаси, унинг етакчи ғояси билан органик бирикиб кета олмаслиги жиҳатдан характерланади. Ижодкор ўз асарига ўз ўрни билан фольклорга оид бирор мотив ёки сюжетни қистириб кетади ва шу орқали ўзи тасвирламоқчи бўлган эпизодга фалсафий-дидактик рух бағишлишга, тасвирнинг эмоционаллигини оширишга эришади.

Аналитик фольклоризмлар асарнинг ғоявий-тематик диапазонини кенгайтиришга кўмак беради, улар бадий асарнинг ғоявий йўналиши, тематик асослари билан уйғунликда бадий тўқимага киритилсалар ҳам, бироқ бу боғлиқлик органик алоқадорлик даражасига кўтарила олмайди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўлмас Ўмарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романидаги фольклоризмларни кўрсатиш мумкин. Асар бошида келтирилган шоҳ Муслим ҳақидаги ривоят ғояси билан романда илгари сурилган ғоя ўртасидаги рамзий алоқадорлик мавжуд. Шунга қарамай, бу фольклоризм роман тўқимаси таркибига сингишиб кета олмаган. Унинг романдаги асосий функцияси бош ғояни қабартириб ифодалаш, унга рамзий-фалсафий рух бағишлишдан иборат.

Романда аналитик фольклоризмлардан яна икки ўринда фойдаланилган. УларFaфуржон aka айтиб юрадиган хунар туфайли ўлимдан омон қолиб, инсон гўшти билан савдо қилувчи разил кабоббурушлар тўдасини йўқ қилган Фиръавн ҳамда най чалиш санъати туфайли аждар комидан қутулиб чиқсан чўпон ҳақидаги эртаклардир. Бу икки фольклоризм ҳам асарнинг бош ғояси билан узвий алоқадорликка эга эмас. Аммо улар Faфуржон aka шахсиятига, унинг эътиқодига хос муҳим инсоний хислатларни таъкидлаш ва шу орқали романдаги меҳнатсеварлик, касб-хунар

эгаллаш ҳақидаги олижаноб ғояларни фалсафий-дидактик руҳда тасвирлашга хизмат қиладилар.

Аналитик фольклоризмларнинг ҳозирги адабиётимиздаги гўзал намуналари Асқад Мухторнинг «Чинор» романида мавжуд. Ёзувчи ҳар бир қисса ёки ҳикоятни бошлишдан олдин ўша қисса ёки ҳикоятнинг мазмунига уйғун бир ривоят келтиради. Улардаги чуқур ҳикмат ўқувчини роман воқеаларига олиб киришга, асарнинг ғоявий асосини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Аналитик фольклоризмлар ижодкорларнинг шахсий услуби, уларнинг маҳорати билан боғлиқ ҳолда ранг-баранг шаклларда, турли даражада адабиётимизнинг деярли барча тараққиёт босқичларида учрайди. Уларнинг мавқеи, айниқса, классик адабиётда сезиларлидир. Алишер Навоийнинг биргина «Ҳайратул-аброр» достонидаги фольклоризмлар ёки «Маҳбубул-қуслуб» каби фалсафий-дидактик асарида бирор масаланинг моҳиятини ёрқинрок, таъсирчанроқ баён қилиш мақсадида келтирилган кичик-кичик ҳикоялар шулар жумласидандир.

Аналитик фольклоризмларнинг шакли масаласига келгандан шуни айтиш керакки, улар ижодкорнинг мақсади, услуби, фольклор материалини билиш даражаси билан боғлиқ ҳолда бадиий асар таркибида икки хил шаклда учрайди: а) фольклоризм ўзининг фольклордагидек тўлиқ шаклида; б) фольклоризм мазмунан сақланса ҳам, бироқ шаклан ўзгартирилган, кўпинча, қисқартирилган, ишлов берилган ҳолда келтирилади. Ҳар икки шаклда ҳам улар асар ғоясининг тўлиқроқ ифодаланишига хизмат қилади.

Хуллас, аналитик фольклоризмлар қўллаш анъанаси ўзбек адабиётига классик адабиётимиздан ўтиб, ҳозирги кунда давр талаби, адаб ва шоирларимизнинг маҳорати билан боғлиқ бадиий-ижодий амалиётимизда кенг қўлланилиб келмоқда.

2. Синтезлашган фольклоризмлар. Бу асарнинг бадиий тўқимасини, унинг ғоявий-тематик асосларини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ижодкордан фольклор жанрларининг етакчи хусусиятларини, уларнинг поэтик имкониятларини, энг муҳими, фольклор асарларининг асрлар давомида ўлмаслигини таъминловчи етакчи инсоний ғояларни

түғри илғаб олиш ва уларни ўз даврининг муҳим муаммолари билан боғлай олишни талаб этади. Бинобарин, синтезлашган фольклоризмлар асосида яратилган асарларнинг поэтик табиати, ғоявий-тематик доираси бевосита фольклор рухи билан суғорилган бўлади. Бундай фольклоризмлар табиатини аниқ тасаввур қилиш учун Омон Матжоннинг «Ҳаққуш қичқириғи» асарига мурожаат қиласиз.

«Ҳаққуш қичқириғи»да келтирилган барча ривоят, афсоналар бир мақсад – давримизнинг долзарб масалалари бўлмиш Ватанга муҳаббат, дўстлик, тинч-тотув яшаш, баҳт учун кураш каби инсоният бутун тарихи давомида интилиб келган боқий мавзуларга йўналтирилган. Бу мавзулар янги давр талаблари билаи йўғрилганлиги сабабли асар ўзига хос оригиналлик касб этган.

Омон Матжон асарида кўхна Хоразм афсоналаридан бирининг мазмунини келтиради, аммо унинг мазмунини шундайича эмас, балки афсонанинг рационал мағзини яқин ўтмишимиз билан боғлаб келтиради: тонг отишидан бироз олдинроқ осмондаги юлдузлар, боғлар орасидан шарқираб оқадиган сой, баланд тेракларнинг учига миниб олган ой – борингки, бутун мавжудот бир неча дақиқа сокинлик оғушида муаллақ туриб қолар эмиш. Ана шу пайтда ҳаққуш деган қуш қичқириармиш. У қичқирган пайтда сокинлик сақланса, замон тинч, одамлар фаровон яшар эмишлар. Қариялар тонг отишидан олдинги мана шу пайтни интизорлик билан кутганлар, сокинлик қаъридан, боғлар ортидан янграйдиган ҳаққуш қичқиригини эшитгач, қалблари қувончга тўлган одамлар «шукр» қилишиб, хотиржам тонгти уйқунинг лаззатига чўмганлар.

Ҳаққуш қичқириғи ҳақидаги ишонч ва эътиқод нафақат Хоразм, балки бутун ўзбек ҳалқига хос муқаддас эътиқод бўлиб, тинчлик ва баҳт қуши ҳақидаги ҳалқимизнинг эзгу ишонч ва интилишларини даврнинг етакчи муаммоларига боғлаган ҳолда асар тўқимасига олиб кириш ижодкордан фольклор материалларини зукколик билан синтез қила олиш иқтидорини талаб этади [...]. Демак, О. Матжоннинг китоб номини «Ҳаққуш қичқириғи» деб аташи ҳам бежиз эмас. У тинчликсевар ҳалқининг фарзанди

сифатида давримизнинг ягона муаммосига халқ эътиқоди орқали жавоб бермоқда.

Шоир афсонанинг рационал мағзига янада конкретлик бағишлиш учун унга кичик бир тарихий деталь киритади. Аллаким ҳақкуш қичкирган пайтда уни отиб оламан, лекин ҳеч нима бўлмайди, деб қушга қаратса ўқ узади. Ўша пайт 1941 йилнинг 22 июнь тонгти экан. Маълум бўладики, бу деталь чукур рамзий характерга эга. Барча мавжудот сокинлик оғушида ором олаётган бир пайтда фақат разил, худбин кишиларгина бу сокинликни бузадилар. Албатта, халқимизнинг муқаддас эътиқодини ифодаловчи бу афсонага шоир томонидан қўшилган кичик бир тарихий изоҳ фольклоризмнинг бадиий қимматига, унинг эмоционал жиҳатларига заррача салбий таъсир кўрсатганий йўқ. Аксинча, бу деталь халқ эътиқод ва ишончининг асрлар оша ўлмаслигини яна бир карра намойиш қилган.

Бу жиҳатдан асарнинг «Руҳлар» қисми дикқатга сазовордир. Унда руҳ билан боғлиқ конкрет бир афсонага таянилмай, балки ўзбек халқининг умуман руҳлар ҳақидаги анимистик қарашларини ифодаловчи жуда кўп афсона ва ривоятларининг моҳияти синтез қилиб берилган.

Китобнинг бу қисмida жамиятимиздаги ҳар бир шахснинг Ватан, халқ, қолаверса, бутун башарият олдидаги инсоний бурчига лоқайд қараб турмаслиги лозим деган гоя илгари сурилган. Унда ҳикоя қилинишича, руҳ қабристондан чиқиб, бир йўловчининг таниши қиёфасига кириб, ундан қаёққа кетаётганлигини сўрайди. Йўловчи таниши қиёфасидаги руҳга қараб, «Йўлдан кўйма, Мамарайимга бир кўрсатиб қўяй. Унинг гапи тўгрими, ё меники? Каллани ишлатиш керак, каллани», – деб ўтиб кетади. Буни кўрган руҳ одамлар ўз орзулари, ўз сўзлари учун курашаётган эканлар, бу яхши, деб хотиржам ўз маконига қайтади. Бир қанча вақт ўтгач, руҳ иккинчи бир йўловчи қаршисидан чиқиб, ундан қаёққа кетаётганлигини сўрайди. Аммо у шахс қайрилиб ҳам қарамайди: «сен менга тегма, мен сенга тегмай» дегандек лоқайд кетаверади. Одамлар ўртасида бундай лоқайдлик кучайганидан ларзага келган руҳ қабристонга келиб: «Ўликлар! Ернинг юзи ҳам ўзимизга қолибди!» – деб қичкиради. Кўриниб

турибдики, бу асарда ҳам катта ғоя бор. Инсоният тақдири, жамият тараққиёти учун курашда локайд қараб турадиган шахсијатпарастларни шоир ўликлар каторига қўшадики, бу шоирнинг фольклор асарларига хос бўлган юксак ғояларни нозик синтез қила билганлигидан далолат беради.

Демак, синтезлашган фольклоризмлар асосида яратилган асарда ҳалқ эътиоди, унинг даҳоси яратган дурдоналарнинг рационал магзи ижодкор гояси, унинг эстетик принциплари, давр талаби ва муаммолари билан шу қадар киришиб, уйғунлашиб кетган бўладики, аксарият ҳолларда уларнинг чегарасини белгилаш мумкин эмас.

Синтезлашган фольклоризмлар асосида асар яратиш анъансининг илдизлари ҳам бизнинг адабиётимизда анча қадимийдир. Бу анъана Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалқлари адабиётининг барқарор анъаналари бўлиб, у Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мавлоно Али Сафий, Хожа, Мирзо Абдулқодир Бедил, Машраб каби буюк намояндалари ижодида камол топгандир [...].

3. **Стилизация характеридаги фольклоризмлар** ўз характеристи жиҳатидан иккига бўлинади: а) ижобий характердаги стилизация асосида юзага келган фольклоризмлар. Бу типдаги фольклоризмлар, асосан, фольклор материалларининг ҳам гоявий, ҳам мазмуний жиҳатларига тўлиқ таянган ҳолда уларни янги шаклда қайтадан ишлов бериш туфайли юзага келади. Фольклор асарларидаги ўлмас ғояларни ҳалқ оммасига янада кенгроқ ёйиш, улар орқали ҳалқнинг ахлоқий, эстетик талабларини тўлароқ қондириш эҳтиёжи, ижодкорнинг шахсий майли ва услуби талаблари асосида ижобий характердаги стилизация фольклоризмлари яратилади. Бу жиҳатдан Ҳ. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ», Султон Жўранинг «Зангори гилам», Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра», Комил Яшиннинг «Равшан ва Зулхумор» каби асарлари дикқатга сазовордир; б) салбий характердаги стилизация асосида юзага келган фольклоризмлар. Бу тип фольклоризмлар асосида яратилган асарларда, асосан, замонавий мавзулар қаламга олинса-да, бироқ улар традицион фольклорга хос тасвир воситалари, хулласки, шаклий компонентлар воситасида

тасвирланади. Традицион фольклорга хос тасвир восита ва усулларининг янги воқеликни бутун қирралари ҳамда мураккаблиги билан акс эттиришга кодир эмаслиги фольклор асарларининг шаклий компонентларига тақлид қилиш асосида юзага келган ҳар кандай стилизацияни муваффакиятсизликка олиб келади. Ёзма адабиётдаги жанрлар табиатида туб бурилишлар юз берди, реалистик тасвир – социал-психологик детерминизм кучайди, натижада аксарият ҳолларда фольклор асарларининг шаклий жиҳатларига стилизация қилиш ҳозирги адабий-бадиий тажрибада муваффакиятсизликка учрамоқда. Бу нарса фольклоризм масаласида ҳам шакл ва мазмун мутаносиблиги қонунига тўла риоя қилиш лозимлигини яна бир карра исботлайди.

Қисқача шуни айтиш керакки, юқорида кўрсатилган фольклоризмларнинг ҳар бир типи адабий тур ва жанрларга нисбатан турлича хосланишларга эга. Масалан, оддий фольклоризмлар деярли барча адабий тур ва жанрларда қўллаш учун қулийларни билан ажralиб туради. Мураккаб фольклоризмлар таркибига кирувчи аналитик фольклоризмлар, асосан, эпик жанрларда қўлланишга мос бўлиб, лирик жанрлар табиати бу типдаги фольклоризмларни кўтара олмайди. Синтезлашган фольклоризмлар эса ҳам эпик, ҳам лирик, ҳам драматик турларга хос жанрларда қўллашга қулийлиги билан ажralиб турадилар; ижобий стилизация асосида юзага келувчи фольклоризмлар эса ҳозир, асосан, болалар адабиётида кенг қўлланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиганда, ўзбек адабиётидаги фольклоризмлар типологияси, ҳар бир типнинг генезиси, эволюцияси ва ҳозирги ҳолатини аниқ илмий далиллар асосида очиб бериш келгусида катта тадқиқотларнинг объекти ҳисобланади.¹

¹ Макола «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1980 йил 4-сонидан (37–45-бетлар) олиб босилди.

*Худойберган
ЭГАМОВ
(1944–2000)*



Худойберган Эгамов 1944 йил 5 ноябрда Қорақалпогистон Республикасининг Беруний туманида туғилган. Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)ни битирган (1970). 1964–1966 йилларда армия сафида хизмат қилган. «Ўқитувчи» нашириётида муҳаррир, катта муҳаррир бўлиб ишлаган (1970–75). Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият олиб борган (1975–2000). «Туркий халқлар эртакчилик анъаналарининг типологияси ва ўзаро алоқалари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган (1988). Туркий халқлар эртакларини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиши, қардоши халқлар эртакчилик анъаналарининг қадимий асослари, уларнинг ўзаро алоқалари ва ривожланishi тамойиллари, эртаклар типологияси ва миллий ўзига хослиги, эпик сюжет, мотив ва образлар генезиси масалаларини тадқиқ этган. «Сайёр сюжетлар» (1979), «Фольклор асарлари типологияси» (1979), «Ранг-баранг олам» (1979), «Туркий халқлар эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар» (1982), «Туркий халқлар эртакларининг ўзига хос ҳусусиятлари ва таснифи» (1986), «Фольклор ва этнография» (1986, ҳамк.) каби илмий асарлар муаллифи. 2000 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

МОТИВ ВА СЮЖЕТ

Туркий халқлар сехрли-фантастик эртаклари тематикаси, мотив ва сюжетлари жиҳатдан хилма-хил бўлиб, келиб чиқиши, генезисига кўра энг қадимги даврларга мансубдир. Замирида қадимги аждодларимизнинг табиат дунёсида турли ғайритабиий кучлар мавжудлиги хусусидаги тушунчалар, тасаввурлари ётган мазкур эртакларнинг кишилар ҳали дунё мўъжизалари ҳақида деярли кам тасаввурга эга бўлган даврларда юзага келганлиги олимларимиз томонидан исботлаб берилган. Олам ҳақида тасаввури саёз қадимги Ўрта Осиё халқлари томонидан яратилган мана шу эртакларда уларнинг эзгулик, ахлоқ ва одоб, дўстлик, биродарлик каби гуманистик туйғулари, олижаноб фикрлари ўз ифодасини топган. Эртаклардаги ҳаётбахш фантастика, сехрли қаҳрамонларнинг мўъжизакор кучи, фаолияти, келажак ҳақидаги орзулари ундаги ёвуз кучларга қарши курашга йўналтирилган. Шу сабабдан эртакларда доим яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси ижобий тарзда ёрқин бўй кўрсатиб туради. Бу халқимизнинг ўз фарзандларининг келажагига бўлган ишончи юксак бўлганини кўрсатади. Ўрта Осиё халқлари сехрли-фантастик эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари ранг-баранг бўлиб, улардан бири ундаги шартлиликнинг мавжудлигидир. Яъни воқеаларда фантастик образлар, турли зотларнинг, қатнашиши, одамнинг ҳайвонга ёки аксинча, ҳайвоннинг одамга айланиши, қаҳрамоннинг мўъжизавий туғилиши, табиатнинг қаҳрамон тақдирини ҳал қилишда иштироки ва бошқалар.

Ўрта Осиё халқлари эртак эпоси кўпгина жаҳон халқлари эртакларига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Шундай хусусиятлардан бири уларнинг жанр жиҳатдан бошқа эпик жанрлар билан ўзаро яқинлик (синкетиклик) хусусиятидир. Агар диққат қилсак, юқорида эслатиб ўтганимиздай аксарият эртаклар сюжет ва мотивлари замирида бир қатор достонларнинг («Ширин билан Шакар», «Хуршидой», «Эрали билан Шерали», «Тоҳир ва Зухра», «Саёд ва Хамро», «Шоҳсанам ва Фарид», «Наджепўғлон», «Гулнор пари», «Зевархон» ва х.к.) вужудга келганлиги, ёки аксинча, эртаклардаги баҳодирлик,

қаҳрамонлик тасвири достонлардаги мотивларга жуда яқин туриши фикримизни тасдиқлайды.

Эртакларда меҳнаткаш халқ ахлиниң дунёқараши, психологияси, урф-одат, интилишлари бадий тарзда, фантастик либосида берилган бўлиб, бошланишиданоқ кутилган мақсаднинг аниқ берилиши, уйдирма воқеаларнинг сехрли усулда баён этилиши, мотивларининг ранг-баранглиги, конкретлилиги билан ажralиб туради. Чунки мазкур халқлар эртакларида олдиндан ўйлаб кўйилган (уйдирма воқеалар) мақсад асосий ўринни эгаллайди ва ундаги барча образлар, воситалар шу мақсаднинг ечилишига қаратилган бўлади. Эртак айтувчи асар қаҳрамонларини, мотив ва тасвирий воситаларини ўз истаги, ниятига караб тасвир этади. У қаҳрамонларни олдин ўйлаб кўйган воқеаларга рўбарў килиб, эртак мотивларини шу қаҳрамон фаолияти, характер мантиғига мос ижро этади. Сехрли-фантастик эртаклар табиати ҳаётий воқеаларни қандай бўлса шундайлигича ўзгаришсиз эмас, балки ўзига хос, бадий тарзда ифодалашни тақозо этади. Фантастика ва уйдирмалар эса халқнинг ҳаёт ҳақидаги орзуларидан келиб чиккан ҳаётбахш восита бўлиб, ижрочи учун зарур бўлган ифода формаси ҳисобланади. Шу жиҳатдан сехрли фантастик эртаклар сюжетини ташкил этувчи айрим мотивларнинг мифлардан ўзлаштирилганлиги, кейинги даврларда янгидан-янги функцияларнинг синдирганлиги, гайритабиий кучларнинг инсонлар устидан маълум даражада ҳомийлик килиши, кишилар ҳаётининг маълум томонларини бошқариши, шунингдек мазкур эртакларда инсон ва табиат муносабати мураккабликларини акс эттирилганлигини эртаклар оиласида сехрли-фантастик эртакларнинг энг кадимилигини кўрсатади. Фольклористикада туркий халқлар, жумладан, ўзбек сехрли-фантастик эртакларининг морфологияси (тузилиши) ҳанузгача жиддий ўрганилмаган, қиёсий-типологик таҳлилга муҳтож бўлган ва ўз тадқиқотчисини кутаётган актуал проблемалардан биридир.

Айниқса, эртаклардаги хилма-хил мотивлар унинг сюжет қурилишида қолипловчи, зарур ўринлардан бирини ташкил этади. Эртак қаҳрамонларининг уч йўлга (борса келмас, борса келар, ё келар, ё келмас) қараб ажralиб кетишлари, кенжа бо-

тирнинг (ўғил) нуроний чолга (ёки Хизр) учраши, жодугар кампир ёки девлар билан олишиб уларни енгиб, сехрли буюмларни кўлга киритиши каби қатор воқеаларни кўрамиз. Шунингдек, қаҳрамоннинг аждар, дев, тимсоҳ ва бошқа ёвуз кучлар билан курашининг гувоҳи бўламиз. Эртаклар сюжетидаги бу каби кўплаб учрайдиган воқеалар тасвири мотивлардир. Эртаклар сюжети эса ана шу мотивлар уюшмасидан ташкил топади.

Ҳар бир эртак қатор мотивлар занжиридан тузилган. Масалан, богда олманинг ўғриланиши, оға-иниларнинг уни излаб сафарга жўнаши, қаҳрамоннинг акалари томонидан таъқиб қилиниши, душманлик, девлар қўлидаги бандиларни озод қилиш, уларни ер юзига чиқариш, қаландарнинг фарзандсиз аёлларга олма бериши, олма еб уларнинг бола кўришлари, отанинг ўз ўғлига от тақдим этиши, от уни истаган ерига олиб бориши, сехрли най йигитнинг айтганларини бажариши, узукнинг қаҳрамон хоҳишларини бажариши ва ҳоказо. Булар эртаклар сюжетини юзага келтирувчи хилма-хил мотивлардир.

Ўрта Осиё туркий халқлари, хусусан, ўзбек сехрли-фантастик эртакларини мотивлари бўйича тубандагича тасниф қилиш мумкин:

- а) оригинал мотивли эртаклар (бир халқ ичидаги, бошқа халқларда учрамайдиган);
- б) бошқа жанрлардаги мотивлар билан синкретлашган мотивли эртаклар;
- в) айнан ўхшаш ёки ўзлаштирма мотивли эртаклар;
- г) имитацион мотивли эртаклар;
- д) трансформацияга учраган мотивли эртаклар (қайта ишланган, ўзлаштирилган мотивлар).

Эртаклар мотивларини бир халқ ёки халқаро тарзда тадқиқ қилиш проблеманинг қандай қўйилиши, ўрганиш обьекти ва тадқиқотчининг мақсадига боялинидир. Тадқиқотга оригинал, синкретлашган, қайтарма, имитацион, трансформацияга учраган каби мотивларни бир халқ (масалан, ўзбек) бир тил оиласига мансуб бўлган бир неча халқлар (туркман, озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ) ёки тилларида тафовутлари бўлган (туркий, эрон, монгол) бошқа халқлар эртаклари асосида олиб ўрганиш

мумкин. Бу проблемалар, энг аввало, мотив ва сюжет талқини, уларнинг ўзаро муносабати, мотивнинг эртак сюжетида тутган ўрни, вазифаси каби проблемаларни атрофлича ёритишни тақозо этади.

«Мотив сюжетни вужудга келтиради, у сюжетлар системасининг элементидир, – дейди фольклоршунос Б. Н. Путилов. – Мотив системалар таркибида маълум бир вазифани бажаради, шу ерда у ўзининг аниқ ўрнига эга, шу ерда унинг конкрет мазмуни очилади». Агар биз шу фикр асосида ўзбек халқ эртаги «Шаҳзода Баҳодир»да қаҳрамоннинг тушида бир қиздан шапалоқ ейишини мотив деб қарайдиган бўлсак, унда ҳали маълум бир тугал вазифа адо этилмаганини, ҳали у конкрет бир мазмунга эга бўлмаганини кўрамиз. Туш кўриш мотиви келгуси мотивнинг юзага келишини тақозо этгандагина, у билан мантиқан боғланиб изчил давом этгандагина конкрет мазмун касб этади. Яъни юқоридаги эртакда шаҳзоданинг тушида кўрган қизни қандай излаб топиши йўлида қилган ҳаракати билангина унинг «конкрет мазмуни» очилади. Шу сабабли алоҳида олинган айрим-айрим ҳаракатлар, воқеалар мотив бўлавермайди. Мотив аниқ ўринга, конкрет мазмунга эга бўлади, маълум бир функцияни бажариб, бошқа мотивлар билан бирга изчил боғланиб қолади. Бу хусусиятлар мотивларни бир-биридан ажратишга, фарқлашта ҳам имкон беради.

Шуни айтиш керакки, мотивлар конкрет бир давр таъсирида вужудга келади ва аста-секин ўзгариб, бойиб боради. Сюжет эса «мотивлар комбинацияси» (А. Н. Веселовский) сифатида «Мурракаб схема каби бир қатор мотивлардан тузилган» (Б. Н. Путилов) ҳолда улар акс эттирган бутун даврлар умумлашмасини ўз ичига қамраб олади. Демак, мотив – маълум бир даврнинг маҳсули, сюжет эса боскичлар аксини топган бутун мотивлар комбинациясининг умумлашмасидир.

Шундай эртаклар ҳам учрайдики, улар ҳажм ва тасвир жиҳатидан эртак жанридан кўра бошқа кичик фольклор жанрларига афсона, латифа, ҳангомаларга жуда яқин туради. Қозок халқ эртаги «Шоҳли хон», ўзбек халқ эртаги «Шоҳли Искандар», «Хўроз ва фил» эртаклари худди битта мотивдан иборатдек кўринади. Шунинг учун бўлса керак фольклоршунос F. Жало-

лов ўзининг «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» асарида «Шоҳли Искандар» эртагининг сюжетини мотив сифатида келтиради, шунингдек «Арпапольвон», «Хусанжон» эртакларини эса «Оригинал сюжетли эртак» тариқасида талқин қилади.

Мотивларниң функцияси жиҳатдан классификация қилган фольклоршунос олим Б. Н. Путилов «Мотив сюжетни вужудга келтирүвчи элемент» деган мақоласида эпик мотивларни: мотив – ситуация, нутқ – мотив, мотив – ҳаракат, тасвир – мотив, мотив – характеристикасига ажратади. У бу кўрсатилган мотивлар ичида мотив – ситуация, нутқ – мотив, мотив – ҳаракатларни биринчи ўринга қўйиб, қолганлари бевосита юқоридаги мотивларга қўшилиб, уларни тўлдириб келишини айтади. Олим мотив – ситуация деб сюжетнинг ҳали ҳаракатсиз, қаҳрамоннинг актив фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган, экспозицион характерга эга бўлган ва асосий сюжет коллизиясигача бўлган даврини назарда тутади. Нутқ – мотив эса подшонинг буйруғи билан ёки бирорнинг чақимчилиги, хабари билан ёки туш таъбири туфайли қаҳрамоннинг актив фаолиятга киришишидир. Ҳаракат-мотивга қаҳрамоннинг бевосита актив фаолияти, сафарга чиқиши, мусобақаларда қатнашуви, ҳар хил тўқнашувлари, курашлари киради. Агар «Шоҳли Искандар» номли ўзбек эртагини кузатсан, Б. Н. Путилов ажратиб кўрсатган уч хил мотивнинг барчаси мавжудлиги кўзга ташланади. Қадимги замонда Искандар исмли шоҳнинг бўлганлиги, унинг барча сартарошларни сочини олдиргандан сўнг ўлимга хукм қилиши мотив-ситуацияни эслатади. Искандарнинг қари сартарошга сочини олишга буюриши ва агар шоҳим борлигини айтмасанг, ўлдирмайман, деб шарт қўйиши эса нутқ-мотивдир. Кекса сартарош Искандарга сирни сақлаш тўғрисида сўз беради. Аммо Искандарнинг шоҳи борлиги унга тинчлик бермайди. Сирни очмаса, кундан кунга шишиб кетаверишини сезган чол уни бориб қудуққа айтади. Қудуқдан эса қамиш ўсиб чиқади. Чўпон у қамишдан най ясади. Най бутун сирни ошкор қилиб кўяди. Дарғазаб бўлган Искандар қари сартарош билан чўпонни юртдан кувиб юборади. Кўриниб турибдики, қаҳрамонлар бевосита актив фаолият кўрсатяптилар. Бу эса мотив-ҳаракатдир.

Маълумки, мотив билан сюжет яхлитлик касб этиб, эртак қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, курашлари, ўзаро муносабатлари ёинки «Характернинг ривожланиши ва юзага келиши» (М. Горький)да ўз аксини топади. Ф. Жалолов мотив билан сюжетни алмаштириб талқин қилганлиги туфайли «Шоҳли Искандар», «Арпаполвон» ва «Ҳусанжон» эртакларини «оригинал» эртак деб қарайди. «Арпаполвон» эртагидаги оригиналлик унинг сюжетида эмас, балки мотивидадир. Тўғри, эртакдаги подшо қизининг арпа деб ҳомиладор бўлиши ва тузиши бошқа халқ эртакларида кам учрайди. Аммо, Арпаполвоннинг дев билан олишиши, қудуққа тушиши, девларнинг уни тортиб олмасликлари, Семурғ болаларини қутқариши, эвазига Семурғ уни ёруғликка олиб чиқиши каби мотивларни деярли кўпчилик дунё халқлар эртакларида учратамиз. Масалан, туркман халқ эртаги «Подшонинг чўри хотиндан бўлган икки ўғли» эртагининг мотиви ҳам худди шундай мотивлардан ташкил топгандир. Ўрта Осиё халқлари сехрли-фантастик эртакларида кўпинча бирор кампир ёки чол қаҳрамонга тушида ёхуд расмини кўриб севиб қолган қизи тўғрисида хабар қиласди. Бу қаҳрамоннинг бевосита актив ҳаракатига туртки берувчи нутқ-мотив ҳисобланади. Хабар-мотив информацион характерга эга бўлиб, содир бўлган воқеа-ҳодисалардан хабар беради ва қаҳрамонни янги саргузаштларга тайёрлайди. Қаҳрамон бу актив фаолиятга (юкорида эслатганимиздай, кимнингдир хабари, чақириғи, таклифи ёки буйруғи, бўлиб ўтган сухбат, олган хати, туш кўриши, баҳслашиши каби) маълум бир сабаблар туфайли киришади. Бундай мотивлар бу ўлка халқлари сехрли-фантастик эртакларининг деярли аксариятига хосдир.

«Сехрли-фантастик эртакларнинг сюжети доимо саргузашт асосига курилади, – дейди фольклоршунос М. Сакали. – Қаҳрамон кўпинча гўзал қизни ёки бўлмаса сехрли нарсани (бирор ҳайвонни ёки қушни) қидириб кетади. Масалан, «Беш қаландар» эртагида подшоҳнинг ўғли гўзал қизнинг расмини кўриб, уни излаб кетади. Бунақа мотив туркман эртакларида кўплаб учрайди». Қаҳрамоннинг бирор хабардан кейин севгилисини қидиришга отланиши, актив ҳаракатга келиши ўзбек эртаклари «Моҳистара»,

«Муқбил тошотар», Озарбайжон халк эртаги «Хотам ҳақида эртак». «Малик Мамад билан Малик Аҳмад», «Искандар ҳақида эртак», «Бахтиёр» ва бошқа кўпгина эртакларда ҳам учратамиз. Агар қаҳрамоннинг саргузашти (кўпинча шаҳзода) у хабар топган малика ёки пари билан боғлиқ бўлса-ю, бироқ эртакнинг сюжетида актив роль ўйнамаса, эртак сюжети янги кириб келган қаҳрамон фаолияти билан ривожланса, бу экспозицион характерга эга бўлиб, мотив-ситуацияга киради. Масалан, ўзбек эртаги «Бектемир ботир»ни олиб кўрайлик. Фарғона вилоятининг подшохи Одилхон кийик овлаб юрганида бир кўргонга дуч келади. Кўргон эгасининг қизини кўриб ошиқ бўлиб қолади ва унга уйланади. Ундан Бектемир деган ўғил кўради. Шу билан эртакка «янги қаҳрамон» кириб келади. Энди эртакнинг сюжети, асосий воқеалари ана шу «янги қаҳрамон» – Бектемирнинг саргузашлари билан боғланиб кетади. Одилхоннинг кўргон эгасининг қизини кўриб, ошиқ бўлиши экспозицион характерга эга бўлган мотив-ситуациядир. Эртак давомида кампирнинг Бектемирга Оқбилақдан хабар бериши эса мотив-хабар бўлиб ҳисобланади. Чунки Одилхоннинг характерларида унга туртки бўлган хабарни кўрмаймиз. Бектемирга эса кампирнинг яхши кўриб қолган париси ҳақида хабар бериши информацион характерга эга бўлиб, қаҳрамоннинг келгуси актив фаолиятини юзага келтиради...

Фольклоршунос F. Жалолов ўзбек сеҳрли-фантастик эртаклари сюжет ва мотивларининг бой ва ранг-баранглиги хусусида ибратли фикрлар айтиб, эртак сюжети ва композицияси оралиғидаги бирликни ундаги фақат ўзгармайдиган турғун мотивлар вужудга келтиради, деган холосага келади ва мисол тариқасида «Қирон ака» эртагининг 1926 йилда Тиллабиби Дадасардор қизидан М. Алавия ёзиб олган Пискент варианти билан 1950 йилда Ф. Абдуллаев томонидан Шовот районида яшовчи Н. Иброҳимовдан ёзиб олинган «Қирон ботир» эртаги мотивларини келтиради. Бизнингча, эртак «сюжети ва композицияси оралиғидаги бирлик» ибораси ўрнига сюжетнинг асосини ташкил этувчи мотивлар дейилса, мувофиқроқ бўлур эди. Чунки унинг қарашича сюжет ривожини таъмин этувчи асосий мотивлар ўсиш-ўзгаришга молик эмасдир. Тадқиқотчи сюжетни

ташкил этган асосий турғун мотив деярли ўзгаришга учрамайди дейди-ю, бироқ ўша «турғун» мотивларнинг конкрет тарзда қайсилар эканини кўрсатмайди. Энди тадқиқотчининг мазкур фикри қанчалик тўғрилиги боисида «Қирон ака» ва «Қирон ботир» номли ўзбек эртакларининг асосий мотивларини ҳамда худди шу эртакнинг қорақалпоқ варианти бўлган «Қирон қароқчи» эртакларини бир-бирига қиёслаб кўрайлик. Бизнингча, эртак сюжетини ташкил этувчи «турғун» мотивлар илгари айтгани миздай, асосан, «мотив-хабар, мотив-харакат ва мотив-ситуация» ларда намоён бўлади. Биз солиширганда ҳам ўша уч мотивнинг қанчалик ўзгарган-ўзгармаганига эътибор беришимиз лозим бўлади. «Қирон ака» ва «Қирон ботир» эртакларининг ҳар иккапасида ҳам экспозицион характердаги мотив-ситуация – яъни бир подшонинг ёлғиз ўғли бўлади, унинг тушида бир қиз парига ошиқ бўлиб қолиши бир хилдадир. Чунки мотивнинг бу тури эртак сюжетининг ҳали ҳаракатсиз, асосий воқеалар ривожигача бўлган давридир. «Қирон қароқчи» номли қорақалпоқ ҳалқ эртагининг мотив-ситуацияси воқеалар ривожигача бўлган даври ўзбек эртакларига қараганда бир оз чўзиқроқ ва қисман бошқачароқ тарзда берилган. Яъни подшонинг ўғли овда юрганида чашмага дуч келади ва унинг сувида бир пари қизнинг аксини кўриб ошиқ бўлиб қолади. Қиздан хабар топгач қаҳрамоннинг қирқ ҳаширга («Қирон ботир»да туюга) тилла ортиб, қирқ хизматкор («Қирон ботир»да лашкарлар) билан йўлга тушиши қаҳрамоннинг кейинги саргузаштлари билан уланиб кетувчи мотив-хабардир.

Қорақалпоқ эртаги «Қирон қароқчи»да эса мутлақо бошқача тарзда келади. Подшонинг ўғли 500 навкари билан йўлга тушади. Қирқ туюга тилла ёки мол-мулк умуман тушириб қолдирилган. Қаҳрамоннинг йўлда Қирон акани асирикдан кутқариши, унинг 40 кунда («Қирон ботир»да 41 кун) қутига, («Қирон ботир»да сандик, «Қирон қароқчи»да ҳам сандик) солинган парини келтириши ва бошқа воқеалар ҳар иккала ўзбек эртаги қаҳрамонларининг актив фаолияти билан боғлиқ сюжетнинг асосини белгиловчи мотив-харакат ҳисобланади. Бироқ қорақалпоқ эртаги «Қирон қароқчи»да мотив-харакат бошқача ривожланади. Унда Қирон қароқчининг пари қизни олиб келиш

муҳлати кўрсатилмайди. Уйга боргунча сандиқни очмаслик (ўзбек вариантидаги) шарти ҳам тушириб қолдирилган, аксинча, сандиқни очганда кўк каптарнинг бўлиши, уни оёғидан қўлига боғлаб олиши, сўнгра пешонасига чертиб уйғотиши лозимлиги уқтирилади. Шунингдек, ўзбек эртаги «Қирон ака»да «Қирон ботир» ва қорақалпоқ эртагида учрамайдиган айрим ёрдамчи мотивлар ҳам мавжуд. Масалан, қаҳрамонга йўл кўрсатувчи унинг мақсадга эришувига яқиндан ёрдам кўрсатувчи (қаҳрамонни ииниси Қирон олдига юборади) кампир образига дуч келамиз. Қорақалпоқ эртагида ҳам Мастон момо образи берилади. Бироқ қаҳрамонга ёрдам берувчи эмас, балки заҳар берувчи салбий хислатга эгадир. «Қирон ака» эртагида девлар маконини шум кампирлар кўриклайдилар. Девлар пари-қизни қафасда асрashади. Қорақалпоқ эртагида эса (девлар маконини кўрикловчи) шум кампирлар иштирок этмайди. Пари-қизни ҳам денгизнинг ўртасидаги ўтовда асрashади. Ўзбек эртакларида сандиқни очмаслик тақиқи қорақалпоқ эртагида қисман бошқачароқ ва ўрин алмашган ҳолда келади. Масалан, Қирон қароқчи йигит билан пари-қизни кузатиб, олдингиздан иккита йўл чиқади; «Айланиш бўлса-да тўғри» деган йўлдан юринглар, деб шарт қўяди. Бироқ улар «Тўғрида бўлса айланиш» деган йўлдан кетади. Натижада девлар қўлига тушадилар. Эртакларнинг муқоясидан маълум бўлдики, бир сюжет асосига қурилган ва айрим диалектик ўзгаришларга қарамасдан юқоридаги номи қайд этилган иккала эртак («Қирон ака», «Қирон ботир») ҳам бир-бирининг варианти бўлиб, ўзбек эртаклари хисобланади. Худди шундай сюжет асосига қурилган, бироқ, бадиий тасвирда, образларнинг функцияларida, айрим мотивларида, эртакчининг индивидуал ижодкорлигига фарқли томонлар мавжуд бўлган «Қирон қароқчи» эртагини эса қорақалпоқ эртаги деб атаймиз. Юқоридаги эртаклар таҳлили шуни кўрсатадики:

Биринчидан, учала эртак («Қирон ака», «Қирон ботир», «Қирон қароқчи») уч хил номланади. Улардаги асосий образлар бир хил (Қирон) номга эга. Бу туркий халқлар фольклори асарларига хос хусусият бўлиб, агар диққат килсанқ, мазкур халқлардаги «Алномиши», «Гўрўғли», «Тохир ва Зухра», «Ширин билан Ша-

кар» ва бошқа достонлар ва шу номдаги эртаклар ҳам бир хил номланади.

Иккинчидан, мазкур эртакларда воқеалар кечган жойлар, қаҳрамонларнинг саргузаштлари давомидаги борган, учрашган жойлари, кишилари, географик муҳити бир-биридан қисман фарқли томонларга эга, холос.

Учинчидан, ўзбек эртаклари «Қирон ака», «Қирон ботир» ва қорақалпоқ эртаги «Қирон қароқчи» бир сюжет асосида қурилган версия («Қирон қароқчи»)нинг бошқа-бошқа варианти («Қирон ака», «Қирон ботир»)лари демакдир. Хуллас, мазкур эртакларга туркий халқлар эртакчилик анъаналари асосида яратилган икки халқнинг мустақил миллий эртаги тарзида қараш лозим. Бу иккита ўзбек ва битта қорақалпоқ халқ эртаклари мотивларида ички ва ташқи ўхшашликларнинг мавжудлигини кўрамиз. Ички ўхшашликлар фақат бир халқ, яъни ўзбек эртаклари («Қирон ака», «Қирон ботир»)даги, ташқи ўхшашлик эса икки халқ, яъни ўзбек ва қорақалпоқ халқ эртаклари ўртасида мавжуддир. Мазкур эртаклардаги ўхшаш мотивлар қаҳрамон функцияси ёки актив ҳаракатининг ўёки бу даражада ўхшаш йўсинда, ўхшаш фаолият ва ҳаракатлар жараёни билан бажарилиши, амалга оширилиши деб билмоқ лозим.

Қаҳрамон ҳарактерининг ўхшаш тарзда бажарилиши икки кўринишда содир бўлади:

а) қаҳрамоннинг бажариши лозим бўлган вазифаси, хатти-ҳаракатидаги умумийлик, ўхшашликлар;

б) қаҳрамоннинг бажариши лозим бўлган вазифанинг ўхшаш йўсинда, воситаларда бажарилишидаги муштаракликлар.

Демак, биринчиси образларнинг функцияси билан боғлиқ ўхшаш мотивлар бўлса, иккинчиси образ вазифасининг ижроси йўсини, натижаси билан боғлиқ ўхшаш мотивлардир [...].

Демак, бу эртакларда топқир қози билан боғлиқ ўхшаш мотивлар мавжуддир. Шу жиҳатдан эртаклардаги мотивлар қаҳрамоннинг фаолияти, ҳаракатига, сюжетида тутган ўрни ва ҳолатига кўра икки хил: актив ва пассив тарзда намоён бўлади. Пассив – мотивлар қаҳрамонлар бевосита иштирок қилмаган, унинг актив фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда учрай-

ди. Бу ҳоллар «мотив-ситуация», «тасвир-мотив», «нұтқ-мотив» ва «мотив-характеристика»ларда намоён бўлади. Актив-мотивда қаҳрамонларининг бевосита актив иштирокини, саргузаштларини, ёвуз куч ва душманлар билан олишувларини, кўзлаган мақсадга эришишдаги жонбозликларини ва унинг маълум бир натижасини кўрамиз. Бу кўпроқ мотив-ҳаракатларда юзага чиқади. Ўзбек эртаклари «Шаҳзода Баҳодир», «Қирон ака», «Сув қизи», «Қирон ботир» ва туркман халқ эртаги «Чўри хотиндан бўлган подшоҳнинг икки ўғли»да туш кўриш, подшонинг фарзанд кўриш истаги, «Алибек ботир» номли қозоқ халқ эртагида эса бойнинг фарзанд кўришни исташи пассив-мотивлардир. Кейинги эртакдаги пассив-мотив қаҳрамонни актив фаолиятга чакирувчи характерга ҳам эга эканлигини («нұтқ-мотив») кўрамиз, яъни дарвеш ўзи қўйган шартнинг бажарилишини талаб қилиб келиши ва кенжা шаҳзодани олиб кетиши билан актив-мотив юзага келади. Бу эртакнинг давомида кўздан кечирганимизда актив-мотив «мотивлар занжиридан», яъни бир қанча мотивлар тизмасидан иборат эканлигини кўрамиз. Масалан, кенжা шаҳзоданинг тўтиқушлар билан гаплашиши, Семурғ болаларини йиртқич тимсоҳдан озод қилиши ва Семурғнинг унга ёрдам бериши, кал қиёфасига кириб подшонинг кенжা қизига уйланиши ва ҳоказо. Яна шуну айтиш керакки, актив-мотив билан кетма-кет ёрдамчи мотив ҳам келиши мумкин. Масалан, юқоридаги эртакда кенжা шаҳзода пари-паҳлавон томонидан қудукқа ташлангандан кейинги унинг акаси билан боғлик бўлган саргузаштларни ёрдамчи мотив дейиш мумкин. Актив-мотивлар каби пассив мотивлар ҳам бир неча мотивлардан ташкил топиши ва турли кўринишларга эга бўлиши мумкин. «Чўри хотиндан бўлган подшоҳнинг икки ўғли» номли туркман халқ эртагида подшонинг фарзанд кўришни исташи, ўзи ва хотини дарвиш берган олмани еганларидан кейин фарзанд кўришлари кабиларни пассив-мотив, деб атаган бўлсак, кейинроқ кенжা шаҳзоданинг тушида бир паҳлавон қизни кўриши ва у билан беллашиш учун жўнаши ҳам чақирувчи руҳдаги («нұтқ-мотив») пассив-мотивдир.

Актив-мотивга хизмат қилувчи, у билан ёнма-ён келувчи ёрдамчи мотивлар бўлганидек, пассив-мотивга ҳам хизмат қилувчи,

уни тұлдириб келувчи ёрдамчи-мотивлар ҳам мавжуддир. Масалан, «Шахзода Баходир» эртагида Баходирнинг туш күриши ва тушида фойибона ошиқ бўлиб қолиши пассив-мотив бўлса, подшо ўғлини гапириши учун бир кампирни ёллаши, шу кампир орқали шаҳзоданинг дардини аниқлаши ёрдамчи-мотив бўлиб хизмат қиласи. Ёрдамчи-мотивлар доимо асосий мотивни тұлдириб, унда маълум бир вазифани бажаришга, аниқ ўрин, конкрет мазмунга эга бўлишига ёрдам беради. Эртакчиларнинг мотивлар-параллелизмидан моҳирона фойдаланишларини алоҳида қайд қилиш керак. Мотивлар-параллелизми деганда қаҳрамоннинг биронта хислатини, довюрак, ботир ва енгилмаслигини ёки бўлмаса эртакдаги бирор тасвирни, ҳаракатни бўрттиришга, оширишга қаратилган (такрорлаб ва қиёслаб тасвирлаш) усулни тушунилади [...].

Юқорида биз, эпик асарларда маълум бир вазифани бажариб, шу ерда ўзининг аниқ ўрни, конкрет мазмунига эга бўлган мотивлар «мотив комбинацияси», эртак сюжетини ташкил қилишини уқтирган эдик. Хўш, мотивлар йиғиндисидан иборат бўлган ана шу сюжет қандай хусусиятга эга, унинг талқини ва танқиди қандай фикрларни мужассамлаштиради? Фольклоршунос олимларнинг таъкидлашича, «Мотив сюжетни вужудга келтирувчи элемент ҳисобланади», (Б. Н. Путилов). «Мотив ўсиб сюжетга айланади» (А. Н. Веселовский). Адабиётшунос Г. Абрамович «Адабиётшуносликка кириш» асарида «сюжет у ёки бу ҳаётий конфликтларнинг ўсиши маълум бир воқеалар системаси орқали тасвирлаш» деб қарайди. «Адабиётшунослик терминлари лугати»да ҳам шунга яқин фикр билдирилиб «сюжетда ҳаёт учун энг муҳим тўқнашувлар, қарама-қаршиликлар ва кишиларнинг ўзаро муносабати акс этади, бадиий асарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро bogланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар билан характер ўртасидаги муносабат» дейилади. Шунга ўхшаш фикрлар кўпгина бошқа қўлланма ва дарсликларда ҳам учрайди. Сюжетни қаҳрамонларнинг саргузаштлари, деб қараш туркман эртаклари тадқиқотчиси М. А. Сакалининг «Туркман эртаклари эпоси», ўзбек фольклоршуноси F. Жалоловнинг «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» ҳамда кўпгина бошқа олим-

ларнинг илмий асарларида ҳам мавжуд. Юқоридаги лугатлар авторлари сюжет тўғрисидаги ўз фикрларини тасдиқлаш учун М. Горькийнинг «Сюжет – алоқалар, қарама-қаршиликлар, антипатиялар ва умуман, кишиларнинг ўзаро муносабати, у ёки бу характернинг ўсиши ва ташкил топиши тарихи» деган фикрини келтиришади. Сюжетни «воқеалар системасидан» иборат деб қарашнинг нотўғрилигини ўз навбатида А. Элъяпевич тўғри кўрсатиб ўтган эди, у «бадиий асаддаги характер билан боғлик бўлган барча тасвирий воситалар, бадиий форманинг барча элементлари сюжетга киради», деб тўғри кўрсатади. Шу нуктаи назардан Б. Н. Путилов мотивларни «мотив-ситуация», «нутқ-мотив», «мотив-харакат», «тасвир-мотив» ва «мотив-характеристика»га ажратганида ҳақли эди. Чунки мотив сюжетни вужудга келтирувчи, умумтасвир (сюжетнинг – Х.Э.) минимал мазмунли компоненти, сюжетнинг кичик бир қисмидир. Шунинг учун мотивлар эртак сюжетига кирган бадиий тасвирнинг барча воситаларини минимал даражада ўз ичига олган, қаҳрамоннинг кўзлаган мақсадсари интилишида қилган (тасвир-мотив ва мотив характеристикалар) ҳаракатларнинг маълум бир натижасидир. Эртакларда такрор қайтарилган ҳаракатлар алоҳида мотив эмас, яхлит бир мотивлар сифатида қаралиши лозим. Турли халқлар эртаклари (трансформацияга учраган) ўртасидаги фарқ образларнинг ўзига хослиги ёки тасвирий воситаларнинг ҳар хиллигига эмас, балки қаҳрамонлар бажараётган вазифанинг ва унинг натижасининг ўзгачалиги, ҳар хиллигидадир. Мотивлардаги бир хиллик (муштараклик) эса қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларидаги ва шу ҳаракатлар натижаларининг (қайтарма мотивлар) бир хиллигидадир.

Юқорида таҳлил қилинган эртаклар, келтирилган факт ва қарашларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, мотив эпик сюжет арсеналида муҳим ўрин тутувчи, уни вужудга келтирувчи уруғ сифатида бадиий форма ва воситаларнинг тугал таркиб топган минимал бир қисми ва образлар (қаҳрамонлар) хатти-ҳаракатининг маълум бир натижасидир.¹

¹ Ушбу мақола кўйидаги манбадан олиб чоп этилмоқда: Эгамов Х. Шарқ туркӣ ҳалқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент, 1980.

Қаюм
МАМАШУКУРОВ
(1945–1992)



Қаюм Мамашукуров 1945 йил 9 апрелда Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Оққўргон кишилогида туғилган. Самдунинг филология факультетида ўқиган (1962–67). Шўрчи туманинаги 8-ўрта мактабда бошлангич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган (1961–62). Термиз шаҳар жисмоний тарбия билим юртида дарс берган (1967–68). Термиз давлат педагогика институти «Ўзбек адабиёти» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб ишлаган (1968–1991). «Нурали туркуми достонларининг гоявий-бадиий хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган (1986). Сурхондарёлик баҳшилардан «Малла савдогар», «Нурали», «Санам Гавҳар», «Авазхон» достонларини ёзib олган. «Малла савдогар» достонининг варианatlари номли рисоласи (1980) чоп этилган. 1992 йили Термиз шаҳри вафот этган.

«НУРАЛИ» ТУРКУМ ДОСТОНЛАРИ ҲАҚИДА

Маълумки, «Гўрўғли» туркумiga кирувчи достонларнинг муайян кисмини унинг невараси (Авазнинг ўғли) Нурали ҳакидаги достонлар ташкил этади. Бу достонлар «Гўрўғли» туркумiga нисбатан наслий туркумлик принциплари асосида яратилган бўлсалар-да, улар ўзаро «Нурали» биографик туркумини ташкил этади. Кейинги пайтларгача ўзбек фольклористкасида Нурали

ҳакида бир сюжет достон ва унинг варианatlари тарқалган деган фикр мавжуд эди. Бироқ кузатишлар ва ёзib олинган материаллар шуни кўрсатадики, Нурали ҳакидаги достонлар ўзбек баҳшилари ўртасида, хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида жуда кенг тарқалган экан.

«Нурали» биографик туркуми уч достон (уч сюжет) ва унинг варианtlаридан иборат деган холосага келиш мумкин. Кейинги текширишлар уларнинг бундан ҳам ортиқлигини кўрсатар. Лекин ўзбеклар ўртасида «Нурали» биографик туркумлиги мавжудлиги ҳакидаги холосага жиддий тузатиш кирита олмайди, балки уни янада тасдиқлайди.

«Нурали» биографик туркумiga кирувчи биринчи достон «Нуралихон» достонидир. Унда Гўрўғлининг невараси Нуралининг ёр излаб ўзга мамлакатга бориши ва турли қийинчилликларни енгиб, ёрга етишиши ҳамда қайтиши тасвиrlанади. Бу достоннинг энг муқаммали ва бадиий жиҳатдан юксаги Фозил Йўлдош ўғли вариантидир. Уни 1937 йилда Буюк Каримов ёзib олган. Кейинчалик унинг яна етти варианти ёзib олинди. Жумладан, 1945 йилда Омонниёз Оллоберди ўғлидан (Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, ёзib оловччи Т. Рустамов), 1957 йилда Умир Сафар ўғлидан (Қашқадарё вилояти Дехқонбод тумани), 1958 йилда Тош Чоршанба ўғлидан (Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани, ёзib оловчилар М. Афзалов ва М. Сайдов), 1960 йилда Мухаммадраҳим Мухаммадсодик ўғлидан (Сурхондарё вилояти, Жарқўргон тумани, ёзib оловччи Т. Мирзаев), 1972 йилда Юсуф Ўтаган ўғлидан ва Хушвақт Мардонакуловдан (Сурхондарё вилояти Шеробод тумани, ёзib оловччи Қ. Мамашукоров) достоннинг варианtlари ёзib олинди. Достоннинг магнитофон лента-сига ёзib олинган яна бир неча варианtlари мавжуд.

Шунингдек, 1965 йилда М. Муродов янгиқўрғонлик Раззоқ Қозоқбой ўғлидан «Нуралибек» номида бир достон ёзib олган эди. Бироқ бу асарни «Нурали» туркуми доирасида қараб бўлмайди. Чунки унда «Малика айёр» достонидаги Гўрўғли функцияси Авазга, Аваз функцияси эса Нуралига кўчирилади. Шунда ҳам мотивлар комбинациясида кўп мантиқизликларга йўл кўйилади. Бу ҳол, биринчидан, достончиликда Аваз образининг

машхур бўлиши ва Гўрўғлининг иккинчи планга сурилишини (бундай жараённи Сурхондарё ва Қашқадарё достончилигида яққол кузатиш мумкин) кўрсатса, иккинчидан, баҳшининг эпик традицияни бузганлиги билан изоҳланади.

Биографик туркумнинг иккинчи достони «Нуралиниңг ёшлиги»дир. Бу асар баҳшилар ўртасида «Нурали» номи билан машхур. Унда Нуралиниңг ўқиши, ёшлигида асирга тушиши ва отаси Авазхон томонидан кутқарилиши тасвирланади. Унинг 1947 йилда Раҳматулла Юсуф ўғли (Самарқанд вилояти, Нурота тумани), 1957 йилда Кўзи Рўзиев (Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, ёзиг оловучи М. Алавия), 1959 ва 1973 йилларда икки марта Мўмин Раҳмон ўғли (Сурхондарё вилояти, Денов тумани, ёзиг оловучилар Т. Очилов ва Т. Мирзаев), 1972 йилда Бозор Омонов (Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, ёзиг оловучи Т. Мирзаев) вариантлари ёзиг олинган. Булар ичida Б. Омонов варианти нисбатан мукаммал ва бадиий пишиқ асар ҳисобланади.

Авазхон Чамбilda бўлмаганлигида Аҳмад Сардорнинг иғвоси билан Нурали, Гулнор ва уларнинг онаси Интизор (вариантларда Жузумкўз, Гулқиз)нинг сотиб юборилиши ва воқеалари тасвирига бағишланган учинчи достон «Малла савдогар»дир. Бу асар баҳшилар ўртасида «Малла савдогар», «Майда савдогар», «Нуралиниңг сотилиши», «Гулгун пари», «Нурали билан Гулнор», «Аваз билан Ойзайнаб» каби номларда тарқалган. Достоннинг вариантлари 1945 йилда М. Афзалов томонидан Жўра Эшмирза ўғлидан ва Қ. Мухамедов томонидан Боймурод Боймамат ўғлидан (Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани), 1956 йилда О. Собиров томонидан Худойқул Яхшиевдан (Қашқадарё вилояти, Дехқонбод тумани), 1958 йилда З. Ҳусаинова томонидан Тошмурод Тўрабой ўғлидан (Сурхондарё вилояти, Денов тумани), 1970–1971 йилларда Қ. Мамашукоров томонидан Хушвақт Мардонакуловдан ва Юсуф Ўтаган ўғлидан (Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани) ёзиг олинган. Булардан Юсуф Ўтаган ўғли варианти нисбатан тўлиқ ва мукаммалdir.

Нурали номи билан боғлиқ яна бир достон бор. Унинг бир варианти 1974 йилда Сурхондарё вилояти, Жарқўргон туманлик Шодмон Холлиевдан ёзиг олинган. Унда Гўрўғли Авазга отини

бермаганлиги учун унинг Чамбидан аразлаб кетиши ва Нурали-нинг отасини қайтариб келиши тасвирланади. Бироқ у Авазнинг аразлаши сюжети билан боғлиқ бошқа достонлардан кам фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам уни «Нурали» туркумiga киритишни ўйлаб қўриш керак бўлади. Достоннинг бошқа, нисбатан мукаммал вариантларини топиш бу масалани янада ойдинлаштиради.

Хуллас, Нурали ҳақидаги достонлар ҳам ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган бўлиб, уларда турли воқеалар акс эттирилса ҳам, бу достонлар асосида бош қаҳрамон Нурали образи орқали бирлашади. Шунинг учун ҳам биз бу туркум достонларни «Нурали» кичик биографик туркуми деб номлашни лозим топдик. Шунингдек, Нурали ҳақида айрим маълумотлар «Қундуз билан Юлдуз», «Аваз билан Зулфизар», «Балхувон», «Авазнинг ўлимга ҳукм этилиши» каби қатор достонларда ҳам учрайди.

«Нурали» туркуми достонлари бошқа достонларга нисбатан жуда кам ўрганилган. Унинг фақат Фозил Йўлдош ўғли варианти фольклорист М. Сайдов томонидан нашр этилган.¹ Бу нашр ўзининг пухта тайёрланганлиги, халқ оғзаки ижодини нашр этиш принципларига риоя қилинганлиги билан ажralиб туради.

«Нурали» достони ҳақидаги дастлабки маълумотни атоқли фольклорист X. Зарифов «Равшан» достонига ёзган сўз бошисида берган эди.² Автор ўз мулоҳазаларини профессор В. М. Жирмунский билан ҳамкорликда яратган асарида янада кенгайтирди. Унда олимлар достоннинг сюжети, жанр хусусиятлари ҳақида асосли мулоҳазаларни баён қилган эдилар. Уларнинг фикрича, достон соф романтик достонлар жумласидан бўлиб, унда ўрта асрларнинг реал ижтимоий ҳаёти ҳам акс этган.³ Фозил Йўлдош ўғлининг «Нурали» достони ҳақидаги маҳсус ишлардан яна бири О. Собировнинг «Икки достоннинг ғоявий мундарижаси номли мақоласидир.⁴ Унда автор достоннинг ғоявий мундарижасини

¹ Интизор. Нурали. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент, 1964.

² Эргаш Жуманбулбул ўғли. Равшан. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. – Тошкент, 1941. – 265–270-бетлар.

³ Жирмунский В. М., Зарифов X. Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947.

⁴ Собиров О. Икки достоннинг ғоявий мундарижаси // Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 1973. –

текширар экан, достонда қаҳрамоннинг табиатнинг стихияли кучларига қарши кураши асосий ўрин тутишлигини алоҳида таъкидлайди.

Шунингдек, баъзи бир тадқиқотларда йўл-йўлакай фикрлар мавжуд бўлса ҳам, бироқ бу достонлар ҳақда унинг бошқа достонлар билан қиёсловчи, у ёки бу вариантнинг афзалликлари ни, бадиий камолотини кўрсатувчи маҳсус илмий тадқиқотлар ҳалигача яратилган эмас. Бу ҳол «Нурали» туркуми достонлари ни маҳсус ўрганишни тақозо қиласди. Бу туркумни тадқиқ этиш, биринчидан, Самарқанд, хусусан, Булунғур достончилик мактаби билан Сурхондарё вилояти Шеробод достончилик мактаби ўртасидаги яқинлик ва тафовутларни бир қадар ойдинлаштиурса, иккинчидан мазкур вариантларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини, у ёки бу достоннинг тарқалиш ўрни ва яшаш шароитлари ҳақидаги маълумотлар билан эпосшунослигимизни бойитади.

«Халқ достонларида вариантилик традиция ва импровизация билан, фольклор текстидаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик билан маҳкам боғлиқ».¹ Бу хусусият Сурхондарё ва Қашқадарё бахшиларининг эпик репертуаридан кенг ўрин олган «Нурали» биографик туркумига мансуб достон – «Малла савдогар», «Майда савдогар», «Нуралининг сотилиши», «Гулгун пари», «Нурали билан Гулнор», «Аваз билан Ойзайнаб» номлари билан айтиб келингган достон ва унинг вариантларига ҳам тўла дахлдордир. Нурали эпик биографиясининг болалик даврини акс эттирувчи мазкур достон вариантларини бир-бирига қиёсласак, ҳар бир айтивчининг дунёқараши, иқтидори ва маҳорати, эпик традицияга муносабати, ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларнинг у ёки бу вариантга кўрсатган таъсири, уларга хос бўлган умумий ва хусусий томонлар якъол кўзга ташланади. Бу беш вариантга хос умумий томонлар куйидагиларда намоён бўлади: Бешала вариантда ҳам Нуралининг Аҳмад Сардор томонидан қул сифатида сотиб юборилиши ва унинг Аваз томонидан озод қилиниб, Чамбилга олиб келиниши воқеалари тасвирланади. Демак, бу вариантлар

59–67-бетлар.

¹ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 71-бет.

асосида ётган конфликт Аҳмад Сардорнинг Гўрўғли ва унинг асранди фарзанди Авазга бўлган анъанавий душманлиги туфайли юзага чиқади. Вариантларнинг барчасида асосий қаҳрамон Нурали бўлса ҳам, бироқ у болалиги, ёшлиги сабабли воқеалар ривожида анча пассив ҳаракат қиласи. Уларда эпик баён жуда ҳам қисқа бўлиб, бошқа, романик достонлардан фарқли ўлароқ фантастиканинг роли сезиларсизdir, яъни воқеалар реал ҳаётий тасвир характерига эга. Бу умумий томонлар уларга асос бўлган бобо сюжетнинг нисбатан қадимија ва кенг тарқалганлигидан да-лолат беради.

«Нурали» биографик туркумининг учинчи достони бўлган «Малла савдогар» варианtlари орасидаги тафовутлар ҳақида сўзлаганда, энг аввало, уларнинг турлича номланганлигини қайд этишга тўғри келади. Бу варианtlарнинг Хушвақт Мардонақуловдан ёзиб олингани «Гулгун пари», Жўра Эшмирзадан ёзиб олингани «Аваз ва Ойзайнаб», Тошмурод Тўрабоевдан ёзиб олингани «Майда савдогар», Юсуф Ўтаган ўғлидан ёзиб олингани «Малла савдогар», Худойқул Яхшиевдан ёзиб олингани «Нурали билан Гулнор» номлари билан юритилади.

«Малла савдогар» достони варианtlарининг барчаси Авазнинг бошқа мамлакатга ёр излаб сафарга чиқиши мотиви билан бошланади. Ёр излаб сафарга чиқиш ўзбек халқ эпоси учун жуда ҳам характерли ва қадимија анъаналар билан bogliq мотивлардан бўлиб, достон қаҳрамоннинг ўз ёрини олиб келиши билан якунланар эди. Бироқ «Нурали» биографик туркумлигига мансуб бу достонда эса бу мотив етакчи бўлмай, балки у достон асосида ётувчи воқеаларга замин ҳозирлаб берувчи сюжет бўлаги ҳисобланади, мана шунинг учун ҳам у асар композициясидаги биринчи босқич бўлиб, асосий воқеалар иккинчи босқичда бошланади. Асосий воқеаларга замин ҳозирлаш функциясиданми ёки дастлаб достонлар сюжети билан мустаҳкам алокада келмаганиданми, ҳар ҳолда асар композициясининг биринчи босқичи кейинги воқеалар билан жуда ҳам узвий киришиб кетолмаганга ўхшаб туради. Шунга қарамай, биз достон композициясининг биринчи босқичининг мазкур биографик туркумлик юзага келишининг дастлабки даврларида ҳам мавжуд эканлигига ишонамиз.

Чунки бошқа элдан ёр излаш туркий халқлар эпоси учун жуда ҳам кенг тарқалған қадимий мотив бўлиб, «Нурали» биографик туркумига мансуб достонлар сюжетларининг яратилишида ҳам мана шу тайёр мотив асос бўлганлиги шубҳасизdir.

Достонда тасвирланган воқеаларнинг биринчи босқичи, яъни Авазхоннинг Чамбилдан ёр излаб чиқиб кетиши асар композициясининг иккинчи босқичига замин ҳозирлайди. Чунки достонда кўйилган асосий масала Аваз фарзандларининг қул сифатида сотилиши ва бунда Аҳмад Сардорнинг душманлигини кўрсатишдир. Сюжетнинг бундай қурилиши учун Авазнинг Чамбилда бўлмаслиги шарт. Шунинг учун ҳам асосий диққат Аҳмад Сардорнинг туҳмати, Нурали ва Гулнорнинг қуллик саргузаштлари тасвирига қаратилган. Бу воқеалар тасвири болаларнинг қул сифатида сотилиши ва Аваз томонидан қутқарилишидан иборат умумий ўхшашликка эга бўлса-да, ҳар бир вариантга хос фарқлар, ўзгачаликлар мавжуд. Бундай фарқли томонлар қўйидаги ҳолларда яққол кўринади:

Хушвақт Мардонақулов вариантида тасвирланишича, тушининг таъбиридан кўрқкан Нурали дарвозаларни маҳкам беркитиб олади. Аҳмад Сардор ва унинг йигитларига очмайди. Бироқ онаси Жузумкўзниң илтимосига қараб, дарвозани очиб беради. Шунда Аҳмад ва унинг одамлари Жузумкўз ва Нуралининг қўлларини боғлаб, Туркман бозорига ҳайдайди: йўлда мактабдан келаётган ўн олти яшар Гулнорни ҳам қўшиб, учаласини бошқа мамлакатдан келган Малла савдогарга ўн тўққиз кулунли бияга сотиб юборади. Малла савдогар Нуралидан отасининг исмини сўрайди. Нурали отасининг исмини билмайди. Мана шу ўрин мазкур вариантда ишонарсиз чиқсан. Чунки мактабга борадиган ўғил ўз отасининг исмини билмаслиги мумкин эмас. Жўра Эшмирза, Тошмурод Тўрабоев, Юсуф Ўтаган ўғли вариантларида эса, Нурали отасининг исмини айтишдан бош тортади. Бу билан Нуралига хос мағрурлик, тантлилк янада ёрқин тасвирланган.

Хушвақт Мардонақулов, Жўра Эшмирза ўғли ва Юсуф Ўтаган ўғли вариантларида Малла савдогар образи ижобий образ, яъни у Авазга хайриҳоҳ киши сифатида кўрсатилади, Тошмурод Тўрабоев варианттида Малла савдогар Авазнинг душмани тарзи-

да тасвирланади. Бизнингча, мазкур вариантдаги Малла савдо-гарнинг Авазга душман сифатида берилишида ҳақиқат борга ўхшайди. Чунки, биринчидан, банди бўлган қаҳрамонларнинг поғонама-погона тасвири орқали тобора кўпроқ жабр-жафоларга йўлиқишини кўрсатиш эпос анъанасининг ҳакиқий мезонини белгилайди. Чунки эпосда воқеаларни қуруқ баён қилишдан кўра, тасвирланаётган ходисаларга нисбатан тингловчиларнинг эмоциясини кўрсатиш муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, ўз даврининг ғоявий-эстетик қарашларини ифодаловчи эпос ниманидир қатъий инкор, ниманидир қатъий тасвирлаши керак. Иккичидан, Малла савдогарнинг Авазга хайриҳоҳ сифатида тасвирланишида Аваз фарзандларининг қўл сифатида сотилишига нисбатан тингловчиларнинг ачиниш ҳисси бир даражада барҳам топади, яъни ярим ачиниш, ярим таскин юзага келади.

Мазкур вариантларда Авазнинг ўз фарзандларини озод қилиши ҳам турлича тасвирланган. Жумладан, Хушвақт Мардонакулов вариантида Чамбильдан Малла савдогар юртига келин бўлиб тушган аёлдан Аваз болаларининг қаердалигини билиб олади. Сўнг Ҳайитқул овшар юртига келиб, Нураги ва Жузумкўзни Ҳайитқул овшар қўлидан озод қиласиди ва унинг оиласини асир олиб, Нураги билан Чамбильга жўнатади.

Нураги Чамбильга келгандан сўнг Гўрўғли Аҳмад Сардорнинг ихтиёрини Нурагига беради. Нураги уни Чамбиль шахридан чиқариб юборади. Аҳмад Сардорга бўлганга нисбатан бўлган бу муносабатда анъанадан ташқари чиқиш бор, чунки бошқа дostonларда кўп ёмонликлар қиласа ҳам, у доим кечирилиб, унга енгил жазо берилади. Бу бевосита «Нураги» биографик туркумлигининг нисбатан кейин яратилганлиги билан изоҳланади. Бундай ҳолни Жўра Эшниёз ўғли вариантида ҳам кўриш мумкин. Бироқ бу вариантда қадимий анъанадан бутунлай воз кечилмаган. Достон сўнгиди бир эпизод киритилади. Унда Аҳмад Сардорнинг қизи Ойбаланд отасининг гуноҳини сўрайди. У Гулнор қўйган шартни бажаргач, Аҳмад Сардор банддан озод этилади. Бу эпизод қаҳрамонлик эпослари хусусиятларидан тўла келиб чиқсан бўлса-да, Аҳмад Сардорга нисбатан бўлган анъанавий тасаввурни ифодалашини тасвирлаш жиҳатидан ғоятда характерлидир.

«Малла савдогар» достонининг барча варианtlари Нуралининг қулликдан озод этилиши тасвири билан якунланади. Вариантларда воеалар ривожи, кўпчилик мотивларнинг ўхшашлиги жиҳатидан Юсуф Ўтаган ўғли варианти билан Жўра Эшмирза ўғли вариантлари бир-бирларига яқин турса, Хушвақт Мардоиакулов варианти Тошмурод Тўрабоев варианти билан ўхшаш келади. Бу эса «Малла савдогар» достонининг Сурхондарё воҳасида бир неча мустакил вариантларда кенг тарқалганидан далолат беради.¹

¹ Ушбу мақола фольклоршунос олим Қ. Мамашукоровнинг 1986 йилда химоя қилинган «Нурали туркуми достонларининг гоявий-бадиий хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертацияси асосида тайёрланди.

Фармон
РАЙХОНОВ
(1947–1990)



Фармон Райхонов 1947 йил 1 январда Бухоро вилояти Фиждуон тумани Чўголон қишилогида туғилган. Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган (1968). Бухоро вилоятининг Навоий тумани газетасида бўлим мудири (1968), «Бухоро ҳақиқати» газетасида маҳсус мухбир (1970–71) бўлиб ишлаган. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида илмий ходим бўлган (1971–75). Турли вақтли матбуот нашрлари, нашириёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетида фаолият олиб борган (1975–91). «Шеър қанотидаги ўлдузлар» (1986) номли китоб муаллифи. 1990 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

ХАЛҚ МАҶОЛЛАРИ ВА ТОПИШМОҚЛАРИДА ҚОФИЯ

Мақол ўзбек халқ оғзаки ижодининг қадимий, яшовчан ва кенг тарқалган жанрларидан биридир. Мақоллар, асосан, ҳаётий тажрибалар натижаси ўлароқ майдонга келади. Асрлар бўйи оғиздан-оғизга ўтиб келаётган мақолларда кенг меҳнаткаш халқ оммасининг дунёқарashi, жамият ва меҳнатга муносабати, ота-онага ҳурмат, Ватанга чексиз садоқат мотивлари мужассамлашган. Шунингдек, мақолларда халқ орзу-умидлари, инсонпар-

варлик ҳидлари уфуриб туради. Илм ва ҳунар ўрганиш, дўстлик ва ахиллик, катталарга ҳурмат ва иззатда бўлиш, мардлик ҳамда тўғрисўзлик ҳалқ мақолларининг асосий ғоявий мақсади бўлиб, ҳалқнинг қадимий тарихи ва руҳий ҳолатини ифодалаб келади. Ҳалқ томонидан айтилган мақоллар ғоявий пишиқ, мазмунан му-каммал, ихчам ва соддадир. Ана шу ўзига хос томонлари билан ҳам мақоллар ҳалқ бадиий ижодининг қўшиқ ёки терма, лапар ёки ёр-ёр каби кўплаб турларидан фарқ қиласди. Ўтмишдаги барча санъат, адабиёт ва давлат арబблари мақолларга қайта-қайта мурожаат қилиб келишган.

Ҳар бир ҳалқ мақоли алоҳида тугал асар. Ўзбек ҳалқ оғзаки бадиий ижодининг қўпгина турлари каби мақоллар ҳам мавзу эътибори билан хилма-хилдир. Лекин ҳалқ мақолларида юқорида қайд этган мотивларимиз бир ёки икки, ошиб борса, тўрт шеърий мисрада ихчам, лўнда, ўзига хос поэтик ифода ва қофияларда берилиши билан янада чукур мазмун кашф этади, ёлқинланиб туради.

*Иш кучини елга берма, ерга бер,
Жамгармани селга берма, элга бер.¹*

Бу мақол меҳнатсеварлик ва ҳалқпарварлик ҳақида. Поэтик мисраларда иш кучидан, вақтдан унумли фойдаланиш, тўплланган ҳосилни эса бекорга совуриш эмас, балки эл фаровонлиги йўлида сарфлаш лозимлиги уқтирилмоқда. Мақолдаги бу кенг мазмунни ихчам ва теран ифода этишда мисралардаги *елга* ва *селга* (ички қофия), *ерга* ҳамда *элга* (ташқи қофия) сўзлари ажо-йиб оҳангдорлик касб этган. Ёки меҳнат мавзусидаги қуйидаги бир мақолни олиб кўрайлик. Мақол икки мисрадан иборат:

*Барвақт қилинган ҳаракат,
Ҳосилга берар баракат.*

Ҳаракат ва баракат сўзлари – мақол қофиялари. Бу қофиядош сўзлар бир-бирига узукка солинган кўздай мос тушган. Улар бир-бирининг поэтик мисрадаги вазифасини енгиллаштириб,

¹ Ўзбек ҳалқ мақоллари. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 17. Кейинги мисоллар ҳам шу тўпламдан олинди (муаллиф эскартиши).

англацилладиган фикрни яхлитлаштирган. Чунки ҳар бир ишда ҳам чинакам ҳаракат қилинсагина күзланган баракат бўлади.

Мехнат ва меҳнатсеварликка чорловчи қуидаги мақол тўрт мисрадан тузилган:

*Богни боқсанг боз бўлар,
Ботмон-даҳсар ёғ бўлар.
Боқимсиз боз тоз бўлар,
Юрак-багринг доз бўлар.*

Бу мақол шеърий асарни эслатади. Тўртлиқда биринчи мисра билан учинчи қатор ифода жиҳатидан кўпроқ мақол талабига мойил бўлиб, иккинчи ҳамда тўртинчи мисра «*Богни боқсанг боз бўлар*», «*Боқимсиз боз тоз бўлар*» мақоллари мазмунини теранлаштириш ва таъсир кучини оширишда катта вазифа бажаради. Мақолда мазмун теранлигини таъминлаш ҳамда таъсир кучининг ўкувчи қалбига тез етиб боришида эса мисраларда кетма-кет ўйғунашкан *боз-ёғ-тоз-доз* оҳангдош сўзларининг ўрни бекиёс.

Мақолларда қофиялар нафақат шеърий мисралар сўнгиди, балки ўртада ёки бошда ҳам келаверади. Бундай ҳолат мақоллардаги асосий хусусият бўлиб, ана шу томони билан у ҳалқ бадиий ижодининг бошқа турларидан ажralиб туради.

*Айрон – ош бўлмас,
Нодон – бош бўлмас.*

Бу донолик ва нодонлик хусусида айтилган мақоллар сирасига киради. Маълумки, айрон ош ўрнини боса олмаганидек, нодон, яъни ҳеч нарсага ақли етмайдиган кимса ҳар қанча ўқитиб-ўргатсанг ҳам бирор ишнинг уддасидан чиқолмайди, бирорга ўргата олмайди. Ана шу муҳим фикрни лўнда ифодалашда мисралар бошида келган *айрон* ҳамда *нодон*, ўртадаги *ош* ва *бош* оҳангдош сўзлари бевосита хизмат қилган.

Мақолларнинг яна бир муҳим ва ҳалқ ижодининг бошқа хилларидан фарқ қиласидиган хусусияти шундаки, уларда бир сўзнинг ўзи қарама-қарши маънода кўпроқ ишлатилади:

*Қайноали келин қарқара келин,
Қайнонасиз келин масхара келин.*

Бу мақол мисралари икки туроқли бўлиб, улардан биринчи - «Қайноали келин – қайнонасиз келин», иккинчиси «қарқара келин – масхара келин» ибораларидан ташкил топган. Биринчи туроқдаги дастлабки сўзлар шаклан бир хил. Бироқ у мақол маъносини келтириб чиқариш мақсадида бир-бирига ўзаро биргина «-сиз» қўшимчаси орқали карши қўйиляпти. Натижада мақолда исталган фикрни ифода этувчи қарқара-масхара қофиялари юзага келган. Бундай ҳол кўпчилик мақолларда учрайди:

*Вафосизда ҳаёй йўқ,
Ҳаёсизда вафо йўқ.*

Бу мақолда классик поэтиканинг қайтариқ поэтик санъати қўлланган. Ваҳоланки, мақолдаги «вафосизда ҳаёй...» ҳамда «ҳаёсизда вафо...» ибораларидан бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бинобарин, биринчи мисрадаги *вафосиз* сўзининг иккинчи қаторда *вафо* шакли шу сатрдаги ҳаёсизда сўзининг биринчи мисрада ҳаёй шаклида қайтарилиши натижасида мақолда мураккаб қофиялар ҳосил қилинган. Бу ҳалқ мақоллари қофиясининг ўзига хос яна бир муҳим хусусиятини кўрсатадиган томонидир. Бироқ мақоллар кўшик ёки достонлар сингари эмас, строфик жиҳатдан номукаммалдир. Шу сабабли мақол қофияларида тасвирийлик суст. Шунингдек, мақоллар ҳалқ поэтик бошқа кўпгина турлариdek таркибли, жуфт ёки мураккаб қофияларда келмай, балки уларда мазмуннинг содда қофиялар орқали ифодаланиши билан ҳам тубдан фарқ қиласди. Юқорида айтганимиз сингари мақоллар ҳалқ ҳаётининг турфа томонларини қамраб олган бўлиб, улар кенг меҳнаткаш омма орасида ҳар хил варианtlарда айтиб келинган. Улар ҳозиргача қандай мавзуларда айтилган бўлмасин, уларнинг барчасида ҳалқнинг орзу-истаги ётади, оммани яхшиликка, ҳамиша хайрли иш қилишга чорлаш мотивлари уйғунлашган. Бу уйғунлик такрор-такрор айтилган мақолларнинг ҳар бир вариантида пишиқ қофиялар орқали қолипланган, янада баркамол тус олган.

Топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг бошқа турлари каби қофияланиш характерига эга. Бироқ топишмоқларда дурдона халқ қўшиқлари ёки достонларида учрайдиган мураккабifo-далар, составли образлар талаб этилмайди. Балки ўқувчиларга ўйлаб топиш учун бериладиган маълум темадаги ҳолат ёки ҳодиса ихчам шеърий шаклларда, енгил қофияларда берилади. Топишмоқлар кўпинча иккилик, учлик ҳамда тўртлик тарзида қофияланади. Демак, топишмоқлар ҳам шеърий асарларга ўхшаш вазн ва қофияга эга. Улар ўзининг ихчамлиги, ички ва ташки қофияга эгалиги, кишилар турмушига яқинлиги жиҳатидан китобхонлар томонидан тез ўқиб олинади ҳамда хотирада узок сақланади. Мисолларга мурожаат қиласайлик:

*Бостирдим икки товук,
Бири иссиқ, бири совуқ.¹*

Топишмоқ мисралари ўзаро *товук* ва *совуқ* сўзлари ёрдамида байт қофия ҳосил қилиб, ёз ҳамда қиши фаслларининг англатиб келмоқда. Қуйидаги топишмоқ мисраларининг биринчиси билан учинчиси ўзаро қофияланиб, «*Отаси этагини кийгунча*» мисраси оҳангдош ҳар иккала қаторда илгари сурилган фикрни бирбирига чамбарчас боғлайди. Натижада қофиядош мисраларда яширинган «нима» саволига бутун топишмоқ мазмунидан олов, тутун деган жавоб қайтарилади:

*Тақ этди, тақолон кетди,
Отаси этигини кийгунча
Боласи боғолон кетди.*

Ёки:

*Оқ ерга қора уруғ,
Кўл билан экадилар,
Оғиз билан терадилар*

топишмоғини олиб қарайлик. Мазмунидан қоғоз, сиёҳ, хат ва ўқув маънолари англашилиб турган бу топишмоқ учлик шаклида

¹ Ўзбек халқ топишмоқлари. – Тошкент: Ўззадабийнашр, 1961. – 16-бет. Мисоллар шу тўпламдан олинди (муаллиф эскартиши).

қофияланиб келган. Топишишмоқда кейинги икки қатор үзаро эка-
дилар ва тераадилар сўзлари орқали оҳангдошлиқ касб этаётири.
Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, биринчи қатор очик қолиб, ке-
йинги байт қофиясига уйғунлашмаган бўлса-да, у топишишмоқда
асосий мазмунни ташийди. Кейинги мисралар ва уларда-
ги оҳангдош сўзлар эса ана шу мазмунни чукурлаштиришга,
топишишмоқ ечимига ёрдамлашади.

Топишишмоқларда дастлабки икки мисра бир-бири билан
қофияланиб, асосий маъно етакловчи қатор учинчи бўлиб келиш
холлари ҳам кўп учрайди. Қуидаги топишишмоқда худди ана шун-
дай ҳол юз берган:

*Узун-узун уза қоч,
Сайраб турган қалдиргоч,
Учи менинг қўлимда.*

Дастлабки сатрлар қоч ҳамда қалдиргоч сўзлари ёрдами-
да оҳангдошлиknи юзага келтириб, сўнгги учинчи мисра очик
қолган. Шуниси характерлики, биринчи оҳангдош сўз келган
«Узун-узун уза қоч» мисраси нисбий баландликни, «Сайраб тур-
ган қалдиргоч» сатри ҳавода муаллақ турган бирор нарсани, шу
нарсанинг жилови қандайдир бир кишининг ҳукмида эканлиги-
ни учинчи «Учи менинг қўлимда» қатори англатиб келмоқда. На-
тижада топишишмоқда яширинган нарса қалдирғочга қиёс этилиши
билан варрак эканлиги осон топилган.

Халқ томонидан айтилиб, асрлар оша ҳар бири жуда кўп ва-
риантлардатажассумтопгантопишишмоқларда ҳам қофияланишнинг
талай турларига мойиллик сезилади. Масалан, қурбақага нисбат
бериб айтилган бир топишишмоққа эътибор берайлик:

*Кия-қия ерларда,
Қийма султон ўтирап.
Тирноқлари кумушдан,
Ҳофиз жувон ўтирап.*

Бу ерда биринчи ва учинчи қаторлар қофиясиз қолгани ҳолда,
бошқа сатрлар султон, жувон сўзлари орқали уйғунлашган. Де-
мак, тўрт мисрадан иборат бу топишишмоқда қаторора қофия юза-

га келиб, ўтиrap тақрор сўзи фикрнинг янада муайянлашувига сабабчи бўлган. Бундан ташқари тўртлик топишмоқ мисралари қофияланишнинг яна кўплаб турларида оҳангдошлиқ касб этадики, бу бевосита асар ғоясини ифодалашда мантиқни кучайтириб, таъсиричанликни оширишда ягона восита бўлиб хизмат қиласди. Мисолларга мурожаат этайлик:

*Бир қушим бор фаранги,
Боғларда чалади чанги.
Уни топмаган одам,
Ҳам кўкнори, ҳам банди.*

*Бодом каби япроги,
Соллонади бутоги.
Ўзи ширин, туклигина,
Мазаси тотлигина.*

Ҳар иккала топишмоқ ҳам тўрт мисрадан иборат. Биринчи топишмоқ мазмунидан яширган қуш – булбул, иккинчи топишмоқ мазмунидан яширган нарса – шафтоли эканлиги англашилмоқда. Бироқ бу маънолар ҳар иккала топишмоқда бошқа-бошқа шеърий шаклларда намоён бўлган. Яъни биринчи топишмоқда дастлабки мисралар *фаранги* ва *chanги* сўзларидан ўзаро оҳангдошлиқ ҳосил этиб, сўнгги тўртингчи сатрдаги *банги* сўзига уйғунлашиш натижасида булбул хислатини очиб берган. Иккинчи топишмоқда эса бундай эмас. Бу ерда топишмоқда яширган *шафтоли* мисраларнинг ўзаро мустақил икки хил қофиялари ёрдамида келиб чиқкан. Бу шуни кўрсатадики, топишмоқ мисралари қайси формада қофияланмасин, ўзаро уйғунлашган сўзлар топишмоқ оҳангини таъминлашда муҳим вазифа бажаради.

Топишмоқ нафақат тўрт мисрагача, балки ундан ортиқ шеърий сатрлардан ҳам ташкил топади. Биз қуйида келтирган топишмоқ гуруч хақида бўлиб, олти мисрадан иборат. Олтилик шартли равишда уч гурухга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ мисралари ўзаро *тӯдаси* – *кун-кечаси*, *тегмай-саргайгай*, *сабоқдадир-товоқдадир*

оҳангдош сўзлари орқали қофияланиб келади. Шуниси характерлики, қофия учун келтирилган сўзлар топишмоқда яширинган нарсанинг кўрининш ва ҳолатини бевосита ифодалаб келади:

*Тарам сочли қиз тўдаси,
Сувда ётар кун-кечаси.
Сувда ётиб, сувга тегмай,
Олтмишида у саргайгай.
Саксон кунда сабоқдадир,
Түксон кунда товоқдадир.*

Хуллас, қофия – шеър қаноти. У шеъриятда жуда кўп ва хилма-хил функцияларни адо этиб, янги-янги бандлар ҳосил қиласди. Шеър композициясини юзага келтиради. Поэзияда мусиқийликни ошириб, образлилик ва ҳаётийликни таъминлайди. Энг асосиysi – шеърнинг гоявий мазмунини тўлдириб, унинг ўқимишли, завқли бўлишини таъминлайди. Бу эса қофия шеъриятда азалдан катта кучга эга эканлигини ва бундан кейин ҳам қофиянинг шеърдаги ўрни, кудрати шундай сақланиб қолишига тўла имкон борлигидан далолат беради.¹

¹ Ушбу макола фольклоршунос олим Ф. Райхоновнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида босилган «Топишмокларда қофия» (1985. – 5-сон. – 30–31-бетлар) ҳамда «Маколларда қофия» (1986. – 5-сон. – 26–27-бетлар) маколалари асосида тайёрланди.

Жұмабой
ЮСҰПОВ
(1947–2009)



Жұмабой Юсупов 1947 йил 26 февралда Қарақалпогистон Республикаси Амударё туманида туғилған. Туркменистан Республикасы Тошховуз туманинің қозирғи «Шодлик» деңқон бирлашмасыда жойлашған бошланғыч мактабда (1953–56), Тошховуз тумани Тозабозор шаҳарчасыдагы 1-сон ўрта мактабда ўқыған (1957–63). Республика Рұс тили ва адабиети педагогика институтыда ўқыған (1964–69). Республика Рұс тили ва адабиети педагогика институтининг умумий тишиунослик кафедрасыда ўқытувчи, катта ўқытувчи (1969); Тошкент Халқ хұжалиги институтыда катта ўқытувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаган (1979–91). Тошкент Молия институтыда доцент (1991–92), Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Урганч филиалыда кафедрасы мудири (1992–95), Урганч давлат университетиде доцент (1995 йилдан), УрДУ қошидаги Минтақавий тил маркази (1998–2004), университет қошидаги Малака оширии ва қайта тайёрлаш таълим маркази директори (2003–2009) лавозимларида ишлаган. «Яқын тилдан таржимада миллій ўзига хосликни акс эттириши муаммосига доир» мавзусида номзодлық (1981), «Хоразм әртаклари генезиси, асосий хусусиятлари ва поэтикаси» мавзусида докторлық (2000) диссертациясими ұмояқ қылған. «Хоразм әртаги ва ҳаёт ҳақиқати» (1997), «Хоразм әртаклари поэтикаси» (2005), «Хоразм ривоят, нақл ва әртаклари» (2005), «Адабиетшиунослик ва структурал методлар» (2005), «Қайноқ қалб сурүри» (2006) каби китоблар мұаллифи. 2009 йил 11 октябрда Урганч шаҳрида вафот этған.

ДАФН МАРОСИМИ ВА УНИНГ ЭРТАКЛАРДАГИ БАДИЙ КҮЧИМИ

Фольклоршуносликда эртак ва маросим муносабати, қадимги ритуаллар асосида юзага келган эпик мотив, сюжет ва образларнинг бадиий хусусиятлари, эртак сюжети тизимидағи маросим элементларининг поэтик вазифалари таҳлил қилинганда, асосан, тўй маросими билан эртакнинг ўзаро эстетик алоқаларига диққат килиб келинди. Дафн маросими удумларининг эпик талқини тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Биз ушбу мақолани Хоразм халқ эртакларида қадимги дафн маросимининг экс этиши масаласига бағишиладик.

Ўзбек маросим фольклорининг юзага келишида Хоразмда яшаган қавмларнинг анъана ва удумлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Қадимги хоразмликларнинг табиат кучларига сифинишга асосланган ибтидой тасаввурлари, магия, кейинчалик оташпастлик инончининг яратилишига замин бўлган. Кўпгина мутахассислар ана шу эътиқодлар асосида зардўштийлик ақидалари илк бор Хоразмда юзага келган деб ҳисоблайдилар.¹

Зардўштийлик кенг ёйилган қадимги Хоразмда дафн маросимининг ўзига хос удумлари билан бирга жон, ўлим, нариги дунё, руҳнинг боқийлиги, ўлиб, қайта тирилиш тўғрисидаги тасаввурлар ҳам шаклланган эди. Ислом дини ёйилиши муносабати билан бу дафн маросимларининг кўпгина узвлари унтилди. Бундан ташқари, зардўштийлик ақидаларининг такомиллашибиши, бошқа халқлар мифологиясининг таъсири ва маданий-этник алоқалари натижасида қадимги хоразмликларнинг мотам маросими исломдан аввалги даврларда ҳам кучли структурал ва мантиқий ўзгаришларга учраган эди. Шундай экан, қадимги хоразмликларнинг исломдан аввалги дафн маросимларининг дастлабки вариантларини ёзма ёдгорликлар («Авесто», қадимги грек тарихчилари асарлари)даги қайдлар, фольклор асарларидаги этнографизмлар ҳамда воҳада мавжуд бўлган маросимлар тизимидағи архаик қатламга доир материалларни ўзаро қиёслаш

¹ Толстов С. П. Древний Хорезм. – М.: 1948. – 59–61-стр.; Рапопорт А.Ю. Из истории религии древнего Хорезма. – М.: 1971. – 5–6-стр.

орқали аникласа бўлади. Шу маънода Хоразм эртаклари қадимги дағн маросимининг шаклланиши, асосий удумлари ва ритуал вазифаларини ўрганишда муҳим манба бўлади. Масалан, «Болтакай ботир» эртагида тасвирланишича, қаҳрамоннинг юртига Қораҳон подшо бостириб келади. Болтакай ботирнинг аскарлари енгилади. Қораҳон ҳаммани асир олиб, Болтакай ботир билан унинг хотини Гулжон сулувнинг жасадларини «Ўлгини ит, шоғоллар чакаласин», – деб йўл устига ташлаб кетади. Болала-ри ўлик ота-онанинг олдидаги қоладилар, онадан сут келади, қизи ўлик онани эмади. Бир йўловчи бобо гўр қазиб, ўликларни кўма-ди ва икки болани олиб кетади.

Бунда ўликларни чўлга ташлаб кетиш душманлик ифодаси сифатида бадиий тарзда тасвирланган бўлса-да, унинг гене-зиси қадимги хоразмлик оташпарастларнинг дағн маросими-га бориб тақалади. Страбоннинг маълумотларига қараганда, сўғдлар ва бақтрияликлар марҳумларни ерга дағн этмаган-лар. Ўлган одам жасади очиқ майдонга чиқариб ташланган. Агар мурдани ит ёки қарга-кузғунлар еса, яхшилик аломати ҳисобланган. Мабодо жасадга жониворлар яқинлашмаса, буни хосиятсизлик белгиси деб билганлар. Онескрит, Страбон ва Геродот бу одат бақтрияликлар орасида кенг тарқалганлиги, касалликдан ўлган кишиларнинг жасади итларга ташланиши, шу мақсадда маҳсус кучуклар боқилиши ҳақида маълу-мот берганлар.¹ Мурдани жониворлар ейиши учун маҳсус жойда маълум муддат қолдириш удуми инсон ўлгач унинг руҳи бошқа жонзотга кўчиши ҳақидаги анимистик тасаввур-ларга боғланади.² Тарихий манбаларнинг гувоҳлик бериши-ча, зардўштийликнинг дастлабки даврларида бу одат муғлар, каспийлар, бақтрияликлар, гирканияликлар, парфияликлар, массагетлар, қадимги хоразмликларнинг анъанавий ритуал ма-росимларидан бири бўлган.³

¹ Страбон. В семнадцати книгах. Кн. Седьмая. – М.: тип. У. Мединской, 1879. – стр. 52.

² Штернберг Л. Я. Эволюция религиозных верований. Первобытная рели-гия. – Л.: 1936. – стр. 337.

³ Рапопорт А. Ю. Из истории религии древнего Хорезма. – М.: 1971. – стр. 24.

М. Бойснинг фикрича, зардўштийлик удумича, одам ўлгач, унинг жасади чўл ёки даштга чиқариб қўйилган. Ўлаксахур қушлар ҳайвонлар бирпасда унинг гўштини еб қўйишган. Жасадни тарк этган жон қўёш нурлари бўйлаб осмонга чиқиб кетармиш. Шундан кейин суюкларни йифиб олиб, маҳсус жойда саклаганлар.¹

Хоразмда суюк эгаси деган ибора бор. Агар бирор киши ватот этса, уни ювиб, кафанлаш, лаҳадга қўйиш каби юмушлар мархумнинг энг яқин қариндошлари «суюк эгалари» томонидан бажарилади. Бу ибора ҳам зардўштийлик динига асосланган дағн маромига алоқадор бўлиши керак. Чунки зардўштийлик дини хукмрон бўлган даврларда мурданинг гўштидан тозаланган суюгини йигиб олиб, уни оstadонга жойлашга ҳак-хукуки бўлган кишига «суюк эгаси» дейилган.²

Зардўштийликнинг кейинги даврларида марҳум суюгини гўштидан ажратиш вазифасини маҳсус кишилар бажаришган. Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг ёзишича, «бир деҳқон Бухорхудотнинг қорнига пичоқ урибди. Бухорхудот бир соат ўтгач, жон берди, унинг хизматкорлари кирдилар ва гўштини ажратиб ташлаб, суюгини Бухорога олиб келдилар.³

«Авесто»нинг таркибий қисми хисобланган «Видевдат»да ёзилишича, зардўштий ўлгач, унинг жасади баланд тог устига чиқариб қўйилган. Жасадни итлар ва қушлар ейиши зарур бўлган.⁴

Бу ўринда икки деталнинг бадиий талқинига эътибор бериш зарур. Шулардан биринчиси, жасад чиқариб ташланадиган тоғ (ёки унинг кейинчалик оммалашган тепалик сифатидаги шакли) детали. Хоразм халқ эртакларида бу удум тоғ устидаги бойликини қўлга киритиш учун маккорона йўл тутган бой ҳақидаги сюжетда шундай ифодаланади: Ҳўжа Бозиргон деган чол айёрлик қилиб, Ҳасан ўтинчини тулум ичига киритади. Сўнг тулум

¹ Бойс М. Зороасрийцы: Веровния и обычай. – М.: 1971. – стр. 24–25.

² Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: 1988. – 41-бет.

³ Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент, 1966. – 58-бет.

⁴ Рапопорт А. Ю. Из истории религии... – стр. 23.

оғзини маҳкам боғлаб, тоғ этагига олиб бориб кўяди. Бир бургут тулумни кўтариб тоғнинг устига олиб чиқади. Тулумни ёриб ташқарига чиққан Ҳасан ўтинчи тоғ устидаги олтинларни пастга ташлабди. Сўнг ўзи пастга қандай тушиш кераклигини сўраганида Хўжа Бозиргон: – Болам, теварагингга қара, тирик курсанг, тирик бўл, ўлик курсанг, ўлик бўл, – деб йўлига кетаверибди. Ҳасан теварагига қараса, у ер-бу ерда ярмини күшлар еб ташланган одам гавдалари, одамнинг каллалари, суюклари сочилиб ётган эмиш.¹

Бургут кўтариб учган тулум ичидаги Ҳасан ўтинчи чиққан тоғ зардўштийларнинг дағн маросими ўтказиладиган ритуал жойининг эпик вариантидир. Зардўштийлиқда бу тоғ тепаси жониворлар ейиши учун, яъни суюги гўштидан тозаланиши учун қўйилган марҳумлар жасади билан тўла бўлган. Эртақда эса бу удумнинг бадиий жиҳатдан қайта идрок этилган образли ифодаси тасвирланган. Ҳасан ўтинчининг назари тушган «гавда» ва «суюк»лар Хўжа Бозиргоннинг макру ҳийласига учеб, олтинли тоғ устига чиқиб, пастга қайтиб тушиш йўлини тополмай нобуд бўлган мардикорларнинг жасади қолдиқлари сифатида талқин қилинади. Кўринадики, қадимги хоразмликларнинг дағн маросимига оид этнографик деталь трансформацияда Хўжа Бозиргоннинг ёвузлигини бўрттириб тасвирлаш воситасига айланган. Этнографик воқелик – бадиий элемент сифатида ахлоқий ва эстетик вазифа бажаради.

«Хўжа Бозиргон билан Ҳасан ўтинчи» эртагининг сюжети баланд тогдаги қуш суратли жонзор – грифонлар қўриқлайдиган олтинни қўлга киритиш ҳақидаги қадимги бақтрияликлар афсонаси асосида шаклланган.

Милоддан аввалги V–IV аср бошларида яшаб ижод қилган грек тарихчиси Ктесий ўзининг «Индика» номли асарида шундай ёзади: Бақтрия ва Ҳиндистонда олтин жуда кўп, аммо улар тиллани дарёдан излаб топиб, ювиб олмайдилар. Бу ўлгадаги улкан ва пурвиқор тоғларда тирноғи ва панжаси шерникига ўхшаш, аъзойи бадани қора пат билан қопланган катталиги нақ бўридай келадиган тимқора тусли қушлар – грифонлар яшайди.

¹ Хоразм эртаклари. – 138–139-бетлар.

Бутун аъзойи бадани қора пат билан қопланган бу күшларнинг тўшининг патлари қизил бўлади. Олтин ана шу күшлар маконида бўлгани учун жуда қийинчилик билан қўлга киритилади. Бақтрияликларнинг ҳикоя қилишларича, бу қуш, яъни грифлар олтин конининг посбони эмиш. Күшлар тоғлардан олтинни топиб, метиндек қаттиқ тумшуғи билан чўқиб, ковлаб олар ва тилло бўлакларидан уя қуаркан. Грифлар яшайдиган тилло тоғи чўл ўртасида жойлашган. Одамлар грифлар ҳужумидан қўркиб кечаси ой ёргуғида бу тоққа от уловда боришар, йиртқич хурожидан омон қолганлар қоп тўла олтин билан қайтишар эмиш. Бақтрия ва Ҳиндистонда олтин шу тариқа олинади.¹

Бу ҳикоят Филострат, Плинний каби тарихчилар асарларида ҳам қайд қилинган бўлиб, И. В. Пянковнинг аниқлашича, аслида, Геродотнинг «грифлар олтинини ўғирлаган аrima қабиласи ҳакидаги» афсонасига бориб тақалади.²

Хазинани қўриқловчи афсонавий қуш ҳақидаги мифологик характердаги ҳикоялар қадимги Ўрта Осиё қавмлари фольклорининг маҳсулидир. Грек тарихчилари ҳам бу ўлкада бўлиб, ўша пайтда оғзаки тарзда айтилиб юрган афсоналарни эшитишган ва унинг сюжетини ўз асрларида қайта ҳикоя қилинган. Грифлар олтинини олиш ҳақидаги афсона сюжетининг эпик трансформацияси натижасида «Хўжа Бозиргон билан Ҳасан ўтинчи» сингари эртаклар юзага келган. Бу эртак сюжетининг асосий мағзи тоғ устидаги олтинни қўлга киритиш мотиви ана шу юқорида ҳикоя қилинган қадимий афсонанинг диффузиялашган кўринишидир.

Афсона сюжети турли даврларга оид диний-ахлоқий, бадиий-эстетик қарашлар таъсирида ўзгаришга учраган. Эртакда анъанавий сюжет элементи сифатида қайд қилинган бу мотив бойликка ҳаддан зиёд ружу қўйиш, очкўзлик каби салбий хислатларни қоралаш «бировга чоҳ қазиган чуқурига ўзи тушадиган» деган ҳикматни асослашга хизмат қиласди. Сюжетлар типологиясидаги бу муштараклик Хоразм эртакларининг

¹ Пянков И. В. Бактрийский гриф в античной литературе // История и культура народов Средней Азии. – М.: 1976. – стр. 19–22.

² Пянков И. В. Бактрийский гриф... – стр. 20.

шаклланиш тарихи қадимги Ўрта Осиё қавмларининг эпик ижоди анъаналарининг бадий эволюцияси билан чамбарчас боғликлигини кўрсатади.

«Болтакай ботир» эртагида Қорахон подшо тилидан «ўлигини ит-шоғоллар чакаласин» айтими берилган. Аслида, анъанавий қаргиш айтими бўлган бу бадий эпик формула замирида ҳам зардўштийлик дини дафн удумлари ва нариги дунё тўғрисидаги мифик қарашлар ўз ифодасини топган.

Онескрит бақтрияликлар урф-одати ҳақида шундай ёзади: «Уларнинг урф-одатига кўра, қариган кишини ўлмаса ҳам тирик ҳолда итларга берилган. Бақтра шаҳри ташқи томонлари тоза кўринса-да, ичида одам суюклари тўлиб ётарди. Александр бу урф-одатларни йўқ қиласди».¹ Бақтрияликлар хонадонида ана шу мақсадда маҳсус итлар сақланган.² Бой-бадавлат ўзига тўқ гирканияликлар ҳам ўзларининг охиратини ўйлаб, аввалдан уйда ит бокишиган.³ Страбоннинг қайд қилишича, массагетлар марҳум жасадини қоятош устида қўйиб, кузатиб туришган. Агар мурдага биринчи бўлиб қуш яқинлашса, марҳум жаннати экан деб хурсанд бўлишиган. Мабодо итлар биринчи бўлиб ея бошлашса ҳам суюнгандар. Мурдага хеч бир жонзот тегмаса, ўлган одам фосик, ёмон экан деб хафа бўлганлар.⁴ Худди шундай одатга Ўрта Осиёning қадимги туркий тили аҳолиси ҳам амал қилган экан. Н. Ф. Катановнинг аниқлашича, «Тарарагатай шаҳри аҳолиси марҳум жасади устига мой қуйиб маҳсус жойга чиқариб қўядилар. Чунки мой қуйилган мурда гўштини итлар тез еб кетишармиш. Итлар жасад гўштини қанчалик тез ейишса, ўлган кишининг қариндошлари шунча хурсанд бўлишармиш».

Дафн маросимларида итнинг иштирок этиши зардўштийлик дини ва мифологик қарашлар билан боғлиқ. «Авесто»да ит муқаддас ҳайвон сифатида таърифланган. Унинг «Видеват»

¹ Бойназаров Ф. Ўрта Осиёning антик даври. – Тошкент: 1991. – 158-бет.

² Бартольд В.В. Еще о самарканских оссуариях // В.В.Бартольд. Сочинения. Т. IV. – М., 1966. – стр. 118.

³ Рапопорт А.Ю. Из истории религии... – стр. 27.

⁴ Рапопорт А.Ю. Из истории религии... – стр. 27.

қисмидә ҳикоя қилинишича, «кимки итни урса, ҳаёти қийинчиликда ўтади. Агар ит оч бўлса, уни овқатлантириш керак. Ит боласи олти ойлик бўлганда, унга 7 яшар кизча овқат бериши керак.¹ Зардўштийлик таълимотича, бу жонивор ёвуз кучларнинг ашаддий душманидир. Айниқса, «тўрткўз» ит ёвузыликни даф қилишда алоҳида магик кучга эга деб қаралган.²

«Ўлигини ит-шагаллар чакаласин» айтимининг тарихий-генетик асослари анна шу магик қарашларга боғланади. Оташпарастлик удумлари оилавий-маиший маросимлар тизимидан тушиб қолгач, юқоридаги айтим аввалига маросим фольклори намунаси – қарғиш сифатида қўлланилган. Кейинчалик маросим фольклор ива эпик жанрларнинг ўзаро алоқалари натижасида эртакнинг анъанавий бадиий формуласига айланган.³

¹ Легенды, мифы, предания. – М.: 1992. – стр. 10.

² Миллер В. Ф. Значение собаки в мифологических верованиях. – М.: 1876. – стр. 3.

³ Фольклоршунос олим Ж. Юсуповнинг ушбу мақоласи «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1996 йил 4-сонида босилган (44–47-бетлар).

Саодатхон
ИЎЛДОШЕВА
(1947–2017)



Иўлдошева Саодатхон Назировна 1947 йилнинг 26 апрелида Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида туғилган. Профессор, фольклоршунос олима, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» (2006). Тошкент давлат университетини тамомлаган (1970). ЎзФАнинг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида илмий ходим (1970–74), Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти)да доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишилган (1974–2011). «Алномиши достони поэтикаси» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1974–1980). Унинг «Эпос ҳалқ ўтмиши», «Алномиши достонида хотин-қизлар образи», «Фольклор-этнографик ансамбларнинг ижрочилик усуллари» «Мучал тўйи», «Барҳаёт анъаналар», «Ҳалқ урф-одат ва анъаналари», «Аёл, оила ва ёшлар маънавияти», «Маросим ва удумларни саҳналаштириши», «Фольклор жамоа бошқарув услугиёти», «Фольклор-этнографик ансамбллари», «Фольклор кийимлари ва безаклари», «Оила – бардавом ҳаёт рамзи», «Фольклор-этнографик жамоалари услугиёти» каби ўқув қўлланма ва услубий тавсияномалари ва 50 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. 2017 йил 22 сентябрда вафот этган.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ – УЛУГЛАНҒАН МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Аждодлар меросини ўрганиш, бу халқнинг турмуши, тарихи, бугуни ва келажаги, тафаккур тарзи ҳамда рухиятини ўрганиш демакдир. Унда миллатнинг ўзини билиши, англаши, намоён этиши аждодлар мероси ва миллий қадриятлари акс этган.

Масалан, Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Умар Хайёмнинг «Наврӯзнома», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатиттурк», Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асарларида аждодлар меросининг тимсоли намоён этилган.

Ўзининг қадимий ва бой маданияти билан жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар мероси ва миллий қадриятлари саналмиш тафаккур дурдоналарида энг олийжаноб, улуғвор мақсадларга йўналтирилган карашлар ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқи жаҳондаги энг қадимий анъаналарга эга бўлган халқдир. Шунингдек, асрлар мобайнида яратилиб келинган ўзбек халқ достонларининг бизгача етиб келишида халқ баҳшиларининг ўрни беқиёсdir.

Халқ орасида баҳши сўзи кўп маънода қўлланган. «Достон куйловчи, кўшиқ ва достонларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор. Баъзи жойларда шаман маъносида ҳам қўлланади. Достончиларни эса юзбоши, соки, санновчи, жиров – деб айтадилар». Янги достонларнинг тури ва варианtlарини яратса оладиган баҳшилар шоир деб ҳам аталади. Масалан, Фозил шоир, Пулкан шоир, Ислом шоир ва бошқалар.

Баҳшилар халқ достонларини миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлган созда, кўп ерларда дўмбира, айрим жойларда қўбиз ёки дуторда куйлайдилар. Хоразм баҳшилари достонларни, асосан, дуторда ижро этадилар, уларга ғижжак ва буломонда созандалар жўр бўлади. XX асрнинг 30-йилларидан Хоразм баҳшилари достонларни тор ва рубобда куйлай бошладилар. Шу муносабат билан айрим баҳшилар ансамблида скрипкадан фойдаланиш, ансамблга доирачи, хатто

ўйинчи олиб кириш ҳоллари учрайди. Хоразмдаги Бола бахши ансамбли бунга мисол бўла олади.

Бахши аввал бир неча терма кўйлаган, Хоразм бахшилари эса терма сифатида достонлардан парчалар ёки Махтумкули ғазалларидан, панд-насиҳат мазмунидаги кўшиклар ижро килганлар. Зарафшон воҳаси худуларида «Нима айтай?» термаси билан эшитувчиларга мурожаат қилингаи. Достонлар бир неча соат ёки кунлаб қўйланган.

Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» жуда узоқ тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтган. Кўп асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб халқ бахшилари ҳофизаси орқали бизгача етиб келган.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг миллий қадриятларини, хусусан, кўхна ва ҳамиша эзгуликка, диёнатга ундейдиган, эл-юрт манфаати, унинг бирлигини тараннум этувчи «Алпомиш» достонини изчил ўрганишга кенг имкониятлар яратилди.

«Алпомиш» қаҳрамонлик достонлари кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёти билан боғлиқдир. Бир қатор уруғ ва қабила-ларнинг муайян халқ сифатида ташкил топа бориши, илк давлатчилик куртакларини пайдо бўлиши муносабати билан халқлар ва элатларнинг ўз мустақилларни учун чет эл босқинчиларига қарши мардонавор курашишлари қаҳрамонлик достони учун бой манба бўлган. Қаҳрамонлик достонларидан бизгача соғ ҳолда «Алпомиш» достони етиб келган. Бу достон асрлар оша халқимизнинг миллий ва маънавий мероси бўлиб келмоқда.

«Ота-боболаримизнинг қадимиј тасаввурига кўра, ўқ-ёй ҳокимијат нишонаси ҳисобланган. «Алпомиш» етти ёшида ўн тўрт ботмон биринждан – бронздан ясалган ўқ ёйдан ўқ отиб «алп» деган унвонга эга бўлади. Алп деган ҳокимијат эгаси эканини инобатга олсан, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизни бадиий ифодаси эканига ишонч ҳосил қиласиз».

Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий-иктисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб ривожланиб борган. Ибтидоий жамоа тузими шароитида муайян қабила яшаган жой ўша қабиланинг ватани ҳисобланган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган. Элат

яшаган ҳудуд эл деб аталган. «Алпомиши» достонида Бойсун-Кўнғирот элини бирлаштириш муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши Ватан тушунчаси элат, яъни халқ ва давлат тушунчаларини қамраб олади. Достонда Ватан меҳри, Ватан туйғуси, инсонпарварлик, муҳаббат ва садоқат, ростгўйлик, матонат, мардлик, қаҳрамонлик каби юксак инсоний фазилатлари ўз ифодасини топган. Достон тинчликсевар халқимизнинг катта маънавий мероси сифатидаги ўрни бекиёсдир. «Алпомиши» достони аждодларимиз ижодий дахосини бебаҳо ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари қаҳрамонлик эпоси намуналари ичида алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, «Алпомиши» достони жуда кўп туркий бўлмаган халқлар орасида кенг тарқалган. Унинг версия-талқини қуидагича: биринчиси, «Кўнғирот» талқини, бунга ўзбек, қозоқ ва туркийлар ўртасида кенг тарқалган ва мукаммал ҳолга келган «Алпомиши», «Алпамис» номларидаи достонлар киради. Иккинчиси, «Ўғуз» талқини бўлиб, туркий халқлар, озарбайжон, туркман, турк, ўзбек ва бошқа халқлар орасида яшаб келаётган катта-кичик асарлар, хусусан, «Дада Кўркут» достони, унинг таркибидаи «Бамси байрак» каби достонидир. Учинчиси, «Қипчоқ» талқини деб айтилиб, бунга татар, бошқирд, абхаз ва уларга яқин бошқа халқлар ижодидаги «Барчин Сулув», тоғли Олтойда тарқалган «Алп-Манаш» достонини – «Олтой» талқинига киритиш мумкин.

«Шундай қилиб, «Алпомиши» достони ва унга яқин бўлган катта-кичик фольклор намуналари ер юзига тарқалиб кетган туркий ва унга яқин бўлган халқлар орасида у ёки бу даражада кенг ёйилган ҳамда уларнинг энг севимли асарларидан бирига айланган». Чунки туркий халқларга алоқадор достон эртак, афсона, ривоятлар бўлса, достончиликда мазмуни, ғоявий, бадиий жиҳатдан энг мукаммал нусха деб тан олингани «Алпомиши»дир.

«Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-эътиқодидек асраб-авайлаган, қанча авлод-аждодларимиз «Алпомиши» достони асосида тарбия топган, ўзлигини анлаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халқимиз бир экан «Алпомиши» сиймоси ҳам барҳаёт».

Халқ оғзаки ижодининг юксак санъат тури «Алпомиш» достонининг пайдо бўлиши тараққиёти бевосита бахшилар номи билан боғлиқдир.

Халқ достончилиги ва бахшичиллик санъатининг тараққий этилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг буюк эпос «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида»ги 1998 йил 13 январдаги тарихий қарори ва юбилейнинг ЮНЕСКО тадбирлари доирасида кенг нишонланиши муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори асосида 1999 йил 6 ноябрь куни Аму соҳилидаги қадимий шаҳар – Термизда катта тантана қилинди. Бу эса мамлакатимизда миллий-маданий меросимиз бўлган халқ оғзаки бадиий ижодиёти дурдоналарини тадқиқ ва тарғиб этишига жуда катта аҳамият берилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Карорда «Алпомиш» достонининг тўла академик танланмаси, хорижий тиллардаги нашрларини амалга ошириш, унинг сюжети ва мотивлари асосида театр спектакллари, адабий-бадиий композициялари, хужжатли, мультиликацион, видео, телефильмлар яратиш, фольклор-этнографик кўргазмалар, замонавий дам олиш инишоотлари ва кичик спорт майдонларига эга бўлган «Алпомиш» боғларини ташкил этиш, почта маркалари, открытиялар, конвертлар туркумини чиқариш, фольклор асарлари ижроиларининг кўрик-танловларини, миллий спорт ўйинлари – «Алпомиш» ўйинлари фестивалини ўтказиш каби турли туман тадбирлар белгиланганлиги, уларнинг амалга оширилиши маданий тараққиётимизда улкан воқеа бўлди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек – «Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўғонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимиз-

нинг бағрикенглиқ, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби өзгу фазилатлари ўз ифодасини топган».

Асрлар оша «Алпомиш» халқимиз учун миллий қаҳрамонлик ва фидойиilik тимсоли бўлиб келган. Унинг замирида мужассамлашган асосий ғоя-халқнинг жипслиги, миллий бирлик, эл-юрт равнақи ва мустақиллиги учун кураш, ватан ҳурлиги, соғ севги ва садоқат ғояси халқимизга катта руҳий қувват бериб келган.

Достонда Алпинбийдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонини фақат Алпомишига ота олади. Алплик камонининг кўлда занг босиб ётиши, Алпинбий ўз вазифасини охиргача бажара олмагандан, салтанатни мустаҳкамлашни буткул охиргача етказа олмаганидан далолат беради. Бундай вазифани янги авлод – Алпиларгина охиргача етказади. Зеро, туркий халқлар дунёқарашида камон пок ният ва салтанат тимсоли бўлгандир».

«Алпомиш» тимсолида ватан истиқболи учун курашувчи мард ва жасур миллий қаҳрамон сурати гавдаланади. Азалдан миллий ўзликни англашнинг бадиий тимсоли бўлиб келган «Алпомиш» достонида тараннум этилган ғоялар ёшлар маънавиятини шакллантиришда тарбия мактаби ҳам ҳисобланади.

Қаерда маънавий-маданий, ахлоқий камолот юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга кўйилган бўлса, шу ерда жамиятнинг ижтимоий адолат мезонлари тез ривожлангани тарихдан маълум. «Алпомиш» минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун кудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган.

Шунинг учун ўзбек халқ эпосининг энг сара асарлари матнларини ҳеч қандай қисқартиришлару, таҳрирларсиз тўла нашр этишга киришилди. Айниқса, «Алпомиш» достоннинг ўзбек вариантлари тўла чоп эттирилганлиги эпосшунослик тарихидаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

2010 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш, асрар, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-сон қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлап мақсадида 9 бўлимдан иборат маҳсус Давлат дастури ишлаб чиқилди. Унинг «Номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан

ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш» номли иккинчи бўлимининг бир неча бандларида қадриятларимиз ва фольклор йўналиши бўйича ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларини бажариш кўзда тутилди. Бу Карорнинг бажарилиши «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини асар матни, нотаси ва изоҳлари билан нашрга тайёрлаш билан боғлиқ вазифалар шулар жумласидандир. Албатта, уларнинг ҳар бири босқичма-босқич ҳолатда амалга оширилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбек фольклоршунослиги тарихида илк бор яратилган «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигининг дастлабки жилдлари, хусусан, «Алпомиши», «Юсуф билан Аҳмад» каби халқ достонларининг академик нашр сифатида аввалги нашрлардан ўз мазмунни жиҳатидан тубдан фарқ қиласиган жилдлари чоп этилди.

Ўзбек халқ достончилиги, хусусан, «Алпомиши» эпоси тараққиётининг бугунги ҳолати ҳакида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

Мустақиллик даврида қадимий асосларга эга бўлган ўзбек бахшичилик санъатининг изчил тараққиёти учун кенг имкониятлар яратилди. Бу, биринчи навбатда, халқ ижодкорларининг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватланганлиги; эркин ижод билан шуғуланиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги; жойларда бахши шоирлар ижодий мактаблари ташкил этилганлиги; устоз-шогирдлик муносабалари йўлга қўйилганлиги; эпик меросни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиб беришга муносиб ҳисса қўшилаётганлиги; бахшилар хукуматимиз томонидан муносиб тақдирланаётганлиги билан белгиланади.

2003 йилнинг 13–14 март кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Марказий Осиё республикалари бахши-шоирлари ва оқинларининг 3-анъанавий халқаро кўрик-танлови ўтказилди.

Бу кўрик-танловнинг асосий мақсади бахшичилик ва достончилик санъатини янада юксалтириш, янги истеъоддларни кашф этиш, ёш авлоднинг маданий меросимиз, урф-одатлар ва анъаналаримизга бўлган муносабатини шакллантириш ҳамда эпик санъат билан боғлиқ қадриятларимизни кенг таргиб қилишга қаратилган эди.

Қадимий қадриятларимизнинг байрамига айланиб кетган бу танловда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қо-рақалиоғистон Республикасида ўтказилган дастлабки босқичидағолиб деб топилған ўттизга яқын баҳши-шоир, оқин ва жировлар ўзаро ижодий беллашдилар.

Кўрик-танловда республикамизда яшаб ижод қилаётган барча эпик санъат соҳиблари ижодий фаолиятининг ўзига хос кўзгуси бўлди.

Халқаро кўрик-танлов халқ достончилиги ҳамда баҳшичилик меросини ўрганиш, саклаб колиш, ривожлантириш ва «Алпомиши» эпосини янги ижрочиларни аниқлаш йўлидаги тадбирлардан бўлди.

«Алпомиши» эпосини аждодлар меросининг улуғланган қадрияти сифатида ўрни бекиёсdir. Достон ижрочилигида устазода ва ёш иқтидорли ижодкорларнинг маҳоратини баҳоланишига «Алпомиши» достони асос бўлди. Чунки ҳар бир ижодкор достондаги қаҳрамонликни, жасурликни улуғлаб, мардлик туйғулари, ватанпарварлик ғояси билан уйғунлаштириб ижро этдилар. «Алпомиши» достонининг ғоясида ёш авлодга намуна бўладиган жиҳатлари кўп ва хўпdir. Улар ҳозирги кун ёшларининг маънавий салоҳиятини оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Зеро, «Халқимизнинг енгилмас баҳодири – Алпомиши тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрарга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз – бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўрамиз.

Ишонаманки, ҳар бир авлод мана шу қаҳрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади. Бу қаҳрамонлик эпосини куйлаб, уни қалбига, шуурига жо қилган миллатни эса ҳеч қандай куч енга олмайди» – деб таъкидлаган Ислом Каримов.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда миллий ва умуминсоний қадриятлар улуғланган номоддий маданий меросга бўлган муносабат тубдан янгиланиб, аждодларимиз тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари тизимини кенг кўламда тарғиб этишининг мисли кўрилмаган имкониятлари очиб берилмоқда.

Ғулом
АКРАМОВ
(1947–1987)



Ғулом Акрамов 1947 иили Фарғона вилояти Дангарга туманида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирган (1973). «Гулистон» журналида мусахҳих (1972–73), ЎзРФА «Фан» нашриётида кичик муҳаррир (1973–74), Фарғона вилояти газетасида маданият бўлими мудири (1974–78) вазифаларида ишилган. Ғулом Акрамовнинг мифология, миф ва фольклор алоқалари, ҳозирги ўзбек адабиёти поэтикасига бағишиланган «Аниматик мифология» (1977), «Тотемистик мифлар» (1978), «Ғўруғли» туркумида мифологик образлар» (1978), «Манистик мифология» (1979), «Мифологиянинг эпик жсанрларига муносабати» (1981), «Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир» (1996) каби мақолалари эълон қилинган. «Ўзбек фольклорида мифология» мавзусида номзодлик (1980) диссертациясини ёқлаган. Ғулом Акрамов 1987 йилда Фарғона вилотида вафот этди.

МАНИСТИК МИФОЛОГИЯ

Ўзбек халқ ижоди асарларида манистик (аждодлар ҳомийлиги, афсонавий, тарихий қаҳрамонлар тўғрисидаги) мифлар ҳам муҳим ўрин тутади. Манистик мифлар халқ ижодининг энг қадимий турларидан бўлиб, у ибтидоий инсоннинг турмуш тарзи билан боғлангандир. Г. Хмелевский бу тур мифларнинг келиб

чиқиши хусусида қуйидагиларни ёзади: «Мифлар қуйидагича туғилған: бир вақтлар вафот этган аждодини ёдда сақлаган кексалар унинг ҳаёти ва жасорати ҳақида сўзларкан, ғайритабий, афсонавий элементлар қўшиб, ҳикоялар тўқиганлар».¹ Гарчи бу мулоҳаза манистик мифларнинг келиб чиқиши ҳақида тўлақонли маълумот бермаса-да, лекин унда эътибор талаб ўринлар бор. Булар, хусусан, манистик мифларнинг реал заминида гайритабий элементлар билан «тўлдирилиб» юзага келтирилганлиги билан боғлиқ қайдлардир. Бинобарин, бу икки белги мифнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.

Ўзбек халқ ижодида манистик мифнинг ёрқин намуналаридан бири Ҳубби (Фарғонада Эрхубби) ҳақидаги сюжетлардир. Асарнинг Хоразм варианти қуйидагича: «Фаридун ва ҳатто Жамшид подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари бу дарёда бир йигит яшаган ва бу йигит дарёнинг ҳокими бўлган. Унинг исми Ҳубби бўлган. Ҳубби балиқ билан овқатланган, у бир қўли билан баликни тутиб олар экан-да, уни қуёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қовурилар экан. У 700 йил давомида Амударёда яшаган ва шу вақт ичидаги ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган ва ҳатто, у вақтда чивинлар ҳам бўлмаган. Жамшид таҳтга ўтирган вақтдан бошлаб, Ҳубби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизи маликаси – гўзал бир қиз ўгирилаб кетган деб ўйлайдилар. У ғойиб бўлгандан сўнг Амударёда Ҳуббининг онаси пайдо бўлган. У узок вақт давомида йиғлаб, ўз ўғлини қидиради. Ана шу Ҳуббининг онаси биринчи қайиқни қурган ва ҳалқни дарёда сузишга ўргатган. Сўнгроқ Ҳуббининг онаси бутунлай кетиб қолган.

Минг йиллар давомида Ҳуббининг онаси аза тутган ва у билан бирга дарё, сахро, тоғ ва қоялар йиғлаган, одамлар, кушлар, ҳайвонлар йиғлаган, осмонда фаришталар, ер остида девлар йиғлаган. Ҳубби тирик, у қиёматгача яшайди, Ҳубби нажот берур, Нух мадад берур. Мана, қандай куч билан бу муқаддас дарёга ҳомийлик қиласди».²

¹ Хмелевский Г. Христианство и религии мира. – М.: ИПЛ, 1968. – стр. 49.

² Ғуломов Я. Ф. Хоразмнинг сугорилиши тарихидан. – Тошкент, 1959. – 32-бет.

Мифдаги Ҳубби образида манистик қарашлар таъсири ёркин намоён бўлган. Ҳубби, аввало, кишилар ҳомийсидир. Бинобарин, мифда тасвирлангандай унинг ҳукмдорлиги даврида ҳамма осойишта яшаган, на жин, на чивин бўлган. Омманинг табиат стихияси устидан голибликка эришиш орзуси шу тариқа Ҳубби образида ўз ифодасини топади. Ҳубби образидаги маъно мантиқи шуни тасдиқлайди, манистик мифларда ҳам табиат стихияси га қарши кураш ва унинг устидан ғолибликка эришиш орзулари асосий ғоялардандир.

Мазкур мифдаги Ҳуббининг онаси образи ҳам манистик қарашлар ифодасига бўйсундирилган. Унинг одамларга дарёда сузиш ва қайиқ ясашни ўргатиши ҳақидаги фактлар бевосита шу мулоҳазани далиллайди.

Мифнинг Фарғона варианти ҳам айрим жиҳатлардан характерлидир. Ҳусусан, унда бош қаҳрамон образи талқинида реалистик моментлар кўзга ташланади. У Сирдарёда яшайди ва кишиларга ёрдам беради. Лекин сюжет мантиқи жиҳатидан ҳар икки вариант жиддий фарқланмайди.

Ҳубби ҳақидаги Хоразм мифи бадиий жиҳатдан шаклланган, мифга хос кўтаринки, тантанали оҳангга эга. Унда, асосан, мифологик образлар иштирок этадики, бу асарни соф шаклда, турли таъсиrlарсиз етиб келганини тасдиқлайди. Ҳубби образида манистик, осмон қизи образида космогоник қарашлар ўз аксини топган. Шунингдек, Ҳуббининг онаси профессионал ҳомийлар ҳақидаги қадимий мифологик тасаввурлар билан боғланган.

Эпик жанрларда, ҳусусан, эртакларда манистик мифологиянингrudimentлари мотивлари нисбатан кенгроқ сақланиб қолган. Бундай қарашлар изларини эртакларда кенг ўрин тутган ҳомий чол образида яққол кўрамиз. Бу образнинг мантиқий йўналиши манистик қарашлар ифодасига бўйсундирилган. У халқ қаҳрамонига чўл-даштда ва сирли кўргонда дуч келади, мураккаб вазиятда тўғри йўл кўрсатиб, ҳомийлик қиласди. Образ асосидаги ана шу маъно бош маъно бўлиб, ундаги бошқа ҳусусиятлар (инсонийлик, донолик) характерни янада бойитувчи белгилардир. «Сухроб ва Мизроб» эртагида тасвирланган чол образи

юқоридаги белгилар билан бир қаторда құшимча хусусиятларни ҳам мужассамлаштирган: у нуроний, катта ҳәётий тажрибага эга, босиқ. У девлар асиралигидан қизни күткариш йўлларини кўрсатаркан, машакқатни ҳам яширмайди, баҳодирларни мардликка чорлайди.¹ Кўриниб турибдики, кейинги белгилар, асосан, образнинг ҳәётийлигини таъминлашга хизмат этади. Демак, чол образи манистик мифологиядан фарқли ўлароқ эпик жанрларда реализм сари трансформация қилинган.

Манистик чол образи «Воспирохун» эртагида сюжет тугунинг ечилишида муҳим роль ўйнайди. Бу сюжетда чол образи тўла мифологик аспектда тасвирланади. Эртак қаҳрамони эпик уч йўл бошида чолга дуч келади. Чол қаҳрамонга ҳомийлик қиласи, унга мақсадга эришиш йўлини кўрсатади. Халқ қаҳрамони ана шу ҳомий воситаси ва ёрдамида мурод-мақсадига етади. Асардаги манистик чол қаҳрамонга оғир вазиятларда бир неча марта дуч келади ва ҳар сафар ҳомийлик қилиб, уни күткаради. Бу образнинг мифологик характеристики эртак финалида – зиёфат тасвирида ёрқинроқ намоён бўлади: чол эртак қаҳрамонлари учун номаълум сирларни очади ва шу ўринда ўзини оддий инсонлардан фарқли эканини кўрсатади.² Чол образидаги ғайритабиий элементлар унинг мифологик характеристини белгилайди. «Моҳистара»³ эртагида ҳам чол образининг талқини юқоридаги тасвирга айнанилигини кўрамиз.

Халқ ижоди асарларида тез-тез учраб турадиган Хизр ва чилтанлар образи ҳақида ҳам шундай мулоҳазалар билдириш мумкин. Тўғри, улардан Хизр ҳақида мифология илдизи аниматик қарашлар билан (яшиллик маъбути) боғланади. Аммо манистик мифологияда бу образ янги элементлар билан бойиган, кишилар ҳомийси сифатидаги маъноси бирмунча кучайган. Бу фикрни «Ҳасан билан Ҳурилиқо»,⁴ «Сув қизи»⁵ эртаклари финалидаги Хизр образи талқини тўла тасдиқлайди. Жумладан,

¹ Сув қизи. Фантастик эртаклар. – Тошкент: 1966. – 140–159-бетлар.

² Ўша манба. – 52–74-бетлар.

³ Ўша манба. – 5–51-бетлар.

⁴ Ўша манба. – 100-бет.

⁵ Ўша манба. – 124–128-бетлар.

уларнинг биринчисида Хизр Хурилиқонинг сувга оққан ўғли ва кесилган қўлларини аслига кайтарса, иккинчисида тошга айланган Файратни қутқаради. Ҳар икки сюжетда ҳам Хизр манистик чол образига жуда яқин, ҳатто вариант даражасида талқин этилади. Бу мифологик образ талқини достонларда эртаклардан анча фарқланади. Хусусан, у бош қаҳрамоннинг ҳомийси ва раҳномаси сифатида тасвирланади. Эътибор берилса, эртакларда у умум, яъни кишилар ҳомийси сифатида талқин этилган эди. Хўш, эпосдаги бу ҳолнинг бирор сабаби борми?

Назаримизда, бунинг сабаби жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараккиёти, дунёқараашдаги ўзгаришлардадир. Бинобарин, эпос бизга етиб келган ҳолида мифология ва эртаклардан анча кейин шаклланган бўлиб, бу даврда ибтидоий мифологик дунёқарааш ўрнини янги тушунчалар эгаллаган эди. Бу даврда шаклланган оғзаки ижод асарларига қараб хукм чикарадиган бўлсақ, қабила ва уруғларнинг ҳомийлари аста-секин якка шахсларнинг, буюк қаҳрамонларнинг раҳномалари сифатида талқин қилина бошлаганини кўрамиз. Бунга қадимий мифологик тасаввурларнинг янги шароитга мослашишининг акс этиши деб қаралмоғи лозим. «Гўрўғлининг туғилиши» достонидаги Хизр образи ифодаси мазкур мулоҳазани тасдиқлайди. Бундай образ бошқа халқлар эпосида ҳам мавжуд.¹

Ўзбек халқ ижодидаги Хизр образи талқини ҳақидаги мулоҳазаларимизни хulosаласак, қўйидагиларни қайд этиш мумкин: образ илдизи аниматик мифологияда бўлиб, у табиат мифларида юзага келган. Манистик мифологияда ҳомий куч сифатида талқин қилинган. Эпосда эса тўлақонли манистик образ даражасига кўтарилиган. Шу тариқа бу образ трансформациясида уч асосий босқич мавжуддир. Чилтанлар образи ва улар билан боғлиқ сюжетлар эртаклар орасида учрамайди. Эпосда эса чилтанлар номи кўп тилга олинади, лекин воқеаларда эпизодик образ сифатида ҳам қатнашганлигини кузатмадик. «Гўрўғли» эпосидаги далилларга асосланиб айтиш мумкинки, чилтанлар

¹ Гўрўғлининг туғилиши. Ўзбек халқ ижоди. Достонлар. Мухаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан / Нашрга тайёрловчи Малик Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – 320-бет.

образи асарда бажарган функцияси жиҳатидан Хизрга мувофиқ келади.¹ Лекин унинг тасвирида яна бир ўзига хослик борки, бу мазкур образнинг анимистик образга яқинлиги билан bogлиқдир. Бинобарин, чилтонлар анимистик мифологиядаги ҳомий руҳлар образига ҳамоҳангдир. Демак, чилтанлар образи мифологияда манистик образдан анимистик образга трансформация қилинган кўринади.

Манистик мифологияда афсонавий шахслар, тарихий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар алоҳида қанот ҳисобланади. Ўзбек фольклорида афсонавий қаҳрамон Рустам номи билан боғлиқ сюжетлар бу турнинг яхши намуналариdir. Маълумки, Рустам Шарқ ҳалқлари ижодида муҳаббат билан тасвирланган паҳлавондир. У ҳақдаги илк сюжетлар «Авесто»га киритилган. У «Авесто» сюжетларида ҳам ботир, девларга қарши мардона курашчи сифатида талқин этилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида эса «Авесто» традициялари сақланган ҳолда образнинг ҳалқчиллик хусусиятлари қуюклаштирилади.²

Ўзбек ҳалқ ижодидаги «Паҳлавон Рустам»³ эртаги сюжети эса, «Авесто»дан кўра «Шоҳнома»га яқинроқдир. Унда эпосдаги айрим сюжет ва мотивларнинг ўхшашлигидан ташқари, образларда ҳам бир хиллик бор (Дев Сафид, Ақвон дев, донишманд чол образлари). Эртакда Рустам девларни енгиб, ҳамюртларини ҳалокатдан кутқаради. Образ талқинида мифологик оҳанг равшан сезилади. Бу ҳол дев образи талқинида ҳам, воқеалар тасвирида ҳам мавжуддир.

Шуниси характерлики, афсонавий паҳлавонлар ҳақидаги мифлар орасида салбий қаҳрамон асосий фигура сифатида ҳаракат қиласиганлари ҳам мавжуддир. Авж бин Унуқ ҳақидаги миф фикримизнинг далилидир. Мифнинг мазмуни куйидагича: Авж бин Унуқ деган паҳлавон Амударёни тўсиб Чимбойга сув бермай қўйиш мақсадида чопонининг этагига тупроқ олиб, дарёга тўқмоқчи бўлади. У қайсар бўлиб айтилган гапнинг тескариси ни қиласар экан. Бундан одамлар фойдаланишади. Унга «тупроқни

¹ Гўруғлининг туғилиши. – 320-бет.

² Фирдавсий. Шоҳнома. – Тошкент: 1976.

³ Кенжা ботир. Фантастик эртаклар. – Тошкент: 1973. – 157-бет.

кирғоқка түкма» дейишади. У кирғоққа түкибди. Одамлар хатардан кутулибди.¹

Бу мифда бош қаҳрамон ҳаддан ташқари кучли, лекин манистик образларнинг айнан тескариси бўлиб, ўта лақма. У кишиларга онгли равишда ҳомийлик қилмайди, лекин одамлар унинг лақмалиги туфайли кучидан фойдаланадилар. Бу жиҳатлардан мазкур образ дев образи талқинига айнанлашади. Бинобарин, ҳалқ ижодида дев образи ҳам, асосан, шу йўналишда тасвирилади. Бунинг учун «Гўрўғли» эпосидаги Ҳасан Чопсон образини эслаш кифоядир. Мазкур мифологик сюжетнинг Т. А. Жданко ёзиб олган вариантида Авж бин Унуқ ўрнида дев харакат қиласиди, бу ҳам фикримизнинг далилидир.² Шу ерда яна бир мулоҳазани ўртага ташлашга тўғри келади. Бизнингча, афсонавий образнинг дев образи билан вариант даражасида қўлланиши қадимий тасаввурлар ўртасида ўзаро таъсирлар натижасидир. Хусусан, қадимда Сирдарё ҳамда Амударё бўларида яшовчи аҳоли девга эътиқод кўйғанлиги маълум.³ Шундай экан, манистик ва афсонавий образларнинг кўпгина белгилари ҳомий девларга (ёки аксинча) трансформация қилинган бўлиши мумкин.

Афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифологияда Йима (Жамшид), Гершасп, Зардушт, Александр Македонский (ҳалқ ижодида Искандар) каби образлар юзага келган. Шунингдек, Н. Маллаевнинг ёзишича, Сиёвуш, Эликбек ҳақида мифлар, «Авесто»даги Сом, Наримон, Зол, Гев, Бижон каби афсонавий қаҳрамонлар ана шу гурухга хосдир.⁴

Манистик мифология мотивлари эртаклар сюжетини қарамонлик ғоялари билан бойитади. «Кирон ботир», «Бунёд полвон»⁵ каби эртакларда мифология таъсирида афсонавий қаҳрамонлар яратишга интилиш сезилади. Бу эртакларнинг қаҳрамонлари ҳам кўплаб мифологик хусусиятларга эгадир. Улар ҳам афсонавий қаҳрамонлар каби мифологик восита ва

¹ Гуломов Я. F. Хоразмнинг сугорилиш тарихидан. – 157-бет.

² Ўша асар. – 32-бет.

³ Иранские языки. – М.Л., 1945. – стр. 137–138.

⁴ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. – 121-бет.

⁵ Кенжак ботир. – 32, 38-бетлар.

усуллар ёрдамида девлар, жодугарларни енгадилар, халкни оғатдан күтқарадилар.

Манистик мифологияда тотемистик, фетишистик мифология элементлари учрайди. Бундан ташқари, мифологияга хос «айланиш» ҳодисаси манистик образларнинг ғайритабиий жиҳатларини изоҳлашга хизмат қилдирилади. Лекин, бу ҳолни бадиий усул сифатида эмас, мифологик дунёқарашибодаси сиғатида олингандагина тўғри бўлади.

Аждодлар ҳомийлиги ҳақидаги ибтидоий тасаввурлар тотемистик ва анимистик мифологияда ҳам мавжуддир. Уларнинг биринчисида тотем-ҳомийлар, иккинчисида ҳомий – руҳлар, уруг ва қабилаларнинг, грухларнинг, соҳаларнинг ҳомийлари сифатида иштирок этадилар. Назаримизда, ҳомийлик ҳақидаги тасаввурлар ибтидоий қарашларнинг бир неча системасида шаклланган кўринади. Шуни таъкидлаш керакки, манистик мифологияда ҳомийлик тасаввури қаҳрамонлик мотивлари ва руҳи билан сугорилган бўлиб, бу ҳол унинг айрича хусусиятини ҳам белгилайди.

Халиқ ижодидаги манистик мифология фақат фольклоршунослик нуқтаи назаридангина эмас, ибтидоий қарашларни ўзида мужассамлаштиргани жиҳатидан ҳам қимматли бўлиб, у бошқа фанлар учун ҳам ўрганиш обьекти бўла олади.¹

¹ Фольклоршунос олим F. Акрамовнинг «Манистик мифология» мақоласи «Ўзбек тили ва адабиёти журналининг 1979 йил 6-сонида (64–69-бетлар) бо- силган».

Рустамбек
АБДУЛЛАЕВ
(1947 йилда тувилини)



Рустамбек Абдуллаев 1947 йил 13 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Р. Глиэр номидаги Республика ўрта маҳсус мусиқа мактабида (1957–62), Тошкент консерваториясиning мусиқашунослик бўлимида (1962–65) ўқиди, Тошкент давлат консерваториясиning Халқ чолгулари ва мусиқа назарияси ва тарихи факультетида (1965–69), мазкур билим даргоҳи аспирантурасида (1970–75) таҳсил олди. Консерватория институтида ўқитувчи (1969–73), Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим (1975–92), Фольклор ва замонавий мусиқа бўлими мудири (1993–2006), Маннон Уйгур номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институти Мусиқа фанлари кафедраси мудири ва илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида (1985–87) ишлади. Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежи профессори (2006 йилдан). «Катта ашула жанри ва унинг намояндари» мавзуида номзодлик (1986), «Марказий Осиё халқлари маросим мусиқаси» мавзуида докторлик (1997) диссертациясини ёқлаган. Рустамбек Абдуллаевнинг «Ўзбек маросим мусиқаси жанрларининг таснифи», «Обрядовая музыка Центральной Азии» (1994), «Марказий Осиё маросим мусиқаси» (1997), «Катта ашула – ўзбек халқининг дурдонаси» (1997), «Обрядовая практика и фольклор шаманизма Центральной Азии» (2005), «Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии» (2006), «Музыкально-стилистические особенности узбекских дастанов» (2006), «Календарно-песенная культура народов Центральной Азии» (2009), «Алтномии» достони нота ёзувлари» (2015) каби илмий асарлари нашр этилган.

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ВА ЗАМОН

Маълумки, бизнинг диёrimиз қадим-қадимлардаёқ маданият ўчоғи, илм-фан ривож топган замин сифатида маълум ва машхур эди. Бу ерда етишиб чиққан буюк олимлар, шоиру бастакорлар жаҳон илм-фани, меъморчилиги, адабиёти ва санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келганлар. Шулар катори мусика санъати равнақида ҳам ана шу инсонларнинг улуши катта ва бекиёс бўлди. Дарҳақиқат, аждодларимиз томонидан яратилган турли жанр ва шакллардаги анъанавий мусика намуналари бадиий-маънавий меросимизнинг ажralmas мулкига айлангандир. Ўзбек анъанавий мусиқасининг асосларини икки йирик қатлам (фольклор ва мумтоз мусиқаси) ташкил этади; уларнинг ҳар бири ўз мавқеи, жанрлар таркиби ва ижрочилиги билан ажralиб туради. Жумладан, ўзбек мусиқасининг кўхна ва ҳамиша навқирон маросим кўшиклари, халқ ва мумтоз ашула йўллари, катта ашула, халқ ва мумтоз чолғу куйлари, достончилик ва мақомчилик санъатлари ҳам асрлар давомида ҳар хил кўринишларда ривожланди, тараққий этди.

Ўзининг тарихий жараёнида турли давр шарт-шароитлари ҳамда эҳтиёжлари тақозоси билан улар шаклан, услубан ва мазмунан тобора ривожлана борганини қисман тегишли манбалар ёрдамида кузатиш мумкин. Бизгача етиб келган ашула ва мақом намуналари, чолғу куйлари, бастакорлик ижодиётининг ноёб маҳсуллари росмана мусика фольклори билан узвий боғланган ҳолда шаклланиб, ривожлангандир. Айтиш мумкинки, биз бугун «Шашмақом», умуман, ўзбек мақомлари ва катта ашула дея атаб, эъзозлаётган бой анъанавий мусиқамиз шаклланиши, тақомиллашуви, умумий тараққиёти ўша узоқ ўтмиш давларда бошланган. Дастлаб ўн икки мақом туркуми, кейинчалик эса «Шашмақом» шаклидаги бу мероснинг асоси етук бастакорлар, созандаю хонандалар томонидан бунёд этилган ва тақомилига етказилгандир.

Ўзбек анъанавий мусика санъати оламининг олтин хазиналари чексиз ва дунёдаги энг қадимиylаридандир. Шу ўлмас мумтоз асарлар халқимиз ўртасида профессионал ва ҳаваскор созанда-

лар, хонандалар, ансамбллар ижросида доимо янграб, асрлардан-асрларга, устоздан шогирдларга давримизгача сақланиб, яшаб келди ва халқимизнинг бебаҳо мулкига айланди. Ушбу мусиқий хазинамиз устозона созандаю ҳофизлар, бастакорлар томонидан яратилиб куйланган ва ривожланган; ўзининг турли хил йўллари, шакллари, усул ва услубларига эга бўлган ва ўз аксини ўрта аср «мусиқий рисолаларида» топган. Оғзаки анъанада сақланиб ва ривож олиб келаётган бебаҳо анъанавий мусиқамиз XX асрга келиб, тўпланиб ёзиб олинди ва бу хазинанинг янги ҳаёт риштлари амалга ошиди.

Истиқлол шарофати ижтимоий ва маданий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини бошлаб берди. Шу туфайли халқимиз бой маданий меросини ўрганиш, юртимиз тарихи, ўтмишини илмий холис баҳолаш, миллий қадриятлар, удум ва урф-одатларимизни қайта тиклаш имконияти тугилди. Маданий-маънавий жиҳатдан бой меросимиз қадимий анъаналари, аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойлик бўлиш – халқ қўшиклари, йиги-йўқловлари, алла ва лапарлари, чолғу ва ашула йўллари, достонлари ва мақомлари ҳамда миллий маросимлари – элимиз орасида асрлар давомида сайқалланган, анъанавий ёки даврга хос замонавий услубларда ривожланган. Шу боис бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, уларни тиклаш ва авайлаб-асрап; уларга катта хурмат ва эъзоз назари билан муносабатда бўлиш, келгуси ёш авлодга бекаму кўст етказишга давлат даражасида эътибор қаратилди. Минг шукурлар бўлсинки, қадриятлар қайта тикланди, миллат шон-шавкати қайта улугланди. Умумхалқ байрамлари сифатида ҳар йили нишонлаб келинаётган Мустақиллик ва Наврўз айёмларимиз бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистонда маданий ва табиий мерос обьектларини муҳофаза қилишни таъминлаш, уларни ўрганиш, ўзлаштириш ва аҳолини кенг қатламининг бунга жалб этилиши давлатимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири хисобланади. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда маданий ва табиий ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг тўла хуқуқий ва идоравий тизими яратилди. Мазкур тизим шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуасини умумъетироф этилган халқаро хуқуқ

нормаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни таъминлайди. Ўзининг қадимий ва бой миллий маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз хилма хил ва ранг-баранг маданият ва санъат йўналишлари ва жанрларидан иборат бой номоддий маданий меросни яратишган. Зуко ҳалқимиз ранг-баранг маросим ва ҳалқ қўшиклари, мумтоз ашулаларда, бастакорларимиз яратган «Шашмақом», «Хоразм мақомлари», «Фарғона–Тошкент мақомлари», «Феруз», «Тановар», «Ушшоқ», «Сувора» туркумларида, бахшиларимиз томонидан куйлаб келинган «Алпомиши», «Гўрӯғли», «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам» сингари достонларда тараннум этилган бунёдкорлик ва яратувчилик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик гоялари ҳамиша ҳалқимизга жуда катта маънавий кувват берувчи қадриятлар тизими бўлиб келган. Номоддий маданий мерос – бу жаҳон ҳалқлари маънавий дунёсида юзага келган ҳалқ ижодиёти бойликлари; жаҳон ҳалқларининг маънавий дурдоналари ва қадриятларидир.

ЮНЕСКОнинг қабул қилинган «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш» Конвенциясида (2003) номоддий маданий мерос тушунчаси ва йўналишлари берилган бўлиб, ушбу меросга – ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари (шу жумладан, тил – номоддий маданий меросни ифодалаш омили сифатида), анъанавий ижрочилик санъати (мутика, сўз, рақс, томоша, ҳалқ ўйинлари), жамиятнинг урф-одати, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар, анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникумалар киритилган. Асрлар давомида эзгуликни тараннум этиб келган Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси дурдоналарида ҳалқимизнинг энг олижаноб, улуғвор мақсадларга йўналтирилган қарашлари ўз ифодасини топган. Зоро, бадиий салоҳияти ғоят юксак бўлган аждодларимиз мусиқий-поэтик, томоша-рақс ва умуман, юксак бадиий-эстетик иқтидорини ўзида мужассамлаштирган номоддий маданий мерос дурдоналари битмас-туганмас руҳий кувват манбаи бўлиб хизмат қилган. Аслида, номоддий маданий мерос тушунчаси «ҳалқ ижодиёти»га нисбатан кенг қамровлилиги билан аҳамиятлидир.

Халқимизнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, бадиий-эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин қилувчи номоддий маданий мерос намуналари юзлаб шакл ва жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Бинобарин, номоддий маданий мерос она диёри-миз юксак маданиятни бунёд этган улуғ аждодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат ва маросимлари, қадриабад анъаналари, ўзбекона самимиятини мукаммал акс этирганлиги учун ҳам қадрлидир. Номоддий маданий мерос миллий қадриятларимизнинг энг яшовчан, қадимий, ардокли ва доимо янгиланиб борадиган навқирон қатлами саналиб, шу туфайли халқимиз ўзи яратган бадиий мерос анъаналарини ҳамиша кўз қорачигидай авайлаб-асраш, такомиллашиб, бадиий жихатдан сайқаллантириб келган. Шунинг учун ҳам номоддий маданий мерос дурдоналари – маросимлар, урф-одатлар, байрамлар (Наврӯз ва б.), оғзаки поэтик ижоди (афсона ва ривоятлар, мақол ва маталлар, эртаклар, достонлар), халқ қўшиқлари, анъанавий мусиқаси, халқ томоша (аския, дорбозлик, қизиқчи, кўғирчоқбозлик) ва ракс санъати, амалий санъати, достон, мақом ва бошқа жанрларда яратилган асарлар маънавиятимизнинг теран илдизлари баҳра олган тафаккур сарчашмаси бўлиб ва кўп асрлик тараққиёти маҳсули ўлароқ вужудга келган анъаналари кишиларда Ватанга бўлган муҳаббат, эл-юртга садоқат ва содиқлик туйғуларини тарбиялайдиган, одамларнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган, миллий ғуурур, хурлик ва эркинлик ғояларини ёш авлод онгига чукур сингдирадиган манба ҳамдир.

Бу ўринда маънавий қадриятларимиз тизимининг муҳим бир қирраси сифатида ўзбек анъанавий мусиқаси, унинг мусиқа фольклори ва мумтоз мусиқа намуналари ва анъанавий ижро-чиликни ҳам назарда тутилганлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам анъанавий мусиқа асарларини янада изчил тўплаб, уларни ёзиб олиб тадқиқ этиш, кенг ривожлантириш ва янги ижодиёт йўналишларида фойдаланиш, халқимиз орасида янада кенг тарғиб қилиш олий мақсадлардан биридир. Зоро, халқимизнинг ижодкорлик салоҳиятини узлуксиз такомиллаштириб, энг сара фольклор ва мумтоз мусиқа асарларини маҳаллаларда яшовчи

ахолиси, айниқса, ёшларимиз орасида оммалаштириш, халқимиз дилидаги «ботиний кучни тасаввур қилишда» янада катта қувват баҳш этадиган хайрли ишлар сирасига киради.

Номоддий маданий мерос объектлари ҳакида ўқув фанлари умумтаълим мактаблари ҳамда олий ўқув муассаса (Тошкент санъат ва маданият институти, Консерватория, педагогик университет)лари ўқув жараёнига киритилмоқда, улар ҳакида талабалар учун ўқув-услубий дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарслерликлар режалаштирилган (Тошматов Ў., Исакулова Н. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари; Абдуллаев Р. Анъанавий ўзбек мусиқаси асослари, Ўзбекистон номоддий маданий мероси. Ижрочилик санъати; Жўраев М. Наврӯз байрами ва б.). Бу каби Давлат дастури бўйича амалий ишлар дунё жамоатчилик томонидан юкори баҳоланмоқда. Жумладан, Фарғона водийсининг ноёб жанри бўлмиш Катта ашулани асрар ва тарғиб этиш лойиҳаси АССИ ЮНЕСКО ташкилоти (Япония) томонидан Олтин медал билан тақдирланди.

XXI асрдан бутун дунё бўйича ЮНЕСКО томонидан «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш» Конвенцияси қабул қилингандиги ҳамда Ўзбекистон номоддий маданий мерос дурданалари белгиланиб, улар умумжаҳон «Инсоният номоддий маданий мерос дурданалари» Репрезентатив рўйхатига киритилганини алоҳида воқеа сифатида тарих зарварақларидан ўрин олди. Маълум ҳужжатлар асосида, хусусан, Конвенциянинг ушбу йўналиш бўйича қабул қилинган мезонлари – оғзакилиги, анъанавийлиги, қадимий илдизлари, тарихий ва маданий муҳити ноёблиги (ўзига хослиги) ва энг муҳими, ҳозирги кунда ҳам устоз-шогирд мактаби анъаналари сақланиб қолганлиги ҳамда улар ёш авлод томонидан қай даражада ўзлаштирилаётгани каби ўзига хос жиҳатлари – доирасида амалга оширилган. Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари орасида энг кўп анъанавий маданият дурданалари ушбу рўйхатдан жой олган. Булар Бойсун маданий муҳити (2001, 2008), Шашмақом (2003, 2008), Катта ашула (2009), Наврӯз (2009), Аския (2014), Палов маданияти ва анъаналари (2016), Наврӯз (2016). Ҳозирги кунда «Дорбозлик – томоша санъати» Репрезентатив рўйхатига, «Марғилон ҳунармандчилик

маркази» Реестр рўйхатига, яъни Номоддий маданий меросни тарғиб килувчи энг яхши тажриба обьекти сифатида тавсия этиш учун ЮНЕСКО ташкилотига хужжатлар топширилган.

Бойсун маданий муҳити илк бор жаҳон ҳамжамиятлари анъанавий маданият обьектларининг 19 номинантлари орасида ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган (2001) ва 2008 йили эса ушбу ташкилотнинг умумжаҳон Репрезентатив рўйхатига киритилди. Бу ўз навбатида Бойсун ҳалқ маданияти ва унинг бадиий анъаналарини сақлаш ва ёзиб олиш ҳамда кенг қўламда илмий тадқиқ этиш жараёнига сабаб бўлди. Бойсун Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-маданий меросининг ноёб обьекти бўлиб, маълум даражада асл ёдгорликларни сақлаб келмоқда, жумладан, Мачай қишлоғидаги Тешиктош ғоридаги қадимий одам-неандерталлар турар жойи; Дарбанддаги чегарадош Кушан девори ва Темир дарвоза, Кўрғонзол ва Поёнкўрғон қалъалари, Омонхона ва б. Бойсуннинг географик муҳити кўпгина ҳалқ маданияти анъаналарининг табиий ҳолда сақланиб қолишига имкон берди – булар ўтроқ ва кўчманчи туркий ва шарқий эрон ҳалқларининг анъанавий турмуш тарзи, ўзига хос ҳалқ ижодиёти, унинг фольклор мусиқаси (амалий айтим йўллари – алла, меҳнат, маросим қўшиклари; ноамалий – лирик ва майший қўшиклари, махсус терма, қўшиқ, лапар ва ашула; мусиқа чолғулари (дўмбира, доира, сурнай, сибизға, ғажир най, чўпон най, дапп, дутор, чанг-кўбиз) ва чолғу йўллари) ва оғзаки поэтик ижоди ҳамда ҳалқ эпоси – достонлар; хунармандчилик (каштачилик, гиламдўзлик (ғажарий, такир, оқэнли, терма, кохма, жулхирс ва ҳ.к.), кигизчилик, тўқимачилик (алача матоси), ёғоч ўймакорлиги, созгарлик, кулолчилик ва б.) ва миллий либослар; қадимий маросим (мавсумий, оиласиёй, диний-ибодат) ва урф-одатлар, ҳалқ ўйинлар (кўпкари, кураш, пиёда юриш ва б.)да намоён бўлган.

Шашмақом – ўзбек ва тожик ҳалқлари мусиқа меросида марказий ўрин тутган мақомлар туркуми; мақом – оҳанг, парда, ханг, усул, шакл, услугуб каби воситалар билан ўзаро узвий боғланган мумтоз чолғу ва ашула йўллари мажмуаси. Шашмақом XVIII асрларда 12 мақом тизими (Дувоздаҳ мақом)

ва Бухоро мусиқий анъаналари негизида Марказий Осиё-нинг йирик маданий маркази бўлмиш Бухорода шаклланган. Шашмақом – олти мақом турқуми бўлиб, Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомларидан ташкил топган: жами 250 дан ортиқ турли шаклдаги чолғу ва ашула йўлларидан иборат. Ўз навбатида, ҳар бир мақом икки – чолғу (Мушкилот) ва ашула (Наср) йирик бўлимларидан иборат бўлиб, чолгу ва ашула йўллари туркумларини қамраб олган. Шашмақом бастакор (оғзаки анъанадаги ижодкор)лар маҳсули бўлиб, етук созанда ва хонандалар томонидан ўзбек ва тожик тилларида ижро этилган (ашула йўлларидан мумтоз шарқ шоирлари ишқий-лирик, фалсафий, насиҳатомуз, диний мазмундаги шеърлари, шунингдек, ҳалқ шеърияти қўлланилган). Етакчи чолғу – танбур, мақомлар ушбу чолғу орқали созланган. Ҳар бир мақомнинг чолғу бўлими 5–10 қисмли бўлиб, «Тасниф», «Тарҷеъ», «Гардун», «Мұхаммас» ва «Сақил» (ҳамда қўшимча) чолғу йўлларидан иборат; улар анъанага кўра бирин-кетин яхлит тарзда яккасоз ёки чолғу ансамбли орқали ижро этилган. Уларнинг ҳар бири ўз оҳангиги, характеристери, шакли, доира усуллари билан ажralиб туради. Ашула бўлимлари анча мураккаб шаклдаги ашула йўлларидан ташкил топган ва улар икки турқум яъни иккита шўъба гурухини қамраб олади: биринчиси асосий – «Сарахбор», «Талқин», «Наср» ва «Уфор» қисмлари (ҳамда қўшимча ашулалар) ва уларни боғловчи «Тароналар» (турли шакли, куйи ва характеристидаги ашула йўллари); етакчи ҳофиз ва хонандалар ансамбли томонидан чолғу ансамбли жўрнавозлигига ижро этилган. Иккичисига эса «Мўғулча» ва «Савт» каби беш қисмли турқумлар кирган («Ирок» мақомидан ташқари). Шашмақом, асосан, оғзаки анъанада ижод этилган, сақланган, сайқал топган, авлоддан-авлодга «устоз-шогирд» услубида ўзлаштирилган. Ўтмишда сарой ва шаҳар маданиятлари жараёнида талқин этилган. Шашмақом таъсири ва негизида «Хоразм мақомлари» турқуми ва «Фарғона-Тошкент мақомлари» юзага келган. Ҳозирги кунда Шашмақом анъаналари Ўзбекистоннинг ҳамма худудларида тарқалган. 2003 йили «Шашмақом мусиқаси» ЮНЕСКО томонидан «Инсоният номоддий маданий мероси дурдонаси» деб

тан олинди ва 2008 йилдан бошлаб умумжаҳон Репрезентатив рўйхатига киритилди (Ўзбекистон, Тожикистон).

Катта ашула ёки натнис ашула (ликобий ашула) – Ўзбекистоннинг Фарғона водийсига хос йирик ашула йўли, мустақил жанр, ўзига хос ижро услуби ва усули. Икки ёки ундан ортиқ (бештагача) хонанда томонидан чолғу жўрлигисиз галма-гал талқин этилади. Баланд пардаларда кучли талаффузда ижро этилиши, катта авжлар мавжудлиги, сўзларнинг тингловчиларга равон етиб бориши, таъсирчанлиги ва ҳамнафаслик катта ашулага хос бўлиб, унинг «ёввойи мақом» (Ёввойи Ушшоқ, Ёввойи Чоргоҳ), «ёввойи ашула» (Ёввойи Тановар, Ёввойи Муножот). «яккахонлик» ёки ашула-чолғу йўли (Оҳқим, Гулузорим қани, Топмадим) ва чолғу йўли (Ёввойи Чоргоҳ – яккасоз най учун) каби жанрлари мавжудлигидан дарак беради. Катта ашула қадимий маросим ва меҳнат қўшиклари, марсия ҳамда аruz вазнидаги ғазалларнинг қадимий ўқитиш услублари («ғазалхонлик») заминида вужудга келган. Унинг ўтмишдаги намуналарида ишқий-лирик ва насиҳатомуз ғазаллар билан бир қаторда диний, тасаввуф ва замонавий йўналишдаги шеърлар ҳам қўйланади. XX асрдан эркак хонандалардан ташқари аёллар ҳам катта ашулани ижро этишган (Ҳалима Носирова, Фотима Боруҳова, Зайнаб Полвонова). Катта ашуланинг ижрочилик маданияти юксалишида унинг ўзиға хос ижрочилик маҳорат мактаблари шаклланди – Қўқон (Э. Каримов, Ҳамроқул қори, Р. Мамадалиев), Марғилон (М. Сатторов, Б. Ражабов, Ж. Султонов, М. Узоқов, ҳозирда Т. Шарипов раҳбарлигидаги «Чоргоҳ» гурухи), Андижон (Ф. Мамадалиев, О. Юсупов, А. Ҳайдаров, Х. Ҳасанов), Наманганд (М. Ҳамидов, А. Ғозиев, И. Исоков), Тошкент (Э. Ҳайдаров, О. Алимахсумов, О. Имомхўжаев) ва ҳозирги кунда М. Тожибоев, М. Йўлчиева, Б. Дўстмуродов, А. Иброҳимов, С. Ниёзов, Н. Пирматовалар катта ашула ижрочилари. Катта ашула 2009 йилда ЮНЕСКОнинг «Инсоният номоддий маданий мероси дурдонаси» Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Наврӯз – улуснинг улуг куни, байрам (ўтмишда маросим), шамсий (куёш) йили ҳисобида йилнинг биринчи куни. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг энг қадимий

анъанавий байрами. Баҳорий тенг кунликка (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг Ҳамал буржига киришига тўғри келади. Наврӯз дехқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Наврӯз байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўқатлардан тансик таомлар пиширилган (кўк сомса, кўк чучвара, сумалак, ҳалим), баъзи экинларни экиш бошланган. Маълумки, Наврӯз зардуштийликдан аввал яшаган дехқонларнинг баҳорий удумлари, кўкламни қаршилаш, қишини кузатиш, янги меҳнат мавсумини бошлаш билан боғлиқ анъаналари асосида келиб чиқсан. Дарвоҷе, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» номли рисоласида Наврӯз бизнинг худудларимизда уч минг йил олдин нишонланиб келинган, яъни «Наврӯз – янги кун» деб аталди, бу кун, гарчи у Жамшиддан (Наврӯз оламининг вужудга келиши афсонавий Жамшид номи билан боғланади) олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлса-да, ҳайитга айлантирилди». Тарихий манбаларга кўра, Наврӯзни байрам қилиш туркий халқларда энг катта тадбирларидан бири ҳисобланган. Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асарида Наврӯзга бағишлиланган кўплаб халқ қўшиқлари келтирилган. Наврӯз хақида маълумотлар Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Умар Ҳайёмнинг «Наврӯзнома»сида, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа алломаларнинг асарларида учрайди. Ўзбекистонимизнинг турли жойларида шароитга қараб, Наврӯз байрами турлича нишонланган ва бу шоду хуррамлик бир неча кундан то бир ҳафтагача, ҳатто бир ойга қадар давом этган.

Наврӯз билан боғлиқ тадбирлар ва унга алоқадор маросим ва удумларни шартли равища иккига (байрамгача ва байрамдан кейин ўтказиладиган) бўлиш мумкин. Байрамгача бўлган тадбирларга биринчи гул маросими «Бойчечак», экин-тикинга тайёргарлик кўриш ҳамда қўй-қўзиларни ям-яшил ўтлоққа хайдаш (дехқон Наврӯзи, чорва Наврӯзи), ҳашар ўтказиш (кўчалар, ҳовли-жойлар, мозорларни тозалаш), ободончилик (гуллар, дараҳтлар экиш, янги боғлар барпо этиши), янги сарполар тикиш, «Дарвешона» ва «Ашшадарози» маросимлари, байрам билан алоқадор таомлар (сумалак, ҳалим ва б.) пишириш

ва бошқалар киради. Йилбоши киргач Наврӯз байрами маҳсус сайилгоҳларда, қир-адирларда нишонланган. Байрам куни эрта тонгдан карнай-сурнайлар чакириқ оҳангларни чалиб, жарчилар одамларни байрамга таклиф этишган. Чавандозлар, полвонлар, қизиқчи масхарабозлар, баҳшилар, қўшиқчи ҳофизлар, ўйинчи-ракқослар байрам сайлига ташриф буюрганларга ўз санъатлари ҳамда томошаларини намойиш этишган. Айнан Наврӯз байрамида номоддий маданий мероснинг ҳамма соҳа ва йўналишлари – урф-одатлари ва маросимлари (сумалак сайли, лола, бойчечак маросими, гул сайиллари, илк ер ҳайдаш, шохмойлар удумлари), таомлари, томоша санъати (аскиячи, дорбозлар), халқ ўйинлари (кўпкари, кураш, беллашувлар, аргимчоқ учиш), ижрочилик санъати – рақслар, мусика чолғу (Наврӯзи бузург, Наврӯзи омма, Наврӯз айёми) ва айтим йўллари (Наврӯз қўшиклари – Муборакбод, Йилбоши, Салом, Наврӯз; Сумалак, баҳшилар термалари), фольклор ансамбллари чиқишлиари каби анъаналари ушбу байрамнинг узвий таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар қаторида, 1992 йилдан бошлаб Наврӯз байрами яна тикланди, янгича мазмун ва моҳият кашф этди. Наврӯз халқимизнинг, умуман, Ўзбекистонда яшовчи ҳамма миллат ва элатларнинг энг севимли айёmlардан бири бўлиб, баҳорий удумлари, кўкламни эъзозлаш, сув, олов, тупроқ, қуёшга сифениш билан bogлиқ маросим ва эътиқодлари асосида пайдо бўлган умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Наврӯз қадимий бўлиши билан бирга, ҳар йили биз билан бирга янгиланиб, англаниб бораётган улуг ва навқирон байрамимиздир.

Наврӯз номоддий маданий мерос намуналаридан бири сифатида ЮНЕСКОнинг «Инсоният номоддий маданий мерос дурдонаси» Репрезентатив рўйхатидан жой олган (2009, Озарбайжон, Покистон, Туркия, Эрон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Ҳиндистон). 2010 йили БМТ 21 март кунини Халқаро Наврӯз куни деб эълон қилди. 2015 йили 12 та Шарқ мамлакатлари томонидан Наврӯз байрами ҳақида умумий ҳужжатлар ЮНЕСКОга қайта топширилди ва 2016 йили яна дурдона сифатида умумжаҳон Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Асқия (арабча «азкиё» – ўткир зехнли, ҳозиржавоб) – ўзбек халқ оғзаки ижодининг хушчақчақ ва кулгили томоша санъатининг оммалашган жанри. У, одатда, халқ сайилларида, тўйларда ва бошқа маросим-тадбирларда ижро этилади. Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва Тошкент вилоятларида ривожланиб, санъат даражасига кўтарилган. Ҳозиржавоблик, зийраклик ва донишмандликни, шу билан бирга, тил ва сўз бойлигини, бадиий-эстетик дидни талаб этадиган асқияда икки ёки ундан ортиқ киши ёхуд тўла орқали мунозаралашади, бу эса фикрлар мунозараси, ҳозиржавоблик ва сўзамолликдир. Айтилаётган асқия бировнинг шахсиятига тегиб кетмаслиги учун ҳар бир сўз ва иборани ишлатишда ижрочи нихоятда эҳтиёткор бўлиши зарур. Ёзма тарихий манбаларда асқия XV–XVII асрларда кенг тарқалган.

Асқияда пайров (мавзу) сюжети алоҳида бадиий асар ҳисобланади, у асқиянинг мукаммалашган ва мураккаб усули сифатида изчил фикрлар оқими бўлиб, маълум бир мавзунинг маъносини бошидан охиригача ечиб беради. Асқиячилар мавзу доирасида четга чиқмайдилар. Унда анъанавий пайровлар бўлмиш «Ўхшатдим», «Бўласизми», «Гулмисиз,райхонмисиз», «Афсона», «Лақаб»лардан ташқари, замонавий мавзулар «Пахта», «Оила», «Кино», «Ашула» ва х. ўрин олган. Пайровда бир мавзу атрофлича ва чукур очилиши лозим. Чунки мавзудан чекиниш асқиячининг мағлубиятидан далолат беради. XX асрнинг иккинчи ярмидан асқияни саҳнавий санъат даражасига етказишида машҳур сўз усталари орасида Юсуф қизиқ Шакаржонов, Ижроқомбува, Фойиб ота Тошматов, Абдулҳай Маъсум Қозоқов ва б. ҳисса кўшганлар. Фарғона водийсининг таникли санъаткорлари ва бастакорлари, жумладан, Жўрахон Султонов, Расул қори Мамадалиев, Ғанижон Тошматов, Сойиб Хўжаев ва б., таникли асқиячилар сифатида ҳам танилганлар. Асқияни муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилиш ва келгуси авлодга етказишида Кўқон, Марғилон, Хонобод, Қорасувларда асқиячилар жамоалари ва гуруҳлари фаолият юритмоқдалар. Асқияни сақлаш ва тарғиб этиш мақсадида илмий тадқиқотлар, танловлар, фестиваллар, «Асқия кечалари» (Тошкент, Марғилон, Хонобод), телекўрсатувлар, фильмлар, нашрлар қилинмокда ҳамда ўқув жа-

раёнига киритилди. 2014 йили «Аския – сўзамоллик санъати» ЮНЕСКОнинг умумжаҳон Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Палов ёки ўзбек оши – халқимизнинг энг тарқалган ва севимли таоми хисобланиб, у ўзбекларнинг бутун ҳаёти давомида йўлдоши бўлган. Унинг турли хиллари оила шароитида ҳамда оиласвий тўй маросимларида – тўй оши, ақиқа оши, фотиха оши, маслаҳат оши, хотин оши, куёв оши, эҳсон оши ва б., унинг лоқаллик тайёрлаш услублари – бухорча софий ош, самарқандча ош, тошкент оши, фарғонача девзира оши ва б. мавжуд бўлиб, энг муҳим таом сифатида инсонларни яқинлаштирган; бирлаштирилган ижтимоий ҳодисага айланган. Ҳар бир оиласда жуда бўлмагандга ҳафтасига бир (одатда, пайшанба куни) ёки бир неча маротаба ушбу таом тайёрланади ва бу таомга алоҳида хурмат билдириб, оиласинг барча аъзоларини бирлаштиради, жамулжамликда ейилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги дунё бўйича тарқалган; ўзбек хонадонига келган меҳмон, албатта, палов билан сийланади. Яқин дўстлар йигиладиган бўлса ҳам, албатта, ош пиширилади. Оиласда ўтказилган барча тадбирларда, ҳашар, байрам ва сайилларда палов тайёрланади. Катта тўй ошлари эркаклар томонидан, айнан ошпаз – ош тайёрлайдиган мутахассис томонидан пиширилади. Унинг тайёрлашда катта маҳорат, билим ва дид талаб этилади. Ушбу касб устоздан-шогирдга, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Палов маҳсулотлари танлаш, унинг пишириш жараёнида маълум услугуб ва анъанага таяниш, меъёрий усулларни қўллаш (ёғ қиздириш, олов, сув, ёғ, гуруч миқдорини билиш), таомни тановул қилиш ҳам ўз анъаналарига эга. «Палов маданияти ва анъаналари» – ўзбекларнинг миллий таоми сифатида ЮНЕСКО томонидан тан олинди ва умумжаҳон «Инсоният номоддий маданий мероси дурдонаси» Репрезентатив рўйхатига киритилди (2014).

Миллий бойлик тизимида табиий захиралар ва моддий маданияят ёдгорликлари билан бир каторда, номоддий маданий мерос мажмуи ҳам фоят муҳим аҳамият касб этиб, оғзаки анъанада авлоддан авлодга ўтиб, сақланиб, табиий ва тарихий муҳим воқеа-ҳодисалар таъсири остида муттасил ривожланиб, янгиланиб (даврга хос ўзгариб), инсон томонидан бойитиб бори-

лади. У инсонлар ўртасида мулоқот, фикр алмашуви ва ўзаро ҳамжиҳатликнинг муҳим омили бўлиб келмоқда. Номоддий маданий мерос ўтмиш ва келажак ўртасида боғловчи восита (ҳалқа) ҳисобланиб, биз яшаётган дунёни яхшиrok англашга, уни мувофиқ шакллантиришга ёрдам беради. У ўзида билим манбани намоён қилиб, ҳалкнинг нодир бойлигидир. Ўзбекистонномоддий маданий меросининг етакчи соҳаси бўлган анъанавий мусиқаси ижодкор ҳалқимиз томонидан кўп асрлар мобайнида вужудга келиб, чечан ижрочилар – созанда ва қўшиқчи, яллачи ва гўянда, ҳалфа ва бахши, мақомдан ва ҳофизлар маҳорати туфайли авлоддан авлодга етказиб келган фольклор ва мумтоз мусиқаси асарлари миллий менталитетимизнинг ўзига хос жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо ва ноёб маънавий мерос саналади. Асрлар оша олижаноб ғояларни бетакрор бадиий шаклларда ифодалаб келган маросим ва лирик қўшиклари, турли жанрлардаги чолғу куйлари, ашула йўллари, достонлар, катта ашула, лапарлар, мақом чолгу ва мақом ашула йўллари ҳамиша инсон қалбини эзгулик нури билан нурафшон этиш, қўнгилларни поклаш, одамларни улуғвор мақсадларга йўналтириш вазифасини бажариб келган.

Анъанавий мусиқанинг ҳар бир намунаси асрлар давомида кўплаб истеъодли етук созанда ва хонандалар томонидан сайқалланиб, юксак санъат намунаси даражасига кўтарилиган. Анъанавий ижрочиликнинг ўзига хос маҳорат мактаблари алоҳида ўрин тутган. Булар мақомчилик, бахшичилик, ашулачилик, қўшиқчилик, созандачилик каби ўзига хос мактаблардир. Ҳозирги кунда ёш авлод вакиллари ана шундай бой ва ноёб меросимизни асраш ва тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ҳалқимизда қўшиқ билан қўнгил ўсади, деган нақл бор. Зотан, қўшиқ турмуш қийинчиликларини енгишда, машаққатли кураш кезларида, қувонч ҳисларини ифодалашда инсонга ҳамиша ҳамдам ва ҳамдард бўлиб, унга маънавий куч-кудрат, бардамлик, ҳис-туйғуларига таскин бағишлайди. Чинакам қўшиқнинг жон озуғи эканлиги ҳам шундадур. Бундай қўшиклар қанча кўпайса, маънавий оламимиз шунча бой ва сермазмун бўлади. Номоддий маданий меросимиз пойдевори ҳам қўшиқчилик санъати би-

лан боғлиқдир. Зеро, қўшиқ ўзининг соддалиги ва чинакам ҳар бир инсонга етиб бориши ҳамда ўзининг саҳоватидан етарли баҳраманд бўлиши билан халқнинг меҳрини асрлар давомида козониб келмоқда. Инсоннинг турмуш тарзи, унинг фазилатлари, руҳий ҳолати, орзу-умидлари халқ қўшикларида таъсирчан ва ҳакконий ифодаланган. Инсон қалбига сўз, тиник ва чуқур туйғулар, энг аввало, қўшиклар орқали киради. Оналаримиз алласи, кекса бувиларимизнинг терма, қўшиқ ва лапарлари, аёлларимизнинг соғим қўшиклари ва ёр-ёрлари, дехқонларнинг майда ва суст хотин қўшиклари, етук баҳшиларимиз термалари ва ниҳоят, мақом тароналари – булар бир умрлик юрак бойлигимиздир.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, қўп асрлар давомида тўйларимизни безаб турган муборак, қутлов, ёр-ёр, ўлан, келинсалом, айтишув қўшикларимиз, лапарларимиз бугун йўқолиш арафасида. Уларнинг ўрнига янги қўшиклар, маросимлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келмоқда. Агар улар чинакам санъат асари сифатида қадр-қиммат топса, хазинамиз янада бойиган бўларди. Бирок бу каби қўшикларда мавзу майдалиги, чинакам туйғулардан маҳрумлик, бир-бирини тақрорлаш, ўхашлик, ҳатто тақлидчилик ҳоллари кўпайиб бораётир. Ҳолбуки, халқ яратган қўшикларда санъатсевар элизимзининг донишмандлигини кузатиш мумкин, уларни тинглаб тўймаймиз. Шу боис халқ қўшикларини ёзиб олиш, уларни тадқиқ этиш ва халққа асл ҳолатида етказиш, айниқса, ёш санъаткорлар зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Анъанавий мусиқа санъати номоддий маданий мерос сифатида тан олинди – у ҳаётсевар, мунаvvар ва орзули қалбларнинг гўзал қиёфаси, халқнинг ҳаётий сиймоси. Умроқий қўшиклар, бетакрор овозларини асрлардан-асрларга эшитиб турган шоишу санъаткорларимиз номлари – маданиятимиз кўрки. Уларнинг номларини нафақат фахр билан тилга олмоқ керак, балки улардан ўрганмоқ, санъатни худди ўшалар каби муқаддас сақламоқ даркор. Мусиқа санъати намуналари ёки яхши қўшиқ орқали қайноқ ҳаёт бағрида ижоднинг нашъасини юракдан ҳис этамиз, чунки ҳаётнинг ўзи бетакрор қўшиқ аслидир.

*Мұхаммадали
ҚҰШМОҚОВ*
(1948 ында туғынан)



Құшмоков Мұхаммадали 1948 ыл 19 октябрда Фарғона виляти Фурқат туманинда Шотұра қишилогида туғилған. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида ўқыған (1965–70). «Шарқ юлдози» журналида адабий ходим, катта адабий ходим, бўлим мудири (1969–75), Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириётида мұҳаррир (1975–78), «Гулистан» журналида бўлим мудири вазифасини бажарған (1973–83). Ҳозирда «Созлом авлод учун» журналининг бош мұҳаррири. «Анъана ва бадиҳағйлик масалалари (Кўргон достончилик мактаби вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуари мисолида)» мавзудида номзодлик диссертациясини ёқлаган (1984). «Қоратол», «Ёмғирдан кейинги умр...», «Гулларим, Сизга...», «Али Қамбар», «Коинот умиди – Инсон», «Умид қизгалдоқлари» шеърий түпнамлари, «Шамоллар чоргоҳи» достони, «Гўрўгли», «Чарх – фалак» драматик достонлари, «Чечанликда сўзга сувдайин оқиб...», «Бахшилар хазинаси», «Дарёлар уфқи – денгиз» адабий-танқидий китоблари, публицистик мақолалари, жаҳон шеъриятидан бир қанча таржималари эълон қилинганд. Айрим шеърлари рус, болгар, грузин тилларига таржима этилган. «Алномиши» киноценарийсини, «Алномиши» радиофильми сценарийисини, «Алномиши» хужжатли фильмни сценарийисини (шу уч ишини Ш. Турдимов билан ҳаммуаллифликда) ёзган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди. 1999 ыили «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

МУЛЛА ЭРГАШ – БУЛБУЛ ЭРГАШ

Эссе

Мен шоирман: шундай айтсам ярашар!

Эргаш Жуманбулбул ўғли

Оқтов билан Қоратов оралиғидаги қадимий тупрекқа майсалар от узангисига чопадиган бўлиб қолган баҳор вактларида зиёратга борсангиз, ўт-ўланларнинг хидларидан маст бўлиб, кенгликларга тикилсангиз, юрагингиз ёзилгандай, бутун оламни ўзига сиғдирадигандай туюлади. Ана шунда узоқларга тикилиб, тўниб турганда, йиллар давомида етилган хаёлингиз, тушларингиз чинга, ўнгга айланади. Узоқдан сиз томонга ўрта ёшлардаги бир зот кела бошлайди. Унинг қадамлари шахдам... Сиз у томонга боряпсиз, у сиз томонга қараб келяпти. Лекин ўртадаги масофа ҳеч кисқармайди. Бу одамнинг кўзлари шу қадар ёруғ, шу қадар ўткир. Бу ёруғ кўзларнинг нури Сизни эсанкиратиб қўяётганга ўхшайди. У кўк нурнинг ичидаги келаётганлигини кўрасиз. Бу кўк нурнинг ичига кириш, бу муҳтарам зотнинг сұхбатдоши бўлиш насиб қиласмикан?

Бу одам – мулла Эргаш. Жуманбулбул боласи. Ёдгор баҳшининг, Тилла кампирнинг, Султон кампирнинг, Жоссоқ шоирнинг, Ёрлақабнинг, Жуманбулбулнинг изи.

Улуғларнинг изи бўлиш қийин.

Ўзи ҳам улуг бўлмаса, нури билан етти пушти кўнглини ёритмаса, улуғларнинг изи бўлиш қийин.

Эргаш Жуманбулбул ўғли асрлар давомида булоқдай қайнаган Кўрғои достончилик мактабининг намояндаси. Кўргон достончилик мактаби миллий бадиий тафаккурнинг авжи мұҳаййирига кўтарилиган. Туркий достончиликнинг қалбига айланган. Жаҳон эпосининг дарёлари кўшиладиган маънавий уммондир. Бу сўзларнинг муболағаси йўқ. Эндиликда ўзбек маънавияти заҳматкашлари Кўрғон, Булуңғур, Нарпай, Шеробод ва бошқа ўзбек достончилик мактабларининг умуммиллий, умумтуркий,

умумжахоний аҳамиятини илмий кўрсатиб беришга масъулдирлар. Ана шунда Қўрғон достончилик мактабининг шеърий эпопеяси – «Гўрўғли» туркум достонлари ўзининг ҳаққоний баҳосини – чинакам қадрини топади. Ҳинд «Рамаяна» ва «Махабҳарат»и, Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея»си; «Минг бир кечা» эртаклари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маснавий»си, Лев Толстойнинг «Уруш ва олами»и сингари улуг эпопеялар силсиласида ўзбек шеърий эпопеяси «Гўрўғли»нинг муносиб ўрни маълум бўлади. Романий тафаккур ривожига ўзбек халқи кўшган ҳиссанинг салмоғи ва миқёси аниқ билинади.

Эргаш шоир мана шундай худо ёрлақаган мұхитда – ўзбек халқининг маънавияти булоқдай қайнаб чиқиб, нахрлар бўйлаб оқсан жойда туғилган эди. Гўрўғли ҳақидаги достонларни ёд билган ва ўз юрагида ёшартириб, янгилашиб ижро қиласидан достончилар ўзлари ҳам кўнгил авжида яшайдиган кишилар эдилар.

Маънавиятнинг юраги ва ҳусни мұхаббатдир. Жуманбулбулнинг Анорхолга мұхаббати Лайли ва Мажнунлар, Тоҳир ва Зухралар, Вомиқ ва Узролар, Фарҳод ва Шириналар, Гўрўғли ва Юнус парилар даврасида ҳам ярқираб кўринадиган ишқномадир. Бу ишқноманинг бадиий ижроси Жуманбулбулдек бир шоирни кутяпти. Лекин Жуманбулбулнинг Анорхолга бўлган мұхаббати «Равшан» достонида «Равшан»нинг ишқий авжларида рўёбга чиққан. Шунинг учун ҳам «Равшан» достонини «Жуманбулбулнинг уч ҳайдалган шудгори» деб эъзозлайдилар.

Эргаш шоир Гўрўғли ва Юнус пари мұхаббати мұхитидагина эмас, Жуманбулбул ва Анорхол мұхаббати бағрида ҳам ўсди. Анорхол Эргашни туғмаган бўлса ҳам, тукқанидан ортиқ тарбиялади. Маънавиятдаги ва мавжуд турмушдаги буюк мұхаббатлар Эргаш шоир тақдирида бирлашди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзининг устозларидан мерос бўлиб қолган мұхаббат талқинларини мислсиз юксакликларга кўтара олгани бежиз эмас. Шу ўринда Ҳомердан, Ҳофиздан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли ижросидаги «Равшан» достонидан эпизодларни эслайлик.

Хомер тасвирлайди: оқсоколлар гурунглашиб ўтиришибди. Улар Елена учун икки мамлакат жанг қилаётганини қоралаяптилар. Шу маҳал Елена ўтиб қолади. Воҳ-воҳ!.. Қариб чуриган чолларнинг кўнглига ёшлик шаҳди, шижоати қайтади. Еленанинг хусни уларнинг ақлини ҳам чархлади. Бундай гўзал учун икки мамлакат жанг қилса арзиди, деган хулосага келади улар. Гўзалликни бундан ортиқ бадиий тасвирлаб бўларканми?

Хофизнинг лирик қаҳрамони эса:

*Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш баҳшам Самарқанду Бухороро.*

Яъни:

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига баҳш этгум Самарқанду Бухорони, –*

(Хуршид таржимаси)

дейди.

Муҳаббатнинг кучини, гўзалликнинг таърифини бундан ўтказиб бўлармикан?

Жуманбулбул – Эргаш Жуманбулбул ўғли талқинидаги Равшан деган ошиқ йигит эса Зулхуморни кўрганда оламни унутади, оламдан баландга, руҳий арши аълога кўтарилади.

*Юринглар, Чамбил кетамиз,
Туринглар, Чамбил кетамиз, –*

деб жунуний туғён аро қўшиқ айтади.

Зулхуморнинг хусни Равшанни майший ҳаёт меъёрларидан маънавий ҳаёт юксакликларига етказади. Муҳаббат шевасини бу қадар ичкин, ёркин ифодалаб бера олиш маҳорати Кўрғон достончилик мактабига хос бадиий тафаккур даражасининг жаҳоний бадиий тафаккур тўлқинлари билан узвийлигини далиллайди.

Равшан жўш-хурушга киради. Хаёлида ўз муҳаббати ила, Зулхумор хусни юксаклиги даражасига кўтарилади. Бу маънавий мақом эса Жуманбулбул – Эргаш Жуманбулбул бадиий даражасини акс эттиради.

Лессинг деган мутафаккир Ҳомернинг биз юқорида эслаган тасвирини таҳлил килиб, шоирлар бўлаклаб ифодалаб бериш мумкин бўлмаган нарсани одамнинг ҳиссиётига гўзаллик қилган таъсир орқали ифодалаб беришларини таъкидлайди. Равшанинг кўшиғи ҳам шунинг шаҳодатидир. «Ёр айланай, қалпоқ тиккан кўлингдан» кўшиғи ҳам мана шундай бадиий авж – асрларга татигулик кашфиётдир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзбек достонларининг хазина болни эди. У Кўргон достончилик мактабининг устози – қарийб ҳамма достонларни билувчи ва шогирдларга ўргатувчи Жоссок шоирнинг вориси эди. Кўргон достончилари маҳорати, ибрати – Жуманбулбул ўглида давом этди. Достонларни билиш, уларнинг гоявий-бадиий бедахллигини ва равнақини таъминлаш унинг умри мазмунини ташкил этар эди. Бунинг устига, у мулла одам эди. Ундан ёзиб олинган ёки ўзи ёзиб топширган анъанавий достонларни мутолаа қилганда, бу, асарларни ичдан ёритувчи ҳиссий аланталарни айтувчининг – халқ достончисининг акл аланталари жўнаштириб, кўллаб-куватлаб турганлигини сезасиз.

Эргаш Жуманбулбул ўғли достон айтганда хамиша жўшхурушга кириб, шундай бедахллик ва маънавий юксаклик дарражасига эришадики, у бутун коинотни кафтига симобдек қўйиб, кузатиб турганга ўхшайди. Бир ўринда жанг манзараларини мохирона тасвирлаб бергандан кейин, буларни «қазо осмонда кўриб, оғзини енги билан тўсиб кулар эди» дейди. Бу эса руҳнинг олий макомида қувватга кирадиган бадиий образдир.

Эргаш Жуманбулбул ўглининг илҳоми селдек келади. Унинг тасвиридаги ўзбек тўйларининг ўзи бир достон. Унинг тасвирида қизлар жўнашининг ўзи бир достон. Эргаш Жуманбулбул ўглининг эстетик идеали Кўргон достончилик мактаби эстетик идеалини тўла-тўқис мужассам этади, деб айтиш мумкин.

Бу шоирнинг ижодини: анъанавий достонларни ва индивидуал асарларини тадқиқ қилиш йўлида устод Ҳоди Зариф қаватидаги бир қанча ўзбек фольклоршунос олимлари эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдилар. Ундан ёзиб олинган достонлар ўзбек тилида беш жилдда, рус тилида уч жилдда нашр этилди. Унинг

ижоди бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди ва ёқланмоқда. Албатта, бу қилинган катта ишлар бундан ҳам катта ишлар кутиб турганлигини аён қилмоқда. Мустақиллик мұхитида Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди ўзбек миллий бади-й хазинаси сифатидагина эмас, фалсафий, ахлоқий, хуқуқий ха-зинасининг ҳам самараси сифатида бундан-да теранроқ ўргани-лишга лойикдир. Зоро, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг устозлари ва ўзи тараннум этган Гўрўғли Чамбил деган утопик давлатни қурган, Фиркўқдай тулпорни парваришлаб ўстирган, Райхон араб кирқ минг шаҳарга тилаганда – сотиб олмоқчи бўлганда, «номи туркман уввос солиб жиласаган». Яъни Фиркўқ Чамбилнинг но-мус-орига айланган. Гўрўғли ариқлар қаздириб, сув чиқарган, юртини обод, элу ҳалқи ҳаётини фаровон этган.

Гўрўғли мана шундай – ҳамиша ҳалқ орзусидаги иде-ал қаҳрамон экан, Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам бугуннинг қатордаги шоири бўлиб қолаверади. Гўё у ушбу терма-қўшигини бизнинг даврамизда ўтириб айтиётгандай:

*Қаридимми десам кўнглим қоласи,
Тобора ортади ёшлик ҳаваси...*

Абийр
МУСАҚҰЛОВ
(1951–2011)



Абийр Мусақұлов 1951 йил 3 январда Самарқанд (хозирги Жиззах) вилояты Галлаорол тумани Найман қишилогида туғылған. Тошкент давлат университети филология факультетида таҳсил олған (1967–73). Ҳарбий хизматда бўлған (1974–75). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида лаборант (1971–74), катта лаборант (1974–84), кичик илмий ходим (1984–85), илмий ходим (1985–88), катта илмий ходим (1989–97) бўлиб ишлаган. Тошкент давлат аграр университетида Тиллар кафедрасининг мудири (1997–2002). «Соғлом авлод учун» журнали бўлим мухаррири (2002–2004). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида етакчи илмий ходим вазифасида ишлаган (2004–2011). «Ўзбек фольклорида терма (жсанр хусусиятлари, классификацияси, поэтикаси)» мавзууда номзодлик (1984), «Ўзбек ҳалқ лирикасининг тарихий асослари» мавзууда докторлик (1995) диссертациясini ҳамоя қилган. «Ўзбек ҳалқ мақоллари» тўплами (ҳамк. 1978–2009) чоп эттирилган. «Ўзбекские народные пословицы» (ҳамк. 1983) тўплами ҳамда 2 жилдли «Ўзбек ҳалқ мақоллари» академик наширининг тузувчиларидан биридир. «Остонаси тиллодан» ҳалқ қўшиқлари тўпламини (ҳамк. 1993) чоп эттирган. «Ўзбек ҳалқ қўшиқларининг тарихий асослари» (1994), «Ўзбек ҳалқ қўшиқларининг қадимий асослари» (1998), «Ўзбек ҳалқ лирикаси: тарихий асослари ва бадиияти» (1995), «Ўзбек ҳалқ лирикаси» (2010) номли монографиялар муаллифи. 2011 йил 14 декабрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

ХАЛҚ ЛИРИКАСИДА СОЧ ОБРАЗИНинг ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК АСОСЛАРИ

Жаҳон халқлари эътиқодларида кенг тарқалган,rudimentлари, ҳозиргача яшаб келаётган магия қўринишларидан бири соч магиясиdir. Бу инончнинг ғоявий асосида контагиоз (мулоқот) магияга инонч ётади. Соch магияси асрлар бўйи майший турмуш ва жаҳон халқлари фольклорида шаклланган ўзига хос бир тизим бўлиб, факатгина инсон бошидаги соchlар эмас, балки одамлар, жониворлар танасидаги қош, соқол, мўйлов, ёл, думдаги толалар, жун ва улар билан боғлиқ тароқ, рўмол, дўппи, ўсма, сурма кабилар соch магияси тизимининг элементларидир. Соch магияси-ning ўзбек халқ лирикасидаги бадиий ифодалари жуда серқирра:

*Дарёдан оқиб келоди,
Шода-ишда марварид.
Рўпарамда ўлтироди,
Қоши қаро, барно йигит.
Қоши қаро, барно йигит,
Хурсанд этолмайсан мени.
Кокилим қимматбаҳо
Ташлаб кетолмайсан мени.¹*

Тарихий асосларига кўра, дарё сув культи обьектиdir. Марварид, дарёнинг ҳосиласи, бўлғуси ҳосилдорлик рамзидir. Тўлқинларнинг марваридга ўхшатилишида сийрат маъносида фарзанд ғояси ҳам бор. Кўшиқдаги шода-шода марварид жуфтлик ифодаси, оила асоси. Рўпарада ўтирган барно йигит дарёning поэтик параллелиdir. Кокил эса соch магияси билан боғлиқ.

Дунё халқлари тарихида ёвуз кучлар соch толаси ва тирноқлар орқали ҳам унинг эгасига зиён етказиши мумкинлиги инончи кенг тарқалган.² Чунки қадимги одамлар дунёқарашида: «Сочлар

¹ Гулёр. Фарғона халқ қўшиклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – 15-бет. Мақоладаги барча мисоллар ана шу тўплам ва муаллифнинг дала материалларидан олинди.

² Тайлор Э. Б. Первобытная культура. – М.: ИПЛ, 1989. – стр. 94.

жон ёки инсон магик кучларининг макони хисобланган».¹ Соч олиш, тараш, тозалаш – оби ҳавога таъсир қилиши, улар орқали соч ёки тирноқ эгасига исталган масофадан ўз ҳукмини ўтказиш мумкинлигига дунёдаги барча қадимий халқлар ишонганлигини эътироф этган.² Инсон сочи қадим тасаввурларда осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлиги учун жаҳондаги кўпгина халкларда туғилиш, никоҳ, ўлим маросимлари билан бир қаторда, илк бор гўдак сочини олишни ҳам инсон ҳаётидаги магик-ритуал аҳамиятга эга ҳодиса деб биладилар.³

Ўзбекларда илк бор соч олиш маросими соч тўйи ёки ақиқа дейилади. Ўрта Осиёning кўпгина жойларида гўдакнинг олинган сочини мевали дарахтга илиб ёки тагига кўмиб кўйганларки, бу магик аҳамиятга эга бўлиб, баҳт ва ҳосилдорлик ғоялари билан боғланган.

Халқимиз майший турмушида соч билан боғлиқ кўплаб иримлар, одатлар, тасаввурлар ҳозир ҳам кўп учрайди. Масалан, бирорвнинг бош кийимини кийиш тақиқланади, ялангбош юриш айб санағланган. Аёлларнинг сочини ёзиб юриши фалокат, сочини кирқиши беҳаёлик рамзи ҳисобланган. Шу сабаб қўшиқларда шундай кўйланади:

*Оқсув юзли, қаламқош,
Чиқма ёрим, ялангбош.*

*Даричадан қараманг, бошим яланг,
Қарасанг, қарамасанг қошим қалам.*

*Сочимни қирқай десам,
Уволидан қўрқаман... ва ҳ.к.*

Тарихий тараққиёт натижасида инсон соchlари, унинг ҳолати майший турмуш ва халқ оғзаки ижодида турли функциялар касб этиб борган.

¹ Пропп В. Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1986. – стр. 41.

² Фрэзер Дж. Дж. Золотая ветвь. Исследование магии и религии. – М.: ИПЛ, 1986. – стр. 43.

³ Этнография детства. Традиционные формы воспитание детей и подростков у народов Южной и Юго-Восточной Азии. – М.: Наука, 1988. – стр. 32.

Тарихчи К. Шониёзов қадимги қипчоқ жангчилари узун соч қўйганликларини, олган тақдирларида тепаси ёки орқасида кокил колдирганликларини айтади. Шунингдек, унинг аниқлашича, ўзбекларда қизлар анъанага кўра сочини майдалаб, келинчаклар ва жувонлар эса жуфт қилиб ўрганлар. Келинчаклар кокиласи гажак деб юритилган.¹

*Қизил гулнинг чечаги,
Нима бўлди кечаги?
Нақши олмадай юзига,
Ярашибди гажаги.*

Қўшиқда келинчак ҳакида сўз кетаётганилиги гажакдан маълум. Шу билан бирга унда келин-куёвларнинг тунги интим муносабатларига нозик қочирим ҳам бор.

XIX аср сўнгидаги Олтойдаги туркий халқларда аёллар ва қизларнинг соч ўримларидан ҳам фарқланишига алоҳида эътибор берган В. В. Радлов аёллар сочини иккита ёки учта, қизлар майдалаб ўрганликларини айтади.² Бизнингча, сочнинг учта ўрилиши фарзанд ғояси билан боғлиқ бўлса керак. Бу одат ўзбекларда ҳам бўлганлигини мана бу қўшиқ тасдиқлайди:

*Қора қулоч сочимни,
Уч ўрдилар, ёр-ёр.
Ота-онам шаҳридан,
Кўчирдилар, ёр-ёр.*

Туркий халқларда соч ўримининг жуфтлиги жуда қадим замонлардан аёлларнинг турмуш қурганлигини ифодалаб келган. Жумладан, Н. Я. Бичурин қадимда Амударё бўйларида яшаган халқлар ҳакида шундай ёзади: «Аёллар турмушга чиқишдан аввал соchlарини парваришлаб, икки ўримга ажратиб ўрадилар».³

¹ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – стр. 268–269.

² Радлов В. В. Из Сибири. – М.: Наука, 1989. – стр. 294.

³ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в древней Средней Азии в древние времена. Т. 1. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950. – стр. 243.

Қизиги шундаки, жаҳоннинг кўпгина халқлари, шу жумладан, Европада ҳам қизлар, аёллар, турмуш қурмай майший бузилган жувонлар ҳам соч ўримидан фаркланганлар.¹

Соч ўримларининг оиласи ҳаёт, майший турмуш билан боғлиқ турли маънолар англатиши бизнинг кунларимизда ҳам маълум даражада сақланиб колган. Сочнинг икки ўрилиши қизлиқдан аёликка ўтиш рамзи эканлиги халқ қўшиқларида ҳам ўз бадиий ифодасини топган:

*Ёримнинг қора сочи,
Иккига бўлгудек бўпти.
Шу дамда ўйин қилсан,
Қараб кулгудек бўпти.*

Юқоридаги мулоҳазалардан сўнг аён бўладики, ёр сочининг иккига бўлгудек бўлиши унинг балоғатга етганлиги рамзи, энди оила қуриш мумкинлигига ишорадир.

Республикамизнинг баъзи туманларида бир одат ҳозиргача учраб туради: тўй куни никоҳ ўқилиб, чимилдиқда соч сийпатар, ойна кўрсатар, кўл ушлатар ва бошқа рамзий қовушишгacha бўлган барча маросимлар бажарилгач, куёв чимилдиқдан чиқиб кетади. Шундан сўнг серфарзанд бир аёл ёки янга келинчакнинг сочини икки ўрим қилиб ўриб қўяди.

Халқ лирикасидаги соч поэтик образи тарихий асосига кўра соч магияси орқали ҳосилдорлик кульлари билан ҳам боғланади. Мутахассислар фикрича, туркий халқлар оғзаки ижодида ҳам соч ва унинг аналоглари – қил, қош, киприк, мўйлов, соқол, от ёлларининг бўлиқ-қалинлиги ҳосилдорлик рамзи бўлиб, фаровон турмуш ва серпуштликка магик таъсир кўрсатади, деб билинган.² Шу сабабли халқ қўшиқларида соч ва унинг аналоглари факат гўзаллик рамзи бўлмай, сийрат маънода балогат, севги, оила, фарзанд ва баҳтли-тўқин турмуш ғояларини ҳам ифодалайди. «Соч-

¹ Богатырев П. Г. Вопросы теории народного искусства. – стр. 334–335; Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1988. – стр. 57.

² Тюркология: К 80 летию академика А. Н. Кононова. – М.-Л.: Наука, 1986. – стр. 240.

лар, – дейди Н. И. Гоген-Торен, – шубҳасиз ва доим иккинчи жинсий белги бўлиб хизмат қилган. Иккинчи жинсий белги онгда сочнинг ҳосилдорлик культлари билан боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурларга магик функция нисбатини бериш билан боғлик».¹ Сочнинг балоғат рамзини англатиши ўзбек халқ лирикасидағи «Сочингни узун дейдилар...», – мисраси билан бошланувчи композицион жиҳатдан диалог асосига қурилган қўшиқларда, айниқса равshan кўринади. Унда инсон аъзолари – қош, қўз, бел, юз таърифлари соч поэтик образи билан уйғунлашиб, барчаси лирик қаҳрамоннинг жинсий балоғатга етганлигини рамзий ифодалашга хизмат қиласди. Бунда сочпопукнинг сочга, кошиинг қалдирғоч қанотига, қўзнинг гул ғунчасига, юзнинг қизил олмага, белнинг чумоли белига ўхшатилиши маълум даражада қадим тасаввурлар, ҳосилдорлик культлари билан боғлик.

– Сочингни узун дейдилар,
Доно укам, ёр-ёр,
Корасоч укам, ёр-ёр.
Кўрсат сочингни мен кўрайин,
Беҳол укам, ёр-ёр.

Қўшиқда ёрнинг қоши, сочи, бел, юзларини кўрсатишни сўрашдан максад унинг балоғатга етганлигини аниклашдир. Умуман, халқ қўшиқларида сочнинг узунлиги, белга, қошга тушиши ҳамиша балоғатни англатади:

Олма пишганда келинг,
Тагига тушганда келинг.
Орқа сочим жамалак,
Белимга тушганда келинг.

Мисолимизда олма пишиши билан сочнинг белга тушиши поэтик маъно жиҳатидан тенгглаштирилган, яъни лирик қаҳрамон сочим белимга тушса, мен ҳам олмадай етиламан демоқда.

Қўшиқларда сочга хос магик хусусиятлар унга уланадиган нарсалар учун ҳам тегишли бўлади. Соч ва унинг аналоглари

¹ Поэзия и обряд. – М.: Изд-во Прометей МГПИ, 1989. – стр. 92.

— қош, мўйлов, соқол поэтик образлари эрларни ҳам ёш ҳамда жинсий жиҳатдан фарқлаши ўзбек халқ лирикаси учун характерли хусусиятдир.

Халқ лирикасида ўспиринлик, йигитлик, боланинг балоғатга етганлиги — қош, мўйлов, ўрта ёш ва кексалик — соқол поэтик образлари билан ифодаланади:

*Тоғдаги барра қиёқдек,
Қошларингдан ўргилай.
Янги чиққан майсадек,
Мўйлабларингдан ўргилай.*

Кўшиқдаги барра қиёқдек қош ва майса йигитнинг жинсий балоғати рамзи бўлиб, қош маълум даражада соч магияси билан, мўйлаб ҳосилдорлик ғояси билан боғлиқ.

Кўшиқларда мўйловнинг аналоги бўлган майса — баҳор, ёшлиқ; похол — куз, кексалик рамзларидир. Соҳ образи борасидаги кузатишларимиз бизни жаҳон халқлари қадимдан йил фасллари ни турли маросимлар, байрамлар билан нишонлагани каби инсон умрининг фаслларини ҳам соч ва унинг аналоглар воситасида ифодалаган деган хуносага олиб келади.

Кўшиқларда магик ионч излари турлича даражада, кўпинча поэтик кўчимларнинг сийрат маъносида яширип бўлади:

*Қизил гул новдасидан, алла,
Камар қиласай белингга, алла.
Сочларим толасидан, алла,
Богич қиласай тўнингга, алла.*

Гул ҳосилдорлик қульти билан боғлиқ бўлганлиги учун тасаввурда унинг новдасидан камар қилиш мумкин. Камар ҳам магик ҳимоя кучига эга. Шунингдек, халқ лирикасида гул, одатда, хотин-қизларни, белбоғ образи эрларни англатади. Шу сабабли юқоридаги алла ўғил болага айтилган ва она унинг улғайиб, оила куриши, уйланишни орзу қилмоқда.

Кўшиқдаги соч толаси тумор ўрнини босганлигини, биз сочнинг магик функцияларидан маълум даражада хабардор бўлганимиздан кейингина билиб оламиз. Магик қарашларда инсон

соци унинг боши каби осмон ва жон гояси билан боғлангани учун халқ оғзаки ижодида соч поэтик образи жуда қудратли куч сифатида талқин қилинади. Эртакларда сочнинг аниқловчиси бўлмиш тароқ ташланганда ўтиб бўлмас тўқайлар пайдо бўлади. Ўз ёлидан тола берган от, бўри, шер каби жониворлар қаерда бўлишларидан катъи назар, эпик қаҳрамон бу толани тутатиши билан етиб келадилар. Чунки улар ушбу тола ҳукмидадирлар. «Алпомиши» достонида Бойчибор қаҳрамонни чоҳдан думи билан тортиб чиқаради. Романик достонларимизда ярадор бўлган қаҳрамонни оти ёли билан суюб, жанг майдонидан хавфсиз жойга олиб келади.

Магик инончга кўра соч жонли ва қудратлидир. Қўшикларда соч поэтик образининг соч магияси билан бөглиқ ҳусусиятларидан бири шундаки, уларда лирик қаҳрамон ўз сочи билан севгилисини мафтун этади, ўзига қаратиб боғлаб олади:

*Мен борай кўча билан,
Теракзор ичи билан.
Йигит кўли боғлансан,
Кизларнинг сочи билан.*

Халқ лирикасида соч каби унинг атрибутлари – қош, киприк, кокил, гажак, зулф, ҳайдар, жамалак, қил, тароқ ва ҳ.к. – барчаси соч эга бўлган магик хислатларга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, соч ҳолатлари лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари, ёқтириш ёки ёқтирмаслигини ифодалашга ҳам хизмат қиласи:

*Мен ёримни согинсам йўлга қарайман,
Сочларимни авайлаб, силлиқ тараиман.
Қошимга ўスマлар қўйсам келарми, ёр-эй,
Кўзимга сурмалар сурсам келарми?*

Соч магияси туфайли соч толасини муқаддас деб билиш, соч толасидан туморлар тақиб юриш жаҳон халқлари тарихида жуда ривожланган. Жумладан, бундай одат ҳақида Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларда ҳам маълумотлар бор. Пайғамбар саҳобаларидан бири шундай дейди: «Менда Расуллаллоҳ ва салламнинг бир тола соchlарининг борлиги дунё ва ундаги бор нар-

салар менини бўлиб қолганидан ҳам севинчлироқдир».¹ Қизиғи шундаки, лезгинларда ҳозиргача соч ёкиш, худди эртаклардаги-дек, ёрдамга чақириш маъносини англатар экан. Туркий аждодларимиз соч рангига қараб, инсон ва унинг авлодлари келажакда баҳти ёки баҳтсиз бўлиши ҳакида ҳукм юритганлар.²

Ўзбек халқ лирикасида соч магиясининг ифодалари ҳосилдорлик культлари каби магиянинг бошқа қўринишлари, хусусан, жинсий ва из магияси билан уйғунлашиб кетади. Халқ қўшикларида соч ва из магиясига иончнинг уйгуналашиб кетганинги кўриш учун яна бир машхур қўшикни таҳлил қиласайлик:

*Оқ, ойдин кечалар,
Оппоқ, ойдин кечалар,
Гул билан райҳон буркайди,
Ёр юрган кўчалар.*

*Ёр юрган кўчаларни,
Супурай сочим билан.
Чанги чиқса, сув сепай,
Кўздаги ёшим билан.*

*Ёр юрган кўчаларнинг,
Чанги бор, тупроги йўқ.
Бормикан дунёда ошиқ,
Дилда асло дози йўқ.*

Қўшик таҳлилига ўтсак, биз унда дастлаб ойдин кечалардаги салқин ва гул ҳиди чўлғаган кўчаларни, бу кўчаларда ёр юрганинги учун сочи билан супуриб, кўз ёши билан сув сепадиган ишқ фидойисининг лирик образини тассавур қиласамиз.

Магик тафаккур натижасига кўра мисолимиздаги ёр юрган кўчаларда гулу райҳонлар атри қолади. Ойдин кечалар ҳам ёруғлик ва шодлик рамзиdir. Тарихий асосига кўра бу қўшиқда лирик қаҳрамон магик кучга эга бўлган сочи ва кўз ёши билан севгили-

¹ Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал Бухорий. Ҳадис. Т. 1. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – 61-бет.

² Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири: Знак и ритуал. – Новосибирск: Наука, 1990. – стр. 79.

сини ўзига каратиб олишни истайди. Чунки ёр юрган күчаларда унинг изи колади.

Магиянинг кўринишлари қанчалик кўп бўлмасин, магик харакатлар, асосан, яхшилик ёки ёмонликка қаратилади, фанда улар позитив-негатив, халқ тилида оқ-қора магия, деб тасниф қилинади. Шунингдек, магияга ишонган одам исталган нарса, харакатга магик вазифа юклashi, кўпинча турли магик предмет ва харакатлар уйғунлашиб кетиши мумкин. Кўшиқдаги соч, чанг, супуриш, кўз ёши, из бунинг мисолидир.

Из магияси ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун вақтингча мисолимизни унутиб, халқ лирикасининг бошқа намуналари ва из магияси билан боғлиқ инончларга тўхталсак:

*Бугун хафалик етди,
Меҳрибон ёрим кетди.
Боққа кирсам изи бор,
Менинг сабрим тамом битди.*

Сиртдан қаралганда оддийгина қўшиқ: ёр кетибди. Лирик қаҳрамон боғда унинг изини кўриб қаттиқ қайғурибди. Аммо халқ лирикасидаги bog образи ҳаётдаги боғ тушунчасидан анча кенгdir. Кўшиқларда боғ оиласи, ёрни, учрашув жойини, оламнинг кичик моделини англатиши мумкин. Агар қўшиқдаги боғ образини оила рамзи деб тасаввур қилсак, ёр уйдан кетган, аммо ҳар бир нарса уни эслатиб туради. Лирик қаҳрамоннинг ёр изини кўриб, ўзини тута олмай қолиши тарихий асосига кўра из магияси билан ҳам боғлиқ.

Туркий аждодларимиз гўдакларнинг тутгма холларини ҳосилдорлик ва гўдаклар ҳомийси – илоҳа Умайнинг изи деб билганлар. Гўдаклар ўзича кулиб, ўйнаб ётганларида у Умай билан ўйнашашапти, йиғлаганда Умай болани ташлаб кетибди, деб ўйлаганлар.¹

Халқ қўшиқларида соч поэтик образининг қирраларидан бири унинг ёзиқ ҳолати билан боғлиқ:

¹ Традиционные мировоззрение тюрков Южной Сибири: Пространство и время. – Новосибирск: Наука, 1988. – стр. 278.

*Соқолинг саватдек чиқма тұшакка,
Нега зое бұлай сендай эшакка?
Сенга топилмасми бир сочи ёзиқ,
Менга қурибдими бир баҳти ёрг.*

Соқол – кексалик рамзи, сочи ёзиқлик-бевалик. Халқда якин кишиси вафот этган хотин-қызлар соч ёзіб йиғлайдилар. Умуман, сочнинг ёйиқлиги ўзбекларда тарихан азадорлик, бузуклик, ёмонлик маъноларини англатиб, магик инонч билан боғлиқ бўлган.

Соч магияси ва соч поэтик образининг қирраларидан бири **кокил** ва **ҳайдар** деб аталувчи соч ҳолатлари билан боғлиқ. Этнограф Г. П. Снесарев шундай этнографик фактни келтиради: узок вакт фарзанд кўрмаган эру хотинлар бўлажак фарзандларини муқаддас жой ёки бирор эшонга атаганлар. Бу назр дейилган. Бола туғилиб, илк бор сочи олингданда назр белгиси сифатида бир тутам соч қолдириганлар. Ана шу соч толалари **кокил** ёки **ҳайдар** деб юритилган. Бола 7–9 ёшга тўлгач, назр қилинган жой ёки эшон хонадонига топширилган. Унинг **кокил** ёки **ҳайдари** ота-онада қолдирилган. Бола уйда қолганда кокил назр қилинган жойга кўмилган. Ўтмишда бу одат рамзий бажарилмай, унга қатъий амал қилишган.¹

Бу мулоҳазалардан сўнг «Кокилим қимматбаҳо, ташлаб кетолмайсан мени...» кўшигининг сийрат маъноси анча ойдинлашади. Қизнинг хурсанд бўла олмаслиги, йигитнинг уни ола олмаслиги-га сабаб **назр** одатидир. Лирик қаҳрамон (қиз) ёшлигидан бирорга аталган. Шунинг учун қаттиқ хафа. Аммо соч магияси қудрати туфайли йигит қиздан воз кечиб ҳам кетолмайди.

Биз соч магияси ва унинг халқ лирикасидаги бадиий ифодалари борасидаги баъзи хулосаларни баён қилдик. Дастрлабки кузатишилармиз соч магиясининг бадиий ифодалари жаҳон халқлари, жумладан, ўзбек халқи фольклорининг барча жанрлари учун хослигини ва маҳсус тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

¹ Снесарев Г. П. Реликти домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – стр. 92–96.

*Мунаввара
ЁКУББЕКОВА
(1952 йилда туғилинан)*



Мунаввара Мұхамедовна Ёқуббекова 1952 йил 19 декабрь, Андижон вилояти, Андижон тумани, Ҳакан қишлоғида туғылған. Андижон давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультети Ўзбек тили ва адабиёти бўлимида ўқиган (1970–1974). Андижон шаҳридаги 15-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган (1974–75). Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)нинг Ўзбек адабиёти кафедрасида катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида хизмат қилған (1976–2000). 2000 йилдан ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида катта илмий ходим сифатида илмий тадқиқот шилари билан шугулланған. Ҳозирги кунда Республика «Алла уйи» маданий-маърифий марказининг раҳбари. «Ўзбек халқ аллаларининг жсанр табиати ва бадиий хусусиятлари» мавзусида номзодлик (1990), «Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари» мавзусида докторлик (2005) диссертациясини ҳимоя қилған. «Бешиклар олиб келайин, алла» (1993), «Ўзбек халқ қўшиқларида ўхшатиш» (2003), «Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари» (2005), «Аллаларда оиласи нинг оппоқ орзузи» (2009) каби китоблар муаллифи.

ХАЛҚ ҚҰШИҚЛАРИДА СҮЗ СЕХРИ

Янги аср дунё миқёсида барча фан соҳаларида мисли кўрилмаган янгилик ва қашфиётлар асри бўлиши куттилмоқда. Фан ва техниканинг бу кунги тараккиёти таъсирида давримиз илм-фан олдига қўяётган мақсад ва талаблар барча фан соҳаларида шу кунгача эришилган ютуқларнинг бирлаштирилиши, таҳлил этилиши, барча соҳалар учун самарали услуб ва технологияларнинг оммалаштирилишини кўзда тутмоқда.

Бадий асарнинг, шу жумладан, фольклор қўшиқларининг турли инсоншунослик фанлари ҳамда математика, семиотика, кибернетика, информатика каби соҳалар талқинидаги янгича таҳлиллари янги-янги йўналишларни келтириб чиқариши табиий. Олий таълимнинг филологик йўналиши тизимида мантиқ, информатика, семиотика фанлари ҳақида тушунчалар берилаётгани; «Бадий матннинг лингвистик таҳлили», «Адабиётшуносликда структурал таҳлил методи», «Социолингвистика» маҳсус курслари ўқитилаётгани, *лингвопоэтика, лингвофольклористика, герменевтика* каби атамалар фаол қўлланила бошлагани фикримизнинг далили бўла олади.

Тилнинг таъсир кўрсатиш вазифаси бадий адабиёт тилида ёрқин намоён бўлади. қўшиқ матнида ҳар бир сўз ижодкор мақсади ва маҳоратига кўра турлича жилваланади. Халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятларини аниqlаш мақсадида ўтказилган алоҳида таҳлилгина қўшиқлардаги сехрловчи, турли-туман ҳис-туйғулар туғдирувчи ўзига хос тасвирий воситалар тизимини яхлит ва ички ўзаро мутаносиб муносабатда ўрганиш имкониятини беради.

Халқ қўшиқларининг лисоний бадиияти таҳлили, биринчидан, халқ қўшиқлари билан узок вақт шуғулланганлик малакасини талаб этади. Бунингсиз қўшиқ матнидаги ҳар бир сўзнинг маъно товланишлари, рамзий ифодалари борасида фикр юритиш мушкул. Қолаверса, халқ қўшиқларининг ҳудудий ва тарихий-тадрижий вариантилиги масаласида ҳам фольклор қўшиқшуносининг узок йиллик билим ва тажрибаси керак бўлади ва ундан бу соҳадаги илмий янгиликлар билан яқиндан таниш бўлиши талаб этилади.

Иккинчидан, тадқиқотчи «лингвофольклористика», «лингвопоэтика», «бадиий матннинг лисоний таҳлили», «лексикология», «семиасиология», «грамматика», «стилистика» каби филологик фанлардан етарлича билимга эга бўлиши, бу фан йўналишларидағи эришилган охирги ютуқлардан боҳабар бўлиши керак. Учинчидан, тадқиқотчи методик ва методологик, мантиқий-психологик ва амалий тайёргарлик доирасида фалсафа, психология, семиотика ҳамда информатика соҳаларидағи билимдонлилкка таяниши жоиз.

Халқ қўшиқларини лисоний бадиияти нуқтаи назаридан ўрганиш борасидаги ҳар учала таъкидни назарда тутган ёндашув ўзбек халқ қўшиқларининг дастлабки лингвопоэтик таҳлили тамойилларини ишлаб чиқишимиз учун имкон беради.

Ҳар қандай янги ва пухта ишланмаган илмий йўналиш тамойиллари тақдим этилаётганда жиҳдий нуқсонлар, хато ва камчиликлар, уларнинг устидаги баҳс ва мунозаралар бўлиши табиий, лекин бу илмий мубоҳаса энди халқ қўшиқларининг лингвопоэтик таҳлили билан шуғулланувчи янги бир йўналишнинг фойдасига илмий мулоҳаза ва хуносалар беради. Бу эса ушбу йўналишнинг фольклоршунослигимииздан ўз ўрнини топиши ва кенг қўламда тараққий этиши учун имкон яратади. Биз тавсия этаётган тамойилларнинг илмий истифода учун қабул қилиниши ёки қилинмаслигини эса бу соҳанинг келгусидаги тараққиёти кўрсатади.

Халқ қўшиқларининг лингвопоэтик таҳлили қўшиқ жанрининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Таҳлил тамойиллари таҳлил матнига муносабатда, таҳлил жараёнини амалга оширишда, таҳлил хусусиятини белгилашда амал қиласди.

Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш учун биз тавсия этаётган халқ қўшиқларининг лингвопоэтик таҳлили тамойиллари куйидагича:

- таҳлилга олинаётган халқ қўшиғига матни кўпинча тўрт, баъзан олти, саккиз ва ундан ортиқ мисрали шеърий бандлардан ташкил топган, вариантлари мавжуд бўлган бадиий нутқ бутунлиги сифатида қаралади;

- бу бадиий бутунликнинг лисоний бадиияти таҳлилига киришилар экан, қўшиқ матнининг тарихий-генетик ва ижтимоий

мансубияти эътибордан сокит қилиниб, таҳлил фақат матн ичиди, шу матннинг лисоний бирликлари мантиқи ва бадиий мезонларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади;

– матнга ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодиётидаги яхлит бадиий тизим сифатида қаралади;

– матннинг воқе бўлиши ҳодисасидан келиб чиқувчи, ахборот берувчи моҳиятга эътибор қаратилади;

– матндаги сўз, тимсол, рамз, барча лисоний бирликларни қўллашдан мақсад кўзда тутилган мазмунни етказиш экани назарда тутилади;

– мазмун, ўз навбатида, шеърий тизимга солинган тугалланган бадиий нутқ орқали узатилиши эътиборда тутилади;

– қўшиқнинг яхлитлигини ташкил этувчи ҳар бир узвга бадиий тизимнинг таркибий қисми сифатида қаралади;

– таҳлил жараёни таҳлил амалларидан таркиб топади;

– таҳлил амалларига: ўқиши, ўрганиш, талқин ўтказиш, масаланинг қўйилишини аниқлаш, матннинг кенгайтирилган – ёйик (барча таг маъноларни назарда тутган) мазмунини баён қилиш ва шу мазмундан келиб чиқувчи янги моделни тузиб чиқиш киради;

– янги моделнинг келиб чиқишида роль ўйнаган узвларнинг ўзаро муносабати қўриб ўтилади;

– узвларнинг ўзаро *тобелик*, *тенглик*, *зидлик* ёки *ҳукмронлик* муносабатларидан қай бири асосида алоқага киришгани аниқланади;

– якуний натижа сифатида таҳлил этилган бадиий бутунлик билан назарий ўриндош бўлган модель тақдим этилади.

Юқорида келтирилган тамойиллар асосида таҳлилга тортилган қўшиқ матннда қандай лисоний бирликлар иштирок этганига қараб таҳлил жараёни турлича қуршов ва қамровга эга бўлади. Таҳлил сайлаб олинган матн устида олиб борилганда, ундаги ҳар бир лисоний бирлик бадиий бутунликни ташкил этувчи узвнинг таркибий унсури сифатида олиб қаралади. Биз лисоний бадиият таҳлили тамойилларига асосланиб ўзбек халқ қўшиқларидаги қўчимларнинг лингвопоэтик таҳлилини ўтказдик. Ўрганиб чиққан қўшиқларимизда истифода этилган ўҳшатишлар юзга бир нисбатда ҳисоблаганимизда: аллаларда – 26; ёр-ёрларда – 24; йиги-

йўқловларда – 19; келинсаломларда – 29; лирик қўшиқларда – 8 миқдорда қўлланилган. Бу ўртача – 23 тани ташкил этади. *Метафоралар* юзга бир нисбатда ҳисобланганда: аллаларда – 48; ёр-ёрларда – 16; йиги-йўқловларда – 43; келинсаломларда – 17; лирик қўшиқларда – 30 миқдорда қўлланилган. Бу ўртача – 31,2 тани ташкил этади. *Сифатлашлар* юзга бир нисбатда ҳисобланганда: аллаларда – 43; ёр-ёрларда – 61; йиги-йўқловларда – 33; келинсаломларда – 48; лирик қўшиқларда – 51 миқдорда қўлланилган. Бу ўртача – 47,2 тани ташкил этади.

Ўзбек халқ қўшиқларидаги сермаҳсул бадиий тасвир воситаси бўлган ўхшатиш бир-бири билан белги-хусусиятларига кўра, мос келувчи шахе, жисм, хусусият, тушунча, воқеа, ҳодиса, ҳаракат ва ҳолатнинг мантиқий муқояса қилиниб, аналогик ёки асоциатив хуносага кўра эмоционал ёхуд сентиментал тарзда таққосланишидир.

Ёнаману қуяман
Ўчоққа тушиган чоладек.
Заъфарондек саргаяман
Бандида қолган олмадек.

Бу мисолимизда ҳам *сезгилар қиёсига асосланган ўхшатишлар* ва *тасаввур қиёсига асосланган ўхшатишлар* биргаликда қўлланилган. Улар ўртасидаги фарқ эса яққол кўзга ташланиб турибди.

Бу таркибли мураккаб ўхшатишда *асос* (мен) тушиб қолган ва у лирик қаҳрамоннинг ўзи. Тимсол эса 3 та.

Тимсол сифатида келтирилаётган уч хил предмет ўртасидаги ўхшашлик нимада? Улар *асосга қайси жиҳатдан ўхшайдилар*?

Лирик қаҳрамон қуюнчак бир инсон. У ҳаётда ўз ўрнини тошиш, кимгадир керак бўлиш учун ҳаракат қиласди. У ўзини талабгорга фидо қилишни истайди. Бироқ унинг фидойилигини қабул қилмайдилар:

1. Уни ўчоққа тушган чоладай охиригача керак қилмай, чала ёнган жойида олиб ташлайдилар. Кейинги сафар эса у ёниб кул бўлиш ўрнига, куйиб кўмирга айланганча тураверади. Ёниб кул бўлиш иштиёқида аланталаниб, ёнишни кутганча тутаб кувверади. Ўчоқдаги чола, янги солинган ўтиндай ёниб кета қолмайди. Анчагача тутаб, куйиб туради.

2. У заъфарондек сарғаяди. Заъфарон ўсимлигидан сарик бўёқ оладилар. Заъфарондек сарғайиш кутиш изтиробларидан сарғайиш бўлиши мумкин.

3. У бандида қолган олмадек. Бу олма ҳеч кимга керак эмас. Уни вақтида узуб олмадилар. Талабгорини кутиб, бандида қолиб кетган олма сап-саргайиб кетган.

Кўринадики, ҳар учала тимсол учун хос белги интизорлик изтиробидир. Бу изтиробнинг кучи «ёнаману куяман» сўзлари билан таъкидланса, изтиробнинг чукурлиги бандида қолиб, заъфарондек табиатига кўра даставвал 2 хил турга бўлинади. Бу бўлинниш ўхшатишнинг қандай муқоясага асосланганига кўра юзага чиқади.

Халқ қўшиклиарида мавжуд ўхшатишлар мантиқий, лисоний ва бадиий хусусиятлар бирлигидан таркиб топган. Уларни: а) мантиқий таркиби; б) лисоний хусусиятлари; в) поэтик табиатига кўра ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Қўшиқ матнидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш – бадиий тасвир воситасининг вужудга келиши, шаклланиши, воқе бўлиши, таъсир кўрсатиши масалаларини қамраб олиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек халқ қўшиклиарининг лингвопоэтик таҳлили халқ қўшиклирида кўлланилган ўхшатишларнинг қирқдан ортиқ турини фарқлаш ва изоҳлаш имконини беради.

Метафоранинг поэтик моҳияти ўзбек халқ қўшиклири мисолида шахс, нарса, воқеа-ҳодиса, ҳаракат ва ҳолатни ўзига хос баҳо билан номлашдан иборат. Бунда янги ном «гапирувчи»¹ бўлиши керак. «Гапирганда» ҳам, қўшиқ матни шеър ҳолатидами, мусика жўрлигидаги ижро тарзидами маънавий-эстетик истифода этилганда бу иккиласми номлаш барчага баробар тушунарли ва таъсирчан бўлиши керак. Қўшиқ матнида метафора бадиий моҳият касб этиши учун:

- 1) одатдаги аталишлардан мақсадлилиги билан фарқланиши керак;
- 2) бу фарқ қабул қилиниши ва маъқулланиши керак;
- 3) метафоризация ҳодисаси завқ уйғотиши керак.

¹ Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 45.

Агар шу шартлар бажарилмаса, бу метафора узоқ яшамайды ва эхтимолки, бошқа ёрқинроқ тасвирий восита билан алмашади. Халқ қўшиқларидағи метафоранинг поэтик мөҳияти қўшиқ мазмунига, ғоявий йўналишига, умумий пафосига мос бўлиши керак.

Қизил гул метафораси асар қаҳрамони – маъшуқа, ёр, фарзанд ёки бошқа қадрдан шахсни билдириб келиши мумкин. Бунда метафорада англашаётган персонаж, образ ёки нарсага меҳр, ардоқ ва ихлос сезилиб туради. Кўпинча «қизил гул» -им эгалик қўшимчасини олади. Халқ қўшиқларидағи метафораларда:

*Қизил гулим, қизил гулим,
Ажаб бевақт ҳазон бўлдинг.
Мени чўллар аро ташлаб,
Ўзинг йўлга равон бўлдинг, –*

дека куйланиси; «суйганим қизил гулдир», «қизил гулим сўлмасин» дейиш билан бир қаторда, қаҳрамонни гулнинг қисмлари билан ҳам аталади: «қизил гулнинг бутоғи», «қизил гул фунчасисан», «қизил гулнинг япроги», «қизил гулнинг ичидагунчамисан, нормисан» ва ҳ.к. Халқ қўшиғида:

*Дарёдан оқиб келади шода-шода марварид,
Рўпарамда ўтиради қоши қаро, барно йигит.
Шода-шода марварид юзига қўнган гарди бор,
Рўпарамда оҳ уради, шу йигитнинг дарди бор, –*

дека куйланади. Қўшиқ матнидаги шода-шода сифатлаши марвариднинг бир неча шодадан иборат эканини билдиради. Та бийики, шодалар марвариднинг катта-кичиликлиги, товланиши, сони жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Ҳар бир шоданинг ўз латофати бўлганидек, барно йигитнинг ҳам қатор ёқимли томонлари бор. Қомати келишган (барно), қоши қора, кўзлари порлаган (чунки барно), менга мойил (рўпарамда ўтирибди). Дарёдан оқиб келган марваридни нима қиласидилар? Яна шода-шода бўлса. Ердан топиб олганда, шу яқин орадан эгаси чиқиб қолар эди. Узоқдан шу ерга оқиб келган бўлса, уни тутиб олиб, тақиб юрса, ўзлаштиурса бўлади.

«Шода-шода» сифатлаши марваридга таъриф бериб бўлгач, йигитга алоқадор тушунчага ҳам таъсир ўтказа бошлиайди. Шода-шода – қатор далилларга кўра йигит ҳам марвариддай маъқул келиб турибди. Аввал у рўпарага келиб ўтирибди, қадди келишган, қоши қаро, кўзи олов. Шода-шода марвариднинг гарди (сувдаги лойқалардан бўлса керак) бор. Йигитнинг (ох уришидан кўриниб турганидек, турмуш уринишларидан оширган шода-шода) дарди бор.

«Шода-шода сифатлаши ўзи бирикиб келган сўзда бўёқдорлик тугдиришдан ташқари, йигитнинг кўрки ва фазилатларининг кўплигига, юрагида қатор-қатор ҳасрату армонлари борлигига билвосита ишора бериш вазифасини ҳам бажаряпти. Бу уйғунлик қўшиқ давомидаги «марваридни тутиб олсан, тақиб олсан бўлади», «шу йигитни ошиқ қилиб, тегиб олсан бўлади» тариқасидаги мантикий хulosаси учун ҳам замин яратади. Кўшиқ, дарҳақиқат, «Қоши қаро барно йигитнинг мен ёри бўлсаммикин» мисрали банд билан тугайди.

«Шода-шода марваридлар бўйнингизда», «ёrim айтинг, не гаплар бор кўнглингизда» дейилганда ҳам шода-шода сифатлаши кўнгилдаги гаплар ҳажмини ҳам билвосита белгилаб кўрсатади.

Кўриниб турганидай, сифатлаш халқ қўшиқларида образлиник, эмоционал-экспрессив таъсирчанлик, ассоциатив таассуротлар туғдириш йўлида танланган маҳсус тафсил ёки образнинг шу асардаги мотивация учун муҳим бўлган белги ва хусусиятларини таъкидлаб кўрсатади.

Хulosаси қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, қўшиқ матнларида намоён бўлган поэтик ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг ўзаро ички муносабатларини ўрганиш, лисоний бирликларнинг халқ шеъриятидаги эстетик таъсир кўрсатиш вазифаси асосидаги уюшви қонуниятларини ойдинлаштириш лингвопоэтик таҳлилнинг бош вазифаси саналади. Қўшиқ матнидаги ҳар бир сўз қўшиқ изжодкорлари мақсади ва маҳоратига кўра маълум поэтик мавқени эгаллайди. Халқ қўшиқларидағи оммабоплик, жаранглилик, оҳангдорлик, соддалик бағридаги чукур рамзийлик, таъсирчан экспрессивликни ҳосил қилувчи ўзига хос тасвирий воситалар тизимини яхлит ва ички ўзаро мутаносиб муносабатда ўрганишга лингвопоэтик таҳлил жараёнида эришиш мумкин.

Тотир
МАТЁКУБОВ
(1953 йылда тувилини)



Тотир Матёкубов 1953 йил 12 январда Хива шаҳрида туғилган. М. Ҳарратов номидаги Урганч мусиқа билим юртида (1968–72), Тошкент давлат консерваториясида ўқиган (1972–78). Урганч мусиқа билим юртида ўқитувчи (1978–82), Ҳоразм вилоят ўқитувчилар малякасини ошириши институтида Мусиқа-эстетика кабинети мудири (1983–89) бўлиб ишлаган. Маданият ишлари вазирлигининг Республика методика хонасида услубчи, олий даражали мутахассис сифатида фаолият олиб борган (1990–1996). Шу вазирликнинг Фан, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармасининг бошлиги вазифасини бажарган (1996–97) фаолият юргизган. Маданият ишлари вазирлиги Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази директори (1997–2000), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъсул ҳодими вазифасида ишлаган (2000–01). «Ҳоразм достонларининг мусиқий хусусиятлари» мавзууда номзодлик диссертациясини ҳимоя қўлган (1996). Ҳоразм воҳаси баҳшилари репертуаридан ўрин олган «Авазхон», «Базирғон», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонларининг тўлиқ матнини ёзib олган ва бу асарларнинг ижроси пайтидаги мусиқасини нота ёзувига туширган. «Достон наволари» номли мажмууда «Авазхон», «Бозирғон», «Хирмондали», «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби достонларни настрий, назмий, мусиқий-нота матнлари ва аудио диск ёзувлари билан биргаликда чоп этирган (2009). «Достонларнинг мусиқий хусусиятлари» (1997), «Баҳшилар санъати» (1997), «Достон наволари» (2009) каби илмий асарлар муаллифи.

ЎЗБЕК ДОСТОНЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқнинг маданий турмуш тарзи, маънавий меросини тадкиқ этишда миллий достонларнинг мусиқий анъаналари ва ифода воситалари жуда муҳим манбадир. Хусусан, туркий халқлар орасида достон қўшиқларига жўр бўлувчи бир қанча чолғу асбоблари қўлланилиб, шулардан асосийлари қўбиз, дўмбира, дутор, тор (Хоразм бахшилари XX аср бошларида ўзларига қабул қилган чолғу), гармон (кам ҳолларда), соз, (Кавказолди халқларининг тирнама чолғуси) ҳисобланади. Бундан ташкари, бахшилар ансамбли таркибига жўр бўлувчи буломон, ғижжак ва доира каби чолғулар ҳам жалб қилинади. Шундай бўлса-да, достон ижрочиларининг қадимий чолғуларидан бўлган қўбиз ва дўмбира созлари ҳакида қисқача маълумот бериш ўринли. Қўбиз чолғуси жуда қадимий бўлиб, турк ўзонлари ва жировларининг асосий жўрнавоз сози ҳисобланган. Бу камончали чолғу ҳозирги даврда қорақалпок жировларида сақланиб қолган. Унинг пайдо бўлиши ҳакида турли афсоналар мавжуд. Жумладан, Дарвеш Али Чангийнинг «Тухфат-ус-суур» номли мусиқий рисоласида элхонийлардан сulton Увайс Жалойир (1356–1374) қўбизни рубоб дастасини узайтириш орқали ясаганлиги, унинг тарихий негизлари ва ижро хусусиятлари ҳакида айтилади.¹

Қўбиз косаси ва дастаси жийда, тут ва ўрик дарахтларидан ўйиб ишланган бўлиб, торлари ва камончасининг иплари отнинг ёлидан тараб тортилади. Дастасига парда бойламлари боғланмаган. Ижро пайтида чап кўл бармоқлари қил(тор)га салгина босиб, дастага теккизмасдан (флажолет услубида) чалинади. Товуши инсон овозининг бўғиздан чиқариладиган турига ўхшаш ва дастага теккизмасдан чалингани учун янада майнироқ эшитилади.

Дўмбира чолғуси, асосан, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Навоий вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, бахши-шоирларнинг асосий жўрнавоз чолғусидир. Унинг яратилиши ҳакида ҳам

¹ Кароматов Ф. М. Узбекская домбровая музыка. – Ташкент, 1966. – стр. 34.

жуда кўп афсона ва ривоятлар мавжуд. Дўмбира арча ёғочидан ясалиб, қопқоғи косасига елимланмасдан ичақдан эшилган чилвир ип билан таранг тортиб бойланади. Торлари эчкининг ингичка ичагидан эшиб тайёрланади. Дастасига парда бойламлари боғланмаган. Товуш кўлами 1,5 октавани ташкил қиласди.

Шимолий Ўзбекистон худудида истифода этиладиган чолгулар хусусида бир оз тўхталадиган бўлсак, буларнинг тури хилма-хил бўлиб, шулардан бири дутордир. Унинг жуда кадимиyllигидан дарак берувчи далиллар Кўйқирилган қалъя (милоддан аввалги IV–III асрлар)дан топилган икки торли чолгуларнинг кейинчалик дутор, дўмбира ва қўбиз шаклида та-комиллашганлигини кўрсатади.

Хоразм достончилигига икки хил дутор қўлланилиб, уларнинг бири қалта (узунлиги 970–1040 мм), иккинчиси узун (бўйи 1300 мм ва ундан ортиқ) дуторлардир. Бу чолгулар тут ёки ўрик ёғочидан ясалади. Улар қовурғали «дилма дутор» ва ўйиб ишланган – «қазма дутор» деб юритилган. Қопқоғи (декаси) эса тут ёғочидан юпқа қилиб ишланади. Дуторларнинг иккаласини ҳам зир (юқори созланувчи) тори кичик октава ре ва бом (паст созланувчи) торлари катта октава соль ёки ля баъзан қўштор қилиб ҳам созланади. Дутор икки хил созланишининг бахшилар тилида ўз атамаси бор бўлиб, улар очиқ торнинг бир-бирига нисбатан квинта созини «Алиқамбар дузум», квартा созини «Мискин дузум» деб юритадилар. Дасталаридаги парда бойламлари қўй ичагидан тайёрланган иплар билан боғланган. Пардаларнинг сони иккала дуторда ҳам бир хил ва диатоник товушқаторни ҳосил қиласди.

Халқ орасида достон кўйлари қанчалик кенг тарқалган бўлса, дутор ҳам шу даражадаги оммавий чолгу ҳисобланган. Бу ҳақда кексалар ўртасида жуда кўп ривоятлар мавжуд, шулардан бири «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида берилган: «Чингизхон Кўҳна Урганчни ҳарб қилмасдан илгари у ерда яшаган одамларнинг аксарияти мусиқани ўзларина бир хунар ва касб қилғонлар. Мунинг орқасинда ўз оилалари ўнгишиқларини таъмин этгандурлар. Ҳатто шаҳарда дутор созина эшак (харрак) йўнуб сотиб ўнгушиқларини шул хунарлари бирла ўтказадурғон кишилар

нинг миқдори бир мингга етишадур».¹ Юқорида келтирилган маълумотлар дутор нафақат бахшиларнинг жўр бўлувчи сози, балки қўпчилик аҳолининг энг севимли чолғу асбоби бўлганлигидан далолат беради.

Бахшилар ансамбли таркибига кирувчи буламоннинг ҳам ўрни ўзгачадир. Фикримизча, буламон форсча «Болобом» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, «болов» – баланд, юқори; «бам» – паст, яъни баланд ва пастки пардаларда бирдек жарангловчи, демак, товушлар кўлами кенг чолғу эканлигини билдиради. Бахшилар қўшида ғижжакка қараганда ҳам буламоннинг ўрни сезиларлидир. Айниқса, «Бозиргон», «Гўрўғлининг ўлимий» ва бошқа достонларни бахшилар буломон жўрлигисиз айтишга рози бўлмайдилар. Чунки ғамгин кайфиятни ифодалашда, достондаги фожеали воқеаларни таъсирчанлик билан очишда буламон tengsiz жўрнавоз чолғудир. Ҳатто эроний услугудаги якка дутор жўрлигига достон айтадиган бахшилар ҳам юқорида номлари зикр этилган достонларни буламон жўрлигисиз айтмайдилар. Бу чолғу табиати жиҳатидан ички овоз туслига жуда яқин, бахши овозига ҳамоҳанг ва ҳамнафасдир.

Бахшилар қўлида буламон билан биргаликда, ғижжак чолғуси ҳам жўрнавоз соз сифатида иштирок этади. Қадимда уч ва тўрт торли ғижжак, кейинчалик онда-сонда ғижжак ўрнида скрипка чолғулари кўлланилган. Бир ансамблнинг ўзида буламон ва ғижжакни жўрликда қўллаш ҳоллари ҳам учрайди.

Достончиликнинг ширвоний услубида доиранинг тутган ўрни жуда муҳимдир. Ушбу услуга мансуб бахшилар қўлига жўр бўлувчи «доирачи» ёхуд «доирадаст», «дафчи» ёки «дапчи» деб юритилади. Улар кўпинча марака доира деб аталувчи айланаси 300–350 мм келадиган, яъни ҳозиргиларидан кичикроқ доирадан фойдаланганлар. Ушбу доира садоларининг дутор ва буламонлар овоз кучига мос келадиган майинлиги бўлган. Бахшиларнинг доирадастлари номалар нақоратларида ҳамнафас, баъзан эса достоннинг айтим қисмларида кези келганда ҳикоя қилувчи бахши вазифаларини ҳам бажарганлар.

¹ Mulla Bekchon Rahmon o‘g‘li. Muhammad Yusuf Devonzoda. Xorazm musiqiy tarixchasi. – Тошкент: «MUMTOZ SO‘Z», 2014. – 39 б.

Бу янглиф соз амалиёти жиҳатидан тараққий этган Хоразм достончилигига табиатан жўшқин, ўйноқи мусиқий воситаларни кўллаш ва очиқ овозда куйлаш орқали достон номалари воқеалар ривожини ёркин, ўзига хос тарзда очиб беришга хизмат қиласди. Маълумки, номалар достонларнинг мусиқий асосини ташкил килувчи омиллардан ҳисобланади. Шарқ мусиқа истилоҳида «нағма» ва «нома» тушунчалари кенг қўлланилади. «Нағма» атамаси турлича изоҳланади: «Нағма, нағам – наво, оҳанг, куй, тарона» луғавий маъноларда таъриф этилса. Абдурауф Фитратнинг фикри куйидагичадир: «Мусиқий олимларимизга кўра бир оз узаниб (бир муддат давом этиб) сузаниши (чўзилиши) ҳис этилган товуш нағмадир. Нағма бир замон давом этган товуш бўлғоч унинг бош томони албатта бўладир. Нағма маъносидаги товушни чиқармоқ учун чолғуни чертмак керак. Чолғуни чертганимиздан бошлаб, товуш чиқарадирда, бир муддат узаниб қолгач, нагма бўладир»¹.

Ўтмишда нагмалар юононча ва арабча иборалар билан ифодаланган. Арабча атамалари, асосан, нагомот дейилган. Нағмалар халқ орасида куй-оҳанг маъносида ҳам қўлланилади. Уларнинг куй ёки мусиқий асар маъносида қўлланилиши жуда кўп манбааларда келтирилган. Шулардан бири «Хоразм мусиқий тарих-часи» китобида «Ферузнинг мақомларга боғлаган нағмалари, Ризо бахши нағмалари, Суяв бахшининг достон шеъларига боғлаган нағмалари» тарзида ёзилган. Ушбу далиллардан маълум бўлишича, яқин ўтмишда достон куй ва қўшиқлари «нағма» деб ҳам аталган.

Достон куй-номаларини бахшиларнинг ўзлари қуйидагича таърифлайдилар. Қамай мактаби намоёндаси Қаҳҳор бахши Раҳимов достонларда ишлатиладиган чолғу куйлар баъзида бахши куй, дўмбира куй, кўпинча ўз номлари билан «Чўпони нома», «От ҳайдаш номаси», «Номабоши» деб юритилишини ва агар бу куйлар достон сўзларига солиб ўқилса «номалар» дейилишини таъкидлайди. Туркман, қорақалпоқ бахши ва жировлари тилида ҳам достон куй ва қўшиқлари «номалар» деб

¹ Абдурауф Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, 1993. – 6-бет.

юритилади. (қаралсин: О. Халимов тўплаб нашр қилдирган «Қорақалпоқ номалари». А. Хайридинов тўплаган «Қобуз номалари», М. Жийемуратов ноталаштирган «Жиров номалари»). Шунингдек, Уйғур мұкомларида ҳам «нома боши» ва «достон» номалари мавжуд.

Ўтмишда достон айтувчиларни гўянда, улар ижро этадиган ўйларни «нома» деб юритилиши «Бобурнома»да учрайди: «Созандалар соз чалдилар, гўяндалар нома айтдилар»¹ дейилади.

Эргаш Жуманбулбулнинг қуидаги шеърида эса Нурота (Кўргон кишлoғи) мактаби услубига оид достон номалари санаб ўтилади:

*Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,
Йигирма хил нома дўмбира чертиб,
Хоҳ катта, ҳоҳ кичик эшиитса,
Ҳар қандай одамни балқитиб эритиб.*

Шеробод мактабининг машхур баҳшиси Умир шоир Сафар ўғли ижодига мансуб асарда эса Қамай мактаби номалари сони келтирилади:

*Эй дўмбирам газжакдор,
Ўттиз икки номанг бор.
Хаммаси ҳам мафтункор,
Бирин чалсам бири бор, –*

деб номалар сони қайд этилади. Умир шоирнинг ўғли, Ўзбекистон халиқ баҳшиси Қора баҳши Умировнинг ахборот беришича, мазкур номалар сони Қодир баҳши Раҳимов томонидан олтмиш тўрттагача етказилган. Бундай ривоятлар ва достонлардаги сўз устуворлигидан келиб чиқиб «нағма» эмас, балки «нома» деб юритилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Олимларнинг фикрича, достончилик анъаналарида «нома» ва «нағма» аллитерацион ўзгаришга учраб мазмунан умумлаштириб юборилганилиги эҳтимол. Аслида, «нома» (форсча) ва «нағма» (арабча) ҳам луғавий, ҳам истилоҳий жиҳатлардан турлича, алоҳида ва мустақил тушунчалар бўлиб, маъно жиҳатидан фарқланади. Чалкашликлардан холи бўлиш учун мазкур ибора

¹ Захиридин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1989. – 319-бет.

бахшилар тилида қандай аталган бўлса биз ҳам худди шундай, яъни «нома» тарзида ишлатишни маъқул кўрдик.

Хоразм достон номалари ўзининг тугал шакли, очиқ овозда куйланиши, ҳалқ қўшиқларига яқинлиги, достон воқелигига боғлиқлиги, хуллас, ўзига хос ёрқин услуби билан ажralиб турди. Шунингдек, унинг заминида ўзбек, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ, қисман қозоқ халқларининг ижодий алоқалари ҳам ўз аксини топган. Маданиятларнинг бундай кесишуви соз санъатининг бошқа турларига қараганда достон куйларида изчилроқ намоён бўлиши диққатга сазовор. Бу ерда бахшиларнинг кўпчилиги туркман ва қорақалпоқ достон куйларининг парда тузилиши, оҳангি, қочирим ва зарбларини моҳирона бажаргани ҳолда ўз санъатини қўшни халқларга манзур қила олганлар. Бундан кўриниб турибдики, бахшилар нафақат туркий тил лаҳжаларининг кўпчилигини билиши, балки уларнинг оҳангларини, бошқа мусиқий услугуда бўлган достонлар бадиий воқелигини очиб берадиган куй номалар табиатини ҳамда пардаларини ўзлаштириши лозим бўлган.

Хоразм достончилигининг улкан намояндадаридан Бола бахши, Турсун бахши, Қамай мактаби таниқли вакиллари Қора бахши, Қаҳҳор бахши Раҳимов ва бошқа бахшиларнинг фикрича, мусиқий салоҳиятига кўра ширвоний услуг 72, эроний услуг 32, Қашқадарё–Сурхондарё воҳаларининг Қамай мактаби достон куйлари эса 64 куй-номадан иборатлиги қайд этилади.¹

Ўзбек достонларида қўлланиладиган номалар мақом ва ўзга мумтоз куй йўллари каби ўзига хос номланишга ва туркумлашишга эга. Куйларнинг ички тузилиши, табиати, туркумларида ишлатиладиган ўрни ҳамда вазифасига қараб куй-номаларнинг мантиқий аҳамиятини белгиланиши ва улар барқарор сақланиб келинаётганлиги аниқланди.

Куйида баъзи номаларнинг номлари, достон қаҳрамонларининг исмларига нисбат берилганлиги, бастакор, бахши, созанданинг исми ёки тахаллуси билан boglik нуқталарига қисқача изоҳ ва таъриф бериб ўтамиз. Шундай номалардан энг машҳури «Илғорлар» туркуми булиб, «илғор» – илдам, шаҳдам,

¹ Муаллифнинг дала ёзувлари. Қора бахши Умиров ахборотидан. 1991 йил.

олдинда борувчи маъноларини билдириб, доира усулларидағи зарбларида от туёқларининг йўрга юришидан тезроқ суръатдаги ҳаракати акс этади. Улар достон куйлари ичиде етакчи номалар қаторига киради. Бахшилар эшитувчилар диқкатини қўлдан бермасдан, достон воқеалари зерикарли бўлмаслиги учун, мазмуни ва шакли мос келадиган шеърларда «илғор»лардан бирини қўлладиilar. Бу билан тингловчиларда жўшқинлик кайфиятини тиклайдиilar. «Илғор»ларнинг беш хили мавжуд булиб, «Гўрўғли» туркумидаги «Қирқ минглар» достонига нисбат берилган «Қирқ минг илғор», Суяв бахши ижодига мансуб «Илғор» ва «Илғор сарпардаси», эроний услугуб номаларидан «Қўшим полвон илғори», шунингдек, «Илғор I» ва «Илғор II» номалари мавжуддир. «Қора дали» – кора ёлли, тусли отга нисбат берилган бўлиб, бу нома ҳакида кекса созандалар орасида ҳар хил ривоятлар мавжуд.

«Тўрғай» – қуш номига берилган нисбат. Унинг бошқа бир тури ҳозирги даврда Хоразм сурнайчилари томонидан ижро этилади. Бу куй «Тўрғай чириллама» деб ҳам аталади. Ривоятларга қараганда, тўргай Оллоҳнинг минг бир номини тақрорлашга ҳаракат қилиб учеб сайрап, аммо тепага кўтарилиганда мингтасини айтиб, биттасини эсидан чиқарап ва ерга қайтиб эсига тушириб, учеб сайраганида яна эсидан чиқиб қолар ва бу жараён тинмасдан тақрорланар экан. Сурнай тўргайнинг ана шу зайлдаги сайрашига тақлид қилиб чалинади. Бу куйнинг давомига устоз сурнайчилар «Зувоний», яъни тўрғайнинг забон – тил очиши ёки тилга кириши, «Ротолло» – роҳи Оллоҳ, яъни «Оллоҳнинг йўли», «Бироллойим» – «Оллоҳим ягона» куйларини улаб ижро қилганлар. Қўшик шаклларида эса уларнинг ҳар бири тасаввуф йўлидаги ғазалларга айтилган. Кейинги пайтларга келиб бу асарларнинг суръатлари тезлашиб, масхарабозларнинг ўйинларига жўр бўлувчи рақс куйларига айланган. Раққослар ва масхарабозлар ҳаракатларида, асосан, қушларга тақлид қилиш ва тотемизм унсурлари сезилади. «Эшвой» – XVIII аср охири – XIX аср бошларида яшаган машхур Эшвой бахши исмига нисбат берилган куй бўлиб, унинг шогирди Мухаммадниёз Гуржа ижодига мансуб дейилади. Бу туркумнинг «Курд эшвойи», «Фарғона эшвойи – 1», «Туркман эшвойи»,

«Эшвой урганжий», «Коракалпоқ эшвойи» каби йўллари мавжуд. «Эшвой» ва «Курд эшвойи» саккиз бўғинли шеърларга боғланади.

«Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида айтилишича, «Суяв бахшининг ўз тарафидан чиқарган 7–8 нағмаси бўлиб, ҳар бирлари ҳам ҳалқ тарафиндан ғоят мақбул ва севимли нағмалар дур» деб, унинг еттига асари қаторида «Эшвой» ҳам санаб ўтилади. Фикримизча, бу машхур қўшиқни дастлаб ўша Эшвой бахшининг ўзи басталаган, қолганлари эса унинг шогирдлари томонидан яратилган нома турлари бўлиши мумкин.

Бу ўринда қиёсий таққослаш учун Қамай достончилик мактабига мансуб дўмбира куйлари ва жиров номаларни келтириш қизиқарли бўлиб, булар Бекмурод бахши Соатов, Қора бахши Умиров, Бойкул бахши Мирзаев, Каҳҳор бахши Раҳимов, Жовли бахши Тангиров, Абдумурод бахши Раҳимов, Мұҳаммади бахши Даминов, Алихон Рўзиевлар ижро қилган куй йўлларидир. Қамай достончилик мактабида 32 нома бўлғанлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Қодир бахши ва бошқа бахшилар куй яратишда мавжуд номаларни асос қилиб олганлар ва уларнинг йиғиндисидан туркумлар келиб чиққан. Мисол сифатида «Келиной» туркуми ўз ичига қирққа яқин номани бирлаштиради, булар: «Нортгулой», «Ўғилой», «Ойпари», «Гулдана», «Гулойим», «Иқболой», «Қиз юриши», «Келин нома», «Хадича» ва ҳ.к. «Чўпони» туркуми ҳам «Қўйнинг кавш қайташи», «Қўзи маъраш», «Чўпонлар баҳси» каби номаларни ўз ичига олади. От таърифи эса «От ҳайдаш», «Отни безаш», «Отни чақириш», «Отнинг келиши» ва бошқа номалардан ташкил топган. Шунингдек, баъзи номалар билан боғлиқ воқеа ва ривоятлар ҳам жуда қимматлидир. Булардан бири «Лақай жилаш» (йиғлов, йиғлаш) чолғу йўли бўлиб, бу нома Амир Музаффар замонидаги воқеаларга тегишли эканлиги нақл қилинади.

Ўзбек ҳалқ достончилигига шеърлар солиб айтиладиган номалардан ташқари соғ чолғу мусиқаси, яъни дўмбира куйлари («бахши куй») ёки маҳсус мўлжалланган куй ва номалар мавжуд. Бу куй йўллари достон воқеалари мантикий ривожини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Дўмбира куйлари-

нинг кўпчилиги заҳматкаш устоз Файзулла Кароматлининг «Узбекская домбровая музыка» китобида ўз аксини топган.

Хоразм достонларининг ҳар бир қўшиқ-номаси, энг аввало, муқим, тугал куй шаклида гавдаланади. Шунга эътиборан мазкур номаларни муайян мусиқий воситалар мажмуи сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Бошқача айтганда, унда воқелик ва мазмун изми билан бир қаторда, ўзига хос мусиқий мантиқ, асос анъана тарзида барпо этилган шеърий-мусиқий тузилма қад кўтаради.

Достон номаларининг баъзилари маълум пардадан бошланиб, бошқасида тугайдиган ҳоллар учрайди. Бундай номаларга иккала парда ҳам тоник асос бўлиб хизмат қиласди. Агар Оврупо лад тизимиға қиёслайдиган бўлсак, бунда кўпчилик номаларнинг лад тузилмалари миксолидийсига тўғри келади. Айниқса, мақомларга ўхшаб қўша ладларнинг учраши дикқатта сазовордир. Булар, асосан, дорий-миксолидий, эолий-дорий, миксолидий-ионий ва бошқалар. Номаларнинг бундай қўша ладларда келишини уларнинг авжлари ҳам ўзгартира олмайди. Авжларга уланадиган оҳанглар ёки шеър тўртликлари ўртасидаги чолғу нақоратлари ва кўпинча номалар якунидаги туширимлар асосий лад чизигини бошқа тонга ўзгартирувчи парда сифатида келиши кузатилади.

Халқ куй ва қўшиқлари сингари номалар ҳам турли ҳажмда шаклланган бўлиб, достон қаҳрамонлари қиёфаларини очиб беришга, воқеалар ривожи ва зиддиятларни ривожлантиришга, шеърий матнлар ва достоннинг умумий таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласди. Уларнинг ҳар бири катта ёки кичиклигидан қатъи назар зукко баҳшиларнинг бадиий, жумладан, мусиқий тафаккури маҳсули сифатида турлича шакллангандир. Буларни нафақат адабий-бадиий, балки умри боқий мусиқий хазинамиз дурданаларидан десак янгилишмаймиз. Хоразмча қўшиқ, куйларнинг узоқ ва яқин ўтмишда, ҳозир ҳам ўйноки, жозибадор, ҳаётбахш, кишини ўзига оҳанрабодек тортишининг боиси ҳам ана шу воҳа мусиқасининг туб заминида достон қўшиқларининг, хусусан, ширвоний номаларнинг етакчи ўринлардан бирини эгаллашида бўлса ажаб эмас.

Достон қадимда кўчманчи, яrim кўчманчи ва ўтроқ туркий элатлар ўртасида, асосан, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли

орасида пайдо бўлиб, касбий бадиий ижодиётнинг илк кўринишидир. Бизгача етиб келган намуналарни мавзу мазмунига кўра шартли равишда бир неча тоифага таксимлаш мумкин. Ижро услублари, шаклланиши, ҳудудий ўзига хосликлари жиҳатидан эса турли мактаб ва бахшилик марказларига ажратилади.

Истиқлол шарофати ила миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, халқ достонлари, достон мусиқасига ва ижрочилигига қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Достонларнинг бадиий на муналари ҳозирги давримизда ҳам ўз маънавий ва тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Уларни кундалик турмушимизда радио тўлқинлари, «ойнайи жаҳон» орқали хонадонимизда янграб турадиган кўркам ва умри боқий ижодиёт дурдоналари эканлиги барчага аён. Бу мерос ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда, уларни ҳар томонлама комил инсон қилиб вояга етказишида салмоқли маънавий озуқа бера оладиган ғоявий ва руҳий битмас-туганмас манба эканлигига шубҳа йўқ. Ушбу маънавий меросни кўз қорачигидек авайлаб асраш, бойитиш, равнақ топтириш, тарихий-назарий-амалий асосларини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш, ижодий ўзлаштириш муҳим вазифалар қаторида туради.

Аббос
ТУРСУНҚУЛОВ
(1955 йилда туғилған)



Аббос Турсунқұлов 1955 йилда Жizzах вилояты Бахмал тумани Лойқа қишлоғыда туғылған. Самарқанд давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетидә ўқыған (1971–75). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи лаборанты (1975–77), Қўлъёзмалар институти Фольклор бўлимининг кичик илмий ходими, катта илмий ходими (1977–1987), ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг катта илмий ходими (1987–88) бўлиб ишлаган. Тошкент Қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг тайёрлов бўлими ўқитувчиси, Кутубхона директори, Ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири бўлиб ишлаган (1989 йилдан). Ҳозир Жizzах давлат педагогика институтидә доцент вазифасида фаолият олиб бормоқда. «Ўзбек фольклорида биографик ва автобиографик асарлар ҳамда уларнинг гоявий-бадиий хусусиятлари» мавзудида номзодлик диссертациясини ёқлаган (1985). «Кунларим достонида баҳши-шоир образи» (1977) «Ўзбек фольклорида автобиографик достонлар» (1977), «Эргаш шоирнинг «Таржисмаи ҳол» достони ҳақида» (1981), «Фольклор асарларини ёзиб олиш методикаси» (1982) «Автобиографик достонларнинг жанр хусусиятлари» (1983), «Ўзбек ҳалқ достонлари каталоги» (1986, ҳамк.), «Фольклор практикаси» (1993, ҳамк.) каби илмий асарлар муаллифи.

АВТОБИОГРАФИК ДОСТОНЛАРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек халқ бахшилари кексайгач чоғида, достончиликда бадиий камолот чўққисига кўтарилгач, ўтган кунларини эслаб автобиографик асар яратиш учун ўзларида руҳий эҳтиёж сезадилар. Фозил шоирнинг 80 ёшда, Эргаш шоирнинг 60 ёшда, Ислом шоирнинг 77 ёшда, Абдулла шоирнинг 82 ёшда, Сайд-мурод Паноҳ ўғлининг 80 ёшда ўз таржимаи ҳолларига оид асар яратишлари фикримизнинг исботидир. Чунки автобиографик асар яратиш учун бахшилардаги кучли қувваи-ҳофизасининг ва бекиёс бадиҳагўйликнинг ўзигина етарли эмас. Булардан ташқари, яратиладиган асарнинг бадиий материалларини бахши ўз бошидан кечириши ва шулар асосида бадиий асар яратиш учун ўзларида руҳий эҳтиёж, ижтимоий масъулият сезишлари ҳам зарур. Шу сабабли автобиографик достонлар учун энг муҳим ҳаётий материал бахшининг ҳаёт йўлидир, бу йўлнинг ибратли томонларини бошқаларга юқтира билиш маҳоратидир.

Автобиографик достонлар автобиографик образнинг фаоллиги билан бошқа жанрлардан фарқланиб туради. Асарда тасвирланган барча воқеа-ходисалар автобиографик образ атрофида умумлаштирилади, образлар, персонажлар, унинг тушунчасида, мақсадига мувофиқ шакллантирилади, портеретлаштирилади. Тасвирланадиган ҳаётий ҳақиқат ва бадиий тўқималар, образ ва персонажлар автобиографик образ томонидан тартиблаштирилади. Шу асосда унинг «Мен»и асарнинг асосий жанрини белгиловчи функция даражасига кўтарилади.

Автобиографик достонлардаги бахшининг «мен»и анъанавий достон ва термалардаги қаҳрамонларнинг «мен»идан мазмунан фарқ қиласди. Чунки бахшининг «мен»и унинг ҳаётини тасвирловчи бадиий фигура экан, янги тарихий давр, унинг ўзига хос асосий хусусиятлари билан муайян боғлиқлиқда ҳаракат қиласди. Шу сабабли янги ҳаётдаги ўсиш-ўзгаришларни лиро-эпик кечинмаларда акс эттирувчи «мен»и нинг ҳам вазифаси ўзгаради, такомиллашади. Янги инсон характеристида рўй берадиган ўзгаришларни типик шароитда акс эттириш ва шу асосда мавжуд тарихий

даврнинг энг характерли томонларини очиб бериш унинг асосий мавзу доирасини белгилайди. Бахшининг «мен»и билан тарих шиддатли замона ўртасида муайян таркибий боғлиқлик вужудга келади. Чигиртка воқеаси билан (1898–1909) Эргаш шоир оиласининг ҳалокати ўртасидаги боғлиқлик, Фозил шоирнинг Кенагас арифини қазишга мажбуран бориши ва унинг қалбida жамиятга қарши норозилик уйғониши мавжуд давр ва бахни «мен»ининг муайян бирлиги ифодасидир. Бу икки бирликнинг (яъни объектив борлиқ ва субъектив «мен») таркиб топиши ва амалга ошиши жанр табиатининг такомилидан, жанр хусусияти-нинг янги йўналишидан дарак беради.

Бахшилардан ёзib олинган автобиографик достонларни танланган объектларни қандай эпик кўламда ёрита олишларига ва ҳикоя қилиш услубларига қараб уч турга ажратиб таҳлил этиш мумкин. Ана шу таҳлил жараёни ҳар бир бахшининг бутун ижодий репертуарига хос ўз «йўл»ини, услубини ҳам ёритишига имкон беради. Бахшилар ижодида кўзга ташланиб турадиган ижодий унсурлар, ўзларига хос белгилар анъанавий репертуарга нисбатан автобиографик достонларида яна ёрқинлашиб, қабарив кўринади. Чунки автобиографик асарлар ҳар бир бахшининг ижодий эвалюцияси, унинг инсон ва бахши бўлиб шаклланishiiga таъсир кўрсатган объектив ва субъектив омиллар ҳақида ҳикоя қиласди.

Биринчи турдаги автобиографик достонларда бахши ҳаёти-нинг маълум бир даври ажратиб олинади ва шу давр, имкони борича, тўликроқ, ёрқинроқ ёритилади. Бу турга биз Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Таржимаи ҳол» достонини киритишимиз мумкин. Бу достонда тасвирланган воқеалар таҳминан шоирнинг 40 ёшларигача бўлган ҳаётини ўз ичига олади. Лекин муҳими унинг ёшида эмас. Бу давр Эргашни инсон сифатида шакллантирган, ижодкор сифатида «оёққа турғизган» ва донғини оширган, шунинг билан бирга ситамкор ҳаётнинг ёвуз гирдобрарига отган, ҳаётида энг фожиали из қолдирган давр эди. Шоир достонда ҳаётининг ана шу даврини тасвирлар экан, мавжуд тузум биографиясини ўз оиласи талқинида очади. Достонга ўз оила аъзоларининг фожиасини (укалари, икки синглиси, энаси вафо-

ти, вабо касали, очлик, ниҳоят, ўзининг дарбадар кезиши) олиб кирар экан, бу даҳшатли воқеалар ўкувчи кўз ўнгидага давр фожеаси сифатида намоён бўлади.

«Таржимаи ҳол» достонида Кўргон достончилик мактабининг ўтмиш вакиллари ҳақида ҳам бой маълумотлар келтирилган. Эргаш шоирнинг беш ота-бобоси (Ёдгор, Уста Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул) ва чечан бахши бўлиб етишган икки укаси (Абдужалил ва Абдужамил) билан боғлиқ воқеалар, уларнинг достончиликдаги ўрни, достон куйлаш маҳорати, соз ва сўзга бўлган муносабатлари, умуман, достон куйлаш санъати ҳақида қизиқарли маълумотлар баён қилинган. Шу асосда достонда бахшининг ижодкор оиласи билан боғлиқ автобиографияси бири иккинчисидан ажralmas ҳолда тасвирланади, ўрни билан баъзи ҳолларда бири иккинчисини тўлдиради ва шу орқали мавжуд тузумнинг биографиясини тўлиқроқ ётитишга имкон яратилади. Дастон Эргаш шоир ва у мансуб бўлган Кўргон достончилик мактабига хос «чуқур лирик тасвирлар, шеърий бе-заклар, тафсилотларни кенг ва атрофлича ишлаш, нозиклик ва ёқимлилик» хусусиятлари бўртиб туради.

Иккинчи турдаги автобиографик асарларда бахшининг туғилганидан тортиб то достон яратилган вақтгача бўлган ҳаётининг муҳим қирралари тасвирланади. Бу типдаги достонларда бахши ҳаётида муҳим из қолдирган воқеалар нисбатан кенгроқ ёритилиб, бошқа даврларни йўл-йўлакай изоҳ тариқасида эслатиб ўтиши мумкин. Бундай достонлар турига Фозил шоирнинг «Кунларим» асарини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бунда бахшининг 80 ёшгача бўлган ҳаёти тасвир обьекти қилиб олинган. Шоирнинг ёшлиқ даври (тахминан 20 ёшларча бўлган) атрофлича, кенг кўламда тасвирланади. Чунки бу давр Фозил шоир қалбида ўчмас из қолдирган, гўдаклигиданоқ ҳаётнинг зулмкор тўлқинлари уни ҳар томон итқитган, ҳалқ дардини ва ҳалқ ғамини куйловчи бахши қилиб шакллантирган, ҳам ситамкор ва жаҳолатли, ҳам тарбиячи ва мураббий бўлган мураккаб бир давр эди.

Фозил шоир «Кунларим» достонида конфликтни кучайтириш мақсадида айрим ҳолларда ўз ҳаётига оид бўлмаган факт-

ларни ҳам «ўзиники» қилиб тасвирлайди. Достонда тасвирланишича, дин, шариат пешволаридан бири – мулла Қорабой исмли қозининг ҳукми билан ҳеч бир асоссиз, қуруқ тухмат билан Фозил шоир қамалади. Аслида эса Фозил шоир ҳеч қачон қамалмаган. Лекин халқ ғамини, халқ дардини куйлаган эркпарвар бахшиларнинг ҳаёти ўтмишда доим таҳликали эди. Бундай фактлар бошқа халқ шоирлари биографиясида кўплаб учрайди. Масалан, Хўжаназар бахши 1916 йил қўзғолонида иштирок этгани учун жазо отряди томонидан отиб ташланган. Нурмон шоир Номоз ҳақида достон куйлагани учун Каттақўргон турмасига қамалган. Булардан яхши хабардор бўлган Фозил шоир ўз биографиясида бўлмаган, лекин муайян умумийлик касб эта оладиган фактни «ўзиники» қилиб тасвирлаш орқали достондаги конфликтни кучайтирган, бадиийлигини оширган, муҳими, даврнинг тасвирини реаллаштирган.

«Кунларим» достони икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда бахши образи ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг иштирокчиси сифатида кўринса, иккинчи қисмда ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг жонли гувоҳи тарзда намоён бўлади. Автобиографик образ қай тарзда намоён бўлмасин, унинг ҳикояларидағи воқеалар тизимида Булуңғур достончилик мактабининг донғини оширган қаҳрамонлик достонларига хос хусусиятларнинг белгилари қабариб туради.

Учинчи тур автобиографик достонларда бахшиларнинг ҳаёти умумхалқнинг ҳаёт тарзи билан шу қадар боғланиб, қўшилиб кетадики, натижада уларнинг индивидуал ҳаёт йўли ёрқин кўринмайди. Автобиографик образ эса индивидуал қаҳрамон сифатида камолга етмайди. Ислом шоирнинг «Бахтиёр авлодлар», Сайдмурод Паноҳ ўғлининг «Кунларим» достонлари ана шулар жумласидандир. Бу типдаги достонларда автобиографик образнинг ҳаёт йўли мавжуд давр биографиясини ёритишга восита бўла олмайди. Айниқса, давр тасвирида автобиографик образнинг айрим хидалашган белгилари кўзга ташланади. Ислом шоирнинг «Бахтиёр авлодлар» достонида давр тасвири лирик-романтик жўшқинликда акс эттирилади. Автобиографик ҳикоячи эса жўшқин нотиқ сифатида намоён бўлади. Хоҳ ўтмишнинг чир-

кин томонларини, хоҳ совет турмушини бўлсин, ёркин, рангдор бўёқларда акс эттирилиш ва шу орқали тарғибот ундовни кучайтириш бу достонга хос хусусият ҳисобланади. Лекин бу хусусият қаҳрамоннинг аниқ фаолиятини ва конкрет тарихийлигини хиралаштириш, унинг ўрнига умумий фаолиятни ошириш, бўрттириш эвазига пайдо бўлганлиги асарнинг камчилигидир.

Автобиографик достонлар маълум бир баҳшининг ҳаёти, ижод йўли, дунёкараши, ҳуллас, индивидуал хусусиятларни акс эттирилганликлари учун шогирд томонидан анъанавий репертуар сингари устоз баҳшидан ўзлаштирилмайди, балки шундай асарлар яратиш йўли ўрганилади. Ўтмишда яшаган баҳшилар репертуарлардаги автобиографик асарларнинг бизгача етиб келмаганлигига ва улар ҳақида маълумотларнинг йўклигига ҳам сабаб анъана шу. «Бироқ етакчи баҳшининг муайян ҳаёт йўлини ўтгач, ўз турмуши ва достончилик фаолияти ҳақида автобиографик асар яратиши анъанаси илгаридан бўлганлигини тахмин килиш мумкин. Бизнинг мулоҳазамизни бир қатор термалар («Дўмбирам», «Нима айтай?», «Кунларимни» каби), айрим фольклор намуналаридағи қадимги эпик куйчи образи (Кўрқут ота каби), баъзи достонлардаги («Юсуф билан Аҳмад», «Хирмондали» «Ошик Ойдин», «Ошик Алванда», «Нажаб ўғлон» ва бошқалар) баҳши типи ва ниҳоят, «Мулла Фойиб», «Маҳтумқули», «Оллоназар Олчинбек» сингари асарларнинг достончилик репертуарида мавжудлиги ҳам тасдиқлай олади... Устоз баҳшилар асос солган ва оғзаки давом эттириб келган йўл ва анъаналар Эргаш шоир, Фозил шоир, Абдулла шоир, Ислом шоирларнинг ҳаёт йўли, шахси мисолида «янгиланганди».

*Исомиддин
ЁРМАТОВ
(1956 йылда тувилил)*



Исомиддин Тургунович Ёрматов 1956 йил 5 апрель, Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида туғилган. Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг филология факультетида (1973–1977), ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасида ўқиган (1984–1986). Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги М. Уйғур номли 30-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган (1977–1979). Тошкент вилоят давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи (1983–1987), доцент (1987). Ҳозирги кунда Ангрен шаҳридаги ихтисослашган академик лицей раҳбари. «Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризмлар типологияси» мавзудаги номзодлик (1985), «Алномиши» достони поэтикаси» мавзусида докторлик (1994) диссертацияларини ҳимоя қилган. «Алномиши» достони поэтикаси» (1993), «Илоқ тарихи» (2005), «Юқори Оҳангароннинг табиати, тарихи ва маданияти» (2008), «Корасув ёқалаб» (2010), «Саодат водийси» (2014) каби монографиялар муаллифи.

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ИРИМ АЙТИМЛАРИНИНГ
ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ**

Маълумки, халқимиз турли табиий ҳодисаларни мунтазам кузатиб келган, об-ҳаво ўзгаришларини маҳаллий белгиларга

қараб аввалдан аниқлашнинг йўлларини излаган, жониворлар, ўсимликлар ва осмон жисмларининг муайян ҳолатига қараб якин ёки узок муддатда рўй бериши мумкин бўлган табиий ҳодисаларни, курғокчилик ёки ҳосилдорлик аломатларини чамалаган, қолаверса, одамларнинг гавда ва юз тузилишларига, хатти-ҳаракатларига ёки кўрган тушига қараб тақдирларини аниқлаган. Шу сингари билимларнинг амалий натижасини кузатгани учун кейинги авлод вакиллари унга нисбатан табиий эҳтиёж сезган ва ўрганиб ўзлаштирган. Халқнинг асрлар мобайнида оғзаки тарзда яратиб, сақлаб келган мақол, матал, афсун, дуо, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар (грегория), мантиқий ва файримантиқий иборалар (парадокслар), йифи, йўқлов, олқиш, қарғиш, топишмоқ ва образли (юмук) ибора, фол ва ирим сингари кичик ҳажмли фольклор асарлари паремиологик жанрлар, деб юритилади¹.

Шу ўринда бир тушунчага аниқлик киритиб ўтиш лозим бўлади. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, юқорида саналган жанрлар барча халқларнинг кундалик майший ҳаётида алоҳида ижро, ижро ўрни ёки фурсатини танлаб ўтирмай қўлланаверадиган айтимлардир. Халқ ижодиётининг достон, эртак, ривоят, афсона, ўлан ва бошқа жанрлари учун эса маҳсус тайёргарлик кўрган шахслар маҳорати, алоҳида вакт ва жой талаб этилади. Шундай экан, ҳажман катта ва соф бадиий вазифани ўтовчи жанрлардан фарқлаш мақсадида биз грекча «*paremia*» атамасига «айтим» сўзини синоним ҳолда қўллаш таклифини киритамиз. Соф бадиий вазифани адо этмайдиган кичик жанрларни тадқиқ этган бир қатор ўзбек фольклоршунослари ҳам «айтим»ни умумлаштирувчи маънода қўллаганлар. Мисол: «Чақалоқни бешикка белашда айтиладиган айтим-олқишлилар турли жойларда

¹ Бу ҳақда қаранг: Гусев В. Е. Эстетика фольклора. – Л., Наука, 1967. – стр. 98–163; Пропп В. Я. Принципы классификации фольклорных жанров // Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – стр. 34–45; Путилов Б. Н. Историко-фольклорный процесс и эстетика фольклора // Проблемы фольклора. – М.: Наука, 1975. – стр. 12–21; Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави // Ўзбек фольклори очерклари. 1-жилд. – Тошкент, 1988. – 126–134-б.

турлича бўлса ҳам, ...мазмунан яқин»¹. «Биз халқ йифилари атамасини мотам маросимларида ижро этиладиган айтимлар маъносида ишлатамиз»². «Мотам маросими бир неча ички маросимлардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳар бири ўз айтим-қўшиғига ҳам эгадир»³.

Турли тадқиқотлар учун обьект вазифасини ўтаган айтимолкиш, айтим-дую, йифи-айтим, айтим-қўшиқ сингари ўзбек фольклори жанрлари мавжуд бўлгани ҳолда кундалик оғзаки нутқимизда, эҳтимолки, улардан фаолрок қўлланувчи иримайтим деган жанр нега бўлмаслиги керак, деган хақли савол туғилади. Бу жанр тўғрисида сизнинг аниқ тасаввурингиз ҳосил бўлмоғи учун учун баъзи мисолларни келтириб ўтамиш: «Турналар осмонда доира ҳосил қилиб ўйинга тушса, кунлар исиди»; «Кечқурун тирноқ олинса, оиласидан кимдир ўлади»; «Қозонни кечки овқатдан сўнг сувга тўлдириб қўйилса, эгасига ризқ тилаб туради»; «Қизлар овқат пишираётганида кафтгирни қозонга урса, қайнонаси эзма бўлади»; «Ёстикқа ўтиrsa, боши оғрийди»; «Дастурхонда калит турса, жанжал чиқади»; «Сигирнинг думи узун бўлса, серсут бўлади».

Кези келганида «айтим» тушунчасининг халқ ибораларидан фарқи масаласига тўхталиб ўтиш жоиздир. «Ибора бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи сўзлар бирикмаси; таъбир. Образли ибора... Фразеологик ибора маъно жиҳатдан яхлит бир бутунликни ташкил этувчи бир неча сўзлардан иборат бирикма»⁴.

Халқ айтимлари ибора ёки сўз бирикмасининг ҳажми ва мазмун доираси билан чегараланмайди. Айтайлик, дую, сўкиш, олкиш ёки йифи-айтимлар бир неча содда ва қўшма гаплардан ташкил топиши мумкин. Жонли ижрода эҳтиёж туғилганида ай-

¹ Кўчкоров Н. Ўзбек халқ олқишлиарининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди диссертацияси. – Самарқанд, 1994. – 73-б.

² Музаффарова С. Ўзбек халқ йифи-йўқловларининг жанр таркиби ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2000. – 42-б.

³ Ўраева Д. С. Ўзбек мотам маросими фольклори (жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари доктори диссертацияси. – Тошкент, 2005. 29-б.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 1-том. – М.: «Рус тили», 1981. – 78-б.

тимлар ибораларни ўз ичига сингдириб юборади. Мисол учун «Илоё бошинг тошдан бўлиб, сафаринг бехатар ўтсин» олқиши ёки «Икки оёғинг бир этикка тиқилмай, ўл!» қарғишининг таркибига кирган турғун иборалар буни тасдиклайди. Шу боисдан ибораларни ўзбек халқ айтимлари билан тенг қўймаслик зарур.

Демак, биз ўзбек фольклорининг кичик жанрлари қаторида олиб ўрганаётган ирим айтимлар неча минг йиллардан буён фаол истеъмолда кўлланилиб келади ва ўзга паремик жанрларга ўхшаш ҳамда фарқли бўлган бир қагор хусусиятлари билан ажратилиб туради. Энди ўрганилаётган жанр номидаги «ирим» сўзининг маъноси хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Унга «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуидагича таъриф берилган: «Бирор максад, ният билан қилинган хурофий тадбир, мас. тўйдан яхши зиён-заҳматдан, кўз тегишдан сақланиш учун учун бирон нарса ни бошдан ўгириб ташлаш...»¹

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ҳам «ирим» истилоҳига ўрин ажратилган бўлиб, қуидагича изоҳланган: «Кишиларга гайритабиий ҳодисаларнинг таъсир қилишига ишониб, бирор ният билан қилинадиган хурофий иш, хатти-ҳаракат. Ирим кишиларнинг ўзларини эҳтиёт қилиш, бировларга яхшилик тилаш ёки зиён етказиш ва б. ниятларда қилинади. Иримнинг турлари жуда кўп ва жаҳондаги деярли ҳамма халқларда учрайди. ...Илгари фарзандларга исм қўйишда ҳам ирим қилинарди. Мас. йўлда туғилган болага Йўлчи, сафарда туғилган болага Сафар деб исм қўйилган. Ирим бир томондан, кишиларнинг эзгуликка интилишлари... билан боғланиб кетади, иккинчи томондан, табиат ва жамиятда қандайдир ғайритабиий сехрли кучларнинг борлигига ишонишга асосланади... Кишиларнинг амалда табиий ва ижтимоий кучларни тобора ўзларига бўйсундириб боришлирига Караб, иримлар йўқолиб боради»².

Қўринадики, ирим-айтим тушунчаси рус тилининг В. Даль, В. В. Радлов, С. Ожегов ва бошқа олимлар томонидан тузилган

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 1-том. – М.: «Рус тили», 1981. – 146-б.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент, 2000. – 165-б.

изохли лугатларида келтирилган «преднаменование», «нерушимое наставление», «предвестье», «изреканье» ёки «поучение» сўзлари англатадиган умумий маънога тўғри келади. Сўз ва унинг сеҳр-кудратига асосланган фольклор жанрлари рус фольклоршунослигида В. Я. Пропп, В. Е. Гусев, Б. Н. Путилов, С. Г. Лазутин, К. В. Чистов, Е. Мелетинский, Ф. Миклошич ва бошқа олимлар, ўзбек фольклоршунослигида эса X. Т. Зарифов, М. Алавия, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, З. Хусайнова, К. Имомов, М. Жўраев, О. Сафаров, С. Р. Мирзаева, Д. Ўраева, Б. Соатов, Н. Қўчкоров, Н. Қосимов, С. Музafferova, М. Ёқуббекова, Ф. Эшбоева ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. Аммо халқимиз минг йиллардан буён кундалик турмушда қўллаб келётган анъанавий ирим айтимларни синчиклаб ўрганишга фольклористик эътибор энди бошланмоқда.

Халқимиз ирим-сиirimларни унуганий йўқ. Ирим айтимлар эса янги авлод томонидан бобо ва момолар нутқидан ўзлаштирилмоқда, нима учун шундай дейилишининг туб сабаблари суриштирилмоқда. Уларда халқимизнинг асрий қадрияти образли ва таъсирчан тарзда ўрин олганлиги кўпчилик ўшларни ҳайратга солмоқда. Бошқа паремиологик жанрлар каторида ирим айтимларни синчиклаб ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг ижтимоий-маиший сабаблари мана шунда. Бинобарин, ўзбек халқ ирим айтимларининг паремик жанр сифатидаги хоссаларини батафсил ёритиш, халқнинг айтим рухиятига мойиллигини келтириб чиқарувчи ижтимоий-маиший сабабларни аниқлаш, айтимлардаги структурал барқарорликни таъминловчи поэтик унсурлар табиатини очиб бериш, ўзбек халқ айтимларидаги образлар тизими ва бадиий деталнинг вазифаларини белгилаш, айтимлардаги интонацион, тасвирий ва таъсирчан воситаларни таҳлил қилиш, анъанавий ирим айтимларининг ўзбек халқ олқиши, йиги, афсундуо, қарғиши ва бошқа паремик жанрлар билан умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлаш масалалари долзарб бўлиб турибди.

Ирим айтимлар асрлар мобайнида оғзаки ҳолда яратилиши ва айтиб келиниши жараённида вариантилилик, ўзгарувчанлик, оммавийлик, анонимлик, кўп элементлилик ва анъанавийлик хусусиятларини орттирганлар. Кимдир ирим айтимлар ўзбек халқ оғзаки

бадий ижодиётининг жанрларига қўйиладиган юкоридаги хусусиятларга эга бўлганлари билан адабиётта қандай алоқаси бор, фольклор бу – оғзаки бадий ижод-ку, – деган савонни бериши мумкин. Тўгри, бадийлик – оғзаки ва ёзма адабиётнинг бош мезони. Ижодкорлар тұғма истеъоди, тажриба ва маҳоратига қараб имконият даражасида гўзал бадиият намуналарини яратишга интиладилар, албаттa. Лекин адабиётнинг шундай жанрлари борки, уларнинг вазифадошлиги ҳамма вақт юксак бадиият талаблари билан белгиланмайди. Мисол учун очерқ, йиғи-йўқлов, афсундуо, туш таъбири, фол, сўкиш ва ҳоказо жанрлар ўқувчи ёки тингловчига эстетик завқ беришдан кўра ахборот ташиш (коммуникатив) ёки маиший-амалий (утилитар) функцияни адо этадилар. Т. Мирзаев: «Халқ ижоди (фольклор) тушунчаси халқ оммасининг бадий, ижодий-амалий ва ҳаваскорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадий ижоди (фольклор), халқ мусиқаси (музиқа фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари (ракс), қўғирчоқбозлиқ, дор ва ёғочоёқ санъати (халқ цирки), халқ тасвирий ва амалий-безак санъати, халқ архитектураси (курилиш амалиёти) хамда бадий ва техникавий ҳаваскорлик каби ижодиёт турларини ўз ичига қамраб олади»¹, – деб ёзган эди.

Ирим айтимларни халқ ижодининг мана шундай кенг қамровли доирасига киритмасак, қаерга қўямиз? Ҳолбуки, улар юкорида айтилганидек, диний ақидалар сингари эскираётгани йўқ, замонлар синовидан ўтиб бугун ҳам хизмат қилмоқда. Уларнинг бағрида сақланиб келаётган маърифий таъқиқ ва башоратларга келажак авлод ҳам амал қилиши шубҳасизdir. Яна мисол келтирамиз: «Тароққа илашган соч думалоқланса, бош оғрийди»; «Ит олдинги оёклари билан бетини ёпса, ёмғир ёғади»; «Овқат ейишни катталардан аввал бошласа, улардан олдин ўлади»; «Дастурхоннинг йиртиғи бўлса, савоб оёқ остида қолиб кетади»; «Сумалакнинг тоши дарвоза устига осиб қўйилса, омад келтиради».

Маълумки, ўзбек халқ ирим айтимлари, асосан, сочма нутқ (насрий баён) орқали ифодаланади. Таниқли фольклоршунос

¹ Мирзаев Т. Фольклор ва унинг асосий хусусиятлари // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – 14-б.

М. Жўраев ўзбек халқ насрининг жанрларини тасниф қиласар экан, қуидаги беш туркумга ажратади: «1. Жанрнинг функционал-семантик қамрови; 2. Тингловчи ва айтувчининг баён қилинаётган ҳикояга муносабати; 3. Жанрнинг бадиийлик даражаси ва образлар силсиласининг талқини; 4. Жанрнинг воқеликка муносабати; 5. Воқелик тасвирининг замонавий талқини ёки жанрнинг анъанавий эпик вақтга муносабати; 6. Воқелик баёнининг маконий қамрови; 7. Воқеликни баён қилиш усули»¹.

Эътибор берсангиз, ирим айтимлар табиати юқоридаги таснифнинг барча бандларига мос келади. Халқ қўллаётган ирим айтимлар вазифадошлиги, ифодадаги усул ва маъно товланишлари, айтувчи билан тингловчининг ундаги таъкиқ ёки башорат мазмунига муносабати, матн қатига сингтан сўзамоллик санъати, унда иштирок этган образ ва тамсил (детал)лар туркуми, ирим айтимда муҳрлаган воқеликнинг эмпирик вақт ва макон жиҳатидан қамрови сингари тадқиқини кутиб турган жиҳатлари бизни ўзига жалб қиласди.

Ўзбек халқи қадимдан «Сўзнинг дами қиличдан ўткир», «Таёқ этдан ўтар, сўз – суяқдан» каби мақолларни айтиб келади. Рус халқи оғзаки ижодиётида эса «Не спроста и не спуста слово молвится и до веку не сломится» деган ажойиб айтим бор. Улардаги доно фикр ирим айтимларнинг асрлар синовидан ўтиб келган бадиий-эстетик қувватига бевосита алоқадордир. Халқимиз ирим айтимларни бошқа паремик жанрлар сингари оғзаки, аноним, колектив, анъанавий ва вариантли ҳолда яратган. Анъанавий ирим айтимлар, маълумки, конкрет шахс томонидан яратилмайди. Улар яратувчиси ким эканлиги номаълум бўлгани ҳолда оғиздан оғизга ўтиб ривожланиб келган. Мисол учун, қуидаги айтимлар мазмунидан ижодкор шахсини аниқлаб бўлмайди, албатта: «Сочиқни тўшакнинг бош томонига илса, душмани бошига чиқиб олади»; «Қайси қиз қошларининг ораси узоқ бўлса, узоққа турмушга чиқади»; «Товони қичиса, меҳмонга боради»; «Қайси қизнинг бўйнида холи бўлса, чиройли куёвга тегади»; «Бешикнинг бош томонига нон кўйиб кўйса, чақалоқ ризқли бўлади».

¹ Жўраев М. Ўзбек халқ насрининг жанрларини тасниф қилиш мезонлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 5-сон. – 29–33-б.


Ўзбек халқ ирим айтимларини генетик жиҳатдан кузатадиган бўлсак, анимистик, тотемистик, фетишистик, сеҳр-магия ва шомонлик тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда тарихан уч компонентли кўринишга эга эканлиги ойдинлашади. Биз уларни моҳиятига кўра қўйидагича номладик:

- а) сабаб компоненти (шартли белгиси – С);
- б) оқибат компоненти (шартли белгиси – О);
- в) чора-тадбир компоненти (шартли белгиси – Т).

Бу тушунчаларни тасаввур қилмоғингиз учун даставвал қўйидаги мисолларни келтириб ўтамиш:

1. Диққат билан нигоҳ солинса (С), гўдак кинналайди (О). У хасталанмаслиги учун юзига туфлаб қўйилади (вариант: чақалоққа кўзмунчоқ тақиб қўйилади) (Т). Белгиси: С + ОТ.
2. Бокувдаги от совутилмай минилса (С), терлаб шамоллайди (О). Уни иситмасидан тушириш учун қирда бошини пастга қаратиб, орқасидан қорни тикиш керак (Т). Демак, С + ОТ.
3. Саримсоқ пиёз барглари саргая бошласа (С), пояси говлаб кетади (О). Тагидаги ҳосили катта бўлиши учун поясини қайириб тутиб қўйиш лозим (Т). Бу учликда ҳам С + ОТ формуласига мос ҳолатни кузатамиш.

Тугал (уч компонентли) мисоллардан кўриняптики, ирим айтимлар таркибидаги сабаб компоненти (узви) оқибат билан ҳам, чора-тадбир билан ҳам бевосита боғланади. Шу боисдан унинг шаклий кўринишини қўйидагича белгилаш ҳам мумкин:



Схемага эътибор берсангиз, учта содда гапдан ташкил топган ирим айтимнинг сабаб узви (С) доминант мавқега эга бўлиб, унинг иштирокисиз оқибат ҳам, чора-тадбир ҳам мазмунини йўқотади. Сабаб компоненти тушириб қолдирилган ирим айтимларга аҳамият беринг: «...гўдак кинналайди. У хасталанмаслиги учун юзига туфлаб қўйилади»; «...терлаб шамоллайди. Уни иситмасидан тушириш учун қирда бошини пастга қаратиб, орқасидан


қорни тиқиши керак»; «...пояси ғовлаб кетади. Тагидаги ҳосили катта бўлиши учун поясини қайриб туғиб қўйиш лозим».


Демак, уч узвли ирим айтимлар негизини сабаб компоненти ташкил этиб, унинг семантик риштаси ҳам оқибат, ҳам чора-тадбир узвларига боғланган ҳолда жанр спецификасини юзага чиқарап экан.

Тугал ирим айтимлардаги оқибат компонентининг синтактика-семантик вазифасини ҳам рад этиш мумкин эмас. Унинг мантикий ўрнини англаш учун юқоридаги икки мисолнинг оқибат узвлари ни (О) қолдириб ўқиб қўрамиз: «Чин дилдан суюб тикилса... У хасталанмаслиги учун юзига туфлаб қўйилади»; «Бокувдаги от совутилмай минилса... Уни иситмасидан тушириш учун қирда бошини пастга қаратиб, орқасидан қорни тиқиши керак»; «Саримсоқ ниёз барглари сарғая бошласа... Тагидаги ҳосили катта бўлиши учун поясини қайриб туғиб қўйиш лозим».

Анъанавий ирим айтимлар таркибидаги чора-тадбир компоненти ишонувчан ёки турмуш ҳодисалари туфайли тушкунликка тушган одамларга рухан бўлса-да, таскин бериш ва оғир кўргуликлар юзага келишининг олдини олиш учун ўйлаб топилган. Унда оқибат компонентига қарама-қарши маъно мавжуд бўлиб, юзага келган оқибатни бартараф этишнинг йўллари баён этилади. Аждодларимиз ҳаётий тажрибаларга асосланиб чора-тадбирнинг ҳар қандайини эмас, балки салбий ҳодисанинг содир бўлишига йўл қўймайдиган, уни ортига қайтарадиган фикр-жумлаларни яратгандар. Салбий воқеа-ҳодисанинг олдини олиш учун кўпгина йўллардан фойдаланилган, олдини олувчи тадбирни ўйлаб топишда сабаб компонентига доир воқеа-ҳодиса белгиларидан четга чиқиб кетмаслик йўлларини қидириш талаб қилинган. Куйидаги мисолларда бунинг исботини кўришимиз мумкин:

Қизлар хонтахта бурчагига рўпара ўтиrsa,





Ирим айтимларнинг сабаб ва оқнбат узвларига хос бўлган вариантилик хусусияти чора-тадбир компонентига ҳам хосдир. Лекин уларнинг вариантлари сони, асосан, учтадан ошмайди. Бунинг сабаби асрлар давомида баъзан чора тадбир мазмуни бутунлай йўқолиб, ирим айтим икки узвли ҳолатга келиб қолиши ҳоллари билан изоҳланади.

Ирим айтимларнинг ҳалқ хотирасида сақланиб қолган сабаб ва оқибат узвлари парвоз қилаётган қушнинг қанотлари сингари биргаликда ва тенг иштирок этади. Улар синтактик жиҳатдан сабаб эргаш гапли кўшма гап ҳолида бирикиб, тингловчига муҳим майший ахборотни етказади. Уларни алоҳида қўллагудек бўлсангиз, ахборот мазмуни йўқолиб, ирим айтим жанрига мансуб бўлмаган оддий содда гапга айланади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, баъзи ирим айтимларда оқибат узви унутилиб, бир компонентли ҳолга келиб қолади. Оқибат компонентининг асл мазмуни йўқолиб, унинг ҳақидаги хира тасаввур сақланганида «яҳши бўлади» ёки «ёмон бўлади» деган сўз бирикмалари қўлланилаверади. Масалан: «Кечқурун тирноқ олса, ёмон бўлади»; «Эркак кишининг олдини кесиб ўтса, ёмон бўлади»; «Супургини тик ҳолда қўйса, ёмон бўлади»; «Ўнг кўзи учса, яҳшиликка бўлади»; «Бойўғли сайраса, ёмон бўлади».

Ушбу кўринишдаги ирим айтимлар ижрочилари биринчи мисолдаги «яқин қариндоши ўлади», иккинчи мисолдаги «ўғил тугмай ўтади», учинчи мисолдаги «душмани оёққа туради», тўртинчи мисолдаги «яҳши кўрган одами билан учрашади», бешинчи мисолдаги «кимдир ўлган бўлади» қабилидаги оқибат мазмунини унугланлар.

Ирим айтимларнинг икки узвли намуналари тугал (уч узвли) кўринишларига нисбатан кўп сақланиб қолганини айтиб ўтган эдик. Уларнинг кўзга яққол ташланувчи жиҳатларидан бири сабаб ва оқибат компонентларининг вариантилигидир. Бунинг сабаби, бизнингча, оқибат компоненти мазмунининг унтилиши натижасида бир нечта сабабга бир оқибат узви маъно жиҳатидан уйқаштирилган. Мисол учун:

1. Камбағал бўлади:

- а) остонаяга ўтиrsa;
- б) сочини ерга ташласа;
- в) кемтик идишда овқатланса;
- г) кечкурун бирорвга пул берса;
- д) ўқлоқни тик қўйса.

2. Кимdir ўлади:

- а) юлдуз учса;
- б) кошининг ўртаси қичишиша;
- в) мушук кечкурун миёвласа;
- г) ит осмонга қараб увласа.

3. Меҳмон келади:

- а) йигилган тўшак қуласа;
- б) икки бурда нонни тишлаб қўйса;
- в) чойга шама тушса;
- г) мушук юзини ювса;
- д) ёш бола кўчага қарайверса;
- е) зағизон сайраса;
- ё) чойни тўқворса.

4. Узоқка турмушга чикади:

- а) қошининг ораси узоқ бўлса;
- б) кечкурун ойнага қараса;
- в) пешонаси катта бўлса.

Хулоса қилиб айтганда, ирим айтимлар халқимизнинг ўтмишдаги миллий қадриятлари, урф-одат ва тарбиявий тақиқлари хамда орзу-армонларидан дарак берувчи ўзига хос поэтик шаклга, композицион хоссаларга эга бўлиб, юқоридаги уч муҳим компонент иштирокида юзага чиқар экан. Уларни эпик, лирик ва драматик адабий турлар доирасига кирмайдиган бошқа паремик жанрлар қаторида халқ оғзидан қўплаб ёзив олиш ва синчилаб ўрганиш фольклоршунослар ва тилшунослар олдида турган дол зарб вазифалардан бири саналади.

ҲМҖЗОҚ
ЖУМАНАЗАРОВ
(1956 йилда туғилган)



Ҳмрзоқ Жуманазаров 1956 йил 20 апрель, Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Лойқа қишилогида туғилған. Самарқанд давлат педагогика институтында ўқыған (1973–77). Шу институттинг Тилишунослик кафедрасида лаборант-ассистент (1977–79). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимидаги лаборант, кичик илмий ходим (1979–84). Ҳозир Жиззах давлат педагогика институтидаги доцент, кафедра мудири вазифаларида ишлайди (1984 йилдан). «Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари (жсанр ҳусусиятлари, таснифи ва поэтикаси)» маевзуди номзодлик (1982), «Ўзбек тарихий фольклори» (жсанр спецификаси, таснифи ва поэтикаси) маевзусида докторлик (1991) диссертациясини ҳимоя қилган. «Тарих, афсона ва дин» (1989), «Ўзбек фольклори ва тарихий воқеалик» (1991), «Топонимика ва халқ прозаси» (2005), «Халқ тарихи саҳифаларини варақлагандага» (2006), «Халқ прозаси ва ижтимоий ҳаёт» (2006), «Эл суйгандаги бахшининг эпик олами» (2007) каби монографиялар ҳамда «Ўзбек фольклорида тарихий қўшиқ жсанри» (1987), «Тарихий фольклорнинг дастлабки намуналари» (1987), «Ўрта мактабда Эргаш Жуманбулбул ўғлиниң ҳаёти ва ижодини ўрганиши» (1988), «Ўзбек болалари ўйин фольклори» (1999, ҳамк.), «Топонимика ва халқ прозаси» (2005, ҳамк.), «Халқ прозаси ва ижтимоий тарихий ҳаёт» (2006), «Ўзбек халқ прозаси» (2006), «Болалар адабиёти ва фольклор» (2009, ҳамк.) каби ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи.

АФСОНА ВА РИВОЯТ ЖАНРЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Афсона халқ оғзаки ижодининг кичик ҳажмли насрый жанрларидан бири бўлиб, у тарихий илдизлари нуқтаи назаридан жуда ҳам қадимий даврлардаги воқеа ҳамда ҳодисаларга бориб тақалади. Қадимги аждодларимизнинг табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеликдаги фактлар ҳақида фантастик қобиқда хабар бериш халқ афсоналарининг етакчи функцияси саналади. Афсоналарда акс этган воқелик, гарчи фантастик уйдирмалар қобигида баён этилса ҳам, бироқ уларда реал тарих излари маълум дараҷада сақланиб қолади. Мана шунинг учун ҳам афсоналар халқ тарихини, унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ўтмишларини, унинг дунёқараси, урф-одатлари ҳамда рухий кечинмаларини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайдилар. Афсоналарда акс этган тарих масаласига ўтишдан олдин ушбу жанрнинг атамаси, жанр табиати ва унинг ўзига яқин жанрлардан фарқли жиҳатлари, турлари масаласида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, «афсона» атамаси форс-тожикча афсун (افسون) ёлғон, уйдирма сўзидан олинган бўлиб, жанр атамаси сифатида уйдирма гапга асосланган ҳикояни англатади¹. Демак, афсона фольклор жанри сифатида ўтмиш ҳақида хабар берувчи уйдирма характеридаги кичик ҳикоячаларни англатади. Туркий халкларда ҳам ушбу жанрни англатувчи маҳсус сўз мавжуд бўлиб, XI асрнинг машҳур қомусчиси Маҳмуд Кошгариининг хабар беришича, қадимги туркий тилдаги ساۋ – сав сўзи шулар жумласидандир. Унинг изоҳларидан маълум бўладики, сав кўп маъноли сўз бўлиб, унинг биринчи маъноси – оталар сўзи (мақол); иккинчиси – қадимги воқеалардан хабар берувчи қисса; учинчиси – бирор воқеани айтиб берувчи ҳикоя; тўртинчиси – рисола, хат, кичик китобча; бешинчиси – сўз, нутқ каби маъноларни англатган².

¹ Таджикско-русский словарь. – М., 1954. – стр. 35; Фарҳанги забони тоҷики. – М., 1969. – стр. 101; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Т. 1. – Тошкент, 1983, 142-бет.

² Маҳмуд Кошгари. Девону лугатит турк. Уч томлик. Т. 3. – Тошкент, 1963, 168-бет.

Бизнингча, Маҳмуд Кошғарий кўрсатган маънолардан учинчиси афсона жанрига нисбатан қўлланган соф туркий атамадир.

Афсоналарнинг жанр белгилари хусусида мавжуд илмий адабиётларда турлича фикрлар билдирилади. Масалан, таниқли рус фольклоршуноси В. Я. Пропп рус халқ афсоналари доирасини маълум даражада чегаралаб белгилайди. Унинг фикрича, афсоналарга фақат диний персонажлар ҳақидаги, яъни давлат дини сифатида юзага келган православие ҳақидаги тасаввур ҳам қарашларни, бевосита ана шу дин учун жонини тиккан фидойилар ҳақидаги ҳикояларни киритади¹.

Балки, бундай қарааш рус афсоналари табиатига тўла мос келади, лекин бундай қарааш ўзбек халқ афсоналарининг ғоявийбадиий табиатига тўла мос келмайди.

Ўзбек халқ афсоналарини жiddий тадқик этган фольклоршунос К. Имомов мазкур жанрнинг муҳим белгиларини аниқлашда, унинг поэтикасини ёритишда диққатга сазовор ишларни амалга оширди. Бироқ у жанрга умумий таъриф беришда бироз чалкашликларга йўл қўйди. Масалан, бир ўринда, у «...афсона хаёлан тўқицган воқеа ва қаҳрамонлар ҳамда тарихий факт ва ҳодисаларни хаёлан ва ҳаётий уйдирмалар қобигида ҳикоя қилувчи бадиий асар» дея тўғри таъриф берса, иккинчи бир ўринда «...афсона тўқима ёки фактник воқеалардан ташкил топган бўлиб, ҳодисаларни хаёлий уйдирмалар воситасида ҳикоя қилувчи бадиий асар...»² деб таъриф беради. Юзаки қаралса, ҳар икки таъриф ҳам нуқсонларсизга ўхшаб кўринади, лекин диққат билан қаралса, биринчи таърифда объект ҳам хаёлий, ҳам ҳаётий уйдирмалар воситасида баён этилиши тўғри таъкидланган. Иккincinnисида эса объектнинг фақат хаёлий уйдирмалар воситасида баён қилиниши айтилади, холос.

Маълумки, уйдирмаларнинг ўзи мазкур тадқиқотчи томонидан ҳаётий ва хаёлий каби икки турга бўлингани³ ҳолда нега афсоналар таърифида у бир ўринда ҳам хаёлий, ҳам ҳаётий уй-

¹ Пропп В. Я. Жанровой состав русского фольклора // В. Я. Пропп. Фольклор и действительность. – М., 1976. – стр. 51–52.

² Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент, 1981, 66–68-бетлар.

³ Ўша асар. 10-бет.

дирмаларни тилга олса, яна бир ўринда фақат хаёлий уйдирмаларнигина тилга олади? Бизнингча, бу катта бир мантикий қарама-қаршиликнинг натижаси бўлмай, балки оддий эътиборсизликдан бошқа нарса эмас.

Афсоналар, асосан, информатив (хабар бериш) функциясини ўтайди, бинобарин, уларда эстетик функция иккинчи ўринда туради. Мана шунинг учун ҳам халқ ижодкорлари ва ижрочилари ўртасида профессионал афсона айтувчилар йўқ: ушбу жанр кенг оммавий ижро этилиш хусусиятга эга.

Айрим тадқиқотчилар эса ривоятлар маҳсус ижрочилар, яъни профессионал айтувчилар томонидан айтилган ва улар «кровий» лар деб аталади, – дейдилар¹. Бизнингча, ривоятлар айтиш билан шугулланган маҳсус айтувчилар бўлмаган. Ровий эса арабча сўз бўлиб, у умуман ҳикоя қилувчи маъносини англатади. Демак, ровий фақат ривоят айтувчи эмас, у бошқа прозаик жанрларни ҳам айтаверади. «Ровийлар андоқ ривоят қилурларким» ёки «кровийлар андоқ нақл қилурларким» деб ҳикоятлар ҳам, қиссалар ҳам айтаверади. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, ривоят атамиси ўзи кенг маънода кимлардир томонидан тўқилган ҳикоятлар, қисса кабиларни англатади.

Ўзбек фольклоршунослигида эса бу атама оғзаки прозанинг бир жанригагина нисбатан кўлланади, холос. Ривоят ва ровий сўзларининг ўзаги бир бўлиб, улардан биринчиси, шартли кўлланганлигини ҳисобга олмаслик С. Умаровни юқорида кўрсатилган нотўғри хулосасига олиб келган. Аслида, маҳсус ривоят айтувчи профессионал айтувчилар бўлмаган.

Бошқа халқларда бўлганидек, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам ўзларининг шаклий, таркибий, ижро ва функционал хоссалари билан афсоналарга яқин турувчи жанрлар мавжуд. Ана шундай жанрлардан бири ривоят ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ташки шакл, структура ва функционал хоссалари жиҳатидан ривоятлар афсоналарга жуда яқин тўради. Мана шунинг учун ҳам айрим пайтларда афсонани ривоятдан фарқлашда чалкашликларга йўл қўйишади. Чунки бу икки жанр ўртасида

¹ Умаров С. Ривоят ва ҳаёт. – Тошкент, 1988, 3-бет.

жуда ҳам кўп муштарак жиҳатлар мавжуд. Аслида, ривоят ҳам афсонага ўхшаб каноник поэтик шаклга эга эмас. Афсонадагига ўхшаб ривоятда ҳам воқелик кенг тарихий миқёсда, бутун муйян жамият миқёсида акс этмайди. В. К. Соколова ҳақли кўрсатганидек, ҳар икки жанрда тарихнинг кичик, лоақал парчаси акс этади, холос¹.

К. Имомовнинг ривоятга берган таърифидан шу нарса маълум бўладики, ривоят афсонадан ҳаётий воқеаларни уйдирмалар воситасида акс эттириши билан фарқланади. У шундай ёзади: «Ривоят ҳаётий воқеаларни бадиий уйдирмалар воситасида хикоя қилувчи фольклорнинг реалистик характерига эга бўлган алоҳида туридир»².

Ушбу таърифга айрим тузатишлар киритган ҳолда қабул қилиш мумкин. Бу тузатишлар эса, биринчидан, воқелик ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирилади. Иккинчидан, ривоятда акс этган воқелик қай даражада ҳаётий бўлмасин, барибир, тасвирда реалистик характер эмас, романтик характер етакчилик қиласди.

Афсона ва ривоят жанрларини фарқлашда рус фольклоршуноси С. Н. Азбелев ўзига хос йўлдан боради. У дастлаб фольклордаги ижодни онгли ва онгсиз каби икки турга ажратиб олади. Бинобарин, ижодкор ўзи айтётган ҳикоянинг ёлғонлигини билиб турса, бундай ижод онгли ижод саналади. Агар у ўзи айтётган тўқима ҳикоянинг ёлғонлигини билмай, унга реал тарих деб қараса, бундай ижод онгсиз ижод саналади. Демак, унинг фикрича, афсона онгсиз ижод маҳсули бўлса, ривоят онгли ижод маҳсули саналади³.

Албатта, бундай фарқлаш маълум даражада мазкур жанрларни объектив фарқлашга кенг имконият берса ҳам, бироқ у амалиётда жуда ҳам самарали эмас. Чунки, биринчидан, айтувчи

¹ Соколов В. К. Изображение действительности в разных фольклорных жанрах // Фольклор и историческая действительность. Русский фольклор. Т. XX. – Л., 1981. стр. 40–41.

² Имомов К. Кўрсатилган асар, 88-бет.

³ Азбелев С. Н. Отношение предания, легенды и сказки к действительности // Славянский фольклор и историческая действительность. – М., 1965. стр. 18–20.

ўзи айтаётган воқеликнинг тўғри ёки нотўғрилигини ҳамма вакт изохлаб ўтирмайди.

Иккинчидан. асардаги воқеаларнинг рост ёки ёлғонлигини баҳолашда айтувчининг ўзи ҳам янглишиши табиий. Чунки афсона ва ривоятларнинг барчасида ҳам акс эттирилган воқеликка нисбатан айтувчининг субъектив қараши мавжуд бўлади.

Ўз фикрини давом эттириб олим қўйироқда афсона ва ривоятнинг асосий фарқларини нисбатан тўғри кўрсатади. Унингча, ривоят афсонадан реал ҳаётий фактларга асосланиши, ривоятлар ижтимоий функциясининг соғ билиш, изохлашдан иборатлиги, афсонанинг эса фақат билиш, балки эстетик вазифа ўташи билан фарқланишини кўрсатади¹.

Юқорида биз афсона ва ривоятларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳақида турли тадқиқотчиларнинг билдирган фикрлари билан танишиб чиқдик. Биз ҳам уларнинг айрим фикрларига қўшилган ҳолда қўйида шу масала борасида ўзимизнинг фикрмуюҳазаларимизни билдириб ўтишга жазм этдик.

Маълумки, В. Я. Пропп фольклор жанрларини тасниф этишнинг энг мақбул принципларини фольклоршуносликда биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Ҳамма биладики, адабий жанрлар ҳаётий қамров ва поэтик система яхлитлиги нуқтаи назаридан тасниф этиб келинади. Унинг кўрсатишича, фольклор жанрини тасниф этишда ана шу икки предметга қўшимча ҳолда жанрнинг қўлланилиш ўрни, ижро шакли ва мусиқага муносабати ҳам ҳисобга олиниши лозим². Биз ҳам бу қарашни тўла баҳам кўрамиз ва афсона билан ривоятларнинг ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини белгилашда ана шу нуқтаи назардан туриб иш кўрамиз.

Ҳаётий қамров жиҳатидан қаралса, афсона ва ривоятларни бир-биридан фарқлаш қийин. Чунки уларнинг ҳар иккаласида ҳам ўтмишда бўлиб ўтган эпизодик воқеалар, у ёки бу жойларнинг номларини изохловчи ёҳуд улкан шахслар ҳаётидаги му-

¹ Азбелев С. Н. Кўрсатилган мақола. – 25-бет.

² Пропп В. Я. Принципы классификации фольклорных жанров // В. Я. Пропп. Фольклор и действительность. – М., 1976. стр. 38–39.

айян воқеалар соғ информатив планда акс эттирилади. Бундан ташқари, мазкур икки жанрда ҳам кичик, лоақал бир эпизодик воқеагина акс этади, холос.

Поэтик система нұқтаи назаридан қаралса, ҳар икки жанрнинг неосий функцияси, асосан, ахборот бериш бўлганлигидан уларни ўзаро фарқлаб турувчи поэтик воситанинг ўзи йўқ. Бинобарин, афсона ва ривоят айтувчи профессионал ижодкор ҳам, ижрочи ҳам йўқ. Бу икки жанрнинг ижодкори ҳам, ижрочиси ҳам яхшигина хотира қувватига эга бўлган шахслар дейиш мумкин. Албатта, бу гапнинг ўзи нисбий. Аникроқ қилиб айтганда, афсона ва ривоятлар авлоддан авлодга ўтиб келади. Ўтиб келаётган ана шу материални ўз қизиқиши доираси билан хотирада сақлаб қолиш, уни бошқаларга, кейинги авлодларга етказишда улкан ҳаётий таърибага эга бўлган кишиларнинг роли катта. Шунда ҳам ушбу жанрларнинг профессионал ижрочиси йўқ. Демак, афсона ва ривоят жанрлари поэтик системасининг яхлитлиги жиҳатидан фарқланмайди.

Жанрнинг майший қўлланилиши жиҳатидан қаралса, афсона ва ривоятлар оддий суҳбатларда бирор жой ёки нарса, воқеа ёки ҳодисаларни изоҳлаш лозим бўлганда; айрим ҳолларда ўтмишдаги айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, қаҳрамонликлари ҳудуд ҳайратомуз ишларини бошқаларга нисбатан ибрат қилиб кўрсатиш эҳтиёжи тугилгандагина оддий оғзаки баён қилинади. Мазкур жанрлар маҳсус айтиладиган бирон-бир маросим ёки тадбир йўқ. Демак, мазкур жанрларнинг айтилиши ўрни, яъни майшин қўлланиш доираси жуда ҳам кенг ва улар бу масалада бир бирларидан фарқланмайдилар.

Мусиқага муносабат масаласида ҳам афсона ва ривоят ўзаро фарқланмайди, чунки уларнинг иккиси ҳам куйга солинмай, оддий сўзлашув нутқида баён этилади.

В. Я. Пропп кўрсатган тўрт критерий жиҳатидан афсона ва ривоят ўзаро фарқланмас экан, демак, уларни икки мустақил жанр спификатида қарашга қандай эҳтиёж бор, ёки улар бир жанрнинг иккиси хил номланишидан иборатми каби саволлар туғилиши ташини. Ҳа, юзаки қаралса, афсона ва ривоятлар бир-бирларига ҳам шикл, ҳам мазмун жиҳатидан жуда яқин. Бироқ улар мустақил

жанр сифатида бир-бирларидан фарқланадилар. Бу фарқлар, бизнинг назаримизда, куйидагилардан иборат:

1. Афсона асосидаги воқелик фақат хаёлий уйдирмалар орқали фантастика билан йўғрилган ҳолда, кучли муболагалаштирилиб тасвирланади. Ривоятда эса воқелик хаётий уйдирмалар орқали фантазиясиз тасвирланади. Маълум бўладики, мазкур жанрларни ўзаро фарқлаш эктиёжи туғилганда уйдирма характеристи, фантастика ва муболага нисбатига аҳамият бериш лозим.

2. Маълумки, баён этилаётган воқелик ё хотира, ё бутунлай тўқима сифатида айтилиши мумкин. Ана шу воқелик тингловчи томонидан, хотира, яъни меморат ёки ярим меморат сифатида қабул қилинса, бу жанр ўз-ўзидан ривоятни ташкил этади. Агар воқелик ўзининг тарихий асосларидан узилса, бундай материал соф фабулатни ташкил этади. Фабулат эса афсонани ташкил этади.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ушбу жанрлар ўртасидаги алоқада афсоналар мудом ривоятлар ҳисобига бойиб боради. Шунинг учун ҳам Н. Ҳатамов ва Б. Саримсоқовлар афсоналар, кўпинча ривоятлар асосида юзага келади, деганларида ҳақли эдилар. Бунда ривоятлардаги конкрет тарихий элементлар йўқолиб, уларнинг ўрнини хаёлий уйдирмалар эгаллаб бориши жараёни кечади¹. Бошқача айтганда, афсона ва ривоят ўртасидаги муносабатда меморатнинг фабулатга айланиш жараёни етакчи роль ўйнайди. Чунки мавжуд тарих унутилишга маҳкум, аммо асоси йўқ уйдирманинг реал тарихга айланиши мумкин эмас. Бинобарин, ривоят афсонага айланса ҳам, бироқ афсона ривоятга айланмайди.

Афсоналар мифлар ҳисобига ҳам ўз сафларини тўлдириб боради. Бунда мухим бир нарсага аҳамият бериш лозим. У ҳам бўлса, миф ва афсоналарнинг функционал ҳамда шаклий жиҳатидан бир бирига яқинлигидан иборат. Айрим тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, мифлар космос ва хаос ўртасидаги доимий курашни акс эттирадилар, бошқача айтганда, улар нарса ёки ходисаларнинг пайдо бўлишини изоҳловчи этио-

¹ Ҳатамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1979, 159-бет.

логик, уларнинг йўқ бўлиши ёки вайрон бўлишини изоҳловчи эсхатологик ҳикоячалардан иборат¹.

Афсоналарда ҳам муайян воқеа-ҳодисалар, нарсалар ва жойлар хақида ахборот берилади. Демак, миф ва афсона ўртасида функционал яқинлик мавжуд. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, мавжуд мифлар кишиларнинг оламга мифологик дунёқарашлари тугагач, факат афсона шаклидагина сақланиб қолган. Бироқ афсонадаги информатив функция ўзининг поэтик табиати, фантастикага бойлиги ва муболагали характеристики билан – эстетик руҳи билан мифдаги информатив функциясидан фарқланиб туради.

¹ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981, 97–148-бетлар.

*Маматқұл
ЖҰРӘЕВ
(1956 ында туғилған)*



Маматқұл Жұраев 1956 ыл 1 октябрда Бухоро вилояти Қоракүл тумани Жигачи қишилогида туғилған. Тошкент давлат университети түгатған (1978). 1978 үйлден ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бүлімінде лаборант, стажёртадқықотчи, катта лаборант, кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, докторант, етакчи илмий ходим, Фольклор архивининг мудири лавозимларида ишлаб келған. Ҳозирда шу ерда Фольклор бүліми мудири вазифасыда ишламоқда (2003 үйлден). «Ўзбек халқ әртакларыда «сөхрли» рақамларнинг тарихий асослари ва поэтик вазифалари» мавзууда номзодлик (1987), «Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари» мавзууда докторлық (1996) диссертацияларини ҳимоя қилди. 2006 үйлда профессор унвони берилған. Ўзбекистон Республикасыда хизмат құрсатған маданият ходими (2011). М. Жұраев «Етти иқтимидаги «етти»лар» (1989, ҳамк.), «Сөхрли» рақамлар сири» (1991), «Ўзбек халқ әртакларыда «сөхрли» рақамлар» (1991), «Ўзбек халқ тақвими ва мифологияк афсоналар» (1994), «Ўзбек халқ самовий афсоналари» (1995), «Ўзбек мифологияси ва араб фольклори» (2001, ҳамк.), «Остонаси тиллодан: «Остонаси тиллодан» номлы фольклор экспедициясینинг илмий сафарномасы» (2003, ҳамк.), «Миллий истиқолол гөяси ва фольклор санъати» (2006), «Наврӯз құшиқлари: Наврӯз байрами ва баҳорий удумлар билан боғлиқ ўзбек халқ құшиқлари» (2007), «Маросимнома: ўзбек халқының урф-одат ва маросимлари ҳақида маълумотнома» (2008, ҳамк.), «Наврӯз байрами» (2009), «Ўзбек фольклорида ҳаёт дараҳти» (2010, ҳамк.), «Ұлан айт-

гали келдик» (2013, ҳамк.), «Миғ, маросим ва эртак» (2014, ҳамк.), «Миғ, таълим ва тарбия» (2014, ҳамк.), «Ўзбек милий фольклор санъати ва этномаданий қадрияллар» (2014, ҳамк.), «Ўзбек фольклори тарихи. 1-жилд. Миғология. Маросим фольклори» (2015), «Ўзбек баҳшилари» (2015, ҳамк.) сингари монография ва илмий рисолалар муаллифи. «Эл деса Навоийни. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар» (1991), «Кенжса ботир. Ўзбек халқ эртаклари» (1991), «Наврӯз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар» (1992, ҳамк.), «Инап йўли афсоналари. Жой номлари билан боғлиқ афсоналар» (1993), «Өлишir Nəvai haqqında rəvayətlər» (Бакы, 1994), «Боболардан қолган нақллар: афсона, ривоят, ирим-сирим ва халқ тақвими» (1998, ҳамк.), «Кизил гулнинг гунчаси: келинсаломлар» (1999, ҳамк.), «Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари» (2000), «Улуг ой умидлари: «Ёрамазон» қўшиқлари» (2001, ҳамк.), «Буҳоро афсоналари: тадқиқот ва матнлар» (2002, ҳамк.), «Тулумхўёжа: достон» (2006, ҳамк.), «Наботот ва ҳайвонот оламига оид ўзбек халқ мақоллари» (2006, ҳамк.), «Қадимий Кармана ривоятлари» (2013, ҳамк.), «Доно Алишер: Алишер Навоий ҳақидаги халқ ривоятлари» (2016), «Қошу кўзи пиликдай: «Келинсалом»лар» (2016) каби фольклор тўпламлари, шунингдек, «Мактаб адабиёти: хрестоматия. «Равишан» достони» (2015), «Мактаб адабиёти: хрестоматия. «Кунтуғмиши» достони» (2015) китоблари чоп этилган. «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдигининг иккинчи («Юсуф билан Аҳмад» достони: Мұхаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғли варианти» (2015), учинчи («Қиронхон» достони: Мұхаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ва Жолгош Жоссоқ ўғли варианти» (2015), бешинчи («Ширин билан Шакар» / достонлар: Фозил Йўлдош ўғли вариантлари» (2015), еттинчи («Алибек билан Болибек»: достонлар» (2015), саккизинчи («Соҳибқирон» / достонлар: Ислом шоир Назар ўғли, Умир шоир Сафаров, Бўри баҳши Аҳмедов вариантлари (2016), тўққизинчи («Кунтуғмиши» / достонлар: Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Ислом шоир Назар ўғли вариантлари» (2016) жилдлари М. Жўраев томонидан сўзбоши ва илмий изоҳлар билан нашрга тайёрланган. Олий ўқув юртлари талабалари учун «Фольклор практикаси» (1993, ҳамк.), «Ўзбек мавсумий маросим фольклори» (2008), «Фольклоршуносликка кириши» (2008), «Фольклоршунослик асослари» (2009) каби ўқув қўлланмаларини яратган.

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ШАМОЛ БИЛАН БОҒЛИҚ МИФОЛОГИК ТАСАВВУРЛАРИ

Ўзбекларнинг шамол чакириш билан боғлик ирим-сиримлари ва бу эътиқодий инончлар тизими билан алоқадор магик айтим матнларида шамолнинг афсонавий ҳомийси – Ҳайдар ёки Мирҳайдар номи тилга олинади. Ҳайдар культи билан боғлиқ мифологик тасаввурлар Ўрта Осиёда истиқомат қиласиган туркӣ халқларнинг деярли барчасига маълумлиги илмий адабиётларда қайд қилинган¹. Шамол пирини Ҳайдар деб аташ Ўрта Осиёда яшовчи туркӣ халқлар мифологияси ва маросим фольклорининг муштарак анъаналаридан бири бўлиб, қачонлардир бу афсонавий ҳомийга мурожаат қилиб шамол чақириш маросими ни ўтказиш кенг расм бўлган. Кейинги пайтларда бу маросимни ўтказишга ҳаётий эҳтиёж қолмаганлиги сабабли бу ритуал унтилиб кетган. Б. Саримсоқовнинг фикрича, бу маросим чогида ижро этилган қўшиқлар ҳам унутилиб кетган, ўзбеклар орасида фақат бир тўртлик сақланиб қолган, холос².

Биз томонимиздан кейинги йилларда Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида олиб борилган текширишлар натижасида тўпланган фольклор ва этнографик материаллар бир замонлар бободеҳқонларимиз томонидан ҳар йили буғдој ўримидан сўнгги хирмон совуриш мавсумида ўтказиб келинган анъанавий шамол чақириш маросими фольклори ҳақидаги тасаввурларимизни бирқадар бойитиш имконини берди.

¹ Джикиев А. Традиционные туркменские праздники, развлечения и игры (на материале Южного и Восточного Туркменистана). – Ашгабад: Наука, 1983. – стр. 15; Кармышева Дж. Х. Земледельческая обрядность у казахов // Древние обряды и культуры народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986. – стр. 63; Демидов С.М. К вопросу о некоторых пережитках домусульманских обрядов и верований у юго-восточных туркмен // Труды Института истории, археологии и этнографии АН Туркменистана. Вып. VI. – Ашгабад: Наука, 1962. – стр. 201; Оразов А. О земледельческих традициях в долинах Сумбара и Чандира в конце XIX – начале XX вв. // Очерки по истории хозяйства и культуры туркмен. – Ашгабад: Наука, 1973. – стр. 30.

² Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 135–136-бетлар.

Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Сойкечар қишлоғида яшовчи Тоштемир Турдиевнинг айтишича, хирмон совураётганда ҳаво дим бўлиб, сомон юришмаса, сопол ёки чинни идишларни тақиллатиб, ҳуштак чалишган. Шундаям шамол эсавермаса, ҳуштак чалиб туриб:

*Шамолингни қўйвор,
Сомони сендан,
Бугдоий мендан,
Ҳайдаро, Ҳайдар,
Боланг сувга оқди,
Югур ушлаб ол!*

Шоғирконлик Турсуной Ўрунованинг эсласича, бобоси хирмон совураётганда:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,
Шамолингни қайтар,
Боланг қудуққа тушди,
Үйинг қайгуга тўлди,
Ҳайдар, Ҳайдар, келақол,
Шамол бўлиб эсақол,
Бугдоий менга фойда,
Сомонини олақол! –*

деб хитоб қилиб, ҳуштак чалишар экан.

Шамол пирига мурожаат қилаётган дехқон агар Ҳайдар ўз марҳаматини дариф тутмаса, уни маҳсус неъмат – сомон билан сийлаяжагини айтади. Чунки хирмон совураётганда дехқон кўлидаги паншахаси (Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида бу асбобни *бодёвок* дейдилар) билан янчилган буғдойни тепага қаратиб отади. Буғдой дони оғир бўлгани учун хирмонга тўкилади, сомонни эса ғир-ғир эсаётган шамол учириб бориб, сал нарироқдаги тўсиқ олдига йиғади. Шу боис, дехқонлар Ҳайдар донни дехқонга қолдириб, сомонини ўзи олиб кетади, деб ўйлаганлар.

Айрим жойларда дәхқонлар шамол пирига хирмондаги дондан ҳам «улуш» чиқарғанлар. Бухоро вилоятининг Олот туманинг Банги қишлоғида яшовчи Эшон бува Абдиевдан ёзиб олинган қуидаги айтим фикримиз далилидир:

*Ҳайдар оға, Ҳайдар оға,
Шамолингни қайтар, оға,
Отиздаги бүгдойимнинг
Ярмини қилдим садога.*

Бу айтим замирида халқимизнинг Ҳайдар культига сифиниш удумининг ўзига хос бир кўриниши – шамол чақириш маросимида шамол пирига курбонлик қилиш анъанаси ўз ифодасини топган. Назаримизда, илгарилари ҳар бир дәхқон олинадиган ҳосилнинг маълум бир қисмидан ҳосилдорлик культларини ритуал таом билан сийлаш мақсадида маҳсус маросим оши тайёрлашда фойдаланган. «Даладаги буғдойининг ярмини сенга садақа қилдим» деганда олинажак дондан маҳсус таом пишириб, шамол пири Ҳайдар ҳақига баҳш этилиши назарда тутилган. Жиззах вилоятининг Фориш туманинг Сайёд қишлоғида шамолни тўхтатиш учун ўчоқнинг бир томонига пичоқ санчилган ҳамда: «*Қўй шамол, қўй ювош, шамол ювош, Ел отага етти қўмалоқ!*» – дейишган.

Маълумки, *ҳайдар* – сочнинг алоҳида магик қудратга эга деб тасаввур қилинган қисми – *кокил* маъносини ҳам билдиради. Айни пайтда бу рамзий детал шамол пири образининг анъанавий атрибутларидан бири вазифасини ҳам бажаради. Юқоридаги маросим кўшиқларида ҳам Ҳайдар образининг алоҳида белгиларидан бири – шамол пирининг кокили борлиги ҳақида маълумот берилган. Халқимизнинг одатига кўра, фарзанд кўргани билан боласи турмайдиган оиласда чакалоқ туғилса, бола ёшига етганда унга «соҷ тўйи» қилинади. Бола ўсиб-унсин, зиён-заҳматлар озор етказмасин деган ниятда бошнинг энса қисмидаги «қорин сочи»дан бир тутамини кирқмасдан қолдирадилар. Ана шу кокил «ҳайдар» дейилади. Шамол чақириш маросими айтимларининг айрим намуналарида Ҳайдарнинг мифологик қиёфаси кокил детали воситасида

тасвирланганлигининг ҳам муайян тарихий асослари мавжуд. Аждодларимизнинг эътиқодий қараашларига кўра, деҳқоннинг мурожаатини эшишиб йўлга чиқсан Ҳайдар кокилини силкитиб келаётган пайтда, шамол қўзғалар эмиш. Бу мифологик эътиқод Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Арабон қишлоғида яшовчи М. Орзиевадан ёзиб олинган қўйидаги маросим қўшиғида ҳам яққол қўзга ташланади:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,
Кокилингни силким!
Хотинингни уйқу босди,
Болангни сув оқизди,
Ҳайдар-о, Ҳайдар,
Кокилингни силким!*

Демак, Ўрта Осиё ҳалклари мифологиясида Ҳайдар образи елкасига тушиб турадиган кокилларини ҳилпиратганча, қулочини кенг ёзиб келадиган асотирий персонаж сифатида тасаввур қилинган. Агар А. Диваев томонидан оммалаштирилган қозоқ маросим қўшиғида¹ ҳам шамол пирининг «қулочини кериб келиши»га истак билдирилганлигини ҳисобга олсақ, бу образнинг мифологик асоси Ўрта Осиё ҳалкларининг табиат культиларига сифинищдан келиб чиқсан қадимий культ мифларига боғлиқлигига ишонч ҳосил қиласиз.

1989 йилнинг июнида Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи Дурси момо Аллашева айтиб берган тўртликда эса шамол қари ота-онасидан айрилиб, ғирт «етим»га айланганлиги, барча мерос унга қолганлиги баён қилинади:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,
Шамолингни қўй, Ҳайдар!
Отанг-онанг ўлибди,
Моли сенга қолибди!*

¹ Диваев А. Призив ветра (киргизское поверье) // Туркестанские ведомости, 1892, № 41.

Шу қишлоқлик Яхши момо билан сұхбатлашганимизда, ол от-
ликларнинг шамол чақириш билан боғлиқ маросимида ижро эти-
лган қадимий құшиқнинг нисбатан тугал сақланған намунасини
ёзіб олишга муваффақ бўлдик. Момонинг айтишича, қадимгилар
бугдой совуриладиган палла шамол бўлмай қолса, дарҳол олов
ёқиб, *чўп кади* (сув қовоқ)ларни қўйдиришаркан. Сув қовоқни
қўйдириш удуми ҳам сув культи билан боғлиқ. Аёллар Ҳайдар
бобонинг ҳақига ис чиқаришган, кади қўйдираётганлар эса:

*Ҳайдар ога, Ҳайдар,
Шамолингни қайтар,
Ўғлинг ўра кетди,
Қизинг қира кетди,
Ўғлинг керак бўлса,
Арқон олиб югур.
Қизинг керак бўлса,
Кетмон олиб югур,
Ҳайдар ога, Ҳайдар,
Шамолингни қайтар! –*

деб қўшиқ айтишган.

Шамол чақириш маросимида «чўп кади» – «сув қовоқ» қўйди-
риш одати бошқа ҳудудларда ҳам қайд қилинган. Қоракўл тума-
нининг Жигачи қишлоғида яшовчи чўпонларнинг айтишларича,
шамол бўлмагандага илгарилари чўпон-чўлиқлар қўй-эчкиларнинг
калла сүякларини ҳамда сув, мой солишда ишлатиладиган ка-
диларни тўплаб қўйдиришган экан.¹ Ғиждувон туманининг
Улфатбиби қишлоғида хирмон совураётганда шамол бўлмаса,
кексалар шамол чақириш учун дарҳол олов ёқиб, чўп кадини
қўйдиргандар.² Шу тумандаги Абдухолик Ғиждувоний номли
жамоа хўжалигига яшовчи кишилар эса шамол тўхтатиш учун
кади қўйдиришган.³ Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги

¹ Фольклор экспедицияси материаллари. 1981 йилда кекса чўпон Бардиш Султоновдан М. Жўраев ёзіб олган.

² Фольклор экспедицияси материаллари. 1991 йилда 77 яшар Иззат биби Мажидовдан А. Файзиева ёзіб олган.

³ Фольклор экспедицияси материаллари. 1991 йилда Аълам бобо Нуриддиновдан ёзіб олинган.

Олтинқўргон қишлоғида шамол чақириш учун мевали дарахтга сувқовоқни осиб қўйиб ёқишгач:

*Мирҳайдар, Мирҳайдар,
Шамолингни бер, Ҳайдар,
Ҳайдарали-ю! –*

деб Тангридан шамол сўрашган.¹

Шамол чақириш маросимининг Ҳайдар культи билан боғлиқ талқинида ижро этилган қўшиқлардан бирини фольклор тўпловчи Йўлдош Султонов ёзид олиб оммалаштирган. У нашр этган матн бадиий жиҳатдан анча пишиқлиги ва табиятга магик воситалар ёрдамида сирли йўсинда таъсир ўtkазиш билан алоқадор қадимий халқ қарашларини ўзида саклаб қолганлигига кўра муҳим илмий қимматга эга:

*Гарамларни яйратиб,
Увотга босиб қўйдим,
Елкасига игна санчиб,
Курбақа осиб қўйдим,
Ҳайдар, шамолингни олиб кел!*

*Ховузлар сасиб кетди,
Бақа түн босиб кетди,
Боқ бува соқолидан,
Бир тутам осиб кетди,
Ҳайдар, шамолингни олиб кел.²*

Буғдойни ўриб-ийғиб олган дехқон похолни обдон қуритмасдан янчмайди. Бунинг учун буғдойи ўриб олинган даланинг бир четини кетмон билан текислаб, ён-верини бегона ўтлардан тозалайди. Ўрилган буғдой ғарамларини ана шу жойга яйратиб босиб қўяди, ёйиб қуритади. Обдон қурисин учун у ёқ-бу ёкка ағдариб ҳам туради. Кейин ғарамларни ўртага йигиб, уч-тўртта

¹ Фольклор экспедицияси материаллари. 1991 йилда Садоқат Ҳакимовадан ёзид олинган.

² Қайнар булоқ. Болалар фольклори. (Тўпловчи: Й. Султонов). – Тошкент: Юлдузча, 1991. – 28-бет.

эшак ёки ҳўқизларни хўпга қўшиб, буғдойни янчади. Ана шундан сўнг дехқон тезроқ шамол эсишини кута бошлайди. Баъзан бир неча кунлаб ҳаво дим бўлиб, ғир этган шабада эсавермаса, хирмоннинг таги нам тортиб, ғалла чиримаслиги учун ғарамни тез-тез ағдариб турадилар. Шу тариқа бир неча кун бесамара ўтиб, кутилган шамолдан дарак бўлавермаса, дехқон қадимгилар одатига амал қилиб битта қурбақани тутиб олади-да, елкасига нина санчиб, хирмон устига ўрнатилган таёққа осиб кўйиб, юқоридаги маросим қўшигини айтади. Хўш, нега энди айнан қурбақани бунчалик қийнаш керак бўлиб қолди экан?

Шарқ халқларининг дехқончилик билан боғлиқ культларини тадқиқ этган В. В. Евсюковнинг ёзишича, *курбақа* образи қадимги мифологияда ёмғир ва сув тимсоли сифатида талқин қилинган экан. Хусусан, кўхна Чин асотирларида олам уммонининг эгаси бўлмиш улкан самовий қурбақа хақида ҳикоя қилинган. Бу миф сюжети Шимолий Америка ва Австралияда яшовчи маҳаллий аҳоли фольклорида ҳам қайд қилинган: қурбақа бутун бир ҳовузнинг сувини бир сипкорганда ичиб қўяди, аммо одамлар уни мазах қилаётганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлади-ю, ютган сувини тўкиб юборади. Қадимги одам тасаввурида сув, ёмғир каби табиат неъматлари билан боғлиқ ҳолда муқаддаслаштирилган афсонавий қурбақа образи аста-секин ҳосилдорлик ва кут-барака рамзига айланиб кетган.¹

Ўрта Осиё худудида олиб борилган археологик қазув ишлари чоғида қурбақа шаклидаги сопол ҳайкалчалар ва турли-туман тақинчоқлар топилган. Сополлитепа қўргони атрофидан қурбақанинг тошдан йўниб ишланган жажжи ҳайкалчаси топилган бўлса,² Тупрокқалъанинг юза қатламларидаги V асрга оид қадимий ибодатхона қолдиклари ўрганилаётганда олимлар қурбақа шаклида ясалган мунчоқ донасига дуч келишган.³ Шун-

¹ Евсюков В. В. Мифология китайского неолита. – Новосибирск: Наука, 1989. – стр. 94–95.

² Рахманов У. Хозяйственные помещения за пределами крепости Сапалли-тепа // История материальной культуры Узбекистана. Вып.13. – Ташкент: Фан, 1977. – стр. 24.

³ Неразик Е. Е. Раскопки городища Топрак-кала // Археологические открытия. 1974. – М.: Наука, 1975. – стр. 509.

га ўхшаш топилдиқларнинг мифологик моҳияти борасида фикр юритган санъатшунос Л. И. Ремпель «Ўрта Осиё ҳалқларининг хунармандчилик санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси, баҳт ва омад тимсоли, яъни бамисоли тумор сифатида фойдаланилган»лигини қайд қиласди.¹

Курбақанинг самовий ҳодисалар билан алоқадорлиги ҳакидаги ҳалқ қарашлари ёмғир ва шамол чақириш маросимларида унга ҳосилдорлик тимсоли сифатида мурожаат қилиш анъанасини келтириб чиқарган. Шу боис Догистонда яшовчи лак ва дарғинлар бевакт ёқсан ёғингарчиликни тўхтатиш учун ўз тукдан онаси, бувиси ҳамда катта момоси, яъни «уч она»си тирик бўлган аёл яшил матодан қурбақага «иштон» тикиши керак деб ўйладилар. Яшил либос кийдирилган қурбақани тарнов уни ёки айвон пештоқига илиб қўйиб, «ёмғир тинсин, қуёш чиқсан!» дейишган.² Тибетликлар эса қурбақани чукурчага кўмиб қўйиб, устига таёқ сукиб қўйса, ёмғир тинади деб ирим қилишган.³ Қадимги чинликлар эътиқодича, қурбақа жуда кўп яшаб, қариса, қурғоқчиликка сабаб бўлувчи ёвуз рухларни еб қўядиган даражада кучли бўлиб қолар экан. Агар ана шундай «каромат»ли қурбақани бешинчи ойда сояда қўйиб, қуритса, дарҳол ёмғир ёғармиш.⁴

Саян-Олтой шаманларининг чилдирмасидаги рамзий чизгиларнинг мифологик моҳиятини тадқиқ этган этнограф Л. П. Потаповнинг қайд этишича, шаман доирасининг куйи қисми илон, қалтакесак, ёмғир чувалчангни билан бир қаторда «бақа» сурати ҳам чизилган. Мълум бўлишича, «коль еези», яъни «кўл эгаси» сифатида тасаввур қилинган «бақа» шаманнинг яқин кўмакчила-

¹ Ремпель Л. И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1987. – стр. 37.

² Халилов Х. М. Историческая общность и национальное своеобразие обрядовой поэзии народов Дагестана и Северного Кавказа // Дагестанский фольклор во взаимосвязи с иноэтническим фольклором. – Махачкала, 1985. – стр. 19.

³ Календарные обычай и обряды народов Восточной Азии. Годовой цикл. – М.: Наука, 1988. – стр. 276.

⁴ Евсюков В. В. Мифология китайского... стр. 95.

ридан бири сифатида оғир беморларни даволашда ёрдам берувчи жонзот деб каралган.¹

Бизнингча, қадимги одам курбақани ҳосилдорлик, кут-барака тимсоли сифатида эъзозлаганлиги учун шамол чақириш маросимида ҳам бу жониворнинг магик қудратидан нажот кутганлар. Курбаканинг елкасига игна санчиб осиб қўйиш, яъни жониворни кийнаш удуми шамол пири Ҳайдар культи тўғрисидаги халқ қарашларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил эътиқодий инонч сифатида халқ орасида аввалдан мавжуд бўлиб, маросим фольклори жанрларининг бадиий эволюцияси давомида бу икки хил мифологик эътиқод бирлашиб кетган. Аслида, курбақа – табиат ҳодисаларига ўз ҳукмини ўтказа оладиган ёвуз кучлар кушандаси деб қаралганлиги боис, одамлар уни қийнаш орқали шамолни эсишдан тўхтатиб қўйган деб тасаввур қилинган ёвуз кучларни жиловлашга уни мажбур этишган.

Энди Ҳайдар культи билан боғлиқ мифологик тасаввурларнинг тарихий асослари масаласига тўхталиб ўтайлик. Кўпгина тадқиқотчилар Ҳайдар ҳақидаги халқ қарашлари Мұҳаммад пайғамбаримизнинг куёви Ҳазрат Али тўғрисидаги афсоналар асосида юзага келган деб ҳисоблайдилар.² Бизнинг Зарафшон водийсида олиб борган этнофольклористик кузатишларимиз эса Ҳайдар культининг юзага келиши Али ибн Абу Толиб шахсининг муқаддаслаштирилиши анъанаси билан боғлиқ бўлмасдан, аждодларимизнинг исломдан бурунги мифологик инончлари, биринчи галда, табиатга сигинишга алоқадор эътиқодий қарашларга бориб тақалишини кўрсатди. Ўрта Осиё халқларининг қадимги мифологиясида шамол ҳомийси сифатида мўътабарлаштирилган Ҳайдар образи тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб шахсининг муқаддаслаштирилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўлкамизга

¹ Потапов Л. П. Шаманский бубен качинцев, как уникальный предмет этнографических коллекций // Материальная культура и мифология. – Л.: Наука, 1978. – стр. 135.

² Басилов В. Н. Заключение // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986. – стр. 201; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 136-бет; Асотирлар ва ривоятлар. 1-китоб. (Тўплаб, нашрға тайёрловчилар: М. Муродов, М. Шайхова). – Тошкент: Ёш гвардия, 1991. – 33-бет.

ислом дини ёйилишидан анча илгарироқ яратилган мифологик персонажлар сирасига киради. Фикримиз исботи тариқасида қуидаги далилларни келтирамиз:

1) дәхқонлар, асосан, хирмонни совуриб, донни сомондан ажратиб олиш пайтида шамол сүраб, Ҳайдарга мурожат қилғанлар. Бу эса шамол ҳомийси Ҳайдар ёки Мирҳайдар образи бевосита ҳосилдорлик, қут-барака тушунчалари билан боғлиқлигини күрсатади. Зеро, абхаз дәхқонлари эътиқодича, ҳосилдорлик худоси Айтар (баъзи манбаларда Айетыр)га илтижо қилинса, ҳосил чўги баланд бўлар эмиш.¹ **Айтар ва Ҳайдар** атамаларининг ўзаро яқинлиги ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳосилдорлик тимсоли сифатида тасаввур қилинганлиги бу икки образнинг мифологик асослари ва этимологик талкинида муштараклик бўлиши мумкинлигини күрсатади;

2) Ўрта Осиё туркий халқлари фольклоридаги шамол ҳомийсининг номи сифатида қўлланилувчи «Ҳайдар» атамаси-нинг келиб чиқиши «Авесто»да номи тилга олинган шамол худоси «Vata» – «Вата» атамасига боғланади деб ҳисоблаймиз. «Авесто»да икки нафар шамол худосининг номи («Vayu» ва «Vata») тилга олинган. Бу мифологик атамаларнинг ўзаги «va» лексемаси бўлиб, қадимги хинд-эрон тилларида бу сўз «эсмоқ» (яъни шамол эсиши) маъносини билдирап экан. Б. А. Литвинский шамол ҳомийсининг исми паҳлавий матнларида «Vat», яъни «шабада манбай», турк-манихей ёзма ёдгорликларида эса «wadziwanta» тарзида қўлланилганлигини аниқлаган. Унинг фикрича, «Vata» жанубдан эсадиган шамол худосининг исмидир.² Паҳлавий матнларида номи қайд этилган «wād» мифоними ҳам «шамол тангриси»нинг номи сифатида қўлланилган.

Шамол ҳомийси ёки худоси Vata ҳақидаги мифологик қарашлар Ўрта Осиёда яшаган қадимги элатлар дунёқарашида муҳим ўрин тутганинги археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Чунончи, қудратли Кушон империясининг ҳоқони, милоднинг

¹ Акаба Л. К. Из мифологии абхазов. – Сухуми, 1976. – стр. 41–42.

² Литвинский Б. А. Семантика древних верований и обрядов памирцев // Средняя Азия и ее соседи в древности и средневековье. – М.: Наука, 1981. – стр. 104–105.

78–123 йилларида яшаган Канишка ҳамда унинг II аср учинчи чорагида ҳукм сурган вориси Хувишқа томонидан зарб қилинганд мис тангаларда чопиб бораётган одам тасвири туширилган. Тангадаги эркак киши тасвирининг кўриниши ва сурат остида Vad деган ёзув мавжудлигига асосланган мутахассислар қадимий тангаларда шамол тангрисининг тасвири туширилган бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Бу эса ўша пайтларда «Авесто»даги шамол тангриси ҳақидаги қарашлар ўртаосиёликлар орасида кенг шуҳрат қозонгандигини кўрсатади. Бунинг устига шамол ҳомийсининг сўғдча атамаси ҳам «Авесто» мифларида номи тилга олинган шамол худоси образи исмига ўхшаш экан.¹

«Авесто»да номи тилга олинган шамол худоси ҳақидаги мифологик қарашларнинг айрим талқинлари муайян ўзгаришларга учраган ҳолда бўлса-да, бизнинг кунларгача сақланиб қолган. А. З. Розенфельд томонидан ёзиб олинган бир афсона «Vata» образининг тожик фольклорида сақланиб қолган талқинлари хусусида фикр юритиш имконини беради. Панжлик тожиклар эътиқодича, қуёш ботаётган пайтда пайдо бўлган қуюндан Хайт деб аталувчи бир афсонавий махлук туғилар эмиш. Бўйи жуда дароз бўлган Хайт ғира-ширада тоғ ёнбағрида кетиб борар, бир оёгини Панж дарёсининг бир соҳилига, иккинчи оёгини эса нариги қиргоқقا қўйганча, шахдам одим отиб, кўздан ғойиб бўларкан. «Хайт» сўзи «улкан одам», «пахлавон» маъноларини билдирап экан.² Бу мифологик образ узун бўйли, сочи тақимига тушган, оппоқ кийимли махлук сифатида тасаввур қилинган.³

Узун соч ёки кокил, яъни ҳайдар ўзбек маросим фольклоридаги шамол ҳомийси образининг мифологик табиатини белгиловчи ўзига хос деталларидан бири эканлигини «Ҳайдар, кокилингни силкит» айтими таҳлилида юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Чамаси, болаларнинг сочини илк бор олганда ирим қилиб қолдирилган кокилни «ҳайдар» деб аташ анъанаси кейинча-

¹ Литвинский Б. А. Семантика древних верований... стр.105–106.

² Розенфельд А. З. Великаны в таджикском фольклоре // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1973. – стр. 93.

³ Литвинский Б. А. Кўрсатилган мақола. – 104-бет.

лик урф бўлганга ўхшайди. Чунки зардўшийлик ақидалари амал қилган замонларда шамол тангриси сочи узун афсонавий ҳомий сифатида тасаввур қилинган ва бу эътиқод кейинчалик Ҳайдар образининг мусулмон мифологияси талқинлари билан қўшилиши жараёнида мазкур асотирий персонажнинг исломдан аввалги халқ қарашларига алоқадор талқинлари унутилиб кетган.

«Авесто»даги шамол тангриси «Vata» ҳам магик қудратга эга бўлганлиги, яъни сочи узунлиги туфайли барча шамолларни ўз измига бўйсундира олган. Шамол тангриси образининг мифологик қарашлар тизимида тадрижий ривожи давомида «Vata» атамаси асосида «Ҳайдар» номи юзага келган. Сочнинг алоҳида магик кучга эгалиги ҳақидаги тасаввурлар эса болаларга табаррук кокил – ҳайдар қўйиш удумида ўз ифодасини топган.

Бизнинг фикримизча, Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида шамол ҳомийси сифатида тасаввур қилинувчи Ҳайдар ёки Мирҳайдар образининг тарихий-мифологик асослари зардўшийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да тасвирланган шамол тангриси – «Vata» ҳақидаги эътиқодий қарашларга бориб тақалади. «Vata» образи эса аждодларимизнинг зардўшийликдан ҳам илгариги эътиқодий инончлари, табиат ҳодисаларини мўътабарлаштириш билан боғлиқ мифологик тасаввурлар, ҳосилдорлик культиларига сифиниш анъаналари замирида юзага келган ҳамда ҳомий куч тимсоли сифатида мифологик персонажлар тизимидан ўрин олган. Юқоридаги мулоҳазаларимизни куйидагича умумлаштириш мумкин:

а) «Vata» ва «Ҳайдар» образлари орасидаги тарихий-генетик алоқадорлик мавжуд бўлиб, ҳар иккала образ ҳам муайян табиат ҳодисаси – шамол культи билан боғлиқдир. Қадимги дәҳқонларнинг ҳосилдорлик культи билан алоқадор мифик тасаввурлари тизимида шамол тангриси сифатида талқин қилинган мифологик ҳомий образининг тадрижий ривожи натижасида шамол пири – Ҳайдар тўғрисидаги халқ қарашлари келиб чиқсан;

б) «Vata» ва «Ҳайдар» образларининг мифологик табиати сочнинг магик қудратига ишониш анъаналарини ҳам ўзида муҗассамлаштирган;

в) «**Vata**» ва «**Хайдар**» атамаларининг фонетик қурилиши ҳам ўзаро яқин бўлиб, ҳар иккала мифологема таркибида қадимги хинд-европа бобо тилида сўзлашган аҳоли лаҳжасида «шамол эсиши», «шамол» маъноларида кўлланилган «va» // «vay» // «vat» ўзаги мавжуд. Шунга кўра, Ҳайдар мифологемасининг шаклланиш боскичлари ва бу атаманинг этимологик жиҳатдан келиб чиқишини тахминан қўйидагicha таърифлаш мумкин: **Va** → **Vata** → **Vayta** → **ayta** → **Hayta(+ar)** → **Haydar**. Яъни лисоний-этимологик жиҳатдан Ҳайдар атамаси икки узвдан иборат: **Hayt + ar**. Мифологеманинг биринчи қисми зардўштийлик мифологиясидаги шамол ҳомийси «**Vata**» атамасининг фонетик ўзгаришга учраган кўриниши бўлса, аг эса «одам», «эр», «эркак» маъносидағи сўздир.¹

¹ Ушбу мақола қўйидаги манба асосида тайёрланди: Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасавурлари. 2. Ҳайдар культи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 4. – 41–47-бетлар.

Шомирза
ТУРДИМОВ
(1957 йилда тувилини)



Шомирза Фаниевич Турдимов 1957 йил 13 декабрда Самарқанд вилояти Нурота тумани Кўштамгали қишилогида туғилган. Тошкент давлат университетининг филология факультетида ўқиган (1974–79). ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида лаборант (1979–82), ЎзРФАҲ. Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институти Фольклор секторида кичик илмий ходим, катта илмий ходим бўлиб ишлаган (1982–97). ЎзРФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими номидаги катта илмий ходими вазифасида ишлаган (1997–2016). Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Фольклор ва диалектология кафедраси мудири (2016–2017). Ҳозир ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтида етакчи илмий ходим бўлиб ишлайди. «Ўзбек халқ лирик қўшиқларида поэтик рамз ва унинг функцияси» мавзудаги номзодлик (1087), «Гўрўғли» достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари» мавзусида докторлик (2011) диссертацияларини ёқлаган. «Ўзбек халқ достонлари каталоги» (1986, ҳамк.), «Этнос ва эпос» (2012) сингари монографиялари, «Наврӯз национальный праздник: Наврӯз байрами билан боғлиқ қўшиқлар, газаллар, шеърлар» (2009, ҳамк.), «Гўрўғли» достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари» (2011), «Этнос ва эпос» (2012), «Наврӯз қўшиқлари» (2013, ҳамк.), «Ҳикмат хазинаси» (2016) каби китоблар муаллифи. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (2007).

ҚАҲРАМОНЛИК ЭПОСИДА АЛПЛИК ТИЗИМИ

«Гўрўғли» ва «Алпомиш» достонларида қўйланган эпик воқе-лик замирида ҳалқимизнинг бутун борлик тартиби, олам, ундан жой олган кучлар ва одамнинг ўрни, вазифаси ҳақидаги кўхна дунёқарашлар, тасаввур-тушунчаларнинг бадиий талкиnlари турибди. Биз ушбу дунёқараш, тасаввур-тушунчаларга нисбатан алплик тизими атамасини қўлламоқдамиз¹. Ушбу тизим шу пайтгача фольклоршуносликда тадқиқотлар обьекти бўлган эмас². «Гўрўғли» ва «Алпомиш» достонлари асосида тикланган алплик тизимининг қуйидаги етакчи хоссаларини санаб ўтамиз:

1. Бўлажак қаҳрамоннинг туғилмасданоқ «танланган», яъни ҳомий-эрнлар назарида бўлиши. Илк қўринишида тўғридан-тўғри илоҳий ҳомила меваси эканлиги.
2. Бахтли юлдуз остида туғилувчи бўлажак қаҳрамоннинг пайдо бўлиши ҳақида душман юрт коҳинларининг кароматлар қилиши.
3. Қаҳрамон ота-онасининг «ўзга» (душман) юртда мажбуран яшаши.
4. Душманларнинг доғда қолиб, қаҳрамоннинг ўзга юртда дунёга келиши, улғайиб ўздушман юртига қайтиб бориши.
5. Қаҳрамонга исм берилиши (икки исмли бўлиш).
6. Қаҳрамоннинг улгая бориши давомида алплик дардига йўлиқиши (бу муддат уч ёшдан етти ёшгача уч бора такрорланиши). Алплик дардининг «танланган» қаҳрамон ва «танловчилар» ҳомий эранлар ўртасида бевосита мулоқот бошланганигини бил-

¹ Бу ўринда алп сўзининг эпик қаҳрамон маъноси асос сифатида олинмоқда. «Алпомиш» достонида: «Дунёда бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлини Рустами достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин. Тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтди», деб айтилган талкиндаги алп мазмуни назарда тутилган.

² Ушбу мақола «Алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар ва «Алпомиш» достони» («Алпомиш» – Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент. Фан, 1999. – 157–163-бетлар); «Эпос сюжетидаги таянч мотивлар талқини ва алплик тизими» («Гўрўғли» достонининг генезиси ва тадрижий босқичлари». – Тошкент. Фан, 2011. – 11–39-бетлар) каби мақолалар асосида қайта ёзиб чиқилди.

дириши. Алплик дарди қаҳрамоннинг ерда туғилиб, маълум маънода «ёввойилашган» руҳи ва бу руҳга макон бўлган таннинг эранлар иқлимига мослашолмай қаршилик қилиш жараёни эканлиги.

7. Эранларнинг ўз маконида қаҳрамон жисми ва руҳини илохий нур ва сув (шароб) билан тоблаб, эмлаб, «асов тулпор»ни жиловлаб, дардан халос этиши. Унга алплик сиру синоатларини ўргатишлари. Қаҳрамоннинг руҳ – эранлар маконида алп сифатида қайта яралиши.

8. Қаҳрамоннинг алпликнинг магик куч-қудратига, жангчилик санъатига, билимга, мўъжизакор хусусиятлар ва белги-нинҷонларига эга бўлиши.

9. Қаҳрамоннинг эранлардан алплик қурол-аслаҳаларини олиши.

10. Қаҳрамоннинг алп сифатида бажарадиган вазифаси, ер юзидағи бурчи ва тақдирни, ҳаётининг ибтидо-интиҳосини эранлардан билиши.

11. Эранларнинг қаҳрамонга ҳамкор этиб ўз шерикларидан бирини тайинлашлари (эранлар Соқибулбулни Гўрӯғлига устоз ва Фирқўкка сайис қилиб белгилашади. «Алпомиш»да айни вазифа Култой образида ўз талқинини олган).

12. Қаҳрамоннинг ўз ғайриқутби, душман ва ракиби («дўст»и) га ёға эканлиги.

13. Қаҳрамон куч-қудратининг ҳомий руҳлар (эранларнинг) куч-қудрати билан узвий боғлиқлиги.

14. Қаҳрамоннинг ўз алплигини амалда намойиш этиши ва ҳалиқ (қавми) томонидан алп (соҳибқирон) сифатида тан олиниши.

15. Алпнинг ўз атрофига ғайратли, шижоатли ҳамкорларни пигиши.

16. Алпнинг ўз юртида янги салтанатга асос солиши.

17. Қаҳрамоннинг янгича ном олган салтанат камолига хизмат қилиши. Бу салтанат довруғининг оламга машҳур бўлиши.

18. Қаҳрамоннинг умри поёнида эран мақомига эришуви ва ғарнлар маконига қайтиши (кетиши).

19. Қаҳрамоннинг ҳалқ анъанавий тасаввурида инсоннинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига имкон берувчи улуглик ёшига этиши (Гўрӯғли 120 ёшга киради. Алпомиш эса 108 йил яшайди. Ҳар

икки рақам ҳам инсон умрининг анъанавий бир бутун ҳалқасини рамзий ифодалаши).

20. Қаҳрамонга ҳамкор жанговор отнинг ҳам алп босиб ўтган синов ва тобланиш жараёнидан бир-бир ўтиши.

21. Авлодларнинг алп ҳақидаги достонни яратиши.

Ушбу алплек тизими тасаввурлари қаҳрамонлик эпосининг асоси, таянч умуртқаси ҳисобланади.

Халқнинг алп ҳақидаги бу яхлит тушунчалар тизими моҳиятида нима турибди?

Ер юзида издан чиққан тартибни ўзанига қайтариш оддий хом сут эмган банданинг кўлидан келмайди. Эпик талқинга кўра ергаги мувозанатнинг бузилиши, ўз навбатида, бутун олам, космосдаги тартибни ҳам издан чиқаради. Шу сабабли космос вакиллари – ҳомий эранлар бу жараёнга аралашадилар. Улар бу вазифани бажарувчи хос вакил танлашади. Ушбу вакил бутун борлиқ (космос, хаос, ер) кучларининг куввати пайванд бўлган жойдан униб чиқади. Чунки унинг космос, хаос, ер дунёларида тобга келган руҳи ва тани бутун олам тартибига халал берган кучларнинг ҳар бири ни ўз жойида (кўқдагисини кўқда, ердагисини ерда, ер остидагисини ер остида) ўз ўрнига қўйиш имконини беради. Шунинг учун ҳам алп оддий одамлар орасида туғилган хос – танланган киши ҳисобланади. Лекин у туғилиб алп сифатида кучга энгунинг қадар кечган вақтда ўзига хос тобланиш боскичларини – инициация жараёнини яшаб ўтиши шарт бўлади. Айни шу тобланишлар ва алп сифатида тан олинилиш, ўзига юклangan миссияни адо этишга киришиш алплек тизими тасаввурларини ташкил этади.

Халқ дунёқарашидаги алплек тизими ҳақидаги тасаввурларнинг моҳиятан халқнинг яна бир танланган кишилари ҳисобланмиш шомонлар ва шомонлик тизими тушунчаларига уйғун келиши ҳам алплек тизимининг халқ дунёқарашида қадимдан яхлит тизим сифатида амалда бўлганлигини тасдиқ этади.

Туркий шомонлик тизимида руҳлар томонидан «танланган» номзод ҳақиқий шомон – одамлар ва руҳлар олами ўртасидағи воситачи бўлгунинг қадар алплек тизимида гидек уч муҳим боскични яшаб ўтади. Яъни:

1. Танланганлик (руҳлар томонидан танланади).

2. Шомонлик дардига йўлиқиши.

3. Ҳомий руҳлар томонидан шомон сифатида кайта яралиши.

Энг улуг шомонларнинг туғилмасданоқ руҳлар томонидан танланиши ва унинг туғилиб, шомон бўлгунича яшаб ўтган синов боскичлари – инициация жараёнлари, шомон бўлгач маҳсус шомонлик анжом ва белгиларига эгалик қилиб, сехрли кувват касб этишлари ҳам алплик тизими тасаввурларига уйгун. Бу эса ҳар икки ҳодиса асосида ягона, умумий тасаввурлар туришидан далолат беради.

«Гўрўғли» (Гўрўғлининг туғилиши, болалиги, уйланиши ва ғойиб бўлиши достонлари талқинида), «Алпомиши» достонларидаги алплик тизимига тегишли етакчи хоссаларнинг бадиий талқинларини шомонлик тизими тасаввурларига қиёсан қараб чиқайлик.

1. Қаҳрамоннинг туғилмасданоқ ҳомий эранлар назарида турганлиги – назаркарда эканлиги. «Гўрўғли» достонининг Пўлкан шоир версиясида бу воқеалар тафсилоти Хизрнинг Гўрўғлига айтган ушбу сўзларида аниқ ифодаланган:

*Тоганг билан отанг жонини сотди,
Бир бедовни иккови минди-да кетди.
Заргар элда Ҳилолойни бўзлатди,
Тоганг билан отанг Ёвмитга етди.
Ўйла ўзинг, қари чолнинг фарзанди,
Ор билан Ҳилолой оламдан ўтди...¹*

Хизр Гўрўғлини «ўғлим», «нафас ўғлим», атайди. Ҳатто достоннинг лақай версиясида қаҳрамоннинг онаси бевосита Хизр назаридан ҳомила топади ва Гўрўғли дунёга келади. «Алпомиши» достонида айтилади: «Қирқ кун ўртадан аниқ ўтди, боз равзадан овоз келди: «Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди; Бойсари сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойикларни йигсанг, тўй-томушалар

¹ Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: М. Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 126-бет.

берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларингнинг отини ўзим қўйиб келаман»¹. Ушбу ғойибдан келган хабар туғилажак фарзанднинг назаркарда эканлигидан далолат беради. Худди достонда тасвирланганидек шомонлик амалиётида ҳам шомон дунёга келмай туриб, у маълум бир эран-руҳ назарида бўлиши мумкин. В. Н. Басилов ўз тадқиқотида бу хил мисолларни келтириб ўтган².

2. Қаҳрамоннинг «алплик дардига»га йўлиқиши жараёнидаги ёши. Шомонлик дунёқараши бўйича энг зўр шомон 3–5 ёшида «шомонлик дарди»га йўлиқади.

Гўрўғли ҳам 3–7 ёшида «алплик дарди»га йўлиқади. Хусусан, уч ёшдан бошлаб ошиқ ўйнаб тўполнонлар кўтарса (ўзбек ва туркман версиялари), беш ёшидан бозорни (туркман версияси) талатўп қиласди. Етти ёшида Бадкир полвонни ўлдиради (ўзбек версияси).

Гўрўғлининг Ёвмитга келгандан кейин, Райхон арабга Холжувонни олдириб қўйгач, аламдан қилган «дали»ликларини ҳам ана шу «алплик дарди»нинг давоми сифатида баҳолаш керак.

«Алпомиши» достонида алплик дарди талқини «Гўрўғли» эпосига қиёслаганда тўла бадиий ечимга эврилганини кўрамиз. Одатда, қаҳрамон – алп халқнинг қуввати сўниб, омма инерт ҳолатга келган бир даврда уни кучга эндирувчи ўзига хос уйғотувчи сифатида пайдо бўлади. Бу даврда инерт авлод ичиди пассионар авлод туғилади. Алп пассионар авлод вакилигина эмас, дарғаси, йўлбошчиси ҳисобланади. Ҳамиша пассионар авлод инерт авлод ҳаловатини бузади. Бу жараёнсиз этнос қувватга кирмайди. Яъни, янги сифат босқичига чиқмайди. «Алпомиши»даги закот мотиви ва элнинг бу янгиликдан безовта бўлиб кўчишини ана шу икки авлод кураши билан изоҳлаш керак. Достондаги «закот» мотиви асосида алплик дарди бадиий кодлари турибди. Достоннинг бошқа вариант ва версияларида бу мотив бошқа шаклда талқин этилган. Асос шулки, достондаги алплик дардини ифодаловчи воқеалар

¹ Алпомиши. Достон. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Тўра Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – 68-бет.

² Басилов В. Н. Избранные духов. – М.: ИПЛ, 1984. – 59-стр.

тафсилоти пассионар авлоднинг кучга кириш даврида уни инерт омма қабул қила олмаслигини акс эттиради. «Алпомиш»нинг Қўрғон достончилари ижро этган версиясида эса қаҳрамоннинг алплик дардига йўлиқсан вақтидаги хатти-ҳаракатининг тасвирида алплик тизимининг архаик шаклига мос келувчи бир мотив бор. Яъни, Алпомиш болалик вақтида қулкунтой қушнинг боласини ололмагач күш уясининг оғзини беркитиб қўяди. Күш эса: «Менинг болаларимни зинданбанд қилдинг, сен ҳам етти йил зинданбанд бўл», – деб қаргайди. Шу билан айни пайтда қаҳрамоннинг зинданга тушиш сабаблари ҳам «такдир» ҳалқасида унинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ белгиланганлигини бадиий асосслайди. Этноснинг савобу гуноҳи алпнинг тақдирида, алпнинг савобу гуноҳи этноснинг тақдирида намоён бўлишини кўрсатади. «Алплик дарди» нафақат алпнинг, балки этноснинг янгиланиш бўсағасидаги «дарди», уйғониш, ҳаракатга келиш «оғриқлари» ҳамдир.

Шомонлик тасаввурларида энг кучли шомонлар уч бора касал бўлиб, уч бора қайта яралган. Гўрўғли «телба»ликларидаги ана шу уч босқич алпнинг ҳам қайта яралиш жараёнидан уч бора ўтганилигига гувоҳлик беради.

3. Эпик ҳомийнинг қаҳрамонга алплик сир-синоатларини ўргатиши. Шомон «шомон касаллиги» дардига йўлиқсан даврида эранлар (отахонлар, момолар) унга «дарс» беришган. Бу тасаввур ўзбек шомончилигига ҳам қатъий анъянага айланган. Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Работ қишлоғида яшовчи Зубайдада қушноч Нурмон қизи дардга йўлиқсан вақти укасидан тарвуз олиб келиб беришни сўраган. Тарвузни олган Зубайдада опа уйни беркитиб, ўзига-ўзи гапириб, тарвузни бўлиб, худди одамни қараётгандай (даволаётгандай) турли ҳаракатлар қилган, ҳушига келганда, укаси (у киши шифокор) нега бундай қилдингиз, деб сўраса, «сен уч йил ўқиб шифокор бўлдинг, мен ҳам уч ой ўқиб дўхтир бўляпман-да», деган экан. Чунки шу вақт давомида момолар Зубайдада опага беморларни қандай даволаш сирларини ўргатишган экан. Зубайдада опа қушночликни тўлиқ бўйнига олганларидан кейин момолар қийнамай қўйишган¹.

¹ Болиева Яхшигул. 1938 й.т., Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Аймат қишлоғи.

Худди шомонлик тизимида бўлгани каби «алплик» тизимида ҳам ҳомий руҳлар қаҳрамонни алплик сир-саноатларига ўргатади. Жумладан, Гўрўғли Ғиротни излаб Ҳазрат Хизрга йўлиқиб, отини топган вакти, Ҳазрат Хизр ёлгондан отга эга чиқиб, мени курашиб йиксанг отни оласан, деб шарт қўяди ва курап усулларидан қаҳрамонга сабоқ беради¹.

Қаҳрамоннинг эранлар тарбиясини олиши «Алпомиш» достонида умумий ахборот тарзида айтиб ўтилади.

4. Қаҳрамоннинг ҳомий қароргоҳида оддий одамдан алп ёки соҳибқирон қилиб қайта яратилиши.

Шомоннинг «қайта яралиш»и жараённида ҳомий руҳлар – эранлар (момолар, отахонлар) бўлажак шомонни ўз қароргоҳига олиб бориб (ғорларга, овлоқ жойларга, тоғ дараларига), бу ерда унинг жасадини бўлак-бўлак қилиб ейишади, баъзан қозонда қайнатишади, тоблаб яна қайта ўз ҳолига келтиришади. Натижада, киши оддий одамдан шомонга айланади.

«Гўрўғли» достонида ҳам моҳиятан айни шу жараённинг бадиий тасвирини кўрамиз. Достоннинг туркман версиясида эранлар улкан чинорнинг тагида қаҳрамоннинг кўксини ёриб, барча аъзоларини нур билан ювиб, шароби антаҳур билан сийлашади. Ўзбек версиясида «операция» мотиви унутилган. Лекин эранлар Гўрўғлини ғорга олиб кириб, шароби антаҳур билан сийлаб соҳибқиронга айлантиришади, ўз сафларига қўшишади. Достоннинг озарбайжон версиясида эса эпик ҳомий вазифасини қаҳрамоннинг отаси бажаради. Али киши баланд тоғ устидағи жуфт булоқ – Кўшабулоққа ҳар етти йилнинг еттинчи жума оқшоми машриқу мағриб томонда туғилувчи юлдузларнинг нури кўкнинг ўртасида тўқнашиб, нури Кўшабулоққа тўкилиб, булоқ кўшириб тошган вакти қаҳрамонни кўпирган сувга чўмилтириб, сувидан ичиради. Натижада, Кўрўғли дунёда тенги йўқ кучу қувватга, сеҳрли овозга эга бўлади². Достоннинг «Короғлу-Бозоғли» вариантида эса ушбу сувдан Ғиротга ҳам

¹ Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: М. Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашириёти, 1967. – 124-бет.

² Короғлу / Тартиб едани: М. Н. Таҳмасиб. – Бакы, 1959. – 36-бет.

ичиришади¹. Айни мотив ўзбек версиясида ҳам мавжуд. Чилтантлар соҳибқиронни кўтара оловчи от ҳам соҳибқирон бўлиши керак деб, Фиротга ҳам антахур майидан беришид².

Достоннинг ўзбек, туркман, озарбайжон версияларида «алпнинг қайта яралиши» мотивининг асосий таянч ҳалқалари сақланиб қолган. Ушбу мотивлар ўзаро қиёсланса, улар бир-бирини тўлдиради ва эпосдаги «алпнинг қайта яралиши» мотивининг илк кўринишини тиклашга имкон беради.

а) «алпнинг қайта яралиши» амалга ошувчи жой: ўзбек версиясида тоғ, чилтантлар ғори. Туркман версиясида чўл, улкан чинор таги. Озарбайжон версиясида тоғ устидаги сирли булоқ.

б) «алпнинг қайта яралиш» тафсилоти: туркман версиясида Гўрўғлининг кўкси ёрилиб, барча аъзолари нур билан ювилади. Озарбайжон версиясида юлдузлар нури тушиб кўпиргган булоқ суви орқали сеҳрли куч-қудрат соҳибига айланади. Ўзбек версиясида: чилтантлар даврасида илоҳий ичимликни ичиб, коинот сирларидан воқиф бўлади, соҳибқиронга айланади.

Барча версияларда тасвирланган «алпнинг қайта яралиши» амалга ошган жой тасвирлари яхлитлаштирилса, туркий халқларнинг бутун коинот тузилиши ҳақидаги мифологик тушунчалар тизимидағи ернинг киндиги – маркази борасидағи тасаввурларига айнан мос келади. Айни тасаввурнинг универсал кўриниши бошқа динлар таъсирига нисбатан камроқ учраган олтой турклари дунёқарашида кўйидагича кўринишда берилади: «Тоғ, тоғнинг тепасида сутли кўл, кўлнинг ўртасида ер (орол) ва унда ер билан осмонни боғловчи – шохлари кўкка чирмашган олтин баргли терак. Бу жой ернинг киндиги деб аталган»³.

Демак, «Гўрўғли» достоннинг илк босқичларида (барча версиялардаги мотивлар бунга асос бўлади) «алпнинг қайта яралиши» улкан тоғ (ўзбек ва озарбайжон версияларида тог ва тоғдаги ғор)да, сутли кўлда (озарбайжон версиясидаги булоқ, ўзбек

¹ Короглу / Тартиб едани: М. Н. Таҳмасиб. – Бакы, 1959. – 401-бет.

² Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: М. Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 129-бет.

³ Басилов В. Н. Избранные духов. – М.: ИПЛ, 1984. – 70-стр.

ва туркман версиясидаги шаробу антахур. Ўзбек версиясининг бир қатор вариантиларидағи қаҳрамон онасининг сув кўпиги ва сувда оқиб келган олмадан ҳомила топиши), кўл ўртасидаги оролда, илдизи ер тагига, шохлари кўкка етган терак (туркман версиясидаги чинор тагида қайта яралишнинг амалга ошуви) остида – ернинг киндигида бажарилган. «Гўрўғли» достонининг қадим бобо сюжетида эранларнинг – эпик ҳомийларнинг макони Асқартоғ тепасидаги ернинг киндигида жойлашган деб тасаввур қилинганд.

5. Қаҳрамоннинг эран – ҳомийлардан алплик қурол-аслаҳаларини олиши.

Эпосдаги ушбу мотив ҳам шомонлик тасаввурлар системасидан ўз параллелини топади.

Шомон ўзининг асосий қуроли – доира (дунгур)ни руҳлар хоҳишига кўра, улар айтган вактдагина олади¹. Шомонлик тўнига осилувчи туморлар ҳам эранлар-руҳларнинг тури, тоифасига мос танланади². Туморлар ва доиранинг магик қудрати, билими шомон кўнглига жойланиши анъанавий тасаввур ҳисобланади.

«Гўрўғли» эпосида ҳам алплик қурол-аслаҳаларини ҳомийлар ўзлари лозим, деб билган вактдагина қаҳрамонга беришади.³ Қаҳрамоннинг сафдоши жанговар от ҳам инициация жараёнидан ўтиб жами асбоб-анжомлар билан таъминланади⁴. Алномиши эса Алпинбой бобосидан қолган биринч ёйга ҳақли равища эга бўлади.

6. Қаҳрамоннинг сеҳрли қудратга эга бўлиши.

Қаҳрамоннинг сеҳрли қудрат, белги-нишоналарига эга бўлиши халкнинг «алплик» тасаввурлар системасидаги таянч ҳалқалардан ҳисобланади. Бу ҳол озарбайжон версиясида қаҳрамоннинг овозида, деб талқин этилади ва у бу қудрат

¹ Басилов В. Н. Избранные духов. – М.: ИПЛ, 1984. – 77-стр.

² Басилов В. Н. Избранные духов. – М.: ИПЛ, 1984. – 117-стр.

³ Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрға тайёрловчи: М. Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти. – 132, 134–135-бетлар.

⁴ Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрға тайёрловчи: М. Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти. – 133–134-бетлар.

Қўшабулоқ сувидан деб айтилади. У қийин шароитга тушганда, ракибларини қудратли хайқириги билан енгади¹. Достоннинг ўзбек версиясида ана шундай қудратли хусусият – Гўрўғлининг кўзида, деб талкии этилади².

Гўрўғлининг ўзбек ва туркман версияларида яна бир сехрли қудрат – эранлар ҳомийлигига қаҳрамон кўнглига барча илмларнинг – илму қол ва илму ҳол, етмиш икки тилнинг жой бўлишидир³. Шомонга ҳомий эранлар берган барча белгилар магик қудратли ҳисобланади. Ҳомийлар шомонларга доира, пичоқ, қамчи, сирли тош ва бошқа буюмларни тужфа қилишади. Шомон бу буюмларни ўз амалиётида кўллади.

7. Қаҳрамоннинг эранлардан тилак сўраши ва эранлар (ҳомий) нинг қаҳрамон тақдирини билдириши эпик қаҳрамон ва улуғ шомонлар ҳаётининг асосини ташкил этади. Чунки алп ва шомон танланган шахс ҳисобланади. Унинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган бўлиб, алплик ва шомонлик миссияси елкасига тушган шахс ўз вазифасини бажариши шарт деб тушунилган. Алп ва шомон ҳомий эранлар маконида қайта дунёга келгач, яъни алп ва шомон сифатида қайта тугилгач уларнинг кейинги ҳаёти, фаолияти ўз ҳомийлари муҳофазасида бўлади, ҳар доим уларнинг ёрдамида мақсадларига эришади.

8. Қаҳрамон куч-қудратининг ҳомий рухлар куч-қудрати билан чамбарчас боғлиқлиги.

Ушбу хоссанинг бадиий талқинлари ва шомон амалиётидаги мисоллари кўп.

9. Қаҳрамоннинг эранлар ҳузуридан қайтиб алп сифатида тан олиниши. Бу мотив эпосдаги «алпнинг тўлиқ шаклланиб бўлиши» билан боғлиқ сюжет ҳалқаларини якунлайди. Яъни мантиқан олганда, Гўрўғлининг эранлар ҳузуридан ўз оти билан қайтиб, Чамбилда хон кўтарилиши, шомоннинг барча «саргу-

¹ Короғлу / Тартиб едани: М. Н. Таһмасиб. – Бакы, 1959. – 33-бет.

² Гўрўғлининг тугилиши / Айтувчи Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрға тайёрловчи: М. Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашириёти. – 178, 183-бетлар.

³ Гўрўғлининг тугилиши / Айтувчи Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Нашрға тайёрловчи: М. Муродов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашириёти. – 47-бет.

заштлардан» сүнг уруғдошлари томонидан ҳақиқий шомон си-фатида тан олинниши билан уйғундир. Уруғда янги шомон пайдо бўлиб, ўз уруғдошларини руҳлар ёрдамида даволаб, уларнинг мушкулларини енгиллаштиргани каби алп элнинг қувватига қувват қўшиб, унга ўзлигини танитиб, таркоқ ҳалқни бириктириб, катта бунёдкор кучга айлантиради. Атрофига йигитлар, эл оқсоқолларини йифиб, кучдан қолган, тобе бўлган давлатчилигини қайта тиклайди. Элу ҳалкнинг орини олиб, шаънига шаън, ғурурига ғурур қўшиб, орзу тилакларига етиштиради, ўзи мансуб бўлган авлод орқали инсоният камолининг яна бир босқичига хизмат киласди.

Биз юқорида «Гўрўғли» ва «Алпомиши» достонлари таркибидан бу пайтгача тадқиқотчилар диккат қаратмаган «алплик» тизимининг етакчи ҳалқаларини анъанавий шомонлик тизимига қиёслаб талқин этдик. Натижа бу тасаввурларнинг ҳайратланарли даражада бир-бирига уйғун келишлигини кўрсатди. Бу ҳолат қадим туркий ҳалклар ўртасида «алп» ва «шомон»лик ҳақида яхлит анъанавий ўзига хос тизимлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ушбу тизимларга кўра шомон бўлмаган одам «руҳлар дунёсига» кира олмагани каби алп бўлиб, илоҳий тайёрланмаган одам ҳам алплик оламига кира олмаган. Оддий одамлардан фарқли, шомоннинг «руҳлар дунёси» билан пайвандловчи ҳомий эранлари бўлгани каби, алпни ҳам бутун борлиқ – ер ости, ер усти ва осмон дунёси билан боғлаб, бу маконларга эркин бориб келишига ёрдам берувчи, уни қўллаб-қувватловчи эран – ҳомийлари мавжуд деб англанган. Ушбу тасаввурлар илдизи одамлар ва рух-эранлар дунёси «танланган»лар воситасида алокা қиласди, деб қаралувчи қадим анимистик дунёқараашларга уланади. «Гўрўғли» ва «Алпомиши» достонларидаги шомонлик тизими дунёқарашига уйғун мотивлар ушбу достонлар ўзагида турувчи дунёқараашнинг бевосита анимистик тасаввурлар замирида шаклланган қадим мифо-поэтик тафаккур маҳсули эканлигини далиллайди, исбот этади. Шомонлик тизими ҳақида бугун ҳам амал қилаётган яхлит тасаввурлар олами бўлгани каби достон пайдо бўлган даврда ҳалқнинг алплик тизимини ифодаловчи дунёқараши ҳам амалда

мавжуд бўлган. «Гўрўгли» ва «Алпомиш» достонлари ўзагидаги алплик тизими ана шу дунёкарашнинг эпик талкиндаги бадий ифодасидир. Ушбу талқинга кўра, «Гўрўғли» достонида халқа алп кераклигини сезган эранлар, уни ҳомила ҳолатига келтиришган. Ҳомила даврида огоҳ туриб, туғилиши билан кабрга чироқ ёқишишган. Унга бияни олиб келиб, энага қилиб, шер ҳамласидан кутқаришган. Алплик юкини зиммасига юлашган. Алп сифатида қайта яратиб, тақдирини олдиндан белгилаб, лозим кўрилган вақтгача авайлаб-асраб келишган, тилакларининг амалга ошишида қўл-қанот бўлишган. Халқ шундай англаган, талқин этган.

Алплик тизимининг шомонлик тизимидан фарқланиб турувчи қўшимча хоссалари ҳам мавжуд ва улар қаҳрамонлик достонларида ўз бадий ифодасини олган ҳамда биз мақола аввалида сабаб ўтган хоссалар таркибида акс этган.

Алплик, шомонликда воқе бўлувчи «танланган»лар ҳакидаги тасаввурлар яна бир хос инсонлар – тасаввуф ахли, сўфийлар ҳаётида ҳам кузатилади. Кўпчилик сўфийлар, хусусан, маълум бир тариқатга асос соглан азиз-авлиёлар таржимаи ҳолига назар солсак, уларнинг ҳаёт йўлида худди алплик ва шомонлик тизими билан айнан уйғун келувчи ҳодисалар рўй бериши маълум бўлади.

Худди эранлар маконида алп руҳининг тобланиши, яъни «ўлдирилиб, қайта тирилтирилиши» каби сўфиий ҳаётидаги бу ўта муҳим жараён, уларнинг «ўлмай туриб ўлиш» ёки «асл ҳаётга қайтиш» ғоясида акс этган, мужассам топган. Идрис Шоҳ ушбу таълимотнинг асл моҳиятини сақловчи сўфийлар ҳаётида «ўлим» жараёнидан ўтишнинг уч асосий босқичи мавжуд эканлиги ва бунда номзод ўзига хос Оқ ўлим, Яшил ўлим, Қора ўлимнинг руҳий кечинмаларини бошидан кечиришини ёзади¹.

Алплик ва шомонликдаги уч босқичли «ўлим» жараёни ва уларнинг уч олам (кўк, ер, ер ости) билан боғлиқ тарзда англаниши достон материаларида бадий тасвир этилган.

Ушбу уйғунликлар халқ идеалидаги мукаммал инсон, халоскор қаҳрамон – алп ва сўфиий бир умумий тизимга алоқадор талқин

¹ Идрис Шах. Суфии. – М., 2001. – стр. 413–414.

этилганлигини билдиrmокда. Халқ қаҳрамонлари – Гўрўғли ва Алпомишларнинг бош ҳомийси Хизр эканлиги маълум. Айни пайтда, Хизр барча сўфийларнинг пиру комили ҳисобланади. Ушбу талқин ва умумийликлар, аввало, халқнинг комил инсон билан боғлиқ умумтасаввурларига асосланади. Чунки алп жисмонан бакувват бўлиш баробарида руҳан камолотга эришуви шарт. Худди шунингдек, руҳий баркамоллик ҳам жисмоний чиникишни талаб этади.

Иккинчидан, алп образига реал асос бўлган барча тарихий шахслар ўз имконидаги жисмоний чиникиш дастурини уйғотиш баробарида руҳий жиҳатдан ҳам юксак мақомга кўтаришганлар. Сўфийлар эса руҳий тарбия билан жисмоний қувватларини баробар ривожлантирганлар.

Қисқача хулоса сифатида айтилса, алплик, шомонлик, сўфийлик тизимлари ўртасида мохияттан уйғунлик мавжуд ва у инсон камолоти йўл-йўриғи сифатида кесишибади, айни пайтда уларнинг ўз харакат, фаолият доиралари мавжуд. Гўрўғли ва Алпомиш ана шундай хусусиятларга, сифатларга эга шахс. Гўрўғли ва Алпомиш – ўзида чинакам комиллик қувватини мужассам этган образ. Уларнинг бу сифатлари, кенг феъли ўз атрофига бошқа эзгу кучларнинг жипслашувига ҳам имкон яратади.

Шорустам
ШОМУСАРОВ
(1958 йилда тувишкан)



Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий типологияси билан боғлиқ масалаларнинг изчил тадқиқотчиси Шорустам Фиёсович Шомусаров 1958 йил 17 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетида (1976–82), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти аспирантурасида ўқиган (1984–87). Тошкент давлат университетида ўқитувчи (1982–84), кичик илмий ходим, катта илмий ходим (1988–92), Тил марказининг директори (1992–93), Тошкент давлат шарқшунослик институти «Араб филологияси» кафедраси мудири (1993–95), илмий ишлар бўйича проректор (1995–97), қирол Сауд номидаги университет профессори (Саудия Арабистони) бўлиб ишилаган (1997–2013). Ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик институти «Араб филологияси» кафедраси мудири вазифасида ишиламоқда. Ҳалқ оғзаки поэтик ижодиётининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркиби ва бадиияти, араб ва туркӣ ҳалиqlari оғзаки ижодининг типологияси ва ўзаро таъсири, араб-ўзбек фольклор алоқалари, «Минг бир кечак»нинг туркӣ ҳалиqlar эртакчилик анъаналарига таъсири каби масалаларни тадқиқ этган. Унинг «Арабский фольклор» (1992), «Очерки средневековой арабской прозы» (1992, ҳамк.), «Улуг ой умидлари: «Ё рамазон» қўшиқлари» (2001, ҳамк.), «Ўзбек мифологияси ва араб фольклори» (2001, ҳамк.), «Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили» (2002), «Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов» (Москва, 2010), «Туркӣ ва араб ҳалиqlari фольклори типологияси ва ўзаро таъсири» (ар-Риёд, 2012, араб тилида) каби китоблари нашир этилган.

АРАБ ВА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЭРТАКЛАРИ СЮЖЕТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Маълумки, ўзига хос эпик анъанага эга бўлган араб фольклори асосида юзага келган «Алф лайла ва лайла», яъни «Минг бир кечা»нинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва халқ орасида ўзининг ранго-ранг сюжетларида баён этилган кизикарли ҳангомалари билан машқур бўлганлиги эпик насрларнинг мавзу қамровини кенгайтирувчи бош омиллардан бири бўлди. Араб эртаклари таъсирида ўзбек халқ эртаклари сюжетида ҳам янги мотивлар юзага келди. Айрим сюжетлар тўлалигича трансформациялашиб, алоҳида бир эртак сифатида ўзбек фольклорининг миллий бойлигига айланди. «Минг бир кечা»даги эртаклар сюжетида алоҳида мотив сифатида қайд қилинган композицион элемент ўзбек фольклори эпик анъаналари таъсирида мустақил эртакка айланган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу эпик ходисанинг иккинчи бир кирраси, яъни бир халқ эртагига асос бўлган сюжет иккинчи бир халқ фольклорига сингиб кетиши жараёнида эпик асар бадиий тўқимасидаги муайян эстетик элемент (мотив)га айланиши ҳолати ҳам кузатилади.

«Минг бир кечা»нинг 509-кечасида қўйидаги эртак келтирилади: «Жоншоҳ кўп нарсаларни кўриб, уларга таажжуб қилди. Уй ичидаги саройга кирди, ҳовуз ёнидаги айвонга ўрнатилган тахтага чиқди ва тахтадаги чодирга кириб, бироз ухлади. Кейин уйғониб, сарой эшигидан чиқди, сарой эшиги олдида кўйилган курсида таажжуб қолиб ўтирган вақтида, ҳаводан кабутарга ўхшаган уч қуш келиб, кўлнинг бир тарафига тушди. Бир-бирлари билан ўйнашиб, устиларидағи пат-кайимларини ечишган эди, дунёда мисли йўқ, ойдек уч қизга айланди. Сўнгра кўлга тушиб сузишди, ўйнашди ва кулишди»¹.

Бу лавҳада дунё халқлари фольклорининг анъанавий унсурларидан бири – эврилиш, яъни эпик қаҳрамоннинг сирли кудрат воситасида ўз шаклу шамойилини ўзгартириб, бошқа қиёфага кириши мотиви ўзининг юксак бадиий ифодасини топ-

¹ Минг бир кеча. Т. 5. – Тошкент, 1962. 178-бет (Бундан кейин шу манбадан олинган мисолларга «МБК (жилд ва сахифа рақами)» ҳаволаси берилади).

ган. Умуман, «Минг бир кеч»га киритилган араб эртакларида эврилиш мотиви кўп учрайди. Масалан, «Шоҳ Шаҳрамон ўгли Қамаруззамон ва малика Будур қиссаси»да Даҳнаш дев «бир думалаб» бурга суратига кириши тасвирланган (МБК. З. 146–147). «Ажиб ва Ғарип қиссаси» эртагида тасвирланишича, сехргар Довул деган бир моридини чақирибди-да, унга бир мисқол банж бериб: «Исбонир мадоинга бор-да, чумчук қиёфасига кириб, Ғарип қасрига кириб, уни беҳуш қилиб ҳузуримга келтир!» – деб буюрибди (МБК. 6. 256–257).

Кўринадики, Даҳнаш дев ўзининг магик қудрати, яъни сехрли йўсинда ўзга киёфага кира олиш амалини билгани учун бургага айланади. Довул морид эса сехргар берган сирли ашё ва унинг магик айтимлари воситасида ўз тусини ўзгартиради. «Ажиб ва Ғарип»даги Довул мориднинг чумчук (қуш) сувратига кириб, эртак қаҳрамонининг рақиби буюрган вазифани бажариши характерли мотивдир. Бунга ўхшаш эврилиш ўзбек эртакларида ҳам учрайди.

«Мастон ва уч ака-ука» эртагида ёвуз ниятли шум кампир ботир оға-иниларни таъкиб қилиш учун ўз кўринишини ўзгартириб, қушга айланади. Бу эртакда эврилиш мотиви образлар таркибининг миқдорий белгисига монанд ҳолда уч марта такрорланади. Мастон кампир Бўронбекни калхат бўлиб, Довулбекни бойўғли бўлиб, Арслонбекни қузгун бўлиб таъқиб қиласди¹.

Юкорида келтирилган етакчи мотив – қушларнинг ўз патини ташлаб, қизга айланиши ўзбек халқ достонлари ва эртакларида ҳам учрайди. Бу мотив ўзбек фольклорига, шубҳасиз, «Минг бир кеч» эртакларидан ўтган.

«Аҳмадлар» эртагида дунёда йўқ гулни топиб келиши зарур бўлган қаҳрамон хотини – Дилафрўз парининг маслаҳати билан кўзига суртса, ҳеч кимга кўринмас бўлиб қоладиган ғаройиб сурмани суртиб, Боги Эрамни томоша қилиб юради. Бир вақт «шов» этиб бир тўда чиройли каптарлар келиб, ҳовузга тушишга тайёрланибдилар. Аҳмаджон не кўз билан кўрсинки, каптарлар бир силкиниб, қип-яланғоч қиз бўлиб, бирин-кетин ўзини сувга ташлайверибди. Шу вақт яна уч каптар осмондан учиб келиб, ечиниб,

¹ Ойномода аждаҳо. Ўзбек халқ фантастикаси. 1-китоб. – Тошкент, Ёш гвардия. 1983, 91–96-бетлар.

қиз бўлиб, ўзларини сувга ташламокчи бўлиб турганида, шу уч қиздан бирисининг бўйнида Аҳмаджон қулфни кўриб қолибди»¹.

Араб ва ўзбек эртагида капитарларнинг қизга айланиши мотиви ўзининг баёний усули, эртак сюжет тўқимасидаги бадиий ўрни ва вазифаси, персонажлар таркиби, маконий талқинига кўра айнанликка эга. Жоншоҳ капитар-қизлардан бирининг ҳусну жамолига шайдо бўлиб, уни севиб қолади. Аҳмаджон эса бўйнига калит осилган қиз сеҳрли гул соҳиби эканлигини билиб олади. Ҳар иккала эртак қаҳрамони ҳам ўз мақсадига етиш йўл-йўрикларини ёрдамчи-эпик кўмакчи воситасида билиб оладилар. Жоншоҳнинг опик бўлганини билган шайх Наср унга шундай тадбир ўргатади: «Улар (яъни капитар-қизлар – Ш.Ш.) келиб кўлда сузишади, ўйнашиб-кулишади. Улар кийимлари турган жойдан узоклашганда, сен ўзинг хоҳлаган қизнинг кийимини ол...» (МБК. 5. 181).

Подшо шартини бажаришга бел боғлаган Аҳмаджонни сафарга жўнатаётган Дилафрўз эрига «капитарлар бир силкиниб, қизга айланиб сувга тушишгач, бошлаб бўйнига қулф осилган қизнинг кийимларини, кейин ҳаммасининг кийимларини» олишни маслаҳат беради. Демак, ҳар иккала эртак қаҳрамонининг ўз мақсадига эришиш усулининг эпик талқинида ҳам муштараклик мавжуд.

Капитарларнинг қизга айланиши мотиви қадимги одамларнинг жон ҳақидағи анимистик тасаввурлари асосида юзага келган. Фольклоршунос F. Акрамов ўзбек халқ эртакларида кўп учрайдиган мотивлардан бири – жониворларнинг ўз пўсти ёки терисини йиртиб инсон қиёфасига кириши «анимистик мифология»га алоқадор дейди².

Капитарларнинг қизга айланиши араб ва туркий халқлар эртакларининг анъанавий мотивларидан бири эканлигини қуидаги типологик муштаракликлар ҳам тасдиқлайди: «Басралик Ҳасан қиссаси» (778–831-кечалар) эртагининг бош қаҳрамони ҳовуз бўйида ўнта қуш турганини кўриб қолади. Бир пайт паррандалар ҳар бири ўз чангали билан ўз қобигини ёриди – уларнинг устидаги териси қуш патидан ишланган чопон экан. Тери ичидан

¹ Олтин бешик / Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1985, 140–141-бетлар.

² Акрамов X. Аниматик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1977. – № 3. – 52-бет.

хусни ойни шарманда қиласынан үнта қиз чиқибди. Улар кийимларини счишиб, ҳовузга тушиб, чўмилишибди (МБК. 7. 246).

«Миср подшоси» номли ўзбек эртагида бу мотив шундай бадиий ифода қилинади: Ҳамро Ҳурлиқони излаб, бокқа боради. Ҳовуз бўйидаги олмазорда дам олиб ўтиrsa, бир гала каптарлар «дув» этиб келиб, ҳовуз лабига қўнишади. Улар бир юмалаб, дев-париларга айланибдилар.¹ Бу мотив озарбайжон эртакларида ҳам бор: каптар – парилар чўмилишдан аввал, таом ейиш ёки шахмат ўйнаш эктиёжи туғилганда ўзларининг «куш либос»ларини ечадилар².

Дунё халқлари оғзаки ижодиётида эпик қаҳрамоннинг күшга айланиши ҳақидаги эртаклар алоҳида гурухни ташкил этади. Бу мотив жаҳон халқлари эртаклари сюжетларининг Аарне–Томпсон томонидан тузилган қиёсий кўрсаткичидаги АТ781 рақамли эпик сюжет сифатида тавсифланган.³ Бундай эртакларда тасвирланишича, ўгай она етимчани ўлдириб, унинг гўштини пишириб боланинг отасига едиради; етимчанинг опаси эса укасининг суякларини йиғиб кўмиб кўяди ва ана шу суяклар күшга айланиб учиди; воқеалар ривожи давомида қүшга айланган етим бола ёмонларни жазолаб, яхшиларни совғалар билан тақдирлайди ҳамда ўзининг асл қиёфасига қайтади.

Каптарларнинг ўз «либосини» ташлаб, қизга айланиши мотиви пари тўғрисидаги мифологик тасаввурларга ҳам алоқадор. Г. П. Снесарев тўплаган этнографик маълумотларга кўра, хоразмлик шомонларнинг хомийлари – парилар каптар суратида намоён бўлишар экан. Хоразм халқ афсоналарининг анъанавий мифологик персонажларидан бири Ҳубби ҳам каптарга айланиб, онасининг ҳузуридан учиди кетганлиги тасвирланади⁴.

Бу мотивнинг тарихий илдизларини мифологиянинг эпик жанрларга диффузияси аспектида текширган Б. Саримсоқов

¹ Гулпари. Намангандаги эртаклари. – Тошкент, 1969. – 55-бет.

² Гезалов Ф. Х. Структура азербайджанских волшебных сказок. АКД. – Ташкент, 1990. стр. 19.

³ Бу ҳақда қаранг: Бараг Л. Г. Сюжеты и мотивы белорусских волшебных сказок // Славянский и балканский фольклор. – М., 1971, стр. 231.

⁴ Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М. Наука, 1969. стр. 48, 255.

«кўйк кантар қиёфасида учиб келиб, бир думалаб гўзал маликага айланадиган мифологик образ» хусусида шундай ёzáди: «Агар халқ орасида юрувчи турли хилдаги ривоят ва нақлларга диққат килинса, уларнинг барчасида ҳам парилар факат кантар қиёфасида учрашини кузатиш мумкин. Бу нарсанинг сабаби шундаки, кантар ўзининг турли хислатлари билан инсонга яқин турди. Қолаверса, қадимги инсонларнинг анимистик қарашлари, яъни кишиларнинг жони бевосита кантар қиёфасида учраши билан изоҳланади. Кўпгина халқ эртак ва достонларидаги мифологик образлар (масалан, мастон, аждар, дев кабилар)нинг жони топилиши мушкул бўлган жойларда кантар қиёфасида яширган бўлади. Қадимги инсонларнинг жон ҳақидаги тасаввурлари кантар билан боғлиқ экан, демак, тирик жон – пари образининг ҳам кантар билан боғлиқлиги ўз-ўзидан табиий ҳисобланади. Парининг кантар қиёфасидан инсон қиёфасига ёки аксинча айланиши, унинг ғайритабиий қудратга эга эканлигини англатишдан, аникрофи, инсон тасаввуридаги парининг мифологик заминини сехр пардасига чулғаган холда ифодалашдан иборат»¹.

Жоннинг қушга айланиши ҳақидаги анимистик тасаввурлар инсоннинг қушга ёки аксинча, қушнинг одамга эврилиши тўғрисидаги мифларни юзага келтирган. Бу миф қушнинг гўзал қизга айланиши мотиви сифатида кейинчалик эртакка трансформациялашган. Шуни айтиш керакки, тарихий-генетик асосига кўра бу мотив араб фольклорида шаклланган бўлиб, Марказий Осиё халқлари анимистик мифларининг ҳинд-эрон асотирлари орқали араб фольклори эпик жанрларининг сюжет тизимига сингиб кетиши биз таҳлил қилаётган анъанавий мотивнинг яратилиши учун эпик асос бўлган.

«Минг бир кечा» эртаклари таъсирида туркий халқлар фольклорида оммалашган бу мотив эртаклардан ташқари айрим достонларда ҳам қаҳрамон эпик саргузашларини бойитувчи бадиий деталь сифатида иштирок этади. «Малика айёр» достонида Гўрўғлининг Шакарқўлда париларни учратиши тасвири юқорида келтирилган эпик мотив – кантарларнинг кўл бўйига учиб келиб,

¹ Саримсоков Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. 139–140-бетлар.

патларини ташлаб, гўзал қизларга айланиши лавҳаси асосида баён қилинади. Бу мотивнинг тарихий илдизларида эврилиш ҳақидаги қадимги мифлар ва ибтидоий маросимларга алоқадор маълумотлар жамланган. Қадимги одам магик кучга эга бўлган кишилар тотем-жонивор киёфасига кириши мумкин, деб билгандар. Маросимларда жонивор терисини ёпиниш ўша жонзотга айланишнинг рамзий ифодаси деб қаралган. Шу маросим эртакда деярли айнан сақланган: капитарлар пари-қизларга айланиш учун устидаги «қуш либоси»ни ечишади, холос. «Тонг отгач, қизлар пат-кайимларини кийиб, яна кабутар киёфасига кириб, учиб кетибдилар» (МБК. 5. 178).

Кўриниб турибдики, маросим ва эртакни бир-бирига боғловчи деталь – қуш патидир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам эврилиш ҳодисаси қуш патидан иборат «кайим»ни кийиши натижасида амалга оширилади. Агар қуш патидан қилинган либос бўлмаса, эврилиш содир бўлмайди. Шунинг учун ҳам капитар-қизларни кўлга киритиш учун уларнинг «қуш либос»ини олиш керак бўлади. Қаҳрамон шу йўл билан мақсадига эришади.

Маълумки, ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда жониворлар (шу жумладан, қушлар ҳам) образи мажозий маъно касб этгани учун бамисоли инсонлардек сўзлашадилар. Сехрли-фантастик эртакларда эса қаҳрамон алоҳида магик кудратга эга бўлгани учун жониворлар билан тиллашиб, уларнинг кўмагидан фойдаланади. Ҳаётий-маиший эртакларда эса бутунлай бошқача манзарани кўрамиз. Бундай эртак қаҳрамони сеҳр-жоду қилишга қодир эмас, унда магик хусусият ҳам йўқ. У кундалик ҳаётда кўп учрайдиган оддий бир одам, холос. Шунинг учун қуш тилини биладиган қаҳрамон ҳақидаги майший эртакларда бу мотив тадбиркорлик, устамонлик, айёрлик каби хислатларни бадиий ифода этиш воситаси сифатида қўлланилади.

«Минг бир кечада»га киритилган «Шаҳзода ва етти вазир ҳикояси» эртагидаги кичик ҳикоячалардан бирида (592-кеча айтилган эртак) шундай дейилади: «Бир одам бозорга бориб, бир кул сотиб олиб, уйига олиб кетибди. Хотинига уни яхши парвариш қилишни топширди. Бир куни у киши хотинига: «Эртага бўстонга бориб ўйнаб, томоша қилиб, қўнгил очиб кел», – де-

ган эди, хотини: «Миннатдорман!» – деди. Бу сўзни эшитган кул турли хил таомлар, хўл мевалар олиб, бўстонга караб йўл олди. Тайёрланган таомини бўстондаги дараҳтлар тагига яшириб қўйиб, хўжасиникига қайтди. Тонг отгач, ҳалиги киши қулига саидаси билан бирга бўстонга боришни, етарли емак-ичмак ва хўл мевалар олиб келишни буюрди. Бўстонга етиб боришганида, бир қарға қагиллади. Қул унга: «Рост айтасан», – деди. Саидаси унга: «Қарға нима деди?» – деди. «Эй саидам, бу дараҳтнинг тагида таом бор, уни енглар деб айтди», – деди. Саида дараҳтнинг тагига бориб, таомни топди ва қулга таҳсин айтди.

Бўстонни сайр қилиб юришганида, яна қарға қагиллади. Қул унга «Рост айтасан», – деди. Саидаси қарға нима деганини сўраганида, кул «Эй саидам, фалон дараҳтнинг тагида бир кўзада шароб бор, деб айтади», – деди. Саидаси кўзани топиб, қулга бўлган таажжуби янада ортди. Шу тариқа яна бир марта қарға қагиллаганида дараҳт тагида қўйилган газак ва хўл меваларни топиб, тановул қиласидилар. (МБК. 5. 414–416).

Ҳикоя ичида ҳикоя қилиш услубида шаҳзодага тухмат қилган канизак тилидан баён қилинган бу эртак эркакларнинг макру ҳийла йўли билан ўз истагини амалга оширишларининг далили сифатида келтириллади. Қул, аслида, қуш тилини билмайди, хожасининг мақсади (хотинини боғ сайрига юбориш)дан воқиғ бўлган қул алдамчилик, сохта обрў билан саидасининг эътиборини қозониш ҳамда унга етишиш учун таомларни аввалдан дараҳтлар тагига яшириб қўяди. Қарға қагиллаши – бу нарсаларнинг топилиши, яъни гўё қул қарға тилини тушунишига далил қилинади.

Қуш тилини билиш мотиви бу эртак сюжетини ташкил этувчи бош семантик асосидир. Ўзбек халқ эртакларида ҳам араб эртагининг бу анъанавий элементи таъсирида юзага келган муштарак мотивлар учрайди.

«Доно хотин» номли ўзбек халқ эртагида қуш тилини билиш мотиви донолик ифодаси тарзидаги бадиий талқинга эга. «Кунлардан бир кун подшо боғда вазирлари билан ҳовуздаги олтин балиқларни томоша қилиб туришганида қайрағоч тепасига бир чиройли қуш келиб қўнади. Кейин подшо томонга қараб сайрай-

ди. Подшо вазирларига «Мана шу қүш нима деяпти, шуни айтиб берасизлар», – деб буйруқ берибди. Ҳеч ким бу саволга жавоб беролмабди. Вазирлар касам ичишгач, подшонинг қизи қүш нима сайраганини шундай тушунтиради: «Ҳовуз бўйидаги қайрағоч тепасида ўтирган қүш: «Жинни эрни соғ қиласидиган ҳам хотин, соғ эрни жинни қиласидиган ҳам хотин, ҳазир бўл, хотининг сени жинни қиласиди», – деяпти»¹.

Худди шу мотив «Сирли туш» эртагида ҳам мавжуд. Унда кўшкида дам олиб ётган подшонинг боши узра учиб ўтган қүш икки маротаба «фак, фак» деб қичқиради. Подшонинг доно қизи Одина бу қүшнинг сирли сайрашини шундай изоҳлаб беради:

«Хурматли падар, қүшнинг шарқдан ғарбга учиб кетаётib айтгани «Яхши хотин гадони шоҳ қиласиди», ғарбдан шарққа қайтишдагиси эса «Ёмон хотин эрни гадо қиласиди» деганидир»².

Ўзбек халқ эртагида қүш тилини билиш, яъни подшога қараб сайраган қүш нима деганини айтиб бериш, биринчидан, қизнинг донолигидан далолат беради; иккинчидан, подшо саволига жавоб тополмаган вазирларни ҳукмдор ғазабидан сақлаб қолади; учинчидан қизнинг қувғинга учраши ва ўз ақлу фаросати билан отасига айтган сўзи ҳақлигини исботлаши учун имкон яратади. Бу мотив эртак сюжетининг бошлангич қисмида келади ва воқеаларнинг бундан кейинги ривожига туртки бўлади.

Араб ва ўзбек халқ эртакларидағи қарға образининг вазифаси эпик хабарчи функциясини бажаришдан иборатдир. «Минг бир кеча»да бу мотив майший-новеллистик эртак сюжет курилишига асос бўлган. «Сув қизи» эртагида эса сеҳрли эртак қаҳрамонининг магик билимини намойиш этиш воситаси сифатида келтирилади. «Минг бир кеча»даги эртакда қарға қагиллаши (рамзий маънода бўлса-да) қул атайлаб аввалдан бекитиб кўйган таомларнинг «топилиши»га сабаб бўлади. «Сув қизи» номли эртагида уч бор қағиллаган қарға қаҳрамонни кутилаётган хавфдан огоҳлантиради.

¹ Хоразм эртаклари. – Тошкент, Ўззадабийнашр. 1961. 57–58-бетлар.

² Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, Адабиёт ва санъат наприёти. 1995. Т. 1. 7-бет.

Қарға – жаҳон халқлари мифологияси ва фольклорининг анъанавий персонажларидан бири. Хусусан, Чукотка – Камчатка, Аляска худудида яшовчи халқлар мифологиясида яратувчи қаҳрамон (димург) сифатида тасвирланувчи қарға билан боғлиқ асотирлар туркуми шаклланган¹.

Қарға образи қайд қилинган энг қадимий сюжет Гильгамиш ҳақида шумер эпоси таркибида учрайди. Унда айтилишича, бутун оламни сув босганды, улкан кемада сузиг юрган Утнапиштам қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш учун қалдирғоч, капитар ва қарғани учиради. Қалдирғоч билан капитар қуруқликни тополмай қайтиб келадилар, қарға бўлса қайтиб келмайди. Бунинг ўзи қуруқлик борлигидан далолат берар эди².

«Сув қизи» номли ўзбек эртагида ҳам қарға маълум маънода ҳомий жонивор сифатида гавдаланади. У уч марта «қағ, қағ, қағ» деб эртак қаҳрамонини кутилаётган хавф – нияти бузилган отанинг фитнасидан Турсунбек ва унинг ҳамроҳларини огоҳлантиради. Демак, бу мотивнинг шаклланишида қарғанинг тотем-жонивор сифатида ҳомийлик қилиши билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ҳам муҳим рол йўнаган.

Қуш (қарға) тилини билиш мотивининг тарихий илдизлари ҳам қадимги тотемистик тасаввурларга боғланади. Ўтмишда тотем сифатида қадрланган жонивор (масалан, қарға) тилини билади, у билан тиллаша олади, деб тасаввур қилинган коҳинлар магия ва бошқа сеҳрли йўллар воситасида тотем билан мулоқотга киришгандар. Ёшларнинг жанговарлик иқтидори, руҳий ва жисмоний камолотини синаб кўриш маросими – инициация чоғида уларга тотем билан «гаплашиш», ундан мадад сўрашнинг магик усуллари ўргатилган. Дастрслаб тотемистик мифнинг анъанавий сюжет элементи сифатида юзага келган бу мотив кейинчалик эпик жанрларга, хусусан, эртакларга диффузияланган. Қуш тилини билиш мотиви дунё халқлари фольклорининг типологик муштараклигига мисол бўла оладиган ҳодисалардан бири.

¹ Мелетинский Е. М. Структурно-типологический анализ мифов северо-восточных палеоазиатов (Вороний цикл) // Типологические исследования по фольклору. – М., 1975. стр. 92–140.

² Мелетинский Е. М. Палеоазиатский мифологический эпос. Цикл Ворона. – М., Наука, 1979. стр. 187.

Араб ва ўзбек халқ әртакларида қаҳрамоннинг қушлар (жониворлар) тилини қандай қилиб ўрганганлиги ҳақидаги эпик мотив учрамади. Аммо дунё халқлари фольклори материалларининг таҳлили араб ва ўзбек халқ әртакларида шундай мифологик талқин мавжуд бўлганлигини билдиради.

Қуш тилини тушуниш жониворлар тилини билиш мотивининг ўзига хос кўринишларидан бири бўлиб, Ўрта Осиё туркий халқлар әртакларида кенг тарқалган сюжет элементи хисобланади. Масалан, туркман фольклорида шу мотив асосига қурилган икки әртак мавжуд. «Ҳайвонларнинг тилини тушунган бой» әртагида ҳикоя қилинишича, бир бойнинг мушуги билан ити бўлган экан. Бир куни бой бу жониворларнинг гапига қулоқ солиб ўтириб, оти билан туясини сотиб юборади. Кейин ҳайвонлар «Бой оғир касалга чалинган, буни унинг ўзи ҳам билмайди, шунинг учун узоқقا бормай вафот этади», – деганини эшитгач, бехосдан ўлиб қолади.¹

«Жониворларнинг тилини тушунган киши» номли туркман халқ әртагида эса Хива шаҳрига қараб йўлга чиққан бир хасис билан сахийнинг саргузаштлари ҳикоя қилинади. Хасис киши сахийнинг озик-овқатини еб битиргач, ноилож қолган сахий изига қайтишга мажбур бўлади. Аммо йўлда бир чайлада тунаш учун ётганида кечаси ёввойи ҳайвонларнинг гапини эшитиб қолади ва бой бўлиб кетади.² Мазкур әртак сюжети «Эгри билан Тўғри» номли ўзбек халқ әртаги таркибида алоҳида мотив сифатида иштирок этган.

Ўрта Осиё туркий халқлари фольклоридаги бевосита араб халқ адабиёти таъсирида шаклланган сюжетлардан яна бири эшак ва ҳўқиз саргузаштларига бағишлиланган әртаклардир. Бу әртаклар сюжетининг марказида ҳам жониворлар тилини тушуниш мотиви ётади. «Есек пен оғиз сырлары», яъни «Эшак билан ҳўқиз сирлари» деб номланган қозоқ халқ әртагида воқеалар қуйидагича тасвирланган: «Илгари замонда бир одамнинг бир ҳўқизи, бир эшаги бўлган экан. Эшак роҳат-фароғатда, саройда ўт еб, сув ичиб тураркан. Ҳўқиз эса ҳамиша оғир хизматда бўлиб, азоб-укубатда кун кечираркан. Кунлардан бир куни ҳўқиз эшак-

¹ Туркмен халқ әртекилери. 1-том. – Ашхабад, 1978, 148–149-бетлар.

² Ўша манба. 141–143-бетлар.

ка ҳасрат қилибди: «Хоридим, чарчадим, жамики оғир юмушлар менинг бүйнімдә! Сен менга қандай ёрдам беришинг мүмкін?» – дебди. Шунда әшак: «Агар сен чарчаб, хориган бўлсанг, менинг сенга берадиган бир-икки оғиз маслахатим бор, – дебди әшак, – сен эртадан бошлаб, ўзингни касалга солиб, ўт еб, сув ичма. Сенниг касал бўлганингни кўрган хўжайинимиз, балки, сени кўшга кўшмас».

Буларнинг хўжайини ҳайвонларнинг тилини билар экан, әшакнинг хўқизга айтган гапларини эшитиб олибди. Эрта тонгдан хўқизнинг ўтламай турганини кўриб, индамасдан әшакни кўшга кўшиш учун олиб кетибди. Далага етиб боргач, ҳар куни хўқиз бажарадиган ишларни әшакнинг бошига юклабди. Әшак бечора обдон чарчаб, кечга томон ҳолсизланиб қайтибди. Хўқиз әшакдан: «Қандай бўлди, чарчамадингми?» – деб сўрабди. Әшак: «Аҳволим яхшику-я, аммо бир кўнгилсиз гап эшитиб қолиб, мазам қочиб қолди», – дебди. «У қандай гап экан?» – деб қизиқибди хўқиз. «Хўжайинимиз далада ишлаётган одамларга хўқизим касал бўлиб қолди, энди ишга ярамаса керак. Шунинг учун уни сўйиб сотиб, пулига бошқа хўқиз олмасам бўлмайди», – деганини эшитиб қолдим», – дебди әшак. Бу гапни эшитиб қалтираб кетган хўқиз: «Дўстим, энди нима қиласман?!» – деб сўрабди. Әшак: «Сен аввалгидай ўт еб, сув ичиб, касалдан тузалгандан қилиб кўрсатасан ўзингни. Ана шунда хўжайин хўқизим тузалибди, деб ўйлаб сени сўйиши фикридан қайтади», – дебди. Буларнинг ўзаро суҳбатини эшитиб турган хўжайин кулиб юборибди ва уйига кириб кетибди».¹

«Эшак ва хўқиз» номли қирғиз халқ эртагида ҳам хўжайин кушлар ҳамда жонивор тилини яхши тушунадиган киши сифатида тасвирланган. Бу эртакда ҳам воқеалар тафсилоти худди қозоқ эртагидаги каби давом этади. Хўқизнинг оғир меҳнатдан нолиганини эшиитган ялқов әшак унга раҳми келгандан бўлиб, шундай маслаҳат беради: «Сени кўшга кўшганида, жойингдан қимирламай туравер». «Агар таёқ билан урса-чи?» – деб сўрабди хўқиз. «Урса ҳам чида, кейин кўзларингни юмиб, ётиб ол. Олдингта хашак, сув қўйса ҳам қайрилиб қарама. Ўзингни ка-

¹ Ертегілер. Қазақ халық әдебиёти. 1-том. – Алматы, 1988, 203–204-бетлар.

салга солиб ётавер. Шундай қилсанг, уч-тўрт кун дам олиб, куч йигасан», – дебди эшак. Хўқиз шундай килган экан, икки жониворнинг сухбатини эшитиб, тушуниб ўтирган хўжайин эшакнинг ўзини қўшга қўшибди. Шунда бу азобдан қутулиш йўлини излаган эшак, «хўжайин эртага қассоб айттириб юборди, афтидан, сени сўйдирмоқчи. Чунки касал хўқиз кимга ҳам керак бўларди», – деб хўқизни қўрқитибди. Эртаси куни хўқизи «тузалиб» қолганлигини кўрган хўжайин эшакни қўйиб, хўқизни қўшга қўшишни буюрибди. Ана ўшандан буён эшак сирамаслаҳат бермайдиган бўлган экан.¹

Жониворлар тилини биладиган хўжайнинг эшаги билан хўқизи ўртасида бўлиб ўтган ҳангома ҳақида ҳикоя қиладиган ушбу эртаклар сюжетининг манбаи «Минг бир кеча» эртаклари-ги бориб тақалади.

Араб ва туркий халқлар эртакларидағи жонивор тилини тушуниш мотиви ҳам, аслида, ана шу қадимиј маросимлар натижасида келиб чиққан. Эпик сюжетлар тизимининг асрлар давомида бадиий турланишлари натижасида мазкур мотивнинг ибтидоиј маросим ритуаллари ва мифологик тасаввурлар билан алоқаси узилиб, майший-новеллистик моҳият касб эта бошлаган.

¹ Киргизские народные сказки. – Фрунзе, 1989, стр. 306–307.

*Собит
АВЕЗОВ
(1959 йилда тувилиган)*



Авезов Собит Сафарович 1959 йилда Бухоро вилояти Шоғир-кон тумани Исқогаре қишилогида туғилған. Бухоро давлат педагогика институтини битирған (1980). Дастлаб ўрта мактабда (1980–1995), кейинчалик Бухоро давлат университетида (1995 йилдан) ўқитувчи сифатида фаолият күрсатыб келмоқда. «Санама жанри табиати ва бадиияти» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилған (2004). «Санама жанри табиати ва бадиияти» монографияси (2008), «Самимилик саодати» (2009), «Заковатдан зийнатланған ҳаёт» (2014) рисолалари, «Ўқитувчи нутқ маданияти» ўқув услугбий қўлланмаси (2013), «Офтоб қонталаш кун» қисса ва ҳикоялар тўплами (2017) нашр этилған.

ВОҚЕАБАНД САНАМАЛАР

Санама – дунёдаги барча халқлар фольклорида учрайдиган шеърий жанрлардан бири. Улар шу қадар ранг-барангки, бу улар таснифидаги турли-туманликда ҳам ўз ифодасини топған. Чунончи, Г. С. Виноградов илк бор шундай таснифга кўл ураг экан, дастлаб санамаларнинг лугат таркибиға эътиборни қаратди. Сўнгра мавзу моҳияти ва оҳангига асосланиб, уларни куйидагича уч ички турга ажратиб ўрганди: 1. Рақам санамалар (считалки-числовки). 2. Сўкма санамалар (заумные считалки).

3. Рақам ва сўқма сўз ўрнида қўлланган ва уларга тенг келадиган сўз-санамалар (считалки-заменки). М. Н. Мельников эса, ундан фарқли ўлароқ, санамаларни биринчи навбатда композицияси, товуш ритмикаси ва воқеабанд (сюжет)лигини ҳисобга олган ҳолда тасниф қилди ва уларнинг куйидаги уч кўринишини қайд этди: 1. Сўқма санамалар (заумные считалки). 2. Воқеабанд санамалар (сюжетные считалки). 3. Кумулятив санамалар (кумулятивные считалки) М. Н. Мельников сўқма санамаларда товушнинг ритмик қўлланилиши принципи, воқеабанд санамалар – воқеа ривожининг меъёрий ва драматик ҳолатлари, кумулятив санамаларда эса турли хил ноаниқ фикрлар тизими ёки йиғмаси орқали образлар ранг-баранглиги, уларнинг лексик, синтактик воситалар асосида мантиқий ифодаланишини асос қилиб олди. М. Н. Мельников фикрича, Г. С. Виноградов маъно-мантиқийлик жиҳатидан англашилмаган санамаларни, табиийки, алоҳида гурухга тўғри ажратган. Шунга қарамай, олим кўпгина сўқма санамаларни рақам санамалар гурухига қўшиб юборади. Чунки у буларни «эквивалент» деб атайди. Тўғри, айрим сўқма санамалар товуш таркиби ва ёзилиши жиҳатидан рақам санамаларга ўхшаса-да, аслида, улар рақам иштирокига кўра ҳам юқоридаги гуруҳдан фарқ қилиши табиий. Бироқ бир илдиз, бир воқеа асосида юзага келган санамаларни ҳар хил гурухга ажратиш, лугат таркибига кўра гурухлаш тасниф тамойилига раҳна солғанлигини баён этади...

Белорус болалар фольклорини ўрганган Г. А. Барташевич эса санамаларни икки гурухга ажратади: 1. Воқеабанд санамалар. 2. Воқеасиз санамалар. Бизнингча, бу тасниф ҳам воқеабандлик нуқтаи назаридан амалга оширилган бўлиб, унда санамаларнинг лугат таркиби, поэтик хусусияти, кумулятив санамалардаги образлилик, воқеаларнинг гоҳ мавжуд, гоҳ номавжудлиги каби хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Бироқ тожик, татар ва бошқа қардош халқлар болалар фольклорига оид тадқиқотларда санамалар таснифига деярли эътибор қилинмаган.

Ўзбек болалар фольклорида санамаларни илк бор ўрганган Ф. Жаҳонгиров Г. С. Виноградов таснифини асос қилиб олган. Фольклоршунос Оҳунжон Сафаров эса, гарчи М. Н. Мельни-

ков таснифига суюнса-да, аслида, ўзи тўплаган умумий ҳажми 800 сатрни ташкил этувчи 106 санама табиатидан, аникроғи, уларнинг сюжет ва композицион қурилиши ҳамда поэтик жиҳатлари ва лугат таркибига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, санамаларнинг қўйидаги ички турларини эътироф этган: 1. Воқеабанд санамалар. 2. Кумулятив санамалар. 3. Сўқма санамалар.

О. Сафаров тўплаган 106 (800 сатр), хоразмлик Собир Эҳсон Турк тўплаган 15 (130 сатр), Й. Султонов ва бошқалар тўплаган 12 (105 сатр), F. Жаҳонгировнинг 8 (28 сатр), ТАИ архивидаги 54 (310 сатр), ўзимиз ёзib олган 51 (400 сатрлик) – жами 246 санама (1775 сатр) матни табиати, композицион таркиби, мавзуу ва воқеабандлиги, поэтик хусусиятлари мантиқидан келиб чиқилганда ҳам О. Сафаров таснифи тўла-тўқис ўзини оқлади.

Ўзбек болалар фольклорида воқеабанд санамаларнинг ўрни алоҳида. Бу турдаги санамаларда воқеабандлик етакчилик қиласди. Матнда воқеалар кетма-кет изчилликда бўлиб, яхлит сюжет дараҷасида ўсиб чиқсан. Воқеалар баёни рақамлар воситасида санап оҳангига баён этилади. Бундай санамаларнинг асосий «манбаи» рақам бўлса, гоҳида рақамлар ўрнини саноқ оҳангидаги сўзлар эгаллаган бўлиши ҳам мумкин. Воқеабанд санамаларда рақам ва маъноли сўзнинг ўзаро муносабати ва қай бирининг устуворлигига кўра уларнинг икки хилга ажратиш мумкин:

1. Рақам-санамалар. Бу типдаги санамаларни О. Сафаров саноқ ритми асос бўлган санамалар деб атайди. Уларда санаш оҳангига рақамлар асосида юзага келтирилиши инобатга олинса, бу ички турни ихчамроқ қилиб рақам-санамалар дейиши қуляйроқдир. Санамаларда рақамлар шунчаки тилга олинмай, балки оҳанг ҳосил қилишда, мисраларни вазн ўлчовига солишда, рақамлардаги фонетик қатламга ҳамоҳанг қофия келтиришда (*етти-кетди, уч-куч, тўрт-мўрт* каби) сонларга алоҳида аҳамият берилади:

*Азиз кўчага чиқди,
Аробаси бузилди.*

*Унга нечта мих керак?
Бир, икки, уч, түрт,
Беш, олти, етти:
– Кетди!*

Рақам-санамалар учун санааш оҳангини яратувчи табиий мезон. Шу мезон асосида жанрнинг бошқа шакллари юзага келган. Г. С. Виноградов рақам санамалар ҳақида гапира туриб, шундай хulosага келади: «Ҳеч қаерда, ҳеч қайси жанрда рақамлар бундай ранг-баранглик касб этмаган». Шу хусусиятини ҳисобга олиб, у рақам санамаларни маҳсус санамалар деб атайди. О. Сафаров ҳам бу санамалар хусусида гапириб: «Жанрнинг санама дейилишида ҳам шу хусусият (рақамлар – С. А.) бош таомилга айланган»лигини эътироф этади. Демак, рақам – ушбу тур санамалардаги асосий восита. У, энг аввало, санаашни ўрганиш асосида болаларда ҳисоблаш туйғусини шакллантириш ва такомиллаштиришга хизмат қиласиди:

Эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, юздан чиқкан оппоқ қиз! Ҳаяллама, чиққин тез!

Бундай санамаларда рақам нафақат предметнинг микдорини кўрсатади, балки шу предметга муносабатни ифодалашга ҳам хизмат қиласиди:

Бир буғдой, Икки буғдой, Уч буғдой, Пуч буғдой.

Санамада икки хил мазмун акс эттирилган: биринчисида – бир буғдой донаси кўпайиб, икки ва ундан ҳам кўп буғдойга айланиши ифодаланса, иккинчисида, учинчи мисрадаги уч буғдой аслида бангидевона маъносида бўлиб, у ёки бу боланинг анқовлиги, телбалиги сингари қусурларига ишора маъносини ҳам акс эттиради.

Болаларнинг мурғак қалбларида тўлқин ураётган юксак орзу-ҳаваслар, қувонч-шодликларнинг изҳори ифодаланган санамалар ҳам анчагина. Уларда замонавий рух балқиб туради. Бу санамалар ҳамон фаол яратилаётганидан шаҳодат беради:

*Бир, икки, ўн олти,
Ўн олти деб ким айтди?
Ўн олти санагунча,*

*Тишиим бир тушиб чиқди,
Ёшими саккизга етди,
Энди мактаб бораман,
«Беш» баҳони оламан.
Онамни қувонтириб,
Шакалатни оламан.*

Рақам-санамаларда «Биру бир», «Бир икки», «Бир, икки, уч, түрт», «Бир икки... ўн икки, Ўн икки деб ким айтди?» «Бир, икки... ўн олти...» каби анъанавий бошлама мавжуд бўлиб, худди шу бошланма ҳар гал санама учун ритмик асос вазифасини ўтайди. М. Н. Мельников бундай анъанавий бошлама ҳақида шундай дейди: «Гўёки оппоқ лента қизалоқнинг сочига тақиб қўйилганидек, матннинг асосий материали – сонларнинг лексик тақрорланиши жанрнинг стихияли мусиқийлигини юзага келтиради».

2. Сўз-санамалар. Бу турдаги санамаларни О. Сафаров саноқ интонациясидаги сўзлар асосида яратилган санамалар деб юритади. Унда рақам чекиниб, санаш оҳангига сўз фаоллашгани ҳисобга олинса, уни ихчамроқ қилиб сўз-санамалар дейиш маъқулдир. Бунда санамаларда кўлланувчи сўзлар матнда воқеабандликни юзага келтирган. Шу тариқа санамалар маълум воқелик асосига қурилса-да, болалар ижод жараёнида бундаги воқеага аҳамият бермайдилар, балки шу сўзлар ҳосил қилган саноқ оҳангига эътибор қиласилар. Бу турдаги санамаларнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундан иборатки, улар аксарият ҳолда диалог асосига қурилади:

*Назира, ҳо, Назира,
Отни қера боғладинг?
Отхонага боғладим.
Неча пақир сув ичди?
Саккиз пақир сув ичди.
Қолганини ким ичди?
Бойнинг хотини ичди.
Бойнинг хотини ўлсин,
Ҳамма ундан қутулсин.*

Юқорида келтирилган санамада ҳам конкрет воқелик мавжуд. Унда отнинг саккиз пақир сув ичиши отбоқарлик меҳнатининг ниҳоятда оғирлиги бир қадар муболагали қилиб ифода этилган. Санамадан мақсад – бойнинг хотини зулмини фош этиш. Шунинг учун бой хотин жабр-зулми отни сугориш машаққатига мувозий келтирилаётир. Қани энди, у ўла колса эди, ҳамма ундан қутуларди. Бунда ҳам бой хотинига ўлим тиловчи қарғищдан фойдаланилган. Шу асосда ижтимоий тенгсизликдан қутулишдан иборат ижтимоий орзу болалар дунёқараши ҳосиласи сифатида ўз инъикосини топган. Бундай санамалар болаларда ижтимоий онгнинг куртак отишига хизмат қилган.

Сўз-санамаларда ўйин иштирокчиларини эркалаш мотиви устувор. Бундай эркалаш замирида ўйинбошининг ўйинчиларга нисбатан ўзаро хурмати ва самимияти яққол сезилиб туради. Бу самимият гоҳо предметлар орқали изҳор қилинса, гоҳо эркалаш енгил ҳазил-мутойиба воситасида ифода этилади. Бундай санамалар болалар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўзаро дўстлик кайфиятларини уйготибгина қолмайди, балки чукурлаштиради. Ўйинга муҳабbat туйғусини тарбияловчи бундай санамалар болалар репертуарида кўпdir.

Бир қатор сўз санамаларда воқеалар драматизми сезиларли даражада бадиий адабиётдаги асарлар сингари изчил хусусиятга эга. Уларда сурат, сўз, образ, параллелизм ёки қарама-қарши қўйиш (тазод) сингари воситалар фаол учрайди. Якуни эса, албатта, эмоционал бўёққа эга: муносабат, тасвир, диалоглар ўйин иштирокчисига нисбатан хабар билдириш, маслаҳат ёки буйруқ, бериш маъносидаги оҳанг билан якунланади.

Сўз-санамаларда маълум тарихий давр ўз аксини топади, у маълум даврнинг, замоннинг маҳсули сифатида юзага келади. Бундай санамаларда ўтмиш воқеаларидан тортиб, то ижтимоий хаётда содир бўлган янгиликларгача, айтайлик, тракторнинг илк бор ўлкамизга кириб келиши, қишлоқ хўжалигига оид янги техника воситаларининг пайдо бўлиши, ҳатто самолётнинг осмондаги илк ҳаракати, ракеталарнинг учиши сингари ўзгаришларгача жанр учун муҳим мавзу бўлган ва буларнинг барчаси болалар назаридан, дунёқарашидан четда қолмаган. Шу нуқтаи назардан

каралса, сўз-санамадаги поэтик нутқнинг луғат таркиби ҳам ранг-баранг бўлиб, унда ижтимоий ҳаётнинг қишлоқ хўжалиги, техника ва бошқа соҳаларига тааллукли сўзлар кўплигига ажабланмаслик мумкин.

Куйидаги сўз-санамада эса ўттизинчи йилларда мамлакатимиз бўйлаб тракторнинг қишлоқ хўжалигига кириб келиши лаҳзалари таассуротларининг акс садоси мавжуд: *Тир-тир, трактор, / Иини бузма, қараб тур, / Бир чеккага чиқиб тур!*

Болалар нафақат ижтимоий ҳаёт воқеаларининг кузатувчиси, балки унинг бевосита иштирокчиси сифатида унга муносабат билдиришга ҳам ҳаракат қиласидилар. Улар самолёт ёки ракеталар мавзуидаги сўз-санамаларда ўzlари учун севимли бўлган кишиларни энг баланд осмон кўйнида кўришни орзу қилишади. Бундай хаёлий тушунчалар уларнинг ҳали ўzlари ҳис килмаган ҳаётий ташвишлардан ҳам устун бўлишига, юксак фантастик тасаввурларини ўйинга қаратилгандек туюлади:

*Ҳайло, самолёт,
Ушиб кетотти.
Ичида Зулайҳо
Йиглаб кетотти.
Йиглама, Зулайҳо,
Отанг келотти.
– Отангни оти ким?
– Абдуллаҳўжса.
– Бултирги жўёжса!*

Болалар тасаввурида самолётда қилинажак парвоз – юксак эҳтиромга эришиш нишонаси. Унда учайдиган Зулайҳо эса – баҳтсиз. Негаки, отаси Абдуллаҳўжа ўз қизини сўймаган бегона йигитга узатаётганини болалар яхши англайди. Лекин Зулайҳо самолётда кетаяпти. Унинг отаси Абдуллаҳўжа ҳар қанча бой бўлмасин, барибир «Бултирги жўёжса». «Бултирги жўёжса» – болалар нутқида «вояга етмаган, хом одам», деган киноя, кесатик маъносини ифодалаган.

Сўз-санамаларда тасвирий воситалар жуда фаол. Бу уларда шеърга хос тасвирий эмоционалликни кучайтирган ва тарки-

бий яхлитликни таъминлаған. Чунончи, матнларда сифатлашлар жуда кўп учрайди. Худди шунингдек, санамалардаги табиат тасвирида ҳам болаларча тасаввур таъсири сезиларли даражада: *Олма кетди думалаб, / Кўча бўйи юмалаб, / Ким олмани тутади – / У ўйиндан чиқади.*

Анҳорда олманинг қалқиб-қалқиб окиб келишининг ўзи – гўзал бир манзара. Унинг ортидан гурух-гурух болаларнинг завқланиб чувиллаб чопиши – ундан-да гўзал! Оқаётган олмани кузатиш эса – янада нашъали. Бинобарин, бундай гўзалликни ўз нафсининг қурбони қиласидиган болага ўйинда ўрин йўқ. Сўзсанамада ана шу фикр ифодаланган. Унинг тугалланмасидаги буйруқ – учинчи шахс келаси замон феълида ўз аксини топган. Сўз-санамаларда ўхшатишлар бир предметнинг бошқасига қиёси орқали ифодаланса, баъзи ҳолларда шахс хатти-ҳаракатидаги хусусиятлар ҳам болалар табиатига қиёсланиб, эмоционалликка эришилган:

*Қаёққа борасан?
Тоққа бораман,
Нима қиласан?
Писта чақаман,
Пистанинг маззи
Кўқоннинг қанти!*

Жонажон юртимиз мустақилликка эришиб, ўзбек халқига хос миллий урф-одатларнинг қайта тикланиши болалар онгига қатор ўзгаришларни олиб кирмоқда. Бундай ижобий фазилатлар нафақат катталарнинг, балки болаларнинг ҳам хатти-харакатларида ўз ифодасини топмоқда. Чунончи, меҳмон кутиш одоби ана шундай фазилатлардан. Меҳмон келса, ҳовлини то-за-озода тутиш, дастурхоннинг тўкин-сочин бўлишига эътибор ҳам болаларни беҳад қувонтиради. Қуйидаги сўз-санамада меҳмон кутишнинг илк одоблари ўз аксини топган бўлиб, унда шу туйғунинг ифодаси учрайди:

*Ола мушугим,
Юзини ювопти.*

*Чойимда шамма –
Мөхмөн келопти.
Қадамлари «дуқ-дуқ»,
Жоним сизга тасаддуқ!*

Сўз-санамадаги «Ола мушугим юзини ювопти», «Чойимда шамма» ибораларида халқимизнинг меҳмон ташрифидан башпарат килишларига оид иримга ишора бор...

Сўз-санамалар кўл ёки оёқ ҳаракатларига омухта ҳолда баҗарилади. Онабоши ижро жараёнида иштирокчилар кўксига бармоғини навбатма-навбат теккиза туриб, санаш оҳангি билан мазмуннинг мантиқан уйғунлашувини амалга оширади. Сўз-санамаларда «Абўлакам-дубўлакам», «Атола-батола», «Аппонакам-дупопонакам», «Олатой-булатой», «Зув-зув, шалоп-шалоп» сатрлари билан бошланувчи туркумлар силсиласи мавжудлигини О. Сафаров асосли равишда қайд этган эди. «Абўлакам-дубўлакам» туркумли санамалар матни воқеабандлик негизига курилади. Биз ёзиб олган қуйидаги сўз санамани ўйин иштирокчилари ерга ўтиришиб, оёқларини олдинга чўзиб, бир жойига тўплагач, ўйинбоши тўпланган шу оёқларнинг учларига бармоғини теккизиб туриб шовкин солиб айта бошлайди:

*Абўлакам,
Дубўлакам.
Читма-читон,
Қодир акам,
Қайга кетти?
Тузга кетти.
Қачон келар?
Ёз келар.
Пilon пис,
Орқага тис!*

Моҳиятан бу сўз-санама ҳам бутун бошли ўйинга teng бўлиб, асосан, қаҳратон қиши фаслида сандал атрофида ўтириб олиб, оёқларни сандали чамбарагига узатган ҳолда айтилади. Санашда оёгини чек тушгандәёқ тортолмай, бошқалардан бу соҳада

орқада колган боланинг оёгини онабоши сандали кулдонинг босишга ҳаракат қиласди. У ютқизган ҳисобланиб, меровлиги туфайли шундай жазоланади. Болалар жазони шеър айтиш, «миёв»лаб ёки «вов»уллаб бериш, рақсга тушиш ёхуд қўшиқ куйлаб беришлари шарт...

Хуллас, санамаларни бундай турларида, энг аввало, жанрнинг поэтик хусусияти, композицион яхлитлигини таъминловчи ритмнинг устуворлиги асос бўлади. Ушбу санамалардаги саноқ ритми болаларга саноқнигина ўргатиб қолмайди, балки санаш оҳангини вазнга ҳам солади, гоҳида кетма-кет, гоҳида жамловчи шаклда айтиладиган рақамлар жанрнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилувчи поэтик оҳангни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан қаралса, матндаги рақам ритмик жараённи изчил таъминлабгина қолмай, ўз навбатида, поэтик оҳангдорликнинг турли шаклларда жилоланишини ҳам намоён этади. Рақам-санамалардаги асосий хусусиятлар рақамнинг матнда ритм ва оҳангни яратишида, бунинг эса, ўз навбатида, болаларда санаш малакасини ҳамда уларнинг предметга ва табиатга нисбатан муносабатини шакллантиришида яққол кўринади. Вокеабанд санамалар замонавийлиги, ҳаётийлиги, ҳозиржавоблиги билан ажralib туради ва ҳозирги пайтда ҳам фаол яратилмоқда.

*Оқибатхон
ИСМОНОВА
(1959 йилда турилган)*



Оқибатхон Олимжоновна Исмонова 1959 йил 27 октябрда Ўш вилояти Аравон туманида туғилған. Фарғона давлат педагогика институтидаги ўқиган (1977–82). Аравондаги Заҳирийддин Муҳаммад Бобур номли ўрта мактабда (1979–91), кейин шу туман ҳалқ таълими бўлнимининг методисти вазифасида ишилган (1991–94). Ўш давлат университети Ўзбек адабиёти ва журналистика кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, сиртқи бўлим бўйича декан муовини вазифасида ишилган (1994 йилдан). «Ўзбек тўй маросим фольклорида «келинсалом» жсанри (генезиси, спецификаси, поэтикаси)» мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилған (1999). «Ўш вилояти ўзбек никоҳ тўйларида «Келинсалом» (1998), «Келинсалом» қўшиқларининг жсанр табиати» (1999), «Фарғона водийси ўзбек тўй маросим фольклорида ёр-ёр жсанрининг ижро ўрни» (2006) каби мақолалари ҳамда «Қизил гулнинг гунчаси: «келинсаломлар» (1999, ҳамк.) номли китоби чоп этилган.

**«КЕЛИНСАЛОМ» ҚЎШИҚЛАРИНИНГ
ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ**

«Келинсалом» жанри маҳсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, фольклоршунослик, элшунослик ва тилшуносликка оид айрим илмий тадқиқотларда бу хусусда эътиборли мулоҳазалар билди-

рилган¹. Аммо бу жанрнинг генезиси, ўзига хос поэтик белгилари, жанр хоссалари, ижро шакли ва усуллари, образлар тизими ва бадиий хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган. Биз ушбу мақоламизда «келинсалом» жанрининг ўзига хос хусусиятларини Ўш вилоятидан тўплланган фольклор материаллари асосида ёритишга ҳаракат қиласиз.

Анъанага кўра «келинсалом» якка ижрочи-янга, маҳсус чақирилган хушвоноз аёл, келиннинг яқин дугонаси ёки қариндош-урұғларидан бири томонидан куйланади. Ижро жараённида атрофдаги қиз-жувонлар, келин тушириб келган қариндош-урұғлар ҳам нақаротга жўр бўлишади. Баъзи ҳолларда бир неча ижрочи барча бандларни биргаликда ижро этишади. Айрим ҳолларда эса «келинсалом»нинг барча бандлари бир ижрочи томонидан айтилади. Бу кўпроқ маҳсус ижрочилар томонидан куйлангандаги ҳолатдир.

«Келинсалом» кўшиқларининг банд тузилишидаги ўзига хослик ҳам унинг фольклор жанри сифатидаги специфик белгиларидан бири ҳисобланади. Кузатишлиаримизга қараганда, «келинсалом» бандларининг поэтик курилиши ўзининг мисралар сонига кўра куйидаги моделларга асосланади:

*Хизмат бўлса бўлишган,
Ойдай бўлиб тўлишган,
Кўшиниларига салом!*

б) тўрт мисрали банд. Бунда ҳам аввалги икки мисрада асосий мазмун ифода этилади ва улар ўзаро қофияланади. Учинчи

¹ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиклари. Тошкент, 1974. 161-бет. Мирзаев Т. Фольклор жанrlари / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент, 1990. 72–73-бетлар; Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанrlар состави // Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. Тошкент, 1988. 63–85-бетлар; Давлатов С. Қашқадарё воҳаси тўй маросимлари фольклори. Филол. фанлари номз. дисс. Тошкент, 1997. 66–67-бетлар; Исмоилов X. Ўзбек тўйлари. Тошкент, 1992. 127-бет; Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросимлари номлари. Филол. фанлари номз. дисс. Тошкент, 1971. 183–184-бетлар.

мисра ўрнида «Ёр-ёру, чору ёр», «Салом, салом, салом», «Салом, салом, яна салом!» сингари анъанавий поэтик формулалар тақрорланса, тұртинги мисрада салом қаратылған шахсга ишора мавжуд бўлади:

*Оқсақичдай эшилган,
Маҳаллада керилган,
Ёр-ёр-у, чаҳор ёр,
Қайнонасига салом!*

Тўртлик шаклида оммалашған «келинсалом» қўшиқлари мисраларининг а-а-а-б тарзида қофияланиш ҳолати ҳам мавжуд:

*Ғўзадаги печакдай,
Қайрилмачоқ гажакдай,
Очилган гулчечакдай,
Қайнэгачисига салом!*

в) беш мисралик банд. Бу моделнииг юзага келишига ҳам анъанавий учлик банд тузилиши асос бўлган:

*Осмондаги ойдайин,
Ёйилиб оққан сойдайин,
Амма-холаларига салом,
Салом, салом, яна салом,
Эшигинг: Сизга салом!*

г) олти мисралик банд. Бундай банд тузилишида биринчи-иккинчи мисра қофиядош бўлса, кейинги мисралар «Келинсалом ёр-ёр», «Тўй муборак» ёки «Эшигволинг қайнотаси» каби тақрорланувчи нақаротдан иборат бўлади:

*Токчадаги турган совундай,
Ичи тушган қовундай,
Салом, салом, ёр-ёр,
Келин салом, ёр-ёр,
Эшигволинг овсинлари,
Сизга салом, ёр-ёр!*

«Келинсалом» жанрига хос специфик хусусиятлардан яна бири унинг уюштирувчилик хоссасидир. Маълумки, ўзбеклар хонадонида ўтказиладиган ҳар бир маросим қариндош-уруг ва маҳалла ахолисининг фаол иштирокисиз ўтмайди. Хусусан, «келинсалом» жанри ижроси учун маҳсус маросим уюштирилди ва янга бошчилигидаги қариндош-уруглар фаоллигига ижро жараёни учун зарур шароитлар яратилди. Тўйдаги ҳар бир шахс жанр ижроси учун муҳим бўлган ижро шаклини танлашда ва кўйлашда фаол иштирок этади. Жумладан, анъанавий маросимда шеърий банд тизимидағи «келинсалом» қўшигини айтиш учун маҳсус ижрочи танлаш ёки жамоа ҳолатида куйлаш ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Ҳатто ижро ўринлари ҳам маросим қатнашчилари томонидан танланади.

«Келинсалом» жанрининг оддий сўзлар воситасидаги диалогик характердаги ижро – шакли мусиқа билан bogлиқлиги жиҳатидан ҳам ўзига хослик касб этади. Оддий сўзлар восита сидаги ижро усулида бирон чолғу асбоби жўр бўлмайди, бироқ ижрочи салом матнидаги айрим товушларни чўзиши ёки ургуни сўзнинг охирги бўғинига тушириш орқали мусиқийликни кучайтиради. Масалан, «келинсалом беради-ю-ю...» бирикмасидаги «ю» товуши бир неча сония чўзуб айтилади, бу эса бир неча маънони англатиб, қуда томонни келиннинг саломини қабул қилишга чорлайди.

Шеърий банд тузилишидаги ижро усулида доира жўр бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки айрим ҳолатларда чолғучи ёки мусиқа асбобининг йўқлиги қўшиқнинг якка ижрочи томонидан куйланишига сабаб бўлади. Кузатишларимиз давомида бундай ҳолатларда «келинсалом» айтувчига тўйга чақирилган доирачи созанда ёки маҳсус ижрочи чақирилган бўлса, барча созандалар жўр бўлишини аниқладик. Бундай ўзига хос мусиқий ижро, одатда, тўй даврасида куйланади ва қўшиқнинг жозибали ижро этилишига асос бўлади.

«Келинсалом» ижросидаги юмористик танқид, киноя, илтижо, пичинг, насиҳат ҳалқ таълим-тарбия усулининг бетакрор намунаси бўлиб, ҳалқ маънавиятидаги бадиий-эстетик тафаккурнинг шаклланишига ва ривожланишига восита бўлиши билан инсон

аклини, акл орқали ҳиссиётни тарбиялашда мухим роль ўйнайди. Шунингдек, маънавиятга зид бўлган ноахлоқий хусусиятлар ҳаракат ва мимикалар орқали инкор этилади, ижобий фазилатлар амалий: кўргазмалик тарзда тарғиб этилди.

Хуллас, «келинсалом» жанри ҳам ўзига хос мусиқийликка эга – бўлган ҳаётий саҳна асари бўлиб, тўйда иштирок этган кишиларнинг мааънавий ҳамда юксак ахлоқий фазилатларини такомиллашувига сабаб бўлади;

Ўш вилояти ўзбек никоҳ тўйларида ижро этиладиган «келинсалом» жанрининг ўзига хос хусусиятлари, ижро ўрни ва шакли, усули ва майший вазифасини ўрганиш асосида қуидаги холосага келинди:

«Келинсалом» жанри ўзбек халқ никоҳ тўйи маросими тизимидағи анъанавий жанрлардан биридир. Бошқа туркий халқлар никоҳ тўйлари маросимлари узвида келиннинг таъзим қилиш ҳаракатигина мавжуд бўлиб, бу удумни бажариш чогида кўшиқ куйлансада, бироқ, жанр мансубиятига кўра «келинсалом»дан фарқланади ва бошқа номлар билан аталади.

Ўш вилояти ҳудудида яшовчи ўзбеклар орасида «келинсалом» жанрининг икки хил ижро шаклини кузатиш мумкин. Жанр диалогик ҳарактерда ижро этилиб, шеърий тузилишидаги ижро шакли анъанавий чорлов, бошлама, таърифий баён ва хотима узвларидан иборат. Жанрнинг бу ижро шакли «келин тушириш» маросимида З ўринда, «юз очди» маросимида ҳам З ўринда ижро этилади.

Оддий сўзлар воситасидаги ижро шакли эса «келин тушириш», «юз очди», «келин эшикка чиқди», «келин чақирди» маросимларида ўзига хос тарзда бажарилади.

«Келинсалом» кўшиқлари якка шахс ёки жамоа томонидан ижро этилиш хусусиятига эга. Якка ижрочи маҳсус чақирилган моҳир санъаткор, келиннинг дугонаси ёки қариндоши бўлиши мумкин. Жамоавий ижрода барча бандлар биргаликда айтилиши ёки якка шахс асосий бандни куйлаб, қолганлар нақаротга жўр бўлиши мумкин.

«Келинсалом» жанри мусиқий халқ томоша санъати кўринишига эга бўлиб, якка доирачи иштирокида ёки чолғу асбоб-

ларининг жамоавий ижроси жўрлигига куйланади. Ижрочи оҳангдорлик ва мусикийликни кучайтириш мақсадида баъзан тақорорланувчи қисм-нақарот ижросида ритмни ўзгартиради.

5. Мазкур жанр келинни янги оила аъзолари билан танишитиришини ташкил қилиш, қадимий тушунчаларга кўра келинни ёвуз кучлардан саклаш, тўй даврасига кўтаринки кайфият бағишлиаш мақсадида ижро этилади ва психологик, бадиий-эстетик ҳамда уюштирувчилик вазифасини бажаради.¹

¹ Ушбу мақола «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1999 йилги 5-сонида (51–53-бетлар) чоп этилган.

Салима
МИРЗАВА
(1959 йилда турилган)



Салима Райимжоновна Мирзаева 1959 йилда Андижон вилояти Жалолқудук туманида туғилған. Андижон давлат педагогика университети (1976–81) Филология факультетида ўқиган. Ўрта мактабда ўқитувчилик қылған (1981–85). Андижон давлат университети «Ўзбек адабиёти» кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири ва профессор лавозимларида ишлаб келған (1985 йилдан). «Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиийлиги» мавзусида номзодлик (1993), «Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси» мавзусида докторлик (2005) диссертацияларини ҳимоя қылған. «Ўзбек халқ афсун-дуоларининг тематик таснифи» (1992), «Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси» (2004), «Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти» (2006), «Ўзбеким ёр-ёрлари» (2009) каби китоблар муаллифи.

БАРҚАРОР ЭПИК ФОРМУЛАЛАР ПОЭТИКАСИГА ДОИР

Халқ эпосида сакланған хотиранинг моҳиятини чуқур ва түғри англашда барқарор эпик формуулалар табиатини, уларнинг анъянавийлик даражасини, ҳар бир формуланинг достон матнида бажарған бадиий ахборот бериш вазифаларини аниклаб олиш катта аҳамиятга эга.

Халқ эпосида баркарор формулаларнинг тутган ўрни ва бадиий вазифалари ҳақида ўзбек фольклоршунослигида бирмунча кузатишлар олиб борилган. Рус ва бошқа халқлар фольклоршунослигида эса бу масала анча жиддий тадқиқ этилган. Шунга қарамай баркарор эпик формулаларнинг бадиий табиати, унинг анъана билан алоқаси каби масалалар кенг ўрганилмаган. Биз ушбу мақоламизда баркарор формулаларнинг мазмунидаги анъанавийлик ва уларнинг достон матнида адо этадиган вазифаларини ёритишга ҳаракат қиласиз.

Баркарор эпик формулалар муайян сюжет билан боғлиқ бўлмаган, аммо халқ бахшиларининг эпик онги ва эпик хотираси асосида ётувчи, халқ достонлари ижроси пайтида ўзига хос бошқарилувчи бадиий канон, қолиплардан иборат.

Шунга кўра баркарор эпик формулалар поэтикасини ўрганишда биз қуйидаги уч жиҳатга алоҳида эътибор қаратамиз.

1. Эпик формулалар услуб ва мазмун даражасидаги типиклаштириш маҳсали бўлиб, улар эпос тартибидаги ижтимоий воқеликни типиклаштириш билан алоқадордирлар. Чунки эпик формулалар ритуал ҳаёт формулаларига мос келади.

2. Жамоанинг эстетик мулки сифатида формулалар бахшининг ижодий имконизлигини бадиҳавий имконият билан таъминлаш, матнга бадиийлик бағишлишдаги эҳтиёжини қондириши учун хизмат қилувчига зарурый поэтик ҳодисалардир. Шу маънода баркарор эпик формулалар бахшилардаги ижодий ожизликни яширувчи, импровизация жараённида уларга илҳом бахш этувчи эстетик ҳодисалардан иборат.

3. Баркарор эпик формулалар халқ достонларидағи шеърий матнлар билан уйғун, яъни у ёки бу мазмундаги тасвир ҳамда ифодалар билан семантик уйғунлашган универсал образли ҳосилалардир.

Юқоридаги уч жиҳатдан баркарор эпик формулалардан таҳлил қилиш бир мақола доирасида ҳал қилинадиган масала эмас. Шу боис ушбу мақолада биз факат учинчи жиҳат ҳақида мухтасар фикр-мулоҳаза юритишга ҳаракат қиласиз.

Баркарор эпик формулаларнинг қадимий илдизлари патриалхал тузум даврларига – ижтимоий воқеликнинг ҳар бир

ҳодисаси фақат маросим орқали бошқариладиган ўтмишга бориб боғланади. Фақат ана шу даврлардагина эпик формулаларда акс этган майший ҳаёт бутун жамоа учун умумийлик касб этган ва ягона, алоҳида ҳодисалардан устун мавқе эгаллаган. Бунинг сабаби шундаки, патриархал тартиботлар нуқтаи назаридан ягоналик эстетик қимматга эга бўлмаган.

Барқарор эпик формулалар муайян воқелик ҳақидаги анъанавий мазмунларни қайд этади, анъанавий моҳиятни ифодалайди, лекин уларнинг сабабий асосларини изоҳламайди. Шу боис баҳшилар ижро жараёнида сюжет воқеаларининг барча узвларини тасвирлаб ўтирамай, улар ҳақидаги эпик формулаларга мурожаат этадилар. Мана шу эҳтиёж эпик формулаларни ижро пайтида такрор ва такрор кўллашга, ўз навбатида, бу такрорлаш уларнинг барқарорлашувига олиб келади.

Барқарор эпик формулалар анъанавий мазмунлар мажмуасидан иборат ва уларнинг ҳар бири муаян мазмуний матн билан шу қадар бирикиб кетгандилиги сабабли бирорта ҳам эпик формуланинг синонимик шакли йўқ. Қисқаси, эпик формулалар баҳшилар хотирасини мустаҳкамловчи, уларнинг онгидаги эпик ахборотни жонлантирувчи, бу ахборотни тингловчига етказиш шакли, мароми, оҳангি, вазни ва қиёфаси кабилар жихатидан уларни бошқарувчи эстетик ҳодисалардир.

Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиг олинган «Малика айёр» достонида Торкистондан Малика айёрни олиб келиш учун сафарга жўнаётган Авазхондан отаси Гўрӯғли қайтиш мухлатини сўрайди. Отанинг сўровига жавоб беришда баҳши Авазхоннинг нуткини фақат эпик формулалар воситасида гўзал ва таъсирчан ифодалашга эришган. Атиги йигирма мисрадан иборат Авазхоннинг жавобида барқарор эпик формулалар миқдори ўн мисрани ташкил этади. Бу шеърий парча қўйидаги барқарор эпик формула билан бошланади:

*Тойрилмаса боидан тожу давлатим,
Остимда ўйнаса араби отим.*

Мазкур формуланинг маъносини англаш ва тўғри талқин этишда биринчи мисранинг кўчма рамзий маъносига эътибор

бериш лозим. Унда «бошдан тожу давлатнинг тойрилмаслиги» – омаднинг кетмаслиги, бахтнинг юз бурмаслигини англатади. Дарҳақиқат, Авазхондан баҳт-омад кетмаса, у, албатта, қайтиб келади. Иккинчи мисрадаги «остида ўйнаган араби от» эса Гиротга ишорадан иборат бўлиб, агар бу тулпор доим тирик, соғ-саломат харакат қилса, Авазхон, албатта, қайтади. Демак, қаҳрамон ўзининг маълум муддатдан кейин қайтиб келишининг муҳим икки шартини айтиб, сўнгра «ўн олти ой келар менинг муҳлатим» деб жавоб қайтарган. Атиги уч мисрадан иборат нутқ парчасида берилган эпик ахборотнинг тингловчи учун ўзига хос фалсафий, ҳаётий ҳамда ҳиссий жиҳатдан таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида баҳши барқарор эпик формулага мурожаат этган. Агар у формуласиз «ўн олти ой келар менинг муҳлатим» деб эпик ахборотни яланғоч айтганда эди эпоснинг, эпик шеърнинг бадиий таровати барҳам ейиши тайин эди.

Мана шундан сўнг ҳам баҳши тингловчилар руҳиятига, ҳиссиятига янада кучлироқ таъсир кўрсатиш мақсадида яна янги эпик формулага мурожаат этади ва унинг воситасида эпик ахборотни кучайтиришга харакат қилади:

*Дардлиман дардимни кимга ёраман,
Айрилиқ ўтида бағри пораман.*

Бир томондан, суюкли фарзандидан вақтинчалик айрилиб қолаётган отанинг кўнглига далда бериш, иккинчи томондан, Гўрўғлини Гўрўғли қилган, Гўрўғлинингина эмас, балки бутун Чамбил мамлакатининг, Чамбил ҳалқининг тинчлиги ва тотувлигини таъминлаётган Гиротдан абадий айрилиб қолишдан хавотирланаётган мамлакат сардорининг кўнгил хижиллигини ёзиш учун Авазхон юқоридаги формула орқали сўзлаяпти. Ҳақиқатан ҳам, Авазхон дардли қул, аммо ўз дардини ҳеч кимга айта олмайди. Сабаби шундаки, Зебит чўлида, Шакар кўлида Гўрўғлининг ақлу ҳушини олган Малика айёрни Торкистон деган номаълум ва хавф-хатарли мамлакатдан осонлик билан олиб келиб бўлмаслигини у яхши билади. Аммо жонидан яхши кўрган Гўрўғлининг дардига малҳам бўлиш учун Авазхон сўз бериб кўйди, сўзни бузиш эса эпик қаҳрамон шаънига тўғри келмай-

ди. Мана шунинг учун унинг бутун дарди ичида. Бунинг устига отаси ҳам асранди фарзандидан, ҳам тулпор отидан айрилиб қолишдан ҳадиксираб, қачон қайтиб келасан деб сўраб ётибди. Мана шу хавотирли ҳадиксирашдан Гўрўғлини қуткариш лозим. Бу вазифани эса формуланинг иккинчи мисраси адо этган. Агар Авазхоннинг бағри ҳам вақтингчалик айрилиқдан пора бўлса, демак, у тирик бўлса, албатта, қайтади. Мана шу эпик формуладан кейиноқ бахши Авазхон жавобига аниқ қайтиш муҳлатини, яъни аниқ эпик ахборотни кўшиб юборади. Насиб этса, ўн олти ойда келиш ҳақидаги хабар эса достон қаҳрамони Гўрўғли ва унинг ёнидагилар кўнглини, достон тингловчилари дилини хотиржам қилиши шубҳасиз. Демак, барқарор эпик формулалар матнга жон бағишлади, унга кучли ҳиссий таъсирчанлик беради. Нозик руҳий кечинмаларни тингловчига етказишида калитлик вазифасини адо этади.

Демак, Авазхон ўзини қийнаётган кечинмаларни эпик формула воситасида баён этгач, кейин аниқ қайтиб келиш муҳлатини айтади. Бироқ у олдида турган сафарнинг хатарли эканини, ундан қайтиб келмаслик мумкинлигини чукур ҳис этади. Мана шу гумонни Гўрўғлига етказишини у унутмайди. Мана шу ҳолатни қаҳрамон ўз нутқи воситасида етказиши учун мос келадиган бошқа барқарор эпик формулани бахши усталик билан Авазхон монологига кўшиб юборади:

*Жаҳонни сайд этиб ўйнаб келмасам,
Нор кесар олмосин белга чолмасам...*

Сафар хатарли бўлса ҳам, бехатар бўлса ҳам, барибир, сафар. Чунки сафар чоғида нотаниш юртларга борасиз, турли-туман воқеа-ходисаларга дуч келасиз, турли кишилар, жондорлар билан тўқнашасиз. Мана шу маъно барқарор эпик формуланинг биринчи мисрасида ўз ифодасини топган. Иккинчи мисрадаги нор кесар олмосин белга боғлаш эса қаҳрамоннинг сафар пайтида ҳар қандай хавф-хатарга тайёр эканлигидан, уларни олдиндан билганлиги ва сезганлигидан далолат беради. Демак, барқарор эпик формула бахшини ҳам, тингловчини ҳам эпик вазият ичига олиб кириш баробарида ижодкор куйлаши учун ритмик, метрик

ва эвфоник, энг муҳими, эпик баён учун қолип ҳам тайёрлади. Шу боис кейинги мисралар эпик формула қолипида янги эпик ахборотни ифодалаш йўлида давом этади:

*Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,
Авазжоннинг зўр билаги толди де,
Ҳам отингни, ҳам ўғлингни ўлди де,
Якка мозор бўлиб шунда қолди де.*

Авазхон тилидан айтилган бу сўзлар вазият драматизмини кескинлаштириб юборди. Буни пайқаган Аваз аста-секинлик билан Гўрўғли кўнглига, онгига чўккан хавотирни бироз пасайтириш учун янги эпик формула воситасида ўз мурожаатини давом эттиради:

*Ота, эшиш менинг айтган ноламни,
Тўкарман қўзимдан қонли жсоламни.*

Мазкур формула Авазнинг ўз отасига айтган юқоридаги сўзлари фақат эҳтимолдан йироқ бўлмаган нарсалар эканлигини англатишга хизмат қиласи. Нима бўлганда ҳам бу формула янги эпик ахборотни тингловчига етказишининг эпик парадигмаси вазифасини ўтайди. Шу боис формуладан кейин қуидаги «хабар»лар баён этилади:

*Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,
Чамбил белда тўйрай беринг ошишни.*

Авазхон ўзининг қайтар муҳлати аниқлигини, аммо хавф-хатарга тўлалиги, бинобарин, сафардан қайтмаслиги ҳам мумкинлигини билдиргач, ўз монологи ниҳоясида Гўрўғли ва бошқа йиғилганларни хотиржам қилиш мақсадида, албаттга, қайтажаклигига тўхталади. Бу нарса тингловчи қалбига ҳам бироз хотиржамлик бағишлайди. Мақсад ва ниятини аниқ билдириш учун сўз очар экан, унинг нутқига янги барқарор формула киритилади:

*Ҳар нима матлаб бўлса, Ҳақдан тилагин,
Ўн олти ойда (қайтишини) Ҳақдан тилагин,*

*Үн олти ойда келар менинг муҳлатим,
Үн олти ойда йўл-йўлима қарагин.*

Асосан, бир мисрадан иборат тузилишга эга бўлган бу барқарор эпик формула қаҳрамоннинг қайтиш-қайтмаслиги ўз ихтиёри билан юз бермаслиги, балки Яратган томонидан белгиланганини билдиришга хизмат қилади. Инсон қисматининг Ҳак томонидан белгиланганини эшитган кузатувчилар, достон тинглаб ўтирган аудитория ҳам тақдирга тан бериб тинглайдилар. Мана шундан сўнг Авазхон қайтиш муҳлатини яна аниқ қилиб ўн олти ой деб таъкидлайди.

Юкоридаги йигирма мисралик шеърий монологнинг teng ярми барқарор эпик формуладан иборатлиги баҳшининг маҳорати юксаклигидан далолат берадими ёки пастлигини англатадими? Бизнингча, барқарор эпик формулаларнинг бундай кўплиги ва уларнинг ўз ўрнида қўлланилиши Фозил Йўлдош ўғли ижро маҳоратинигина эмас, балки унинг эпик билимни пухта эгалланлигидан, эпик хотирасининг мустаҳкамлигидан далолат бериш билан бирга халқ эпоси услубини тўла, бенуқсон намойиш этганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, қўлланилган барча эпик формулалар ана шу нутқий парчага кучли ҳиссий қувват бағишлигар, улар ўзларининг рамзий ва мажозий мазмунлари билан монологга поэтик сирлилик ва жозиба ҳам касб этган.

Энди барқарор эпик формулаларнинг бадиий құдрати ҳақида икки оғиз сўз. Бадиийликнинг асосини, моҳиятини образлилиқ ташкил этар экан, ҳар бир эпик формула бағрида яширинган образлар, уларнинг формулага баҳш этган мазмун ва моҳиятини топиш лозим.

Ҳар бир эпик формула, агар икки мисрадан иборат бўлса, улардаги яширинган образлар доим тўрттадан иборат бўлади. Мана шу образлар ҳолати, кечинмаси, хатти-ҳаракати ва ҳоказо вазифалари бирикиб формуланинг мазмун ва моҳиятини, унинг эпик баёнда қўлланиш ўринларини белгилаб беради. Биргина мисол:

*Очилганда қизил гунча сўлмасин,
Дунёда мард киши ҳеч бир ўлмасин.*

Биринчи мисрада «қизил гул» (очилган қизил гул) ва паймона (сўлиш) образлари, иккинчи мисрада эса яна шу рамзий образларнинг аниқ номлари «мард киши» – очилган қизил ғунча, сўлигани ғунча – ўлим, кенг маънода «паймона» таъкидланган. Ана шу тўрт образнинг ўзаро рамзий боғлиқлиги, образлар қисматининг ўта ҳазин бўлмаслигининг тиланиши эпик шеърга ҳам эмотив, ҳам эвфоник, ҳам семантик моҳият бағишлийди. Эпос ижроси пайтида бахши ўз эпик хотираси воситасида сюжет воқеаларини бошқарап экан, ўзининг эпик билим хазинасидаги эпик формулалар мазмунни, моҳиятига асосланган ҳолда тасвиrlанаётган вазият ҳамда ҳолатлар эҳтиёжидан, талабидан келиб чиққан ҳолда тайёр эпик формулаларга мурожаат этади. Маълум бўладики, барқарор эпик формулалар ўзларининг семантикаси, оҳангি, ритмикаси ва метрикаси, қофия хусусиятлари билан ижодкор учун ижро жараёнида уммон тўлқинлари бағрида сузиб кетаётган кемага машъала бўлиб йўналиш кўрсатади; уларга илҳом беради. Тингловчилар онгини чулгаб, уларни асар воқеаларига бўлган қизиқишларини жонлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, барқарор эпик формулаларнинг поэтик табиати, уларнинг универсаллик хусусиятлари ва семантик, метрик ва эвфоник табиати, образлар дунёси алоҳида тадқик этишга арзигулик илмий мавзулардан бири бўлиб, келгусида бу масалалар ҳақида батафсил тўхталиш ниятимиз йўқ эмас.¹

¹ Ушбу макола «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1999 йилги 6-сонида (37–42-бетлар) босилган.

Жаббөр
ЭШОНҚҰЛ
(1967 йылда туғылан)



Жаббөр Эшонқұлов 1967 йил 5 майда Қашқадарё вилояты Қамаши тумани Терсомта қишлоғида туғылған. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган (1991). Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида (1991–94), докторантурасида (2000–03) таҳсил олган. 2009 йилдан ҳозирга қадар шу институттинг Фольклор бўлимида катта илмий ходим, етакчи илмий ходим лавозимларида ишлаб келади. «Ўзбек фольклорида дев образи» мавзусида номзодлик (1996), «Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини» мавзусида докторлик (2010) диссертациясини ҳимоя қилган. «Фольклор: образ ва талқин» (1999), «Алпомии» достонининг изоҳли лугати» (2006), «Эпик тафаккур тадрижси» (2006), «Ўзбек фольклори библиографияси» (2008), «Наврўз нашидаси» (2009, ҳамк.), «Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини» (2011), «Алпомии. Ўзбек халқ достони. Пўлкан шоир варианти» (2012, ҳамк.), «Эртаклар китоби: ўзбек халқ эртаклари. Уч жислдлик» (2012, ҳамк.), «Наврўз қўшиқлари» (2013, ҳамк.), «Одамтой: ўзбек халқ эртаклари» (2014) каби китоблар муаллифи. Ўзбекистон халқ баҳиси Абдуназар Поённовдан «Алпомии», «Рустамхон», «Олтин қобоқ» каби ўнга яқин достонларни ёзib олган.

ЭПОС ВА МАРОСИМ

Эпос ва маросим ҳақида сўз кетганда, мутахассислар уларни бир-бирига boglab турувчи энг муҳим жиҳатни эпоснинг халқ ижодининг специфик намунаси сифатида маросим ва маросим фольклори билан бевосита алоқадорлигида кўришади.¹

Шуни айтиб ўтиш керакки, эпоснинг, айниқса, қаҳрамонлик достонларининг бевосита маросим билан боғлиқ жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Архаик эпосда, жумладан, мазкур мақоламизнинг таҳлил объекти бўлган «Алпомиши» достонида ҳам маросимларнинг муҳим ўрин тутиши ва устувор қонуният кашф этиши кузатилади. Бироқ қаҳрамонлик эпоси биргина маросимлардан келиб чиқади ёки тугилади, деб хулосалаш масалани ўта жўн ҳал этиш бўлади. Маросим эпик формаларнинг трансформацияси орқали юзага чиқади. Ушбу архаик эпик форманинг бевосита маросим билан алоқадорлик томонларини тадқиқ этиш эпоснинг туб асосларини ёритишда ўта муҳимдир. Бу ўринда икки жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

Биринчидан, эпоснинг маросимлардаги ўрни ва функцияси. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида давом этаётган қадимий анъана – тўйу томоша ва бошқа маросимларнинг бахшилар иштирокида ўтказилиши.

Иккинчидан, маросимларнинг эпосда акс этиши, яъни маросимларнинг эпос сюжетида тутган ўрни. «Алпомиши» достонини таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг кўхна маросимлар, урф-одатлар, ирим-сирим, табуларнинг қомуси, деб аташ мумкин. Чунки ҳеч бир эпосда халқимизнинг майший ҳаёти бунчалик кенг кўламда ўзининг бадиий ифодасини топмаган. Фарзанднинг туғилишидан олдин овга чиқмоқ, суюнчи олмоқ, фарзанднинг туғилиши, фарзандга исм қўймоқ, этагига солмоқ, бешик тўй, тўй маслаҳати, жарчи қўймоқ, чуфуррон тўй, тўёна бермоқ, аташтириб бешиккерти қилмоқ, иккинчи исм қўймоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, қаллиққа бормоқ, совчи қўймоқ, шартлашиш (кураш, кўпкари, пойга) куёв навкар, тўққизтовоқ, куёвтовоқ, ўтни айланмоқ,

¹ Путилов Б., Эпос и обряд // Фольклор и этнография. – Л.: Наука. 1974. – стр 76.

қыз яширди, вакил ота, вакилини бермоқ, чимилдиқ тутмоқ, ит ириллар, ойна күрсатар, соч сийпатар, күл ушлатар, куёвулөк, юз очди, бақан ташламоқ, солим бермоқ, ўлан айтмоқ каби турли хил одат ва маросимларнинг «Алпомиши» эпосидан жой олиши мухим аҳамиятта эга ва у маҳсус тадқиқотни талаб этади.

Эпос ва маросимни ўрганишда, биринчи навбатда, қиёсий типологик методнинг устуворлигини инкор этмаган ҳолда, структурал, лингвопоэтик ва руҳий таҳлил каби қўплаб методларга ҳам суюниш лозим бўлади. Қиёсий-типологик таҳлилда биринчидан, маросимларни ўзаро қиёсий ўрганиш мумкин бўлса, иккинчи томондан уни эпос ва эпосдаги мотивлар билан муқоясалаш имконияти туғилади. Лингвопоэтик ва руҳий таҳлил методлари эпос ва маросим семантикасини чуқурроқ ёритиб беришда асосий омил бўлади. Структурал метод эса эпос ва маросим тизимини ўрганишда мухим аҳамият касб этади. Чунки архаик эпос билан маросим структураси ўзаро уйғун келишини кўрамиз.

Шомоннинг шажараси, унинг танланиши, ҳомий руҳлар кўмагида бўлиши, ўзга дунёга сафар, ёвуз руҳлар билан жангি, ўзга қиёфага эга бўлиши бу шомонлик маросимига хос хусусиятдир. Архаик, жумладан, «Алпомиши» эпосида ҳам шажарага алоҳида урғу берилиши, Ҳакимбекнинг туғилиши ва доимо пирлар кўмагида бўлиши, қаҳрамонликлар намойиш этиши, сафарга отланиши, ёвузликка (ёвуз руҳларга) қарши кураши, етти йиллик зиндан, яъни рамзий ўликлик ҳолатидан сўнг қайта тирилиб чиқиб, Култой қиёфасига кириши структурал жиҳатдан шомонлик маросими билан айнан бир хил эканлигини кўрамиз. Қолаверса, эпоснинг генетик хусусияти унинг жанр структураси ўрганиш орқали очилади.

Маросимнинг эпосда акс этиши ҳақида сўз кетар экан, унинг, асосан, икки: а) майший турмушда ўз ижро ўрнига эга бўлиб, эпосда ҳам бадиий акс этган (фарзанднинг туғилиши, исм қўйиш, бешиккерти қилмоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, совчи қўймоқ, қаллик ўйнамоқ ва ҳоказо; б) майший турмушда ижро ўрни унутилиб, бадиий ҳолатга кўчган (фарзанд туғилишидан олдин овга чиқиш, куёвга келин томонидан шартлар қўйилиши ва ҳ.к.) жиҳатларини тадқиқ этиш лозим бўлади.

«Алпомиши» достонида фарзанднинг туғилиши илоҳий хусусият кашф этади. Илоҳий туғилиш эса фольклорда етакчи мотивлардан бири бўлиб, у бир неча босқичлардан иборат. Биринчиси, ота-онанинг фарзандсизлик ҳолати. Бу бир томондан она уруғчилик билан боғлиқ тасаввурларнинг маросим ва достонларимиз қатламида сақланиб қолганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, достонда рамзий маъно кашф этиб, пароканда элни бирлаштирадиган, ҳокимиятни мустаҳкамлайдиган янги авлод, янги алпнинг туғилишини англаатади.

Қаҳрамоига исм берилиши билан боғлиқ ўринлар қисқа сатрларда айтилиб кетган бўлса-да, у достон сюжетида муҳим аҳамиятга эга. Достон қаҳрамони Ҳакимбек етти ёшга тўлганда Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон парли ёйни отгани учун «Алпомиши» деб аталади: «Шунда барча ҳалойиқлар йиғилиб келиб айтди: ...бу Алпомиши алп бўлсин. Тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтди».¹

Қадим маросимларда, хусусан, шомонликда маросимдан сўнг қаҳрамонга иккинчи исм берилган. Бу биринчидан шомоннинг эранлар томонидан танланганлигини ва руҳий камолатга етганлигини билдирса, иккинчи томондан унинг бошқа қиёфага кирганлигини, магик қудратга эга бўлганлигини ҳам кўрсатган. Бугунги кунда ҳам республикамизнинг жанубий вилоятларида баъзан оиласда ўғил фарзанд туғилса, уни «орқалик» экан деб, ҳамда инсу жинс, ҳар хил ёмон руҳлардан асраш мақсадида болага дастлаб ёлғон исм берилади. Агар шундай қилинмаса, у хасталикка чалиниши мумкин деган қараш мавжуд. Маълум бир муддатдан сўнг қичик бир маросим ўтказилиб, болага ҳақиқий исм қўйилган.

Эпосда маросим ҳеч қачон батафсил тасвиirlанмайди, балки унинг муҳим нуқталари ўз аксини топган бўлади. Энг эътиборли жиҳати, маросим эпос тизимида сюжетни юзага келтириб, эпик характер касб этади. «Алпомиши» достонидаги Ҳакимбекка иккинчи исм берилиши билан боғлиқ ҳалқа олиб ташланса, достон мазмунига жиддий путур етади. Демак, маросим маълум маъно-

¹ Алпомиши. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар: Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент, Шарқ, 1998. – 18-бет.

да эпос сюжет халқасининг юзага келишига замин бўлиши билан бирга бевосита эстетик функция бажаради.

Достонда Сурхайл кампир Барчиннинг онасига қаратада шундай дейди:

*Қозонда қайнаган ширбоз гўштмиди,
Шул қизингнинг агар боши бўшмиди.
Боши бўши ми дейин, сендан сўрайман,
Келин қилиб бирор рўмол ўрайин.¹*

«Бошнинг бўшлиги» ҳали қизнинг бировга аталмаганлиги, ҳеч ким билан аҳду паймон қилмаганлиги ва ота-онасининг розиризолиги олинмаганлигини англатади. Барчин эса туттилгандаёқ «бешиккери» қилинган эди. «Ана шунда Шоҳимардон пири Ҳакимбекка Ойбарчинни аташтириб, бешиккери қилиб: бу иккови эр-хотин бўлсан, Ҳакимбек билан ҳеч ким баробар бўлмасин, омин Аллоҳу Акбар, – деб фотиҳани бетига тортди».²

Бешиккери қилиш одати ва у билан боғлик маросимлар бугунги кунгача ҳам халқимиз хаётида сақланиб қолган. Бешиккерида, албатта, бўлғуси келиннинг бошига рўмол ўралиб, бирор бир тилла тақинчоқ тақилган.

Бош кийим эса ҳамиша муқаддас саналган. О. Сухарева Ўрта Осиё халқлари бош кийимга алоҳида эътибор беришларини, ёшига қараб бош кийимлари ҳам ўзгариб борганлиги ва ҳар бир маросимда бош кийим мухим аҳамият касб этганлигини таъкидлайди.

Қадимда эса бош ва бош кийим кўк билан bogланган. Шунинг учун бойбичанинг Сурхайл кампирга берган кескин жавобида ҳам, бир томондан, қизининг ёшлигига Ҳакимбек билан «бешиккери» қилинганлиги таъкидланаётган бўлса, иккинчи томондан, улар икки дунё, икки олам вакили эканлигига ҳам ишорадир.

Барчиннинг элдан ажратилиб, баланд бир тепаликка ўтов тикиши достонда шундай тасвирланади: «Ўн минг уйли қўнғиротдан чиқариб, Барчиннинг ўтовини кўтариб, ҳу, анадай овлоқ тепанинг бошига тикиб қўйди. Бул ўтовда қирқин ка-

¹ Алномиш. – 45-бет.

² Алномиш. – 17-бет.

низлари билан Барчин ўтириди».¹ Бу ерда диқкатимизни тортадиган икки жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Биринчиси, Барчин ўтовининг тепаликка тикилиши. Тепалик, тоғ бу қадимда маросимлар ўтказиладиган муқаддас жой ҳисобланган. Иккинчиси, ўтовнинг оқ ва баҳмал эканлиги. Оқ ва қизил (баҳмал) ранг, биринчи навбатда, икки олам (эркак ва аёл бирлигининг макони) ҳақидаги қадим тушунчаларни ўзида ифода этган. Шунинг учун ҳам бу икки ранг эпосда ҳам, маросимларда ҳам аниқ рамзий маънога эга.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида узатилаётган қиз тўй куни бирор бир қариндоши ёхуд қўшниларидан бириникида, яъни ўз уйидан узокроқда бўлади. Қизнинг дугоналари узатилаётган қизни яширишиб, «қиз яшириди» маросимини ўтказади. Куёв томондан танланган вакил бўлғиси келинни топиб олиши керак. Ана шу «қиз яшириди» маросимидан сўнггина, бўлғуси келиндан вакиллар рози-ризолик олишади. Достонда ҳам айни маросим ўз аксини топган: «қадимги расми шундай бўлади, Барчинойни қиз опқочди қиласди. ...Бир ерда буларни топиб олади».² Ана шу каби маросимлардан яхши хабардор бўлмасак, Барчиннинг ўтов тикиб, ўз элидан ажralиб чиқишини жуда жўн талқини қилишимиз табий албатта. Аслида эса, «Алпомиш» каби классик эпосда, бирор бир детал ноўрин келмайди ва уларнинг ҳар бири ўзининг чуқур маъносига эга.

Барчиннинг алоҳида ўтов тикиб, ўз элидан ажralиб чиқиши, бу бир томондан қизнинг балоғатга етганидан далолат берса, иккинчи томондан унинг ихота қилинишини англатади.

«Қиз яшириш», яъни турмушга чиқаётган қизнинг жамоадан ажратилиши, унинг ихота қилиниши, яъни ҳар хил ноҳушликлардан, ёмон қўзлардан саклаш учун қилинган амалий ҳаракат бўлиб, Барчиннинг тепаликка, ўтов тикиши эса ана шу қадим маросимнинг достондаги бадиий ифодасидир.

Сочнинг маросим ва фольклордаги ўрни, функцияси ва поэтик кўлами шу даражада улканки, буни биргина мақола ёки тадқиқот

¹ Алпомиш. – 64-бет.

² Алпомиш. – 166-бет.

доирасида ҳал этиш анчайин мушкул масала. Маросимда магик ҳаракатлар ритуал аҳамият касб этса, эпосда у бадиий кўринишга эга. Буни «Алпомиши» достонидаги «соч сийпатар» ва шунга каби маросимларда кўришимиз мумкин.

Соч, ёл бу рухга тегишли, биронинг сочи ёхуд ёлига эгалик қилиш, унинг рухга эгалик қилиш, уни ўзига тобе этиш билан баробар ҳисобланган. Фрэзер соч қадим маросимларда энг юксак мавкеда бўлганлигини, ибтидоий инсон сочни тараш, олдириш, куйдириш орқали табиат ва рухга таъсир қилиш мумкин деб ҳисоблаганлигини таъкидлайди.¹

Фольклоршунос олим Аскар Мусақулов жаҳондаги кўпгина халқларнинг туғилиш, никоҳ, ўлим маросимлари билан бир қаторда соч олиниши ҳам инсон ҳаётидаги энг муҳим бўлиб, у осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлигини ёзади.²

Соч сийпатар, умуман, сочнинг ўрилиши бу қиз боланинг балоғатга етганлигини англатувчи унсурлардан бири бўлиб, у қадими соч магияси билан боғлиқ маросимнинг трансформацияга учраган бир кўринишидир. Соch магияси, биринчи навбатда, ҳосилдорлик культига бўлган эътиқоддан келиб чиқсан. «Алпомиши» достонидаги «соч сийпатар» маросимида ҳам ана шундай қадим тасавурлар ўз ифодасини топган.

Арқон, таёқ, ойна маросимларда энг кўп ишлатиладиган предметлардир. Уларни бирлаштириб турувчи жиҳат эса, бу учала жисм қадим тасавурларга кўра икки дунё ўртасидаги чегара, белгини ифодалашидир. Шунинг учун куёв-келин йўлига ташланадиган арқон, таёқ (бақан) бу уларни бир дунёдан иккинчи бир дунёга қадам қўйганлигини англатган. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёл таёқ ёки арқондан ҳатламайди, оқар сувда чўмилмайди, тунда қўзгуга қарамайди, сочини кесмайди деган одатлар бугунги кунгача сақланиб қолган.

Ойна, аслида, сувнинг атрибути ҳисобланади, сув табиий хусусияти билан қўзгуга тенглаштирилган. Сув эса икки дунё ўртасидаги чегара. Шунинг учун ҳам сувнинг барча дин ва турли хил маросимлардаги ўрни жуда баланд.

¹ Фрэзер Дж., Фольклор в Ветхом завете. – М., 1989. стр. 263–265.

² Мусақулов А., Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, Фан, 1995. – 97-бет.

«Кампир ўлди» маросими никоҳ түйининг бир қисми ҳисобланади. Бу маросим баъзи жойларда келиннинг уйида, айрим худудларда келин куёвнига олиб келингандан кейин амалга оширилган.

«Алпомиш» достонида у келин, яъни Барчиннинг уйида амалга оширилади: «Бахмал ўтовда чимилдиқ тутиб, куёв навкарлари билан билан куёвни киргизмоқчи бўлиб, бир неча хотинлар «кампир ўлди» бўлиб, ўлганига бир нима олиб, «ит ириллар» деган расмини қилиб, бунга ҳам бир нарса бериб, ҳар замон салом солиб, уйдан ичкари кириб, чимилдиққа ўтириб, олдига дастурхон солиб, қўйларнинг тўшини пишириб олиб келиб, буларнинг олдига қўйиб, хўп еб тўйиб, куёв навкарларга тўпули, рўмол, сармой бериб, ҳаммаси ўз расми-қаъдасини қилиб, куёв навкарлар чиқиб кетди, булар ҳам мазгилиги-жой-жойига қараб кетди».¹

Н. П. Лобачева бу маросим ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқларнинг барчасида учрашини таъкидлайди.² Бу маросим бугунги кунда сақланиб қолган. Сурхондарё, Кашкадарё вилоятларида худди достонда айнан келтирилгани каби келин томонда амалга оширилади. Чимилдиқ тутилган уйга кирмоқчи бўлаётган куёв навкарларининг йўли тўсилиб, остоана-да турган бир кампир ит бўлиб «ириллайди». Одатда, ит бўлиб ириллайдиган кампир кайвони, ували-жували ва обрў-эътиборли, энг муҳими, келин томоннинг энг яқинларидан бири бўлиши керак.

Кампирнинг «улуси» берилгач, куёв ичкарига киритилади. Шундан сўнг «кампир ўлди» маросими бошланади. Унда яна ували-жували бир кампир келин-куёвга солинган ўринга ёш болани қучоқлаб ётиб олади. Атрофда турганлар «кампир ўлиб қолди», «кампир ўлиб қолди» дейишади. Сўнг кампир туш кўрганини айтади:

¹ Алпомиш. – 166–167-бет.

² Лобачева Н. П. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусулманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука. 1975. – стр. 302–320.

*Туш кўрибман,
икки ёши хуш кўрибман,
Олтин бешик бу ёнда
Олтин бешик у ёнда.
тоқ, эмас, жуфт кўрибман.
қўчкордай ул бир жонда,
Басолқи қиз бир жонда,
Кўркам савлатли,
Молу давлатли,
Фарзандли, неварали, чеварали кўрибман.*

Баъзи ўринларда «ўлган» кампирнинг тушини иккинчи бир кампир таъбири қилиб, тушдаги рамзларнинг нима маъно ифодалашини айтиб туради.

Бу ўринда, энг аввало, тушга тўхталиб ўтиш зарур бўлади. Чунки туш кўпчилик маросимларда, умуман инсон ҳәстининг барча нукталарида алоҳида аҳамият касб этган. Ибтидоий инсон ўзининг ўтмиши, бугуни ва келажагини ҳам тушсиз тасаввур эта олмаган. Бирор бир инсоннинг дунёга келиши, камол топилиши, баҳти бўлиши ёки фалокатларга йўликиши тушларда аён бўлган.

Никоҳ эса ҳамма вақт ўлим ва туғилиш орасидаги муҳим бир восита, ҳаёт—ўлим—ҳаёт давомийлик циклининг бошланиши хисобланган.

Ўлиб тирилувчи маъбуллар ҳақидаги қадим тасаввурларга кўра, кекса қиш ер юзини тарқ этгандан сўнг, у янги – баҳор қиёфасида дунёга келади. Ўлим йўқ экан, туғилиш ҳам бўлмайди; қиш ўлмаса, баҳор туғилмайди. Аслида, ўлим ва туғилиш бир ҳолатнинг икки кўриниши халос.

Достондаги «кампир ўлди» маросимида ҳам худди ана шу нарса, яъни бир фасл (цикл) ўрнини, иккинчи бир фасл олганлиги, «кампир» ўлиб, янги оила дунёга келаётганлиги, мангу давомийлик циклининг рамзий ифодасидир.

Табиат фаслини кекса кампир қиёфасида тасаввур қилиш «Чой момо», «Суст хотин» маросимларида ўзининг янада ёрқинроқ ифодасини топган.¹

¹ Саримсоқов Б., Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, 1986. –

Маълумки, ўлиб тирилувчи маъбуллар ҳақидаги кўплаб мифлар мавжуд. Бундай мифларга хос бўлган энг муҳим хусусият уларнинг табиат ва ҳосилдорлик культини ўзида мужассам этгани ва уларнинг кўпчилиги, албагта, аёл қиёфасида бўлганидир. Ҳар фасл алмашганда эса уларга қурбонликлар қилиниб, маҳсус маросимлар ўтказилган. Қадим Мисрда Осириснинг ўлиб-тирилиши баҳор маросимларида томоша қилиб кўрсатилган.

Германияда янги никоҳ қурган келинчакларга ўлимни ифодаловчи сомондан қилинган кўғирчок кўрсатилган. Қари кампир кўринишидаги «Ўлим» келинчакнинг кўп фарзандли бўлишига ёрдам беради, деган тасаввур бўлган.

Кўпгина тадқиқотчилар ўлимнинг ҳосилдорлик ва серфарзандлик бўлишида кўрсатадиган таъсири ҳақида тасаввурлар никоҳ маросимларида жуда барқарор эканлигини таъкидлашади.

Шунинг учун ҳам оила ва мавсум маросимларини бир-бири билан узвий боғлиқ равишда ўрганилиши зарур. Зеро, оила маросимларининг барча қирралари мавсумий маросимларини ўрганиш орқали очилади.

Эпос ва маросим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён. Маросимларнинг тарихий илдизларини ёритишда эпосга мурожаат этиш табиий. Эпосдаги мотивларни эса маросимлар билан киёсий ўрганганимиздагина уларнинг мазмун-моҳияти янада тўлароқ очилиши мумкин.

*Дармон
ҮРАЕВА
(1967 йилда туғилған)*



Дармон Саидахмедовна Үраева 1967 йилда Туркменистан Республикаси Чоржүй шаҳрида туғилған. Бухоро давлат педагогика институтында (1984–88). Бухоро вилоятининг Олот шаҳридаги 1-ўрта мактабда ишилган (1988–92). Бухоро давлат университети аспирантурасида ўқиган (1989–92). Бухоро давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор вазифаларида ишилаб келмоқда (1992 йилдан). «Ўзбек халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг характеристири ва бадиий-композицион вазифалари» мавзууда номзодлик (1993), «Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти» мавзууда докторлик (2005) диссертациясини ҳимоя қилған. Унинг «Ўзбек мотам маросими фольклори» (2004), «Ўзбекистон халқлари этнографияси ва фольклори» (2007, ҳамк.), «Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди хрестоматияси» (2008, ҳамк.), «Охунжон Сафаров» (2010), «Бухор элда гул сайли» (2010, ҳамк.), «Авазхон» достонини колледжларда ўрганиш» (2011), «Рустамхон» достонини бадиияти» (2011), «Ўзбек халқ қўшиқларида радиф» (2015), «Мақолларни синквейн усулида ўргатиш» (2015), «Жаҳон адабиёти атамаларининг изоҳли лугати» (2015) ва «Семурғ қўнар давлатманднинг бошига (фольклоршунос Маматқул Жўраев ижодий портретига чизгилар» (2017) каби монография, дарслик, ўқув қўлланмаси ва риссолалари чоп этилган.

МОТАМ АЛЛАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мотам аллалари энг қадимги даврлардан анъана сифатида келаётган қадриялар, урф-одатлар ва миллатимиз рухиятига хос туйғуларни ўзига мужассамлантирганлиги билан диққатни тортади. Улар ўзбек мотам маросими фольклорининг мустақил, анъанавий жанрларидан бири бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаси билан изчил bogланган. Мотам аллалари чақалоқ ёки катталар ўлими юз беришига дахлдор табиий вазиятда ҳиссий-рухий эҳтиёж муносабати билан ижро этилади. Уларнинг аниқ ижро ўрни, пайти, табиий ҳолати ва вазияти, маҳсус ижрочилари мавжуд. Мотам аллалари, аслида, болаларни ухлатип ва тарбиялаш учун куйланадиган айтимлар билан генетик алоқадордир. Улар функционал алмашиниш ҳодисаси маҳсули сифатида вужудга келган.

Мотам аллалари мазмунан ғоятда дарднок, оҳанг жихатдан ўта мунгли бўлади. Улар одатдаги аллаларга нисбатан секин суръатда, оддий овоз солиш асосида гамгин руҳда куйланади. Йигилар мотам маросимида унинг иштирокчилари рухиятига таъсир кўрсатиб, уларни йиғлашга мажбур этса, мотам аллалари эса, аксинча, азадорларни тинчлантиришга, марҳумнинг абадий уйқусини бузмасликка ундайди.

Мотам аллаларининг матнлари анъанавий шаклга эга бўлиб, бадиий жиҳатдан пишиқлиги, кучли ҳиссий таъсирчанлиги, поэтик сайқал топғанлиги билан ажralиб туради. Уларнинг ҳар сатри ёки сатрлариаро «алла» сўзининг радиф сифатида ёхуд ҳар бир мисрадан кейин ёинки иккилиқ ёки тўртлик шаклидаги мустақил бандлардан сўнг «Олло, раббим, бир обло, хуя», «алла, во-алам-о, алла-хуя», «алла, ҳо, алла, алла-ё, бир обло» каби мураккаб тақорларнинг рефрен бўлиб келиши мотам аллаларига хос энг муҳим жанрий белгидир. Улар мотам аллалари таркибидаги мисра ва бандларни яхлитлаштириш учун ҳизмат қиласди. Ўлим аллалари марҳумга абадий уйку тилаш мақсадида куйланиши боис уларда «ухла» буйруқ феълига ҳам кўп дуч келинади.

Мотам аллаларининг келиб чиқишига қадимда ўлимни «уйқу» деб тушуниш етарли таъсир кўрсатган. Қадимий анимистик тасаввурларга кўра, ибтидоий одамлар ўлимни «уйғонмас уйқу» деб тушунгандар. Улар ўлган кишини ухлади, деб анлаганлар. Бу тушунчаларнинг излари ҳозиргача сақланган бўлиб, эл орасида: «Ухлаганларни безовта қилманг, у ўлик билан баробар», – деган тушунчалар мавжуд. «Мангу уйқуга кетди», деган ибора ҳам шундан келиб чиқсан. Халқ орасида киши ухлаганида, сув ичаётганида уни илон ҳам чақмайди, деган гаплар борлитини кексалар кўп эслатади. Хуллас, қадимда ўлим ҳодисаси мангу, абадий уйқуга кетиш қабилида изоҳланган. Ўлимни уйқу билан тенглаштириш эса уйқу учун ҳам, ўлим учун ҳам алла айтиш ҳолатининг юз беришига маълум даражада асос бўлган. Шунинг учун болани уйгоқлик оламидан уйқу оламига, марҳумни эса тириклар оламига кўчириш жараёнида, албатта, алла куйлаш одати шаклланган. Аллага нисбатан ором бағишловчи, хотиржамлик ҳадя этувчи, янгича ҳаёт тарзи ато қилувчи магик восита сифатида қаралган. Унинг келиб чиқишида сўз сехрига ишончнинг ҳам ўзига хос таъсири бор.

Мотам аллаларига ислом динининг ўлимга йигламасликни талаб қилувчи коидалари ҳам таъсир кўрсатгани, шубҳасиз. Шу боисдан, мотам аллалари куйланана бошланиши билан азадорлар йигини тўхтатиб, унга жимгина қулоқ солиб турадилар. Чунки мотам аллалари ўлимнинг барҳақлиги, ҳаммага баробарлиги ва ҳамманинг бошида борлиги ҳақидаги ҳақиқатни бадиий баён этади. Улар ёшу катта, шоҳу гадо – барчага қадимданоқ айтиб келинади. Ушбу ҳақиқат мотам аллалари матни орқали ҳам тастиқланади:

*На шоҳ қолди, на гадо, алла,
Аллалаб кўтардилар, алла.
Олиб кўчадан ўтадилар, алла.*

Умуман, мотам аллалари ўзига хос тарихий тараккиётни босиб ўтганлиги сезилиб туради. Даставвал ритуал-магик мақсадда куйланана бошланган мотам аллалари бугунги кунга келиб ижтимоий-этик вазифа бажармоқда. Улар ритуал айтим

эканлиги билан характерланади ва мотам маросимининг асосий жанрларидан бирини ташкил этади. Мотам аллалари ўзига хос куйланиши тартибига, бошланма ва тугалланмага эга. Улар, одатда, худога ва пайғамбарларга ҳамду сано айтиш билан бошланади:

*Аввал бошлаб худони ёд этайлик, алла,
Пайғамбарлар руҳини шод этайлик, алла.
Пайғамбарлар руҳига биздан салом, алла,
Иzzату икром билан шод этайлик, алла.*

Шундан сўнг ўлим алласининг мазмун-моҳияти таърифланиб, номланиш тарихи хусусида тўхтанилади:

*Алла – алланинг оти,
Алла – худонинг ёди.
Кимлар қўйди шу отни,
Пайғамборлар авлоди.
Минг ўлиб, минг тирилар,
Пайғамбарнинг зурриёди.*

Ушбу мисралардан сўнг ўлим алласининг кимга атаб куйла-наётганлигига алоҳида урғу бериб ўтилади:

*Алла – Оллоҳнинг ёди,
Оллоҳ – худонинг оти.
Бугина айтган аллам,
Онажонимнинг ёди.
Бугина онажоним,
Пайғамбарнинг зурриёди,
Обло, бир обло.*

Мотам аллаларини марҳумни сўнгги йўлга кузатишдан олдин йиғи айни авжига минган лаҳзада азадорларни бир қадар тинчлантириш, марҳумнинг руҳини безовта қилмасликка ундаш мақсадида ҳамда маййитни тупрокка топшириб кайтилган окшом ўтказиладиган «хотин ётди» деб номланувчи маросимда куйлайдилар. «Хотин ётди» маросими марҳумга шу окшом гўрда

кечадиган махсус савол-жавобдан муваффақиятли ўтиб, жаннатга етишиши учун мадад кўрсатиш, унга жаннатдан жой бериш мақсадида аёллар томонидан ўтказилади. Чунки жаннат аёлларга тегишли деб қаралади. Шу боис мотам аллалари марҳум учун жаннатдан жой сўраш мазмунидаги мисралар билан якунланади:

*Ал-омон – омонин бер,
Жаннатдан маконин бер.
Ҳар мусулмон банданинг
Беҳиитдан маконин бер,
Алла, алла, алла-ҳуя.*

Катталар ўлими юз берганда куйланадиган мотам аллалари ижро ўрни ва пайтидан ташқари, ижрочилари ва мавзу тузилишига кўра ҳам ўзаро фарқ қиласи. Масалан, тантанали дағн маросими жараёнида мотам аллаларини профессионал ижрочи аёл – аллагўй айтган аллаларнинг марҳум тилидан куйлаётган қисмида марҳумнинг қоронғу гўрида, танҳоликда кечайтган ахволидан шикояти, зорланиши баён этилса, кейинги қисмида куйловчининг унга тинчлик, хотиржамлик тилаши, бу кун ҳамманинг бошида борлигини уқтириши, жигарга жаннатдан жой сўраши ифода этилади.

Чақалоқлар учун мотам алласи қуруқ бешик тебратиб туриб айтилади. Шунинг учун халқ орасида бешикни боласиз, бўш ҳолда тебратиш ёмон ирим қилинади. Чақалоқ ўлимида ижро этилувчи мотам аллалари бола ёшига қараб иккига бўлинади ва улар мазмунига кўра фарқланиб туради: 1) ҳали алла эшитиш насиб этмаган, бешикка беламай туриб вафот этган чақалоқларга бағищлаб куйланадиган мотам аллалари; 2) бешик ёшида (40 кунликдан 3 ёшгача) бўлган ва бевақт вафот этган гўдаклар учун куйланадиган мотам аллалари.

Ёш болалар учун мотам аллалари, одатда, садр тушиб ижро этилади. Улар кўпинча боланинг дунёдан тўймай кетганлигини, бу ўтли армон ота-оналар қалбини куйдириши мотиви етакчилик қиласи. Чақалоқ ўлими алласини боланинг ота ёки она бибиси куйлаши мумкин. Баъзи ҳолларда чақалоқнинг онаси ёки бошқа яқин кекса аёл қариндоши ҳам куйлаши кузатилади.

Мотам маросимининг вербал кисмини ташкил этувчи мотам аллалари бадиҳатан яратилади. Уларнинг яратилишида мотам аллаларининг профессионал ижрочилари бўлмиш аллагўйларнинг роли катта. Мотам аллаларини ҳар ким айта олмайди. Аллагўйлар қўпроқ ёши ўтиб қолган кексарок тажрибали аёллардан иборат бўлади. Аллагўйлар гўяндалик килмайди. Гўяндалар мотам маросимида йиғи магиясига ишониб, «йиғи мархумга қайта жон баҳш этилади» деган эътиқод билан йиғи уйғотиш вазифасини бажарсалар, аллагўйлар, аксинча, йиғини тўхтатишига, Оллоҳ омонатини топшириб, руҳи тинчиган мархумни безовта қилмасликка чорлайди. Мотам аллалари халқнинг шунчаки ўлим орага солган мангуда жудолик изтиробларини ифодаловчи қўшиқ эмас, улар, асосан, инсоннинг инсонга меҳру оқибатини, сўнгги мурувватини намойиш этувчи меҳр байтлари ҳамдир. Чунки улар орқали мархумга абадий уйқусида ором, хотиржамлик тиланади.

Мотам аллаларида ўлимдан зорланиш, шикоят қилиш, тақдирга тан бериш, мархумга ачиниш, унинг абадий уйқусида хотиржамлик тилаш мотивлари етакчилик қиласди. Улар реал воқеликни шахснинг кечинмалари орқали акс эттиради. Мотам аллаларининг яна бир муҳим белгиси шуки, уларни исталган вақтда, тўғри келган жойда ижро этиб бўлмайди. Ўлим юз бермаган лаҳзада мотам алласини куйлаш қаттиқ ирим қилинади, тақиқланади.

Мотам аллаларида поэтик мазмун жуда содда ва лўнда баён этилади. Уларнинг бадиияти халқ шеъриятидаги бошқа жанрлар бадиияти каби юксакдир. Уларда турли бадиий санъатларни, сўз кўчимларини, композицион-стилистик воситаларни учратиш мумкин. Мотам аллалари, одатда, бармоқ вазнида яратилади. Улар бадиҳатан яратилиши боис вазн тузилиши ҳар хил ўлчовли бўлади. Шунингдек, уларда изчил банд тузилишига риоя қилинмайди, кўпинча иккилиқ ва тўртлиқ банд тузилишда учрайди. Мотам аллаларининг қофияланиш тартибида ҳам ранг-баранг ҳолатлар кўзга ташланади. Улар жонли халқ тилида яратилади. Мотам аллалари таркибида куйланувчи аксар тўртликлар йиғи-йўклов, лирик қўшиқ, болаларни ухлатиш

учун куйланадиган алла сифатида ҳам ижро этилиши кузатилади. Бундай функционал алмашишлар юз беришига матнларнинг мазмунан ва руҳан яқинлиги асос бўлади. Бошқа жанрдаги асослардан мотам аллалари мазмунан мархумга абадий уйку тиляшга қаратилганлиги, таркибида алла радифининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Хуллас, мотам аллалари ўзига хос жанрий белгилари билан ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида мустақил ўрни тугади. Улар инсонни нафақат тириклигига, балки ўлганида ҳам қадрлаш лозим эканлигини уқтириб туради.¹

¹ Ушбу мақола куйидаги манба асосида тайёрланди: Ўраева Д. Мотам аллаларини жанрий белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. – 1-сон. – с. 51–59.

Олим
ҚАЮМОВ
(1968 йилда тувилил)



Олим Садриддинович Қаюмов 1968 йил 4 февралда Навоий вилоати Хатирчи тумани Ҳонқа қишлоғида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Навоий филиали (ҳозирги Навоий давлат педагогика институти)нинг Ўзбек филологияси факультетида ўқиган (1985–92). Шу орада ҳарбий хизматни ўтаган (1986–88). Навоий давлат педагогика институтида ўқитувчи (1992–95). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олган (1995–98). Навоий давлат педагогика институтида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаган (1998–2011). Ҳозир Навоий давлат педагогика институти профессори (2011 йилдан). «Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси)» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган (1999). «Ўзбек шомон айтимлари» (2007), «Ўзбек фольклорида тарбия масаласи» (2009), «Эртак ва тарбия» (2009) каби рисолалар муаллифи.

**ПАРИ ОБРАЗИНИНГ ГЕНЕЗИСИГА
ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР**

Пари билан алоқадор ҳалқ қарашларига доир материаллар таҳлилидан маълум бўлдики, бу образ Марказий Осиё ҳалқларининг энг қадимий мифологик тасаввурлари тизимига

алоқадордир. Маълумки, пари ҳақидаги энг кўхна маълумотларни ўзида ифода этган ёзма ёдгорлик «Авесто» бўлиб, унинг барча қисмларида бу образ «пайрика» номи билан қайд қилинган. Пайрика мифологик персонаж номи бўлиб, генетик жиҳатдан пари образининг архаик кўринишларидан бири ҳисобланади. Аммо «пайрика» образининг талқини борасида илмий адабиётларда яқдиллик йўқ.

Масалан, В. Гертернинг фикрича, «Авесто»даги пайрика ғайритабиий ҳусну жамолга эга бўлган соҳибжамол аёл – гетерлар, ёвуз соҳира, яъни фея маъносида қўлланилган. Олимнинг мулоҳазалари «пайрика» атамасининг этимологиясини этник номлар асосида изоҳлашга қаратилган. Яъни эронийлардан аввал яшаган қабила зардўшийликка эмас, балки ибтидоий эътиқодлардан бошқа бирига топинган ва шу сабабли «Авесто»да бу этник ном асосида юзага келган мифологик образ ёвуз кучлар сирасига киритилгаи. Бу фикр, назаримизда, баҳсталабдир.

«Авесто» талқинича, «пайрика» ёвуз куч тимсолидир. Эрон авестошуноси Б. Саркарatinинг маълумотларига суюнган А. Е. Бертельс бу ҳақда шундай ёзади: «Авесто» матнларидан бирида пари ҳақидаги тасавурлар беақллилик ва жиннилик билан боғлаб талқин қилинади. Барча матнларда бу образ фақат ёвуз мавжудот сифатида тасвирланган. «Авесто»да битилишича, «айрим вайсақиларгина париларнинг яхшилик қилишига ишонадилар». Бу эса пари культи ва унга сифиниш анъанаси зардўшийлик ақидалари хукмрон диний эътиқод сифатида кенг тарқалган даврларда ҳам айрим жойларда сакланиб қолганлигидан далолат беради¹.

«Авесто»даги «пайрика» ёвуз куч сифатида тасвирланганлигига сабаб, унинг Ангро Майнью томонидан яратилганлигидир. «Яшт»нинг VIII фаслида айтилишича, оқ от қиёфасида намоён бўлувчи Тиштрияning вазифаларидан бири – кечаси само ёритгичларига ҳамла қиласидиган аёлсифат ёвуз маҳлук – пайрикаларга қарши курашиш. Тиштрияning мардонавор зарбасига дош беролмаган пайрика «бамисоли замин билан осмон оралиғида

¹ Бертельс А. Е. Пери // Культура и искусство народов Средней Азии в древности и средневековье. М., 1979. стр. 126.

учаётган юлдузлардек тўкиладилар». Пайрикаларга қарши курашувчи эзгу тангрилардан яна бири – Митрадир. У күёш ботгач, «зулмат қаъридан бош кўтармоқчи бўлган пайрикаларни маҳв этади» (Яшт, X. 26)¹.

Пайрикалар эзгулик кучларига, ёргулик ва ҳаёт тимсоллари нинг душмани сифатида тасвирланган. Улар Ахриманнинг ёзвуз ибтидолари жам бўлган зулмат оламига мансубдирлар. «Авесто» битикчилари бу ҳақда шундай ёзадилар: «Ахриман жанг килаётганларга ёрдам берсин деб, қора ибтидодан яратилган жуда кўп париларни ҳам жойлаштириди. Улар осмону фалакда чарх уриб айланаётган сайёралар теварагида бемалол юриш, истаган томонга қайрила олиш ва ҳаракат қилиш ўнғай бўлсин учун само ёритгичлари кўринишига кирадилар. Шу тариқа сайёраларга эврилган парилар кичикроқ руҳларни ўз домига тортишар, бошқаларга гўё нур таратгандай бўлиб, аслида, касаллик, оғриқ ва ўлимга маҳкум этар экан»².

«Авесто»да тасвирланишича, пайрикалар турли жониворлар қиёфасига ҳам кира олар экан. Масалан, пайрикалардан бири ит сувратида бўлиб, ўрмонда яшармиш. Агар уни учратган киши қилич билан ҳамла қилиб, итни иккига бўлиб ташласа, унинг жасадидан яна иккита кучук пайдо бўларкан³. Умуман, «Авесто»да пайрикалар соҳибжамол аёл ва жонзот (ит, каламуш каби) кўринишида бўлиши қайд қилинган.

Париларнинг ит кўринишида намоён бўлиши хақидаги қарашлар ҳозир ҳам сакланган. Бухоро вилоятининг Олот туманинаги Кўккўз қишлоғида яшаган табиб Олия момонинг эътироф этишича, унинг парилари баъзан кечаси ит бўлиб келар экан. «Гуландом» номли – тоҷик халқ эртагида подшо болаларини эмизиб, катта қиласиган парилардан бири катта қора ит сувратида тасвирланган⁴.

¹ Мифы народов мира. Т. 2. М., 1992. стр. 286.

² Литвинский Б. А. Семантика древних верований и обрядов памирцев // Средняя Азия и ее соседи в древности и средневековье. М.; 1981. стр. 95.

³ Мифы народов мира. Т. 2. стр. 286.

⁴ Таджикские народные сказки. Составление и обработка Р. Амонова. Душанбе, 1972. стр. 283.

Жоннинг ит кўринишида намоён бўлиши тўгрисидаги мифологик қарашлар парининг бу жонивор сувратида тасаввур қилинишига асос бўлган. Чунки қадимги одамлар тасаввурига кўра, ёвуз кучлар тимсоли ҳисобланган ялмогиз, жодугарлар ухлаган пайтларида уларнинг жони танани тарк этиб, қора ит шаклида оламни сайр этаркан. Ўлган одам рухи ит кўринишини олади деб ўйлаганлар. Ўлган киши жасади устидан ит сакраб ўтиши руҳнинг қайтиши аломати деб қаралган. Поляклар эътиқодича, сувга чўкиб ўлган кишиларнинг рухи ит сувратида намоён бўларкан¹.

Демак, одам ўлгач, унинг рухи жониворлар сувратига энади, яъни «қайта тирилади» деган халқ қарашлари асосида парининг итга эврилиши мотиви келиб чиқсан.

«Авесто»да тасвиirlанган пари (пайрика) образига хос асосий белгилар куйидагилардан иборат: а) ёвузлик оламига мансублик; б) антропоморф (инсон кўринишида) ва зооморф (жонзот) қиёфасида намоён бўлиши; в) ҳусну жамолда беназирлик; г) эзгулик олами вакилларига қарши курашиш; д) сехр-жоду кудратига эгалик; е) девлар билан алоқадорлик.

Пайрика образи «сехргарлар» ва «девлар» билан ёнма-ён қўлланилиши ҳам қизиқарлидир. «Яшт» китобининг Ардвисура Анахитага бағишланган «Ардвисур яшт» деб аталган кисмида пари ва сехргар образлари билан алоқадор лавҳа мавжуд. Ахурамазданинг кўрсатмасига биноан, Зардўшт «девлар душмани», «эзгу ҳомий» Ардвисура Анахита шарафига курбонлик қилишни урф қилган. Шундай курбонликлардан бири ҳақида «Авесто»да куйидагилар битилган:

*Хошянгха Парадата унга қурбонлик қилмоқ учун,
Хара чўққисига –
Юз от, минг ҳўқиз ва ўн минг қўй олиб келди.
Ва у шундай хитоб қилди:
«Эй, олийҳиммат, қудратли Ардвисура Анахита!
Сен менга щундай омад бахш этгинки,
Токи мен барча кишварлару,*

¹ Легенды, мифы и предания. М., 1992. стр. 20–23.

*Девлар, одамлар,
Сехргарлар ва париларга ўз ҳукмимни ўтказа олай!»¹.*

Бу матндан кўриниб турибдики, дастлабки мифологик ҳоқонлардан бири Хошиянгаха Парадатанинг мурожаатида «пари ва сехргарлар» икки мустақил образ сифатида берилмоқда. Юкоридаги мурожаат анъанавий формула бўлиб, «Ардвисур яшт»да бир неча марта такрорланган. Унда пари образи дев, сехргар, капалак сингари ёвузликка хизмат қилувчи образлар си-расига киритилган.

Пайрика (пари) образи Ўрта Осиёда яшаган қадимги дехқонларнинг зардўштийликдан бурунги мифологиясида шаклланган бўлиб, дастлаб ҳосилдорлик культи билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган. Зардўштийлик таълимоти келиб чиққач, эзгу кучлар тоифасига мансуб бўлган кўпгина мифологик образлар сингари пари ҳам ёвуз куч рамзига айлантирилган. Ахурамазда бошчилигидаги эзгулик кучларининг пари, дев каби ёвуз тимсолларга қарши муросасиз кураши мотивида зардўштийлик таълимотининг ўзидан аввалги эътиқодий инончларга қарши кураши ўз ифодасини топган.

Юқоридаги қисқача таҳлилдан сўнг биз пари образининг тарихий илдизлари ва мифологик образ сифатидаги ривожланиш босқичларини куйидагича даврлаштирдик:

пари – эзгуликка хизмат қилувчи ҳомий куч тимсоли (зардўштийликдан олдинги давр);

пари – ёвузлик оламига мансуб шайтоний куч тимсоли (зардўштийлик даври);

пари – мифологик ва бадиий образ (зардўштийликдан кейинги давр).

Хуллас, пари образининг генезиси Турон заминда истиқомат қилган қадимги аждодларимизнинг зардўштийликдан аввалги мифологик тасаввурлари ва ҳосилдорлик культи ҳақидаги қарашларига бориб тақалади.²

¹ Литература древнего Востока. М.; 1984. стр. 17.

² Ушбу мақола куйидаги манба асосида чоп этилмоқда: Қаюмов О. Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 4-сон. – 41–44-бетлар.

*Абдумурод
ТИЛОВОВ
(1970 йилда тувишкан)*



Абдумурод Тилавов 1970 йил 23 октябрда Навоий вилояти Нурута тумани Дехбаланд қишилогида туғилган. Ўзбекистон миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган (1988–93). Шу университетнинг аспирантурасида ўқиган (1993–95). Мазкур олий даргоҳда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган (1996–2015). Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида фаолият кўрсатмоқда (2016 йилдан). «Ўзбек халқ достонларида от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини» мавзусида номзодлик диссертацияси ни ёқлаган (2000). «Қизиқарли топшишмоқлар», «Қирқ ривоятга қирқ шарҳ», «Мактаб оиласдан бошлиланади», «Тарбия китоби. 7 ёйдан 70 ёшгача», «Ибратли ривоятлар ва хислатли ҳикматлар», «Энг сара аллалар», «Болаларга гап уқтириши санъати» китоблари чоп этилган. Шунингдек, «Туркий халқлар эртаклари», «Маснавий»дан ҳикоялар», Абу Ҳанифанинг «Мұснад», Султон Валаддининг «Маърифатнома», Ҳажар Асқалонийнинг «Мұнаббихот», Мұхаммад Законингиң «Саодат асридан сабоқлар» китоблари унинг таржимасида тақдим қилинган.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ҚАНОТЛИ ОТЛАР

Халқ достонларида от образи муҳим аҳамиятта эгадир. Чунки у керак ўринларда, яъни қаҳрамон мушкул ҳолатларга тушиб

қолганда ёрдамга келади ва мадад бўлади. Бундай отларнинг кўплаб ғайритабиий хусусиятлари мавжуд.

От образига хос мифик белгилардан бири бу отнинг күш билан боғлик ҳолда тасвирланиши, аникроғи қанотли эканлиги дидир. От образининг бадиийлигини таъминлашда биргина деталнинг нақадар аҳамиятга эга эканлигини, инчунун, халқ баххисининг тафаккур салоҳияти, бадиий маҳоратини кўрсатиш учун эпик отдаги мана шу хусусият ҳақида имкон қадар батафсилоқ тўхталишни мақсадгага мувофиқ деб билдики.

Қанот отда ҳар доим ҳам кўринавермайди. Қаҳрамон ва оти мушкул аҳволда қолганда, отнинг талаби билан унинг баданига эгаси томонидан «симдай ботиб кетгувчи» қамчи урилади ва от кўкка кўтарилади. Қанот душман ўқидан сақланишда ва асосан, пойгода «қўл келади».

«Алпомиши» достонида Барчинойнинг биринчи шарти, ораси қирқ кунлик йўл бўлган Бобохон тоғигача от билан пойга қилиш эди. Кўкалдошлиар шартни бузиб, Қоражон ва отини боғлаб, Бойчиборнинг оёғига гул мих қоқадилар. Боғланган банддан халос бўлиб, хафа турган Қоражонга от (аслида Рабжабхўжа эшон. – А. Т.) далда беради, уни жасоратга ундейди:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Қолдим, деб Қоражон, сира гам ема.
Жабр қилгин бундай ҳайвон жонига,
Қамчи ургин гўшит кўтарган сонига,
Етказарман Бойсин – Қўнгирот хонига...¹

Қоражон «жабр қилгач» Бойчиборнинг тўрт ярим газ қаноти ёзилиб, «яшиндай бўб» кўтарилади ва пировардидаги Бойчибор сўзининг устидан чиқади.

Қанотли от мотиви қардош халқлар оғзаки ижоди учун ҳам характерли ҳодиса. Масалан, бошқирд халқ достони «Урал

¹ Алпомиши, достон, айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, Тошкент, 1987. – Б. 113. Бу лавҳа достонлардаги қаҳрамон отининг яна бир мифик хусусияти – унинг гапириши кобилиятига эгалитини кўрсатмоқда.

Ботир»да бош қаҳрамоннинг Оқ бўз оти ҳам қанотли тулпордир.¹ «Авазнинг арази» номли туркман халқ достонида эса Ғиротнинг отаси «оқ қушдан»лиги Гўрўғли тилидан айтилади.

Аввало, эпосдаги қанотли отнинг мифик асосларини очишга ҳаракат қиласиз. Қадим аждодларимиз отларнинг қуш каби учишига ишонишган. Бу мифик тасаввурнинг изларини туркийлар яшаган ҳудудларда олиб борилган қазилма ишлари натижали-ри кўрсатмоқда. Пазириқ кўрғони ва Бухоро яқинидаги Варахша кўрғонидан, Мир Араб мадрасаси ёнидан чиқкан қанотли от ҳайкаллари ва Самарқанддаги Афросиёб кўрғони деворларидағи қанотли от тасвирлари аниқланган.

Радлов олтойлар юртига яқин бўлган эски турк қавмларининг илк юрти деб билинган Кам (Енисей) бўйларидағи Абакан (Миннусинск)да олиб борилган қазиашма ишлари давомида тош, суждан ишланган бир неча ҳайвон фигуralари топилган. Бронза даврига оид деб кўрсатилаётган бу топилмалар орасида йиртқич куш бошли отлар ҳам бор. Айни пайда бу топилмалар Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Достонлардаги бу мотивнинг илдизлари кўп жиҳатдан отнинг асли қанотли эканлиги ҳақидаги афсона-ривоятларга ҳам бориб тақалади, фикримизча. Масалан, Онадўлидаги Абдал турклари орасидаги бир афсонага кўра, от бир замонлар ҳам қанотли, ҳам сузиш аъзосига эга бўлган муқаддас маҳлуқот бўлиб, Қоф тоги (Кўхи Қоф) ортидаги сут кўлида яшаган. Ўлимга чора қидириб юрган Хизр алайхиссалом бир кун бу отларни кўриб қолади ва тутишга ҳаракат қиласиди. Уддалай олмагач, кўлга шароб қуйиб отларни бехуш қиласиди, қанотларини синдириб ташлайди ва ер юзига келтириб бу отларни кўпайтиради.

Хоразм вилоятидаги Хазорасп туманининг халқ этимологияси билан боғлиқ афсонада ҳам айни шу мазмунни кўрамиз. Айтишларича, мингта учар отни (таяқид биздан. – А.Т.) тутиб олиш учун бу отлар сув ичиб кетадиган булоқ сувига бехуш қилгувчи дори солиб кўядилар. Дориланган сувдан ичган отлар бехуш бўлади ва кўлга тушади. Отларнинг қанотларини қирқадилар ва инсонларга хизмат қилишга мажбур қиласидилар.

¹ Башкирский народный эпос. – М., – 1977. – С. 318.

Шундан кейин бу жой минг от маъносидаги «Хазорасп» деган ном билан юритилади.¹

Авшар турклари ҳам от асли қанотли бўлиб, Одам Ато билан бирга ерга тушганлигига ишонишади. Гўёки Одам Ато бу суюкли ҳайвон қайтадан кўкка учиб кетмасин, деб унинг қанотларини синдириб ташлаган экан.²

Туркий халклар орасида машҳур «Оқ бўз от» ва «Кўк бўз от» афсонасидаги отларнинг учиш қобилиятига эга бўлганлигини бу ўринда эслатиб ўтиш жоиз. Озарбайжон фольклоршуноси М. Сейидов эса, Ғиротнинг олов – ўтдан қаноти борлиги, «инсон кўзи тегиб», бу қанотлар эриб кетгани ҳакида ривоят мавжудлигини айтади.

Фикримизча, достонларимиздаги отнинг қанотли бўлишида аждодларимизнинг от ҳакидаги мифик тасаввурлари, чунончи, бу тасаввурлар асосида вужудга келган юкоридаги каби афсона, ривоятларнинг таъсири бор.

Достонлардаги отнинг қанот ёзиб қўкка сапчиши, елдек учиб, қаҳрамонни манзилига етказишига доир тавсифу тасвиirlарни, бир жихатдан, муболаға, ўхшатиш каби бадиият воситалари билан боғлаб талқин этиш, иккинчи томондан, туркийларнинг қадимги мифологик дунёқараши асосларидан келиб чиқсан ҳолда тахлил килиш ҳам мумкин. Юкоридаги карашларимиз буни исботлайди.

Отдаги бу мифик белгининг достон учун аҳамияти борми? Ҳ. Зарипов отдаги қанот ҳакида тўхталиб, достонлардаги отга нисбатан эртаклардаги отларда қанот кўпроқ аҳамият касб этишини айтади: «Борди-ю, Ғирот билан Бойчиборнинг барча хусусиятларини саклаб, қанотсиз тасаввур этсак, асарга хеч қандай путур етмайди. Масалан, Бойчиборнинг қаноти пойгачиларга етиб олиш учунгина хизмат қиласди...»

Бизнинг фикримизча, пойга эпизодида отда пайдо бўлган мифик қанот достон учун катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари

¹ Бу ҳақда қаранг: Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т., 1990. Б. 178-179.

² Хоразм вилояти, Хазорасп туманидаги бир қишлоқ номи «Авшар» деб аталади.

жанговар отнинг қанотли ҳолда тасвиirlаниши достончининг бадиий маҳорати билан ҳам боғлик. Сўзимизга аниқлик киритиш мақсадида «Алпомиши» достонидаги пойга эпизодини яна бир бор эсга оламиз.

Қоражон боғланган банддан халос бўлиб, «отнинг устига минди, от оёгини босолмай турди. (Чунки Кўкалдошлар от оёғига урган гул михлар ялпок тизгача кирганди. – А. Т.) Қоражон «Пойгага бекор келган эканман»,¹ деб турган эди. У тушкун ҳолатда... Пойгачиларга етиб олишдан умидини узган. Бундай оғир аҳволда отнинг Кўкалдошларга етиб олиши мушкулгина эмас, мумкин эмас эди. Нима қилиш керак? Ҳамма энди нима бўларкин, деб достонни жон кулоғи билан тинглаб турган вазиятда зукко бахши отга қанот «беради», инчунун, тушкун кайфиятдаги тингловчи психологиясига ҳам таъсир кўрсатади, унинг кайфиятини «жойига туширади».

Бажши пойгада Бойчиборни қанотсиз ҳам «ўздириши» мумкин эди. Аммо у ҳолда тингловчида қаҳрамон отига нисбатан ишончсизлик туғиларди.

Хулюса қилиб шуни айтиш мумкинки, достонлардаги қаҳрамоннинг отини исталган ўринда қанотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Отдаги қанотнинг, умуман, мифик белгиларнинг бўлиши ҳам бежиз эмас; бу белгилар достон учун муҳим детал бўлиб хизмат қиласи. Фикримизча, ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридаги отларда қанотнинг бўлиши, доно ҳалқимизнинг отни қандай яхши кўриши, унга меҳр бериши ва от билан кўплаб орзуларини боғлагани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

¹ Алпомиши. – Б. 75.

**XX АСРДА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ БЎЙЧА
ХИМОЯ ҚИЛИНГАН ДИССЕРТАЦИЯ ИШЛАРИ**

Докторлик диссертациялари

№	Фамилияси, исми-шарифи	Диссертация мавзуси	Химоя қилганийили
1	Қодиров Мухсин Халилович	Ўзбек халқ драмаси	1965
2	Зарифов Ҳоди Тиллаевич	Нашр қилинган ишлари бўйича фан доктори илмий дарражаси берилган	1965
3	Раззоқов Ҳошимжон	Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор	1970
4	Қобулниёзов Жуманиёз	Ўзбек фольклорининг шаклланиши ва тараққиёт йўллари	1973
5	Муродов Малик	Ўзбек «Гўрўғли» достонларининг жанр ва ғоявий-бадиий хусусиятлари	1975
6	Сайдов Муҳаммаднодир Собитович	Ўзбек халқ достончилигида бадиий маҳорат масалалари	1976
7	Мирзаев Тўра	Ўзбек халқ баҳшиларининг маҳорати ва улар репертуарининг асосий хусусиятлари	1986
8	Имомов Комил	Ўзбек халқ насли жанрларининг генезиси ва поэтик трансформацияси	1986
9	Саримсоқов Баҳодир Исокович	Ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва поэтикаси	1987
10	Жалолов Файрат Орипович	Ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг генезиси ва поэтикаси	1987
11	Абдуллаев Ҳамдам	Ўзбек-коракашпок эпоси алоқалари ва типологияси	1988
12	Рўзимбоев Сафарбой	Хоразм халқ достонларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси	1990
13	Мусина Фолима Гайсиевна	Ўзбек халқ достонларида хотин-кизлар образи	1990
14	Жуманазаров Умрзок Абдураззокович	Ўзбек тарихий фольклорининг жанрлари состави ва уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари	1991
15	Мусакулов Абийр	Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари	1995
16	Ёрматов Исимиддин Турғунович	Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси («Алномиши» достони мисолида)	1995
17	Жўраев Маматкул	Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари	1996
18	Абдуллаев Рустам Самиғович	Марказий Осиё халклари маросим мусикаси	1997

Номзодлик диссертациялари

№	Фамилияси, исми-шарифи	Диссертация мавзуси	Химоя қилганийили
1	Зарифов Ҳоди Тиллаевич	«Маликаи айёр» достонининг нашри учун берилган	1943
2	Афзалов Мансур Иноятович	«Фарҳод ва Ширин» достонининг халқ варианatlари	1950
3	Тожибоев Фозибой	Фозил Йўлдош ўғлининг ижоди	1954
4	Собиров Охунжон	Ислом шоир Назар ўғли ижоди	1955

5	Алавия Музайяна	Ўзбек халқ қўшиклари	1959
6	Сайдов Муҳаммаднодир	«Малика Айёр» достони	1960
7	Мухаммадиев Расул	Асқия – ўзбек халқ ижоди жанри	1961
8	Жалолов Файрат Орипович	Ҳамза ва халқ оғзаки ижодиёти	1962
9	Муродов Малик	Ўзбек халқ достонларида Гўрўғли образи	1962
10	Жураев Ёкубжон	Ўзбек фольклорида давр образи	1963
11	Мирзаев Тўра	Алпомиш» достонининг ўзбек варианtlари	1965
12	Очилов Темир	Маматкарим полвон» достонининг тарихий асослари	1965
13	Аскаров Сиддик	20-йиллар ўзбек адабиётида фольклор анъаналари	1966
14	Ашупов Тиловкул	Ўзбек халқ достонларида юмор ва сатира яратиш йўллари ва воситалари	1967
15	Хусаинова Зубайдা	Ўзбек топишмокларининг асосий хусусияти ва манбалари	1967
16	И момов Комил	Ўзбек сатирик эртакларида ижтимоий мотивлар	1968
17	Мўминова Анора Усмоновна	Ўзбек халқ эртакларида хотин-қизлар образи (реализм ва романтизм тенденциялари асосида)	1968
18	Шодиева Сиддика Файзиевна	«Соҳибқирон» достонининг гоявий-бадиий хусусиятлари (эпоснинг турли версияларини киёсий ўрганиш тажрибаси)	1968
19	Миркамолова Марҳабо Абдухамидовна	Ўзбек-лақайлар фольклорида «Гўрўғли» достонларининг ўрни	1972
20	Рўзимбоев Сафарбой	Хоразм воҳаси ўзбек халқ қўшикларининг гоявий-бадиий хусусиятлари	1972
21	Каххоров Абдумўмин	«Келиной» туркуми достонларининг ўзига хос хусусиятлари	1972
22	Жаҳонгиров Фани	Ўзбек болалар фольклори	1973
23	Оқбўтаев Ҳайдар	Халқ китобларининг гоявий-бадиий хусусиятлари	1973
24	Ражабов Райимкул	«Зевархон» достонининг генезиси, тарқалиши ва гоявий-бадиий хусусиятлари	1973
25	Очилов Камол	Ўзбек халқ меҳнат қўшиклари (Қашқадарё вилояти материаллари асосида)	1974
26	Умаров Субҳонкул	Ўзбек халқ достонларида бош қаҳрамон талқини (Муҳаммадкул Жонмурот ўғли Пўлкан репертуари мисолида)	1974
27	Аълоев Амин	Янги давр достонларида традиция ва новаторлик масалалари	1975
28	Йўлдошева Фарида	Халқ қаҳрамони Насриддин Афанди образини типиклаштириш муаммоси	1975
29	Саримсоқов Баҳодир	Ўзбек адабиётида сажъ	1976
30	Абдуллаев Рустам	Катта ашула жанри ва унинг намояндалари	1982
31	Жуманазаров Умрзок Абдураззокович	Ўзбек халқ тарихий қўшиклари (спецификаси, таснифи ва поэтикаси)	1982
32	Мирзаева Муаззам Қодировна	Гўрўғли» достонларида наслий туркумлик проблемаси («Ҳасанхон» туркуми мисолида)	1982
33	Бобоев Маманазар	Ўзбек халқ эпосининг тарихийлик принциплари типологияси	1983

34	Мадаев Омонулла	Хоразм достонлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари	1983
35	Нурмуров Йўлдош	Ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи ва немис тилига илмий-адабий таржима қилиш проблемалари	1983
36	Обидова Маҳмуда	Рустам» туркум достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари	1983
37	Алимов Сайдкул	Ўзбек адабиётида адабий эртак жанрининг шакланиши ва ривожланиши	1984
38	Йўлдошева Саодат	«Алномиш» достонининг поэтикаси (сюжетини ташкил этувчи мотивлар, ўхшатиш ва эпитет)	1984
39	Мусакулов Абийр	Ўзбек фольклорида терма (жанр хусусиятлари, классификацияси, поэтикаси)	1984
40	Кўшимков Мухаммадали	Анъана ва бадиҳагўйлик масалалари (Кўргон достончилик мактаби вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуарни мисолида)	1984
41	Ёрматов Исомиддин Тұрғунович	Хозирги ўзбек адабиётида фольклоризмлар типологияси	1985
42	Зуфаров Тұхтамурод Үсмонович	Ўзбек халқ достонларининг спецификаси ва уларнинг бадиий тасвир воситалари	1985
43	Турсункулов Аббос	Ўзбек фольклорида биографик ва автобиографик асарлар ҳамда уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари	1985
44	Холикулов Жўрабой	«Гўруғлиниң туғилиши» достонининг Гўруғли туркумни ривожлантиришдаги ўрни	1985
45	Қаландарова Марзия	1916 йил кўзғолонининг ўзбек фольклоридаги бадиий талқини (тарихий, анъанавийлик ва новаторлик масаласи	1985
46	Мамашукоров Қаюм	«Нурали» туркуми достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари	1986
47	Жўрасев Маматкул	Ўзбек халқ эртакларидаги «сексхли» ракамларининг тарихий асослари ва поэтик вазифалари	1987
48	Турдимов Шомирза Фаниевич	Ўзбек халқ лирик қўшикларида поэтик рамз ва унинг функцияси	1987
49	Файзулла Аймок	Афғонистон ўзбекларининг халқ қўшиклари	1987
50	Қозоков Дехқонбай	Ўзбек халқ сатирик қўшиклари	1987
51	Носиров Содикжон	Ўзбек халқ оғзаки ижодида ижрочилик маҳорати (эртакчи ва асқияబозлар мисолида)	1988
52	Сапаров Акташ	Ўзбек халқ достонлари ритмикаси ва уни рус тилида тиклаш масалалари	1989
53	Бекмуродов Иброҳим	Ўзбек-қозок фольклор алоқалари	1990
54	Ёқуббекова Мунаввара Мухамедовна	Ўзбек халқ аллаларининг жанр табииати ва бадиий хусусиятлари	1990
55	Маҳмудова Клара	Фольклор ва замонавийлик (бадиий ҳаваскорликнинг ривожланишида фольклорнинг роли)	1990
56	Холмирзаева Сайёра Шукурновна	Ўзбек халқ эпосидаги бадиий шартлиликнинг ўзига хос хусусиятлари	1990
57	Жуманиёзов Рахимбай Маткаримович	«Юсуфбек ва Аҳмадбек» достони ва унинг тарихий асослари	1991
58	Эргашев Абдиолим	Шеробод достончилик мактаби	1991

59	Мирзаева Салима Райимжоновна	Ўзбек афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиийлиги	1993
60	Ўраева Дармон Сайдахмедовна	Ўзбек халқ лирик қўшикларида параллелизмларнинг характеристики ва бадиий-композицион вазифалари	1993
61	Хайдаров Тохир Мирхолиқович	«Гўрутли ва мифология синкретизми	1993
62	Бекназаров Кўшмурод	Ўзбек халқ маиший эртаклари (ўрганилиши, таснифи ва поэтикаси)	1994
63	Соатов Файрат	Ўзбек халқ анъянавий байрамлари таркибидағи фольклор асарларининг поэтик хусусиятлари	1994
64	Эгамкулов Бахтиёр Абдумавлонович	Эпик шеър ва эпик синкретизм	1994
65	Эшчонова Гавҳар Отажоновна	«Ошик Ғариф ва Шоҳсанам» достонининг вариантилари	1994
66	Курбонова Нафиса Хусеновна	Ўзбек болалар маросим фольклори	1994
67	Қўчкоров Несматулла Нормуродович	Ўзбек халқ олқишиларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти	1994
68	Тогаева Дибором Соттибековна	Ўзбек оғзаки демонологик ҳикояларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти	1995
69	Шамсиева Бахтия Арифонва	Хорижий адабиётшуносликда ўзбек фольклори масалалари таҳлили	1995
70	Давлатов Сойибназар	Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори	1996
71	Жумаева Салима Чўяновна	Хайвонлар ҳақидаги эртакларининг генетик асослари ва спецификаси	1996
72	Матёкубов Ботир	Хоразм достонларининг мусикий хусусиятлари	1996
73	Жуманиёзов Бахромбой	Ўзбек фольклорида ялмогиз образи	1997
74	Мадрахимова Назира Ёқубовна	«Ширин билан Шакар» достонининг киёсий типологик таҳлили (узбек ва корақалпқ версиялари асосида)	1997
75	Рахмонов Тожиддин Латипович	Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг асоси сифатида	1997
76	Рўзимбоев Ҳуррам Сапарбоевич	Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари)	1997
77	Эшонкулов Жаббор Солиевич	Ўзбек фольклорида дөв образининг мифологик асослари ва бадиий талқини	1997
78	Галиев Шамил	Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси	1998
79	Рахмонов Баҳодир	Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши	1998
80	Косимов Нозим	Ўзбек халқ лапарлари (жанр спецификаси ва бадиияти)	1998
81	Диванова Иқболой	«Хурлико ва Ҳамро» достони вариантиларининг киёсий таҳлили	1999
82	Исмонов Оқибатхон Олимжоновна	Ўзбек тўй маросим фольклорида «келинсалом» жанри (генезиси, спецификаси, поэтикаси)	1999
83	Қаюмов Олим Садриддинович	Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси)	1999
84	Куронбоева Наргиза	Хоразм тўй қўшиклари	1999

М у н д а р и ж а

ХХ аср ўзбек фольклоршунослигининг	
ўзига хос хусусиятлари	3
Ғози Олим – «Алпомиш» достони	18
Элбек – Лапарлар	21
Ғулом Зафарий – Чигатой-ўзбек халқ театруси	25
Ҳоди Зариф – Аршақ – шақ қаҳрамони	32
Буюк Каримий – Ўзбек халқ эртакларининг	
баязи бир хусусиятлари	49
Музайяна Алавия – Ўзбек фольклорида ўлан жанри	64
Мансур Афзалов – Ҳайвонлар ҳакидаги эртаклар	79
Расул Муҳаммадиев – Асқия жанри ва	
унинг тил хусусиятлари	89
Жуманиёз Қобулниёзов – «Ошиқ Махмуд» достони	101
Ҳошимжон Раззоков – Эпик ижодда сатира,	
юмор ва комик қаҳрамон	107
Зубайда Ҳусаинова – Топишмоқ терминлари	120
Охунжон Собиров – «Махтумкули ва ўзбек баҳшилари»	128
Тожибий Ғозибоев – «Ёзи билан Зебо» достонининг	
Наманган варианatlари	136
Ғани Жаҳонгиров – Болалар топишмоқлари	149
Темир Очилов – «Маматкаrim Полвон»	
достонининг тарихий асослари	157
Муҳаммаднодир Саидов – «Малика Айёр»	
достонининг жанр хусусиятлари	170
Абдумўмин Қаҳхоров – Достончи Шерна ҳақида	182
Комилжон Имомов – Эртакчи ва эртакчилик анъаналари	189
Муҳсин Қодиров – Қўғирчоқ ўйин	198
Ғайрат Жалолов – «Алпомиш» ва халқ эртаклари	210
Малик Муродов – Ўзбек халқ достонларида образ	
яратиш усуслари ҳақида баязи мулоҳазалар	218

Муаззам Мирзаева – Ўзбек халқ достончилигига	
туркумлик	227
Сиддиқа Шодиева – «Соҳибқирон» достони	
ва унинг варианatlари	234
Тўра Мирзаев – Фольклор ва унинг	
асосий хусусиятлари	249
Тўхтамурод Зуфаров – Дўмбиранинг асрори	
..... 265	
Камол Очилов – Хирмон янчиш қўшиқлари	
..... 273	
Тиловқул Ашурев – Халқ достонларида	
қаҳрамон-тиланлар образи талқинига доир	286
Сафарбой Рўзимбоев – Хоразм воҳасидаги этнографик	
жараёнлар ва уларнинг эпик анъаналарга таъсири	295
Охунжон Сафаров – Болалар фольклори	
..... 307	
Омонулла Мадаев – Халқ достонлари	
генезисига доир	322
Фарида Йўлдошева – Насриддин Афанди образи	
ва латифанинг жанр хусусиятлари	334
Баҳодир Саримсоқов – Фольклоризмлар типологияси	
масаласига доир	346
Худойберган Эгамов – Мотив ва сюжет	
..... 359	
Қаюм Мамашукоров – «Нурали» туркум	
достонлари ҳақида	373
Фармон Райхонов – Халқ мақоллари ва	
топишмоқларида қофия	382
Жумабой Юсупов – Дағн маросими ва унинг	
эртаклардаги бадиий кўчими	390
Саодатхон Йўлдошева – «Алпомиши» достони	
улуғланган миллий қадрият	398
Ғулом Ақрамов – Манистик мифология	
..... 406	
Рустамбек Абдуллаев – Номоддий маданий	
мерос ва замон	414
Муҳаммадали Қўшмоқов – Мулла Эргаш	
– Булбул Эргаш	429
Абийр Мусақулов – Халқ лирикасида соч образининг	
тарихий-этнографик асослари	435
Мунаввара Ёқуббекова – Халқ қўшиқларида сўз сехри	
..... 446	
Ботир Матёқубов – Ўзбек достонларининг	
музиқий хусусиятлари	454

Аббос Турсунқұлов – Автобиографик достонларнинг	
жанр хусусиятлари	465
Исомиддин Ёрматов – Ўзбек халқ ирим айтимларининг	
жанр хусусиятлари	471
Умрзок Жуманазаров – Афсона ва ривоят	
жанрларининг ўзаро муносабати	483
Маматқул Жўраев – Ўзбекларнинг шамол билан	
боғлиқ мифологик тасаввурлари	492
Шомирза Турдимов – Қаҳрамонлик эпосида	
алплик тизими	507
Шорустам Шомусаров – Араб ва туркий халқлар	
эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили	521
Собит Авезов – Воеабанд санамалар	534
Оқибатхон Исмонова – «Келинсалом» қўшиқларининг	
жанр хусусиятлари	544
Салима Мирзаева – Барқарор эпик формуладар	
поэтиласига доир	550
Жаббор Эшонқұл – Эпос ва маросим	558
Дармон Ўраева – Мотам аллаларининг	
ўзига хос хусусиятлари	568
Олим Қаюмов – Пари образининг генезисига	
доир мулоҳазалар	575
Абдумурод Тиловов – Халқ достонларида	
қанотли отлар	580

**XX аср
ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ**

А н т о л о г и я

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент – 2017

ISBN 978-9943-07-566-5



9 789943 075665

Мухаррир *Л. Ҳасанова*

Бадиий мухаррир *А. Ёқубжонов*

Саҳифаловчи *Д. Ҳасанова*

Нашриёт лицензияси: AI № 160. 14.08.2009 й.

10.12.2017 йилда босишига руҳсат этилди.

Қоғоз бичими 60x90 1/16. Офсет қоғозда босилди.

37,00 шартли босма табоқ. 32,00 нашриёт-хисоб табоғи.

Адади 300 нусха. Буюртма № 55.

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти
100011, Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 30-үй

«Ёшлилар матбуоти» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100113, Тошкент ш., Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60-үй.

